

**Муҳаммаджон Мадғозиев,  
Раҳматуллоҳ Файзуллаев,  
Нодиржон Абдулаҳатов**

# **ХОЖАЖОН ҚОЗИ РОЖИЙ МАРҒИОНИЙ**

**УЧИНЧИ КИТОБ**

“NOSHIR”

Тошкент – 2016

Масъул муҳаррир:  
**Шайх Абдулазиз Мансур**

Тақризчилар:  
**Шодмон Воҳидов**  
тарих фанлари доктори

**Икромиддин Остонакулов,**  
тарих фанлари доктори

“Рожий Марғиноний” /М.Мадғозиев, Р.Файзуллаев, Н  
Абдулаҳатов. 2015 й.

“Марғиноний алломалар” туркумида яратилган ушбу китоб XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марғилонда яшаб ўтган шоир, фақиҳ ва жамоат арбоби Хожажон қози Низомиддин ўғли Рожий Марғиноний (1834 – 1918) ҳаёти, бадиий-ижодий фаолияти ва инсоний фазилатлари ҳақида ҳикоя қилади. Муаллифлар аллома яшаган даврда ёзилган турли кўлёмалар, архив ҳужжатлари ва кейинги даврда яшаган кишилар хотиралари асосида ўзига хос манокіб – рисола яратишга муяссар бўлишган. Тарихий-агиографик жанрда ёзилган янги тадқиқотда XIX аср ва XX аср бошлари Марғилон маданий муҳитига тегишли қимматли маълумотлар ҳам жамланган бўлиб, у ўзбек маданиятшунослигини янги манба билан бойитган. Муаллифлар гуруҳи раҳбари устоз Муҳаммадجان Мадғозиев ушбу китобни академик Воҳид Абдуллаев ҳамда Шарқ адабиёти билимдони, қатағон даври жабрдийдаси Абдулқодир Азизов Жомеъ Самарқандийлар хотирасига бағишланганлигини эҳтиром ила таъкидлайди.

*"Марғилон шаҳрининг қозийи калони Хожасон қози бирлан маърифат пайдо айладим. Аруз фанида кўп моҳир киши экандур. Туркий газал машқида табъи кўп латиф ва равон эрмиш. Амир Алишер Навоийнинг бир газалига қилган мухаммаси кўп мустаҳсан кўринди. Писандида атвор ва ҳамида афъол киши экандур. Тариқат йўлига кирган, муҳаббатлик киши экандур".*

*(Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат)*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг  
24 йиллигига бағишланади.

## بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

### Сўзбоши

Аллоҳ таолога туганмас ҳамду санолар, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга салавоту саломлар ва барча саҳобаларига Аллоҳнинг раҳматлари бўлсин!

Жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига ўзининг буюк фарзандлари билан бекиёс ҳисса қўшган Мовароуннаҳрнинг тарихий шаҳарлари орасида Марғилон шаҳрининг алоҳида номи борлиги бугун кўпчиликка яши маълум. Зеро, мазкур шаҳардан илм-фаннинг турли соҳалари бўйича, айниқса, Ислом ҳуқуқшунослиги ривожига катта ҳисса қўшган кўплаб алломалар етишиб чиққан. Бу ҳақда Республикамиз Президенти И.Каримов Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилеи муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда сўзлаган нутқларида жумладан, шундай деган эдилар:

*“Табаррук Марғилон диёрида дунёга келиб камол топган алломалар миллий салоҳиятимиз, миллий тафаккуримиз қудратини намоен этадиган ўлмас асарлар яратгани ҳам бу заминнинг илоҳий хосиятидан далолат беради. Ҳеч шубҳасиз, бундай беназир зотлар, аввало, Аллоҳнинг назари тушган, унинг ўзи азиз қилган муқаддас жойдангина етишиб чиқади, десам, ўйлайманки, сизлар бу фикрга қўшиласиз”.*<sup>1</sup>

Манбалар шуни кўрсатадики, “Марғионийлар сулоласи” номи билан танилган ушбу силсила тарихнинг барча даврларида дунёнинг турли мусулмон мамлакатларида изчил давом этган ва унинг машъали авлодлар ўртасида қўлма-қўл бўлиб келган.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Асарлар. 16-жилд. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2008. – 67-б.

XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Марғилонда яшаб фаолият олиб борган буюк аллома, тасаввуф шайхи, фақиҳ ва шоир Хожажон қози Рожий Марғинович ҳам жаҳон халқлари эътироф этган миллатимиз маънавий хазинасининг бебаҳо дурларидан экани шубҳасиз. Зеро, алломанинг илм-маърифат, адолат ва эзгулик йўлида олиб борган қизғин фаолияти, халқимиз маънавиятини юксалтиришга қўшган ҳиссаси таҳсинга лойиқ.

Талабалик давримизнинг Марғилонда ўтган давларида бу зот ҳақида эшитган ва ҳанузгача ёдимизда сақланиб қолган шингил ибратли ҳикоялар тасаввуримизда Хожажон қози Рожийни ҳақиқатгўй олим, шариат ҳимоячиси, мазҳаб муҳофазаси йўлида фидойи шахс сифатида гавдалантирган бўлса-да, у зоти шарифни бутун ҳаёт-фаолияти ҳақида тўлиқ хулоса чиқариш учун етарли эмас эди. Бинобарин, илмий асосланган маълумотларга эҳтиёж катта эди. Фарғоналик адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент Муҳаммаджон Мадғозиев раҳбарлигида амалга оширилган ушбу китоб ана шу эҳтиёжни таъминлаш йўлидаги улкан қадам бўлди.

Тадқиқотчилар узоқ йиллик изланишлар давомида Хожажон қози Домла Рожий Марғиновичнинг бутун бошли ҳаёти, илмий ижодий фаолияти билан изчил шуғулланганлар. Аллома яшаган даврда ёзилган турли қўлёзмалар, архив ҳужжатлари ва кейинги даврда яшаган кишилар хотиралари асосида кенг қамровли тадқиқот олиб борганлар. Натижада Рожий Марғиновичнинг инсоний фазилатлари, ибратли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи тарихий-агиографик йўналишдаги маноқиб-рисола вужудга келган.

Китобда аллома ва замондошлари ҳақида келтирилган бир-биридан қизиқ ибратли лавҳалар кишига ўзгача завқ беради. Мавзулар алоҳида катта ва кичик бобларга ажратилгани, воқеалар назмий асарлар билан зийнатлангани ўқувчига руҳий қувват бағишлайди. Тарихий воқеълик билан бирга кўпроқ ахлоқий-маънавий жиҳатларга урғу берилиши унинг

халқчиллигини таъминлаган бўлса, воқеаларнинг ҳар бири ишончли манбалардан олингани унинг илмийлигини оширган.

Рожий Марғинойийнинг у ёки бу фазилатини ёритиш баробарида ўтмиш салафи солиҳлар ҳаётидан мисолларни ҳам келтирилиши китоб таъсирчанлигини оширибгина қолмай, китобхонга воқеаларни бир-бирига муқоёса қилиш имконини беради. Айниқса, Рожий Марғинойийнинг узок йиллик қозилик фаолияти, ижтимоий адолатни қарор топтириш йўлида қўллаган услуб ва қоидалари аждодларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва савияси нечоғли юқори бўлганининг ёрқин намунасидир. Шу жиҳатдан бу ҳуқуқий меросимиз тарихини ўрганишда муҳим омилдир.

Китобда Ватанимиз халқларининг мустамлака давридаги аянчли аҳволлари ҳам тилга олиб ўтилгани кишилар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда, бугунги дориломон кунлар қадрини янада яхшироқ англашда хизмат қилиши шубҳасиз.

Рожий Марғинойийнинг илмий-ижодий фаолияти, маънавий мероси XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги тасаввуф адабиёти ва тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб қилишидан ташқари, уларда олға сурилган ахлоқий ғоялар фарзандларимиз маънавий тарбиясида бебаҳо ўғитдир.

Бир сўз билан айтганда, "Марғинойий алломалар" рукни остида чоп қилинаётган ушбу китоб ҳам аввалги "Муҳаммад Юсуф Ҳазин", "Абдусаммад Қоил Марғинойий" китоблари каби халқимиз маънавияти ва маърифатини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшади деган умиддамиз.

Шайх Абдулазиз Мансур,  
*Ўзбекистон Муслмонлари идораси раисининг  
ўринбосари, нашр масъул муҳаррири.*

## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ МЕРОСИ ИЗИДАН

Мухтарам Президентимиз И.Каримов Бурҳониддин Марғинович таваллудининг 910 йиллик юбилейида сўзлаган нутқларида жумладан, шундай деган эдилар:

*“Биз Марғилон деганда нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ислоҳ оламнинг фахри бўлмиш Бурҳониддин Марғинович бобомизнинг муборак номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Мусулмон уммати орасида “Ҳидоят йўлининг сарбони” деган юксак эътирофга сазовор бўлган бу мумтоз сиймонинг буюк мероси, ибратли ҳаёти ва маънавий жасорати тўққиз асрдан буён ўзининг улкан аҳамияти ва қадр-қимматини йўқотмай келмоқда.*

*Марғилоннинг мўтабар заминиди бу улуғ зотнинг кўлаб сафдош ва издошлари илму маърифат, дину диёнатни юксалтириш йўлида беқиёс хизматлар қилгани ҳам кейинги йилларда ўз исботини топаётгани эътиборга сазовор.”<sup>2</sup>*

Маълум бўлмоқдаки, кўхна Марғилон шаҳри қадимдан кўлаб буюк алломалар, фақиҳлар, шоир ва адиблар юрти бўлиб келган. Илм-маърифат, дину диёнатни юксалтириш йўлида беқиёс хизмат қилган ана шундай улуғ сиймолардан бири аллома, шоир ва фақиҳ Хожажон Хожа Рожий Марғинович экани шубҳасиз. Зотан, у зот тараққийпарвар, маърифатпарвар ижодкор сифатида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида мамлакатимиз халқлари тарихида рўй берган муҳим ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар даврида яшаб, ўзининг юксак истеъдоди, маънавий жасорати билан миллатимиз тарихи, хусусан, мамлакатимиз ҳуқуқшунослиги ва мумтоз адабиёти тарихида ўчмас из қолдира олган алломалардан бири эди.

Марғилон шаҳрининг қози калони бўлмиш алломанинг ҳаёт ва фаолияти билан яқиндан танишар эканмиз, у кўп соҳаларнинг моҳир билимдони сифатида кўз олдимизда намоён

---

<sup>2</sup> Каримов И. Асарлар. 16-жилд. –Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2008. – 67-б.

бўлади. Тарихий манбалар бизга у зотни аллома, факих, тарихчи, мутасаввиф, адиб ва шоир, файласуф ва жамоат арбоби сифатида танитади.

У нафақат қози, айна пайтда фатво берувчи муфтий, ҳукм чиқарувчи ҳакам, ҳам уламолар мажлисида етук олим, шоир ва адиблар даврасида улкан сўз санъаткори, тариқат шайхлари ҳузурда “муҳаббатли пир”, сўфийлар мажлисида етук мутасаввиф сифатида серқирра фаолият олиб борган. Ҳа, Рожий Марғиноний ўзининг серқирра фаолияти билан жамиятнинг барча соҳаларига кириб бориб, мазкур ҳудудларда ижтимоий барқарорликни таъминлашда, аҳолининг маънавий-маърифий соҳадаги тараққиётини юксалишига катта ҳисса қўша олган эди.

Рожий ўзига замондош бўлган Номий, Ҳазин, Толий каби уламолар, Фурқат, Муқимий, Завқий, Ҳазиний, Хокий сингари ижодкорлар билан тарихан бир даврда яшаган ва ижод қилган бўлса-да, улардан фарқли равишда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Қози калон, қозилар саёзи (съезди) раиси мартабасига кўтарилиб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, ижтимоий адолатни қарор топтиришга интилди. Ўз даврида унинг доврўғи бутун Қўқон хонлиги ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларга етиб бориб минтақа аҳолиси ўртасида катта обрўга эга бўлгани учун ҳам мазкур ҳудудлар диний-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётига оид воқеаларда унинг доимий иштироки ва мустаҳкам ўрни бўлган.

Рожий Марғинонийнинг Тошкент, Қўқон, Андижон, Наманган, Косон, Ўш, Бухоро, Хўжанд, Шаҳрихон ва фарғоналик илм-маърифат аҳли, зиёлилар билан бўлган илмий алоқалари, мазкур ҳудудларда олиб борган амалий фаолиятлари жамият маданий ва маънавий тараққиётига қўшилган ҳисса сифатида эътиборга молик. Унинг ҳузурига машҳур шарқшунослар Бартольд, Закий Валидий Тўғон кабиларнинг келиши, ундан Шарқ мумтоз адабиёти ва қозилик тарихи бўйича баъзи нодир маълумотларни сўраб олиши бежиз бўлмаган. Унинг Абул Маоний Бедил ғазалиёти бўйича эришган шуҳрати Ҳиндистон уламоларига қадар етиб боргани таҳсинга лойиқ.



Аллома ўз ҳаётининг тенг ярмини камраб олган қозилик фаолиятдан келиб чиқиб доим мазлумлар тарафида туриб ҳақ ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлидаги интилишлари, аҳолининг турли ҳуқуқий масалалари бўйича чиқарган ечим ва фатволари маҳаллий аҳоли ўртасида унга катта обрў ва ҳурмат келтирган. Айниқса, мавжуд муаммоларни ҳанафий мазҳаби қоидаларига мувофиқ ҳал қилиб бериши жамиятда турли ихтилофларни олди олинишига, аҳоли ўртасида барқарорликни таъминлашга олиб келгани маҳаллий амалдорлар қошида ҳам обрўсини ошириб юборган.

Рожий Марғиновичнинг илмий-ижодий фаолияти эса алоҳида бир уммондир. Зотан, у ўз даврида маърифатли ижодкор сифатида ҳам алоҳида мавқеъга эга эди. Рожий Қўқон адабий муҳитининг йирик вакиллари Муқимий, Фурқат каби шоирларга устозлик қилган улкан зул-лисонайн шоир сифатида эътироф этилган. У ўзининг билимдонлиги, бадиий маҳорати ва ибратли инсоний фазилатлари билан Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат таҳсинига сазовор бўлиши ҳам тасодифий эмас. Фурқат ўзининг Тошкентга келгунга қадар ўтган ҳаёти, устоз ва мураббийлари ҳақида ҳикоя қилар экан, “Туркистон вилоятининг газети”да “Марғилон шахрининг қозийи калони” шоир Рожийнинг ноёб истеъдод ва қобилиятига юксак баҳо беради, Марғилонда Хожажон қози билан танишгани, у аруз вазида моҳир эканини, туркий ғазалларининг гўзал ва равонлигини, унинг юриш-туришлари (одоби) жуда ибратли, ҳамида феълли киши эканини алоҳида таъкидлаган эди.<sup>3</sup>

Алломанинг ғазал, мухаммас, маснавий, муаммо, рубоий, туюқ, қитъа, фард, таърих<sup>4</sup> йўналишларида битилган диний-маърифий, ахлоқий-тарбиявий мавзулардаги ўн минг мисрага

<sup>3</sup> Туркистон вилоятининг газети. 20 апрель 1891 йил, 16 сон.

<sup>4</sup> Таърих-шеър маъносида адабиётшунослигимизда “таърих” ва “тарих” шаклида икки хил ёзиб келинмоқда. Бизнингча, уни тарих (история) фанидан фарқлаш мақсадида айриш белгиси билан “таърих” кўринишида ёзиш маъқул бўлса керак. (М.Мадғозиев. Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. Илмий раҳбар, академик В.А.Абдуллаев. Самарканд, 1973 йил. 246-б.)

яқин катта адабий мероси бадий адабиётимизнинг бебаҳо хазинасидир.

Аллома ўзининг илғор ижтимоий-фалсафий қарашларини тарғиб этишда сўз санъатининг бой имкониятларидан моҳирлик билан фойдалангани, улўғ мутасаввиф ижодкорлар: Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Бедил анъаналарини давом эттириб, уларнинг ғазалларига тахмислар боғлаб, улар олға сурган ғояларни ижодий ривожлантиргани бу соҳадаги маҳорати эди. Унинг шеърлари ва нутқи шу қадар гўзал, қалами шу қадар нишонга олувчи бўлган эдики, бунинг тимсоли ва ўхшаши камдан-кам топилади.

Унинг асарлари у ҳаётлик чоғидаёқ вақтли матбуот нашрларида, ўша даврда чоп қилинган адабиёт ва баёзларга киритилган ва кўплаб адабиёт мухлислари тарафидан тузилган баёз ва мажмуаларга кўчириб олинган. Масалан, 1912 йилда Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида Аманий Арабоний ташаббуси билан чоп этилган “Баёзи Махбуб ул-махбуб”га<sup>5</sup> Хожажон қози Рожий асарлари киритилган бўлса, Туркистон вилояти газетасида эса унинг фаолиятига доир мақолалар ва асарлари бериб борилган.<sup>6</sup> Ҳозирда мазкур тошбосма ва қўлёзма асарлар Тошкент, Самарқанд, Москва, Санкт-Петербург каби шаҳарлардаги Давлат фондларида, хусусан, Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида ва Самарқанд Давлат университети кутубхоналарида, шунингдек, Самарқанд, Марғилон, Фарғона, Ўш, Андижон каби шаҳарлардаги адабиёт ихлосмандлари қўлларида сақланади.

Рожий ғазалларига кўплаб замондош ва кейинги давр шоирлари, жумладан, Толий Марғиновий, Нодим Намангоний,

---

<sup>5</sup> “Баёзи Махбуб ул-махбуб”. Аравонлик Аманий Арабоний ташаббуси билан чоп қилинган бу баёзнинг бир неча нусхалари Ўз ФАШИ да, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида ва Самарқанд Давлат университети кутубхонасида сақланади. Баёз Тошкентда Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида 1912 йилда чоп қилинган.

<sup>6</sup> Туркистон вилояти газети. 1903 йил №22, 1904 йил 7 май №18, 1915 йил 19 апрел №29 сонларида.

Надимий Кубогий, Мулла Йўлдошхўжа ўғли Доғий Намангоний, Қорий Намангоний, Шухрат, Мухбир, Ходимий, Муфаззал Махдум Марғилоний, Муҳаммад Умар Ғурбатий каби шоирлар тарафидан тахмис ва мураббаълар боғлангани ҳам асарларида олға сурилган ғоялар халқчил ва долзарб эканининг исботидир.

Рожий ижодида комил инсонни тарбиялаш, тасаввуф ғояларини илм аҳли ўртасида кенг тарғиб этиш масалалари муҳим ўрин эгаллаган. У ўзининг буюк салафлари: Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Машраб, Ҳувайдо, Нодира, Сўфи Оллоҳёр сингари мутасаввифлар изидан бориб, ўзининг маънавий-руҳий оламини аёвсиз тафтиш қилишга, замондошларининг хулқ-атвориغا хос камчилик ва нуқсонларни худди ўзининг шахсий камчилик ва гуноҳлари сингари маломат қилишга, гуноҳлардан тавба қилишга интиланган эди. Айниқса, унинг “Нечук жонман” радибли ғазали эътиборга лойиқдир.

Рожийнинг таърих йўналишида яратган бебаҳо асарлари ўша даврда кечган ижтимоий-маданий жараёнлар, кўплаб тарихий шахслар ҳаётига оид маълумотларни ўз ичига олган муҳим манбадир.

Бинобарин, Хожажон қози Рожий Марғиновичнинг илмий-амалий фаолиятини ўрганиш юртимизда ҳукм сурган Чор мустамлакаси даври ижтимоий-маънавий, диний-маданий ҳаётини ўрганишда муҳим бўлса, илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва таҳлил этиш айтилган давр тасаввуф адабиёти ва тарихини ўрганишда муҳим манбадир.

Шунингдек, унинг ҳуқуқий муаммоларни ҳал қилишда ҳанафийлик мазҳабига мувофиқ фатволар чиқариши ва бу орқали аҳоли ўртасида турли ихтилофларнинг олди олиниши амалий ҳаётда мазҳабларга амал қилишнинг афзаллигини белгиловчи омилдир. Алломанинг ижодий фаолияти, илмий салоҳияти ва маҳоратини кашф қилиш эса Марғилон адабий муҳитида фаолият олиб борган улкан зул-лисонайн шоирлар ҳақидаги тасаввурларимизни бойитади.

Асарларида илгари сурилган ғоялар, ҳалоллик ва поклик, тақво ва камтарлик, ҳаёт ва умрни ғанимат билиш каби кўплаб умуминсоний қадриятлар ёш авлодни тарбиялашда муҳим

тарбия воситаси саналса, унинг турли миллат ва дин вакиллари билан муносабатлари эса бугунги кунда миллий ғоя ва мустақиллик мафкурасининг асосий тамойилларидан бўлмиш миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликнинг амалий исботидир.

Бир сўз билан айтганда, Рожий Марғинович ўз даврида маънавий жасорат кўрсатиб, илмий-ижодий, амалий ва назарий фаолиятлари, суҳбат ва асарлари орқали халқимиз маънавий тараққиёти ривожига сезиларли даражада ҳисса қўша олган ва мазкур ҳудудда шаклланган маънавий муҳит соғломлигини оз бўлса-да, “ушлаб” туришга эриша олган буюк жасорат соҳиби бўлган алломалардан бири эди.

Мазкур сўзларни ёзар эканмиз, муҳтарам юртбошимиз И.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида энг буюк жасорат ҳақида айтган қуйидаги фикрлари ёдимизга келади:

*“Ер юзидаги барча ўлмас обидалар, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуг кашфиёт ва ихтиролар, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари, мардлик ва қаҳрамонлик намуналари одамзотнинг ақл-тафаккури, салоҳияти ва маънавий жасорати маҳсулидир. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.*

*...Улкан маънавий жасорат соҳиблари бўлган бундай аллома зотлар дунёнинг қаерида яшамасин, эзгулик ва маърифат йўлида доимо одамларга ибрат бўлиб келган.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихининг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дориломон замонларга безавол етиб келишида унинг қон-қони, суяк-суягида бўлган маънавий жасорат туйғуси, ҳеч шак-шубҳасиз, ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келмоқда.”<sup>7</sup>*

---

<sup>7</sup> И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият”, 2013. 159-162- бетлар.

Эслатиш ўринлики, Рожий Марғинович шахсига муҳаббат ўтган асримизнинг тўқсонинчи йилларида талабалик пайтларимизда пайдо бўлган эди. Мадрасада биринчи марта устозлар томонидан унинг:

*Эй гулшан андалиби, минг ғам бирла наво қил,  
Бу навбахор ақби фасли хазон эмасму?*

Яъни, эй гулшанда хурсанд бўлиб сайраётган булбул, кўп хурсанд бўлавермай минг ғам билан нола қил. Чунки яқинда сен кўриб турган бу навбахор кетидан хазон фасли кириб келмайдими, мазмунидаги чуқур фалсафий мазмундаги мулоҳазали байтини эшитиб таъсирланган эдик. Кейинроқ эса марғилонлик катта уламолардан Абдуллажон махдум Аҳмад қори ўғли (1895–1994)нинг суҳбатларининг бирида куйидаги:

*Олуда этма жонни аълоий иллийиндан,  
Келган яна уружи то ломакон эмасму?*

Яъни, эй инсон, жон қушини гуноҳлар лойига ботириб, қанотини қайириб қўйма, чунки у эртага яна ўзи келган муқаддас даргоҳ – ломаконга парвоз қилмайдими, мазмунидаги янада чуқурроқ мулоҳазали байтини эшитиб муҳаббатимиз зиёда бўлган эди.

Марғилонда яшаб ўтган алломалар ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларни йиғиш асносида Рожий Марғинович ҳақида эшитилган шингил воқеа ва ҳикоялар у зотга бўлган қизиқишимизни ошириб борди. Ўша кезларда улуғ ёшли қайси бир киши билан суҳбатлашмайлик, албатта, бу зот номини ҳурмат билан тилга олиб ўтишар эди. Улар орасида Қози домлани шахсан кўрган кишиларнинг ҳам борлиги қувонарли хол эди. Бироқ, бу пайтда мақсад Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Домла ҳақида маълумот йиғиш бўлгани учун, асосий эътибор шу зот шахсига қаратилган эди. Шундай бўлса-да, Рожий Марғиновичга оид маълумотларни ҳам сақлаб бориш биз учун муҳим саналган.

Кейинчалик, 1996 йилда Марғилонда очилган Адабиёт ва санъат музейига саёҳат чоғи Рожий Марғинович фаолиятига

оид баъзи расмий маълумотлар билан танишдик ва заҳматкаш олим, филология фанлари номзоди, доцент Муҳаммаджон Мадрозиев<sup>8</sup>нинг Рожийнинг шоирлик фаолияти бўйича ёклаган номзодлик ишидан ҳам хабардор бўлдик. Кейин бу муҳаббат бизни муҳтарам домланинг хузурларига олиб борди. Зиёрат баҳона домланинг илмий ишлари тарихи ва сабабига қизикдик. Маълум бўлишича, Рожий Марғинойий ҳаётини ўрганиш, уни истеъдодли буюк шоир сифатида кўтариб чиқиш домла ҳаётининг мазмунига айланиб кетган экан:

*"Фарғона Давлат Педагогика институтида ишлаётган йилларимиз. Самарқандга илмий иш билан келганимда устозим, академик Воҳид Абдуллаевич Абдуллаев (Аллоҳ раҳмат қилган бўлсин!) Фарғонага қачон қайтишимни сўраб қолдилар. Мен, шу бугун қайтишимни айтдим. У киши: "Қайтишга шошилманг, мен*

---

<sup>8</sup> Муҳаммад Ғози Марғинойий ас-Самарқандий (Муҳаммаджон Мадрозиев). Филология фанлари номзоди, доцент, адабиётшунос олим, шоир ва мураббий. 1938 йилда Фарғона вилояти Кўштепа туманидаги Катта Болтақул қишлоғида туғилган. Фарғона давлат педагогика институти (ҳозирги Фарғона Давлат Университети)нинг тарих-филология факултетини 1961 йилда тамомлаган. Дастлаб ўзбек адабиётшунослиги кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, кейинчалик доцент, факултет декани, кафедра ва лаборатория мудири лавозимларида ишлаган. 1996-2000 йилларда Фарғона шаҳар Маънавият ва маърифат, 2000-2002 йилларда Фарғона политехника институтида Миллий истиқлол ғоясини ўрганиш марказига раҳбарлик қилган. Олим 50 йилдан зиёдроқ илмий-ижодий фаолиятини Хожажон Қози Низомиддин Хожа ўғли, Мирҳайдар Қори Толий, Абдурахмон Фаҳмий, Мулла Тошболту Ибрат, Ҳожи Олим Ҳазилкаш Марғинойийлар; Абдулқодир Маҳдум Нозик ва Надимий Кубовийлар; Абдулқодир Азизов Жомеъ Самарқандий, Икбол Назарий ва Сайфи Фарғонийлар адабий меросини тўплаш, тадқиқ ва чоп этишга бағишлаб келмоқда. 1973 йил 18 майда устоз академик Абдуллаев Воҳид Абдуллаевич илмий раҳбарлигида "Хожажон Қози Рожий Марғинойий ва унинг поэтик маҳорати" мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ҳозиргача олим ва шоир томонидан "Хожажон Қози Рожий Марғинойий. Ҳайрат-ул инсон" Шеърлар "Адиб "нашриёти, Тошкент – 2012 йил; Хусайнхон Мушкин Тошкандий. Меҳриғиё". Шеърлар. "Мумтоз сўз" нашриёти, Тошкент – 2011 йил; Икбол Назарий. Соғиниб яшайман. Шеърлар. "Фарғона"нашриёти – 1999 йил. Икбол Назарий. Наврўз иси "Фарғона" нашриёти 2007 йил; "Шукрона. Манзумалар. "Фарғона" нашриёти, 2008 йил" ва бошқа қатор асарлари чоп қилинган. Республика илмий журналлари оммавий ахборот воситиларида мумтоз адабиётимизнинг долзарб масалаларига бағишланган 250 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалар ва турли мавзулардаги публицистика, бади ва манзумалари эълон қилинган.

ҳозир сизга устоз Жомеъ Домуллонинг<sup>9</sup> манзилгоҳини айтиб бераман. Сиз у зоти бобаракот суҳбатини олиб, сўнг қайтарасиз", – деб қолдилар. Ўша куниёқ мазкур Домуллонинг уйларига кириб келдим. Ихчамгина, аммо қўлэзма ва тошбосма китоблар билан тўла хонада кўзларидан ақл ёғилиб турган мўйсафид билан учрашдим. Фотиҳадан сўнг, мендан:

– Қаерлардан сўраймиз, меҳмон, – деб қолдилар.

Гарчи ўзим Марғилонга яқин Катта Болтакўл қишлоғидан бўлсам-да, негадир, қандайдир ички бир туйғу марғилонликман, дейишига ундади-да:

– Марғилонликман, – дедим.

– Ҳай, ҳай, кулбамда марғилонлик меҳмонни кўриб турганимдан хурсандман, дедилар-да, ўрниларидан туриб мен билан бошқатдан қучоқ очиб кўришдилар:

– Нима иш қиласиз? – деб сўрадилар.

– Фарғона Педагогика инситутида адабиётдан дарс бераман, – дедим.

– Адабиётнинг нимасидан дарс берасиз?

– Мумтоз адабиётдан.

Шунда шоир Хожажон қози Рожий Марғионийни биласизми? – деб сўраб қолсалар бўладими?!

---

<sup>9</sup> Абдукодир Азизов Жомеъ Самарқандий (1890 – 1986). Қатагон йиллари жабрдийдаси. Самарқанднинг Ҳавзи баланд гузарида туғилган. 7 ёшида отадан айрилиб, ўғай акаси ва поччаси қўлида қолади. 1905 йилда "Масжиди Кабуд" гузарида яшовчи Юсуфжон исмли саҳхофга шогирд тушиб, ҳунар билан бирга дастлабки саводни ҳам олади. 1918 йилда ўқитувчилар тайёрлаш курсида ўқиб, 1922 йилгача Маҳмудхўжа Бехбудий уй-музеи ва кутубхона мудир, 1922-29 йилларда 11 мактабда адабиётдан дарс беради. 1937 йил август ойида 5 йилга озодликдан маҳрум этилиб жазони Мурманскда ўтайди. 1942 йили унинг жазо муддати тугаган бўлса-да, уни Комидаги меҳнат лагерига юборилади, фақатгина 1945 йилдагина Самарқандга қайтади. 1950 йил 22 ноябрда яна иккинчи марта қамокқа олинди, саккиз ой қийноқлар остида сўроқ қилинади. 1951 йилда 25 йилга кесилиб Россиянинг Челябинск лагерига юборилади. Ҳовлиси, жойу жалоли, нодир китоблари мусодара қилинади. Хотини Зубайда ва уч кизи очликдан вафот этади. 1955 йилда озод этилади. Шу йилдан бошлаб Душанбедаги Рудакий номли тил ва адабиёт институтининг штатсиз ходими сифатида ишлаб, машҳур "Фарҳанги забони тожики" икки жилдлик луғатини тузилишида фаол иштирок этади. 1986 йил 22 май куни вафот этиб Шохизинда қабристонига дафн этилади.

Мен нима деб жавоб беришга ўйланиб қолдим. У зот номини эшитган бўлсам-да, бироқ, ҳа биламан, деб жавоб бериш, ёлгонга йўл қўйишдан ташқари, устозни менга айтмоқчи бўлган сўзларини тўхтатиб қўйишини ўйлаб:

– Йўқ, билмайман, – дедим.

– Ана холос, ўзингиз марғилонлик бўла туриб, боз устига мумтоз адабиётдан дарс бериб туриб, Хожажон қози Марғиновични билмасангиз, бу қандай бўлди?! Ахир бу зот ўз асрининг яғонаси, Фурқату Муқимийларга устоз мақомидаги шоир-ку?! – дедилар.

Шунда мен истиҳола билан:

– Устоз, Рожий Марғиновичга муҳаббатингиз юқори экан, сизда у кишининг қандай асарлари бор? – дедим. У зот:

– Менда унинг бирорта асари йўқ, аммо бир мухаммасидан икки бандини ёддан биламан.

Шундай дея ота ўша бандларни кўзида ёш билан ўқий кетди. Кейин эса ички бир мулоҳаза билан:

– Биласизми, муаллим, майли кандидат бўлманг, доктор бўлманг, ҳатто профессор бўлманг, лекин Рожий Марғинович билан астойдил шугулланинг. Рожий Марғинович беназир шоир, бебадал бедилхон, Муқимий, Фурқатларнинг устози. Ҳатто у зот ижодига Васлий Самарқандий, Асирий Хўжандийлар каби шоирлар ҳам ошиқ бўлишганига мен ўзим гувоҳман. Сиз бу аллома шоир асарларини қидириб топиб, ўрганишингиз ва адабиёт тарихимизни яна бир буюк сиймо билан бойитишингиз керак. Ул зоти бобарокот сизни кутиб турибди. Буни асло унутманг, иним – дедилар.

Шу кунийёқ менинг илмий ишим мавзуси тайёр бўлди, чунки устознинг бу гаплари қалбимда Рожий Марғиновичга нисбатан муҳаббат пайдо қилди ва бундан кейин бутун диққатимизни Хожажон қози Рожий Марғиновичга қаратишимиз зарурлигини кўрсатди. Ҳаёт Домланинг бу гаплари ўзига хос башорат эканини кўрсатди...".<sup>10</sup>

<sup>10</sup> Р.Файзуллаев. М.Мадғозиев билан суҳбат. Марғилон – Фарғона. 2000.



1973 йил Самарқанд шахрида академик Воҳид Абдуллаев илмий раҳбарлиги остида "Хожажон қози Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати" мавзусидаги филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёқланган диссертация Домла ҳаётининг энг унутилмас кунига айланиб қолган эди.

Дарҳақиқат, Домла бу йўлда узоқ вақт самарали меҳнат қилган эканлар. Бунинг учун Марғилон, Фарғона, Ўш, Андижон, Қўқон ва Самарқанд шаҳарларида бўлиб, шоирнинг қариндош уруғлари, уни ёшлик йилларида шахсан кўрган ва таниган, шоирнинг кўлида ўқиб, унинг тарбиясини олган, Рожий асарларини йиғиб, ҳаёти ва ижодига оид баъзи маълумотларни тўплаган ва унинг қўлёзмаларини ўз қўлларида сақлаб келган адабиёт ихлосмандлари ва бошқа кўплаб кишиларни суриштириб топиб, улар билан учрашиб кўп маълумотлар йиққанлар. Шунингдек, Москва, Санкт Петербург, Тошкент, Самарқанд каби шаҳарлардаги давлат хазиналарида сақланётган Рожий асарларига оид қўлёзма мажмуа, литографик баёзларни топиб, Рожий асарларини жамлашга эришганлар. Бу ҳақда шундай ёзадилар:

*“Ўз ўзидан маълумки, ўтмиш шоир ва адибларнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилиш, аввало, унинг асарларини излаб топиш, шахсиятига доир материалларни йиғишдан бошланади. Шунга кўра, биз Хожажон қози Рожий Марғинович адабий мероси ҳали бир жойга йиғилмагани, мустабид тузум мафқураси асоратидан ижоди адабиётшунослар эътиборидан четда қолганига кўра, узоқ йиллар давомида асосий диққатимизни ана шу масалага қаратиб, Тошкент, Самарқанд, Москва, Санкт-Петербург каби шаҳарлардаги Давлат фондларида сақланётган Рожий Марғинович ҳаёти ва ижодига доир ноёб материаллар, турли котиблар томонидан тузилган баёз ва мажмуалар, пароканда ҳолдаги бир мунча шеърларини топишга муваффақ бўлдик”.*<sup>11</sup>

---

<sup>11</sup> М.Мадғозиев. Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган номзодлик диссертацияси. Илмий раҳбар, академик В.А.Абдуллаев. Самарқанд, 1973 йил. 15-б.

Олимнинг айтишича, Рожийнинг бизгача етиб келган шеърлари 500 га яқин бўлиб, жами 10 000 мисрадан ошади”.<sup>12</sup>

Сухбат асносида устоз келгусида амалга ошироқчи бўлган режаларини ҳам бирма-бир айтиб бердилар. Биринчи сухбатдаёқ Домла кўз ўнгимизда захматкаш олим, толмас мураббий, самимий ва хайрхоҳ устоз, ёш толибларга беғараз маслаҳатчи ва яқин ёрдамчи сифатида намоён бўлди. Айти пайтда, Домла Шарқ мумтоз адабиётининг муҳибларидан, кўплаб бебаҳо қўлёзмалар хазинасига эга нодир инсон экани маълум бўлди. Энг қизиғи, Домла биринчи сухбатдаёқ бизга танишиб чиқишимиз “Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати” мавзусидаги илмий ишларини берган эдилар. Шу билан биз ва Домла ўртасидаги алоқалар шаклланди.

Кейинчалик, “Марғилон алломалари” рукни остида чоп қилинган “Муҳаммад Юсуф Ҳазин” (Хонақоҳий Ҳазрат) китоби бўйича ҳам бир неча марта учрашиб, талай маслаҳат ва тавсиялар олдик. Муҳтарам устоз китобни манба жиҳатидан бойитадиган кўплаб қимматбаҳо маълумотларни лутфан тақдим қилдилар.

Орадан йиллар ўтди. Лекин устоз тўлқинланиб сўзлаган режадаги ишлар амалга ошмай қолди. Фақатгина 2012 йилда мазкур ишларнинг дебочаси ўлароқ Домла бошчилигида шогиридларидан бири тарих фанлари доктори Икромиддин Остонакулов билан биргаликда нашрга тайёрлаган Рожий Марғинович асарларидан саралаб олинган “Хайрат ул-инсон” номли сайланма асар дунё юзини кўрди. Филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов сўзбошиси билан чоп қилинган асарнинг дунё юзини кўриши устоз ҳаётидаги қувончли кунларнинг бирига айланиб қолди, дейиш мумкин. Буни ўша йили Марғилонда ташкил этилган Рожий Марғиновичнинг 175 йиллик таваллуд тўйига ташриф буюрган Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов бошчилигида пойтахтдан келган нуфузли меҳмонлар олдида чиқиш қилган устознинг ҳаяжонли сўзларидан ҳам билса бўлади. Лекин Домла

---

<sup>12</sup> М.Мадғозиев. Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати... 16-б.

бу билан ҳам том маънода қоникмагани, Рожий Марғинонийнинг бутун бошли қизғин ҳаёти ва фаолиятини яхлит ҳолда халқимизга тақдим қилиш истаги ҳануз тургани ва бу ишда ўзларига қанот бўлувчи самимий дўст, фидойи тадқиқотчилар кўмагига муҳтож эканини кўп марта айтиб, афсусланар эдилар. Айниқса, агар мазкур асар дунё юзини кўрса уни вужудимга сабаб бўлган падари бузрукворим Мадрози Ўринбой ўғли ва волидаи муҳтарамам Лутфинисо Усмон қори қизлари хотирасига бағишлаган бўлур эдим, деган сўзларидан Домланинг ниятлари қанчалик беғубор эканини англадик.

Шундай кезларда биз у зотга ўша самимий дўст бўлишни, эзгу ниятларини рўёбга чиқишига ёрдам беришни дилдан ўтказар ва мумкин бўлса Домла кўлларидаги мавжуд манбалар асосида Рожий ҳаёти ва ижоди ҳақида тўлақонли бир асар ёзиш зарурлигини мулоҳаза қилар эдик. Ниҳоят, 2014 йилнинг бошларида устоз бу хайрли ишни амалга оширишга розилик бердилар ва бу билан боғлиқ ўзларидаги барча маълумотлардан фойдаланишга изн бердилар. Кейинроқ эса эса мазкур манбаларни ҳаммасини бира тўла бизнинг ихтиёримизга ҳавола қилдилар. Айниқса, устознинг: "Мен бу қимматбаҳо манбаларнинг ҳақиқий эгасини энди топдим. Умид қиламанки, булар тез кунда рўёбга чиқиб халқимизга етиб боражак", дея билдирган ишончлари зиммамизга катта масъулият юклаганини ҳам ҳис қилдик. Бинобарин, китобда келтирилган Рожий ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар асосан, устоз М. Мадрозиев шахсий кутубхонасида сақланаётган, у зотнинг узок йиллар давомида қатралаб терган нодир маълумотлардир.

Таъкид жоизки, Рожий Марғиноний тўғрисидаги маълумотлар, асосан, ўша даврда чоп қилинган баъзи асарларда, жумладан, 1912 йилда Тошкентда босилган "Баёзи Маҳбуб ул-маҳбуб"да, "Туркистон вилояти газети"да, Пўлотжон Домла Қайюмовнинг "Тазкираи Қайюмий" асарида, замондошларидан шоир Мухбир, Нодим, Толий, Доғий, издошларидан Қорий, Бекий, Баҳрий, Асий ва бошқаларнинг қўлёзмалари ва маҳаллий кишиларнинг хотираларида тарқоқ шаклда етиб

келган. Муҳтарам устознинг кўп йиллик самарали меҳнати эса мазкур асарларни бир жойга жамланганишига сабаб бўлди.

Биз китобга ҳозиргача топилган Рожий асарларининг нисбатан тўлиқ ва мукамал икки нусхаси – марҳум Авлиёхон Муҳаммадиев кутубхонасида сақланувчи баёз<sup>13</sup> ва Рожийнинг яқин шогирди Муфаззал Махдум Шоумар қози ўғлига тегишли баёзларни<sup>14</sup> ва муҳтарам устоз М.Мадғозиевнинг "Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати" номли илмий иши ва унинг материалларини асос қилиб олдик. Бинобарин, китобда манбаси кўрсатилмаган Рожий асарларидан намуналар мазкур икки манбадан келтирилган иқтибослардир.

Мазкурларга қўшимча равишда изланишларимиз давомида топилган йигирмадан ортиқ янги манбалар, ахборотчилар томонидан берилган маълумотларни жалб қилдик. Шунингдек, давлат архивларида сақланаётган тарихий ҳужжатлардан ҳам истифода қилдик. Эслатиб ўтамиз, бу борада асосий ахборотчи Рожий домланинг ўзи бўлиб, маълумотлар

---

<sup>13</sup> Мажмуа ҳижрий 1351, милодий 1931 йил сентябр ойида бошланган. Мажмуа жуда яхши сақланган бўлиб, Қўқоннинг жайдари қоғозига қора қамиш қалам билан майда настаълиқда битилган. Котиб Ахрорхон Бузрукхўжаев. Котиб баёзни тузишда турли манбалардан ўзи йиққан ва дўсти Аҳмаджон Мадбобоев тўплаган манбалардан фойдаланган. Қўлзма ўлчами 21,5x13,5 бўлиб, жами 105 варақ, 210 саҳифадан иборат. Мажмуани бошқа қўлзмалардан афзаллиги шундаки, унда жуда кўп шеърларга асар бағишланган воқеа, шахс ва умуман шеърнинг яратилиш тарихига оид зарур эскартмалар билан таъминланган. Турли мавзудаги катта ва кичик шеърлар 130 та бўлиб, улар 3121 мисрани ташкил этади. Мажмуа охирида котиб куйидаги сўзларни илова қилган: "*Соҳиби ин китоб ҳақир Ахрорхон Бузрукхўжа Марғинович*". Баёз китобда "А.Муҳаммадиев мажмуаси" тарзида келтирилди. Қўлзма ҳозирда Фарғона шаҳрида яшовчи Музаффархон ота хонадониди сақланади.

<sup>14</sup> Мазкур баёзда Рожийнинг 40 дан ошиқ шеърлари ўрин олган. Қўлзма Рожийнинг ўғли Абдулазизхон қўлида сақланиб, вафотидан олдин Муфаззал Махдумга топширган. Мажмуа Рожий қозилик қилган Тошмозор даҳаси қозихонасида муфтийлик қилган котиб Абдужалилхон қаламига мансуб. Қўлзма муқоваси оддий, баёз сифатли рус қоғозига ёзилган бўлиб, ўлчами 21,5x16. Баёз бизгача мукамал равишда етиб келган. Узоқ йиллар қўлдан-қўлга ўтиб мутолаа қилинганидан айрим варақлари йиртилиб туриб кетган. Қўлзмада Саъдий, Ҳофиз, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Мирзо Бедил, Фуркат, Нодим, Амирий Хўжандий, Абдураззоқ Бимий сингари шоирларнинг асарлари ҳам келтирилган. Муфаззал ота баёзнинг айрим саҳифаларига ўзининг ҳамда бошқа шоирларнинг айрим шеърларини пўлат ва перода сафсар, баъзан қўқ рангда ёзиб борган. Баёзни "Муфаззал махдум мажмуаси" тарзида кўрсатдик.

манбаси, асосан, унинг асарлари ва баъзи шахсий қайдларидан иборат бўлди. Эҳтимол, алломанинг ўзи бу хайрли иш унинг вафотидан кейин, уни кўрган-билган кишилар вафот этгач амалга оширилишини билгандек, ўзи ҳақидаги кўплаб маълумотларни ёзиб қолдирган эди.

Келтирилаётган фикр ва мулоҳазаларни қувватлаш, уларга ҳужжат ва далил келтириш, уларни ўтмиш алломалар ҳаёти билан муқояса қилишда Ислом оламида мўътабар бўлган манбалар ва жумҳур уламолар иттифоқ қилган машҳур асарлардан фойдаландик. Чунончи, тафсир китобларидан Имодуддин Исмоил ибн Касирнинг “Тафсирул Қуръанил азим”, Шайх Исмоил Ҳаққий Бурсавийнинг “Тафсир Рух ул-баён”, фикҳ китобларидан Бурҳониддин Марғиноғнийнинг “Ал-Ҳидоя”, Алоуддин Масъуд ал-Косонийнинг “Бадойеъ ас-санойеъ фи тартиб аш-шаройеъ”, машҳур ҳадис тўпламлари ва шарҳларидан Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг “Саҳиҳ ул-Бухорий”, Муслим ибн Ҳажжож Абул Ҳусайн ал-Қурайший, ан-Найсобурийнинг “Саҳиҳу Муслим”, Абдуorraуф ал-Муновийнинг “Файз ул-қадир”, ахлоқ ва тасаввуф адабиётларидан Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг “Ихёу улум ад-дин”, Абу Толиб Маккийнинг “Қут ул-қулуб”, Абу Нуъайм ал-Асбаҳонийнинг “Ҳилят ул-авлиё”, Фаҳруддин Али Сафийнинг “Рашахоту айнил ҳаёт” ва бошқа кўплаб манба ва адабиётларларга мурожаат қилинди.

Китобда Хожажон Хожа Рожий Марғиновичнинг замондош ва издошлари ҳақидаги маълумотлар ҳам ўз-ўзидан турли муносабатлар билан келтирилди. Чунки уларнинг ҳам Рожий Марғиновичга замондош ва издошларидан экани Рожий Марғинович ҳақида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш имконини бера олиши инобатга олинди. Бунинг учун уларнинг ҳам ҳаёт ва фаолияти, илмий-маънавий мероси имкон қадар ўрганилди, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни илмий-таҳлил ёритиб берилди.

Китоб “Марғилон алломалари” рукни остида чоп қилинаётган нашрларнинг учинчиси қилиб белгиланди ва асосан, Рожий Марғиновичнинг буюк фақиҳ, шарият олими,

тариқат пири, тасаввуф шайхи экани билан боғлиқ жиҳатлари, энг асосийси, инсоний фазилатларини очиб беришга эътибор қаратилди. Бизнингча, Рожий Марғиновични фақат шоир сифатида танитиш унчалик адолат саналмайди. Муҳтарам рожийшунос олим М.Мадғозиевнинг хулосалари ҳам шундай. У зотнинг шоирлик маҳорати бошқа соҳаларга қараганда кўпроқ ўрганилгани учун кейинги давр кишилари назарида шоир сифатида машҳур бўлиб қолган холос. Шоирлик унга бир малака, бошқача айтганда, қалбини тўлдириб турган илоҳий ишк ва муҳаббатни баён қилиш учун қўллаган услублардан бири. Чунки, бадий адабиётнинг муҳим йўналиши бўлмиш шеърият маънавий соҳаларнинг бир қисми саналса-да, бироқ, у ижтимоий соҳалар ривожини тўлиқ таъминлай олмаслиги маълум. Шунингдек, шоир қалби кўпинча ёлғизликни, кўнгилни турли ташвишлардан, фикр-хаёлни турли мулоҳазалардан холи бўлишини тақозо этади. Рожий эса жамиятдан ажралмаган, доим халқ билан бирга бўлган олижаноб шахс эди.

Китобда муайян мавзулар танлаб олиниб, улар бўйича маълумотлар берилди. Мавзулар аңглатган маъноларга мос кичик сарлавҳалар кўйилди. Рожий Марғинович шариат қозиси ва етук фақиҳ бўлгани учун Исломда қозилик ва унинг тарихи ҳақида тўхтаб ўтилди.

Алломанинг ёшлик ва талабалик йиллари, ота-оналари, устозлари ҳақида маълумотлар берилди. Тарихда “Рожий” тахаллуси билан ижод қилган шоирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам илова қилинди. Рожий илмий алоқада бўлган замондошлари, шогирд ва издошлари, шунингдек, ўша давр қозилари ва ҳуқуқий муаммолар бўйича улар чиқарган ҳукм нусхалардан намуналар берилди. Ҳар бир маълумот ўша давр воқеълиги нуктаи назаридан ўрганиб чиқиб, тегишли хулосалар берилди.

Аллома асарларида олға сурилган ғоя ва қарашлар тафсир, ҳадис, сийра, табақот ва ахлоққа оид ислом адабиётининг мўътабар китобларидан келтирилган лавҳа ва мисоллар билан изоҳлаб борилди ва уларни ислом маънавияти ва руҳиятидан келиб чиққанига урғу берилди. Рожий ислом маърифати

булоғдан сув ичган катта шоир, тасаввуф таълимотидан баҳрадор "муҳаббатли пир" бўлгани учун ҳам асарлари таҳлилида мазкур жиҳатга алоҳида диққат қилинди. Бинобарин, китобда тарихийлик билан бирга ижтимоий-маънавий, ахлоқий-маърифий жиҳатлар етакчилик қилди.

Эслатиб ўтамай, китоб Рожий асарларининг таҳлилига бағишланмагани учун мавзуга доир асарларигина келтирилди. Бинобарин, шеърларининг маълум қисмлари, баъзи ҳолларда унинг таржимаси билан кифояланилди. Шунга қарамай, китобда Рожийнинг катта-кичик 140 та шеъри келтирилдики, ўз-ўзидан бу китоб охирида асарларидан намуналар берилишидан беҳожат қилди.

Маълумотларнинг асосий қисми кенг жамотчиликка биринчи марта эълон қилинишидан ташқари, янгилик сифатида унинг насрий асарлари ва араб тилидаги шеърлари ҳам мавзуга жалб қилинди. Шу тариқа, камтарона уриниш туфайли устоз М.Мадғозиевнинг бевосита раҳбарлиги ва самимий кўмаги остида яқин ўтмишда ўтган аждодларимиздан бирининг ҳаёт ва фаолиятдан ибратли лавҳалар ёрқин мисолларда халқимизга тақдим қилинди.

Айтилганидек, биз мазкур уринишда тадқиқотчилар катта ҳазина деб эътироф этган Рожий Марғинович ҳаётининг бир қисминигина очиб беришга ҳаракат қилдик. Унинг илмий-ижодий фаолиятининг турли қирралари бўйича кенг қамровли ишлар қилиш галдаги режамиздир.

Хожажон қози домла Рожий ҳаёти ва фаолиятини таҳлил қилиш натижасида шу нарса маълум бўлдики, унинг ҳаётида асосан, икки муҳим нарса етакчи ўрин эгаллаган. Бири унинг инсонпарварлиги, халқига, умумбашарга бўлган самимий муҳаббати бўлса, иккинчиси илм ва маърифат аҳлига буюк эътиромидир. Ҳа, Рожий Марғинович инсонларга яхшилик илинувчи олижаноб шахс сифатида яшаб ўтди, шу билан бирга илм-маърифат аҳлини ўзига дўст деб билди ва ўзи ҳам уларга дўст бўлишга интилди. У фардларининг бирида шундай дейди:

*Ҳама хўбон ба ман фарзанду ман он меҳрибон чизам,*

*Ки назди дину дил дар пое ҳар фарзанд меризам.*

Яъни, ҳамма яхшилар менинг фарзандим, мен уларга шундай меҳрибондирманки, дину дил нақдини шулар оёғи остига тўқаман.

Кимдир уни тарихчи ёки шоир, яна кимдир фақиҳ ё қози дея таърифлаши мумкин. Буларнинг барчаси тўғри, бироқ, мазкур унвонларнинг ҳаммаси айтилганидек, унинг башариятга чуқур муҳаббати натижасида пайдо бўлган ва шунга хизмат қилган эди.

Агар унинг қозилик фаолияти асосан, кишиларнинг ҳуқуқий муаммоларини ҳал қилишга, ижодий фаолияти эса комил инсон ғоялари билан йўғрилганини, таърихий асарларида икки юздан зиёд шахсларнинг ижобий жиҳатларига урғу берилганини эсласак, хулосаларимиз равшанлашади.

Мазкур уриниш ва ҳаракатдан кўзланган асосий мақсад аввало, Парвардигор ризоси, қолаверса, ўтган аждодларимиз йўлларига эргашиш ва улар эришган маънавий камолот чўққисини эгаллашга интилишдир. Зеро, инсонни дунёга келтирилишидан мақсад маънавий камолот ҳосил қилишдир. Бу эса кўпроқ мақсадга етган зотлар йўлига эргашиш орқали бўлади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бандаларини Ўзи неъмат берган, ғазабига учрамаган ва адашмаган кишилар – пайғамбарлар, сиддиқлар, шаҳидларнинг йўли бўлмиш "сиротул мустақим" га эргашишга чақиргандир. Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам умматни ибодат, ахлоқ ва эътиқодда аввал ўтган кишилар йўлига эргашишга тавсия этганлар. Маълум бўладики, киши ўзига гўзал бандалик ила зийнатланган зотлар ҳаётини намуна сифатида ушлаши зарур.

Имом Термизий Ирбоз ибн Сория (розияллоҳу анху) дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Сизлар ўзингизга мени



суннатим ва мендан кейинги тўғри йўлда юрган халифаларим суннати – йўлини лозим тутинг ва уни маҳкам ушланг”<sup>15</sup>

"Тухфат ул-Аҳвазий" муаллифи Муҳаммад Муборакфурий ҳадисдаги халифалар йўлидан, уларни Пайғамбар алайҳиссалом суннатларига мувофиқ бўлган йўллари кўзда тутилгандир, деб айтган. Машҳур ҳанафий аллома Алий Қорий: "Улар Пайғамбар алайҳиссалом йўлларига эргашгани учун ҳам уларнинг йўли бошқалар учун йўлдир", – деган. Шавконий эса: "Уларнинг йўли у жаноб соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлининг айни ўзгинасидир. Зотан, улар у зот алайҳиссалом йўлига эргашишга ҳарис бўлганлар", – деган.<sup>16</sup>

Шунинг учун умматнинг уламолари барча даврларда бу мавзуга каттиқ эътибор қаратганлар. Масалан, Авзойи: "Кишилар сени тарк қилсалар ҳам ўтмиш улуғлар йўлига эргаш, улар сени ҳар қанча улуғласалар-да, ўз шахсий фикринг билан иш қилишдан сақлан", – деган.

Суфён ибн Уйайнанинг: "Солиҳ кишиларнинг зикри бўлган жойга осмондан мўл-кўл раҳмат ёғилади", – деган сўзи машҳур. Қози Иёзнинг келтиришича, Абу Ҳанифа р.а шундай деганлар: "Менга уламолар ҳақидаги ибратли ҳикоя ва фазилатли аҳволлар баёни манзурдир, чунки, булар ушбу қавмнинг аввалги вакиллариининг одобидир".<sup>17</sup> Муҳаммад ибн Юнус шундай дейди: "Инсон қалбини тузатишга солиҳлар зикридан кўра фойдалироқ нарса бўлмайди".<sup>18</sup>

Фахруддин Али Сафий "Рашаҳоту айнил ҳаёт"да Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг куйидаги сўзларини келтиради: "Авлиёуллоҳнинг сўзларига адаб ва ҳурмат била

<sup>15</sup> Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. "Сунани Термизий". Дору эҳёу туросил арабий. Байрут. 10-ж, 194-б.

<sup>16</sup> Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Абдурраҳим ал-Муборакфурий. "Тухфат ул-Аҳвазий". Дорул кутуб ал-илмийя. Байрут. 2-ж, 54-б.

<sup>17</sup> Қози Иёз. "Тартиб ул-мадорик ва тақриб ул-масолик" 1-ж, 6-б. <http://www.alwargaq.com>

<sup>18</sup> Абдурахмон ибн Али ибн Муҳаммад Абул Фараж. "Сифатус софва". Дорул маърифат, Байрут. 1979. 1-ж, 5-б.

муносабатда бўлиш керак, токим киши ўзида бир баҳра топсун".<sup>19</sup>

Хожагонлар силсиласининг сарҳалқаси бўлмиш Абдулхолиқ Гиждувоний куддиса сирруху ўзларининг маънавий фарзандлари Хожа Авлиёи Кабирга қилган ва барча тарикат соликлари учун дастуруламалдек бўлиб қолган васиятларида жумладан, шундай сўзлар бор эди:

*"Эй фарзандим, барча аҳволда илму-адабга, тақвога лозим бўл, салафи солиҳлар йўлларига эргаш, суннат ва жамоатга мулозим бўл..."*<sup>20</sup>

Солиҳлар ва ўтган улуғларнинг зикрларини қилишда қатор фойдалар борлиги ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, Марғилонда ўтган саййид авлодларидан Валихон тўра авлодлари кўлида сақланувчи “Равзат ул-ансоб”<sup>21</sup> асарини олайлик. Унда жумладан, шундай келтиради:

*"...Аммо баъд, билгил ва огоҳ бўлгилким оят ва ҳадисдин сўнг бузургворларнинг сўзларини эшитмоқнинг савоби бисёрдур ва саҳиҳ саййид насаблар кароматлари ва хориқи одатларининг ихлос бирла эшитса, неча фойдалар ва манфаатлар ҳосил бўлур. Аввал улким, толиб муридлар эшитса, талаби зиёда бўлур ва ҳиммати қавий бўлур. Иккинчи улки, кишини кўнглида гурур ва димогида кибру даъвоси бўлса, буларнинг сўзлари кўнглидаги кибрни ва даъвосини ботил қилур ва ўз нафсини яхши ва ямонини ўзига кўрсатилур ва Худо йўлига ихлос бирла кирар ва кўр ва ботин бўлса, ботин кўзи очилур. Кўнгли мусаффо ва равшан бўлур".*<sup>22</sup>

<sup>19</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт...59-б.

<sup>20</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт...37-б.

<sup>21</sup> 2002–2007 йилларда Япониянинг “Нара Ипак йўли Тадқиқот Маркази” ва “Тойота” фондининг ҳомийлигида “Марказий Осиёдаги исломий муқаддас жойларни ўрганиш” (Фарғона водийси мисолида) номидаги илмий лойиҳаси бўйича Фарғона водийсида олиб борилган тадқиқотлар чоғида “Равзат ул-ансоб” қўлёзмасининг уч нусхаси аниқланди. Ҳозирда қўлёзмалардан бири Марғилон шаҳри, Жўраҳон Султонов кўчасида яшовчи Аҳрорхон Қиличхонов хонадониде сақланади.

<sup>22</sup> "Равзат ул-ансоб" қўлёзмаси... 3-варақ.

Шу ва бошқа қатор маънолар бизни мазкур сатрларга рақам чекишга туртки берди. Ҳадиси шарифда, ўзгаларга бир оғиз ширин сўз билан яхшилик қилишга эриша олган кишининг дўзахдан қутулиб қолиши ҳақидаги башоратни ўйласак, бу ожизона хизмат натижасига кўз тутиш мумкин.<sup>23</sup>

Китобни рўёбга чиқишида ўзининг бевосита кўмаги ва беғараз маслаҳатлари билан яқиндан ёрдам берган устоз Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратларига, Рожийшунос олим Муҳаммад Ғози Марғилоний – Самарқандийга, Эргаш қори Мирзаалиев ва бошқа азизларга самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

***Раҳматуллоҳ Файзуллаев,  
Нодиржон Абдулаҳатов***

---

<sup>23</sup> Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. “Саҳиҳ ул-Бухорий”. Дорул фикр. Байрут. 1407/1987. 5-жилд, 370-б.

## РОЖИЙ ТАХАЛЛУСЛИ ШОИРЛАР

Китоб аввалида "Рожий" тахаллуси билан ижод қилган шоирлар ҳақида тўхталиб ўтсак. Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, Рожий тахаллуси билан ижод қилган шоирлар ўндан ортиқдир. Бу ҳақда М.Мадғозиев қуйидагича маълумот келтиради:

"Рожий тахаллусли шоирлар Навоийгача бўлган таъкираларда ва ундан кейинги уч аср мобайнида, яъни XVIII асргача бўлган ўзбек адабиётида учрамайди. Аммо озарбайжон ва форс адабиётида XVII аср охирида иккита Рожий тахаллусли шоир яшаб ижод этган. Бу тахаллус билан ҳозирча биз аниқлаганимиз – 14 нафар шоир ижод қилган, улардан 12 нафари ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари дидир. Энг қизиғи шундаки, Рожий тахаллусли шоирлар деярли бир даврда яшаб ижод қилсалар-да, уларнинг номи ва ижоди бир-бирига аралашиб кетмай алоҳида ҳолда бизгача етиб келган".<sup>24</sup>

1. Ҳожи Мирза Абулҳасан Рожий. Ҳижрий 1247 милодий 1669 йилда туғилиб, ҳижрий 1292 милодий 1752 йилда вафот этган. Озарбайжон ва форс тилида ижод қилган. Бу шоирнинг асарлари бизгача етиб келган бўлиб, улардан бири Озарбайжон Республикаси ФА қўлёзмалар фондида, яна бир девони эса Ўз ФАШИ қўлёзмалар фондида сақланади.<sup>25</sup>

2. Буман Али Рожий Кирмоний – XVIII асар охири ва XIX бошларида яшаб ижод этган форс шоири. Унинг "Ҳалқайи Ҳайдарий" номли 20 000 байтгли бир достони Тожикистон ФА қўлёзмалар фондида сақланади.<sup>26</sup>

---

<sup>24</sup> Бердимуродова М. Рожий тахаллусли 14 шоир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. № 3. 47-б.

<sup>25</sup> Қаралсин: Озарбайжон Республикаси ФА қўлёзмалар фонди. Инв № 4017, 206 ва Д 1515; "Девони Абул Ҳасан Рожий". Ўз ФАШИ, Инв № - 12497.

<sup>26</sup> Фихристи дастнависхойи Шарқии АФ Тожикистон. Жилди 4. Нашриёти "Дониш" Душанбе – 1970, сах, 99.

3. Муҳаммад Юсуф ал-мулаққаб Рожий бин Қози Хўжамберди ал-Хоразмий. XIX аср иккинчи ярмида яшаб ижод этган шоир, таржимон, хаттот бўлиб, таваллуд ва вафот этган йиллари маълум эмас. Араб ва форс-тожик тилларини мукаммал билган. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий таржимачилик соҳасида ҳам анчагина ишлар қилган. Чунончи у Мирхонднинг “Равзатус сафо фи тарихи анбиё ва хулафо” асарининг IV ва V жилдларини ўзбек тилига таржима қилган бўлиб, бу асар бизгача етиб келган.<sup>27</sup> Ўз даврининг етук хаттотларидан бўлган Рожий Хоразмий Алишер Навоийнинг тасаввуфий асари “Лисонут тайр”ни кўчиргани ҳам маълум. Мазкур асар ЎзФАШИ да 7346 инвентар рақами билан сақланмоқда. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмийдан бизгача оз девон ва “Илтижономаи Рожий” номли бир асар ҳам етиб келган.<sup>28</sup>

4. Аҳмади Рожий. Ўз ФАШИ да Аҳмади Рожийнинг бир қўлёзмаси сақланади.<sup>29</sup> Бу шоир ҳақида бошқа маълумотга эга эмасмиз.

5. Рожийи Ҳиндий. Академик В.А.Абдуллаев Самарақанд “Ленин йўли” рўзномасида босилган “Қадрдон Фурқат” номли мақоласида Фурқатнинг ҳиндистонли дўстлари орасида Рожий тахаллусли шоир ҳам бўлганини қайд этади.<sup>30</sup>

6. Муҳаммад Амин Рожий Андижоний. Бу киши ҳақларида манбаларда ҳозирча маълумот учрамайди. Лекин унинг “Саккизинчи номердағи имон ва ислом танқидина Андижондан бирғина жавоб” сарлавҳали мақоласидан маълум бўлишича, у ўз даврининг таниқли ислом уламоларидан бўлгани, ўз шеърларидан баёз тузгани маълум.<sup>31</sup>

7. Мирзо Юнус Котибий Шаҳрисабзий Рожий. Бу шоирнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида етарли маълумот йўқ. Мирзо Юсуф шоирнинг исми бўлиб, Рожий адабий тахаллусидир. Мирзо Юсуф Рожий XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб

---

<sup>27</sup> Ўз ФАШИ инв. № 7416/ 1.

<sup>28</sup> Ўз ФАШИ инв. № 1971,1119,922,1949.

<sup>29</sup> Ўз ФАШИ инв. № 2116.

<sup>30</sup> “Ленин йўли” газетаси. 15 май, 1959 йил.

<sup>31</sup> “Ал-Ислох” журнали, 1915 йил, 1-жилд, ражаб /июнь/ сони, 311-314-б.

ижод этган. Навоий, Фузулий, Ҳусайний, Комил Хоразмий, Зийрак ва бошқалар ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Хоразм хони Саййид Муҳаммадхон (1856-65) ва Муҳаммад Раҳимхон II (1865-1910) га бағишлаб қасидалар битган. Айрим маълумотларга қараганда шоир 1917 йилда Шаҳрисабзда ўлдирилган.<sup>32</sup> 3 девони бизгача етиб келган. Девони қўлёмалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёмалар фондида сақланади (инв. №922, 1119, 1271).<sup>33</sup>

8. Идрис махдум Набирахўжа ўғли Рожий Бухорий – етук шоир ва хаттот бўлиб, манбаларда унинг таваллуд ва вафот этган йили икки хил қайд этилган. Баъзи манбаларда 1268 (1851) йилда туғилиб, 1328 (1910) йилда вафот этган деб ёзилса, бошқа бир манбада 1298 (1881) йилда туғилиб, 1838 (1920) йилда вафот этган деб ёзилади. Шоирнинг мажмуа ва девонлари Ўзбекистон ва Тожикистон ФА қўлёмалар фондларида сақланади.<sup>34</sup>

9. Сулаймонқул уста Суярқул ўғли Рожий Хўқандий. Манбаларда кўрсатилишича, Сулаймонқул Кўкон шаҳрининг Сармозор даҳа Кўрхона маҳалласида тахминан 1807 йилда туғилган. Кўкон мадрасаларида таҳсил кўрган. Сулаймонқул Рожий ўз даврининг таниқли шоири ва хаттотларидан бўлиб етишади. Бир қанча вақт дарс бериш билан шуғулланади. Рожий Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" ва "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарларини кўчирган. Рожий асарларидан баъзиларини ўз ичига олган Абдулмажид Котиб томонидан тузилган қўлёмма баёз Кўқондаги Ғафур Ғулом номидаги адабиёт музейида сақланади. Рожий Хўқандий 1924 йил 11 ноябрда 57 ёшида вафот этади.<sup>35</sup>

10. Фахриддин Мирзо Назриддин Ҳодий ўғли Рожий Самарқандий. Беҳбудий томонидан чиқарилган "Оина"

<sup>32</sup> А.Муродов. Ўрта Осиёда хаттотлик санъати тарихидан. Ўз ФАА нашриёти, Тошкент, 1974 йил, 91-92-саҳифалар.

<sup>33</sup> Ўз ФАШИ инв. 7745; Фихрести дастнаivistхойи Шаркии АФ Тожикистон. Жилд 4. Нашриёти "Дониш" Душанбе – 1970, саҳ. 157- 159.

<sup>34</sup> Баёзи Идрисхожа Рожий Бухорий. Ўз ФАШИ инв №3972.

<sup>35</sup> Д.Раҳматова. Муқимий издошлари. Филология фанлари номзоди илмий унвонини олиш учун ёзилган диссертация. 1967 йил.

журналида котиблик қилиб, унда ўзининг бир қанча шерларини “Рожий”, “Ф. Рожий”, “Фахриддин Рожий”, “Ф.Р” имзолари билан чоп эттирган.<sup>36</sup> Унинг отаси Мирзо Назриддин “Ҳодий” тахаллуси билан шеърлар ёзган. Рожий Самарқандий отасининг шеърларини тўплаб, охирига ўз асарларини қўшиб “Девони Ҳодий” номи билан чоп эттиради. Уни Заки Валидий Тўғон ўз “Хотиралар”ида тилга олган: “Фахриддин Мирзо Рожий Самарқандий – 1878 йилда Самарқандда туғилган. У ўз даврининг кўзга кўринган зиёлиси сифатида Самарқанд адабий муҳитида яшаб ижод қилган ва Саид Аҳмад Васлий ва Маҳмудхўжа Бехбудий билан ёшликда дўст бўлган”.

Валидий Рожийни шундай эслайди: “Туркий адабиётни севган. Мен туғилган йилларидаёқ вафот этган отаси Мирзо Назриддин хожи ҳам шоир бўлган. Унинг форсча ёзган шеърларини Рожий 1913 йилда Самарқандда нашр қилган эди. Мирзо хожи форсий, ҳинд ҳикояларини туркий шеърий шаклда таржима этган. Қисқаси, Рожий ўз нутқларида жуда жасур бўлиб, ҳаммага йўл кўрсатар эди”.

Маълумотларга кўра, Фахриддин Рожий “халқ душмани” сифатида 1937 йилда отиб юборилган.

Тадқиқотчи М.Бердимуродова ўзининг "Рожий тахаллусли 14 шоир" мақоласида яна уч нафар шоир ҳақида ҳам маълумот беради:

1. Бобо Рожий – қўқонлик, 1853 йилда сипоҳий оиласида туғилган. Исми Мулла Бобобек домулла бўлиб Юсуфбек ибн Ҳотамбекнинг ўғли. Хўжанд даҳасидаги “Ғози ёғлиқ” маҳалласида яшаган. Қўқон мадрасаларида ўқиб араб тилини пухта ўрганган. Бутун ҳаётини имомлик билан ўтказиб шуҳрат қозонган. 1912 йилда Кал Дўшон қишлоғида вафот этган. Умрининг кўп қисмини Катта Афғон қишлоғидаги масжидда ўтказган. У ўз таржима ҳоли ҳақида тўхталиб, ўзбекнинг юз уруғидан эканлиги, отаси Худоёрхон замонида Қўқонга келиб, шу ерда уйланиб, сипоҳийлик қилганлиги, оилада уч ўғил бўлиб,

---

<sup>36</sup> "Ойна" журнали, 23 зул ҳижжа 1331./15 ноябр 1913 й./ №3, 72-73-бетлар.

Рус ҳукумати даврида отаси ҳажга кетиб, Мадинаи Мунавварада яшаб қолганлиги ва ўша ерда вафот этганлигини айтади. Бизга унинг тасаввуф ва ахлоқ руҳидаги “Тазкират ун-ном” номли асари етиб келган. 1885 йилда ёзиб тугалланган мазкур асар унинг ўғли қўлида сақланиб қолган.<sup>37</sup>

2. Муҳаммад Қиличбек Рожий – Хоразм адабий мактабининг вакили Огаҳийнинг “Риёз уд-давла” номли асарида у ҳақда шундай маълумотлар мавжуд: “Фазойил маоби камоли интисоб Муҳаммад Қиличбекким, ҳамул замоннинг забардаст шуаросидин эрди, ул ҳавли биносига таворихни айтибдур”<sup>38</sup>.

3. Насриддин Рожий – унинг мероси Ўз ФАШИ қўлёзмалар фондида 9970 – инвентар рақам билан сақланади.

---

<sup>37</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи: Акад. Қаюмов А. Уч жилдлик –Т.: "ЎзРФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими", II жилд. 1998.603-б.

<sup>38</sup> Бердимуродова М. Рожий тахаллусли 14 шоир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. № 3. 49-б.



## РОЖИЙ ТАХАЛЛУСИНИНГ МАЪНОСИ

Юқоридаги маълумотлар билан танишгач, "Рожий" тахаллусли шоирлар бу қадар кўп ўтгани ҳақида қизиқиш пайдо бўлиши табиий.

Рожий" арабча сўз бўлиб луғатда "умидвор", "умид қилувчи" маъноларини англатади. Шариат истилоҳида эса банданинг Аллоҳнинг раҳматидан умид қилишига ражо, умид қилувчини эса Рожий деб аталади.

Исломда ражо – яъни Аллоҳнинг раҳматидан умид қилиш ақидавий мавзуларнинг муҳимларидан саналиб, унга алоҳида эътибор қаратилади. Бу шунчалик муҳимки, акс ҳолда, бандада Парвардигор раҳматидан ноумидлик пайдо бўлса бу куфр (кофирлик) саналади. Исломда имонни муҳофаза қилиш биринчи ўринга қўйилган бўлиб, барча амал ва феъллар, ҳатто дилдан ўтаётган хаёл-хотираларда ҳам куфрга олиб борувчи нарсалардан сақланиш ўта зарурдир.

Исломда барча масалаларнинг манбаи бу Қуръони карим ва Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг муборак сўзлари бўлиб, ушбу мавзу ҳам бу икки муқаддас манбада аниқ-тиниқ баён қилинган. Мазкур манбалар асосида ишлаб чиқилган энг тўғри ақидавий йўл – Аҳли суннат вал жамоат ақидаси бўйича банда ҳар қанча гуноҳкор бўлса ҳам Парвардигор раҳматидан ноумид бўлмаслиги керак. Шунингдек, яхши амаллари кўп бўлган чоғида ҳам унинг азобидан хотиржам бўлмаслиги зарур. Балки, доим хавфу ражо – умид ва кўрқинч ўртасида туриши зарур.

Хавф – Аллоҳ таолодан кўрқиш, ражо – умидвор бўлишдир. Бу икки туйғу мўмин қалбида баробар бўлиши керакки, акс ҳолда бу ҳам куфр саналади. Яъни, банданинг кўркуви ғолиб келиб, ноумидлик келиб чиқиши кофирлик саналганидек, умиди кучайиб хавфи камайиб кетиши ҳам куфрдир. Бинобарин, банданинг Парвардигор азобидан хавфи шунчалик бўлиши керакки, фаразан, қиёмат куни кофир ва мушриклардан бошқа ҳамма нажот топди, фақат бир киши азобга ҳукм қилинди, дейилса, ўша мен эмасми, дея кўрқиб туриши,

ёки пайғамбарлардан бошқа ҳамма азобга қолди, фақат бир киши нажот топди дейилса, ўша кимса менми, дея умидда бўлиши керак.

Мазкур маънолар Сўфи Оллоҳёрнинг "Сабот ул-ожизин" асарларида гўзал тарзда баён қилинган:

*Қариш йўл қолса жаннат этгали тавф,  
Бурунғидан зиёда айлагил хавф.  
Наъзу биллоҳ ул борган йўлингдан,  
Агар қайтарса на келгай қўлингдан.*

Умид бобида эса шундай келтирадилар:

*Агар дўзах лабинда бўлса пойинг,  
Умид узмаки, Гофирдир Худойинг,  
Ажаб эрмас агар қайтарса андин,  
Насиб этса беҳишти жовидондин.*

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: "Эй (Муҳаммад) гуноҳ туйғули ўзига исроф – зулм қилган бандаларимга, "Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар!", – деб айтиш", дея марҳамат қилган. (Зумар сураси 53-оят).

Шунинг учунми, банданинг қалбида кўпинча умидворлик ҳисси ғолиб бўлади. Бу бежиз эмас, чунки бу ожиз ва гуноҳкор банданинг ўз аҳвол ва қилмишлари мулоҳазасидан келиб чиққан руҳий ҳолатдир. Ҳатто бу туйғу дўзахда азобланаётган кишида ҳам бўлиши ажабланарли.

Имом Ҳофиз Исмоил ибн Касир ўз тафсирида Аҳмад ибн Ҳанбалдан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: "Бир банда дўзахда минг йил давомида "Эй Карим, эй Раҳим" деб нидо қилади. Шунда Аллоҳ таоло Жаброилга: "Бориб уни олиб кел", – дейди. Жаброил бориб дўзах аҳлининг ҳаммаси баробар йиғлаётганидан уни топа олмай қайтади. Аллоҳ таоло: "У фалон ер, фалон жойда", – дейди. Фаришта бориб уни олиб келади ва Парвардигор ҳузурига турғизиб кўяди. Аллоҳ таоло: "Эй бандам, турган жойинг қандай экан?" – деб сўрайди. Банда: "Энг ёмон жой, энг ёмон ўрин!", – дейди. У буни иқроқ қилгач, Аллоҳ таоло: "Уни ўз жойига қайтаринглар", – дейди. Шунда банда: "Эй

Раббим, сен мени дўзахдан чиқарганингда, яна қайтариб дўзахга киргизмайсан, деб умид қилган эдим", – дейди. Шунда Аллоҳ таоло: "Бўлмаса, уни у ердан қайтаринглар ва жаннатга киргизинглар!", – дейди.<sup>39</sup>

Аллоҳ таолога бандаларнинг яқинроғи ҳам уни яхши кўрувчиларидир. Яхши кўришлик эса умидни ғолиб қилади. Аллоҳдан умид қилиш ва У ҳақида чиройли гумонда бўлиш борасида кўплаб тарғиблар келган. Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Сизлардан бирортангиз Аллоҳдан яхшилиқни умид қилмасдан ўлмасин", деган бўлсалар, бошқа ўринда: "Аллоҳ таоло: "Мен банданинг мен ҳақимда қилган гумони – умидидадирман, яъни шунга яраша муомала қиламан", – деб айтган" деганлар.<sup>40</sup>

Бир куни ўлим тўшагида ётган бемор олдиға кирадилар ва: "Ўзингни қандай ҳис қиляпсан? – деб сўрайдилар. У: "Гуноҳимдан кўрқяпман ва Унинг раҳматидан умид ҳам қиляпман", – дейди. У зот: "Шундай пайтда қайси банданинг қалбида бу икки нарса жам бўлса, албатта, Аллоҳ унга умид қилган нарсасини бериб, у кўрққан нарсадан сақлайди", – дейдилар.<sup>41</sup>

Ҳазрат Али р.а. хавфи ноумидликка олиб борган кишига: "Сени бу ноумидлигинг қилган гуноҳингдан кўра каттароқдир", – дейдилар.

Имом Муҳаммад Ғаззолий "Ихёу улумид дин" да кўйидаги гапни келтиради: "Аллоҳ таоло Яъқуб алайҳиссаломга: "Мен нима учун сен билан ўғлинг Юсуфни орасини ажратганимни биласанми? Сен, мен сизлар ғафлатда турганингизда уни бўри еб кетишидан кўрқаман, дединг, бўридан кўрқдинг, аммо мендан умид қилмадинг. Акаларининг

<sup>39</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. "Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал". Дорул кутубул илмийя, Байрут, 1978. 3-ж, 230-б.

<sup>40</sup> Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсобурий. "Саҳиҳу Муслим"... 8-ж, 165-б.

<sup>41</sup> Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. "Сунани Термизий"... 4-ж, 187-б.

ғафлатига бокдинг, бироқ мени сақлашимни ўйламадинг!", – деб айтган.<sup>42</sup>

Мавзуга қайтадиган бўлсак, ҳар бир шоирнинг тахаллуси унинг Аллоҳга муҳаббати, Исломига бўлган эътиқоди шу билан бирга ўзининг шахсий ҳис-туйғу ва кечинмаларидан келиб чиқадики, уни тинглаш баробарида тасаввурда ўша ҳолатлар гадаланади. Шунга кўра, Хожажон қози Домла Рожийнинг айна тахаллусни танлаши унинг мазкур ҳолатларига бориб тақалади. У Парвардигор раҳматидан қаттиқ умидвор банд сифатида ўзини "Рожий" – "Умидвор" деб атаган.

Аммо таъкид жоизки, Рожийнинг ражо – умиди баъзи жоҳил кимсалардан билан содир бўладиган қуруқ ражо эмас, балки унинг ражоси Аллоҳни таниган, унга сидқидилдан итоатда бўлган, етарли илму билимга, маърифат ва ҳолга эга шахсдан содир бўлаётган ражодир. Зеро, ражо ҳақиқий ва ҳақиқий бўлмаган ражого бўлинади. Бу ҳақда Имом Муҳаммад Ғаззолий шундай дейдилар:

"Шуни билингки, инсон қалбига келадиган ҳис-туйғулар яхши-ёмон, ёқимли ва ёқимсиз бўлиши мумкин. Шу билан бирга, улар ҳозирда мавжуд бўлган, олдин бўлиб ўтган ва келажакда бўлиши кутилган нарсаларга қаратилган бўлади. Агар қалбга ўтмишда ўтган бирор нарса ҳақида ҳис-туйғу келса буни эслаш ва ёдга олиш дейилади. Ҳозирда мавжуд бўлган нарса ҳақида бўлса, бу важд, завқ ва идрок дейилади. Агар бир нарсани келажакда ҳосил бўлиш ҳисси ҳосил бўлиб, қалб унга ғолиб бўлса, буни интизорлик ва кўз кутиш дейилади. Бу кутилаётган нарса ёқимсиз бўлиб ундан қалбда алам пайдо бўлса буни хавф ва қўрқув дейилади.

Агар кутилаётган нарса ёқимли ва суюкли бўлиб, уни кутишдан қалбда хурсандлик ва роҳат пайдо бўлса, буни ражо деб аталади. Демак, ражо – лажакда келиши кутилган маҳбуб нарсага қалбнинг интизор бўлишидир.

---

<sup>42</sup> Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. "Ихёу улумид дин". Дорул маърифат. Байрут. 3-ж, 246-б.

Шуни унутмаслик керакки, кутилаётган нарса учун талай сабаблар бўлиб, улар ўшаларга кўра таксимланади.

Киши кутилаётган нарса учун кўрсатилган сабабларнинг ҳаммасини ҳозирлаб, унга яна зиёдалик ҳосил қилган бўлса, бу интизорликни сидк, деб айтилади.

Агар унинг сабабларини ҳозирламай шошқалоқлик қилса, бу ражони ғурур – алданиш ва аҳмоқлик дейилади.

Агар сабабсиз фақат умиднинг ўзи бўлса, сабабсиз интизор бўлгани учун буни шунчаки орзу, дейилади.

Шунингдек, ноаниқ ва қатъий аниқ ҳолатдаги ишларни кутиш ёки кўрқишга ҳам ражо ёки хавф сўзини қўллаш дуруст бўлмайди. Масалан, бир киши: "Мен тонгда қуёшнинг чиқишини умид қиламан ва шом пайтида уни ботишидан хавф қиламан", – дегани каби. Чунки бу ишлар қатъий белгилаб қўйилгандир. Аммо ёмғир ёғишини умид қиламан, ёки тўхтаб қолмаса, деб кўрқаман, дейиш мумкин.

Шуни таъкидлаб айтиш керакки, банданинг мағфиратни умид қилиши худди экин эгасининг умиди каби бўлиши керак. Яъни, қалб эгалари назарида дунё охиратнинг экинзори саналади. Қалб ер ўрнида бўлиб, унга экиладиган уруғ имондир. Тоатлар ерни тозалаб ишлов берадиган, суғорадиган асбоб ҳисобланади. Дунёга берилган ва унга боғланган қалб гиёҳ унмайдиган ва ҳосил бермайдиган ер кабидир. Ҳар ким экканини ўради ва экин фақат имон уруғидангина ҳосил бўлади. Имон уруғи эса ёмон хулқли ер бўлмиш нопок қалбда камдан-кам ҳосил беради.

Худди шу каби киши покиза ерни олиб унга яхши уруғни экса, унга вақтида керагича сув юборса ва ундан экинни бузадиган нопок ўтларни, тиканларни тозаласа ва шундан кейин Аллоҳнинг фазлидан умид қилиб, чакмоқ ва яшин офатларидан сақлашини, ҳосилини мукаммал қилиб беришини кутиб ўтирса, ҳақиқатда буни ражо – умид деб аталади. Аммо уруғни сув турмайдиган каттиқ нопок ерга сочиб, вақтида сув юбормаса,

керакли меҳнатни қилмай ҳосил унишини кутиб ётса, буни аҳмоқлик ва ғурур деб айтилади".<sup>43</sup>

Айтиш ўринлики, Рожийнинг ражоси мазкур шартларга мувофиқдир. Унинг асарларида ҳам бу икки ҳолат – хавфу ражо баробар тилга олинганини кўрамиз. Чунончи, у "Нечук жонман" дея бошланадиган ғазалида шундай дейди:

*...Иноятлик Илоҳимсан, паноҳим, такагоҳимсан,  
На қилсанг подшоҳимсан, санга бўйнутумни сунгонман.*

*Кулунгдирман манам, ё Раб, гуноҳимдан на ғам, ё Раб,  
Агар қилсанг карам, ё Раб, зиҳи мамнуни эҳсонман.*<sup>44</sup>

Мазкур мисралар Рожийнинг умид бобидаги сўзлари бўлса, хавф борасидаги сўзлари қуйидагича:

*Нетарман гўр азобига, малойикнинг жавобига,  
Қиёматни ҳисобига, ёмон олуда домонман.*

*Турар маҳшарда гавголар, бошимда қанча савдолар,  
Бўлурман анда расволар, на қилгум, аҳли тугёнман.*

Ғазал мактаида хавфу ражони биргаликда келганини кўрамиз:

*Гуноҳим ҳаддин ошди, лек гуфронингга Рожийман,  
Қиёмат шиддати ваҳми билан тарсону ларзонман.*

Яъни, гуноҳим ҳаддин ошиб кетган бўлса-да, лекин мағфиратингдан умидворман, шу билан бирга қиёмат куни даҳшатидан қўрқувчиман.

Бошқа ўринда Рожий нафақат ўзи, балки барча инсонлар қалбида буюк Парвардигорга бўлган умид ҳиссини жунбушга келтириб, шундай дейди:

*Рожий хусули матлаб Ҳақ даргоҳидин ўлгай,  
Ҳар сифланинг паноҳи ул остон эмасму?!*

<sup>43</sup> Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. "Ихёу улумид дин"... 3-ж, 247-б.

<sup>44</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 19-б.

Ҳа, Рожий айтганидек, ҳар бир сифла – савоб ишга нтилмайдиган, ожизу нотавон бандаларнинг паноҳи – бош уриб борадиган ери ўша улуғ остонадир. Чунки барча ҳожатлар ўша даргоҳдангина ҳосил бўлади. Бандалар ҳожатларини фақат ундангина сўрайдилар, унгагина илтижо қиладилар. Шунингдек, у даргоҳдан келадиган карам ва эҳсонга барча – шоҳу гадо баробар муҳтождир:

*Муҳтождур карамни шоҳу гадо баробар,  
Рожийки бенаводир уммидвор эмасму?*

Рожий ўзининг машҳур маснавийсини қуйидаги мисралар билан тугатган эдики, у ҳам унинг Парвардигор раҳматига бўлган умидининг ифодасидир:

*Тонг эмас ул Гофиру соҳиб карам,  
Айласа мағфур бу Рожийни ҳам.*

Рожий яшаган даврда Марғилоннинг қабристонларидан бирида тўксон ёшли кекса хароботий киши истиқомат қилган. Рожийга унинг қилаётган ишлари таъсир қилиб, унга бағишланган бир юз саксон мисралик маснавий ёзади. "Ҳолоти Мулло Қаландар" ("Мулло Қаландарнинг аҳволи") деб номланган мазкур асарда Рожий қиёмат манзараларини таърифлар экан, шундай қаттиқ ва шиддатли кунда ҳам бандаларга раҳмат ва марҳамат бўлишини, осий бандаларнинг гуноҳлари савоблар эвазига бир саховатли "харидор" тарафидан "сотиб олиниши"ни шундай гўзал таърифлайдики, ундан унинг Парвардигор раҳматига бўлган умидворлигининг бекиёс эканини сезмаслик мумкин эмас:

*...Ба рўзи маҳшаранд аз хоби бедор,  
Чи рўз аз жўши савдо гарм бозор.*

*Чи бозорики бо ҳам мехурушанд,  
Матои тоату исён фурушанд.*

*Чу бозори карам дар гарм жўшаст,  
Ба нақди мағфират исён фурушаст.*

*Агар даллоли раҳмат гуфт бозор,  
Агар дар тоқи исён монд аз ин бор.*

*Харидорики гуфрон дастгоҳ аст,  
Хазоиндори раҳмат подишоҳ аст.*

*Матои Румийе исён харидан,  
Сазад ўро ба сад гуфрон харидан.*

*Ба бозорики шуд бо нақди раъфат,  
Тулуе муштари аз буржи раҳмат.*

*Агар тоат бенуқсон харидаст,  
Харидори ганий арзон харидаст.*

### **Назмий таржимаси:**

*...Улар маҳшар куни бўлишар бедор,  
У шундай кундирки қизигай бозор.*

*Бу қандай бозорки барчаси гирён,  
Сотилур бирма-бир тоату исён.*

*Карам бозорики билмагай тизгин,  
Кечиримга исён сотилур қизгин.*

*Сўз олур раҳматнинг даллоли шу он,  
Яна кимда қолди гуноҳдан пинҳон.*

*Харидорим бордир касби кечирмоқ,  
У раҳмат ганжига подшоҳдур тоқ.*

*Подшоҳ ҳамиша авфу атоли,  
Хариди исёндур Румий матоли.*

*Баланд баҳо билан босиб илгари,  
Раҳмат буржидан чиқди муштарий.*

*Харид этган бўлса тоат бенуқсон,  
Ганий харидорки, олибди арзон.<sup>45</sup>*

---

<sup>45</sup> Устоз Абдулқодир Жомеъ Самарқандий насрий таржимаси асосида  
Ҳ.Жўраев томонидан назмга солинган.



Бугина эмас, агар Рожийнинг қўлёмаларида келган баъзи қайдларга ҳам назар ташлайдиган бўлсак, ундаги умидворлик ҳиссини ифодаловчи қайдларга ҳам гувоҳ бўламиз. Чунончи, унинг марғилонлик Муфаззал Махдум кўлида сақланувчи баёзида Саъдийнинг "Гулистон" идан қуйидаги ҳикоя келтиради:

*"Ҳар гаҳки яки аз бандагони гуноҳкор паришонрўзгор дасти инобат ба умиди ижобат ба даргоҳи Ҳақ жалла ва аъло бардорад. Изид таоло дар у назар нақунад. Бозаш бихонд боз иъроз фармояд. Боз дегараш ба тазарруъ ва зорий бихонд. Ҳақ субҳанаҳу ва таоло фармояд: Ёа малаикатий, қод истаҳйайту мин абдий ва лайса лаҳу зойрий фақод зофарту лаҳу. Даъваташ ижобат кардам ва умидаш бар овардам ки аз бисёри дуо ва зорий банда ҳами шарм дорам".<sup>46</sup>*

**Таржимаси:** Аҳволи паришон гуноҳкор бандалардан бири тавба ва ражӯ қўлини қабул умидида боргоҳи самадонийга кўтарди, Аллоҳ таоло унга илтифот қилмади, ул банда яна унга талаби мағфират қилди. Аллоҳ таоло иккинчи марта ҳам юз ўгирди. Банда аввалгидан кўпроқ тазарруъ ва фиғон билан талаби мағфират айлади. Шунда Аллоҳ таоло айтди: "Эй фаришталарим, мен бандамдан ҳаё қилдим. Зотан, у бандамни мендан бошқа Парвардигори йўқ экан. Кўп дуо ва илтижосидан уялиб, уни мағфират қилдим ва дуосини ижобат қилиб мақсудини ҳосил айладим.

*Карам бийну лутфи Худовандикор.  
Гуноҳ банда кардаст ў шармисор".<sup>47</sup>*

**Таржимаси:** Аллоҳ таолонинг лутфи ва карамини кўрки, гуноҳни банда қилса-ю, у шармисор бўлса!

Рожий домла яшаган даврда Қирғизистоннинг Учқўрғон қишлоғида аёл-қизлар муаллимаси Ойбиби исмли отин вафот этади. Рожий унинг вафотига бағишлаб армон ва таассуф билан ёзган таърих-марсиясида уни жаннатга кетган, деб умидли хулоса қилар экан, унга шундай хитоб қилади:

<sup>46</sup> Саъдий Шерозий. Гулистон. Нашрга тайёрловчи Сайфиддин Сайфуллоҳ. Тошкент, "ФАН" нашриёти, 2005, 14-б.

<sup>47</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 81-б.

*Де саломимни боруб Доруссалом аҳлига, сўр,  
Бормукин Рожийни жойи равзаи ризвонидин?*

Яъни, Доруссалом жаннатига бориб мендан салом айт ва сўрагинчи, у ерда Рожийга ҳам жой бормикин?...

Келтирилган маълумотлардан англашиладики, Хожажон Хожа мусулмонлар ҳаётида хавфу ражонинг ўрнини англаган мўмин сифатида ўзига ушбу "Рожий" тахаллусни танлаган ва бир умр у англаган маънога ҳамоҳанг яшаб ўтган. Чунончи, у муборак ҳаж зиёратини адо қилиб қайтаётиб Мадинайи Мунавварада турганида ёзган асарига шундай илтижо қилган эди:

*Юножйика Рожий сабо-а масо,  
Тараҳҳам биҳи йа самиъад-дуо.*

*Ли анний асимун қалилул амал,  
Сақилул хатоё ка вақрил жабал.*

*Валав шиту ҳаййан маа-т-толиҳин,  
Амитний ва алҳиқний бис солиҳин.*<sup>48</sup>

Яъни, Эй Аллоҳ, банданг Рожий эртаю кеч: “Эй дуоларни ижобат қилувчи зот, Ўзинг унга раҳм эт”, дея дуо-илтижо қилади. Чунки у осийнинг амали жуда оз бўлиб, хатолари тоғ каби оғирдир. Гарчи тириклигимда ёмонлар билан бирга бўлган бўлсам-да, вафот этганимда яхшилар билан бирга қил”.

У бу мавзудаги илтижоларини араб тилидаги асарларида ҳам баён этган:

*Аҳйайтаний Ҳаййал Қодим, аътойтаний куллан наъим,  
Тамху лий мин фазлил ғазим занбий валав вақрал жабал.*<sup>49</sup>

Яъни, эй доимо барҳаёт Зот, мени ҳаётга келтириб, кўплаб неъматларни бердинг, энди тоғ каби катта бўлса ҳам гуноҳларимни фазлинг билан ўчир.

<sup>48</sup> А. Мухаммадиев мажмуаси...112-б.

<sup>49</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 99-б.

Биз Рожийнинг Аллоҳ таолонинг раҳмати ва фазли карамига бўлган умидворлиги устида тўхталар эканмиз, беихтиёр унинг буюк салафларидан Алишер Навоий ҳазратларининг муножотлари хаёлимизга келадики, уларда қандайдир ўхшашлик бордек. Бу бежиз эмас, Рожий бутун умр Навоий ҳазратларига муҳаббатли шогирд сифатида яшаб ўтди. У зотнинг асарларига тахмислар, татаббуълар қилди. Шундай экан, бу соҳада ҳам у зотдан ўрнак олиши табиий. Зотан, Навоийдан кейинги ижодкорлар ўртасида Навоийга ўзини яқин олиш, у зотга маънавий шогирд бўлиб изларидан юриш шараф саналган:

*"Илоҳи, акрамул акрамин – сен ва мен гуноҳкор!"*

*Илоҳи, арҳамур роҳимин – сен ва мен тийрарўзгор (бахтсиз)!*

*Илоҳи, агарчи журм (гуноҳ)у исёндан ўзга ишим йўқ, сендин ўзга кишим йўқ!*

*...Илоҳи, йиллар ибодат қилганни рад қилсанг, ҳеч ким даҳл қила олмас ва қарн (узун замон)лар исён қилганни қабул қилсанг, ҳикматин ҳеч киши била олмас!*

*...Илоҳи, иноятинга умидворменким, гуноҳим беҳаддур ва раҳматинга сазоворменким, хатову саҳвум беададдур!*

*Илоҳи, дарду ҳолимни ҳар кимга айтсам, рад қилса, сенга таважжух этгаймен (юзланурмен) ва агар сен рад қилсанг, неткаймен ва кимга кеткаймен?*

*Илоҳи, сенинг йўлингда туфроқ етса, тўтиёдур ва агар қесак йўлуқса, кимёдур, гайринг (сендан бошқа)дин қизил олтун қора туфроқдек беқадру камҳобдур!*

*Илоҳи, ёмонлигимдин агарчи кўп аламим бор, гамҳорим сен бўлсанг, не гамим бор?!*

*...Илоҳи, ул узун йўл ва қаттиг водийда иноятинг била йўлда (йўлла) ва анинг қатъида (кесиб ўтмоқда) аёгим тойилса, дастгирлигинг била қўлда (қўлла)!*

*Илоҳи, бу йўл сайрида шайтонни теграмга ёвутма (яқин келтирма), агар ул адув (душман) йўл(дан) урса зуҳудум (зоҳидлигим)дин не келгай, иноятингни ўқсутма (дариг тутма)!*

*...Илоҳи, гафлат уйқусидамен, бедор қил ва жаҳолат мастлигидамен, ҳушёр қил!*

*...Илоҳи, агар афъолим ((қилмишларим)га боқсам, уёт ўлтурур ва сенинг карамингни согинсам, уммид танимга жон келтирур!*

*Илоҳи, сендин ёмонлиг келмас ва мендин яхшилиг, сен яхшисен ва мен ёмон. Ҳар кимга ўзига муносибдур қилиг. Тикан иши санчилмоқ учун ани кўйдурмак муносибдур, баҳор файзи ом учун, анга гул мусоҳиб (ҳамроҳ)дур.*

*...Илоҳи, агарчи залолатқа тушубмен, аммо ҳидоятингга талабгормен ва агарчи тамуз (дўзах)иўтига тушкали ёвушубман (яқин бўлибмен), аммо раҳматингдин умидвормен!*

*Илоҳи, умидимни карамингдин маъдум (йўқ) қилма ва раҳматингни халойиққа ом (баробар) қилғонда мени ҳам маҳрум қилма!*

*...Илоҳи, йигитлигим бу навъ (бу хилда) ҳам қаттиқ ўтти, ҳам аччиғ, қарилиғда юз қатла ўзумни ўлтурсам не асиг (фойда)!*

*...Илоҳи, мен тавба қилдим дегандин не суд, сен тавба бергилки, ҳам Таввобсену ҳам Маъбуд!*

*...Илоҳи, тоатқа тавфиқ берсанг, риёдин асра ва ибодатқа йўл кўргузсанг, хатодин асра!*

*Илоҳи, ул тоатки, ужб келтургай, кўнглумга ёвутма (яқин қилма) ва ул маъсиятким узрга еткургай, тилимдин йироқ тутма!*

*...Илоҳи, кўнглумни дарду шавқинг муҳаббати била овут ва кўзумни надомат ашки (ёши) селоби била равшан тут!"<sup>50</sup>*

---

<sup>50</sup> Алишер Навоий. Муножот. Мукамал асарлар тўплами, 16-том. Тошкент, "ФАН" нашриёти, 2000. 294-298-бетлар.

## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ ЯШАГАН ДАВР

Китоб аввалида Рожий яшаган давр ижтимоий муҳити ҳақида тўхталиб ўтамиз. Негаки, у ёки бу тарихий шахслар ҳақидаги тўғри ва ҳаққоний хулосачиқариш учун улар яшаган давр шароитини ўрганиш зарур бўлади.

Рожий Марғинович ҳаётининг 40 йили хонлар замониға, яна шунча йили Туркистоннинг Россия томонидан бошқарилган давриға тўғри келган.

XIX асрда Марғилон Қўқон хонлиги таркибида маъмурий-худудий ўзига хос аҳамиятға эға бўлиб, беклик,<sup>51</sup> баъзан саркорлик тарзида тилға олинган.<sup>52</sup> Хонликнинг маъмурий-худудий бошқарув тизимида бек (ҳоким, волий) ва унинг ўрдаси алоҳида ўрин эгаллаган. Хон томонидан тайинланган ҳоким ва қози барча ваколатларға эға бўлган. Бек ўрдасида ҳам хон саройидагидек юзлаб амал ва унвонлар жорий қилинган эди.<sup>53</sup>

Маълум бўлмоқдаки, Марғилон, Қўқон хонлигида Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Чимкент, Жиззах, Ўш, Хўжанд, Ўратепа каби аҳолисининг сони жиҳатидан катта, ҳунармандчилик ва савдо ривожланган, мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида муқим аҳамиятға эға ўнлаб шаҳарлардан бири саналган. Шохимардонлик шоир Мулло Ниёзға (1823-1896) кўра, XIX асрнинг охирларига келиб, Марғилон Фарғона водийсининг йирик маданий марказига айланибгина қолмай балки пойтахт шаҳар сифатида ҳам эътироф этилган.<sup>54</sup> Айни пайтда Марғилон қадимдан илм-маърифат ва мусулмончилик анъаналарига каттиқ амал қиладиган

---

<sup>51</sup> Кун А. Некоторме сведения о Ферганской долине // Туркестанский сборник. Т.117. С.169.

<sup>52</sup> Туркестанские ведомости. 1876. X°13.

<sup>53</sup> Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. 6-7-б.

<sup>54</sup> Молло Нияз. Санат дигарсттар / Арап тамғасындан эски жазмадан азыркы тамғаға Р. Зулпукаровдун қомоғу менен кочурген, китеп кылып тузгон жана баш созу менен создукторун, қошумчаларын жазган Омор Сооронов. Бишкек. “Учкун” концерни, 1993. 82-б.

шаҳарлардан бири ҳисобланган.

Асрлар давомида тадрижий равишда ривожланиб борган бу илмий жараён табиийки, шаҳарнинг Қўқон хонлиги даврида ҳам серқирра бўлган. Шаҳар ўз маънавий фаоллиги билан ажралиб туришидан ташқари, бу ерда тармоқлашган таълим тизими ва маҳаллий аҳолининг ўзига хос маданий анъаналари мавжуд бўлган. Бу даврда Марғилонда шариат олимлари билан бирга тариқатнинг машҳур шайхлари, шоир ва адиблар фаолият олиб борганлар. Улар илм-фаннинг турли соҳалари; тарих, адабиёт, шеърят ва бошқаларда кўплаб қимматбаҳо асарлар яратганлар.

Айниқса, тасаввуф тариқатининг пирлари бўлмиш Махдуми Аъзам, Хожа Лутфуллох, Абдулқодир Гилоний авлодларининг ҳозир бўлиши бу ерда мусулмончилик анъаналарини янада равнақ топишига катта таъсир ўтказган.<sup>55</sup> Бундай табаррук хонадон вакилларининг Фарғона водийсида истикомат қилишлари ва уларнинг халқ орасида, хусусан, ҳукмрон табақалар ўртасида тутган мавқеи, аввало, бу ерда осойишталикни барқарор туришига хизмат қилган. Улар раҳнамолик қилаётган тариқатларнинг таъсир доираси шунчалик кучли эдики, ҳар қандай ҳукмдор ҳам мамлакатни идора қилишда уларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб иш кўришга интилган.

Рожий Марғионий яшаган даврда шаҳар ҳокими Султон Муродбек эди.<sup>56</sup> Султон Муродбек – Худоёрхоннинг укаси бўлиб, бу мансабга унинг ўзи тайинлаган эди. 1871 йили Қўқонга ташриф буюрган рус географ олими А.П. Федченко Султон Муродбек хонадонидида меҳмонда бўлиб, хоннинг укаси тўғрисида самимий илиқ сўзларни ёзиб қолдирган.<sup>57</sup>

Марғилон шаҳрининг айни давр маънавий манзараларига доир қизиқарли маълумотлар ёзма манбаларда келтириб ўтилган. Масалан, муаллифи номаълум “Равзат ул-ансоб”

---

<sup>55</sup> Ҳозиргача шаҳарда мазкур тасаввуф шайхлари нингт авлодлари яшаган хонадаонлар ва улар фаолият олиб борган хонақоҳлар сақланиб қолган.

<sup>56</sup> Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. – С.86.

<sup>57</sup> Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – М., 1950.

маноқибини олайлик. Мазкур агиографик асар XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ўзбек тилида ёзилган бўлиб, асарнинг кириш қисмида Марғилон шаҳрининг сифатлари баён этилиб, унда шаҳар халқининг хушхуй ва мусофирдўст экани, бу ерда фазилат соҳиби бўлмиш саййидлар – пайғамбар авлодлари, фасоҳат эгаси улуғ устозлар кўплиги, уларни хосиятидан шаҳар халқининг ҳаммаси тақволи ва покиза кишилар айтилган:

*“Аммо ровийони ахбор ва оқилони осор андоғ ривоят қилибдурларким, замони собиқда Фарғона деб бир шаҳри аъзим бор эрди, ҳоло Марғионон дерлар. Шаҳарлар ичида кўб хушҳаво ва хушбахр ва одамлари хушхуй ва мусофир дўст эрдилар. Хусусан, саййиду содот фазилат осор ва машойихи кибор ва уламои фасоҳат кирдор ва фузалои фазилат шиор ва ҳунармандони соҳиби иқтидолар кўб эрдилар. Аларни хосият шарофатларидин ҳамма аҳли вилоят мўмин ва мусулмон мутаққий ва пири ҳунаркор эрдилар ва ҳар шаҳарлардин одамлар бу вилоятни орзу қилиб келур эрдилар ва баҳра олур эдилар”.*<sup>58</sup>

Бу фикрларни Марғилонга ташриф буюрган сайёҳ Мир Иззатулло ҳам тасдиқлайди. У 1812 йилда Ҳиндистондан Қашқар орқали Марғилонга келиб, бу ерлик аҳоли тўғрисида жуда самимий фикрларни билдирган эди. У жумладан: “Марғилонликлар эътиқод бобида энг аввалги қаторда турадилар. Шаҳарнинг ўзи жуда хушманзара бўлгани сабаблими, унинг одамлари ҳам хушахлоқ ва сертавозедир. Уларнинг катта-ю кичиги шарият аҳкомига тўлиқ амал қиладилар”,<sup>59</sup> – деб қайд этади.

XIX аср Марғилон адабий муҳитининг кўзга кўринган вакилларидан бири Марғилон шаҳрининг Машҳад маҳалласида яшаб ижод қилган Абдурахмон Фаҳмий “Таърифи Марғионон” номли маснавийсида Марғилон аҳолисининг айни сифатларига урғу беради:

*Ҳама дину мусулмонликда собит,  
Намозу рўза эҳсонлиқда собит.*

<sup>58</sup> Равзат ул-ансоб” кўлёмаси... В.3.

<sup>59</sup> Путешествие Мир Иззет уллы в Кокандского ханство (1812). С.159.

*Масожидлар тўлиб вақти намозда,  
Қадам аввал қўйур назру ниёзда...*

*Агар жаннат ер устида жаҳонда,  
Ки бўлса ушбу шаҳри Марғинонда.<sup>60</sup>*

Марғилон шаҳрининг айна давр манзаралари марғилонлик яна бир шоир Муҳаммадумар Умидий – Ҳавоий Марғилоний қаламига мансуб "Тарихчаи Туроний" асарида<sup>61</sup> ҳам баён этилган. Энг қизиғи, муалиф ўзини Марғилондан бўлгани учун ҳам бу "фирдавснишон" шаҳар ҳақида баъзи гавҳарларни назм риштасига чекиши лозим эканини ҳам таъкидлаб: "Камина мусаннифи авроқ Марғилон шаҳридан бўлғоним учун килки фасонатарози суханпардоз, тўти янглиғ шакар резлиғ хангомасида ба иродаи вожибу-л-вужуд, сўз гуҳарини назм силкига манзум этиб, Марғинони фирдавснишон арўсиларини кокили мушк афшонига тумор ўрнида зеварбонлиғ айлоғони", – дея келтиради. Унда Марғилон шаҳрининг об-ҳавоси, тупроғи, боғу роғлари, иморат ва қасрларидан ташқари шаҳарда яшайдиган аҳоли ва уларнинг эътиқоди ва ахлоқи ҳақида ҳам тўхталиб ўтган:

*...Неча қабила мутаваттин бўлуб,  
Ҳар бири ўз жойида сокин бўлуб.*

*Маъдани исломим шаръидур,  
Чун шажари илм амали фаръдур.*

*Кони фазилат ҳамма мардумлари,  
Зикри Худо деярга вали тиллари.*

*Мадрасаю масжиди жомеси кўб,  
Таҳсил ила толиб эли дарс ўқуб.*

*Дар бар ўлан ҳол ила илми қол,  
Рутбада гавси замон баркамол.*

<sup>60</sup> Фаҳмий Марғинойий. Девон. Қўлёзма. В.529.

<sup>61</sup> Муҳаммадумар Умидий. Тарихчаи Туроний. / Табдил, таржимон, кириш ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. – Тошкент, 2013.



*Маснади ҳикматда шаҳи мавлави,  
Жумласи дарёи дурур маънави.*

*Аҳли ҳунар, аҳли шараф фавж-фавж,  
Баҳри фуюзи Ҳаққ уруб мавж-мавж.<sup>62</sup>*

Марғилон шаҳрининг хонликлар давридаги диний-маънавий муҳити ҳақидаги маълумотлар хонлар тарафидан берилган турли иноятнома ва ёрликлардан ҳам маълум бўладики, уларда шаҳарда шайх ул-ислом мансаби мавжуд экани ҳақида сўз кетади. Машҳур тадқиқотчи олим Заки Валидий водийга қилган сафари чоғида Скобелев уездининг Марғилон шаҳрига тобеъ Киргил қишлоғида яшовчи Муҳаммадхўжа (ёки Алақ-Шалақхўжа) Эшон Ҳидоятхўжа кўлида Марғилоннинг хонлар давридаги маънавий манзарасини акс эттирувчи қуйидаги ёрликлар билан танишган:

1) *Имомқулихон Баҳодирхон томонидан Шоҳ Али Асқарни Марғилон шаҳрига шайх ул-ислом этиб тайинлаш тўғрисидаги ёрлиқ. Ҳижрий 1029/1618 йил.*

2) *Ҳижрий 1072/1661-62 йилда оталиқлар гуруҳи томонидан (Хон номидан) Шоҳ Қосимни Марғилон шаҳрига шайх ул-ислом этиб тайинлаш тўғрисидаги ёрлиқ.*

3) *Абул Фаттоҳ Рустам Баҳодир томонидан 1092/1681 йилда Шоҳ Қосимга тархон берилганлиги тўғрисидаги ёрлиқ.*

4) *Убайд Баҳодир Султон томонидан 1093/1683 йилда Шоҳ Қосимни Марғилон шаҳрига шайх ул-ислом этиб тайинлаш тўғрисида берилган ёрлиқ.*

5) *Саййид Абдул Файз Муҳаммад Баҳодирхон томонидан 1130/1717-18 йилда Хожжа Юнус номига қалмоқлар хужумининг оқибатлари тўғрисида барча маълумотлардан хонни огоҳ этиши тўғрисида берилган ёрлиқ.*

6) *Яна Абул Файзхон томонидан 1135/1723 йилда берилган ёрлиқ. Ёрлиқнинг сақланиш ҳолати қониқарсиз.*

---

<sup>62</sup> Ш.Воҳидовнинг "Кўқон тарихнавислик мактаби шаклланишининг тарихий шароити" номли асари элк нусхасидан фойдаланилди.

7) *Муҳаммад Эрдонабий томонидан (Хон номидан) 1176/1762-63 йилда Қози Хожани Марғилондаги мазорлардан бирига мутаваллий этиб тайинланиши тўғрисида берилган ёрлик.*

8) *Хон номидан 1198/1784 йилда Низомиддин Муҳаммадаминбий томонидан Қози Хожа ўғилларини Марғилондаги Сармозорга мутаваллий этиб тайинлаш тўғрисида берилган ёрлик.*<sup>63</sup>

Маълумки, 1876 йил 16 февралда Русия давлати Қўқон хонлигини босиб олади. Хонликка барҳам берилгандан сўнг водий шаҳарлари маъмурий ва хўжалик бошқаруви жиҳатидан хонлик давридаги беклик ва саркорлик ҳудудларида тузилган Қўқон, Марғилон, Андижон, Ўш, Чимён, Намангон ва Чуст уездларига бўлинади, Марғилон 1876-1926 йилларда Фарғона вилоятининг уезд шаҳри бўлиб, сўнгра Фарғона округи миқёсидаги шаҳарга айлантиради.<sup>64</sup>

Чор Россияси Қўқон хонлигини босиб олганидан сўнг бу ерда ўзининг мустамлакачилик мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида Марғилон шаҳри яқинидаги Сим мавзесига “Янги Марғилон” деб аталувчи шаҳар барпо этгани ҳақида “Тарихи Азизий” муаллифи шундай дейди:

*“Тарих 1876 нчи масиҳо йили эди. Хўқанд мулкига ўрис келиб дохил бўлди. Улар Марғилонни жануб тарафида Сум деган қишлоқнинг ерларини зархарид қилиб (олтинга сотиб олиб), янги шаҳар бино қилдилар ва номини Янги Марғилон деб қўйдилар. Сўнгра Фарғона шаҳрига ҳар томондан ҳар хил одамлар келиб қўшилди, одам кўпайди, савдогарлар ва дўконлар ҳам кўпайиб ривож топди...*

*Баъдаз он тарихи 1898 йил эдики, Фарғонага вагон, яъни, оташ ароба, темир йўл бу ҳангомаларни олиб келди. Бу оташ ароба келгандан сўнг Фарғонага ҳар хил ва ҳар ранг ва ҳар дин,*

<sup>63</sup> Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер: Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: Хотиралар . – Т.: “Адолат”, 1997. 33-б.

<sup>64</sup> О разделении Ферганской области на уезды.//ЎзМДА.И-19 фонд, 1 рўйхат, 10 йиғма жилд.

миллатдаги одамлар кўп келиб, шаҳар одамга тўлди, еру мулкларининг нархлари неча ҳисса қиммат бўлди...

Марғилонда қанча қишлоқ ва юртни қўшиб анинг номини Марғилон уезди деб дафтарга ёзиб, унга бир ҳоким насб қилиб Марғилонга тушурди. Бу уезд ҳокимига бир ноиб ва яна бир ноибни кичик тайинлади. Марғилондаги подшолик боз ичига келиб туриб, ҳокимлик ишига машғул бўлдилар. Бу ҳокими кабир маҳкама қилиб берар экан. Ҳамма ишларни ва фармон ҳукмини хату хутут ва дафтар-нафтар, ёзув ишлари шу маҳкамада бўлар экан. Унга бир мирзабоши, унга эса бир ноиб, яна беш-олти адад ўрус мирзолари ҳозире фармонбардор экан. Ҳаммалари ойлик олар экан.<sup>65</sup>

Янги Марғилон аҳолиси асосан рус ҳарбийларидан иборат бўлиб, бу ерга келиб ўрнашган рус аҳолиси учун турли имтиёзлар ва серҳосил ерлар ажратилади. Шаҳар полиция бошлиғининг 1891 йил 8 декабрда ҳарбий губернаторга юборган маълумотида кўрсатилишича шаҳар аҳолисининг сони кўчиб келувчилар ҳисобига тобора кўпайиб бораётганлиги сабабли, уларни жойлаштиришда, иш билан таъминлашда катта қийинчиликлар юз берган, бозорларда нарх-наво ошган, кўчаларда ишсизлар сони кўпайган.<sup>66</sup> Шу билан бирга маҳаллий аҳолининг турмуш маданиятига зид бўлган маишатпарасликка ва ахлоқсизликка ундовчи масканлар ташкил этилади.

Ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятини ўз қўлида тўплаган Туркистон ўлкасининг генарал-губернатори бу ердаги халқларнинг «ярим пошшосига» Туркистон эса Россиянинг тожидаги дурга айланди. Чор Россияси «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомини» тасдиқлади. Бу билан у ўлкадаги мустамакчилик сиёсатини қонун тариқасида мустаҳкамлади.<sup>67</sup>

---

<sup>65</sup> Муҳаммад Азиз Марғионий. Тарихи Азизий. Нашрга тайёрловчилар Ш.Воҳидов, Д.Сангилова. Тошкент, "Маънавият". 1999. 68-б.

<sup>66</sup> Тошпўлатов Ғ. XIX аср охири XX аср бошлари Фарғона шаҳрининг ривожланиш тарихидан // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент. "Фан" 1979. № 11. 38-39-б.

<sup>67</sup> Ўзбекистон тарихи. I том. Иккинчи китоб. – Т., 1957. 94-б.

Туркистон шу тариқа чор Россиясининг том маънодаги мустамлакасига айланди. Маҳаллий халқ учун мустақиллик ўтмишга айлана бошлади. Фитрат бу ҳақда ўзининг «Юрт қайғуси» шеърий тўпламида «Кўрдим, кездим, эшитдим, ўқидим. Мамлакатлар орасинда Туркистонимиз каби бахтсиз бир мамлакат йўқдир», деб ёзган эди.<sup>68</sup>

Мустамлакачилар томонидан маҳаллий аҳолининг дини, эътиқоди, миллий анъаналарига зид янгиликларни киритилиши, улар тарафидан аҳолининг миллий қадриятлари, ислом маънавияти билан йўғрилган урф-одат, анъаналарга нисбатан нописандлик билан муносабатда бўлишни келтириб чиқарган. Тарих фанлари доктори Ж.Исмоилова таъкидлаганидек, “айнан ана шундай тадбир орқали миллий маданиятни бўғиш ва уни асрлар давомида шаклланиб келган миллий анъана ва удумларни йўқ қилишдан иборат эди”.<sup>69</sup>

Мустамлакачилар томонидан жорий қилинган янгиликлардан бири, бу – қозилар фаолиятига оид турли чекловлар, улар ҳуқуқ ва имкониятларини чегаралашга оид қонунларни жорий қилиниши эди. Шундай ўзгаришлардан бири бу қози калон мансабини бекор қилиниши эди. Айти пайтда ушбу тизимга бир қанча ўзгаришлар киритилиши маҳаллий аҳоли орасида шаръий қонун-қоидаларни тўла қўллаш имконини маълум даражада камайтирди. Чунки хонлар даврида аҳолининг ҳуқуқий муаммолари қозилар тарафидан кўрилиб, барча ҳуқуқий муаммолар шариат қоидаси бўйича ҳал қилиб келинган бўлса, мамлакат босиб олинганидан кейин бу соҳада муайян чекловлар жорий қилинди.

Маълумотларга кўра 1865 йилнинг 6 августидаги Россия императори Александр II “Туркистон вилоятини бошқариш ҳақидаги муваққат низом”га имзо чеккач, ушбу ҳужжатга кўра ўтроқ аҳоли учун қозилик судлари, кўчманчи аҳоли учун эса бийлик судлари хизмат қиладиган бўлди. Бу судларнинг тузилишидаги ўзгаришлар натижасида қозикалон лавозими бекор

<sup>68</sup> Болтабоев. Ҳ. Юрт қайғуси // Шарқ юлдузи. 1992. №4. 181-б.

<sup>69</sup> Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи. – Т. "Fan va texnologiya" нашриёти, 2004. 139-б.

қилинди, барча қозиларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилди. Қозиларни уч йилда бир марта сайлаш тартиби жорий қилиниб, даъвогар аризасини кўриб чиқиши учун ўзи кўпроқ ишонган қозига мурожаат қилиш ҳуқуқи берилди. Кўп ўтмай 1867 йилдаги “Низом лойиҳаси”га кўра Туркистонда ўзига хос суд қурилиши тизими жорий қилинди.

Туркистон вилоятида судлар фаолиятига 1865 йилги “Низом”га кўра жорий қилинган чекловлар янги тузилган вилоятларда ҳам кучга эга бўлди. Халқ судларида кўрилувчи ишлар доираси жуда кенг бўлиб, аҳолининг 90% қозилик ва бийлар судларига мурожаат қиларди. Бу эса маҳаллий қозиларнинг иш олиб боришини жуда ҳам қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам кўплаб қозилар ўзларини бу вазифадан четга олган эдилар. Бу ҳақда Муҳаммад Азиз “Тарихи Азизий” асарида шундай ёзади:

*"Ўрусия Марғилонга дохил бўлган вақтда ...қозикалону домуллолар ўзларини маъзул (ишдан четлаш) қилиб олдилар ва бўлақлари эса қозиликда қолдилар".<sup>70</sup>*

1892 йилда Туркистон генерал-губернатори буйруғи билан халқ қозилари учун тайёрлаган дастурул амалда баён қилинган қозиларнинг иш олиб бориш фаолияти билан боғлиқ тавсиялар буни қанчалик машаққатли бўлганини кўрсатади.<sup>71</sup>

Бундан ташқари, Чор ҳукумати томонидан тайёрланган низомларда сайлов судья (қози)лар лавозимига номзодларнинг билим даражаси борасида маълум талабнинг мавжуд эмаслиги сайловлар атрофида олишув ва ихтилофларга кенг йўл очади. Агар хонлик даврларида қози лавозимига кўплаб номзодлар орасидан энг лойиқлари танланган, улардан шариат қонунлари ва қозилик шартлари бўйича имтиҳон олинган, номзоднинг қобиллиги фуқаролар томонидан тан олинган бўлса, янги давр сайлов тизими бу талабни сусайтирди. Энди ҳаммаси номзоднинг

---

<sup>70</sup> Муҳаммад Азиз Марғионий. "Тарихи Азизий"... 64-б.

<sup>71</sup> Қўқон шаҳар ўлкашунослик музейининг фонди КП № 833. Др 138-019.

мустамлака ҳокимиятига хайрхоҳлигига боғлиқ эди, чунки бу ҳокимият сайлов натижаларини тасдиқдан ўтказарди.<sup>72</sup>

*“Энди минбаъди (бундан кейин) китоб ўқитиб, илму фазлини имтиҳон тарозисига солиб билиб, кейин қози қилмоқ ёки аъламу муфти ва мударрис қилмоқдек қоидалар қолмади. Энди китоб ўқиб турган вақтда қараб турадиган қозикалон, шайхул-ислом, охунд ўринларидан ҳозир элликбошилардур. Мударрис сайлаб олиб келмоқ ва ёки имом сайлаб олмоқ тамом уларнинг ихтиёрида, аъламу муфти қилиб олмоқ қозининг ихтиёрида”.<sup>73</sup>*

Бунинг натижасида аксар ҳолларда халқ қозилигига шариат қонунлари бу ёқда турсин, ҳатто оддий ҳуқуқни ҳам яхши билмайдиган одамлар сайланар, бунинг оқибатида мансабни суистеъмол қилиш ва қонунни бузиш ҳоллари келиб чиқарди:

*“Элликбошилар қандай одамни қози қилиб оламиз десалар, бу одамнинг кифоятлик саҳву, хатони ажрататурган ва қандай наҳвини биладурган, илми йўқ ва ҳам ўзи бепарҳез бойларнинг раиясини қиладурган ва камбағалларни ўтга ташлайдурган, камбағалнинг молларини бойга торттирадурган, ҳаромхўр ва ҳар ким арзу додга келса, охири ташлаб қочирадиганки, “бу одамни зинҳор қозиликка сайламангиз”, деб насиҳат берсангиз, ўшандай элликбошилар ичидан бири сизга айтади: “Эй фалони Охун домулла, сиз дуруст билмас экансиз, бу одамнинг илмини кўрганмиз. Масалан, фалон жойда Маширабнинг китобини ё Рустам китобини шундай ўқидики, ҳамма офарин деди. Ҳам ўзи кўп дастурхонлик. Чунончи, бизлар борган кунимизда дарҳол дастурхон соладур ва ҳам давлати катта ва пули савдода юради. Ўзи ҳам кўп ошу нонлик, бизларни узатиб биладир ва ҳам бўлак яхши ишлар бўлса керак”, деб – сизни мулзам қилади. Охири шунини сайлаб оладилар. Бинобарин, аксар яхши одамлар қози бўлиб қолмайдур”.<sup>74</sup>*

---

<sup>72</sup> Абдурахимова Н., Эргашев Ф. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Т.: “Академия” нашриёти, 2002. 70-73-б.

<sup>73</sup> Муҳаммад Азиз Марғилович. "Тарихи Азизий"... 68-б.

<sup>74</sup> Муҳаммад Азиз Марғилович. "Тарихи Азизий"... 69-б.

Аммо шундай бир ҳолатда Марғилон аҳли ҳам худди Туркистоннинг бошқа қадимий маданият ўчоқлари каби асрлар давомида шаклланиб келган миллий кадриятларини йўқотмади, ўз маданиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун имкон қадар ҳаракат қилди. Бу ишни амалга оширишда миллий зиёлиларнинг ўрни жуда катта бўлди.<sup>75</sup>

Биз буни қирқ йилга яқин қозилик вазифасида хизмат қилган Рожий Марғинович ва унинг замондош ва издошлари мисолида кўраимиз.

---

<sup>75</sup> Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Тошкентнинг “Янги шаҳар” қисми тарихи....139-б.

## ХОЖАЖОН ХОЖА РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ

Хожажон хожа ибн Низомиддин хўжа ибн Тоҳир қози Рожий Марғинович 1834 йил (баъзи манбаларда 1837) милодий, 1249 хижрий, рамазон ойида Марғилон шаҳрида хожалар сулоласининг пешвоси Низомиддин хожанинг имтиёзли хонадонида туғилган.

Баъзи тадқиқотчилар Рожий камбағал оилада туғилган, деб кўрсатганлар ва бунга ёшлигидан Рожийнинг хонадонида катта бўлган ва узоқ вақт у билан бирга бўлган шогирди Муфаззал Махдумнинг қуйидаги маълумотини асос қилганлар:

*"Арбоби илм ва ирфон ва асҳоби завқи виждон ҳузурларига маълум ва ифшо бўлиб турган Марғилоннинг камбағал оиласидан (бўлган) Хўжажон хўжа Низомиддин хўжа ўглини кўрсатаман. Бу киши шеър ва адабиёт бобидаги тахаллуслари "Рожий". Ёшликларидида "Муфтий" (тахаллусида) ҳам ёзган эканлар. Оталарининг оти Низомиддин хўжа Тоҳир қози ўгли бўлиб, касби сувоқчи эди, эллик ёшларида йиқилиб, бир оёғидан ажраб ишдан қолган".<sup>76</sup>*

Кўконлик маърифатпарвар муаллим, адабиётшунос ва ўлкашунос олим Пўлотжон Домла Қайюмов (1885-1964) Рожийнинг отаси ҳақида қуйидаги маълумотни келтиради:

*"Марғилон шаҳрини алҳолда Будённий номли кўчаси эски номи Араб гузари номли маҳаллалик Хўжажон хўжа Низомиддин хўжа ўгли. Оталари шувоқчи, косиб камбағалликда йиқилиб, иш даврида аёғидан ажраб 50 ёшларида вафот этиб кетганлар экан".<sup>77</sup>*

Уни бадавлат хонадонда туғилган, деганлар Рожийнинг отаси вафотига ёзган марсияда, унга боболаридан ер-сув мерос бўлиб қолган эди, деган сўзларига суяниб айтганлар. Низомиддин хожага боболаридан катта мол-мулк қолгани тўғри, бироқ, уларни ўзига олиб қолмай кейинчалик муносиб

<sup>76</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим. Қўлёзма, 1-б. Қўлёзма М.Мадғозиев шахсий кутубхонасида сақланади.

<sup>77</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 1998. 321-324-б.



ўринларга тарқатиб юборгани ҳам шеърда келтирилган фикрлардан билинади:

*Обиду дўстдору аҳлуллоҳ,  
Солики жодайи шариат буд.*

**Таржимаси:**

*Ибодатпешаю аҳлуллоҳ дўсти,  
Ҳам эрди раҳбари роҳи шариат.*

Ибодатпеша ва аҳлуллоҳ дўсти бўлган кишининг мол-дунёсини хайрли ишларга сарф бўлишини тушуниш мумкин. Масалан, Амир Алишер Навоий ҳазратлари ҳам "Вақфия" асарларидан маълум бўлганидек, моллари нисоб – закот бериш учун таъйин қилинган миқдорга етмасдан туриб барчасини муносиб ўринларга тарқатиб юборган эдилар.<sup>78</sup>

Рожий Марғионийнинг асл исми Хожажон хўжа, отаси Низомиддин хўжа, боболари Тоҳир қози исмли кишилар бўлишган. Низомиддин хўжа оиласига мансуб "Шажарату-н-насаб" Рожийнинг ўшлик набираси Валихон Махсумов қўлида сақланади. Рожийнинг исми борасида тадқиқотчи рожийшунос олим М.Мадғозиев шундай ёзади:

"Шу кунларгача бўлган адабиётларда Рожий Марғионийнинг номи турлича ёзиб келинади.<sup>79</sup> Инқилобгача Тошкентда чиққан "Туркистон вилояти газети"нинг бир неча сонларида Рожий Марғионийнинг номи турли муносабатлар билан "Хўжажон" шаклида ёзилган.<sup>80</sup> 1912 йилда Тошкентда Ғулом Ҳасан матбаасида чоп қилинган "Маҳбуб ул-маҳбуб"

<sup>78</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 14-том. Вақфия. Тошкент, 1999. 261-б.

<sup>79</sup> Ф.Аҳмаджонова. Шоир Хўжажаҳон (?!) Рожий ижоди. ТошДу илмий асарлар тўплами. "Ҳаёт ва адабиёт". 331-чиқарилиши; Шу муаллиф. Шоир Рожий Хўжажон Рожий."Меҳнат ва турмуш" журнали, 1970 йил 11-сон; Фурқат Танланган асарлар. 2 жилдлик, 2-жилд, Уздавнашр, Т.1960,140-б; А. Жуванмардиев. Ҳарф ва рақам. Ўзб. "ФАН" Тошкент. 1971 йил. 26-б; М.Мадғозиев. Рожий Марғионий. "Коммуна" газетаси, 29 июн 1968 йил №1274; Турғунбой Ғоипов. Зар кидириб. "Меҳнат ва турмуш" журнали, 1972 йил, 3- сон. 15-16-бетлар.

<sup>80</sup> Туркистон вилояти газети, 8 декабр 1886 йил, №46; 17 январ 1887 йил, №2; 2 апрел 1888 йил №4; 20 апрел 1891 йил, №16; 14 июл 1901 йил, №27; 19 апрел 1915 йил, № 29.

баёзида, “Девони Муқимий”нинг сўнгги бетларидан бирида ҳам худди шундай кўринишда битилган.<sup>81</sup> Бошқа бир китобнинг бир варағига номаълум котиб томонидан “...номашон Домулло Хўжажон Қози буданд”, (“номлари “Хўжажон Қози” эдилар”) деган қайд учрайди.<sup>82</sup> Бундан ташқари, шоир ҳаётлигида тузила бошлаган мажмуаларда, унинг вафотидан сўнг адабиёт ихлосмандлари томонидан кўчирилган ва биз кўриб чиққан кўлёзма баёзларнинг деярлик ҳаммасида шоирнинг исми “Хўжажон” баъзан “Хўжажон хўжа” шаклида ёзилган.

Рожийнинг шогирди Муфаззал махдум ўз устози ҳақидаги ёзма хотираларида “Рожий алайҳи-р-рахманинг номи Хўжажон хўжа” деб битади”.<sup>83</sup>

Кейинги тадқиқотлар ва изланишлар самараси ва “хўжа” сўзи аслида “хожа” деб ўқилишини инобатга олиб биз китобда “Хожажон хожа” тарзида келтирдик. Шунингдек, шариатнинг етук билимдони экани эътибори билан баъзан, “аллома” тарзида, ижодий фаолиятини ёритганда “шоир”, қозилик фаолияти ҳақида сўз кетганда “қози домла” номи билан қайд этдик.

Кўриниб турганидек, аллома хўжалар авлодидан бўлган. Хўжалар кимларнинг авлодлари экани ҳақида “Туркийзабон саййид авлодлари” китобида қуйидагича маълумот келтирилади:

“Хўжалар” (форс тилида хўжайин, соҳиб маъносида) – чохор ёри аъзамларнинг авлодлари. Ҳазрат Абу Бакр Сиддик авлодларини “сиддикий хўжалар” дейишади. Мовароуннаҳрга 12 асрда келган тўрт йирик бобдан бири Арслонбоб бўлиб, улар Умар Қурайший етакчилигида келган. Кейинги авлодлари Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида кўпроқ истиқомат қилишади. Ҳазрат Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрор шулар авлодидан.

Яна бири Умар ибн Ҳаттобдан тарқаган бўлишиб, “Форуқий хўжалар”, яна “миён (“ўрта”) хўжалар” деб ҳам юритиладилар.<sup>84</sup>

<sup>81</sup> “Баёзи Маҳбуб ул-маҳбуб”. Фулом Ҳасан Орифжонов матбааси. Тошкент, 1612 йил, 81 саҳифа; ЎзФАШИ инв. № 328,329,330.

<sup>82</sup> Девони Муқимий. Кўлёзма, ЎзФАШИ инв.№7521.

<sup>83</sup> М.Мадғозиев. Рожий Марғинойий ва унинг поэтик маҳорати... 11-б.

Кўплари Ҳиндистонда, водийдан биз билганларимиз Қўқон, Фарғона туманида яшайдилар. Имом Раббоний Аҳмад Форук Сарҳиндий ҳазратлари шулар авлодидан.

Ҳазрат Усмон ибн Аффон авлодлари “Зун-нурайн” хўжалар дейилади. Тўртинчи боб ҳазрат Али ибн Абу Толибнинг биби Фотимаи Захро онамиздан ташқари хотинларидан бўлган авлодларга “Шоҳимардон хўжалари” дейилади. Кўпчиликлари Тошкент, Марғилон, Шоҳимардонда яшайди. Буюк мутасаввуф олим Аҳмад Яссавий шу авлоддан”.<sup>85</sup>

Ўрта Осиёда мазкур авлод вакиллари "Оқ суяклар" деб эъзозлаб келишган.<sup>86</sup>

Айтиш ўринлики, гарчи Рожий Марғинович шарафли насаб саналмиш хожалар авлодидан бўлишига қарамай, унда насабга фахрланиш ҳисси бўлмаган. Аксинча, ўзини доим ҳикисор тутиб, қаерда аҳли шарафларни кўрса, уларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатган.

Мавлоно Абдурраҳмон Жомийнинг айтишларича, насабдаги ҳақиқий аслзодалик аждодларнинг кимлиги билан эмас, балки ахлоқ ва тийнатнинг софлиги биландир:

*"Ҳақиқат аҳлининг назарида аслзодалик кишининг обоу аждоди умаро (амирлар)дан ва ё вузаро (вазирлар)дан бўлиши билан эмас, балким инсоннинг жавҳари – аслини салим ва покиза бўлиши биландир".<sup>87</sup>*

Муфаззал Махдумнинг айтишича, Рожий домла саййидлар, тўралар ва хўжаларга ҳам турли маслаҳат ва тавсияларни бериб борган. Маълум бўладикки, улар Домланинг насихат ва тавсияларини қабул қилишган. Рожийнинг фикрича оқил киши насабга фахрланиш ўрнига охират хавфини қилиши зарур:

*Хавф этар оқил киши Қаҳҳор Эгамнинг қаҳридан,  
Тонгла қилмишдан сўрар, сўрмас кишини наслидан.*

<sup>84</sup> Милославский Г.В. Интеграционные процессы в мусульманском мире. – М.: "Наука", 1991, С.97.

<sup>85</sup> Алишер Бек. “Туркийзабон саййид авлодлари” Фарғона.1998 йил. 6-б.

<sup>86</sup> Абашинов С. Н. Ок-суяк // Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь, вып. 2. – М., 1999. С. 75-76.

<sup>87</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт... 198-б.

Шунинг чун ҳам у насабга фахрланиш ўрнига қиёмат ваҳмидан йиғлаган, насаб шарафини эмас, унга муносиб бўлиш ташвишини қилган:

*Ҳаста Рожий рўзи шаб йиғлаб қиёмат ваҳмидан,  
Наът ўқурға ул шафеъи умматон истар кўнгил.*

Унингча, бу шарафга анча-мунча кишилар муносиб бўла олмайдилар. Бинобарин, у бунга лойиқ бўлиб яшаб ўтган кишиларни мақтаб тилга олади. Масалан, кўқонлик хон саройи уламоларидан Миён Фазл шаънида ёзганида жумладан, шундай деган эди:

*То шуд он солиҳ халаф бинишиста дар жой салаф,  
Нақди тавфиқаш ба каф бо нисбати парвона шуд.*

Яъни, қачонки у солиҳ ўринбосар салафлари ўрнига ўтирганда уларга муносиб бўлиш шарафига эга бўлди.

Хон саройи уламоларидан яна бири саййид Сафоҳон тўра шаънида ҳам шу каби илиқ сўзларни айтган:

*Қудваи асҳоби жуд аҳли дин Сафоҳони валий,  
Ба ашрафи жойи салаф неку халаф шуд жонишин.*

Яъни, у зот дин аҳлларининг йўлбошчиси, мусаффо қалбли валийси, шарафли салафларга муносиб ўринбосар эди.

1915 йилда йилда Марғилонда саййид авлодларидан Музаффархон тўра вафот этади. Унга бағишлаб ёзган таърих-марсиясида Рожий шундай дейди:

*Бувад фарзанду вале насли Али олий набий,  
Нур аз рў мунжале чун меҳри анвар шуд бурун.*

Яъни, у зот Пайғамбар алайҳиссалом аҳли бўлмиш Алининг пок авлодидан экани учун манглайида нур офтобдек порлаб турар эди.

Рожийнинг Андижонда яшаб ўтган саййид авлодларидан Маҳмудхон қози домла вафотига ёзган марсиясида ҳам шу каби илиқ сўзлар ифодасини топган:

*Модари улвий падар Ҳусайний,*

*Олий насаб аз ду боб гардид.*

Яъни, у зот онаси олий насаб, отаси Хусайний авлод бўлиб, ҳар икки тарафдан шараф соҳиби эди.

Шунингдек, наманганлик тариқат шайхи Муҳаммад Обид Намангонийни таърифлар экан, Рожий *"валади аслаҳ аршад Домла Абдулкарим халифа Намангоний"*, яъни, *"Домла Абдулкарим халифа марҳумнинг солиҳ, рашид фарзанди"*, дея тилга олади.

Дарвоқеъ, айна пайтда Рожий аҳли насаб эканига фахрланиб юрувчи, аслида ўзи шариат илмларидан беҳабар баъзи кимсаларга ҳам муросасиз бўлган. Масалан, у шундай кишилардан бири ҳақида ёзади:

*Баҳри таҳсили рўзии худ буд,  
Санади хожагеш дастмоя.*

*То мударрис шуд ў намедонист,  
Бар жавози салот як оят.*

Яъни, у кун ўтказиш учун хожаликнинг ҳужжатини ўзига дастмоя қилган эди. Ҳолбуки, у мударрис бўлгунига қадар ҳам намозга бир оят кифоя қилишини билмаган.

Шариат ва тариқат илмларининг пухта билимдони бўлган Рожий домла киши учун муҳими амал ва ибодат бўлиб, амалсизлик мутлақо дуруст эмаслигини яхши англаган. Шунинг учун ҳам 1890 йилда Шаҳрихон қозиси Мулла Ҳаким Шаҳрихоний вафот этгач, ўрнига сайланган қози ҳақида гапирганида айна маъноларга ишора қилган:

*Ўфтод аз қазо ба жойи ў,  
Дигаре қози ба тарози шуд.*

*Аз амал дур монда он мардак,  
Монд муҳмалки қозийи мози шуд.*

Яъни, у қозиликдан бўшагач, унинг ўрнига розилик билан бошқаси қози бўлди. Аммо у амалдан анча узоқ эди, шунинг учун ўтган қозининг ишлари муҳмал қолди.

Бундан ташқари, Рожий тасаввуф шайхи Хожа Аҳмад Яссавий куддиса сирруху ҳазратларининг халифаларидан бири Занги ота хузурига тарбия истаб келган Саййид ота бир неча йиллар хизмат қилганида ҳам қалбида нур кўрмагани ва бунга дилларидаги саййидликка бўлган фахр "садди роҳ" – тўсқинлик қилиб тургани, қачонки устознинг таважжуси билан бу фахрни дилларидан чиқаргачгина файз топганлари воқеасини ҳам яхши билган.<sup>88</sup>

Дарҳақиқат, Али Сафийнинг ёзишича шу воқеадин кейин у зотга *"улча мақсадлари бўлса, мункашиф бўлди (очилди), мавоҳиб ва футуҳ (илоҳий файз ва баҳралар)нинг боб (эшик)лари мафтўҳ бўлди (очилди), андақ фурсатда даражаси иршодга етушдилар ва кўп ноқислрни мартабайи камолга етурдилар"*<sup>89</sup>

Насабга фахрланиш ўрнига амал қилиш муҳимлиги ҳақида гап кетганида Абдурахмон Роъфат ал-Бошо келтирган бир воқеани эслаш муносиб келади. Унинг ёзишича бир куни Товус ибн Кайсон Али ибн Ҳусайн Зайнул Обидинни Байтуллоҳда қаттиқ йиғлаб, зору тазарруъ қилаётганларини кўриб қолади. Йиғи ва дуодан тўхтаганларидан кейин олдиларига боради ва: "Эй Расулуллоҳнинг набираси, намунча кўрқиб йиғламасангиз, ахир сизда сизни хотиржам қилувчи учта фазилат борку?", – дейди.

– Нима улар?

– Биринчиси, сиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга авлод бўласиз, иккинчиси бобонгизнинг шафоати, учинчиси Аллоҳнинг раҳмати.

– Тўғри, лекин эй Товус, биласанми, мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга авлод бўлишим Аллоҳ таолонинг "Бас қачон сур чалинганида (яъни, қиёмат куни бўлганида) ана у кунда уларнинг ўрталарида ҳеч қандай насл-насаб қолмас" (Мўминун сураси 101-оят) мазмунидаги оятидан кейин тинчимни кетказган.

---

<sup>88</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 28-б.

<sup>89</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 29-б.

Бобомнинг шафоатларига келсак, Аллоҳ таоло айтади: "Улар (қиёмат кунинда) фақат (Аллоҳ) рози бўлган кишиларнигина шафоат қила олурлар" (Анбиё сураси 28-оят). Ушбу оятни ўқиб бу ҳақдаги умидим ҳам пароканда.

Аллоҳнинг раҳматига келсак, у айтади: "Аллоҳнинг раҳмати чиройли амал қилувчиларга яқиндир" (Аъроф сураси 56-оят). Мана шуларни ўйлаб кўрққанимдан тазарруъ қилиб йиғлайман".<sup>90</sup>

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Рожий домла ўз фаолияти давомида баъзи жоҳил кимсалардан содир бўлганидек ўткинчи нарсаларга чалғимай олижаноб мақсадлар йўлида оғишмай амал қилиб борган.

### ***Рожийнинг ота-оналари***

Рожий домланинг отасини исми Низомиддин хўжа ибн Тоҳир хўжа бўлган. Рожийнинг ўзини ёзишича Низомиддин хўжа мазкур авлод орасида пешво – раҳбар бўлиб, ибодатгўй ва айни пайтда ибодат аҳлининг муҳибларидан бўлган. Унга отасидан ер-сув мерос бўлиб қолган бўлиб, ундан чиққан хосил билан тириклик қилган.

Рожий фарзанд сифатида отасини қаттиқ ҳурмат қилганини уни "волиди бузругвор" – "бузруквор отам" деб тилга олишидан билса бўлади. 1852/1268 йилда рамазон ойининг сешанба куни Рожий 18 ёшда эканида отаси вафот этади. Бу мусибат Рожийга жуда қаттиқ таъсир қилади. Бинобарин, Пўлотжон Домла Қайюмий: "...Рожий ёшлигида етим қолиб, кўп моддий қийинчиликда қариндошларининг ҳимояларида ўсмиш", деб ёзган эди.<sup>91</sup>

Рожий отаси вафотига бағишлаб қуйидаги ўн икки мисрали таърих-марсияни ёзади:

---

<sup>90</sup> Доктор Абдурахмон Роъфат ал-Бошо. "Суварун мин ҳаётит тобеъин". Дор ул-адабил исломий. Байрут – Лубнон. 343 -344-бетлар.

<sup>91</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 321-324-б.

**Таърихи вафоти волиди бузруквори Рожийки дар  
замони вафоти марҳум Рожий ҳажедаҳ солаги буда. Зодаи  
табиати Рожийки мазкур абёти ма-а таърихи ўст**

*Қудвайи хожагон Низомиддин,  
Садри содооти аҳли давлат буд.*

*Обиду дўстдору аҳлуллоҳ,  
Солики жодайи шарият буд.*

*Молики арзу мулки мавруси,  
Қўти у ҳосили зироат буд.*

*Рамазонул мубораку бистўм,  
Рўзи сешанба вақти рихлат буд.*

*Рафт аз ин дори бемадори жаҳон,  
Сўйи дорул жинон азимат буд.*

*Омад аз гайби баҳри таърихаи,  
Ин нидо: “Мустаҳқиққи раҳмат буд”.*

**Таржимаси:** Бу Рожийнинг бузруквор отасининг таърихики, у вафот этганида Рожий ўн саккиз ёшда эди. Бу байтлар унинг таърихи билан Рожийнинг табиатидан туғилди:

*Хожалар пешвоси Низомиддин,  
Улуғлар афзали ҳам аҳли давлат.*

*Ибодатпешаю аҳлуллоҳ дўсти,  
Ҳам эрди раҳбари роҳи шарият.*

*Мерос қолган эди еру мулк анга,  
Ер эрди ризқини қилиб зироат.*

*Жаҳоннинг бемадор ҳовлисин ташлаб,  
Жаннат ҳовлисига қилди азимат.*

*Рамазон ойининг йигирманчиси,  
Сешанба кун эди, айлади рихлат.*

*Таърихига гайбдан келди бу нидо:*



*Илоҳий бўлсун у “лойиқи раҳмат”.*<sup>92</sup>

Таърих моддаси охирги мисрадаги “мустаҳиққи раҳмат буд” – (“раҳматга лойиқ бўлсин”) сўзларининг ҳарфлар йиғиндисидан чиқиб, ҳижрий 1268, милодий 1852 йилга тўғри келади.

Ушбу қисқагина таърихни мулоҳаза қилиб кўрсак, Рожий унда жуда кўп нарсаларни; отасининг исми, у вафот этган йили, куни ва ойи, унинг саййидлар авлодидан экани ва шу билан бирга уларнинг улуғларидану аҳли давлатлардан бўлгани, уламоларга муҳаббатли-ю, шариатни маҳкам тутувчи экани, боболаридан отасига катта мол – кўчмас мулк мерос бўлиб қолгани ҳамда у ундан чиққан ҳосилдан рўзғор қилиши каби қатор жиҳатлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.<sup>93</sup>

Шу билан бирга шеърга ўзининг кечинма ва хулосалари; дунёнинг фоний экани, ҳеч ким бунда боқий қолмаслиги, дунёда муносиб ибодат қилган кишилар охиратга кўркмасдан боришлари, отаси ҳақидаги гўзал умиди ва фарзанд сифатида унинг ҳақиқа қилинадиган дуони маҳорат билан назмга тера олган. Бундан уни шу ёшданок истеъдод соҳиби экани англашилади. Дарвоқеъ, у "туффаги" радифли ғазалига қилган эслатмада ўзининг ёшлик пайтиданок шеър ёза бошлаганига ишора қилиб: "...Бу абётни айёми туфулиятим (ёшлик пайтим)да тўкуғон эдим", – деб ёзади.<sup>94</sup>

Рожийнинг келгусида юксак мақомга етиши ва маънавий камолот ҳосил қилишида ота-оналарининг бекиёс хизматлари борлигини таъкидлаш лозим. Чунки унинг ўзи айтганидек, отаси Низомиддин Хожа зироат қилиб, бошқача айтганда ҳалол меҳнат эвазига рўзғор тебратган. Қўл меҳнати, хусусан деҳқончилик нонининг қадри олий эканига Амир Алишер

---

<sup>92</sup> Таржима Р. Файзуллаевники.

<sup>93</sup> Рожийнинг набираси Мория она Бадридинова шоирнинг ҳозирги Қирғизистоннинг Учкўрғонида жуда катта ер-сувлари бўлгани, ҳатто бир тегирмони "Осиёйи Қози" номи билан шу кунгача сақланиб қолганлигини айтиб берган. Хотира матни М.Мадғозиев кутубхонасида сақланади.

<sup>94</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси.71-б.

Навоий ҳазратлари келтирган қуйидаги воқеа ибратли мисолдир. Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" да шундай ёзадилар:

*"Кошифи асрори илоҳий Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий (қуддиса сирриху) ибодат фароғати учун қаноат шиор қилди ва Зиёратгоҳ қасабасида маскан ихтиёр қилди. Ва улус назр ва ҳадиясин парво қилмади, салотин инъом ва суюрғолин (юборганин) кўзга илмади. Муҳаққар (Арзимас) мавруси муҳавватасига (мерос қолган ерига) ашжор (кўчат) тикти ва экин экти. Ўз муборак илики (қўли) била экин суворурга бел урар эрди ва ашжор тарбияти (кўчатлар парвариши)га теша ва арра сура эрди. Бу навъ қаноат била натижаси «азза ман қанаа» ("қаноат қилган азиз бўлади" ҳадиси) ҳукми била ул ерга (даржага) еттиким, Ҳирот дор ус-салтанасидин салотини маснаднишин (султонлари) ва уламои дин ва машойих аҳли ул бузургвор хизмати (ҳузури)га борур эрдилар ва остони туфрогин ўпмак била тафоҳўр (фахрланиб) бошин фалақдин ўтқарур эрдилар ва ул зироат нонидин ва ул фавоқиҳ жони (мевалари)дин ҳар не илиқлари (қўллари)га тутса (берса) кўзларига суртуб, қўюнларига солиб, табаррук учун шаҳрга аёл ва атфол (гўдак)лари учун келтурур эрдилар ва андин еганлар охират нажотига ҳам умидвор бўлур эрдилар. (Дунёда) Қаноат натижаси (ҳеч кимда) мундин комилроқ оз зуҳур қилиб эркин (бунчалик зоҳир бўлмаган) ва хурсандлиг боғчаси (кўнгили гулистони)нинг раёҳини (хушбўйи) мундин тароватлигроқ кам очилиб эркин (бўлмаган)".<sup>95</sup>*

Бундан ташқари Рожийнинг отаси Низомиддин Хожа аҳлуллоҳ кишиларнинг дўсти бўлиб, уларга муҳаббат қилган. Аҳлуллоҳ кишиларнинг кимлар эканини ҳадиси шарифлардан биламиз. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал Анас ибн Молик р.а.дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни шундай дедилар: "Албатта, Аллоҳ таолонинг аҳл (яқин киши)лари бордир. Сўрашди: "Улар

<sup>95</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент, 1998.55-б.

кимлар?" Дедилар: "Аҳли Қуръонлар Аллоҳнинг аҳли ва хос кишилари дир!"<sup>96</sup>

Абдуррауф Муновий "Жомеъус сағир"нинг шарҳи "Ат-Тайсир"да, бу ердаги аҳлуллоҳдан мурод, Қуръони каримни ёдлаб унга амал қилган кишилар дир, уларнинг мақоми бошқалардан улуғ бўлгани учун шундай дейилмоқда, каъба улуғ бўлгани учун байтуллоҳ деб айтилгани каби, дейди".<sup>97</sup> Шундай бўлса-да, аҳлуллоҳ умумий маънода Аллоҳнинг валий бандаларига, уламоларга нисбатан ишлатилади. Имом Ғаззолий Аллоҳга муҳаббат қилиш ҳақида гапирганида, Аллоҳ яхши кўрган кишиларни яхши кўриш ҳам унинг муҳаббати жумласидан дир, деган фикрни келтиради. Чунончи, дейди, у, Пайғамбарни яхши кўриш, Аллоҳни яхши кўриш дир, чунки маҳбуб (яхши кўрилган)нинг маҳбубини яхши кўриш ҳам уни яхши кўришнинг ўзгинаси. Шунингдек, уламолар ва атқиё (тақводор) кишиларни дўст тутиш, уларга муҳаббат қилиш ҳам Пайғамбарга бўлган муҳаббат саналиб, бу Аллоҳга уланадиган муҳаббат дир.<sup>98</sup>

Демак, Низомиддинхожанинг аҳлуллоҳ кишиларга муҳаббати фарзанди Хожажоннинг камолотига сабаб бўлган. Чунки: "Кимки, фарзанди олим бўлмоғини истаса, уламоларга хизмат қилсин, борди-ю, фарзанди бўлмаса, набираси бўлади",<sup>99</sup> дейилган сўз тажрибада кўп синалган.

Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳеч бир ота-она фарзанди учун гўзал тарбиядан кўра яхшироқ нарсани мерос қолдира олмайди», деганлар.<sup>100</sup> "Тухфат ул-Аҳвазий" муаллифи Муборакфурий ушбу ҳадисни шарҳлар экан, чиройли тарбия қулларни султонлар мартабасига кўтаради, дея таъкидлайди.

<sup>96</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. "Муснад ул-имами Аҳмад ибн Ҳанбал"... 3-ж, 127-б.

<sup>97</sup> Имом Ҳофиз Зайнулдин Абдуррауф Ал-Муновий. "Ат-тайсир бишарҳи Жомеъ ус-сағир". Дорун нашр. Риёз. 1408/1988. 1-ж, 779-б.

<sup>98</sup> Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. "Ихёу улумид дин"... 3-ж, 394-б.

<sup>99</sup> Шайх ул-ислом Имом Бурҳониддин Зарнужий. "Таълим ул-мутааллим". Карочи –1905. 22-б.

<sup>100</sup> Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. "Сунани Термизий"... 7-ж, 430-б.

Бундан ташқари, Низомиддинхожанинг аҳлуллоҳ кишиларга муҳаббати улардан фарзанди Хожажон ҳақиға дуо олишига ҳам сабаб бўлган. Чунки мусулмон халқлари ўзларининг дастлабки вакиллари бошлаб берган бу гўзал анъанага доим амал қилиб келганлар. Саҳобалар фарзанд кўришса, дарҳол уларни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларига олиб бориб, фарзандлари учун дуо сўрашлари, кейинги авлодлар эса саҳобалардан дуо олишлари, улардан кейин тобеъинлар жамоаси ушбу шарафга ихтиёр қилинишини ўйласак, фикримиз ойдинлашади. Шу тариқа ҳар бир даврда фарзанди тақдири учун бефарқ бўлмаган ота-оналар улар маънавий камолотида муҳим ўрин тутган бу одатни тарк қилмай қўллаб келганлар. Уларнинг илм-маърифат аҳлининг дуоларига бўлган қарашлари Бобораҳим Машрабнинг кўйидаги байтида ўз ифодасини топган:

*Ҳар кишининг пири ўз вақтида Нажмиддин эрур,  
Боязиднинг вақти ўтди санки Суфён излама.*

Амир Алишер Навоий ҳазратлари устозлари Абдураҳмон Жомий ҳақида ёзар эканлар, у зотни ёшлигида замон яғонаси Фаҳриддин Луристониининг марҳамат назарига тушганини алоҳида таъкидлайдилар:

*"Алар кичик ёшлиг эканда ҳам алардин муфрит (зиёда) фаҳму табъ осори (аломати) зоҳир бўлур эрмиш. Ул жумладин будурким, орифи комил ва муришиди мукамал мавлоно Фаҳриддин Луристониийки, ўз замонининг яғонаси ва ҳақиқат баҳрининг гавҳари якдонаси эркандур – Жом вилоятида аларнинг оталари уйига тушгандур, алар тўрт ё беш ёшларида эмди мактабга борур вақтлари эмиш, ҳазрати Мавлоно аларни ўз қошларида ўлтуртуб, бармоқ ишорати била ҳавога машҳур отларни: «Умар» ё «Али»дек битир эрмиш ва алар тааммул била ўқур эрмишлар ва ҳазрати Мавлоно аларнинг туфулиятда бу навъ зехну закосидин мутабассим, балки мутаажжиб бўлур эрмишлар. Андоқким, бу сўз «Нафаҳот ул-унс»да дағи мазкур*

*бор. Туфулият (болалик)лари айёмидаги бу навъ осору аломот кўп манқулдур. Сабт этарга машгул бўлунса, сўз узалур".<sup>101</sup>*

Фахриддин Луристонийнинг ёш Абдурахмон Жомий зехнини синаш учун ҳавога баъзи нарсаларни ёзганини келтирар эканмиз, Рожий Марғиновичнинг яқин дўсти ва замондоши Муҳаммад Юсуф Хонақоҳийнинг ҳам мактабда таълим олаётган кезлари устозлари ўрталарида бўлиб ўтган бир воқеа ёдимизга келади. Айтишларича Хонақоҳий Ҳазрат ҳам ёшлик пайтларида кучли зехн соҳиби бўлганлар. Марғилоннинг Гўри Аввал маҳалласидаги мактабда таълим олаётган кезлари бир кун устоз дарсхонага кириб келганида унинг деворига Қуръони каримнинг «Фил» сураси нақш тарзида ёзиб қўйилганини кўрадилар. «Буни ким ёзди» – деб, сўрайдилар. Ҳеч ким жавоб бермайди. Устоз иккинчи марта сўрайди. Шунда ёш Ҳазрат Домла: «Мен» – деб, ўзлари ёзганини айтадилар. Устоз бундан таажжуб қилади. Чунки ёзув хатосиз, тўғри ёзилган эди. Ҳолбуки, ўшанда Ҳазратнинг мактабга янги келган пайтлари экан.

«Бўлмаса, – дейдилар, устоз хайрон бўлиб, – мен ҳавога ёзаман, шуни ўқиб берингчи» – деб бармоқлари билан ҳавога баъзи нарсаларни ёзган бўладилар. Дикқат билан кузатиб турган Ҳазрат уларнинг барчасини тўғри ўқиб берадилар.<sup>102</sup>

Маълум бўлмоқдаки, баъзи фазилат соҳибларининг камолоти уларнинг ёшлик чоғлариданоқ маълум бўлар экан. Машур тариқат шайхи Саййид Амир Кулол қуддиса сирруҳунинг "Мақомот"ларида келтиришларича, у зотнинг онлари шундай деганлар: "Амир Кулолни то вазъи ҳамл (туғилгунича) кўтардим, ҳар вақт луқмада шубҳа бўлса, мени қорнимда қаттиқ оғриқ тутар эди. Билардимки, бу боламнинг баракотидан эди, шу сабабли луқмада жуда эҳтиёт бўлар ва боламга умидвор бўлар эдим".<sup>103</sup>

Ҳожажон Хожа Рожий устида қўлланган бу каби ишлар тартибли равишда бизга етиб келмаган бўлса-да, бироқ, унинг камолотида мазкур амалларнинг баракасини сезмаслик мумкин

<sup>101</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 15-том. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. Тошкент – 1999. 10-б.

<sup>102</sup> Р. Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – 1998.

<sup>103</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 67-б.

эмас. Чунки, кейинчалик Рожийнинг ўзи ҳам Охунжон кори Номий, Муҳаммад Юсуф Ҳазин Хонақоҳий, Мирҳайдар домла Толий, Мирхалил домла Бухорий, Мавлоно Абдулкарим каби замондош уламолар қаторида дуогўйлик мақомига эришган эди. Киши дуогўйлик мақомига етиш учун ўзи ҳам дуо олган бўлиши кераклиги маълум.

Бурҳониддин Марғионийнинг шогирди Имом Зарнужийнинг айтишича, буюк аллома Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ Шамс ул-аимма Ҳалвонийнинг ҳам илмда юксак мақомга етишига оталарининг муҳаббати сабаб бўлган. Оталари Аҳмад ибн Наср фақир киши бўлиб, ҳолвапазлик ва ҳолва сотиш касби билан шуғулланган экан. Тез-тез талабаларни тўплаб, уларга ҳалво тарқатар ва: «Боламни ҳақиқага дуо қилинлар, олимлардан бўлсин», – деб айтар экан. Отанинг илтижоси, бегуноҳ болаларнинг дуолари зойеъ кетмаган ва фарзанди кейинчалик ҳанафий фикҳининг буюк алломаларидан бирига айланган.

Хожажон Хожанинг маънавий камолотида онасининг ҳам алоҳида иштироки борлигини унутмаслик лозим. Онаси Чимён қишлоғининг Хўжа маҳалласида истиқомат қилувчи илм аҳли муҳибларидан Дадажон хўжанинг қизи бўлгани учун ҳам маърифатли аёл эди.

Қадимдан мусулмон дунёсида фарзандлар маънавий тарбиясида ота-онанинг ўрни беқиёс экани айтилгани ҳолда, бу борада айниқса, оналар хизматиға алоҳида урғу берилади. Араб халқида, ҳар бир улуғ инсон ортида бир аёл бор, дейилган ҳикматли сўзда назарда тутилган аёлдан мурод ҳам она экани маълум. Мусулмон аёллари нафақат она, балки муслима аёл сифатида ҳам болаларини ёшлиқлариданоқ Ислом кўрсатмаларига мувофиқ тарбия қилишга, Аллоҳға муҳаббатли бўлиб улғайишига катта аҳамият берганлар ва бу йўлда ҳақимона йўл тутганлар. Чунончи, имкон қадар уларни бетаҳорат эмизмаслик, кўкрак тутганда Қуръони карим тиловатиға машғул бўлиш, гарчи тушунмасалар-да, улар билан гаплашиш, яхши тилаклар – Парвардигорга муножот, дуоларни аллага қўшиб айтиш кабилар шулар жумласидандир.

Ҳатто улар орасида болаларини гўдаклигиданоқ таҳоратга ўргатиб боришлари (бу жуда камёб нарса) уларни не чоғли оқила ва доно, айни пайтда маърифатли эканларининг белгиси эди. Улар бу борада тарихда ўтган момоларнинг ўзини оқлаган ҳаётий тажрибаларидан яхши хабардор бўлганлар. Мазкур одатларни қўллаш баробарида ўз болаларини ҳам уларга ўхшашини орзу қилганлар. Зотан, оналар учун дунёда юрагининг бир парчаси бўлмиш боласининг камолотини кўришдан ортиқ унга ҳаловат ва тасалли берадиган бирор нарса бўлмаса керак. Буюк муҳаддис Имом Бухорий ёш болалик пайтида кирганида бехосдан кўзининг кўрмай қолиши, бечора онаизорнинг туну кун йиғлаб Парвардигорга ёлбориши ва бу дуолар зойеъ кетмай каромат янглиғ боласининг кўзи очилиши, бунга шукрона ўлароқ, она боласини Аллоҳнинг дини, илм-маърифат йўлига бағишлаши ва натижада бола Ислом дунёсининг юлдузларидан бирига айланганини ҳар бир муслима аёл она сифатида ўз боласига илинади.

“Маноқиб Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий” асарида келтирилган маълумотга кўра, Фарғона водийсида туғилиб, ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган уламолардан бири, нақшбандия тариқатининг Махдуми Аъзам Косонийдан кейинги энг йирик вакили Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг (1487-1571) оналари фарзандларига бирор марта таҳоратсиз кўкрак тутмаган экан.

Шунингдек, Марғилонда ўтган тасаввуф шайхи, Хонақоҳ мадрасасининг мудариси Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Ҳазратнинг оналари ҳам гўдаклигида у зотни эмизаётиб ҳар гал "Ёсин" сурасини тиловат қилиб туриши айтилган. Шу ва шу каби ибратли воқеалар мусулмон аёллари орасида, шу жумладан, марғилонлик аёллар орасида ҳам қўлланганини кўрамиз. Ҳатто улар бу борада бир-бирларидан ўзишга интилишлари ҳам фарзандлари тақдирига бўлган аҳамиятларидан эди.

Рожийнинг тоғалари ҳам ўқимишли кишилар бўлиб, улардан бири Мунаввархон мингбошининг қозихонасида

мирзолик қилиши, улар хонадонидаги маънавий муҳит ҳақида тасаввур беради.

Шунингдек, Рожийнинг ота томонидан бўлган қариндошлари, амакилари ҳам маърифатли кишилар бўлиб, бевосита Рожий тарбиясида ўрин тутган. Айниқса, улар орасида Хожа Ҳофиз Шерозий ғазалларига ихлоси баланд Саййид Акбар Жамол эса жияни Рожийни ёшлигидан мумтоз адабиётга ихлосли бўлиб ўсишига бевосита сабаб бўлган. Буни ёш Хожажон ҳар гал унга ёд олган сабоқларини, айниқса, Хожа Ҳофизга тушиб, уни ғазалларидан ўқиб берганида совға-салом бериб рағбатини оширганидан билса бўлади. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*"Хўжажон хўжа камбағалликда ўқишдан бош тортмай саводларини чиқарганидан кейин Аввал қишлоғидаги деҳқон оиласидан Саидақбар Жамол ўғли деган амакилари ва оналарининг отаси Чимён қишлоғидаги Хўжа маҳалласида Дадахўжа деган саксон ёшли боболари ва Мунаввархон мингбошининг мирзаси бўлиб ишлаган тоғалари кўмакларида бўлганлар".<sup>104</sup>*

Рожийнинг камолотида амаки-тоғаларининг ўрни ҳақида ёзар эканмиз, тарихда ўтган баъзи зотлар ҳаётидаги мисоллар ёдимизга келади. Масалан, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг маънавий камолотида тоғаси Иброҳий Шошийнинг саъй-ҳаракатларини алоҳида ўрни бор эди. Бу ҳақда "Рашахот" муаллифи Фахруддин Али Сафий ёзади: "Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор бошланғич таълимни Тошкентдаги кичик бир мактабда олганлар. Тоғаси Иброҳим Шоший унинг ўқимишли инсон бўлишини орзу қилиб кўп саъй-ҳаракат қилганлигига, Хожа Аҳрорнинг ўз сўзлари далилдир".<sup>105</sup>

Ёки буюк мутафаккир ва шоир, ўзига хос файласуфона қарашлар соҳиби Мирзо Абдулқодир Бедилнинг маънавий камолотига ҳам амакиси Мирзо Қаландар билан тоғаси Мирзо Зарифнинг бевосита ёрдамлари сабаб бўлган эди.

---

<sup>104</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...1-б.

<sup>105</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт... 478-б.



Рожийнинг кичик замондоши Марғилондаги Хонақоҳ мадрасаси толиби Миряхё қори домла ҳаётида ҳам шундай бўлган. 1880 йилда Марғилоннинг Қаландархона даҳасида туғилган Миряхё қорининг отаси Мирбобо қори диёнатли киши эди. Онаси Ризвон биби ҳам тақводор, покиза аёл бўлган. Айтишларича, онаси кейинчалик фарзандлари Миряхёдан бир оз кироат илмини ўргангани боис, «устозим» деб, хурматлар, ҳатто бирор марта ҳам уйдан ўғилга орқа ўгириб чиқмаган экан.

Етти ёшга етганида ота вафот этади. Ёш йигит ва икки қизнинг тарбияси тоғанинг қўлида қолади. Маърифатли тоға ўзига тушган масъулиятни чиройли тарзда адо қилади. Жияни тарбиясида тўғри йўл тутади. Уни ёшлигидаёқ Қуръон таълимига беради. Ўн тўрт ёшидаёқ Қуръонни тўлиқ ёд олган болани илм ўқиши учун Хонақоҳ мадрасасига топширади. Ҳатто жиянини отга миндирган қўйи мадрасага олиб келган кунлари кўп бўлган. Тоғанинг ота йўллик шафқати ва устоз Хонақоҳий Ҳазрат Домланинг шафқати боис тез фурсатда талабалардан ўзиб кетади.<sup>106</sup>

Рожий ўзининг таҳсил олишига яқиндан кўмаклашган амаки ва тоғалар хизматини унутмаган. Бу кейинчалик уларнинг авлодлари билан қариндошлик алоқаларини сақлаб юрганидан билинади. 1902 йилда Андижон шаҳрида бўлган зилзилада Рожийнинг андижонлик бир қатор қариндошлари вафот этишади. Шу муносабат билан қуйидаги тўртликни ёзади:

*Агар дар Андижон аз ақрабо монд,  
Буродарзода авлоди тағо монд.  
Халаф аз рафтагон ин зор монда,  
Бимонд аммо қазоро мубтало монд.*

**Мазмуни:** Агар Андижонда қариндошларимдан қолган бўлса, акамнинг ўғли-ю, тоғамнинг авлодларидан қолган эди. Кетганларнинг ордидан ворис бўлиб қолган эдилар, аммо бу илоҳий ҳукмга мубтало бўлиб, улар ҳам вафот этишди.

---

<sup>106</sup> Раҳматуллоҳ Файзуллаев, Нодиржон Абдулаҳатов. “Муҳаммад Юсуф Ҳазин” Тошкент: “Шарк”. 2013, 136-б.

Рожий қариндошлик алоқалари ҳақида шундай ёзган эди: *"Билинги, қариндошлик ришталарини узиши ҳаромдир, уланиши эса вожибдир. Бунинг маъноси уни зиёрат қилиши билан ахтариши ва ҳадялар бериши, сўз ва амал билан ёрдам бериши, унутмаслик. Буларнинг энг камии салом беришидир. Мактубда салом йўллаш ҳам шунга киради.*

*Силайи раҳм – қариндошларга уланиши ризқ ва умрининг зиёда бўлишига сабаб бўлади ва унинг азоби ота-онасига оқ бўлганнинг азоби каби таъсири қаттиқдир. Ота-онага оқ бўлганнинг азоби кўпинча кутиб ўтирилмайди. Қариндошдан узилган кишилар бор жойга фаришталар тушмайди".<sup>107</sup>*

Рожий мазкур сўзларни "Рух ул-баён" тафсиридан олганини кўрсатган. Мазкур тафсирнинг Раъд сурасидаги *"Улар Аллоҳ боғланишига буюрган нарсаларни (яъни, қариндош-уруғлар билан алоқани) боғлайдилар. Парвардигорларидан қўрқадилар ва оғир ҳисоб-китобга дучор бўлишдан қўрқиб, (доим чиройди амаллар қилишига интиладилар)",* (21-оят) мазмунидаги оят тафсирида келтирилган.<sup>108</sup>

Демак, Рожий қариндошлари билан унга яхшилик қилганлари учун эмас, Исломдаги вожиб амални бажариш маъносида ҳам алоқада бўлган.

Рожийнинг онаси ҳақида юқоридагилардан бошқа маълумотлар етиб келмаган бўлса-да, аммо унинг қўлёмаларидаги баъзи қайдлардан фарзанд сифатида онасига бўлган эҳтиромини англаш мумкин.

Маълумки, ҳар бир шахснинг муҳим қайдлар жамланган хотира ва эсдаликлар дафтари маълум маънода хотира муаллифининг дунёқараши, руҳий-ҳиссий хусусиятларини ифодалайди. Рожий ўзининг бир қўлёмза баёзида Абдурахмон Жомийнинг (1414–1492) "Нафаҳот ул-унс" асаридан бир ҳикояни келтирадики, бу унинг Жомий ҳазратга эҳтиромидан ташқари, оналарга самимий муҳаббатини ҳам ифода қилади. Ҳолбуки, Рожий истаса мазкур асарда келтирилган бошқа мавзудаги

<sup>107</sup> Муфаззал маҳдум мажмуаси... 102-б.

<sup>108</sup> Шайх Исмоил Ҳақий Бурсавий. "Тафсир Рух ул-баён". Дору ихяу турос ал-арабий. 1421/2001.6-ж, 252-б.

хоҳлаган ҳикояни келтириши мумкин эди. Аммо унинг айнан, оналарга бағишланган ҳикояни танлаб олиши оналар ва улар кўнглини олишга бўлган рағбатини ифода қилади. Бу эса маълум маънода Рожийнинг ўз онаси билан боғлиқ рухий кечинмаларига бориб тақалади.

Эҳтимол, Рожийнинг онаси унинг ёшлик пайтида ўтиб кетган, ёки у кўпроқ илм таҳсилида бўлиб онаси хизматини бажара олмаган ва шу туфайли дилида афсуслиги бўлгандир. Ёки, шойиста хизмат қилган чоғида ҳам бу унинг камтарлик ва тавозесидир. Қандай бўлганида ҳам мазкур ҳикояни келтириши унинг ахлоқий қарашларини ифода қилишда муҳимдир:

### ***Ҳажларим савобини сенга берсам***

"Исмоил Ҳавос айтади: "Мен ҳаж нияти билан чиқиб Шерозга етиб бордим. У ерда бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни бир чеккада ўтирганини кўрдим, бориб салом бериб ёнига ўтирдим. Мендан қаерга ва нима ният билан чиққанимни сўради. Ҳажга, дедим. Онанг борми, деди. Бор. Ундай бўлса, дарҳол онанг ҳузурига бориб, хизматини қилиб кўнглини ол, деди. Унинг бу гапини унчалик хушламадим. У буни сизди ва деди: "Мен эллик марта бош яланг, оёқ яланг ҳаж қилганман. Ҳаммасини савобини сенга бердим. Сен онанг кўнгли шодлигини менга бағишла!".

Абу Абдуллоҳ Марвазийнинг "Ал-бирру вас-сила" номли китобларида келтирилишича, "Бир киши Ҳасан Басрийга деди: "Мен ҳаж қилдим, онам бунга рухсат бердилар". Унга дедилар: "Унинг дастурхонида бир марта ўтиришинг мен учун ҳажга боришингдан кўра яхшироқдир".<sup>109</sup>

### ***Онасини ташлаб ҳажга кетди***

Рожий домланинг оналарга бўлган эҳтиромини қуйидаги воқеадан ҳам билиш мумкин. Айтишларича, марғилонлик

---

<sup>109</sup> Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Ҳарб Абу Абдуллоҳ Марвазий. "Ал-бирру вас-сила". Дор ул-ватан – Риёз. 1419, 1-ж, 33-б.

Қосимхожи исмли бир шахс ёлғиз ва дардман онасини қаровсиз қолдириб, макка экиб етиштириб ундан чиққан пулга Маккага бориш учун даштга чиқиб кетади. Изтиробда қолган муштипар онанинг аҳволи Рожийга тинчлик бермасдан қуйидаги тўртлик – туюқни ёзиб Қосимхожига жўнатиб юборади.<sup>110</sup>

*Бор эрур саҳрода Бекнинг маккаси,  
Микка-микка об есун ул маккаси.  
Нега саҳроларда юрсин Макка деб,  
Ҳар кишини уйда бўлса “Маккаси”*

Мусулмон аҳоли орасида қадимдан оналарни эҳтиромлаб “Маккам”, “Мадинам” деб айтишлик одат бўлган.

Рожий Учқўрғон қишлоғида ўтган уламо Домла Боқий ҳақида ёзар экан, уни покиза ва улуғ онадан туғилганига ишора этадики, бундан марҳумнинг онасини улуғ ва фазилатли аёл бўлганига хавас қилаётгани сезиш қийин эмас:

*Модари гетий валий зод Боқий ном монд,  
Қутби модар зод фоний буд Боқий ном монд.*

Яъни, жаҳоннинг улуғ оналаридан бир фарзанд туғилди ва унга Боқий деб ном қўйилди. Аммо улуғ бўлган шу онанинг қутб бўлган боласи фано бўлди, бироқ, номи боқий қолди.

Рожийнинг мазкур сўзларидан киши дунёда гарчи боқий қола олмаса-да, бироқ унинг яхши номи қолиши мумкин, дея хулоса чиқарганини англаб оламиз.

### ***Жойнамоз устида вафот этган отин***

Рожий домланинг оналарга бўлган самимий эҳтироми аёл-қизларга нисбатан муносабатларида ҳам кўринади. Маълумки, ўша даврда Туркистоннинг барча шаҳар-қишлоқларида аёллар саводхонлигини чиқариш учун мўлжалланган отин ойи мактаблари мавжуд бўлган.<sup>111</sup> Уларда маҳаллий аҳолининг кўплаб қизлари савод чиқаришган.

<sup>110</sup> Муфаззал маҳдум мажмуаси...13-б.

<sup>111</sup> Эргашев Ф.Обидов Д.Миллий таълим тарихидан. – Т.: "Академия",1998.37-б.

Ҳижрий 1309, милодий 1891–92 йилда Қирғизистоннинг Учқўрғон қишлоғидаги шундай мактаблардан бирининг муаллимаси, ўз даврининг заковатли билимдон аёлларидан Ойбиби Отин вафот этади. Унинг ўлими Отин бибида хат-савод чиқарган барча хотин-қизларда, уни таниб-билган кишилар, жумладан, Рожий қалбида чуқур изтироб уйғотади ва у бу воқеага бағишлаб 82 мисралик марсия-таърих яратади. Уни куйидагича сўзлар билан бошлайди:

*Сўрдум отун қайга кетди бу жаҳони фонийдин?  
Чиқмаган мастура эрди кулбаи вайронидин?*

*Етти бу овозаким: "Кетти фано кўҳсорига,  
Паҳлавоний марғни маҳкам тутиб домонидин".*

*Борди жаннатни фазосин Қалъайи Болосига,  
Кечди Учқўрғонни даштин Кўчаи Поёнидин.*

Эътибор берилса, Рожий бир умр ўзини бегоналардан эҳтиёт қилган мастура аёл бўлмиш Отин бибини қаерга кетганини сўрар экан, унга қандай жавоб берилганини ҳам айтади: "У ўлим паҳлавонининг этагидан маҳкам ушлаб фано майдонига кетди. У ўзи яшаган Учқўрғон қишлоғининг Кўчайи Поёнини ташлаб, жаннатнинг Қалъайи Болосига кетди. Бу ерда Рожий Отин биби яшаган қишлоқ маҳалласи ва кўчаларига ҳам ишора қилмоқда. Сўнгра Рожий унинг ўлими туфайли пайдо бўлган манзараларни баён қилади:

*Ҳақни лутфи бўлди қаҳру элни айши бўлди захр,  
Тўлди мотам бирла даҳру келди ғам овонидин.*

*Тоза сувлар бўлди шўру ўлди мардум коми талх,  
Шўрликлар дийдаси то тўкди ғам боронидин.*

Яъни, Аллоҳнинг унга бўлган лутфи – уни охиратга олиб кетиши бошқалар учун гўё қаҳр бўлди, замон мотамга тўлиб, ғамлар ёғилиб келди. Тоза сувлар шўр бўлиб, мардумнинг тили аламдан аччиқ бўлди, ҳатто шўрлик халқ дили ғам ёмғирини тўкди.

Сўнгра Рожий унинг баъзи фазилатларини баён қилади. Уни "шабзинда" – кечалари туриб намоз ўқийдиган ҳимматли аёл эканини айтиб, гўё дунёда эрлар жамоасидан бўлган пир эди, дейди:

*Пир эди, кампир эмас, шабзиндадор ортиқчароқ,  
Дори дунёга осилган мардлар эшонидин.*

Тарихда тунларни ибодат билан ўтказган аёллар ҳам талайгина ўтган. Ана шундай аёллардан бири Муозатул Адавия ҳақида Ибнул Жавзий шундай ёзади:

"Асли исми Муоза бинти Абдуллоҳ бўлган мазкура хар куни тун кирганида: "Бугунги тун мени охирги туним", деб ибодатга киришар эди. Тонг отганда, бугун мени охирги куним, дея яна ибодат бошлар эди. Кечаси уйқуси келса, ташқарига чикиб айланиб келар ва: "Эй нафсим, қабрда сени узун уйқу кутиб турибди, бу ерда ухласанг у ерда надомат билан ётасан", дер ва тонггача ибодат қилар эди".<sup>112</sup>

Рожий Отин бибини кечаси намоз ўқишига ишора қилар экан, уни гўё эркаклар каби ҳимматли, дея келтиради. Унинг бу таърифи Сўфи Оллоҳёрнинг машҳур сўфия аёл Робия Адавия ҳақидаги таърифини ёдимизга солади:

*Агарчи Робия мар-ъа биз зот,  
Эранлар қўйдилар "Тождур рижол" от.*

Яъни, Робия гарчи аёл бўлса-да, бироқ улуғлар уни "эркакларнинг тожи", деб таърифлашган.

Бугина эмас, Отин биби қиёмат ваҳми билан яшайдиган ибодатпеша аёл бўлиб, бир умр Ҳақ амри-фармонидан чиқмаган:

*Эрди хотуни қиёмат, бир ибодатпеша зол,  
Чиқмаган бир зарра Ҳақ амридин, фармонидин.*

<sup>112</sup> Абдурахмон ибн Али Абул Фараж. "Сифатус софва" ...4-ж, 22-б.

Рожийнинг айтишича, Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд (қуддиса сирруху)<sup>113</sup> балогардон бўлсалар, аёллар ўртасида ушбу Отин шундай балогардон эди:

*Гар Баҳоуддин Бухорода бало дафъин қилур,  
Эрди ул хотун жинсин балогардонидин.*

Рожийнинг айтишича, у аёл дунё дастурхонида лаззат кўрмаган, шунинг учун энди жаннат неъматларидан тотиши керак:

*Хони дунёдин риёзат бирла лаззат тотмади,  
Завқ топсин эмди жаннат неъматини алвонидин.*

У элдан узилиб, бу дунё билан видолашганда кўплаб хотинлар маҳрумлик алаmidан рақсу самоъ қилганлар:

*Айлаб элдин инқитоъ ва бу дунёдин видоъ,  
Қилди кўп хотун само-у рақс ани ҳирмонидин.*

Энг қизиғи, унинг вафотига Рожий ҳам боши қотиб, ғамга тўлиб, аламдан соқолини юлган:

*Халқ аро мотам бўлуб, қози соқолини юлиб,  
Ғам билан тошуб-тўлуб, кетти қолиб дармонидин.*

Шунинг учун бошқаларни ҳам унинг мотамида "қон йиғлаш"га чақиради ва ғамдан "шаҳиди"нинг қони Карбало шаҳиди Ҳусайн р.а.нинг қонидан камми, дейди:

*Кўксинг оч, хунобалар ул равзаи ризвонга соч –  
Ғам шаҳидин қони камму Карбалони қонидин?*

Шуларни айтар экан Рожий Парвардигорга илтижо қилиб, уни жаннатда Марям ва Сора каби улуғ аёллар қаторида қилишини сўрайди:

*Айла, ё Раб, Марямю Соро билан маъвосини,*

---

<sup>113</sup> "Қуддиса сирруху" – "Аллоҳ сирларини муқаддас қилсин" маъносига бўлиб кўпинча тариқат шайхлари ва тасаввуф арбобларига нисбатан ишлатилади.

*Хулд нузҳатгоҳини фарҳатфазо айвонидин.*

Дунёда қизларнинг нонига қаноат қилганинг учун энди жаннатда хурлар дастурхонидан егин, деб тилак қилади:

*Эй қаноатпеша, ердинг бунда қизлар нонини,  
Анда гилмон бирла ерсан ҳур дастурхонидин.*

Энг қизиғи, уни тириклик пайтида билмаганидан қаттиқ афсусланади:

*Шаръи услубига олим ул диёнатпешани,  
Зиндаликда нега қози ажратибди ёнидин?!*

Яъни, нима учун Рожий тириклик пайтида шариат илмига моҳир бўлган у диёнатли аёлни, танимабди?!

Мазкур сатрлардан англашиладики, Рожий инсон сифатида аёллар ва оналарга самимий эҳтиромли бўлган. Акс ҳолда, ўзидан анча узоқда бўлган аёл ўлимига бунчалик қайғурмаган бўлур эди. Дарвоқеъ, унинг мақсади, бу орқали бошқа аёлларнинг ҳам аҳволини маълум даражада ёритиб бериш эди:

*Ёздум хотунларни ҳолин бу мусибатномага,  
Ғамларини кам деманг марҳуманинг ҳижронидин.*

Чунки, энди унинг уйи ўлими сабаб хотинларнинг ғамхонасига айланган эди:

*Бўлди уй вайронаси, хотин элин ғамхонаси,  
Ҳар бирин афсонаси бир бошқа ғам унвонидин.*

Бу ерда йиғлаётган аёлларнинг ҳар бирида алоҳида бир ғам бор:

*Бирда пирни гуссасию, бирда эрди қиссаси,  
Йиғлагон ўн ҳиссаси гардунни чап давронидин.*

Ҳатто, дейди Рожий агар улар кўкка чиқиш имконини топсалар эди, унинг масканини йиртишар эди:

*Йиртур эрдилар чиқиб золи фалак кўк масканин,  
Кўкка етмаклик йўлин топсайдилар имконидин.*



Уларнинг бу мусибатини тушунса бўлади, чунки у Отин илм аҳлининг алломаси бўлган аёл эди:

*Ўлган ул Отин экан илм аҳлининг алломаси,  
Фаҳм қилдим қозини қилгон анга майлонидин.*

Бундан ташқари, юқоридаги марсия орқали Рожий домланинг етук фақиҳ сифатида оила ва никоҳ масалалари билан жиддий шуғулланиб, уларни шарият кўрсатмалари асосида – икки томонлама тенг савия ва қарашлар уйғунлиги, яъни куфув асосида бўлиши шартлигига қаттиқ эътибор берганини билиш мумкин. Чунки фикҳ китобларида никоҳ чоғи қафоат – эр-хотин ўртасида бир неча жиҳатлардан тенглик эътиборга олиниши кўрсатилган ва буни улар орасидаги муносабат давомийлигига сабаб, деб қаралган.

Рожий Отинбиби ҳаётини таҳлил этар экан, шундай олима ва фозила аёлни алифни танимайдиган киши билан ҳаёт кечиргани, тўғрироғи, уни шунга мажбур қилинганидан таажжубга тушади. Унинг фикрича, илмли аёлни жоҳил эр билан ҳамхона қилиш қизни бир умр бахтсиз қилибгина қолмасдан уни жаҳон зиндонига солиш билан баробар:

*Илм элин жуфт айламак жуҳҳолга бир хонада,  
Жой бергандан ошиқ йўқму жаҳон зиндонидин.*

Ёки, бу нарса гўё “хушнаво андалиб” (булбул)ни гунг “зоғ” (қарға) билан бирга қўйишдек бемаъниликдир:

*Зоғу гунгу андалиби ҳушнаво яъсул қариб,  
Ахтариб мисоқини топдим Худо ақронидин.*

Шакартомоқ (ширинсухан) тўтини дашт сичқони донидан едиришнинг уволини ким тутуди?

*Йўқмудир қаттиқ вуболи пайрави жуфти бўлуб,  
Еса шаккархора тўти муши даштни донидин.*

Буларнинг ҳаммасидан шоир, "Номуносиб жуфт экан, бу даштни сукконидин", яъни, бу даштда яшовчилар ичида энг номуносиб жуфт экан, дея ғоят тўғри хулоса чиқаради.

Мазкур марсия-таърихда таърих моддаси қуйидагича:

*Ўлди ул Отин, хирад таърихи фавтига деди:  
"Ойбиби бева кетди, – деди, Учқўрғонидин".<sup>114</sup>*

Бунда таърих моддаси "Учқўрғон" сўзи бўлиб, унинг жумал ҳисоби қиймати 1367 дир. Ойбибининг вафот этган йилини топиш учун шоир ишораси бўйича иш тутамиз: "Учқўрғон" дан "Ойбиби"ни бева қиламиз, яъни "Учқўрғон" сўзининг қиймати 1367 дан "Ойбиби" сўзининг қиймати 58 ни айирамиз: 1367–58=1309. Демак, Ойбибининг вафот этган йили ҳижрий 1309, милодий 1891-92 йил экан.

Рожий ўз ижодида тарихда ўтган шоирлар асарларига тахмис боғлагани ҳам аёлларга бўлган самимий муносабатига мисол бўлади. Ҳатто у баъзи ташвишли, ғамли кунларида ҳам айнан уларнинг асарларидан ўқиб ўзига тасаллий ҳосил қилган. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*"Рожий баъзи мағмум (ғамли)лик ҳолларида шоира аёллардан Зебунисо, Маҳзуна, Робия ва Нодира қабиларнинг фазлу камолларидан сўзлаб, йиғлаган кўйи ушбу рубоийни ёзганлар:*

*Ҳар сабзаки, зери пойи ҳайвононаст,  
Зулфи санами-ю орази жонононаст.  
Ҳар хишт бар гунгираи айвононаст,  
Ангушти вазиру сари султононаст.*

**Таржимаси:** Ҳайвон оёғи остидаги ҳар бир гиёҳ санамлар зулфию, жононалар юзидир. Шунингдек, ҳар гунгирали айвон гишти вазирлар бармоғию султонлар бошидир.

*Ушбу каби мисолларни Бедилдан, Зебунисодан ва Фузулийдан ўқиб, жаҳоннинг бевафолигидан шундай зотлар ҳам ўтиб кетган, дер эдилар. Фозил кишилар у кишини шу каби*

<sup>114</sup> Ашъори Рожий Марғинойий. Кўлёзма, ЎзФАШИ инв.№ 5868, 34-б.

*маҳзунликдаги қиёфаларида ва суҳбатларида умуман завқ ва шавқ хурсандлигини тасаввур қила олмас эдилар".<sup>115</sup>*

Рожий домлани аёлларга бўлган эҳтиром улар тарафидан курдирилган баъзи иншоотларга таърих ёзганидан ҳам билинади. Нодирабегимнинг қизи Муштаройим Марғилонда мадраса курдиради. Катта меҳнат эвазига қуриб битказилган мадраса очилиш маросимида унга таърих айтишни Муштаройим Рожий домладан илтимос қилади ва Рожий қуйидаги таърихни айтади.

Архив маълумотларида Муштаройим мадрасаси ҳақида маълумот берилиб, уни талабалар турадиган 12 та ҳужраси ва битта дарсхонаси бўлгани, мадрасада 25 нафар талаба ўқигани ва талабаларга мударрис Мулла Муҳаммад Юсуф билим бергани айтилган.<sup>116</sup>

### **Бошланғич таълим**

Ёш Хожажон хожа бошланғич таълимни анъанага кўра ўз маҳалласидаги мактабда олган. Ўша даврларда Туркистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида бўлганидек Марғилонда ҳам ҳар бир масжид қошида мактаб жойлашган эди.<sup>117</sup> Айни пайтда Марғилон диний муассасалар – мадраса ва мактаблари сони жиҳатидан Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудида Фарғона водийсида жойлашган йирик шаҳарлар ичида юқори салоҳиятга эга бўлган.

Маълумотларда келтирилишича, Марғилонда 1875 йилда 433 та ана шундай мактаб бўлиб, уларда 7340 нафар бола таҳсил олган. 1898 йилга келиб, улар сони 324 тани ташкил этган ва 3989 нафар бола билим олган.<sup>118</sup> Аммо бошқа манбаларда бу пайтда 458 та мусулмон мактаблари, шу жумладан 25 та отин

<sup>115</sup> Муфаззал маҳдум. Рожий ҳақида хотраларим... 10-б.

<sup>116</sup> И.Алимов. Қўқон хонлиги Марғилон шаҳар мадрасалар тарихидан. АДУ. Илмий хабарнома. 42-б.

<sup>117</sup> Русские в Бухаре в 1820 году (Записки очевидца) // Турк. сб. – Спб., 1880. – Т. 239 С.24.

<sup>118</sup> А.Салмонов, А.Султонов, Н.Алимова. "Чор Россияси мустамлакачилиги даврида Марғилондаги мактаб ва мадрасалар аҳволи" ... 45-б.

ойилар мактаби ва 21 та қорихона бўлгани айтилган.<sup>119</sup> Яна бошқа манбада эса 1882 йилда Марғилонда 67 та қорихоналар мавжудлиги айтилган.<sup>120</sup>

Мазкур мактаблар аҳолининг маънавий-маърифий тарбиясида муҳим аҳамият касб этган. Уларда юксак билимли, тажрибали мураббийлар талабаларга сабоқ берганлар. Болаларнинг мурғак қалбига илк ислом тарбияси айнан, ўша мураббийлар томонидан сингдирилган. Улар талабаларни фарзандларидан ортиқ кўриб тарбия қилишган. Француз сайёҳи Мари Бурдон Марғилон тўғрисида кўрган-кечирганларини ўзининг "Париждан Самарқандгача" номли китобида тилга олганида, бу ердаги мактаблар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган:

*"(Марғилонда) бир мусулмон мактабини кириб кўрдик. У Тошкентдагидек муҳташам бўлмаса-да, болалар дарсларни жуда яхши ўқиётган эдилар".<sup>121</sup>*

Айни давр мактаблари ва ундаги дарс жараёнлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун шундай мактабларнинг бирида таълим олган Рожийнинг кичик замондоши Абдулазиз Ғолиб Марғилоний хотираларига эътибор қаратсак. У зот ўзи таълим олган мактаб ва устози Абдулкарим домла ҳақида ёзар экан, отаси билан устоз ўртасида бўлиб ўтган қуйидаги мусоҳабани келтиради:

*"Бир куни дадам домланинг ҳужраларида ўтириб: "Домла, Худо сизга кўп сабр тоқат берганда, шу жибилажибон болаларни тоқат билан битта-битта ҳарф ўргатиб саводини чиқарасиз",– дедилар. Домла: "Мулла Болтабой, сиз буни билмайсиз, шуларни ўқитганимда неча йил уринсам, шу бола икки хат китобни ўзи ўқиб берганини эшитганимда, шундай шодлик келадики, шу болага шундай меҳрим товлайдики, ҳамма меҳнатларимни унутаман", – дедилар..."<sup>122</sup>*

<sup>119</sup> Кўрсатилган асар.47-б.

<sup>120</sup> ЎзРМДА, 19- фонд, 1- рўйхат, 12206- иш, 147- варак.

<sup>121</sup> Ujfalvy-Bourdon, De Paris a Samarkand. Le Ferghanah, le Kouldja et la Siberie occidentale. Impressions de voyage d'une Parisienne. Paris, Librairie Hachette 1880.p 293-300.

<sup>122</sup> Ғолиб Марғилоний. "Насаб". 156-б.Кўлёзма аллома авлодлари кўлида сақланади.

Мазкур сўзлардан кейин Ғолиб Марғилоний шундай дейди:

*"Худо раҳмат қилсун, ўшал домлаларимизни, улардан олган таълимларимиз тошга ёзилгандек ҳали ҳам дилимиз лавҳасида туради. Агар ўша вақтнинг домлалари ҳозирги усулда ўн йил ўқитишса эди, ҳар бир шогирдлари Ибн Сино бўлар эди. Уларни ўз шогирдларига муҳаббат ва шафқатлари чексиз эди..."*

*Илк бор қалбимга Аллоҳ номини сингдирган шу зот – Домла эдилар. Худо қабрларини нурга тўлдирсин, жойлари жаннатдан бўлсин, омин!"*<sup>123</sup>

Баъзи маълумотларда, ёш Хожажон бошланғич таълимни маҳалласидаги Отин бибидан олган, деб айтилган. Бу фикр ҳам ҳақиқатга яқин эканини Рожий домланинг юқорида тилга олинган учқўрғонлик отин Ойбиби вафотига ёзган таърих-марсиясида келтирган фикрларидан англашимиз мумкин. Аллома унда ўша давр дарс жараёнларига оид манзараларни аниқ-тиниқ тилга олиб ўтадики, ёшлигида Отин биби кўлида таълим олмаган киши бунчалик тасаввурга эга бўлмайди. Масалан:

*Ёш ўғиллар мактаб кўрмай адаб чўпин емай,  
Бўдилар ботарбия шохи узун ҳайвонидин.*

*Қанча хотун илм билгон лек андоқ билмаган –  
Дину миллат бобидин, илму адаб девонидин.*

*Бўдилар таълимидин қизларни атфолин бари,  
Илм билган, хат танишгон шаръи қонундонидин.*

Яъни, қанча болалар мактабга бормай мазкур отин-биби кўлида хат-савод чиқарган, хотин-қизлар дин илмини ўрганган, қизлар эса шариат илми ва одобу ахлоққа оид таълим билан бирга хат ёзишни ўрганишган.

Маълумотларга кўра, Рожий ёшлигидан зехни ўткир ва қобилятли бўлиб ўсган. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади:

<sup>123</sup> Ғолиб Марғилоний. "Насаб"... 156-б.

*"Рожий (ёшлигидан) истеъдодли бўлганидан Ҳожа Ҳофиз (девонини ўқиш)га тушганида Аввал қишлоғига бориб, амакиларига ўқиб бериб, ...хурсанд қилар экан".<sup>124</sup>*

Хожажон Хожанинг айтилиши мадрасага кирадиган ёшида отасининг вафот этиши уни навбатдаги таҳсиллари ривожига таъсир ўтказди. Чунки айтилиши пайтда унинг тенгдошлари Бухоро, Самарқанд, Қўқон мадрасаларига бориб таълим ола бошлаган эдилар. Лекин илм-маърифатга ташна Хожажон бундан ўзини йўқотиб қўймайди. Шаҳардаги уламолар хузурларига бориб улардан мустақил сабоқ ола бошлайди. Пўлотжон Домла Қайюмий ёзади:

*"Бу киши Марғилон шаҳаридан бўлуб, шунда ўқуб илм-маърифат ҳосил қилмиш шоирдур".<sup>125</sup>*

Айтилиши пайтда Марғилонда кўплаб мадраса ва хонақоҳлар мавжуд бўлиб, уларда кўплаб забардаст уламолар, шариат олимлари, тариқат шайхлари фаолият олиб боришар, улар хузурида маҳаллий аҳоли болалари қатори турли шаҳар-қишлоқлардан талабалар келиб таълим олишар эди.

Мазкур уламолар орасида "Қобуллик эшон" номи билан танилган уламо ҳам бўлиб, Хожажон Хожа у зотга шогирд тушади ва жуда кўп соҳаларда, жумладан, шариат ва тариқат илмларидан таълим олади. Бу ҳақда Муфаззал Махдум: *"...То Бухорога боргунларича ўша Қобуллик эшонда ҳар бир тўғрида шариат, тариқат, ҳақиқат ва бошқа илмларни ҳам тасхир қилганлар",<sup>126</sup>* деб ёзган.

Агар биз Муфаззал Махдумнинг Рожий ҳақида "бошқа илмларни ҳам тасхир қилган" яъни, мукамал эгаллаган, деб айтган фикрини тўғри деб қабул қилсак, Хожажон Хожа тенгдошлари қатори марказий шаҳарлардаги олий мадрасаларга бора олмагани учун ҳам бу ерда маҳаллий уламолардан илм олишга қаттиқ киришгани ва улар хузурида етарли илмларга эга бўлганини хулоса қиламиз.

<sup>124</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим... 2-б.

<sup>125</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 321-б.

<sup>126</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...2-б.

Лекин Хожажон Хожа бу билан қаноатланмай Андижондаги "Рожий эшон" номи билан машҳур мударрис Сирожиддин домла хузурига бориб, *"бирга кўп истиқомат қилиб"*, турли илмлардан, шу жумладан, адабиётнинг *"бахри таъвил"* йўналишида ҳам таълим олади.

Эшони Сирожиддин ҳақида Муфаззал Махдум: *"Мен Рожий эшонни кимлиги ҳақида Андижонга бориб суруштириб кўрганимда, у киши Андижонда машҳур; ҳам эшон, ҳам мударрис, ҳам олим, ҳам шоир деярлик даражадаги бир киши эканлар. Бу Эшонни мақташ(да гап) чўзилади"*, деб ёзади.<sup>127</sup>

Маълум бўлмоқдаки, Рожий мазкур таълимлар натижасида тасаввуфдан ҳам бохабар бўлиб борган. Бироқ, у қозилик вазифасида хизмат қилгани учун ҳам кўпроқ шариат илмлари билимдони эканига урғу бериладиган бўлиб қолган. Шундай бўлса-да, у кейинчалик ҳам қозилик вазифасидан ажрамаган ҳолда тариқат вазифалари билан мунтазам шуғуланиб боргани махфий эмас.

Тарихда шу каби баъзи тариқат шайхларининг қозилик маснадида турган чоғларида ҳам тариқат вазифаларини узлуксиз бажариб борганлари кўп кузатилган. Энг қизиғи, буни бирор кишини сезмай қолиши эди. Ана шундай кишилардан бири Мирзо Улуғбек даврида Бухорода қозилик қилган тариқат шайхи Мавлоно Ҳисомуддин эди. Бу ҳақда Фахруддин Али Сафий ҳақида шундай ёзади:

"Ҳазрат Убайдуллоҳ Аҳрорнинг айтишларича Мавлоно Ҳисомуддиннинг жамъиййати қавий (кучли қалбий хотиржамлик) ва истиғроқи томм (тўлиқ Ҳақ завқига чўмишлик)лари бор эди. Мирзо Улуғбек ани Бухоро қозилигига таклиф қилиб эрди ва зўр била қози этди. Ул замондаким, дорул-казода ўлтурдилар ва қатъи хусумот (хусуматларни ечмоқ) этдилар, ман аларнинг маҳкамасига ҳозир бўлдум ва анинг муқобаласи (рўпараси)да панжарае бор эрдиким, ман аларни кўрар эрдим ва алар мани кўрмас эрдилар, ул ерда ўлтурдим ва назар этдим. Ҳаргиз хожагон (тасаввуф шайхлари) қаддасаллоҳу

---

<sup>127</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...2-3-б.

арвоҳаҳум нисбатларида алардин зухуле ва футуре (нуксон ва камчилик) фаҳм этмадим ва ўз тариқлари ва жамъийати ботин (ботиний хотиржамлик)ларининг сатри ихфоси (яшириш)да бағоят кўшиш (ҳаракат) қилур эрдилар ва нисбатларини "либослар" била ёпар эрдиларким, осонлиқда алардин нимарса зоҳир бўлмас эрди. Борҳо айтур эрдиларки, бу ишга аҳли илм сувратида юруб ифода ва истифода (иш юритмоқ)га машғул бўлмоқдин ҳеч яхши либос йўқтур".<sup>128</sup>

Айтиш лозимки, Хожажон Хожани Андижондаги таҳсили анчайин салмоқли кечади. Чунки у зот ҳузурида: *"баҳри таъвил, шеър ва адабиёт ва бошқа ҳар хил илмларни, ҳамма фанларни шарҳлари билан ўқиб, илми нуҷумни ҳам хатм қилиб, муаммо ва бошқа шеър илмидаги арузиёт илмига комил устоз бўлганлар. Бедил, чистон илми ва хати машқ, фароизхонлик (мерос) илмларини, ҳар бир томон шаклича ўқиб, Эшонда аъло даражада эгаллаганлар"*.<sup>129</sup>

Маълум бўлмоқдаки, Хожажон Хожанинг илмий камолотида *"Қобуллик Эшондан кўра Андижондаги Рожий Эшонни хизмати катта бўлган"*.

Бинобарин, Муфаззал Махдум шундай ёзган эди: *"Рожийнинг ўзларини ва Мулла Муҳиддин охунд Усмон ўғлини айтувига қараганда Қобуллик Эшондан кўра Андижондаги Рожий Эшонни хизмати катта бўлган ва унга кўп ҳурматлик бўлганлар"*.<sup>130</sup>

Рожийнинг Домла кейинчалик мазкур устози Эшони Сирожиддиннинг ғазалларига тахмис боғлагани ва вафот этганида унга бағишлаб таърих-марсия ёзгани бежиз бўлмай, бу унинг шогирдлик эҳтироми эди.

Шу ерда бир нарсага эътибор қаратсак. Қобуллик Эшон ҳузурида "илмларни ҳам тасхир қилиб" етарли илму билимга эга бўлган Хожажон Хожани Эшони Сиррожиддин ҳузурида истиқомат қилиб у зот ҳузурида ҳам таълимни *"аъло даражада эгаллаган"* ини мулоҳаза қилсак, ҳақиқатдан ҳам Хожажоннинг

<sup>128</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 71-б.

<sup>129</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...2-3-б.

<sup>130</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...2-3-б.



илмга ҳарислиги, бу йўлда тинимсиз меҳнат қилгани ва айна пайтда тезлик билан юксалиб бораётганини кўрамиз.

Рожий домла Андижонга қайси йилларда боргани маълум бўлмаса-да, бироқ Бухорога кетгунича бўлгани маълум. Чунки у Бухоро мадрасасидан қайтганидан кейин тез орада ўзи яшаган Тошмозор даҳасидаги қозихонага мирзолик вазифасига ўтган.

Энг қизиғи, Рожий домла мана шу даврда Қўқондаги Мадрасайи Бекда ҳам таълим олишга улгургани эдики, бу ҳақда Муфаззал Махдум: "...Қўқондаги Мадрасайи Бекда кўп йиллар таҳсил олиб турганлар",<sup>131</sup> дея келтирган эди.

Маълум бўладики, Хожажон Хожа ўзининг маънавий устозларидан бири Ҳазрат Амир Кулол қуддиса сирруҳунинг Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳуга айтган қуйидаги насихатларига тўлиқ амал қилган. У зот Баҳоуддин Нақшбандга ижозат бера туриб шундай деган эдилар:

"Ҳар ерда турку тожик (олиму уламолари, шайху машойихлари)дин машомингиз (димоғингиз)га бўе етушса талаб қилинг (ахтариб топинг) ва талабгорликда ҳимматингиз мавжига тақсир (суслик) этманг".<sup>132</sup>

### ***Рожий устоз Абдулкаримбек ҳузурда***

Рожий домла 22 ёшга етганида аниқроғи, андижонлик Эшони Сирожиддин ҳузурига боришидан олдин Марғилондаги Абдулкаримбек исмли бедилхон домла ҳузурига бориб у зотдан сабоқ ола бошлайди. Домла Абдулкаримбек ўз даврининг машҳур алломаларидан бўлиб, Бедил асарларининг моҳир билимдони эди. Рожий домла у зотни "маънолар булбули", "фазл боғининг навоси" дея таърифлайди:

*Булбули маъни навои боғи фазл,  
Домулло Абдулкарими хурдабин.*

*Ғайр аз ин надида чашми рўзгор,  
Нуктасанжиро ки бошад инчунин.*

<sup>131</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...2-б.

<sup>132</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айниҳ ҳаёт... 59-б.

*Беназир аср фард афтода буд,  
То қиёмат нест уро жонишин.*

Яъни, маънолар булбули, фазл боғининг навоси Домулла Абдулкаримбек нозик фаҳму нуктадон зот бўлиб, бундай етук алломайи замонни кўз кўриб, кулоқ эшитмаган эди. Ўз асрининг беназиру бетимисоли бўлган бу зот ўрнини босадиган одам энди дунёга келмайди.

Рожий бу зот ҳузурига бориш воқеалари ҳақида шундай ёзади: *"Рожий дар айём бисту ду солаги суҳбати Домулло Абдулкаримбек машхур ёфта. Чанд дар хизмати мумий илайҳ истифодат менамуд".*<sup>133</sup>

Яъни, Рожий ёши йигирма иккига етганида Домла Абдулкаримбек хизматида бўлди. Бир неча вақт ул зоти бобаракотнинг хизматида бўлиб, ундан жуда кўп нарсалар ўрганди.

Рожийнинг бу ердаги таҳсили ҳам анчайин салмоқли кечганини эслатиш жоиз. Уни ҳақиқий шоир сифатида шаклланишига асосан, андижонлик устози Эшони Сирожиддин ва Домла Абдулкаримбек ҳузурига таълими катта замин вазифасини ўтаган. Чунки Рожий бу зотдан Бедил ғазалларининг энг дақиқ жойларигача таълим олиб, адабиётдаги "муаммаёти акбар" санъатидан ҳам малака ҳосил қилишга улгурган эди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади:

*"Алалхусус, дар аксари авқот ба қуввати фикри сойби ў маъони дақиқа абёти Мирзо Абдулқодир Бедил мустахриж мешуд, мешунид ва истилоҳоти ажибайи шеърия касб менамуд. Алалхусус, тариқайи истихрожи асомийи "муаммаёти акбар" бағоят мушкиласт, мар фузалоро ба ин санъат ба қоидаи муаммойи ихрожи номи мўтабараст, аз он жаноб касб менамуд".*<sup>134</sup>

Яъни, хусусан, аксар вақтларда у зот фикр қуввати ёрдамида Мирзо Абдулқодир Бедил абётининг нозик маъноларини тушуниш, дақиқ имо-ишораларигача англаш ва

<sup>133</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 97-98-бетлар.

<sup>134</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...98-б.

Абул Маъонийнинг ажиб шеърий истилоҳотини фаҳм этиш лаёқатини ҳосил қилдим. Хусусан, "муаммаёти акбар" бўйича исм чиқариш усули ниҳоятда мушқил бўлса-да, кўпчилик фузалолар муаммочилик ва ундан исм чиқариш билан мўътабар бўлганлар, мен бу санъатни ҳам шу жанобдан ўргандим.

Ҳақиқатдан ҳам Рожийни мумтоз адабиёт билимдонлари бўлмиш икки буюк уламо ҳузурида таълим олиши унинг шеърият соҳасида юксак маҳорат ҳосил қилишига олиб келган ва ўзи ҳам улар йўлидан эргашиб ажойиб санъат асари бўлган ғазал ва мухаммаслар яратган. Энг қизиғи, адабиёт ихлосмандлари унинг асарларини мумтоз адабиётимизнинг етук дарғаларининг асарлари қатори севиб мутолаа қилишлари эди. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*"Қози Домла моҳир навоийшунос эканини олдиларида доим Навоийнинг "Хамса" ва девонлари туришидан, Навоийга, Ҳофизга, Бедилга, Нодирага қилган мухаммаслари, айниқса Навоийнинг "иси" радифли ғазалига, Нодиранинг "кет" радифли ғазалига қилган мухаммасларидан билса бўлади. Рожий араб, форс тилларини билибгина қолмай, шу тилларда ажойиб санъат асарларини яратгани кишини ҳайратга солади. Шунинг учун уни(нг асарларини) одамлар Бедил ва Навоийлар қаторида мутолаа қилар эдилар. Уни ниҳоятда дақиқ, устози кулл, деб ҳамма ҳайрон қолар эди".<sup>135</sup>*

Эҳтимол, Хожажон Хожани юксак камолотга етишувида айнан устозлар кўнглига йўл топгани сабаб бўлгандир.

Хожа Али Рометаний (қуддиса сирруҳу) айтадилар: *"Йўл (камолот йўлида) юрувчиларга риёзат ва мужоҳадани кўп тортмоқ керакдур, то мартаба ва мақомга етушурлар. Аммо, бу йўлларнинг барчасидин яқинроқ йўл борким, тезроқ мақсудга етушса бўлур. Ул йўл улдуким, йўл юргувчи кўшиши (ҳаракат) қилсунки, ўзининг хулқи ва хизмати била бир соҳибдил зотнинг кўнглидан жой топсун. Чунки, бу тоифанинг кўнглилари*

<sup>135</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим... 99-б.

*мавриди назари Ҳақ (Аллоҳнинг назари тушадиган жой) турур, онга ҳам ул назардин насиба етушур*".<sup>136</sup>

Маълум бўлмоқдаки, толиблар учун каромат ва кашуфотлардан кўра бир "соҳиби давлат" – "кўнгил аҳли"нинг хизмати ва унинг суҳбатининг таъсири ортиқдир. Шунинг учун ҳам кўплаб толиблар ибтидоий ҳолларида асосан, устозлар ва пирлар хизматида бўлишга эътибор қилганлар. Бу борада Абдурахмон Жомийнинг Саъдуддин Қошғарий ҳузурида хизмат қилаётган чоғдаги ҳолатларини эслаб айтган сўзлари ибратли:

*"Дастлабки пайтларда бирор нур – маънавий файз ҳосил бўлса, Ҳазарати Мавлономиз ишора қилар эдилар, дарҳол уни инкор қилиб, йўқотишга уринар эдик ва у биздан кетар эди. Шу туфайли дилимизда бирор каромат ё кашуфот кўрсатишига ҳавас йўқ эди. Чунки ҳеч каромат бир соҳиб давлатнинг суҳбатида ўлтуруиб, кишига андин етадиган таъсир ва илоҳий файздан ортиқ эмасдир*".<sup>137</sup>

Аммо масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. У ҳам бўлса оддий бир талаба бўлмиш ёш йигитни шунча устозлар ҳузурида таълим олишининг ўзи бўлмайди. Чунки тариқат шайхлари, улуғ устозлар кўнгли нозик бўлиб, улар кўнглига йўл топиш учун ўта хушёр бўлиш керак. Улар ҳузурида йўл қўйилган арзимас хато толиблар камолоти ҳатто ҳаётига ҳам жиддий таъсир ўтказди. Бинобарин, ҳар ким ҳам бу ишни уддалай олмайди. Аммо Хожажон Хожа эса бир пайтнинг ўзида ҳам Марғилонда, ҳам Андижонда, ҳам Бухорода ва ҳам Қўқондаги баъзи расмий ва маҳаллий устозлар ҳузурларида таълим олиш баробарида улар кўнглидан жой топишга эришган. Демак, унда шунга яраша қобилият ва истеъдод бўлган.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қуддиса сирруҳу) ҳазратларининг халифалари Хожа Алоуддин Аттор (қуддиса сирруҳу) шундай дейдилар: *"Толиби илмлар илм аҳлларини доим риоя этишлари керак. Шунингдек, аҳли тариқнинг ҳар бирининг (ўз) нисбати ҳолига қараб (муносиб) сўз айтмоқ лозим. Айниқса,*

<sup>136</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 59-б.

<sup>137</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 59-б.

аҳли қулуб (кўнгиллар аҳллари)нинг хотир (диллар)ини риоя этиб, аларнинг озоридан зинҳор сақланмоқ керак. Бу тоифани дарун (ички) сирлари нозик турур. Аларга фақат яхши ниятда қўшилмоқ ва дўстлик қилмоқ айни муфид (фойдали)дурки, у сабаби мазиди аҳвол (толиб ҳолини зиёда) этар, шу шарт билаки, алар суҳбатининг одобини кўпроқ билса ва жойига келтирса, илло (акс ҳолда) мазиди (зиёда) хатарга сабаб бўлур".<sup>138</sup>

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор шундай дейдилар: "Хожагон қоддасаллоҳу арвоҳаҳум (Аллоҳ сирларини муқаддас қилсин) тариқат шайхлари ҳузурларида хизмат қилмоқ шул тариқа бўлурки, ҳиммат ва хотирни шароит ва вақт нимани тақозо қилса, бошқа нарсага чалғимай, ўшанга қаратиши керак. Зикр ва муроқаблага (ҳам) улуғлар роҳатиға алоқадор хизмат бўлмаган чоғлардагина киришилади. Агар улар кўнгли шод бўладиган хизмат турган бўлса, уни зикр ва муроқабадан олдинга қўйилади. Баъзилар гумон этибдурларким, навофил ибодатга машғул бўлмоқ хизматдан устун турур, бироқ хизматнинг самараси муҳаббат ва улуғлар кўнглидан жой топмоқдирки, бунинг қадри юқоридур. Чунки "Жубиллатил қулубу аъла ҳубби ман аҳсана илайҳа" яъни, кўнгиллар унга яхшилик қилган кишининг муҳаббати ва ани дўст тутмоққа мойилдир. Ҳаргиз навофил ибодатларнинг самараси мўминлар муҳаббати билан баробар келмас".<sup>139</sup>

Хожа Али Рометаний (қуддиса сирруҳу) айтганларидек: "Сизлар шундай тил билан дуо қилинларки, у тил гуноҳ қилмаган бўлсин, яъни Аллоҳ дўстларининг ҳузурини тавозе ва хизмат қилинг, токи алар сиз учун дуо қилгайлар".<sup>140</sup>

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор яна бир қизиқ гапни келтирадилар. Улуғларга хизмат қилишни ҳамма ҳам уддалай олмагани ҳолда улар ҳар кимни ҳам хизмат қилишига рози бўлавермаганлар. Бунга сабаб – дейдилар, Хожа Аҳрор, – хизмат қилувчи кимсага муҳаббат қилиш (керак), бу эса улар кўнглини дунё алоқаларига боғлайди, улар барча ҳимматларини халқ

<sup>138</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 118-б.

<sup>139</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 293-б.

<sup>140</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 59-б.

алокасидан Ҳақ алокасига бурган кишилардир, шу туфайли уларга бошқа шўғл бўлишини истамайдилар. Баъзан, заруратдан қабул қилган чоғларида ҳам унда ўзларининг тариқ ва йўлларида кундан-кунга баҳраманд бўладиган кимсадан қабул қиладилар. Шунингдек, унинг дунёга алоқаси камроқ бўлса ва унинг ботини хотиржамликдан обод ва мунаввар бўлсагина қабул қиладилар.<sup>141</sup>

Юқорида айтилганидек, Хожажон Хожанинг улуғлар кўнглини топишга етарли даржада одоб ва тавозе борлиги асарларида келтирилган фикрларидан ҳам билинади. Рожийга кўра одоб буюрилган ва тақиқланган нарсаларга қаттиқ риоя этишдир. Нафс истаган ишлардан узоқ бўлиш ҳам одобнинг юқори кўриниши. Одобга риоя этилмаса, киши жаннатдан ҳам узоқ бўлиши мумкин, чунки Одам алайҳиссаломни жаннатдан чиқарилишига сабаб шу бўлган, дейди:

*Ба дур бош адаб шуд зи жаннати Одам дур,  
Бисоти рўйи замин ҳам намуна аз он шуд.*

Яъни, адабдан узоқлашгани учун Одам жаннатда узоқлашди, ер юзининг бисоти ҳам худди шунга ўхшагандир.

Рожий бу ерда Қуръони каримда баён қилинган Одам алайҳиссаломни таъқиқланган дарахт мевасини еб жаннатдан маълум муддатга ерга туширилиш воқеаларини назарда тутмоқда. Маълум бўладики, Рожий одобни Саъдуддин Қошғарий айтганларидек, кишини Ҳақ таолога яқин қилувчи омиллардан деб билади. Бошқача айтганда, одоб имон билан муқорин (ёнма-ён) туришини исботлайди. Яъни, жаннатга кирувчи киши имон эгаси бўлиши керак. Имон эгаси эса одобли бўлиши зарур. Акс ҳолда, одобга риоя этилмаса, киши жаннатдан ҳам чиқарилиши мумкин!

Эътибор берилса, Рожийнинг ушбу қарашлари ўзининг буюк салафлари сўзларига ҳамоҳанг эканини кўрамиз:

"Тоат кишини жаннатга восил бўлмоқни вожиб этар ва тоатда адаб сақламоқ эса Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг қурби

---

<sup>141</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 59-б.

(яқин бўлмоқ)га сабаб турур. ماشойихларнинг улуғлари шунга иттифоқ қилгандирларким, киши ибтидо (бошланғич ҳол)да ўзининг ботинини соф этсун, шундагина унга доимий муроқаба (Парвардигор кузатиб турганини ҳис қилиш, ёки ўзини доимий назоратга олиш) ҳосил бўлади".<sup>142</sup>

Улуғ устозларга хизмат қилишдаги ушбу ва юқорида тилга олинган нозик шартларни мулоҳаза қилсак, Хожажон Хожани ҳар бири ўз даврида шариат уламози ва айни пайтда тарикат аҳли бўлган устозлар ҳузурида таълим олиши осон кечмаганини англаймиз.

Умуман олганда, тарихда бир пайтнинг ўзида турли устозларга нисбатланиш алоҳида шарафли жиҳат саналган. Бирор тарихий шахснинг фазилатини белгилашда мазкур жиҳатга алоҳида урғу берилиши ҳам шундан. Масалан, Хожа Муҳаммад Порсо "Фасл ул-хитоб"да хожагон тариқати шайхларидан Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг зикрини қилганида шундай келтиради:

"Шайх Юсуф Ҳамадоний ўн саккиз ёшларида эрдиларким, Бағдодга бордилар ва Абу Исҳоқ фақиҳдан илми фикҳ ўқудилар ва илми назарда даражаи камолга етушдилар. Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ мазҳабида эрдилар ва Исфаҳонда ва Бухорода илм ўргандилар. Ироқ, Хуросон ва Хоразм ва Мовароуннаҳрда соҳиби қабул эрдилар. Неча муддатлар Кўҳизарда сокин бўлдилар ва Шайх Абдуллоҳ Жувайнийдан хирқа кийдилар ва тасаввуфда интисоб (нисбат)ларини Шайх Абдуллоҳ Жувайний ва Шайх Ҳасан Самосий ва Шайх Абу Али Формадий раҳимахуллоҳга қилур эрдилар. Валодат (туғилиш)ларида сана тўрт юз қирқ тўққизда (440 х) эрди ва вафотларида сана беш юз ўттиз бешда (535 х) эрди.

Ва "Тарихи Имом Ёфесий" қуддиса сирруҳуда мазкурдирким, Хожа Юсуф Ҳамадоний соҳиби аҳвол ва каромат эрдилар. Бағдодда ва Исфаҳонда, Ироқ ва Хуросонда, Самарқанд ва Бухорода ифодат ва истифодат эттилар, ҳадис ўқудилар ва мавъиза айтур эрдилар ва халқлар андин нафъ олдилар..."<sup>143</sup>

---

<sup>142</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 164-б.

<sup>143</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 59-бет.

Айтиш жоизки, Хожажон Хожани мазкур зотлар ҳузурида таълим олиши унинг қалбида секин-аста тасаввуфга, сўфийларга нисбатан илиқ муносабатларни шакллантирибгина қолмай, айти пайтда унинг келгусидаги фаолияти, олижаноб мақсадларини белгилаб берган. Негаки, кишининг отасидан ажраб, бошига қийинчиликлар тушган пайтда таҳсил қилиши ўз-ўзидан қийналганларга ёрдам бериш, ўзгалар манфаати учун елиб-югуриш каби олижаноб фазилатларни пайдо қилади. Хожажон Хожада бу ҳолат тўлиқ акс этган. Унинг кузатувларида шундай жумлаларни кўрамыз:

*Моли падар бирла бировда гурур,  
Илгида зар, устида бурда самур.*

*Баъзисидур лучу ятим бепадар,  
Кўз ёшидин доманидир нур гуҳар.*

Яъни, биров отасидан қолган мол сабаб мағрурланиб, қўлида заррин қимматбаҳо қундуз пўстин бўлса, бошқа биров етимликда кўз ёшидан этаги ҳўл.

*Давлат ила баъзиси олий мақом,  
Бирни боши остида гишти хом.*

*Бирда жаҳон хашилатидан ифтихор,  
Баъзи фано мулкидадир хокисор.*

Яъни, баъзилар давлат – бойлик билан олий мақомда бўлса, баъзиларни бошида йўқликдан хом ғишт. Биров жаҳон бойликларидан фахрланиб юрса, яна бири фано – йўқлик мулкида хору зор.

*Бирда анор оби билан ангубин,  
Олмаю нок бирла боғи оташин.*

*Бирнинг эрур олдида хону шакар,  
Баъзисининг тўъмаси хуну жигар.*



Яъни, баъзиларда анор суви билан асалдек ширин олмаю, нокзордан иборат оташин боғи бор. Шунингдек, баъзиларнинг олдида озуқаси шакар бўлса, баъзиларни йўқсилликдан жигари қондир.

Эслатиш ўринлики, Хожажонни устозларга яқин қилган сабаблардан яна бири, илмга ҳарислиги эди. Ҳақиқатдан ҳам уни илмга ҳарис бўлиб вояга етганини ўша пайтлардаёқ ёзиб борган қайдларидан билиб оламиз:

*Яқулуна: “Иннал илма малиҳун” ва иннамо,  
Мусоҳабатул туллоби валлоҳи амлаҳ.*

*Яқулуна: “Иннал жаҳла қабиҳун” ва иннама,  
Мусоҳабатул жуҳҳоли валлоҳи ақбаҳ.*

**Насрий таржимаси:** Одамлар: “Илм жуда ширин ва тотлидир”, дейишади, аммо Аллоҳга қасамки, толиби илмларга ҳамроҳ бўлиш, ундан ҳам тотлидир. Одамлар: “Жоҳиллик жуда ёмон”, дейишади, аммо Аллоҳга қасамки, жоҳилларга ҳамсуҳбат бўлиш ундан ҳам қаттиқдир.

Илм ва одоб ўрганишга ҳарис бўлган Хожажон Хожа илм ва одоб йўлларига бағишланган асарларни мутолаа қилган. Жумладан, Имом Зарнужийнинг толиби илмлар ўртасида машҳур бўлган "Таълим ул-мутааллим" китобига жуда кўп марта мурожаат этган ва имкон қадар унда кўрсатилган тавсия ва талабларга амал қилган.

Зарнужий уни узоқ вақт илм талабида бўлганидан кейин, катта ҳаёти тажриба ва кузатишлар натижасида ёзгани учун ҳам, у шунчалик машҳур бўлганки, ҳатто Зарнужий тарихда “Таълим ул-мутааллим” номи билан танилган. У таълим услублари, одоби ҳақида ёзилган дастлабки китоблардан саналади. Кафавий китобни “ҳажми кичик аммо фойдаси кўп”, деб атаган. Абдулҳай Лакнавий<sup>144</sup> ҳам: “Мен ушбу китобни ўқиб

---

<sup>144</sup> Муҳаммад Абдулҳай ал-Лакнавий – буюк олим, муҳаддис, факих, мутакаллим, тарихчи, тадқиқотчи. 1264-ҳижрий, 26-зулкаъда ойнинг сешанба куни (1847/10/23) Ҳиндистоннинг Бонда шаҳарчасида дунёга келган. 1304 ҳижрийда 39 ёшида Лакнау шаҳрида вафот этган.

чикдим, ҳақиқатдан ҳам у Кафавий айтганидек, ҳажми кичик аммо фойдаси кўп, экан”, деб эслаган эди.<sup>145</sup>

Бошқа ўринда буюк фақиҳ Захириддин Марғинович<sup>146</sup>нинг илм тўғрисида айтган қуйидаги шеърини келтирган:

*Разийна қисаматал Жаббори фийно,  
Лано илмун ва лил аъдо-и молу,*

*Фа иннал илма яфно ан қарибин,  
Ва иннал илма яқо ла язолу.*

**Таржимаси:** Парвардигорнинг қисматига розимиз, илмни бизга молни душманларга берди. Зотан, мол-дунё тезда йўқолади, илм эса боқий қолади.

Эслатиб ўтамиз, мазкур байтни келтириши Рожийнинг илмга бўлган рағбатини кўрсатса, бошқа томондан Марғилонда ўтган буюк салафларига нисбатан эҳтироми сифатида эътиборга моликдир. Зотан, Рожийнинг она шаҳри бўлмиш Марғилонни дунёга машҳур бўлишига айнан бу зотларнинг хизматлари беқиёс бўлган.

Марғилоннинг Машҳад даҳасида Бузрукхон қози исмли етук олим, тасаввуф шайхи яшаб ўтган. Рожий у зотни таърифлаган чоғи мукамал илму билимга эга бўлганидан "қутби раҳнамо" "улуғ йўлбошчи"лик мақомига етгани, аммо машъум ўлим шундай буюк зотни тупроқ остига яширганини афсуслик билан айтади:

*Ул қутби раҳнамони кўздин яширди ногоҳ,  
Офат маркабини чанги тўзиб сумидан.<sup>147</sup>*

<sup>145</sup> “Ал-фавойид ал-бахиййа фи тарожим ал-ҳанафиййа”. 91-мақола, 64-б.

<sup>146</sup> Али ибн Абдулазиз ибн Абдурраззоқ Захириддин ал-Кабир ал-Марғинович. Ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан. Фикҳни отаси Абдулазиздан, Али Саййид ибн Шужоъ Мухаммад ибн Аҳмад ибн Ҳамзадан ва Абу Мухаммад Бурҳониддин ал-Кабир Абдулазиз ва бошқалардан олган. "Жавоҳир ул-музиа"да келтирилишича, у Фахруддин Қозихон ва "Фатовойи Захирия" мусаннифларининг устози бўлади. Аллома 504 хижрийда вафот этган.

<sup>147</sup> Сум – биёбон.

Рожийнинг таъкидлашича мазкур зот адашган кишиларга "нурул худо" – "ҳидоят нури" эди:

*Ҳасратда қолса ҳар зол ҳақ йўлга эрди ул дол,  
Нурул худо, саодат афлокин анжумидан.*

Рожийнинг илмга бўлган муҳаббатини унинг турли шаҳар ва қишлоқларда қурилаётган илм масканлари – мадрасаларга илиқ муносабати ва уларга бағишлаб таърих ёзганидан ҳам билса бўлади. Маълумки, ўша даврларда Туркистоннинг барча шаҳарларида бўлгани каби Марғилонда ҳам саховатли кишилар тарафидан масжид ва мадраса қуриш ишлари йўлга қўйилган эди. XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигида, шу жумладан Марғилонда 350 дан ортиқ мадраса ва шунга яқин мактаб бўлган. Мадрасалар ижтимоий ҳаётда катта ўрин эгаллаб, ўзига хос услубда идора қилинган. Мадрасалар қаторида кутубхона, қироатхоналар ҳам фаолият олиб борган.

Россия империясининг босқини арафасида Ўрта Осиёда таълим ва маориф анъанавий тарзда давом этгани маълум. Туркистон босиб олингач, Россия империясининг янги маъмурияти таълим ва маориф соҳасида ҳам баъзи ўзгаришларни амалга ошироқчи бўлган. Бироқ ижтимоий муносабатлардаги баъзи жиҳатлар бу соҳада катта ўзгаришлар қилишга йўл бермаган.

Хожажон Хожани Бухородан мадрасани битириб қайтган йили Марғилонда Исмоил махдум исмли савдогар мадраса куради. Мадрасани ўз кўзи билан кўриш Рожий учун атайлаб у ерга боради ва унга атаб куйидаги таърихни битади:

*Дори илму қавиму мустаҳкам,  
Карда барпо яке фазилат жў.*

*Яъни, Махдуми аширофи тужжзор,  
Марди олий мақоми неку хў.*

*Аз баройи иқомати туллоб,  
Буқъаи дилнишини олий гў.*

*Пеши тоқи рафиъ бийнояш,*

*Муртафиътар зи улувви ҳиммати ў.*

*Пейи таклифи толибони улум,*

*Шуда иймо намояду обрў.*

*Ин ҳам гумбазест бо афлок,*

*Ки ба тавфаи фитода андар барў.*

*Шуда аз файзи Изиди Ақдас,*

*Хужраҳойи кушодаи мамлў.*

*Ё Раб андар сиёнатат бод у,*

*Ин бинойи неку зи чаши адув.*

*Шуда таърихи соли анжомаш,*

*"Буқъаи хайр пайдори неку".*

**Таржимаси:** Бу мустаҳкам ва кучли илмлар уйи бир фазилат соҳиби, савдогарларнинг ашрафи, номи улуғ, қилмиши яхшилик бўлган Махдум тарафидан бино қилинди.

У талабалар истиқомат қилиши учун дилга ёқимли бўлган бу масканни қурди. Бинонинг пештоқи ҳам унинг ҳиммати каби баланддир. Толиби илмларни бу ерга таклиф қилгани учун унинг обрўси янада баланд бўлди.

Бинонинг гумбазлари фалакларга етадики, уни тавоф қилиш маҳолдир. Унинг хужралари буюк Зотнинг файзига тўла. Эй Раббим, ушбу бинони душманлар кўзидан сақла. Унинг таърихи шундай: "Бу бир муборак манзилдир". Таърих моддаси форсий матннинг охириги жумла йиғиндисидан чиқиб, ҳижрий 1281 милодий 1864 га тўғри келади.

Исмоил Махдум ҳақида тарихчи Муҳаммад Азиз Марғилоний қуйидаги маълумотни келтиради:

*"Марғилонда маъруфу машҳур бўлган туғжжорлардан биринчи Исмоил Махзум, лақаби Карнай Махзум. Кўп саховатли, хурматли киши, масжидлар, мадраса ва авқоф (вақф)лар тайин қилган. Қорихона ва мактабхоналар бино қилган. Катта бозордаги Хиштин мадрасасини ҳам шу Худо раҳматли бино этиб, ёнига ҳаммом солиб, унга вақф қилган".<sup>148</sup>*

<sup>148</sup> Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийий... 17-б.

Хожажон Хожа илмга ҳарис бўлибгина қолмай, аини пайтда ибодатли бўлиб ҳам вояга етган. Маълумки, йигитлик даври киши вужудида нафсоний хоҳишлар жўш урган пайт саналиб, бу кишидан ўта ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни талаб этади. Исломда аини пайтга қаттиқ эътибор қаратилиши, уни назоратга олишни уқтирилиши ҳам шундан. Шунинг учун ҳам бу пайтдаги ибодат ва риёзат алоҳида қийматга эга саналади. Йигитларнинг Аллоҳнинг ибодатида бўлиб Унга қаттиқ боғланиши алоҳида фазилат эканига Қуръони карим оятларида равшан ишора қилинган. Уламоларимиз Каҳф сурасидаги, “Улар Раббиларига имон келтирган йигитлар эди, биз уларнинг имонларини зиёда қилдик” (13-оят) ва Марям сурасидаги “Биз унга йигитлик пайтида пайғамбарлик бердик” (12-оят) мазмунидаги оятлар маъносидан келиб чиқиб тақво ва тоат зийнатлаган йигитликнинг алоҳида фазилат эканини таъкидлаганлар.<sup>149</sup>

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анҳумо: “Аллоҳ таоло кимга илм берган бўлса йигитлик пайтида берган”, – деганлар.

Абу Ҳафс Умар ибн Шоҳин “Ат-тарғиб фи фазоил ал-аъмол” номли китобида қуйидаги ҳадиси шарифни келтирган: “Ёшлигидан ибодатга киришган йигитнинг фазли кексайганда бошлаган кишининг фазлидан ортиқдир. Аллоҳ таоло у ҳақида: “Тақдиримга ишонган, китобимга имон келтирган, берган ризқимга қаноат қилувчи, шаҳватини мен учун тарк қилувчи йигит – ҳузуримда баъзи фаришталар кабидир”, – дейди”.<sup>150</sup> Абдуррауф Муновий мазкур ҳадисни шарҳлар экан, бу унинг кексалик пайтида мавжуд бўлмайдиган нафсу ҳавосини тарк қилгани учундир, деган.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий айтадилар: "Инсонга охириги дамда асқотадиган нарса шулки, йигитлик пайтида (ибодатдан) ҳузур ва (Аллоҳдан) огоҳлик малакасини ҳосил қилган бўлса".<sup>151</sup>

<sup>149</sup> Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий. “Ихёу улум ад-дин”... 3-ж, 203-б.

<sup>150</sup> Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аййуб ибн Издод Ибн Шоҳин. “Ат-тарғиб фи фазоил ал-аъмол”. Дор ул-Ибн ал-Жавзий. Саудия Арабистони. 1420 х. 1-ж, 256-б. [http:// www.alsunnah.com](http://www.alsunnah.com)

<sup>151</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 202-б.

Алишер Навоий ҳазратлари ҳам "Махбуб ул-қулуб"да йигитлик бобига алоҳида тўхталиб, уни "умр гулшанининг баҳори ва ҳаёт шабистони (кечаси)нинг наҳор (тонг)и", дейдилар ва "инсоннинг зебою раънолиги ҳам, башариятнинг қуввату мадори ҳам андин" эканини айтадилар.<sup>152</sup>

Рожийнинг ёшлигидан ибодатли бўлиб ўсганини унинг қуйидаги мисраларидан англаймиз:

*Намози кў қиёмаиш дар шабоб аст,  
Ба пири сажда ў-ро чун савоб аст.*

*Агар ин сажда гўям саждае саҳв,  
Ба саҳви он қиём ин саждаам лаҳв.*

*Зи нахли зиндаги афтода баргам,  
Дар ин вайрона хокам, кўҳна маргам.*

#### **Назмий таржимаси:**

*Ибодат йигитлик чоғида хушдур,  
Қариллик намозин савоби бўшдур.*

*Бўйун йигитликда бермас экан ёр,  
Бугунги тазарруъ кетади бекор.*

*Ҳаёт ниҳолдан узилган япроқ,  
Мисоли ўликдек ё эски тупроқ.<sup>153</sup>*

Рожийнинг йигитлик даври воқеаларига чуқурроқ кириб борсак, уни ёшлик чоғидан ибодат қилишни бошқаларга ҳам илинганини ўрамиз. Буни Шайх Саъдийнинг "Гулистон"идан кўчириб олган қуйидаги мисралар тасдиқлайди:

*Абру боду маҳу хуришиду фалак даркоранд,  
То ту ноний ба каф орийу ба гафлат на хўри.  
Ҳама аз баҳри ту саргаштаю фармонбардор,  
Шарти инсоф на бошадки ту фармон набарий.*

<sup>152</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб... 114-б.

<sup>153</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий тағлама таржимаси асосида Ҳ. Жўраев назмга солган.

**Таржимаси:** "Эй инсон, биласанми, (еяётган бир бурда нонинг учун) сендан бошқа яратилган барча нарса – булут, шамол, ой, қуёш ва фалаклар хизматда. Шундай экан, қўлингга келаётган нонни ғафлат билан ема. Ўйлаб кўр, шунча нарса сен учун хизмат қилар экан, сени унга итоат этмаслигинг инсофданми?!"

Бугина эмас, у баъзи тарихий воқеаларга муносабат билдиришда ҳам айнан ибодат мавзусини эътибордан қолдирмайди. Масалан, 1869 йилда Марғилоннинг Узун ҳовуз маҳалласида Катта Жомеъ масжиди бино қилиниши муносабати билан ёзган таъриҳида шундай сўзларни келтиради:

*Баҳри таъриҳи хитомаш ин дуо омад биёд:  
"То қиёмат бод доим саждагоҳи муслимин".*

Яъни, унинг таъриҳига қуйидаги дуо келди: "Бу ер қиёматгача мусулмонларнинг саждагоҳи бўлиб қолсин".

Ёки Марғилоннинг Қозигузар маҳалласида истиқомат қилган Қосимхон қози қурган масжид таъриҳига тубандаги мисра таърих бўлиб тушган:

*"Жи-ъ битухрика йа мусоллий солли васжуд вақтариб".*

Яъни, "Эй намозхон, бу ерга таҳорат билан кел ва намоз ўқи, сажда қил ва (Аллоҳга) яқин бўл".

### ***Хожажон Хожа Қуръон ҳофизи***

Хожажон Хожа ёшлиқ пайтидаёқ Қуръони каримни ёд олишга муваффақ бўлади. Дарвоқеъ, 2013 йилда тадқиқотчи олим М.Мадғозиев ташаббуси билан Рожий домланинг шахсий мусхафининг топилиши унинг фаолиятини ўрганишда катта манба бўлди. Аммо унинг бу соҳадаги устози ким экани номаълум бўлса-да, Марғилонда бўлгани аниқ.

Ўша даврда Марғилонда эски мактаблар билан бир қаторда кўплаб қорихоналар ҳам мавжуд бўлиб, айти пайтда шаҳарда

жами 21 та қорихона уларда 395 нафар қори таҳсил олгани айтилган.<sup>154</sup>

Хожажон Хожани Қуръони каримни яхши ўзлаштирганини шундан ҳам билиш мумкинки, у кейинчалик шариат қонунлари асосида иш юритувчи қози мансабида хизмат қилган. Бу эса кучли факих – ҳуқушунос бўлишни тақозо қилади. Ҳуқуқшунос эса аҳком оятларини яхши билиш керак. Бу оятлар Қуръони каримнинг турли сураларда тарқоқ ҳолда келган. Демак, қозилар учун Қуръони каримни яхшилаб ўзлаштириш зарурат саналади. Навоий ҳазратлари ёзганидек, қозининг кўнгли: "Каломуллох аҳкомидин қавий (кучли) ва ҳукмида муктадо аҳодиси Мустафавий (Мустафо алайҳиссалом сўзларига эргашувчи) бўлиши керак".<sup>155</sup>

Дарвоқеъ, Рожий Қуръони карим сураларининг мусхафда жойлашув тартиби, номларини шундай гўзал назмга солганки, бундай асар камдан-кам учрайди.

### ***Қуръон суралари тартиби***

*Дар масоҳиф аз каломи мустатоб,  
Сабт баъдал "Фотиҳа" садрул китоб.*

*"Бақара"сту "Оли Имрон"у "Нисо",  
"Моида", "Анъом"у "Аъроф"у аз қафо.  
Баъдазон "Анфол"у бо у "Тавба" зам,  
Баъди "Юнус", "Ҳуд"у "Юсуф", "Раъд" ҳам.*

*Баъд "Иброҳим"у "Ҳижр" у "Нахл" хон,  
"Суратул Исро" у в-онгаҳ "Каҳф" хон.*

*"Марям"у "Тоҳо"у в-онгаҳ "Анбиё",  
Сураи "Ҳаж", "Мўминун" дон аз қафо.*

*Баъд "Фурқон"у "Шуаро" "Намл"зўй,  
Бас "Қасас" бо "Анкабут"у "Рум" жўй.*

<sup>154</sup> Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпуск II. Маргеланский уезд. Составиль С. А. Гепенеръ. Г. Новый Маргелань, 1899.

<sup>155</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб... 27-б.



Баъди инҳо сураи “Луқмон” бидон,  
 “Саждаи”, “Ахзоб”, “Сабаъ”, “Фотир” бидон.

Баъд “Ёсин”у, “Соффат”, “Сод” бин,  
 Боз мегардид “Мўмин” во пас ин.

Бингаре “Аҳзаз”, “Ҳомим” аз сужуд,  
 Сураи “Шўро” дигар “Зухруф” намуд.

Аз “Духон”у “Жосия” баъдаз “Фотир”,  
 Сурайи “Аҳқоф” омад дар зоҳир.

Бас “Муҳаммад” “Фатҳ” “Ҳужурот” аст,  
 “Зориёт” “Тур”, “Нажм”у бо “Қоф”

Чун “Қамар” дийдаст сўйи “Раҳмон” нигар,  
 “Воқеа” аст онгоҳ “Ҳадид”, эй неқфар.

“Қод самий” хонде “Ҳашири” “Мумтаҳан”,  
 “Сафф” бихон “Жумъа”, эй бо илму фан.

Аз “Иза жа-а” сурайи аҳли нифоқ,  
 Баъд меояд сураи “Тағобун” ҳам “Талоқ”.

Баъдазон “Таҳрим”, “Мулк” асту “Қалам”,  
 “Ҳаққо” ст бас “Маориж”, “Нуҳ” ҳам.

“Ал-жинну” “Ал-музамиллу” “Ал-муддасир” аст,  
 “Ал-қиёмат” ҳолати “Даҳр”, “Вал-мурсалот”.

“Набаъ” хон, “Нозиъат” бас “Абас”,  
 Баъд “Таквир”, “Инфитор”, эй неқ кас.

Аз пайи “Татфиф” омад “Иншиқоқ”,  
 Бас “Буруж”у “Ториқ”у “Аъло” дармисоқ.

“Ғошия”, “Фажр”, “Балад”, “Шамс” асту “Лайл”,  
 “Ваззуҳо” бин “Иншироҳ” омад нузул.

“Тийн”, “Алақ” вонгаҳ “Қадр”, “Лам якун”,  
 Дигар аз маҳфуз бар тифлу кўхан.

Сурае ҳар кас зи мусҳаф кофта,

*Мешавад 3-ин нусха осон ёфта.*<sup>156</sup>

**Насрий таржимаси:** Куръони карим саҳифаларида гўзал каломлар жой олган. Китобнинг боши бўлмиш сурайи “Фотиҳа”дан кейин “Бақара”, “Оли Имрон”, “Нисо”, “Моида” “Анъом”, “Аъроф” келади.

Ундан кейин “Анфол” яна унга “Тавба” зам бўлади. Кейин “Юнус”, “Худ”, “Юсуф”, “Раъд” ҳам шулар кетидан келади. Сўнгра “Иброҳим”, “Ҳижр”, “Наҳл” ни ўқиб унинг орқасидан “Исро” ва “Каҳф”ни ўқи.

“Марям” ва “Тоҳо”га “Анбиё” уланур, билгилки, ундан кейин сурайи “Ҳаж”, “Мўминун” келур. Кейин “Нур”, “Фурқон”, “Шуаро”, “Намл”ни айт. Шу йўсинда “Қасас”, “Анкабут”у “Рум”ни келтир.

Улардан сўнг сураи “Лукмон” ни бил, яна “Сажда”, “Ахзоб”, “Сабаъ”, “Фотир” ни бил. Сўнг “Ёсин”, “Соффат”, “Сод”ни кўр, унинг ортида “Мўминун”ни топасан.

Саждада “Ҳомим” ва сураи “Шўро” сўнг “Зухруф” кўринур. “Духон”, “Жосия” бир неча сатрларда келур, кейин “Фотир” сураси ва “Аҳқоф” кўринур. Кейин “Муҳаммад”, “Фатҳ”, “Ҳужурот”, “Зориёт”, “Тур”, “Нажм”, “Қоф” жамланган.

Сурайи “Қамар”ни эса “Ар-Раҳмон”дан кейин кўрурсан. “Воқеа” унинг кетидан эса “Ҳадид” сураси келур эй некбахт. “Қод самияъа” дан сўнг “Ҳашр” ва “Мумтаҳан”ни ўқурсан. Яна сурайи “Саф” ва “Жумъа”ни ўқийсан, эй илму фан соҳиби.

“Изо жо-а”дан кейин “Сурайи аҳли нифоқ”, ундан кейин эса “Тағобун” ҳам “Талок” суралари келади. Ундан кейин “Таҳрим” “Мулк”, “Қалам”, кейин эса “Ҳаққа”дан сўнг “Маориж” билан “Нух” сураси келур.

Кетидан “Ал-жин” “Ал-муззаммил” “Ал-муддассир”, “Ал-киёмат”, “Даҳр” “Вал-мурсалот” суралари жой олган. Кейин сурайи “Набаъ”ни ўқийсан, “Нозийот” сўнгидан “Абаса” келур”. Кейин “Таквир”, “Инфитор” суралари келади, эй бахтли инсон.

“Татфиф” остида “Иншиқоқ” келади, ундан кейин эса “Буруж”, “Ториқ”, “Аъло” тартибда жой олган. “Ғошия”,

<sup>156</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 149-152-б.

“Фажр”, “Балад”, “Шамс”, “Лайл”, “Ваззухо” ва “Иншироҳ” нозил бўлган. “Тийн” “Алақ” кетидан “Қадр” “Лам яқун” келур. Қолганлари ёш болалар ҳам осон ёдлайдиган суралардир.

Ҳар ким Қуръони карим сураларини шу тартибда ёд олса, бу унга бир мунча осон бўлади.<sup>157</sup>

Айтиш жоизки, Рожийнинг Қуръони каримга эътибори уни асраб-авайлаш ишига ҳам алоҳида урғу берганидан ҳам билинади. Маълумки, мусулмонлар ҳаётида Мусхафи шарифнинг ўрни беқиёс. У ҳар куни, ҳар соатда тиловат қилинадиган муборак калом. Шу сабабли кўп ҳолларда у уриниб кетиши табиий. Ҳанафий уламолари гарчи уни қайта таъмирлаб фойдаланиши мумкин бўлгани ҳолда ўта ночор ҳолга келиб қолса ҳурмат юзасидан ерга кўмишни тавсия этганлар.<sup>158</sup>

Бадриддин Айний "Умдат ул-Қорий"да: "Ҳанафий асҳобларимиз уриниб кетган мусхафни одамлар қадами етмайдиган покиза ерга кўмилади, деганлар", – деб келтиради.<sup>159</sup>

Рожийнинг мазкур фикри қуйидаги сўзларидан билинади:

*Бас ки мадфуни замин ажзои он маъни баён,  
Ҳам чу авроқи ҳам букистаи "Қуръон" шуда.*

Яъни, худди бир-биридан ажралиб титилиб кетган "Қуръон варақларига ўхшаб маънолар баённинг жисми ҳам ер остига кўмилди.

Умуман олганда Рожий Марғинович ўзининг асарларида Қуръони карим оятларидан моҳирона фойдаланган. Кўп ўринларда оятларнинг айна ўзини келтирса, бошқа кўплаб ўринларда улар англатган маъноларга ишора қилиб ўтади. Яна бошқа кўплаб асарлари эса Қуръони карим оятлари маъносидан илҳомланиш натижасида ёзилганини сезиш мумкин. Бунга китоб давомида гувоҳ бўламиз.

### ***Рожий Марғинович Бухорода***

<sup>157</sup> Таржима Т.Усмонов томонидан амалга оширилган.

<sup>158</sup> "Фатовойи Ҳиндийя". 5-ж, 323-б.

<sup>159</sup> "Абу Муҳаммад Бадридин Ал-Айний Ал-Ҳанафий. "Умдат ал-Қорий ли шарҳил Бухорий". 13-ж, 537-б.

Рожий 24 ёшга етганида устози Абдулкаримбек домла вафот этади. Устоз вафотидан кейин бир муддат ўтгач, Бухорога бориб Мир Араб мадрасасига<sup>160</sup> жойлашади. Буни Афзал Пирмастий тазкирасининг Беруний номидаги Шаркшунослик инситути қўлёзмалар фондида сақланаётган ўзбекча таржимасида: *"Бухорода илм таҳсил қилмиш"*, деб кўрсатилган қайд ҳам тасдиқлайди.<sup>161</sup>

Пўлотжон Домла Қайюмий шундай ёзади: *"...Рожий кўп моддий қийинчиликда қариндошларининг ҳимояларида Қўқонда, Андижонда ва Бухорода ўқуб таҳсил этмиш"*.<sup>162</sup>

Маълумки, мадрасалар таълим тизимнинг олий бўғини саналиб, уларда асосан, араб тилининг сарф-наҳви, фикҳ, тафсир, ҳадис, илми калом, мантиқ ва бошқалар ўқитилган.

Хожажон Хожани Бухорога бориб айнан Мир Араб мадрасасига киргани бежиз эмас. Ўша даврда Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларидан талабалар кўпроқ Бухоро мадрасаларига бориб таълим олиши анъанага айланган эди. Рожийнинг замондошларидан Марғилоннинг кўзга кўринган алломалари Муҳаммад Юсуф Хонақохий, Мирхайдар Домла Толий, Мирхалил Домла Бухорий қабилар ҳам Мир Араб мадрасасида таълим олганлари маълум.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, ўша даврда Марғилондан Бухорога бориб мадрасани битиргач, ўша ерда туриб қолган уламолар ҳам анчагина бўлган. Масалан, улардан Мулла Розикча Домла, "Бухорий домла" номи билан машҳур Мирхалил Домлаларни келтириш мумкин. Мирхалил Домла таълим тугаганидан кейин ҳам Бухорода узоқ вақт қолиб кетгани учун шундай аталган эди. Энг қизиғи, у зот ижозат олиб шаҳарга қайтаётганида устозлари: "Бу йигит Бухоронинг ярим

---

<sup>160</sup> Мадраса 902 ҳижрий, 1503 милодий йилда қурилган бўлиб, маълумотларга кўра, уни Сайрамда туғилиб, асли Яманнинг Ҳазарамавт ўлкасидан бўлган Мир Араб Мир Абдуллоҳ исмли шахс қурган. 1529-1537 йилларда қурилган бу мадраса Бухорода Масжиди Калоннинг рўпарасида жойлашган.

<sup>161</sup> Қаралсин: Ўз ФАШИ, инв.№ 10041, 197-саҳифа.

<sup>162</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 321-324-б.

илмини ўзи билан Марғилонга олиб кетяпти", дея таърифлашлари эди.

Розиқча Домла ҳам асли марғилонлик бўлиб Бухоройи шарифда муфтийи калон вазифасида хизмат қилганлар ва узок йиллар давомида дарс айтганлар. Охир умрларида Байтуллохга бориб вафот этганлар. Биз изланишларимиз давомида мазкур зот ҳақида марғилонлик Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Содик ҳожининг маълумотларини топишга эришдик. Мазкур маълумот аллома вафотига ёзилган таърих бўлиб, ундан марҳумни Маккайи Мукаррама шаҳрида вафот этгани ва Жаннатул Муалло қабристонига дафн қилинганини билиб оламиз. Бироқ, матн жуда ночор ҳолга келгани учун таърих моддасини чиқариш мумкин бўлмади. Шундай бўлса-да, алломани 1900 йилдан олдин вафот этганини билса бўлади.<sup>163</sup>

Бошқа томондан мадраса ўз нуфузи билан Бухородаги бошқа мадрасалар ўртасида алоҳида ўрин тутган ва у мадрасайи олия деб юритилган. Айни пайтда у таълим-тарбиянинг энг олий босқичи ҳисобланиб, асосан, пойтахтларда, илм-фан, маданият ривожланган шаҳарлардагина бўладиган мадрасалар қаторига кирган.<sup>164</sup> Унда юксак илмий мартабага эришган алломалар фаолият кўрсатган. Агар ўрта мадрасалар аълам, қозикалоннинг умумий раҳбарлигида фаолият кўрсатган бўлса, мадрасайи олия – давлат микёсидаги мадрасаларга хону амирлар бевосита бошчилик қилганлар.

XX аср бошларигача давом этган бу анъанага кичик бир мисол келтирадиган бўлсак, Хоразмнинг улуғ маърифатпарвар хони Муҳаммад Раҳимхон – Феруз вақти-вақти билан мадраса талабаларини имтиҳон қили, мударрисларнинг билимини текшириб турган. Бу ҳақда хоннинг замондоши, тарихчи олим, ҳаттот Ходим қўйидагиларни баён қилади:

«Арабхон мадрасасининг охуни (мударриси) Юсуф Ҳожи Доий адабиёт илми бўйича Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон»

---

<sup>163</sup> Таърих матни Р.Файзуллаев кутубхонасида сақланади.

<sup>164</sup> Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи нофейй. Тожик тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифлари Ш. Воҳидов, З. Чориев. – Тошкент: Академия, 2001. 86-94-б.

асарлари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари бўйича сабоқ берганида, Феруз мазкур асарлар юзасидан саволлар бериб, бизни имтиҳон қилдилар. Ана шундай пайтларда бирортамиз ғазал ўқишда хатоликка йўл қўйсак ёки бирорта сўзни нотўғри талаффуз этсак, Феруз бизни тўхтатиб, хатоларимизни тўғрилар, у ёки бу сўзнинг маъносини айтиб берар, ҳеч хафа қилмасдан камчилигимизни йўқотишга ёрдам берарди... Хон ҳазратларининг мударрислар дарсларини тез-тез кузатиб туриш одати бор эди».<sup>165</sup>

Демак, мазкур омиллар Хожажон Хожани Бухорога бориб, айнан Мир Араб мадрасасига кириб таълим олишига сабаб бўлган.

Рожийнинг Бухорода таълим олиши турли ерлардан елиб таълим олувчи кўплаб кишилар билан маърифат пайдо қилишига сабаб бўлган. Бу кейинчалик улар билан илмий-амалий алоқаларига замин яратган. Қўлимизда унинг Бухоро қози калонининг ўғли қози Мир Қиёмиддин ибн Мир Бадриддин ибн Мир Зиёуддин ибн Мир Байзо, Сарахс вилоятида тариқат шайхи Эшон Султонхожа,<sup>166</sup> Наманганнинг Косон қишлоғидан Камолиддинхожа Косоний, Маҳмудхон қози Андижоний, Мулла Эминжон охунд Андижоний Абдуррауф Рошидоний, Абдулқодир Нозик Қубогий, Мулла Мирзо Ҳаким Шаҳрихоний каби қатор уламолар, қозилар аълам ва котиблар билан алоқаларига оид маълумотлар сақланади.<sup>167</sup>

Илмга чанқоқ ва ташна Хожажон Хожанинг Бухородаги таълими анчайин маҳсулдор бўлганини эслатиш жоиз. Бу ҳақда М.Мадғозиев шундай ёзади:

<sup>165</sup> Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий Тошкент. Камалак наширёти. 1991 йил. 254-б.

<sup>166</sup> Андижонлик Эшон ака Шоҳобиддинов мажмуаси.70-б. М.Мадғозиев аниқлаган Рожий шеърларининг котиблар томонидан тузилган мажмуаларидан бири. 21x26,5 ўлчамли бу кўлёмда Рожийнинг шеърлари 4-саҳифадан бошлаб ёзилган. Рожий ҳаётлигида ёзила бошланиб, шоир вафотидан кейин тамомланган бу мажмуада Рожийнинг турли мавзулардаги 60 та шеъри ўрин олган бўлиб, жами 1906 мисрани ташкил этади.

<sup>167</sup> Мазкур шахслар ҳақида тўпланган қимматли маълумотлар М.Мадғозиев шахсий кутубхонасида сақланмоқда.

*“Бўлажак шоир ва олим (фақих) мадрасалар берадиган билимлар билан қаноатланмай, кўпроқ мустақил ўқиб ўрганишга ҳаракат қилади. У форс ва араб тилларини пухта ўрганди. Бу эса ўша даврдаги давлат ва айрим шахслар ихтиёридаги кутубхоналарда сақланаётган фалсафа, тарих, фикҳ, риёзиёт, ҳандаса, тафсир, ҳадис, айниқса адабиётшунослик ва тилишуносликка оид адабиётларни ўқиб яхши тушунишга йўл очади”.*<sup>168</sup>

Дарҳақиқат ҳам, талабаларнинг илмий изланишлар олиб боришлари учун кутубхоналарнинг ўрни муҳим бўлган. А.Муродов ўзининг "Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан" номли монографиясида: "1921 йилда Бухорода энг йирик учта кутубхона борлигини аниқлаган эди. Булардан бири Бурҳониддин Садр Қози Калон кутубхонаси. Иккинчиси Сиддиқхон Ҳашмат кутубхонаси. Учинчиси Муҳаммад Шариф Садр Зиё кутубхонаси".<sup>169</sup> Тадқиқотчи Г. Исабоевнинг ёзишича Қўқон хонлигидаги кўпгина кишиларнинг ҳам шахсий кутубхоналари бўлган. Масалан, Юнусжон Дада Муҳаммад жуда бой кутубхона соҳиби эди. Худоёрхоннинг ўғли Насриддиннинг ҳам Шарқ қўлғемаларидан иборат шахсий кутубхонаси бўлиб, руслар босиб олгач, Петербург шахрига олиб кетилган.<sup>170</sup>

Таъкид жоизки, Рожийнинг Бухородаги таълим даври унга нафақат илмий камолот, балки маънавий жиҳатдан ҳам юксалишига сабаб бўлган. Чунки қадимдан бошқа жойларда бўлгани каби Бухоро мадрасаларида ҳам талабаларнинг ахлоқ-одобига қаттиқ аҳамият берилган. Бу ерда дарс айтадиган мударрисларнинг ҳар бири ўз соҳаси бўйича моҳир уламолар, ўткир назарли шайхлар эканини эслаш лозим. Улар талабалардан содир бўладиган ҳар бир ҳаракат ва ҳолатни эътибордан қочирмаганлар. Қолаверса, Бухоро қадимдан тарикат

---

<sup>168</sup> Мадғозиев М. Рожий Марғионий - XIX асрнинг охири XX аср бошларидаги ўзбек адабиётининг талантли вакили// Ўзбекистонда ижтимоий Фанлар. 1972. №9. 38-б.

<sup>169</sup> А. Муродов. Ўша асар. ЎзССР "Фан" нашриёти, Тошкент, 1971 йил, 92-б.

<sup>170</sup> Юнус Дада Муҳаммад муҳри босилган кўпгина қўлғема ва тошбосмалар ЎзР ФАШИ хазинасида сақланмоқда.

шайхлари яшаган юрт бўлгани учун ҳам уларнинг таъсири сезилиб турган. Ҳар бир илм-маърифат соҳиби бевосита уларнинг йўли ва насихатларига эргашишни ўзига бурч деб билган. Қадимдан мадрасалар ёнида тасаввуф шайхларининг хонақоҳлари ҳам бино қилиниши ва улар ўртасида доимий алоқалар йўлга қўйилгани бежиз эмас. Бу ҳақда тадқиқотчи У. Долимов куйидагиларни ёзади:

"Ўтмишда мадрасалар билан ёнма-ён масжид ва хонақоҳлар қурилган. Шўролар мафқурасига кўра кўпинча илмий асарларда хонақоҳлар фақат дарвеш ва қаландарлар, шайх ва зоҳидлар зикр тушадиган маскан сифатида баҳолаб келинган. Аслида, хонақоҳлар ҳам мадрасалар вазифасини бажарадиган бўлиб, талабалар учун бир неча хужралари, дарсхоналари, кутубхона, илмий мунозара ўтказиш учун махсус катта хона, мударрис ва воиз учун мрамар ёки ёғочдан ишланган минбари бўлган, талабаларга мунтазам дарс берилган."<sup>171</sup>

Мадраса таълимидан сўнг ўзини буткул маънавий камолот йўлига бағишлаган кишилар тарихда кўплаб учраган. Фахруддин Али Сафий Хожа Аҳмад Ясавийнинг халифларидан бири Занги отанинг зикрини қилар экан, у кишининг тўрт халифаси Узун Ҳасан ота, Саййид ота, Садр ота (Садриддин Муҳаммад) ва Бадр ота (Бадриддин Муҳаммад)ларнинг *"мабодийи (аввалги) ҳолда Бухоро мадрасаларининг бирида таҳсили илмга машғуллиқларида бир-бирларининг иттифоқи бирла ҳимматларини мутолаа (илм ўрганиши)га қўйганлар"*и, кейин эса дилларига бу йўл сулуки меҳри тушиб, Занги ота ҳузурига бориб, у зот ҳузурда камолот ҳосил қилганларини айтади.<sup>172</sup>

Худди шу каби Рожий Марғионийни ҳам талабалик даврида мадрасадан ажрамаган ҳолда илм-маърифат, тариқат аҳли билан доимий алоқада ва маънавий суҳбатларда иштирок этиб турган. Зеро, Хожа Алоуддин Аттор қуддиса сируҳунинг айтишларича "Суҳбат суннати муаккада (вожибга яқин

<sup>171</sup> У. Долимов. "Абадий зиё маскани". "Шарқ юлдузи" журнали. 2010 йил, 1-сон.

<sup>172</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаоту айнил ҳаёт... 26-бет.



таъкидланган суннат) турур, ҳар кун ё ҳар икки кунда бу тоифага суҳбат тутуб ва аларнинг одобини муҳофазат этмак керак. Ва агар бўъди суварий (масофада узоқлашиш) воқеъ (пайдо) бўлса ҳар ой ё ҳар икки ойда ўз аҳволи зоҳири ва ботинийсидин иборат била ва мактуботнинг ишорати била эълум этмак (билдирмак) ва ўз манзилида таважжух (дилдан юзланиш) била аларға машғул бўлмоқ керак, токи ғайбати куллий (буткул узулиш) пайдо бўлмасун".<sup>173</sup>

Шулардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Рожий мадрасадаги таълим жараёнида устозларининг маънавий-ахлоқий тарбияси ва таъсири остида илм-маърифат билан бирга юксак ахлоқ эгаси бўлиб тарбия топади.

### *Талабалик машаққатлари*

Рожий домланинг талабалик даври ҳақида сўз кетганда уни ўта машаққатли ва қийин кечганини эслатиш жоиз. Бу ҳақда Пўлотжон Домла ҳам шундай ёзади: "*Рожий*) то 34 ёшигача бошларидан чекаяжаск машаққатларга эга келган."<sup>174</sup>

Унинг бу пайтдаги аянчли манзаралари “истар кўнгил” радифли ғазалида рўй-рост баён қилинган.<sup>175</sup> Шоир унда айни давр манзараларини тилга олар экан, талабаларни заҳ ҳужраларда илм олиши, ҳужралар талабга жавоб бермаслиги, бирор нарса сотиб олишга эса пул йўқлиги, бошидаги дўпписидан тортиб оёғидаги кавуш-маҳсисигача ўта ночор эканига урғу беради:

*Бул қоронғу ҳужра ичра тан эрур бетоблар,*

<sup>173</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 122-123-бетлар.

<sup>174</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 321-324-б.

<sup>175</sup> Мазкур ғазални топилиши тарихи ҳақида устоз М.Мадғозиев шундай дейди: "Устоз Воҳид Абдуллаев мени устоз Чустий билан: "Ҳожажон Қози Рожий Марғинович бўйича илмий иш қиялти...", деб таништиргач, ғазалсаро шоир менга хайратомуз: "О... баланд дорга осилибсан-у?... Ишқилиб, бунга кучинг етармикин?... – дегандай боқдилар-да, уйларига таклиф эта туриб: "...Агар ёкламоқчи бўлган шоирингни ҳидини олиб қолган бўлсангинга бир нарсани ёзиб олишингга руҳсат бераман", – деб қўйдилар... "Истар кўнгил" мухаммаси устоз Чустийнинг ана шу имтиҳонидан Аллоҳ ёрдамида ўтиб олишим эвазига ёзиб олинган асардир".

*Заҳлигидин тизга келмиш турфа бадбў облар,  
Бир тарафдин белда пул йўқ, дилларим хуноблар,  
Кулфати гамдин зерикдим, аййухал аҳбоблар,  
Ғамларим айтурга ёри меҳрибон истар кангул.*

*Дўффи кирдур, тўн ямоғлиқ, салла қолмишдур чуриб,  
Маҳсини тағчарми йўқдур, мени кўрганлар кулиб,  
Айлашур шарманда ўлтурсам бошимдан сув қуйиб,  
Дилга тегди истиқомат ҳужраи қоқ ичра хўб,  
Гоҳ сайри Марғион, гоҳ Андижон истар кангул.*

Талабаларда либосларини ювишга етарли ашёлари бўлмаган, кийимлари кирлигидан ҳатто бургалар ин қилган:

*Тоza қилсам, кир яқони ҳеч киши сотмас собун,  
Қолмади бу гуссадин ҳаргиз юракларда бутун,  
Барча сичқонлар асо ушлаб чиқурлар кечқурун,  
Ҳужрам ичра эски кўйлакдин тўлибдур кир тугун,  
Шираю шарбатга тўлган дастахон истар кангул.*

Машаққат қаттиқлик бўлса кўзга уйқу ҳам келмас, эртанги кун ташвиши билан бедорликда чиқар экан:

*Уйқу келмас кўзларимга, эй азизлар, ҳар кеча,  
Қўлга кирмас икки пул аввал баҳордан кузгача.*

Шундай аянчли ҳолатлар олдида Рожий ўзини кўрмасликка олади, бир оз бўлса-да хаёлини сочиб ўзи айтмоқчи "жинни" ликка солмоқчи бўлади:

*Жиннилардек боғладим белни чурик иплар билан,  
Салла қилдимким йигитлик шаъни деб юнг чалмадан,  
Бўлди улфат бургалар ҳар дам чақиб ганжинадан,  
Ринд ўлиб гулхан аро чойхонада гоҳи чапан,  
Аччиқ-аччиқ чой илан сержизза нон истар кангул.*

Шу каби қийинчилик ва машаққатда турган талаба гўзал орзулар қилишини тушуниш мумкин:

*Бўлса юз сўм ўйнар эрдим даҳри бепоён аро,  
Мавж урардим нағма бирлан жамбилу райҳон аро,*

*Ўлтирардим сўхбат айлаб ҳофизу хушхон аро,  
Мисли Машираб шеър ўқиб гулшану бўстон аро,  
Қайтарилган дўппию тиздин чапон истар кангул.*

Эслатиш зарурки, Рожий домла мазкур сатрларни шикоят мазмунида ёзмаган, чунки покиза эътиқодли йигит бўлмиш Хожажон Хожани бундай дейиши мантиқан ҳам тўғри эмас. Бундан мақсади нима эканини мухаммас сўнггида баён қилади:

*Сомеъо, бул сўз тамоми маҳзи иймо айламоқ,  
Кори боримдур мени масжид аро дарси сабоқ,  
Яъни, лозимдур кишига бечораликни кўзламоқ,  
Ул Абу Бакру Умар, Усмону Ҳайдар Шери Ҳақ,  
Нўш этарга ҳавзи кавсар соқиён истар кангул.*

Бу гапларни гапиришдан унинг мақсади беҳуда вақт сарф этиш эмас, чунки беҳуда гап, ўйин-кулги кишини мақсаддан колдирадики, буни жуда яхши англаган:

*Ўйнамоқ, кулмоқ кўюр кангулни тоат баҳридин,  
Хавф этар оқил киши Қаҳҳор Эгамнинг қаҳридин.*

Шунинг учун ушбу сатрларга "фикри хом" билан боқмаслик керак:

*Бунчалик абёт аро солманг азизо, фикри хом,*

Аслида унинг мақсади ёш бўлса-да, халқнинг ғами, ўзи яшаётган жамият кишиларининг аҳволини баён қилишдир:

*Дўстлар, ушбу газал мазмунига бир-бир қаранг,  
Беҳунар одамларе бордур дегай, бўлдум фаранг,  
Яхшиларни кўрдингизму тўнлари туфроғу чанг,  
Нос олурга бир пули йўқ, кўчага чиққай аранг,  
Шу сабабдин “ху” чекиб тарки жаҳон истар кангул.<sup>176</sup>*

Хожажон Хожа тилга олган талабалик машаққатлари тариқат шайхларидан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг айни

---

<sup>176</sup> "Баёзи Қосир". Қўлёзма, 37-саҳифа. Шоир Чустий (Хожаев Набихон) ижодхонасида сақланади.

пайтларидаги ҳолатларини ёдимизга солади. Гарчи орада тўрт асрдан ортиқ масофа бўлса-да, уларда қандайдир ўхшашликлар бордек. Фахруддин Али Сафий шундай ёзади:

"Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор айтадилар: "Мирзо Шохрухнинг замонида Ҳирида эдим. Мени бир пулға кудратим йўқ эрди. Бир дастор – саллам бор эрдиким, кўҳна – эски бўлгон, пора-пора бўлуб, ҳар еридан бир бўлаки осилгон, бирисини банд этсам яна биридан кетиб осилур эрди. Бир куни Бозори Маликдан кетаётсам, бир гадой мендин тиланди, менда унга бергани ҳеч нарса йўқ эди. Салламни бошимдан олиб, ошпазнинг олдига кўйдим ва дедим: "Бу дастор покизадир, қозон ювгандан кейин дастмол бўлур, буни олиб гадойга бирор нимарса бергил". Ошпаз гадойга бир нимарса бериб, хушнуд этди ва дасторни олиб одоб билан мени олдимга келтирди ва менга берди. Мен қабул қилмадим ва йўлимга кетдим".

Айтур эдилар: "Кўп одамларга хизмат қилдим. Мени отим ва маркабим йўқ эди. Бир йилда битта тўн кияр эдимким, пахталари ташдин чиқар эди. Уч йил муддатда бир тўнлик кияр эдим ва шунча муддатда бир тош товонли ўтук кияр эдим".

Айтар эдилар: "Сафар айёмида бир қиш Мавлоно Мусофир билан Шохрухияда бўлдик. Бир ҳужрамиз бўлиб эшиги кўчага қараган эди ва ҳужранинг ичи кўчадин паст эрди ва ёмғур вақти ҳужрага лой ва сув кирар эди. Сахарлар масжидга борур эдим, ул ерда намоз ўқур эдим. Ва ул қишда менинг жомаларим кўп юпка эрди. Баданимнинг нисфи афзали – ярмидан кўпи асло иссиғ бўлмас эди".<sup>177</sup>

Мазкур қийинчиликлар у зотни келгусидаги камолотларига хизмат қилганидек, Хожажоннинг машаққатлари ҳам зойеъ кетмаган. Қолаверса, тариқат аҳллари айтганларидек, "Ҳар толибғаким, хорлиқдин ва одамларнинг дашномидин хушлик келмаса, ҳаргиз анинг димоғига мардларнинг маъноларидан бўй етушмас".<sup>178</sup>

---

<sup>177</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 293-б.

<sup>178</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 345-б.

### ***Машаққат ҳаммага баробар***

Айтилганидек, илм йўли бошидан охирига қадар машаққат ва риёзатдан иборатдир. Уни ҳақиқатдан машаққатли эканини Қуръони каримда келтирилган баъзи қиссалардан билиб оламиз. Маълумки, Қуръони каримнинг Каҳф сурасида "Улул азм" пайғамбарлардан бири Мусо алайҳиссаломни илм йўлига чиққанлари ва бу йўлда йўлиққан қийинчиликларини тан олиб: "Ҳақиқатан бу сафаримизда жуда чарчадик" – деб айтганлари келтирилган. (Каҳф сураси 62-оят).

Ушбу қиссада айтилишича Мусо пайғамбар Хизр алайҳиссалом хузурига илм талабида яёв кезиб келадилар. У зотни топгач, пайғамбарона одоб ва тавозе билан: "Менга таълим беришингиз учун сизга эргашсам майлими?" – дейдилар. Хизр алайҳиссалом: "Аниқки, сен мен билан бирга сабр қилишга тоқатинг етмас", – дейдилар ва: "Зотан, ўзинг эгаллаб олмаган нарсага қандай сабр қилурсан?!" – дейдилар.

Мусо алайҳиссалом: "Инша Аллоҳ, менинг сабр-тоқатли эканимни кўрурсиз", – дея аҳд берадилар. Ҳаял ўтмай у зотдан илк қадамларидаёқ: "Сен мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас, демаганмидим?!" – дейилган танбех оладилар. Бир оздан сўнг худди аввалгидек иккинчи танбех келади: "Мен сенга, мен билан бирга сабр қилишга ҳаргиз тоқатинг етмас, демаганмидим?!"

Ҳали муродга етмай, ярим йўлдаёқ икки танбехдан сўнг, устоз: "Мана шу сен билан менинг ажрашимиздир. Энди мен сени сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсалардан огоҳ қиламан, дейди ва уларни баён қилгач: "Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидир" – дейдилар.

Эътибор берилса, ушбу кичик қиссада сабр сўзи етти марта кетма-кет келган. Бундан илмга осонликча етиб бўлмаслиги англашилади. Ундан ҳам қизиғи, мазкур воқеалардан кейин машҳур тарихий шахс Зулқарнайнинг машаққатли девор кургани воқеаси зикр қилинади, аммо унда бирор марта сабр сўзи тилга олинмайди.

Илм ҳосил бўлиши учун зарур шартлардан бири аслида ана шу машаққатларни тортмоқдир. Зотан, роҳат ва фароғат билан ҳақиқий манфаатли илм ҳосил бўлиши қийин. Ўтмиш салафлар: "Ким илм таҳсили йўлидаги хорликка сабр қилмаса, бир умр жаҳолатда қолади", – дейишган.

Рожий тилга олган талабалик қийинчиликлари ўша даврнинг барча толиблари учун муштарак бўлганини эслатиш ўринли. Ҳар бир талаба машаққат ва риёзат билан илм ўрганган. Улардан баъзиларини қисқа мисолларда кўриб ўтсак. Рожийнинг замондоши Марғилоннинг машҳур алломаси Мирҳайдар домла Толийни олиб кўрайлик.

1833 йилда Хўжа Порсо маҳалласида Мир Ҳайит хонадонидида туғилган бу зот бошланғич таълимни ҳосил қилгач, Бухорога бориб Мир Араб мадрасасига жойлашадилар. Аммо Домланинг мадрасадаги ҳаёти осон кечмайди. Камбағал хонадондан арзимаган пул билан чиқиб кетгани, у ерда бирор яқин кишисининг йўқлиги талаба ҳаётига жиддий таъсир қилади. Кўп вақтини оч-наҳор, юпун ҳолда мадраса хужрасида ёлғиз китоблари билан суҳбатлашиб ўтказар эканлар:

*Бул кутублар барчаси боғим мени,  
Тахта сўри сайр учун тоғим мени.*

*Нони юмишқ роҳати жоним эрур,  
Бир қадоқ чой хумдаги ёғим мени.*

*Бир дарахти манга гам бўстонида,  
Қанча кулфат шох япрогим мени.*

*Кўйлагим майдони битлар сайдидур,  
Лочину шунқор тирногим мени.*

*Қайда туфроқ бўлса ёшлар ўйнашур,  
Эски ёстиқ бошда туфрогим мени.*

*Сақму-сиҳҳат куз била бўлди баҳор,  
Шоди-ю- гам булбулу зогим мени.*

*Бир пиёла чой эрур оби ҳаёт,  
Нўш қилсам ташналик чоғим мени.*

*Кўрмадим мен оламда субҳу сурур,  
Доимо гам шоми ўртоғим мени.*

*Хужрани зулматидан топдим мурод,  
Доғи Искандар эмас доғим мени.*

*Йўқла, ё Раб, Толийи бечорани,  
Хоҳ де "девона", ё "соғим" мени.<sup>179</sup>*

### ***Домланинг эшаги ўлиб қолмасин***

Рожий Марғинонийнинг шогирди Фозилжон махдум Сулаймон хўжа ўғли (1878-1954) ҳам илм-маърифат йўлида машаққатга учраган уламолардан бири сифатида тарихда қолган. Замон нотинчлигидан бир жойда муқим тура олмаган бу зот баъзи кўнгилли кишилар, шу жумладан шогирдлари ҳовлисида яшаб кун кўрганлар.

Баъзан шогирдлари Орифжон қори Охунжон қори ўғли хонадонига ҳам келар эдилар. Хонадон аҳли эҳтиром юзасидан катта уйни устозга бўшатиб беришар, ўзлари – бир оила, болачақалари билан даҳлизда қолишар эди. Энг қизиғи, Домланинг эшаги совуқдан ўлиб қолишидан кўрқиб, бошқа иссиқ жой йўқлигидан уни ҳам даҳлизга олиб кириб, образга боғлашлари эди. Бошқа жой топилиб Домла кетгунларича неча кун шу алфозда кун ўтказишган.<sup>180</sup>

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг қизиғи, уларни ана шундай қийин шароит бўлишига қарамай, жонларини ҳалокатга қўйиб бўлса ҳам узоқ асрлардан бери ажодлардан келаётган буюк омонат – илм-маърифатни келгуси авлодларга етказиб, ушбу улкан силсилани узилиб қолишидан ҳимоя қилишлари эди. Зотан, улар учун дунёга келиб ўзидан яхши ном қолдирмасдан кетиш кечирилмас айбдек кўринган. Бугунги нузли кунларда уларни эслаб, ибратли ишларини эсга

<sup>179</sup> "Баёзи Махбуб ул-махбуб". Тошкент Ғулом Ҳасан Орифжонов босмаҳонаси. 1912 йил, 35-37-бетлар.

<sup>180</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – Қаландархона. 2013.

олиб, ҳақларига эзгу дуолар қилишимиз ҳам ўша машаққат ва меҳнатларининг натижаси десак хато бўлмайди. Охиратдаги ажр ва мукофотлари қандай улуғ эканини эса ёлғиз Парвардигорга маълум. Шу жиҳатдан уларни мухтарам юртбошимизнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарига энг буюк жасорат ҳақида айтган қуйидаги фикрлари такроран ёдимизга келади:

*“...Улкан маънавий жасорат соҳиблари бўлган бундай аллома зотлар дунёнинг қаерида яшамасин, эзгулик ва маърифат йўлида доимо одамларга ибрат бўлиб келган.*

*Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихининг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дориломон замонларга безавол етиб келишида унинг қон-қони, суюк-суюгида бўлган маънавий жасорат туйғуси, ҳеч шак-шубҳасиз, ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келмоқда.”<sup>181</sup>*

Илм олишнинг машаққатини яхши англагани учун ҳам Рожий домла бу йўлда машаққат чеккан кишиларни ҳурмат билан тилга олади. Уларни таърифлаш чоғи айни сифатларига алоҳида урғу бериб ўтади. Масалан, Ўш шаҳри қозихонасида узоқ йиллар аъламлик вазифасида хизмат қилган Хожи Муҳаммад аълам ҳақида гапирганида *“жаҳд илан бўлгон фақиҳ”* – “машаққат билан олим бўлган эди”, дейди:

*Ёш экан то пир ўлуб, жаҳд илан бўлгон фақиҳ,  
Муфтийи фатвонавису мазҳаби Нўмон экан.*

Рожийга кўра дунёда машаққат ва риёзат билан илм эгаллаган ва шу йўлда комилликка эриша олган кишининг дунё аҳлига манфаати офтобдан кўра кўпроқ бўлади, бинобарин, унинг дунёдан кетиши ҳам қаттиқ бўлади. Шунингдек, олим ерга қўйилганида ҳам ернинг қадрини ошириб юборади, зероки, у ётган тупроқдан ўсиб чиққан гиёҳлар марҳумнинг тили бўлиб, бағрида қолиб кетган мазмунларни баён қиладилар, гулларнинг баргига ана шу маънолар битилгани учун ҳам улар янада

---

<sup>181</sup> И.Каримов. “Юксак маънавият – енгилмас куч”. Тошкент. “Маънавият”, 2013. 159-162-бетлар.



чиройли бўлиб кўринадилар. Рожий устозларидан бири Бурҳониддин хожа Андижоний ҳақида гапирганида айни маъноларни ифодалаб, шундай деган эди:

*...Хам шав акнун аз надомат то қиёмат, осмон,  
Шуд ҳазорон поя бар тар аз ту қадри осмон,  
Рафта он хуршеди дониш аз жаҳон доманкашон,  
Дар таҳи хоки сияҳ то субҳи маҳшиар бенишон,  
Баҳри изҳори мазомин сабзаҳо яқсар забон...*

**Таржимаси:** Эй осмон, мотам надоматидан бошингни қиёматгача эг. Энди ернинг кадри сендан мингларча марта баландроқ бўлди. Чунки бу дунёдан илму дониш офтоби этагини йиғиштириб кетди. У бу жаҳондан кетиб, тупроқ остида маҳшаргача бенишон ётадиган бўлди. Унинг юрагида қолган бой мазмунларни ҳикоя қилиш учун сабзалар ердан тил бўлиб чиқдилар ва ҳар гулнинг баргидан бир гўзал мазмун кўринмоқда.<sup>182</sup>

### ***Рожий қозихонада котиб***

Хожажон Хожа Бухоро мадрасасини тугатгач, она юрти Марғилонга қайтади. Мадрасани қачон тугатгани маълум бўлмаса-да, М.Мадғозиевнинг хулосасига кўра, ўқиш муддати ўн-ўн беш йилларга чўзилганини инобатга олинса 1870 йиллардан эрта Марғилонга келмагани маълум бўлади.

Хожажон Хожа мадрасани имтиёзли шаҳодатнома билан битириб келган толиб сифатида кишилар ўртасида танилади ва тезда ўзи яшаган Кавак Қайрағоч маҳалласи яқинидаги Тошмозор даҳаси қозихонасига мирзолик вазифасига хизматга ўтади. Бу айтилганидек, Рожийни шу ёшгача етарли илму билим ҳосил қилишидан ташқари, ахлоқ-одобда ҳам намунали бўлганини кўрсатади. Акс ҳолда, қадимдан одоб меъёрларига қаттиқ эътиборли бўлган Марғилон маънавий муҳити бунга йўл бермаган бўлур эди. Навоий ҳазратлари ёзганларидек:

<sup>182</sup> Насрий баён М.Мадғозиевники.

"Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосига сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархўрдор (манфаатдор). Кичиклар меҳрин улуғлар кўнглига солур ва ул муҳаббат кўнгулда муаббад (доимий) қолур".<sup>183</sup>

Айни пайтда шаҳарда кўплаб уламолар, шайхлар ва "қози калону аълам домлалар" мавжуд бўлиб, шаҳар маънавий ҳаётига оид ҳар бир янгилик улар назаридан четда бўлмаган. Бинобарин, соҳага алоқадор ҳар бир янги ходим уларнинг махсус "имтиҳони"дан ва улар назаридан ўтиши керак бўлган. Хусусан, қозилик иши ўта нозик бўлганидан, бу соҳада хизмат қилувчи кишига алоҳида эътибор қаратилган. Барча жойларда бўлгани каби Марғилон қозихоналарида фаолият олиб борган қозилар ҳам бу соҳада талабчан бўлишган. Буни уларнинг хонлар қошида эгаллаган юксак мартаба ва мақомларининг юксаклигидан ҳам билса бўлади.

Тарихчи Муҳаммад Азиз ёзади: *"(Шул) вақтда катта устоз муллалардан икки киши бор эди. Иккалалари ака-ука эдилар. Акалари домулло Муҳаммад Бобо ва укалари Маҳмуд бобо эдилар. Бу амалларни Худоёрхон ёки Маллахон уларга берган эди. Бу азизлар Хўқанд давлати борлиги замонида аксар катта шоҳона мажлисларда ёки фатво, ривоят, ҳалли масъалайи мушкилларда бу ака-уканинг улуглиқ мартабалари халойиққа маълум бўлинув эди. Хону беклар қадрларини билиб, кўп иззату иқром қилардилар. Ўрусия келган вақтда бу қози домуллолик ва қозилик ишига аралашмасдан мударрислик қилиб ётдилар. Домулло Муҳаммад Амин (Бобо) охунд эски аъмоллик ишига арлашмасдан хуфия сулуки илм ал-ҳол мансадида ўтириб, дарс айтмоққа ҳавола қилиб турардилар.*

*Шул қозикалондан кейинги мартабадаги қозилар Поччажонхўжа қози ул-қуззот ва ҳам қози раис Юнусали хўжадир. Бу иккаласи, чунончи Поччажонхўжа қози ул қуззот Маиҳад даҳаси ва Юнусалихўжа қози раис Қаландархона даҳасига қози эдилар. Аслида бу иккала қози ул қуззот ва қози*

---

<sup>183</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб... 58-б.

раисни ҳам Худоёрхон ёки Маллахон китоб ўқиттириб қози қилган экан.

Андин сўнгра Мулло Бузрукхон қози. Булардан кейин Сафилтўда қозиси Мулло Музаффархон. Бу кишидан кейинги мартабада Ёзёвон қозиси Мулло Шоҳ Умар".<sup>184</sup>

Энг қизиғи, Хожажон Хожа уларнинг имтиҳонидан ўта олган. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади: *"Хожажон Хожа тез орада Марғилондаги Домла Абдулжалил махдум, Домла Муҳиддин мударрис, Қосимхўжа эшон аълам ва бошқа устози кулл (ҳамманинг устози) бўлган машҳур уламолар ўртасида "Рожий" номи билан машҳур бўладилар"*.<sup>185</sup>

Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида яшаб ўтган Охунжон қори Муҳаммад Ёқуб ўғли (ваф 1974) марғилонлик тасаввуф шайхи Абдулкарим Калон Ҳазрат ҳақида маълумот берар экан, у зотнинг: *"Ат-тариқату куллуҳа одобун"*, яъни, *"Тариқатнинг йўли бошидан охиригача фақат одобдир"*, мазмунидаги сўзларини келтириш орқали ўша давр уламоларини одоб-ахлоқ меъёрларига қаттиқ эътиборли бўлганига ишора қилади.<sup>186</sup>

Хожажон Хожани қозихонада хат ишларини бажарувчи мирзолик вазифасига ўтди, деб айтдик. Навоий ҳазратлари, мирзо – котибларни сўз хазинасининг хазинадори, деб атайдилар ва хазина эгаси омонатдор шахсирки, хиёнат уларга мулақо мумкин эмас, дея таъкидлайдилар ва котиблик вазифаси ўта нозик эканидан, Навоий, агар котиб ёмон бўлса унинг қалам каби қора юзи қаламдонидек кўмилсин, дейишгача борадилар: *"Ямон котиб манзили қаламдонидек чоҳ аро бўлсун, қаламидек боши яро ва юзи қаро бўлсун"*.

*Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф ,  
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиг шикоф"*.<sup>187</sup>

<sup>184</sup> Муҳаммад Азиз Марғионий. Тарихи Азийий... 68-69-б.

<sup>185</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...3-б.

<sup>186</sup> Р. Файзуллаев кутубхонаси. № 1-йиғма жилд.

<sup>187</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб... 26-27-б.

Дарвокеъ, шу давр оралиғида "ўз даврига нисбатан жуда катта илмга эга бўлган" (М.Мадғозиев.) Рожий домла Марғилондаги кичикроқ бир мадрасада дарс беришга ҳам улгуради. Манбада кўрсатилишича, ана шу мадраса мутаваллилигини ҳам Рожийнинг ўзи бажарган: *"Дар як ошон дар маҳкуми худашон як мадрасани хурда, ки мутавалли ва мутасаддиси ҳамун мадрасаро қози домуллои мазкур"*.<sup>188</sup>

**Таржимаси:** Ўз маҳкумида (Тошмозор даҳаси кўзда тутилади) кичик бир мадраса (бўлиб) унда мутавалли ва мутасаддиси ҳам бир қанча вақтлар мазкур қози домла эдилар.

Мударрислар, уларнинг мақсад ва ниятлари нималардан иборат бўлиши ҳақида Навоий шундай ёзадилар:

*"Мударриснинг мақсади мансаб бўлмаслиги керак ва билмаган илмини айтмаслиги ва худнамо (ўзини кўрсатиш)лик учун дарс ҳалқасин тузмаслиги ва гапирмаслиги керак. Жоҳилликдан бошида катта салла, мадраса айвони унга фахрланиши жойи бўлмаслиги керак. Диний илмларни яхши билиб, масала таълим бериши керак. Бебок (лоқайдлик)дин қўрқсин, нопокликлардин қочсин. Аксинча, ўзини олим билиб, неча кишиларга анвои фиқҳ (турли бузуқликлар)ни мубоҳ, балки ҳалол қилгай. Қилмас ишларни қилмак андин содир бўлгай ва қилур ишлар тарки андин қоида ва расм бўлгай. Бундай кимса, мударрис эмасдурким, балки мубтадиъ – бидъатчи, адашган кимсадур ва шундоғ кишининг суҳбати эса ман қилингандур"*.<sup>189</sup>

### **Мирзоликдан қозиликка**

Хожажон Хожа Рожий қозихонада бир муддат мирзолик вазифасини бажаргач Тошмозор даҳасига қози этиб сайланади: *"Тошмозор даҳасида сайлов бўлса-бўлмаса ҳам худди меросдек Рожий қози ва саъзбошидур"*.<sup>190</sup>

<sup>188</sup> "Девони Ҳилолий" даги номаълум котиб қайди. ЎзФА қўлёзмалар инситути илмий ходими Абдувоҳид Шокировкада сақланади.

<sup>189</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб... 23-б.

<sup>190</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...8-б

Тарихчи Муҳаммад Азиз Марғилоний: "...Шул вақт Тошмозор даҳасига қозилик қилиб турган Хўжажон хўжа қози мазкур қозикалон домуллонинг олдиларидаги аълам ва муфтийларнинг бири эди. Ушбу замондаги қозиларнинг дурустроғи ва пешқадами шул кишидур. Ушбу одамлар хонларнинг вақтларида қалам ушлаб юртга хизмат қилиб, аралашиб юрган. Хўжажонхўжа фатво ишига моҳир эдилар," деб ёзган эди.<sup>191</sup>

Маълумотларда Рожий домла қозиликка сайланганида 34 ёшда экани айтилган. Демак бу Туркистон тупроғи Россия мустамлакасига айланишидан олдин, хонлар даврига тўғри келади. Бу даврда қозилар хон, амир ёки бошқа ҳудудий бирлик бошлиқлари томонидан тайинланганини инобатга олсак, Рожий қозиликка шаҳар беклиги тарафидан сайлангани маълум бўлади. Буни Муҳаммад Азиз келтирган: "Ушбу одамлар хонларнинг вақтларида қалам ушлаб юртга хизмат қилиб, аралашиб юрган",<sup>192</sup> деган сўзи ҳам тасдиқлайди.

Тарихдан маълумки, Худоёрхон даврида Марғилонда тўрт даҳа мавжуд бўлиб у ерда шариат қозилари ва аъламлар хизмат қилишган. Қаландархона, Сафилтўда, Тошмозор, Машҳад деб номланган мазкур даҳалар таркибида 200 дан ортиқ маҳаллалар мавжуд бўлган.<sup>193</sup>

Фиқҳий китобларда қозиликка тавсия этилган шахсдан талаб қилинган шартларга эътибор қаратсак, бу вазифага ҳар ким муносиб бўлавермаслигини англаймиз: "Табйин ул-ҳақойиқ" да шундай дейилади:

"Қозиликка тавсия этилган шахс аввало, ақли комил бўлиши, етукликка эришган бўлиши, кўзи ўткир, нутқи равон ва шу билан бирга бирор шаръий жиноят қилиб, ҳад урилмаган – жазо қўлланилмаган бўлиши шартдир. Бинобарин, мажнун, ёш бола, номусулмон кимса, қул, аъмо ва ҳад урилган (шариат қошида ман қилинган ишларни қилиб, унга жазо қўлланган)

---

<sup>191</sup> Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийий...68-70-б.

<sup>192</sup> Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийий...70-б.

<sup>193</sup> Губаева С. С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. – Т.: "Фан", 1983. С.23.

кишиларнинг қози бўлиши мумкин эмас. Чунки, бу улкан омонат бўлиб, у моллар ва шахсларнинг омонатидир, бинобарин, уни фақат тақво ва парҳезда комил кишигина адо қила олади. У одамлар билан муомала қилиш илмини билиши, одил ва парҳезкор бўлиши, нафсини тамаъдан сақлаган бўлиши керак. Ҳатто қози ҳалол-ҳаром ва бошқа аҳкомлар илмини билишда ижтиҳод мартабасига етган бўлиши керак, дейилган.<sup>194</sup>

Алишер Навоий ҳам "Маҳбуб ул-қулуб"да қозилар зикрини қилар эканлар, уларни: "Қози Ислоом биносиға аркон (устун)дур ва мусулмонлар хайр ва шарриға нофизи фармон (ҳукми ўтувчи)дир. Майли (хоҳиши) шахсий замири кишваридин (шахсий манфаатларидан) мутаворий (узок) ва мудохана таррори мулоямати (тилёғламалик ва хушомад)дин соф, кўнгли орий (тўқ бўлиши керак). Маҳкамаси мазхани улуми шаръия (қозихонаси шаръий илмлар кони) ва ҳукм қилурида ошною бегона анга савия (баробар). Илму тақвосидин кўнгулларда шуқуҳ ва дикқат, фиросатидин бедиёнатлар кўнглида андуҳ" (бўлиши керак), дейдилар.<sup>195</sup>

Ўта масъулиятли бўлишига қарамай, Рожий домлани қозилик вазифасини қабул қилиши, ўзгаларга яхшилик қилиш, улар ҳожатини енгиллатишга бўлган рағбати билан изоҳланиши мумкин. Чунки у мирзолик пайтидаёқ қозихонага келаётган турли даъвогарлар, хусуматчилар, умуман ҳожат эгаларининг аҳволларини яқиндан кўриб-билган ва улар билан яқиндан танишган. У ўзи ёзганидек:

*Ғамдин улус аҳли эмасдур нари,  
Чашимай саъд ахтарийдир ҳар бири.*

Бу эса уни улар ҳожатини енгиллатишга, жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришга ундаган. У баъзи баёзларида адолатга оид лавҳаларни қайд этиб боргани ҳам шундан. Чунончи, у шайх Саъдийнинг Гулистон китобидан қуйидаги ҳикояни келтиради:

<sup>194</sup> "Табйин ул-ҳақойиқ шарҳу канзуд дақойиқ" ... 12-ж, 55-б.

<sup>195</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб... 20-б.

### Аллоҳдан бўлак суянчиги йўқ

Яки аз мулукиро маразий ҳоил бувад ки иодати зикри он нокардон авло. Тоифаи ҳукамои Юнон иттифоқ кардандки мар ин ранж ро давоий нест. Магар захраи одамий ба чандин сифат мавсуф. Бафармуд то талаб карданд. Деҳқон писари ёфтанд бадон сифатки ҳукамо гуфта буданд. Падараи ро бахонд ва ба неъматии бегарон хушнуд. Ва қози фатво дод ки хуни яки аз оҳоди раият рехтан саломатии нафси подшоҳ ро равост. Жаллоди қасди куштани кард. Писар сар сўйи осмон кард ва табассум кард. Малик пурсид ки дар ин ҳолат чи жойи хандид аст? Гуфт: Нози фарзандон бар падар ва модар бошад ва ҳукумат бар қози баранд ва дод аз подшоҳ хоҳад. Акнун падар ва модар баиллати хутоми дунё маро бахун дар сепурданд ва қози ба куштаним фатво дод ва подшоҳ розий шуд ба рехтани хунам. Дар ин ҳол жуз Худойи паноҳ нест.

Султонро азин суҳан дил баҳам баромад ва об дар дийда багардонед ва гуфт: Ҳалоки ман бегарон дод ва озод кард ва гўянд ҳам дар он ҳафта шифо ёфт.<sup>196</sup>

**Тарҷимаси:** Подшоҳлардан бири ёмон касалликка чалинди. Юнон ҳақимларидан бир жамоаси иттифоқ қилдиларки, бу дардга илож йўқдур. Фақатгина бир қанча сифатларга эга одамнинг ўти шифо бўлур. Подшоҳ шундай кимсани топиб келишга буюрди, улар бир деҳқоннинг боласини топиб келдилар. Ота-онаси катта мол эвазига бунга рози бўлдилар. Подшоҳнинг саломатлигини сақлаб қолиш учун фуқародан бирининг қонини тўкиш жоиз, деб қози фатво берди.

Жаллод уни ўлдириш учун олиб келганда бола осмонга қаради ва кулди. Буни кўрган подшоҳ сўради: "Бу ҳолда кулиш ўрни эмас. Нима учун куляпсан?" Бола деди: "Болаларнинг нози ота-онасига, даъвоси қозига бўлар эди. Адолатни эса подшоҳлардан талаб қилинур эди. Энди ота-онам дунё матои сабаб мени қонга топширдилар. Қози эса мени ўлдиришга фатво

<sup>196</sup> Саъдий Шерозий. Гулистон. Нашрга тайёрловчи Сайфиддин Сайфуллоҳ. Тошкент, "ФАН" нашриёти, 2005, 14-б.

берди. Подшоҳ ўз сихҳатини мени ҳалокимда кўрди. Бу суратда менга Аллоҳ таолодан бўлак бир суянчиқ йўқдир".

Подшоҳ бу гапдан қаттиқ таъсирланди, кўзи ёшга тўлди ва деди: "Бир бегуноҳнинг қонини тўкмоқдан мени ҳалок бўлганим яхши". Боланинг боши-кўзини ўпди ва ўз бағрига олиб, ҳисобсиз ҳадялар бериб озод қилди. Айтишларича подшоҳ ўша ҳафтада шифо топган экан".<sup>197</sup>

Маълум бўладики, табиатида қийналган кишиларга яхшилик қилиш, уларни оғирини енгил қилиш, ҳожатини битказиш каби эзгу ишларга рағбатли бўлгани учун ҳам Рожий Домла бу вазифани розилик билан қабул қилган. Акс ҳолда уни бу каби машаққатли вазифага унчалик рағбати бўлмаганини асарларидан маълум:

*Қазони кулфатига тўймагани,  
Қачон ғам жонидан тўйдирмай ўтди.*

*Либоси ориятни остинидин,  
Ажал тортиб қачон суйдирмай ўтди.*

Яъни, қозиликнинг кулфатига тўймаган кишини ғам жонидан тўйдирмай қўймаганми? Ёки, кийган омонат либосларини ечиб олиш учун этагидан ажал тортмаган бирор кимса борми?

Марғилонда ота-боларидан тортиб узоқ йиллар қозилик мансадида шойиста хизмат қилган Усмон хўжа аълам шаънида айтган ушбу сўзларидан Рожийнинг қозилик вазифаси қорибори ташвиш эканини жуда яхши билгани, бироқ айтилганидек, ўзгаларга яхшилик қилишга бўлган рағбати уни бу вазифани қабул қилишига сабаб бўлганини англаймиз. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Қим қозилик мансабини сўраса уни ўзига юклабди, кимга уни мажбур берилса, унга уни тўғрилаб турадиган бир фаришта туширилади", – деганлар.<sup>198</sup>

<sup>197</sup> Муфаззал маҳдум мажмуаси...81-б.

<sup>198</sup> Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ан-Найсобурий. "Ал-Мустадрок ала-а-саҳихайн"...16-ж, 343-б.



Рожий домла қозилик мансабига сайланганидан кейин халқ орасида "Хожажон қози" номи билан машхур бўлади. Бу ҳақда Пўлотжон Домла Қайюмий шундай ёзади: *"Узоқ вақтлар Марғилон шаҳарига қози бўлиб турганидан Мулла Хўжажон қози деб маъруфдур"*.<sup>199</sup> Зокиржон Фуркат эса "Марғилон шаҳрининг қози калони", – дея таърифлайди. Маълум бўладики, Рожий домла қози калон вазифасига қадар кўтарилган.

Хожажон қози қозиликка сайлангач, Тошмозор даҳасидан Қозигузар маҳалласида жойлашган қозихонага кўчиб ўтади. Унинг ёнида бир неча қозилар, мирзолар биргаликда хизмат қилишади. Унинг Маржонқиз бой мадрасасида яшаб, ёлғизликда умр кечирган Абдужалилхон исмли хушхат котиби борлиги ҳақида Рожийнинг набираси Валихон Махсумов: "Қози дадамнинг Абдужалилхон исмли жуда хушхат мирзолари бор эди", – деб эслаган эди.<sup>200</sup>

Хожажон қозини қозихонага мунтазам қатнашини ўз кўзи билан кўрган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор А.Муҳаммадиев шундай хотирлайди:

*"Мен ёшлигимда Рожий домуллони кўп кўрганман, у киши ўзининг қозихонасига бизнинг маҳалламиз орқали икки гилдиракли кичик извошида ўтар эди. ...Адолатли қози бўлгани учун халқ ўртасида катта обрў ва ҳурматга эга бўлган"*.<sup>201</sup>

Энг қизиғи, аллома фикҳ илмининг чуқур билимдони, адолатли қози сифатида тез орада Марғилон қозиларининг ҳаками, ҳатто Марғилон, Андижон, Наманган, Ўш, Хўжанд қозилар "Саёзи" (сьезди) раиси мартабасигача кўтарилади.

Тарихдан маълумки, 1889 йилдан бошлаб Туркистонда волост, уезд ва вилоят қозиларининг съезди бўлиб турган.<sup>202</sup>

М.Мадғозиевнинг ёзишича, Хожажон Хожа гарчи Марғилон шаҳрининг қозикалони, деб аталса-да, амалда бутун

<sup>199</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 321-б.

<sup>200</sup> Мазкур маълумотни М.Мадғозиев 1972 йил 15 июл куни ёзиб олган. М.Мадғозиев. "Рожий Марғионий ва унинг поэтик маҳорати"... 46-б.

<sup>201</sup> А.М.Муҳаммадиев. Шоир ҳақида хотираларим "Коммуна" (Фарғона вилоят) газетаси, 20 июн 1968 йил, 127 сон.)

<sup>202</sup> Муҳаммад Азиз Марғионий. Тарихи Азийий... 68-б.

Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилоятидаги Бош қозиси ҳисобланган. Вилоятнинг катта-кичик шаҳар ва туман қозилари қозикалонга тобеъ бир мақомда бўлиб, Рожий водий қозиларининг саъз (съезди)га раислик қилиб турган.<sup>203</sup>

Хожажон Хожа қози этиб сайланган вақтидан бошлаб унинг серташвиш ва машаққатли фаолияти бошланади. Чунки у шу зайлда бира-тўла халқ ичига кириб кетади, бошқача айтганда, уларнинг ҳаётий муаммоларига, турли арзу ҳолларига ўз бағрини очиб беради. Унинг ҳузурига бою камбағал ҳам, олиму оми ҳам, соғу касал ҳам, фосиқу фожир ҳам, дардманду бедард ҳам хуллас, аҳолининг барча қатламига мансуб кишилар ўз қазо – маҳкама иши бўйича мурожаатга келган. Рожий қози сифатида уларнинг ҳар бирини тинглаган, керакли маслаҳат ва тавсияларни берган. Бошқача айтганда, уларнинг дарди ва шодлиги билан яшайдиган, улар билан бирга нафас оладиган олижаноб кишига айланади. Энг қизиғи, у ўзгаларнинг ғамташвишлари, шодлигу хурсандликларини уларни ўзининг дарди ва шодлиги тарзида қабул қилиши эди.

Таажжубли ери шундаки, Хожажон қози катта сабр-тоқат ва бағрикенглик талаб қиладиган ушбу вазифани шараф билан адо қила олди ва бу давр мобайнида барчага мақбул ва манзур бўлди. Фарғоналик Мулла Олим Туркистон вилояти газетининг 1911 йил 16 июн 44 сонидан берган бир мақоласида ёзишча, Рожийдан: *"...хоҳ раият хоҳ ҳокимлар баробар рози бўлган... Шул тариқа ахлоқи ҳасаналари сабабдин ўттуз қирқ йилдин буён муттасил қозилик лавозимида туруб ҳаммага баробар мақбул зот эканлар"*.<sup>204</sup>

Таъкидлаш жоизки, Хожажон қози домла гарчи серташвиш қозилик фаолияти билан шуғулланган бўлса-да, мазкур вазифадан ажрамаган ҳолда мустақил ижод билан ҳам шуғулланиб кенг мушоҳадали асарлар яратади. Унинг жамиятнинг турли табақаларига мансуб кишилар билан

---

<sup>203</sup> Хожажон қози Рожий Марғинович. Ҳайрат ул-инсон. Нашрга тайёрловчилар Муҳаммадҷон Мадғозиев, Икромиддин Остонақулов, Азиз Остонақулов. "Адиб" нашриёти, Тошкент – 2012. 123-б.

<sup>204</sup> Туркистон вилояти газетаси. 1911 йил 16 июн. № 44.г 1-2-б.

мулоқоти асарларига мавзу вазифасини ўтаган. Бинобарин, асарларининг асосий қисми мавжуд ижтимоий воқеъликдан келиб чиқиб ёзилган бўлиб, уларда жамиятда бўлаётган у ёки бу ходиса, ё бирор муҳим воқеа ифодаланганини кўрамиз. Мазкур асарлар унинг дунёкараши, эътиқоди ва шахсий кечинмаларини англашда ҳам аҳамият касб этади.

Худди шунингдек, Рожийда ҳам халқнинг ўзи кузатган турли аҳволлари кўлига қалам олишга мажбур қилганини хулоса қилиш мумкин. Шундай қилиб, узоқ йиллик тинимсиз изланиш ва ижод натижасида Рожий Домла ҳар бир фаннинг, жумладан, илми нужум, қасида, шеърят ва табобат илмларининг нозик жиҳатларигача ўзлаштирган моҳир алломага айланади. Бу ҳақда Пўлотжон Домла Қайюмов шундай ёзади:

*“Соҳиб басорат ва дониш хирад илмий даража жиҳатидан маҳсулан, шариат тариқат ва ҳар бобда жавобга ҳозир эдилар. Нужум, кавокиб, қасида ва бошқа фанну фунун, тиббий ва ҳоказоларда мақташ ҳожати йўқдур.”*<sup>205</sup>

Рожий домланинг ниҳоятда билимдон экани, ўз даврининг мавжуд илмларини тўла эгаллаган олим экани бир қанча манбаларда қайд этилади. Алишер Навоий номли кўлёмалар инситути собиқ илмий ходими марҳум Абдувоҳид Шокиров шахсий кутубхонасида сақланувчи “Девони Ҳилолий” китобининг ички муқовасида номаълум котиб тарафидан битилган қуйидаги қайдлар бу борада эътиборга молик:

*“Тарихи санайи ҳижрийя як ҳазору се саду сию ду буд ки дар шаҳри Марғион дар маҳаллаи Кавак қайрағоч як олими нек фаҳом дар овони худ муқтадои хосу ом, дар Марғион қози буда умр гузаранида буданд. Номи нек Домла Хожажон қозии Марғионий мулаққаб ба Рожий будаанд. Чунки жомеъи тамоми улум буданд. Хусусан, дар боботи ашъор фариди замон буданд. Дарвоқеъ, ҳўб табъи равон буд”.*<sup>206</sup>

**Таржимаси:** Тарих минг уч юз ўттиз иккинчи (1332) санада Марғионон шаҳрининг Ковак қайрағоч маҳалласида юксак

<sup>205</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 321-324-б.

<sup>206</sup> “Девони Ҳилолий” Абдувоҳид Шокиров шахсий кутубхонаси.

фаҳмли бир олим яшаб, ўз даврида хосу омнинг муктадоси бўлган, Марғионда қозилик билан умр ўтказган. Номи шарифи Хожажон қози Марғионий бўлиб, тахаллуси Рожий эди. Зеро у зот барча илмлар эгаси бўлиб, хусусан, шеърият бобида замон ғонаси ва таъби хўб равон эди.

Муфаззал махдум шундай ёзди:

*Ҳар хонақоҳ сулуку тақвода кўп эшонлар,  
Ҳар масала сўзида берган баён эдилар.*

*Форсий, араб сўзида туркийда кўп латифа,  
Олий илм, ҳавосиз шеъри маъон эдилар.<sup>207</sup>*

Дарҳақиқат, Рожий ўз даврида шеърият соҳасида ҳам бетакрор маҳорат ҳосил қилган эдики, унинг асарлари, назмий маҳорат, услубий гўзаллигидан ташқари, унда олға сурилган ғоялар ва фалсафий мушоҳадакорлиги билан замондош шоирлар асарларидан кескин ажралиб турган.

Рожий домланинг бир томондан ижтимоий адолат меъёрларига мувофиқ фаолият олиб бориб адолатли қози бўлиб танилиши, бошқа томондан илмий-ижодий фаолиятида юксак маҳорат касб қилиши нафақат маҳаллий аҳоли орасида, зиёлилар, тариқат шайхлари, дин уламолари ўртасида ҳам мавқеини кўтариб юборади. Унинг юксак фазилати, илмий ва касбий маҳорати, жамият ҳаётида тутган мавқеини замондошлари бирдек эътироф этганлар. Уларнинг таъкидлашича, Хожажон қози замонасининг муртози, яъни ҳамма ундан рози бўлган кишиси эди.<sup>208</sup> Чунончи, Рожий вафот этгач, унга бағишлаб ёзилган марсия-таърихларда “зубдайи олам” (“оламнинг сараси”) “ичи маъне билан семирғон”, бошқа бир манбада “жомеъи тамом улум буда” (“барча илмларни ўзида жамлаган”) каби таърифлар билан бирга

<sup>207</sup> Шеър матни М.Мадғозиев кутубхонасида сақланади.

<sup>208</sup> Хожажон қози Рожий Марғионий. Ҳайрат ул-инсон...123-б.

“дар боботи ашъор фариди аср буд” (“шеърият бобида асрининг ягонаси эди”), деб қайд этилган.<sup>209</sup>

Қозилик мансабида қирқ йилга яқин фаолият олиб борган Рожий Марғинович ҳижрий 1324, милодий 1906 йилда муборак ҳаж сафарига бориши олдидан ушбу вазифани ўғли Абдулазизга топшириб кетади. Буни унинг қуйидаги таърих шеъри тўлиқ тасдиқлайди:

*Ба Абдулазизам бигуфтамки: "Хез,  
Нишони қазоро зи ман гир тез",  
Гирифту бигуфтам ба таърихи ў:  
"Ба жойи падар Қози Абдулазиз."<sup>210</sup>*

**Таржимаси:**

*Абдулазизимга дедимки: "Бўл тез,  
Қозилик нишонин мендан ол тез.  
Олди-ю таърихин мен айтдим шундай:  
"Отасин ўрнида Қози Абдулазиз"<sup>211</sup>*

Мазкур маълумотни Пўлотжон Домла Қайюмий ҳам тасдиқлайди: *"Узоқ вақтлар Марғилон шаҳарига қози бўлиб турганидан Мулла Хўжажон қози деб маъруфдур. Кексайгач, бу вазифани ўғуллари бўлмиш мулла Абдулазизга топширган. Бу топширишида бир таърих дейилмишидур: "Ба жойи падар қози Абдулазиз" демиш. Шул таърих бўлиб тушмишидур. Тоғжик тили ила "Ба жойи падар қози Абдулазиз" деган гап абжад ҳисоби ила кўрулганда, ҳижрий ила санаи 1323-24 нчи йил бўлуб, милодий ила 1906 нчи йилга тўғри келадур. Демак шул йилда қозилиқдан тушган".<sup>212</sup>*

Бундан ташқари, Рожий домла мазкур сафар олдидан фалсафий маънолар ифодаланган рубоий ёзгани ҳақида Туркистон вилояти газетасининг 1913 йил №30 сонидан берилган фарғоналик мулла Олимнинг мақоласида шундай дейилади:

<sup>209</sup> Девони Ҳилолийнинг чопа девонининг ички жилдига қора қамиш қалам билан битилган қайдлардан. (Абдулвоҳид Шокиров қўлида сақланаувчи китоб.)

<sup>210</sup> Шоирнинг ўшлик набираси Валихон Махсумов дафтари. №1. 19-б.

<sup>211</sup> Таржима М.Мадғозиевники.

<sup>212</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 321-б.

"...Лекин ул жаноб ҳажга ният қилиб, белат олган вақтларида бир рубоий машқ қилиб, ёднома қолдириб кетган эканлар, ул рубоий манзуриим ўлиб, табаррукан ушбу жойга ёздим, ушбу экан:

*Рухсат ба сўйи Батҳо, белат гирифта рафтам,  
Сарро зи зарби мансаб бе лат гирифта рафтам,  
Кардам даво дави чанд, он давлати қазо буд,  
Белат кунун бо як ду белат гирифта рафтам.*<sup>213</sup>

### **Таржимаси:**

*Рухсат олиб Батҳога белат олибон кетдим,  
Мансаб зарбидан бошим бе лат олибон кетдим,  
Қозиликда ҳаволаб кўп елдим у югурдим,  
Энди бу икки латдан бе лат бўлибон кетдим.*<sup>214</sup>

Рожий қозилик вазифасини топширганидан кейин у ҳақида ёзилган қайдларда ўз-ўзидан бунга ишора қилиб ўтилган. Масалан, кувалик Солиҳ хожи исмли киши Бухоро шаҳрининг муфтийси Домулло Абдурраҳим охунд ҳожига ёзган мактубида Рожий ҳақида сўзлаб: "... Хожажон қози "қозиюл маъзул", яъни, қозилик лавозимидан туширилган қози, деб тилга олади."<sup>215</sup>

Шунингдек, Мелиоранский академик В.В.Бартольднинг шу йилларда Рожий Марғинович билан учрашиб, ундан турли маълумотлар олиб келгани ҳақида сўзлаб, уни "бывший казы", яъни "собиқ қози" деб атаган.<sup>216</sup>

Айтиш ўринлики, Рожий муборак ҳаж сафарига боришга мўмин сифатида ташна бўлган. Мулла Олим юкорида тилга олинган мақоласида бу ҳақда "Бутқул ҳарами шарифда қолмоқ ниятлари бор экан...", деб ёзади.<sup>217</sup> Жоиз бўлса, у айнан ўша муқаддас заминда вафот топишни умид қилган.

<sup>213</sup> Туркистон вилояти газетаси. 1913-йил, №30 сон.

<sup>214</sup> Таржима М.Мадғозиевники.

<sup>215</sup> Шоир Надимий Қубогий архиви. М.Мадғозиев кутубхонаси. 1-жилд.

<sup>216</sup> П.Мелиоранский. Документ Уйгурского письма Султана Омер-шейха. Записки Восточного отделения Императорского русского археологического общества. Петербург, 1906, т. XVI стр. 1.

<sup>217</sup> Туркистон вилояти газетаси. 1911 йил 16 июн. № 44. г 1-2-б.

Имом Табароний "Мўъжам ул-кабир"да келтирган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Сизлардан ким Мадинада ўлишга қодир бўлса, ўша ерда ўлсин. Мадинада вафот этган кишига қиёмат куни шафоатчи бўламан".<sup>218</sup>

Имом Байҳакийнинг Анас ибн Молик р.адан қилган ривоятида эса: "Ким икки ҳарам – Макка ва Мадинада вафот этса қиёмат куни хотиржам кишилар қаторида тирилади", – деганлар.<sup>219</sup>

Булардан ташқари, Мадинага Дажжол ва вабо касали кирмаслиги, Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина ва унинг аҳллари молига барака тилаб дуо қилганлари ҳам ҳадиси шарифлардан маълум.

Рожийнинг Макка ёки Мадинада вафот топишга бўлган умиди унинг айни икки муборак манзилда вафот этган кишилар ҳақида ҳавас билан айтган сўзларидан ҳам билинади. Масалан, Тожикистоннинг Хўжанд вилояти қозиси Бузрукхожа қози 1901 йилда ҳаж ибодатини адо этиш учун Маккайи Муқаррамага боради ва у ерда вафот этади. Шу муносабат билан ёзилган таърихда Рожий шундай дейди:

*...3-анжоми ҳаёти Қози Бузрук,  
Осори саодаташ мубинаст.*

*Бо тарки амал гариб мурда,  
Дур аз ватану ба Ҳақ яқинаст.*

*Мадфун шуда жаннатул муъалло,  
Бо мағфирати Худо қаринаст.*

Яъни, Қози Бузрукнинг ҳаёт асбоби унинг бахтиёр эканини намоён қилди. Амал ишини тарк этиб узоқларда вафот этди, бироқ ватандан йироқ бўлса-да, Ҳаққа яқин бўлди.

<sup>218</sup> Сулаймон ибн Аҳмад Табароний "Мўъжам ул-кабир". Мактабат ул-улум вал ҳикам. Мусил, 1404/1983. 18-ж, 63-б.

<sup>219</sup> Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Али Абу Бакр ал-Байҳакий. "Шуъаб ул-имон". Дорул кутубул илмийя. Байрут, 1410. 2-ж, 146-б.

Жаннатул муъалло қабристонни (Маккадаги қабристон)га дафн қилинди ва Парвардигор мағфиратига соҳиб бўлди.

1309/1891 йилда марғилонлик саййид авлодларидан мулла Саййид Аҳмадхон қози Юсуфали хожа ўғли ҳажга бориб Макка шаҳрида вафот этади ва Жаннатул муъалло қабристонига дафн қилинган марҳум вафотига бағишлаб араб тилида ёзган марсиясида Рожий шундай дейди:

*Важжаҳа бил эътиқоди Батҳоа Уммис суод,  
Фи ашрафил билоди бил ижтиҳоди вал кадд.*

*Фий мажмаъил кироми қод мота бис сиқом,  
Ал-она байнал иъзоми фи қуббатиҳи юлҳад.*

Яъни, Саййид Аҳмадхон қози чин эътиқод ва жидду жаҳд билан шаҳарларнинг шарафлиси ва "Умму суод" Батҳоси – Маккага ҳаж қилмоқ учун юзланди. Бироқ у ерда улўғлар даврасида беморликдан вафот этди. Энди у бузруклар орасида лаҳадда ётибди.

Айниқса, унинг бу икки муқаддас манзилга бўлган муҳаббати Марғилоннинг Машҳад даҳасида яшаган тариқат шайхи Бузрукхон қози ҳақидаги таъриҳида ёрқин ифодасини топган. Унда айнан марҳумни Мадинада Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам равзалари ёнида у зотга қўшни бўлиш шарафига эга бўлганига урғу берилишидан ташқари, "муқаддас тупроққа кўзини суртиш, унинг юзини кўриш учун шавқ билан қанот қоққани" ҳам тилга олинади:

*...Зи домгоҳи тааллуқ парид фориг шуд,  
Ҳавойи Ясрибу Батҳо гирифт зуд тайрон.*

*Ба сурмасойи гардаш парид чашми умид,  
Нигоҳ ба шавқи висолаш чу буд бол оташон.*

*Тавофи хона намуду ба гирди равза бимурд,  
Ҳазор хонаи дил шуд ба марги ў вайрон.*

*Чу дид Бобус салому бо остона расул,  
Салом кард ба Доруссалому зад жавлон.*



*Ниҳода мурдаи ўро мунодийи мегуфт,  
Ба гирди равзаи поки расули фаҳри жаҳон.*

*Бурида роҳи баъиду расидаст саъид,  
Ба дарки ту амимун-наволу зил эҳсон.*

*Ба рўйи гарди мазаллат наштастаю инак,  
Ба хоки ҳуфта гадое фақри бесомон.*

*Ба шустан омада гирдаш ба замзами ту хафир,  
Ҳаёт жушта на рафт ў бачаишмаи ҳайвон.*

*...Супурд жисми мутаҳҳар ба турбати Ясриб,  
Бибурд руҳи мунаввар ба равзаи ризвон.*

Яъни, Бузрукхон қози бу тааллуқ тузоғидан озод бўлиб, Маккаю Мадина осмонига қараб учди. У умид кўзини муқаддас тупроққа суриш, унинг юзини кўриш учун шавқ билан қанот қоқарди. Ҳа, унинг покиза жисми Мадина туфроғида қолди, мунаввар руҳи эса равзайи ризвон – жаннатга кетди.

У муборак ҳаж амалларини бажариб, Пайғамбар қабри атрофида ўлим топди, бироқ, минглаб дил уйлари унинг ўлиmidан вайрон бўлди. У гўё Расул остонасида Бобус салом (жаннат) дарвозасини кўрди ва салом бериб, у ерга жавлон қилди. Бу сайид зот узоқ йўлларни босиб етиб келди ва бу ерда Ҳақнинг неъматига эришди. Бу йўлда унинг юзида хорлик-машаққат гарди қўнган кўйи бечора гадоё каби тупроқ остида ётибди.

Уни замзам сувида ювдиларки, гўёки у сув Хизр ахтариб топа олмаган тириклик суви каби эди. Унинг жасадини фаҳри жаҳон бўлмиш Расул алайҳиссаломнинг пок равзаси атрофида қўйилди.<sup>220</sup>

Мазкурлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Рожий суюкли Пайғамбари яшаган ва у зот дафн қилинган покиза шаҳар Мадинаи Мунавварага муҳаббати юқори бўлган. Дарвоқеъ, Рожий Мадинаи Мунаввара таърифида шундай бир асар яратган

<sup>220</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий ва М. Мадғозиев ҳамкорлигидаги таржима.

эдики, унда ўзининг Мадинага бўлган самимий муҳаббати гўзал сатрларда баён қилган. Жумладан, унда:

*Жоруби ба мужгон кун аз дидаи об,  
Дар боргоҳи ақдас аълои Мадина.*

Яъни, киприкларимни супурги қилиб кўз ёшларимни сепиб, ўшал муқаддас даргоҳ остонасини супурсам дейман, мазмунидаги гўзал сатрлар борки, бундан унинг муҳаббати шунчаки эмаслигини англаймиз. Рожийга кўра ҳатто Мусо алайҳиссалом Тури Сийнода ҳушидан кетиши Мадинанинг жилвасидан бўлган дейди:

*Мусо шуда беҳуд магар афрухта ба Тур,  
Нур аз жиҳати Тур бажилойи Мадина.*

Яъни, Тури Сийнода ҳушидан кетган Мусо алайҳиссалом ҳам аслида Мадинанинг жилосидан ўзидан кетган эди.

*Исоки дамаи муҳийи амвоти жаҳон шуд,  
Бувад ин ҳама иъжози Масиҳойи Мадина.*

Яъни, Исо алайҳиссалом ўликларни тирилтирган бўлса, унинг бу нафаси ҳам асли Мадина соҳиби нафасининг баркасидандир.

*Бар арши агар фарши кунад ноз ажаб нест,  
Дарад шараф аз мазжаъи мавлоийи Мадина.*

Яъни, фаразан, аршга Мадина мавлоси шарафига ноз тўшагини ёзилса тажжубли эмас.

У Мадинага шунчалик ташнаки, Хизр алайҳиссаломнинг ҳаёт сувига ҳам ҳожати йўқ. У Мадина мавлосининг кафтидан сув ичса бас:

*Бо чашмаи ҳайвони Хизр кор надорим,  
Мо ташнаи аз каффи суқоти Мадина.*

Яъни, Хизрнинг тириклик сувини нима қиламиз, ахир биз Мадина соқийларининг қўлидан сув ичишга ташнамиз. Ёки:

*...Аз баҳри жилойи ба сарам қаҳли жавоҳир,*

*Гардест бас аз соҳати саҳрои Мадина.*

Яъни, кўзимизга сурма керак эмас, бизга Мадина саҳросининг гарди етарлидир.

Энг қизиғи, Рожий Мадинага бўлган муҳаббат барча мўминлар қалбида мавжуд эканига шубҳа қилмайди ва бу борада шундай хулоса чиқаради:

*Дар даҳр киро нест таманнойи Мадина,  
Мўмин бадали жон ҳама жўйои Мадина.*

Яъни, дунёда бирор киши йўқки, Мадинани орзу қилмаса, мўмин банда жонини ҳам Мадинага бадал қила олади. Чунки:

*...Дар маширку мағриб бувад аз мўмини содиқ,  
Дорад ба жигари доғ зи савдойи Мадина.*

Яъни, содиқ мўмин мағриб ё машрикда бўладими, жигарида Мадина савдосидан доғ бордир.

Албатта,бу каби қайноқ ва эҳтиросли сатрларни ўқиб унинг ишқи ва муҳаббатини англамаслик мумкин эмас. Биз бу ҳақда яна тўхталамиз.

Бир нарсани айтиш ўринлики, Рожий Маккаи Мукаррамага ҳаж ибодатини адо қилиш учун боргач, айтилганидек, имкони бўлса ўша ерда қолишни ният қилади. Бироқ кунларнинг бирида туш кўради. Тушида Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: "Эй Хожажон, сени тупроғинг бу ерда эмас, сен юртингга кетишинг керак!", – деганларини эшитади. Уйғонгач, ватанга қайтиш ҳаракатини қилади ва агар мени бу ерда қолишим имкони бўлмаса, мендан бир асар қолсин, деган маънода озиқ тишидан бирини суғуриб у ердаги Жаннатул бақий қабристонига кўмади ва куйидаги байтни айтади:

*Кандаму дар мадфани покон дар афкандам ба зўр,  
Дар бисотам буд ..... як дандони зўр.<sup>221</sup>*

---

<sup>221</sup> Мазкур байтни ўтган асримизнинг етмишинчи йилларида Рожийшунос олим М.Мадғозиев Рожийни кўрган ва бирга суҳбат қилган кишилардан ёзиб олган. Бироқ, байтнинг иккинчи мисрасида баъзи сўзлар тушиб қолган.

**Таржимаси:** Хожажон, сени тупроғинг бу ерда бўлмаса, бу тишинг жаннатул бақиъда қолсин.

Савол туғилади. Рожий ҳаж зиёратидан қайтганидан кейин яна қозилик мансабига ўтирганми? Бундан кейин у яна ўн икки йил ҳаёт кечирган?!

Изланишлар шуни маълум қиладики, Рожий икки марта ҳаж зиёратига борган. Биринчи бориб келганидан кейин ҳам қозиликни топширмақчи бўлган. Бироқ бунга рухсат бермаганлар. Бу ҳақда Мулла Олим Туркистон вилояти газетасида берган мақоласида шундай ёзади:

*"Ўтган Ҳажжи шарифга бориб келганларидан кейин қози лавозимини адо қилмасликга ҳар чанд истеъфо қилсалар ҳам раият ва улуг ҳукуматдорлар илтижо ва илтимос айлагач, янгитдин қози лавозимини зиммаларига олибдурлар".*<sup>222</sup>

Аммо иккинчи марта бориб келгач, яна бу вазифага ўтирмаган. Энди унинг ҳаётида тамоман бошқа – хиссий ва руҳий ҳолат бошланган эди. У қалбида бу шарафли вазифасидан кўра афзалроқ вазифаларга эҳтиёж сезган эди. Гарчи у бунгача Исломдаги олижаноб хизматлардан бирини бажарган бўлса-да, энди дили руҳий ҳолат – маънавий камолот босчиқига мойил бўлган эди. Бу инсон ҳаётининг сўнгги босқичида кузатиладиган ҳолат саналгани ҳолда, Рожий каби маърифатли кишиларда бу жараён жуда кучли ва ғалаёнли кечиши табиий. Унингча, умрини "боби қазо" – "қозилик" билан ўтказгани уни рози қилмайди:

*Тугатдим дарсими боби қазоу фасли фатводин,  
Очарман ҳусну ишқ абвобини Юсуф Зулайҳодин,  
Кўруб нозу ниёз услубини Мажнуну Лайлодин,  
Ёзай дил сафҳасига ишқ имлоси-ла шайдодин,  
Муҳаббат дафтарин бир-бир ўқиб ёд айлайин дерман.*

Яъни, афеуски, ҳаётим дарсини қозилигу фатво иши билан тугатдим, энди фақат Юсуф ва Зулайҳолар каби ишқ

<sup>222</sup> Туркистон вилояти газетаси. 1911 йил 16 июн. № 44.г 1-2-б.

бобидан сўз очиб, Лайли-Мажнун каби нозу ниёз услубини кўллаб, дилим саҳифасига шайдолик имлосини ёзиб, муҳаббат дафтарини ёдлай дейман.

Энди унинг назарида “фано тариқи” – камолот йўлини ният қилган кишиларга дунёнинг бор матоси – шодлиғу ғамлари, пасту баландликлари оғир юк бўлиб кўрина бошлайди:

*Дашти фано тариқин азм айлагон кишига,  
Дунёни бу матои бори гарон эмасму?*

Демак, амният – ҳаловат истаган кимса ўзини бутунлай Ҳаққа бағишлаб, қалбини дунё алоқаларидан буткул холи қилиши керак, негаки, вайрона – дунё алоқаларидан холи бўлиш дорул омон – хотиржамлик ери эмасми?

*Амният истар эрсанг, тарк айла хонумонинг,  
Вайроналар ҳарими дорул омон эмасму?*

Бошқача айтганда, Рожий "рангу бақоси йўқ" "зоҳир чаман гули" дан кўра абадий "дил гулистон" и гулларини истамоқда:

*Зоҳир чаман гулининг рангу бақоси йўқдур,  
Ботин кўзин очиб кўр, дил гулистон эмасму?*

Рожий кўрқмасдан гулистон – дунёга ҳам бемалол хитоб қила олади, уни фоний эканини юзига сола олади. Чунки бундай дейишга етарли асоси борлигини ўзи яхши билади:

*Эй гулистон, ажрагойсан дастгоҳинг боридин,  
Ел адам сориға тортар сунбулингни торидин,  
Гул хазон япроғларидин айрилур – дасторидин,  
Ҳосилинг барбод экан, билдим, жаҳон гулзоридин,  
Ким келур ҳар дам фано боди билан тўфон иси.*

Бу ерда яна савол туғилади. У ўзи орзу қилган ушбу маънавий камолот босқичига эриша олдими? Ўзи таърифлаган ботин гулистони гулларидан тера олдими? Ҳа, эришганида ҳам кўпчилик ета олмадиган мақомга эришди. Биз бу ҳақда "Рожий Марғинович мутасаввиф" бобида батафсил тўхталамиз.

Рожий Марғиновичнинг оилавий ҳаёти ва фарзандлари ҳақида М.Мадғозиев унинг Фарғона шаҳрида яшовчи набираси Мория она Бадриддин қизи билан 1969 йил 15 ноябр кунги мулоқотида бир қатор маълумотларни аниқлаган эди. Унга кўра Хожажон Хожа дастлаб Меҳринисо исмли аёл билан турмуш қуради. У вафот этгач, Ҳамзапошшо исмли аёл билан оила қуриб, ҳар иккаласидан Саиджалолхон, Абдулазизхон, Маҳсумхон, Тожихон каби ўғиллари, Моҳирапошшо, Азизпошша, Улфатхон, Оминахон сингари қизлари бўлган.<sup>223</sup>

Саиджалолхон Рожий тириклигида вафот этган. Абдулазизхон, айрим маълумотларга қараганда, 1929 йилда вафот этган. Маҳсумхон ҳожи 1934 йилда вафот этган. Тожихон маҳсум 1923-24 йилларда фожиали равишда ўлдирилган.

Рожий домла Азизпошша исмли қизидан Кароматхон исмли қиз набира кўрганида қуйидаги таърихни ёзган. Унда исмнинг ўзи таърих бўлиб тушган:

*Навиштам баҳри таърихи далолат,  
"Кароматхон" набинат рўйи офат.*

**Таржимаси:** Унга ишора қилувчи бир таърих ёздим: "Кароматхон" ҳаргиз офат юзини кўрмасин!

Ҳозирда Рожий Марғинович авлодлари Марғилон шаҳрида, Қирғизистон республикасининг Ўш вилоятида, Саудия Арабистонида истиқомат қиладилар. Марғилоннинг Кавак қайрағоч маҳалласида Рожий яшаган хонадон ўтган асрнинг эллигинчи йилларида бузиб юборилган бўлса-да, ўрни ва боғлари сақланиб қолган. Маҳалла аҳли ҳозиргача, қози домланинг боғи, дея тилга оладилар. Қози Гузар маҳалласида эса Рожий фаолият олиб борган Қозиён масжиди яхши сақланиб қолган бўлиб, ҳозирда ундан маҳалла фуқаролар йиғини идора сифатида фойдаланиб келмоқда.

Рожий домланинг бизгача иккита, 1902 ва 1916 йилларда тушган сурати етиб келган бўлиб ҳар иккаласи ҳам шаҳар қозилари даврасида тушган суратларидир. Шоирнинг сурат-

<sup>223</sup> М.Мадғозиев. Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати"... 37-б.

қиёфаси ҳақида уни кўрганларнинг маълумотлари мавжуд. Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*"Рожий ариққина, бетлари чўзиқ, кулиб турган, завқ ва ёқимли, латофатда хуш гап, таҳрири каломнинг лаззатли нутқида қулдирувчи истеъдодли бўлган..."*<sup>224</sup>

Пўлотжон Домла Қайюмий Рожийни шундай таърифлайди: *"Қиёфалари: бетлари чўзуқ, кулуб турган (яъни кулар юзли) аҳволда, завқ-шавқли ҳикояларига бой, ҳар турли латифагўй, ашъори ҳажвга латофатли бир нодир ул вужуд фозил зот эди"*.<sup>225</sup>

Марғилонлик Авлиё Муҳаммадиев эса шундай хотирлайди: *"Мен ёшлигимда Рожий домуллони кўп кўрганман... У зотнинг сурат қиёфаси яхши эсимда, у узун бўйли, озгин, қорачароқ лекин хушсурат киши бўлиб, соддача кийинар эди. Кўп марталаб эшитувимча, Рожий домулло хушсуҳбат, ниҳоятда камтар киши бўлиб, ўша вақтдаги амалдорларга хос бўлган такаббурлик аломатлари сира-сира билинмас, қизик-қизик латифаларни айтиб суҳбатдошларини кўнглини кўтарар экан"*.<sup>226</sup>

Марғилон шаҳрининг қози калони Хожажон Хожа Низомиддин ўғли Рожий 1918 йил 29 март куни 84 ёшда вафот этган. Бу ҳақда ўғли Абдулазизхон шундай ёзади: *"Ҳазрат қиблагоҳимизни вафотлари 1918 йил 29 март душанба куни эди, номлари Хожажон Хожа Низомиддиндулар"*.<sup>227</sup>

Аллоҳ таоло Рожий ҳазратларини ўз раҳматига сазовор қилиб, қолдирган бой имий меросидан халқимизни баҳраманд этсин!

<sup>224</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим... 2-б.

<sup>225</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий / Нашрга тайёрловчи: Акад. Қаюмов А. Уч жилдлик –Т.: "ЎзРФА Қўлёзмалар институти таҳририй нашриёт бўлими", II жилд. 1998. 324-б.

<sup>226</sup> А.М.Муҳаммадиев. Шоир ҳақида хотираларим. "Коммуна" (Фарғона вилоят) газетаси, 20 июн 1968 йил, 127 сон.

<sup>227</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 106-б.

## РОЖИЙ МАРҒИОНИЙ ВА ИЖТИМОЙИ- МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Хожажон қози Рожий Марғионий ўз даврида мавжуд ижтимоий-маънавий ҳаётда мустаҳкам ўринга эга жамоат арбоби бўлган. Шу тўғрисида муфаззаллар тарафидан "замон муртози", ("ҳамма ундан рози бўлган шахс") дея эътироф этилган. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*Хожажон қози зубдаи олам,  
Эрди ул бу замоннинг муртози.*

*Шеър, иншо-ю нутқида йўқ,  
Анинг амсоли ҳам аҳволи.*

*Ичи маъни билан семиргон эди,  
Гарчи суратда эди бас нози.*

*Бўлгон эди кони илмга гарқ,  
Ҳама аъзоси тамом алфози.<sup>228</sup>*

Фарғоналик Мулла Олим эса: "Ул жанобдин хоҳ раият хоҳ ҳокимлар баробар рози бўлган... Худованди карим наздида ҳам мақбул бўлсалар ажаб эмас", деб ёзади.<sup>229</sup>

Куйида замондошларининг мазкур эътирофлари устида тўхталамиз.

### *Муҳаббатлик киши экандур*

Маълумки, улуғ шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1886-87 йилларда Марғилонда истиқомат қилган. У шу ерда турган кезлари Хожажон қози Рожий билан танишади ва бирга суҳбат куради. Бунга уни Рожий домланинг яқин шогирди Мулла Тошболту Муҳаммад Раҳим ўғли билан бирга Кўкмозор

---

<sup>228</sup> Марғилонлик Абдуллоҳон Алихоновнинг ёзма хотираси. М.Мадғозиев кутубхонаси.

<sup>229</sup> Туркистон вилоятининг газети. 1911 йил 16 июн. № 44.г 1-2 -б.



мадрасасида<sup>230</sup> тургани сабаб бўлган. Улар шу ерда туришганида биргаликда марғилонлик машхур уламо ва мударрис Сулаймон хўжа Эшон Ибн Махдий хўжа хузурига бориб таълим олишганини Муфаззал махдум таъкидлайди: "Фозилжон махдумнинг отаси Сулаймон хўжа Эшон Фурқатнинг устози бўладилар".<sup>231</sup>

Албатта, Тошболту Фурқатга устози Рожий домла ҳақида жуда кўп марта сўзлаб берган. Чунки у Марғилондан 1899 йилнинг ноябр ёки декабр ойларида, унинг ўз сўзлари билан айтганда: "...офтоб жад буржидан тулуъ қилиб, дай шиддати рўз-ба рўз тараққий қила бошлаган вақтда" кетади.<sup>232</sup>

Маълумотларга кўра ўша даврда Марғилоннинг турли жойларида навоийхонлик, бедилхонлик, фирдавсийхонлик анжуманлари ўтказилиб турган. Муҳаммад Умар Неъматулло ўғли Умидий, Мулла Тошболту Ибрат, Абдуқодир Нозик, Мирҳайдар қори Толий, Муҳаммад Юсуф Ҳазин Хонақоҳий, Турсунали Қаландархожи ўғли Надимий, Аҳмадқори Чорчинорий, Омоний Арабоний, Насимий Полмоний, Муҳаммад Мусо Бекий, баъзан Офоқ хўжа авлодларидан Эшони Бадриддин Қошғарийлар иштирокида ўтказиладиган бу каби анжуманларнинг бошида бевосита Хожажон Хожа Рожий турган.

Марғилонлик илм-маърифат шайдоси Тешик оғиз маҳалласида истикомат қилувчи Фозилбой Эгамберди (ваф 1933) ўғлининг меҳмонхонасида, Хожа Эгиз маҳалласидаги Мулла Тошболту Ибрат хонадониди, Кўк мазор, Хожа Ланголанг зиёратгоҳлари ёнида бўлиб ўтадиган шу каби илмий анжуманлар ҳақидаги маълумотлар етиб келган.

Ана шундай анжуманларда иштирок этиб Рожий домла билан танишган Фурқат кейинчалик Рожий ва унинг шоирлик

<sup>230</sup> В.П.Наливкин маълумотига кўра, Кўкмозор мадрасаси Амир Темур (1336-1405) даврида бунёд этилган. Мадраса 16 та хужра ва битта дарсхонадан иборат бўлган 1893 йилда мадрасада 30 нафар талаба мударрислар Мирза Райим ва Домулла Қосимохундан сабоқ олган. (И.А.Алимов. "Кўкон хонлиги Марғилон вилояти (шаҳри) мадрасалари тарихидан." Илмий хабарнома. АДУ. №2 2012 йил.)

<sup>231</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим... 25-б.

<sup>232</sup> Фурқат. Танланган асарлар. Икки томлик. 2-том. ЎзССР давлат бадийий адабиёт нашриёти, Тошкент, 124-б.

маҳорати ҳақида 1891 йили "Туркистон вилоятининг газети"да берилган мақоласида шундай ёзади:

*"Марғилон шаҳрининг қозийи калони Хожажон қози бирлан маърифат пайдо айладим. Аруз фанида кўп моҳир киши экандур. Туркий газал машқида таъби кўп латиф ва равон эрмиш. Амир Алишер Навоийнинг бир газалига қилган мухаммаси кўп мустаҳсан кўринди. Писандида атвор ва ҳамида афъол киши экандур. Тарикат йўлига кирган, муҳаббатлик киши экандур".<sup>233</sup>*

Бугина эмас, Фурқат Рожий домлага қаттиқ муҳаббат қилганидан, ҳаттот уни кўқонлик котиб хушқалам шоир Қиёсий – Абулҳасан мирзога ёзган мактубини кўриб, ҳавас қилиб кўчириб олган. Бу ҳақда Муфаззал маҳдум шундай ёзади:

*"Фурқат Кўкмозор мадрасасида турган вақтида Хожажон қозининг Абулҳасан мирзога ёзган мактубларини кўчириб олган. Абулҳасан мирзо кўқонлик Қиёсий тахаллусли шоир бўлиб, ҳақиқий мулла, котиби хушқалам бўлган".<sup>234</sup>*

Айни пайтда Рожий Фурқатга алоҳида эҳтиром кўрсатганини, ўзига қарашли кишилардан Мулла Муҳаммад Шариф мирзога мирзалик вазифасида турганида Фурқатни топиб, у билан суҳбат қилиб туришга ҳам тавсия берганини эслатишш лозим.<sup>235</sup>

Айтишларича Фурқат ўзининг вафотини тажриба қилиб кўриб таърих ёзган. Бу кўриб қолган Рожий бу ҳақда Фурқатга ўз муносабатини билдириб мактуб йўллаган эди: *"Фурқат мулла Тошболту Мадраҳим ўғли билан оиначилик қилган. Хонлик давридан бошлаб шеър ёзган. Ҳатто ўзини вафотини ҳам тажриба қилиб билган ва таърих ёзган. Ушбу таърихни Рожий кўрган эканлар. Унга жавобан Рожийга ёзган мактубларини баъзи қисмлари йўқолган".<sup>236</sup>*

Бу алоқалар Фурқат Ёркентда турганида ҳам давом этади. Рожий унга Марғилондан Тошболтунинг шеърларини жўнатиб

<sup>233</sup> Икромиддин Останакул. Фарғоналик валийлар. – Тошкент. "Мовароуннахр", 2001. 89-б.

<sup>234</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...11-б.

<sup>235</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...11-б.

<sup>236</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...11-б.

турган. Фурқат Ёркентда вафот этганида унга атаб таърих ёзгани ҳақида Муфаззал Махдум шундай дейди:

*"Рожий Фурқатни(нг) вафотини Муҳйидан сўрасалар, Фурқат у ерда ўғиллари билан темирчилик касби билан вафот этди, деб айтганини эшитуб, сиз Қашқар ва Ёркентга ҳам бордингизму, деб сўраганлар ва Фурқатга афсус, яъни вафоти гариба мазмунида таърих ёзганлар".<sup>237</sup>*

Фурқатни Рожий бошчилигида ўтказиладиган илмий анжуманларда иштирок этиши марғилонлик бошқа шоирлар, жумладан Умидий<sup>238</sup> билан ҳам танишишига сабаб бўлган.<sup>239</sup> Бу ерда бўлиб ўтаётган суҳбат иштирокчиларига Қўқондан Муқимий ҳам мактуб йўллаган. Муқимийни Рожий билан муносабатларига оид баъзи маълумотлар Собир Абдулланинг "Мавлоно Муқимий" номли асарида тилга олиб ўтилган.<sup>240</sup>

Маълумотларга кўра Рожий 1889 йилда кўпчилик манфаати учун бир иморат солдиради. Бино битиши шарафига ўзининг энг яқин кишиларини, ҳаммаслақ дўстларини чақириб зиёфат беради. М.Мадғозиевнинг қайд этишича ушбу анжуманда Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳам иштирок этган. Бундан ташқари, Муқимий жияни Рўзимуҳаммадга 1889 йилда ёзган хатларидан бирида Марғилонда бир ой юриб келганлигини айтган.<sup>241</sup>

Дарвоқеъ, Рожий ўзининг бу иморатига араб тилида куйидаги таърихни ёзган:

*Қозил-аном бано ҳоза-л-мақом,*

<sup>237</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси 87-б.

<sup>238</sup> Умидий –Ҳавоий Марғинойий. Муҳаммадумар кори Неъматулла охунд ўғли. (1835–1905) Шоир, тарихчи. Ҳаёти Фарғона ва Марғилонда, Шарқий Туркистон (Қашқар)да кечган, Фурқат, Муқимий ва бошқа шоирлар билан яқин ижодий ҳамкорликда бўлган. Асарларининг қўлёзмалари Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти, Россия Фанлар Академияси Санкт-Петербург бўлими фондларида сақланади.

<sup>239</sup> Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат. – Т.: "Фан", 1977. 22-23-б.

<sup>240</sup> Собир Абдулла. "Мавлоно Муқимий". Бадиий лавҳалар. Иккинчи нашри. "Тошкент" бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1966й. 250-255-бетлар.

<sup>241</sup> Муқимий. Асарлар тўплами.Икки томлик. 2-том. ЎзССР бадиий адабиёт нашриёти, Тошкент, 1960-йил.124-б.

*Рожиян лин-нафъи фи явмил-қиём.  
Қола фи таърихиҳи баъда-т-тамом,  
Манзил ли ахёри маъвал киром.*<sup>242</sup>

**Таржимаси:** Халқ манфаати учун қиёматгача туришини умид қилиб, халойиқ қозиси ушбу бинони курдирди. Бу иншоот куриб битказилгач, таърихига деди: "У хайрли жой-у, буюкларга мақом бўлсин!"<sup>243</sup>

Уқорида биз Марғилоннинг турли жойларида турли илмий анжуманлар ўтказилиб турар эди, деб айтдик. Бу каби анжуманларни Навоий асарларини ўрганиш бўйича ўзига хос адабий йиғин, деб аташ мумкин. Самарқанд шаҳрида яшовчи кекса маърифатпарвар Абдуқодир Азизов (Жомеъ муаллим)нинг хотирлашича, ўтмишда кишилар махсус тайёргарлик кўриб, у ёки бу навоийхонни таклиф этганлар. Таклиф этилган навоийхон, аввало тингловчилар таркиби билан танишган, уларнинг қайси асарни эшитиши истагини аниқлаб олган. Шундан сўнг у ўқилмоқчи бўлган асар арузнинг қайси баҳрида битилгани, бу баҳрнинг хусусияти ва имконияти ҳақида маълумот бериб, ўқиш пайтида бунга қатъий риоя лозимлигини уқтирган. "Самарқандда. – деб хикоя қилади Абдуқодир Азизов, Эшон Султонхон деган киши ўткир навоийхон сифатида катта шуҳрат қозонган эди. Мен Эшон Султонхон олиб борган навоийхонлик ўтиришларининг бир нечасида бўлганман. Назаримда, у улуғ Навоий бу кишининг ҳаётига, онгига шундай сингган эдики, у Навоий шеърляти ва унинг нафаси руҳи билан нафас оларди. Эшон Султонхон Навоий асарларини ўқир экан, биз, сомеълар, беихтиёр улуғ шоир асарларида тасвирланаётган воқеалар ичида юрган каби шодланар, дарди ва аччиқ қисматидан оҳ тортиб, кўз ёш тўкардик."<sup>244</sup>

---

<sup>242</sup> Қаландарбек Каттабеков мажмуаси. 104-б. М.Мадғозиев кутубхонаси. Қўқон қоғозига қора камиш қалам билан ёзилган мазкур қўлёзмага Рожийнинг 50 та шеъри киритилган бўлиб, уларнинг жами 1500 мисрани ташкил қилади. Қаландарбек ота Рожийнинг бу мажмуасини 30 йилларда тузганлигини М.Мадғозиевга сўзлаб берган.

<sup>243</sup> Устоз Жомеъ домла Самарқандий таржимаси.

<sup>244</sup> М.Мадғозиев. "Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати"... 208-б.

### *Номий ҳазратнинг эътирофи*

Муфаззал Махдумнинг айтишича Рожийнинг илмий камолотини барча замондошлари қатори Охунжон қори Номий, Махдуми Жувозий номи билан танилган аллома шоирлар ҳам эътироф этганлар. Муфаззал, бу қадар улкан уламолар эътирофига ишонқирамай кузатганимда ҳақиқат экани маълум бўлди, деб ёзган эди.<sup>245</sup> Унинг айтишича, уларнинг эътироф ва таслими Рожийнинг асосан, илми фароиз (мерос илми), ашъор, аруз бобларидаги маҳоратига бўлган.

Яна унинг таъкидлашича, Рожийнинг адабиётда мавжуд муаммо санъати бўйича моҳирлигига Бухоро мударрисларидан Домла Розикча, Макка шаҳрида муаллим ва мударрислик қилган Масъуд домлалар ҳам ҳайратда қолишган.<sup>246</sup>

Хўш, Охунжон қори Номий ким эди?

Бу зот XIX асрда яшаган Марғилон уламоларидан бўлиб, тарихий манбалар бизга у зотни аллома, шайх ул-ислом, адиб, муфассир, мутасаввиф ва шоир деб танитади.<sup>247</sup> Алломанинг таваллуд йили маълум эмас, умрларининг сўнггида сабабларга кўра, аввал Маккага кейин Мадинаи Мунавварага бориб ўрнашиб қолганлари маълум. Халқ орасида "Охунжон қори Муҳожирий" номи билан машҳур бўлгани шундан.

Марғилонлик яна бир машҳур уламо Холмуҳаммад қори домла (ваф 1939.) алломани "шайхимиз" дея, тилга олганлар. Холмуҳаммад қори домла ҳақида Марғилондаги Чуқур мадраса<sup>248</sup> мударриси Аҳмад Али махдум: "Сўнгги олти юз йил ичида Мовароуннаҳрда Холмуҳаммад қори каби аллома

<sup>245</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...3-б.

<sup>246</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...3-б.

<sup>247</sup> Мулла Комилжон Муҳаммад Иброҳим Марғинович. Қўлзма. Р. Файзуллаев кутубхонаси.

<sup>248</sup> Мадраса шаҳардаги Боғишамол маҳалласида жойлашган. Мадрасани ҳижрий 1262 (милодий 1845) йилда Содиқбой Холдорбоев қурдирган. Мадраса фаолиятини юритиш учун Содиқбой унга Шаҳрихон кишлоғидаги Бўстон аригидан суғориладиган еридан тахминан 180 таноб ажратиб, вақф қилиб берган. Мадрасага унинг жануб томонидаги 12 та дўкон ҳам вақф қилинган. (ЎзР МДА, И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34730-иш.)

чикмаган", – дея баҳо берган эди.<sup>249</sup> Тўғри, у кишидан кўра пешроқ олимлар кўп бўлган, лекин аъмо бўлгани ҳолда етук олим бўлиб етишгани бўлмаган экан.

"Номий" таҳаллуси билан ижод қилган Охунжон қори Муҳожирийнинг бир нечта ғазал ва мухаммаслари, "Қасидайи бурда" асарига қилган шарҳ ва бошқа баъзи асарларини топишга эришдик. 1912 йилда Тошкентда чоп қилинган "Баёзи Маҳбуб ул-маҳбуб" га Номий шеърларидан киритилган.<sup>250</sup>

Алломанинг мақоми замон зиёлилари назарида юқори бўлганини Қирғизистоннинг Аравон қишлоғида яшаб 1946 йилда Андижоннинг Хирабек қишлоғида вафот этган Амоний Арабонийнинг 1928 йилда водиллик уламо Асий Водилийга (ваф 1959) юборган мактубидаги қайддан ҳам билса бўлади. Унда муаллиф Асийни "Охунжон қорийи соний" яъни, "Иккинчи Охунжон қори" дея Номий ҳазратга тенглаштириб таърифлайди.<sup>251</sup> Маълум бўлмоқдаки, Номийнинг мақоми юқори эканидан кишилар у ёки бу шахсни таърифлашда у зотга ташбех қилишган. Аллома Мадинада вафот этганлар.

### ***Ҳиндистонлик бедилхонлар эътирофи***

Маълумки, мумтоз адабиётда "Абул Маъоний" – "Маънолар отаси" деб таърифланган Мирзо Абдулқодир Бедилнинг алоҳида ўрни бор. У қиёси йўқ шоир, мутафаккир ўзига хос файласуфона қарашлар соҳиби бўлган алломадир.<sup>252</sup>

<sup>249</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон–Қўрғонча. 1996.

<sup>250</sup> "Баёз Маҳбуб ул-маҳбуб"...58-б.

<sup>251</sup> Амоний Арабонийнинг мактуби Охунжон қори Водилий хонадонидан сакланади.

<sup>252</sup> Бедил Ҳиндистоннинг Азимобод шаҳри яқинидаги Патнада 1644 йилда таваллуд тошган 1720 йилнинг 5 декабрида Деҳлида вафот этган. Отасидан етим қолган Абдулқодир онасининг қўлида тарбияланади. Унинг билим олишга бўлган чанқоқлигини сезган амакиси Мирзо Қаландар билан тоғаси Мирзо Зарифнинг яқиндан ёрдами туфайли саводини оширади, араб, ҳинд ва урду тилларини, сўфиёна қарашларни ўзлаштиради. Йигирма ёшида биринчи марта шеърларини жамлаган Бедил умри давомида кўп йўللари босиб ўтди. Ниҳоятда сермахсул бўлган Бедил катта мерос қолдирган. Унинг «Куллиёт»ига киритилган асарларининг ўзи 130 минг мисра шеър ва 50 босма тобқдан ортиқ насрни ташкил этади. Рубойиларининг ўзи 3861 та эканини айтадилар.

Бедил ижодиёти Ўрта Осиёдаги тожик ва ўзбек адабиётига бевосита таъсир қилиб, XX асрнинг 20 йилларигача унинг ўсишида катта аҳамият касб қилди.<sup>253</sup> Буни Рожий Марғинович ижодида ҳам яққол кўриш мумкин. Китоб аввалида айтилганидек, Рожий домла Бедил ижодиёти билан танишишни жуда эрта бошлаган. 22 ёшларида Домла Абдулкаримбек исмли Бедил ижодиёти билимдони бўлмиш донишманд аллома хузурида таълим олган.

Рожийни беназир бедилхон Домла Абдулкаримбек билан мулоқоти, бошқача айтганда, бедилхонликнинг ўзига хос дорулфунинида ўқиши устознинг 1858 йилда вафот этгунига қадар давом этган.

Адабиётда ҳамма шоир ҳам бедил ғазалларига тахмис боғлашни уддалай олмаса-да, бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Рожий домла бу ишни уддалай олган. Зотан, бу улуғ шоирнинг маҳорат сирларини ўрганишга қаттиқ эътибор берган Рожий адабиёт тарихида кўп асрлардан бери келаётган усул тахмисчиликни танлаб олдики, бу эса ўз навбатида Мирзо Бедил ва унинг шеърятини чуқурроқ тушуниш, равшан услубини ижодий ўзлаштиришига хизмат қилди. Гарчи бизгача Рожий Бедил ғазалларига боғлаган тахмисларидан тўрттаси етиб келган бўлса ҳам, улар шоир ижодининг камолот босқичида яратилганлиги, бинобарин, баркамол санъат асарлари эканига шубҳа йўқ. Рожийнинг моҳир бедилхон экани ҳақида Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*"Бедил, Имло, Соиб ва бошқа катта шоирларнинг ғазалларига ўша онда тахмис боғлашда биров у зот олдига туша олган эмас".*<sup>254</sup>

Рожийнинг турли анжуманларда бирор муносабат билан ўқилган Бедил байтларига шу ернинг ўзидаёқ ҳеч қандай тайёргарликсиз бадеҳа тарзида оғзаки тахмис қилишдаги маҳорати Ўрта Осиёгина эмас, ҳатто хорижга ҳам етиб бориб, унга нисбатан қизиқишни кучайтиради. Кунларнинг бирида

---

<sup>253</sup> Иржи Бечка. Бедил ва бедилизм. Академик Ян Рпка. Историяперсидско-таджикской литературы. М. Издательство "Прогресс". 1970, стр. 358.

<sup>254</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...3-б.

Рожий домлани ўз кўзи билан кўриш, унинг моҳир бедилхонлигига амин бўлиш мақсадида Ҳиндистондан бир нечта бедилхон фузалолар келишади. Бу ҳақда Рожийнинг ўзи шундай ёзади:

*“Ба илтимоси Саййид Абдулжалил Афанди Маданий арабий, муддат ба фузалои Ҳиндистон мусоҳаба дошта. Ба ашғори форсий нез маҳорат пайдо карда. Аксари авқот ба газалиёти Мирзо Бедил иштигол дошта. Ду байти пайрави инишоро ба Рожий хонда буданд. Фавран тахмис карда шуд, ин аст:*

*Рафтону номадан бояд з-об омўхтан,  
Хона дар дўши бибояд аз ҳубоб омўхтан.  
Аз сари дунё гузаштан кори ҳар номард нест,  
Бояд он ҳиммат баланди зи офтоб омўхтан.<sup>255</sup>*

**Мазмуни:** Мадиналик араб Саййид Абдулжалил афандининг илтимоси билан бир мунча муддат Ҳиндистон фузалолари билан суҳбатдош бўлиб, форс шеъриятида маҳорат пайдо қилгандим. Аксар вақтларда Мирзо Бедил ғазалиёти билан машғул бўлдим. Улар мени синаш учун Бедилга қилинган пайрав ғазалдан икки байт ўқидилар:

*Рафтону номадан бояд з-оби омўхтан,  
Хона дар дўши бибояд аз ҳубоб омўхтан.  
Аз сари дунё гузаштан кори ҳар номард нест,  
Бояд он ҳиммат баланди зи офтоб омўхтан.*

**Насрий баёни:** *Кетиб келмасликни сувдан, хонасини елкасида кўтариб юришни эса ҳубоб (кўпик)дан ўрганиш керак. Дунёдан юз ўғирши ҳар бир номарднинг иши эмас, бундай ҳимматбаландликни офтобдан ўрганиш керак.*

Ўша лаҳза оғзаки тарзда тахмис қилиб, ёдакисига ўқиб бердим:

*Ахгарам з-оташе надорад тобу тоб омўхтан,  
Ман маро барбод рафтан з- туроб омўхтан,*

---

<sup>255</sup> “Фарғона” мажмуаси”. Кўлёзма, 157-саҳифа.



*Буду набуди жаҳон бас з-сароб омўхтан,  
“Рафтану ноомадан бояд з-оби омўхтан,  
Хона дар дўши бибояд аз ҳубоб омўхтан”.*

*Домани озодагонро аз мазаллат гард нест,  
Вазъи олифитратий дар соя ҳам рўсард нест,  
Хок бар сари ў ки чун хуршед бологард нест,  
“Аз сари дунё гузаитан кори ҳар номард нест,  
Бояд он ҳимматбаланди зи офтоб омўхтан”.*<sup>256</sup>

Надомат оташида чўғдек куйишни офтобдан, елга учиб кетишни тупроқ ғуборидан, дунёнинг бору йўқлигини эса саробдан ўрганиш керак. “Кетиб келмасликни сувдан, хонасини елкасида кўтариб юришни ҳубобдан ўрганиш керак”.

Озодаларнинг этаги хорлик тупроғини юқтирмайди, покиза тийнатли кишилар юзига сояда ҳам совуқ кўринмайди, тупроқ унинг бошида офтобдек турган бўлса унга гард юкмайди. “Дунёнинг долу ғавғоларидан кечиш ҳар номарднинг қўлидан келмайди, бу қадар олий ҳимматликни куёшдан ўрганиш керак”.

Албатта, унинг бу маҳоратини кўрган меҳмонларнинг қоил қолишгани бежиз эмас. Бинобарин, филология фанлари доктори, профессор Ҳошимжон Раззоқов Рожий ҳақида гапирар экан, уни айнан бедилхонлигига урғу бериб шундай деган эди: “*Ҳожажон қози Рожий Марғионий шу қадар забардаст шоирки, фалсафий теранликда XIX аср шоирларининг етакчи Бедили деса бўлади*”.

Дарвоқеъ, ўзининг бу улкан маҳоратини Рожийнинг ўзи ҳам эътироф этгани эътиборли. У бир ўринда шундай ёзади:

*Кулаҳе зарат ба Деҳлист бираву биёр, Бедил,  
Ба сари ҳубоб Рожий ба даме гузар Бедил,  
Ба гурур то буболад ба ту нангу ор Бедил,  
“Ҳаваси кулаҳдори з-сарат барор Бедил,  
Ба чи назад устихоне, ки дар у Ҳумо нашаста.”*<sup>257</sup>

<sup>256</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...157-б.

<sup>257</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 43-б.

**Таржимаси:** Эй Бедил, агар заррин кулоҳингни Дехлида колдирган бўлсанг ҳам олиб келиб, Рожийнинг ҳубоб каби бошига бир озгина бўлса ҳам кийдир. Уят бўлса ҳам уни кийиб ғурур билан сенга бир кўринсин. "Кулаҳдролик ҳавасини бошингдан чиқар эй, Бедил, устида Ҳумо қуши ўтиргани билан арзимас суяк қандай фахрлансин".<sup>258</sup>

М. Мадғозиевнинг айтишича бу Рожий Марғиноний ижодидаги фахриянинг ажойиб намунасидир. Академик Б.Валихўжаев ёзганидек: "Фахрияда муаллиф, бир томондан ўз ижодини бирор машхур шоир ижоди билан тенглаштирса, иккинчи томондан эса ўз шеърларининг қиммати ва аҳамиятига ишора қилади".<sup>259</sup>

Рожий Марғиноний фахриясида ана шу икки жиҳатга ишора қилинганини кўриш мумкин. Шунинг учун ҳам у ўзи томонидан "шоирларнинг тождори", деб таърифланган Мирзо Бедилга ниҳоятда назокат билан "Шоирлик тожинг Дехлида қолган бўлса ҳам олиб келиб, менинг ҳубобдай бошимга кўндир, уни бошига кўйиб, уят бўлса ҳам сенга бир кўринсин", дейишга журъат этади, аммо диққатга сазовор ери шундаки, Рожий ўзини буюк мутафаккир шоирга тенглаштириш масъулиятини чуқур мулоҳаза қилар экан, юқоридаги илтимосидан ниҳоят хижолат тортади ва беадаблик қилдим, мени кечиринг, устоз, дегандай Абул Маъоний Бедилнинг "кулаҳдорлик" "тождорлик" ҳавасини бошингдан чиқар, устида ҳумо қуши ўтирган бўлса ҳам бир арзимаган суякка нега фахрлансин" мазмунли мисраларни келтириш билан яна ҳамма нарсани ўз ўрнига қайтаради. Шу билан бирга Рожий "Шоирлик тожи Бедилнинг ҳақи, сен кимсану, Бедилга тенглашишга йўл бўлсин, у – Ҳумо – бахт қуши бўлса сен арзимаган бир суяксан", – демоқчи бўлади.

Назаримизда Рожий Марғиноний камтарлик ва хокисорликнинг бу ажойиб намунаси билан зоҳиран, юқорида бу

<sup>258</sup> Таржима М.Мадғозиевники.

<sup>259</sup> Валихўжаев Б.Н. XV- XIX аср ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан. Қаралсин: А.Навоий номидаги ўзбек давлат университети асарлари. Янги серия №63. Филология факультети. Ўзбек адабиёти кафедраси. Ўз ДУ нашриёти, Самарқанд, 1956, 18-21 бетлар.

каби тенглаштириш ҳавасини инкор этган бўлиб кўринса-да, юксак савияли зукко ўқувчи шоирнинг бу инкорини аслида фахриянинг бир тасдиғи деб, ҳақиқатан ҳам у улуғ шоир Бедилнинг шоирлик тожини бир лаҳза кийиб кўришга сазовор устоз санъаткор бўлганига ишонч ҳосил қилади.<sup>260</sup>

Дарвоқеъ, Рожий Парвардигор тарафидан ўзига берилган бу истеъдодининг қийматини қуйидаги мисраларда ҳам равшан баён қилган эди:

*Фикри бикри ман ба раънойи Зулайхое ки дошт –  
Кай ба ҳар шавҳар расад кобин талабгори кунад.  
Ҳиммати мардонае дорад, ки дар бозори даҳр,  
Нақди гавҳар резаду Юсуф харидори кунад.*<sup>261</sup>

**Таржимаси:** Менинг фикрим келини Зулайхо каби шундай гўзалдирки, у бўлажак жуфтидан қалин талаб қилмайди. Балки у бу даҳр бозорида мардонавор ҳиммат кўрсатиб ўз тенгини ўзи топади ва унга ўз гавҳарини тўкиб солади.<sup>262</sup>

Маълум бўлмоқдаки, Рожийнинг фикр қизи – сўзлари, қалб ҳазинасидан чиқаётган гавҳарлар қалин эвазига турмушга чиқмайди, балки унинг сўзлари фикр жавоҳирлари билан ўзига муштарий – харидор сотиб олади.

Эслатма: Фикрни қиз, келинга ўхшатиш мумтоз адабиётда кўп шоирлар томонидан истифода этилган. Чунончи, Ҳофиз Шерозий ёзади:

*Аруси табъро зевар зи фикри бикр мебнадам,  
Бувад, к-аз дасти айёмам ба даст афтад нигоре хуш.*<sup>263</sup>

**Таржимаси:** Табъим келинига ифбатли фикрим билан зийнат бераман, шоядки, нигорим айём кўлидан менинг қўлимга тушса.

<sup>260</sup> М.Мадғозиев. Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати...162-б.

<sup>261</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...136-б.

<sup>262</sup> Насрий баён М. Мадғозиевники.

<sup>263</sup> Ҳофиз Шерозий. Ашъори гузида. Нашриёти "Ирфон", Душанбе. Соли 1971, сах. 109.

М. Мадғозиевнинг айтишича ана шу фикр қизини талмех санъати билан куёвидан қалин талаб қилмаслиги устига фикрлар жавоҳирини тўқиб, ўзига Юсуф – харидор сотиб олиши тарзида тасвирлаш Рожий Марғиновичнинг ихтиросидир.

Рожийнинг юқоридаги каби фахрияси Ҳофиз ғазалига қилган тахмисида ҳам кўзга ташланади. Биз бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

### ***Бартольд ва Валидийнинг эътирофи***

1902 йили Марғилон шаҳрига ташриф буюрган машҳур Шарқшунос олим академик В.В. Бартольд (1869-1930) ҳам Хожажон Хожа Рожий билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлган.<sup>264</sup> Олимнинг хайрли ишларидан воқиф бўлган шоир унга ўзида сақланувчи нодир асар ва ҳужжатларни кўрсатиб айримларини совға қилади. Буни улкан олимнинг қуйидаги сўзлари тасдиқлайди:

*"...Маргиланский казий Джан-ходжа показывал мне граммоти на звание казия, полученные его предками от различных владетелей..."*<sup>265</sup>

*"...Маргилон қозиси Жонхўжа (Хожажон хўжа) менга аждодларига турли ҳукмдорлар томонидан берилган ёрлиқларни кўрсатди".*

Яна бир тадқиқотчи олим Аҳмад Закий Валидий Тўғон (1890-1970) ҳам Фарғона водийсига қилган илмий сафарлари чоғида Рожий Марғинович билан кўришади ва унинг қўлидаги қатор тарихий ҳужжатлар билан танишади.

Маълумки, Закий Валидийнинг Туркистонга биринчи илмий сафари 1913-1914 йилларга тўғри келади. Сафар чоғида бўлғуси олим Туркистоннинг йирик шаҳарларида бўлиб, қадимий қўлёзмалар билан танишади, этнографик маълумотлар тўплайди: “Бу саёҳатим давомида мен Фарғона, Самарқанд ва

<sup>264</sup> П.Мелиоранский. Документ Уйгурского письма Султана Омер-шейха. // Записки Восточного отделения Императорского русского археологического общества. Т. XIV/ СПб, 1902, 25 августа.

<sup>265</sup> Академик В.В.Бартольд. Сочинения. Т. 2 часть 1. Изд-во восточной литературы, М., 1963, стр. 360

Бухоро вилоятларидаги қўлёзма асарларни, шахсий кишилар қўлларида бўлган манбаларни изладим. Мамлакат хўжалиги, тарихи, жуғрофиясига оид бир талай диний гуруҳларнинг киримлари ёзилган ҳужжатларни, мол ҳақларининг ўзгаришини кўрсатувчи маълумотларни ҳам йиғдим. Фарғонада кўчманчи ўзбеклар тўғрисида этнографик маълумотлар тўпладим”.<sup>266</sup>

Закий Валидий Марғилон шахридаги олиб борган тадқиқотлари чоғида Хожажон қози билан учрашуви чоғида унинг қўлида қуйидаги ҳужжатларни кўрганини кейинчалик ўзининг “XVIII аср Фарғона тарихига доир айрим маълумотлар” номли мақоласида бу ҳақда шундай ёзади:

**"Марғилон шахридаги Хўжажон қози қўлида қуйидаги  
ёрлиқлар мавжуд:**

1) *Имомқули Баҳодирхон томонидан сафар ойининг саккизинчи куни 1030/1620 йилда Қози Бузрукни Марғилон ва Ўзгандга қози этиб сайлаш тўғрисида берилган ёрлиқ.*

2) *Абдул Ғаффор Баҳодир Султон томонидан 1077 /1666-7 йилда Каттахўжани Андижон вилоятига қози этиб тайинлангани тўғрисида берилган ёрлиқ.*

3) *Абдулкаримбий томонидан (Хон номидан) 1154/1741 йилда Асадуллахўжани Марғилон шахрига қози этиб тайинлаш тўғрисида берилган ёрлиқ.*

4) *Муҳаммад Бобобий томонидан (Муҳрда Муҳаммад Раҳимбий ўғли) Асадуллахўжани Марғилон шахрига қози этиб тайинлаш тўғрисида берилган ёрлиқ. Санаси кўрсатилмаган.*

5) *Норбўтабий томонидан (Хон номидан) 1188/1774 йилда Саййидхўжани (пайгамбар авлодини) Марғилон шахрига қози этиб тайинлаш тўғрисида берилган ёрлиқ".<sup>267</sup>*

**Ғоятда мамнун бўлдим**

<sup>266</sup> Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер: Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: Хотиралар. – Т.: “Адолат”, 1997. 33-6.

<sup>267</sup> Валидов З. А. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII- столетия// Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского куржка любителей археологии. Вып 2. Т. 1916. С. 69-72.

Рожий Марғиновичнинг жамият ҳаётида эгаллаган мавқеи унинг ҳузурига кўплаб илм-фан шайдолари, адабиёт мухлисларини зиёратга келишларига ҳам сабаб бўлган. Шундай кишилардан бири фарғоналик Мулла Олим эди. “Туркистон вилоятининг газети” нинг 1911 йил 16 июн № 44 - сониди мухбир Мулла Олимнинг Фарғона водийсига қилган навбатдаги саёҳати тўғрисида ҳикоя қилинади. Мазкур мақолада мулла Олим Асакадан қайтаётиб Марғилонда Хўжажон қози билан учрашганлигини мароқ билан сўзлайди:

“Камина вагонга ўлтуруб Қубога келиб, Қубо қозиларига меҳмон бўлдук. Қози жанобнинг<sup>268</sup> ташқари ҳавлиларида муурофааға (даъволашишга) келган одамлар ва уста мардикорлар ҳам бор экан. Бовужуд қози жаноб танҳо бир меҳмонхона кунжида (бурчагида) Ҳазрат Мавлавий Румийни ўқуб ўлтургон эканлар. Ул қозини очиқ юзлик ва меҳмоннавозликларини ўтган йилги саёҳатимизда кўрган эдим. Анинг учун яна бирор кеча суҳбат қилмак орзусида Қубо шаҳрига тўхтаб бир кеча ҳўб суҳбатлашиб ғоятда хурсанд бўлуб, эртаси Қубодин жўнаб Марғилон шаҳрига келиб Домла Хўжажон қози ҳожи жанобга меҳмон бўлдим.

Ул зот бобаракот Марғилон шаҳрига Пўлатхон замонидин то ушбу вақтгача мутассил қозилик мансабида бўлуб, ул мансабни камоли жойига келтурган олим, оқил, фозил, шоир зотдурлар. Ул жанобдин хоҳ раият хоҳ ҳоқимлар баробар рози бўлган... Худованди карим наздида ҳам мақбул бўлсалар ажаб эмас. Ўтган ҳажи шарифга бориб келганларидан кейин қози лавозимини адо қилмасликға ҳар чанд истеъфо қилсалар ҳам раият ва улуғ ҳукуматдорлар илтижо ва илтимос айлагач, янгитдин қози лавозимини зиммаларига олибдурлар. Буткул ҳарами шарифга ҳижрат қилмоқ ниятлари бор экан... Мухрона учун хоҳ оз хоҳ кўб нима берса олиб кўб оз демас эканлар. Ул жаноб одатларини билган фақир бечора раиятлари беш сўм тўрт сўм берадургон мухрона учун 20 тийин 30 тийин берадур экан.

---

<sup>268</sup> Рожийнинг шоғирди Абдулқодир махдум Нозик назарда тutilмоқда. Бу зот ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Таксими тарикадин (мерос таксимоти учун) оладургон ҳақлари ҳам мунга қиёс қилса бўладур. Шул тарика ахлоқи ҳасаналари сабабдин ўтгуз қирқ йилдин буён мутассил қозилик лавозимида туруб ҳаммага баробар мақбул зот эканлар. Шул тарика улуғ даражада бўлуб туруб каминани ўз суҳбатларига сарафроз қилиб каминани ғоятда мамнун ва масрур айлаб, бир кеча ул жанобни меҳмонхоналарида туруб, ижозат олиб, кўб хурсанд сарафроз бўлуб Хўканд тарафига азимат айладим”.<sup>269</sup>

### ***Кўролмаганимга афсус қилдим***

Мулла Олимнинг ҳар гал Фарғона томонга келганида атайин Марғилонга тушиб Хожажон қози Домла билан зиёратлашиб кетиши мунтазам давом этган. У Туркистон вилояти газетасининг 1913 йил №30 сонидан берилган мақоласида шундай ёзади:

*“...Намози жумани адо айлаб, Марғионда кўп вақтлардан буён қозилик мансабида турган Хўжажон қози жанобларини зиёрат қилмоқ бўлиб сўраганимда маълум бўлдики, ул зот қозилик лавозимини ташлаб, зиёрати байтиллоҳ ва адоий ҳажжжи фароизиллоҳ қилмоққа ният айлаб, бу сана ҳажжга кетгон экан. Кўп замондан буён бу жанобни кўрмоққа орзу қилиб, иттифоқо, Марғион борганимда ул зот Марғионда бўлмай кўролмаганимга афсус қилдим...*

*Ул зоти бобарокот ахборотларини келган ҳожилардан сўраганимда мавлуди шариф ийдида Маккатуллоҳ ё Мадинайи Мунавварада бўлмоқ эдилар, деб жавоб бердилар...”<sup>270</sup>*

### ***Бедилдан дарс олар эди***

Муфаззал Махдумнинг ёзишича марғилонлик машҳур уламо Фозилжон махдум Сулаймон хўжа ўғли ҳам Рожий ҳузурида Мирзо Бедил бўйича дарс олганлар. Хўш, Фозилжон махдум ким эди? Нима учун Муфаззалайнан у зот номини зикр қилди ва

<sup>269</sup> Туркистон вилояти газетаси. 1911 йил 16 июн. № 44.г 1-2-б.

<sup>270</sup> Туркистон вилояти газетаси. 1913-йил, №30 сон.

устоз хузурида тавозе ва хокисорлик билан "тиз чўкиб" ўтиришига урғу берди? Бундан кўринадики, Фозилжон махдум оддий бир шогирд сифатида эмас, шаръий илмларни атрофлича ўзлаштирган олим сифатида дарс олгани учун Муфаззал алоҳида қайд этмоқда. Унинг бу қайдини тўлиқроқ англашимиз учун Фозилжон Махдум ҳақидаги маълумотларга эътибор қаратсак.

Кўлёзма маълумотларда “фарди замон” – “замон яғонаси,” “аъзами муфассирин” – “муфассирларнинг улуғи,” “ифтихори Марғионин,” – “Марғионнинг фаҳри,” “афқаҳ умам” – “умматнинг афзали,” “зубдайи олий насаб,” – “олий насабларнинг улуғи” каби сифатлар билан таърифлаган аллома маълумотларга кўра 1878 йилда Марғилоннинг Сирли масжид маҳалласида зиёли хонадонда туғилганлар:

*Отимдур Фозил ибн Сулаймон,  
Юрурман дарбадар бир марди орий.*<sup>271</sup>

Фозилжон махдум бошланғич таълимни шу ерда Намозгоҳ мадрасасида олганлар. Маърифатли хонадонда тарбия топган Махдум тез фурсатда кўп илмларни, шу жумладан мумтоз адабиётни ўзлаштириб оладилар ва Фазлий тахаллуси билан ижод қиладилар:

*Сулаймон хўжа эшон ўғли Фозилжон махдумимиз,  
Китобат қилсалар охир тахаллус “Фазлий” эрди.*<sup>272</sup>

Сўнгра таълимни давом эттириш учун Бухорога борадилар. У ерда илмий салоҳиятини синаш учун бир китобни бериб, ўқиб беришларни айтишади. Махдум домла уни тўғридан-тўғри таржима қилиб ўқиб берадилар. Мударрислар йигитни етарли билимга эга эканини англаб, пешқадам талабаларга қўшиб қўядилар:

<sup>271</sup> Фозилжон махдум Марғионий. “Фатҳул вадуд аъла шарҳил мавлуд.” Кўлёзма. 1947 йил. 65-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

<sup>272</sup> Жалолитдин Марғионий. Фозилжон махдум вафотига марсия. Р.Файзуллаев кутубхонаси.



*Ким кўрибдур бул каби илмида кўп тайёрни,  
Жамланиб фазлида фозил, ҳар сабаб хушёрни.  
Ҳар илм майдонида Рустам каби кирдорни,  
Шаръи фатвода рашиду, зикри ҳақда ёрни.*<sup>273</sup>

Ғозилжон маҳдум 1955 милодий, 16 апрел шанба куни 78 ёшда вафот этганлар. Қабрлари Хўжа Форсо қабристонига бино қилинган.

### ***Сарахсда бўлган воқеъа***

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Рожий домланинг илмий маҳоратидан хабардор кишилар уни қаерда учратсалар дарҳол фойдаланиб қолиш пайдан бўлганлар. Рожий Домла 1320/1902 йилдаги ҳаж сафари чоғи Бухоронинг Сарахс шаҳрига етиб борадилар. У ерда Эшон Султонхожанинг вафоти устидан чиқадилар ва жанозасида қатнашадилар. Улар қайтишаётганида марҳумнинг фарзандлари ва ўша ерлик кадрдонлари ундан марҳум вафотига таърих айтишини илтимос қиладилар. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзган эди:

*"Таърихи вафоти эшон Султонхожа мулаққаб ба эшон пири шайхи Хонақоҳи Сарахси дар балдаи Бухоро. Дар ҳийни иродаи роқим зиёрати ҳарамайни шарифайни дохил Бухоро кардид. Варасаи у дар вақти уруж аз Бухоро дар остонаи истанса илтимос таърих намуданд фавран инишо ба дасти онҳо сипорида шуд.*

*Шайхи огоҳ дил пири дин хабир,  
Номи Султон Хожса эшон пир.*

*3-ин балияти хонаи бирафт,  
Шуд ба дорил хулди жаннат жой гир.*

*Дар муборак моҳи рўза жумъа шуд,  
Дар живори раҳмати Ҳақ мустажир.*

*Гарди тобуташ бани одам набувад,*

---

<sup>273</sup> Таърих матни Р.Файзуллаев кутубхонасида сақланади.

*Гайри афвожи малак жамъун касир.*

*Килки ҳайрат силки Рожий зад рақам,  
Аз пайи таърихи он қутби шаҳир.*

*Шуд зи вазҳи кулфати дунёи дун,  
"Дур султон хожа Эшон пир".<sup>274</sup>*

**Таржимаси: Бухоро вилояти, Сараҳс шаҳри хонақоҳи шайхи Эшон Султонхожа вафотига ёзилган ушбу таърих икки ҳарамии шариф зиёратига кетиши асносида Бухорога етгач, у ердан чиқаётганимизда марҳумнинг фарзандлари илтимосига кўра ўша лаҳза ёзилгандир:**

У зот дили огоҳ бўлган пир бўлиб, номи Султон хожа эди. Бу балолар дунёсидан кетиб, жаннатнинг абадий еридан жой олди. Муборак рамазон ойи жума куни раҳмат живорига эришди. Унинг тобути атрофида одамлар эмас, балки малаклардан иборат катта жамоа бор эди. Рожийнинг қалами у машҳур қутб вафоти учун ҳайрат ипига қуйидагича рақам чекди: "Кулфатли паст дунёдан "Султон хожа эшони пир узоқ бўлди".

### ***Андижонда бўлган воқеа***

Ўш шаҳрида истиқомат қилувчи Маҳжурий домла Муҳаммадхон Исҳоқ ўғлининг айтишича Хожажон Хожа 1908 йилда Андижоннинг Кўкон қишлоғида яшовчи Мирза Ҳамдам қозининг меҳмони бўлади. Ўша куни жуда каттиқ қор ёғади. Шу қишлоқда яшовчи Абдулжалил исмли киши вафот этади. Унинг вафотига таърих айтишини сўраганларида Рожий дарҳол таърих-марсия ёзади. Аммо Маҳжурий фақат қуйидаги қисминигина айтиб бера олган холос:

*Абдулжалил вафотин таърихин айладим ўй,  
"Қор ёғди" бўлди таърих ташвиши айлама, қўй.*

Таърих моддасига кўра 1326 ҳижрий, 1908 йил милодий чиқади.

<sup>274</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...137-б.

### *Мадинада бўлган воқеа*

Рожий Марғинович ҳаж сафардан қайтаётиб Мадинайи Мунавварада турганларида Саййид Абдуллоҳ Маданий исмли зот Рожий домла билан суҳбатлашиб, унинг фазилатини эътироф этади ва меҳмонхонасида бирга суҳбат қилади. Бу ҳақда Рожий шундай ёзади:

*"Вақтиқи таърих 1320 бувад баъдаз адоиқи ҳажжатул ислом баъдаз мурожаати аз Маккаи Мукаррама дохил Мадина гардида будем. Дар дорус саодати Саййид Абдулжалил Маданий вакилул ҳож нузул намуда будим. Ба иқтизои далил мазкур фавран дар васфи он навишта шуда.*

*Ҳуваллоҳу роуфун би-л-ибод,  
Қод авсалнаа фий дори-с-саод.*

*Балдаи Ясриб Набиййуллоҳи фиҳо,  
Матофанноси ила явми-т-танод.*

*Карромаллоҳу фиҳа мустарҳилин,  
Ҳум асҳобул изоми вал валад.*

*Би фазлиллаҳи қод лоқайна фиҳа,  
Далилул ҳаққи фи ториқ-с-суъод.*

*Нажиб Саййид Абдуллоҳ исмуҳу,  
Ҳамидул хулқи, мин аҳлир раишод.*

*Кафо бил интисоби ифтихоран,  
Бил аждоди вал аширофи-л-билод.*

*Лаҳу дорун ли яъишанносу фиҳа,  
Ка аҳлил жаннати фи дари-л-мурод.*

*Савоун индаҳу ман жа-а сидқан,  
Би қинториз заҳаби ав бил жарод.*

*Лаҳу қод зода ишқу ло язаал,*

*Нуқушул ҳубби фий лавҳил фуод.*<sup>275</sup>

**Таржимаси:** 1320 йилда Маккайи Мукаррамадан қайтишда Мадинайи Мунавварага киришга муваффақ бўлдим. Вакили ҳаж бўлмиш Саййид Абдуллоҳ Маданийнинг саодат хоналарига тушдим. Мазкур далил (йўл бошловчи)нинг тақозоси билан тавсифи ўлароқ бадеҳатан мазкур назм битилди:

Бандаларига меҳрибон бўлган Аллоҳ бизни бу саодат уйига етказди. Ясриб, деб аталмиш бир шаҳаргаки, у ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётурлар ва у қиёматгача инсонларнинг тавофгоҳидир. Бу ерга ҳижрат қилганларни Аллоҳ мукаррам қилди, улар улуғ саҳобалар ва уларнинг авлодларидир.

Аллоҳнинг фазли карами билан бу ерда Ҳаққа томон йўл кўрсатувчи ва ҳақиқат йўлининг етакчисига йўликдик. У зотнинг исми шарифлари Саййид Абдуллоҳ бўлиб, мақталган хулқ соҳиби ва иршод аҳлидандир. У зотнинг насл-насаблари, авлоду аждодлари шу шарафли шаҳарнинг шарафли кишиларига бориб тақалади. У зотни мусофирлар истиқомат қиладиган меҳмонхонаси бўлиб, бамисоли муродлар макони бўлмиш жаннат аҳлининг жойидир. Ким бу ерга сидқи ихлос билан келса, бир қинтор (катта миқдорда) тилло кўтариб келадими, ёки бир чигиртка кўтариб келадими, баробардир. У зот доим барҳаёт Зот ишқига ошиқ ва унинг нақши дил лавҳига чекилгандир.

### ***Рожий ва Хонақоҳ мадрасаси***

Маълумки, Рожий яшаган даврда Марғилонда мадрасалар билан бир қаторда қатор тариқат шайхларининг хонақоҳлари ҳам фаолият кўрсатган. Қадимдан ҳар бир шаҳар ва қишлоқ маънавий муҳиtida шу каби хонақоҳлар алоҳида ўрин тутган. Баъзи ҳолларда уларнинг жамият маънавий тараққиётига таъсири мадрасалар таъсиридан кучли бўлган.

Марғилондаги шундай хонақоҳлардан бири ҳозирги шаҳар марказидаги халқ банки биноси ўрнида жойлашган

<sup>275</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 108-109-б.

(Б.Марғилоний кўча 172-уй) Хонақоҳ бўлиб, маълумотларда ўз даврида бу ерга Мовароуннахр шаҳар ва кишлоқларидан Озарбайжон, Шарқий Туркистоннинг Қошғар вилояти, Татаристон ўлкасининг Қозон, Уфа шаҳарларидан ҳам мурид ва талабалар келиши айтилган. XVI аср иккинчи ярмида бино қилинган ушбу Хонақоҳга машхур мутасаввиф, нақшбандия тариқати муршидларидан Хожа Убайдуллоҳ Ахрор Валий (1404-1490)нинг муридларидан мавлоно Муҳаммад Довуд Самарқандий асос солган.

Ушбу масканда фаолият олиб борган тариқат шайхларидан Мавлоно Абдурраҳим (ваф. 1812), Мавлоно Муҳаммад Карим Хонақоҳий (ваф. 1858), Мавлоно Абдулкарим Хонақоҳий (ваф. 1883), Мавлоно Муҳаммад Юсуфхон Хонақоҳий ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Рожий яшаган даврда улардан Мавлоно Абдулкарим Хонақоҳий ва Муҳаммад Юсуфхон Хонақоҳийлар истиқомат қилган бўлиб, Рожий улар билан мулоқотда бўлган. Бу ерда вужудга келган шариат олимлари, тариқат арбоблари – шайх ва сўфийлар, шоир ва адибларидан иборат катта илмий-ижодий жараёнда Рожий домланинг ҳам алоҳида ўрни бўлган. Бинобарин, у бу ерда бўлаётган кўплаб воқеа ва ҳодисаларни ўз асарларида ёритиб брган.

Рожий 1912 йилда бўлиб ўтган хатмонада қатнашиб, унга куйидаги таърихни ёзади, таърих олдидан ушбу сўзларни келтиради:

*"Маълум бодки, дар Хонақоҳ зиёфатгоҳ ҳазрат устод раҳмат паноҳ рўз саёзки абвоб хусумат аҳлут-тахосум барўйи мо бозаст баъзи аҳл илм улум мустаниддон он даргоҳ таърих соли вуқуъ ин садақайи жорияҳ маъруфа байна аҳли илмки мавсум ба хатмонаст илтимос намуда исъофан лил маром бовужуд теҳраш хисом ва тахархур авом ба ташаттут ҳол ва интишиор бол мушавваш маол бо ин мақол таърих карда шуд. Фурсат мусоида накирад ба интизоми он эҳтимомо намуда шуд. Он манзума онаст".*

**Таржимаси:** Маълум бўлсинки, бу Ҳазрат Устоз – душманлар ва хусуматчилар ёмонлигидан узоқ бўлсин, раҳмат паноҳнинг Хонақоҳларидирки, у ерга алоқадор илм аҳллари

менга бу анжуман – хатмонага мувофиқ таърих айтишга ишора қилдилар... Камоли ожизлик ва номуносиблик билан қуйидаги мисралар битилди.

*Ҳибрей ҳамном бо Аби Юсуф,  
Вофирул илм фавқал ақрон шуд.*

*Кард ифодат баюмни таълимаш,  
Мустафид аз улуми чандон шуд.*

*Чанд аз он жумла расм хатмро,  
Мустаҳиқ бувад толиби он шуд.*

*Аввалан бар равони устодон,  
То бубахшанд хатми Қуръон шуд.*

*То ботаоми коффайи мардум,  
Даъвати ом аҳли булдон шуд.*

*Чун аз ин хони айтибу атҳар,  
Баҳравар аз шуйуху сибён шуд.*

*Хирадам гуфт баҳри таърихаи,  
Номи хатмона "Пок эҳсон шуд".<sup>276</sup>*

**Таржимаси:** Бу зот (Ҳазрат Домла) Абу Юсуф ҳазратларига номдош буюк аллома бўлиб, замон пешқадамидирлар. Илмининг баракасидан кўплаб толиблар истифода қиладилар. Бугун ҳам бир қанча толиблар мадрасани тамомламоқдалар. Аввало, ўтган устозлар руҳига тиловат қилинди, дастурхонга шаҳар аҳллари таклиф қилинган. Чунки у зотнинг покиза дастурхонидан ёшу қари баробар баҳраманд бўлади. Ақлимдан унинг таъриhini сўрасам, у: "Бу –"пок эҳсон хатмонасидир", – деди.

Рожийнинг эҳтиромига яраша Хонақоҳий Ҳазрат ҳам унга алоҳида муносабат қилганлар. Рожий вафот этганида унинг жанозаси айнан у зот бошчилигида адо этилган эди. Бу ҳақда Пўлотжон Домла Қайюмий хабар бериб: "*Жанозага Марғилон*

<sup>276</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 93-94-б.

тўлди... *Домулла Ҳазин жанозаларига имом бўлдилар*", деб айтган эди.<sup>277</sup>

Таъкид жоизки, Хонақоҳий Ҳазратнинг Рожий домлага илиқ муносабати шогирдларига ҳам ўтган эди. Хонақоҳ мадрасаси талабаларидан Охунжон қори Водилий Хожажон қозини қочон зикр этса "улуғ олим" дея тилга олган ва унинг вафотидан қаттиқ қайғурган. Мадрасанинг бошқа талабалари ҳам ўз эсдаликларида Рожийга оид воқеа ва ҳодисаларни қайд этиб борганлар ва кейинги авлодларга етказганлар. Жумладан, Марғилонлик Нуриддин махдум домла<sup>278</sup> Рожийни кишиларни кўнглини олувчи беғубор шахс бўлганини айтар эканлар, унинг "табъида назм борлиги" – туғма истевдод эгаси эканини алоҳида таъкидлаганлар.<sup>279</sup> Мадрасаси талабаларидан Муҳаммад Мусо Бекий<sup>280</sup> эса Рожий ғазалига тахмис боғлаб уни айнан устозлари Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Ҳазрат асарлари қаторида келтирганки, бу Рожийни ўз устозлари даражасида кўришининг ёрқин ифодасидир. Мазкур мадрасанинг яна бир талабаси Муҳаммад Умар Ғурбатий<sup>281</sup> эса ўзининг баёзида

<sup>277</sup> Қайюмий П. Тазкирани Қайюмий... 321-324-б.

<sup>278</sup> Нуриддин махдум Зокиржон ўғли. Марғилоннинг Алим Балиқчи маҳалласида туғилганлар. Хонақоҳ мадрасасида таълим олганлар. Мадрасани 1321 хижрий, 1903 милодий йилда тугатганлар. Нуриддин махдум домла ўз даврида Марғилон уламолари орасида ўзининг юксак мақоми, маънавий камолоти ва тасаввуф соҳасидаги етуклиги билан ажралиб турган шахслардан бири бўлиб, мавлоно Абдулкарим (қуддиси сирруху) вафотидан кейин тариқатнинг шайхи сифатида фаолият олиб борганлар. 1962 йилда вафот этганлар.

<sup>279</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон 1994.

<sup>280</sup> Муҳаммад Мусо Бекий Полмоний Муҳаммадқулбек ўғли. 1882 йилда Фарғона вилоятининг Полмон қишлоғида туғилган. Марғилондаги Хонақоҳ мадрасасида таълим олган. Бекий таҳаллуси билан ижод қилган. Бекий девони қатта ҳажмли бўлиб, у 220 та ғазал ва 10 та мухаммас, 12 та таърих ва 5 та қасидадан ташкил топган. Девон 1379 хижрий, 1959 милодийда ёзиб тугалланган. Бекий насрда ҳам самарали ижод қилиб, қимматли асарлар яратган. 1977 йил 12 апрел куни 87 ёшда вафот этган. Қабри Полмон қишлоғида.

<sup>281</sup> Мулла Умаржон махдум Ғурбатий 1897 йилда туғилган. Бошланғич маълумотни отаси Юсуфбек ҳожидан олиб, сўнгра Марғилондаги «Қипчок» мадрасасида кейин эса Хонақоҳ мадрасасида бориб таълим олган. Ғурбатийдан бизга қаттагина мерос қолган. Уч жилддан иборат ёзма баёзларида 400 дан зиёд ғазал, рубоийлар, мухаммас, мураббаъ, мусаддас, марсия, саёхатнома, фардлар ўрин олган. Умаржон махдум Ғурбатий 1975 йил 25 сентябрда 78 ёшда вафот этган.

Рожий Марғинович ғазалларига боғлаган тахмисига алоҳида жой ажратганини ҳам тасодифий ҳодиса деб бўлмайди. Марғилонлик яна бир уламо Чуқур мадраса талабаси Мулла Нуриддин қори<sup>282</sup> эса ўзининг махсус кўлөзма баёзларида Рожий асарларидан намуналар келтириши ва Абдуллажон махдум домла<sup>283</sup>нинг эса Рожийни тақво ва суннатга бўлган эътиборини кишиларга ибрат сифатида айтиб юришлари ҳам уларнинг Рожийга бўлган илик муносабатига мисолдир.

Маълумки, Рожий ўз даврида мумтоз адабиётда таърих айтиш илмига ҳам жуда моҳир бўлган. Унинг бу маҳоратини барча замондошлари бирдек эътироф этганлар. Рожий Марғинович даврида ва ундан кейин бу соҳада у каби маҳорат ҳосил қилган кишилар кам топилган. Фақатгина юқорида тилга олинган Охунжон қори Водилийнигина бу соҳада алоҳида мумтоз бўлган. Таққослаш учун айтадиган бўлсак, Рожий асарлари орасида таърих шеърлар 270 дан ошса, Водилий меросларида бундай шеърлар юздан ошади. Албатта, Асий Водилий Рожийни "улуғ олим" дея зикр қилганида унинг мана шу жиҳатларини ҳам назарда тутган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Хонақоҳ мадрасаси талабаларидан аравонлик шоир Аманий Арабоний ҳам бунга ишора қилиб ўтган эди.

### **Марғилонда қурғоқчилик**

Рожий Марғиновичнинг ижтимоий-маънавий ҳаётда тутган салмоқли ўрни уни мамлакат ҳаётига оид баъзи ишларга бош бўлишига ҳам олиб келган эди. Шундай ишлардан бири қурғоқчилик йиллари Марғилонда ўтказилган "талаби борон" – ёмғир сўраш иши эди.

---

<sup>282</sup> Нуриддин қори Муҳаммадрасул ўғли етуқ олим ва ҳофизи калом. 1899 йилда Марғилонда таваллуд топиб, 1981 йилда 82 ёшда вафот этган. Кўплаб назмий ва насрий асарлари мерос қолган. Марғилоннинг Ёвқочар маҳалласида яшаган. Фозилжон махдум Сулаймон хўжа ўғлида таълим олган.

<sup>283</sup> Абдуллажон махдум 1895 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Оталари Аҳмад қори Дарвешали ўғли маърифатли уламолардан бўлиб бир муддат қозилик вазифасида турган. Абдуллажон махдум ханафий мазҳаб ҳимояси йўлида собитлик билан турган уламолардан бири сифатида эътироф этилган. 1994 йилда 100 ёшда вафот этган. Хожа Эгиз қабристонига дафн қилинган.



1912 йилда Марғилонда каттиқ курғоқчилик бўлиб, ёмғир ёғмай қўяди. "Туркистон вилояти газета" сининг 1912 йилнинг 31 май №41 сонида Мулла Ортиқ Муҳаммад мулло Мўсо ўғлининг бу ҳақдаги мақоласида бу ҳақда батафсил маълумот берилган.<sup>284</sup> Шаръий қоидага кўра шундай пайтларда аҳоли Худодан сув сўраб талаби борон қилиши кўрсатилган.<sup>285</sup> Шаҳарнинг нуфузли кишилари Хожажон қози домла хузурига келиб талаби боронга чиқиш зарурлигини айтиб маслаҳат соладилар. Маълум кун таъйин қилиниб бу иш амалга ошириладиган бўлади.

Қоидага мувофиқ кексалар, беморлар, мадрасаларнинг балоғатга етмаган талабаларини олиб чиқиш режалаштирилади. Кексалар доим Аллоҳни ёдида, беморлар доимий илтижода, болалар эса бегуноҳ бўлганидан улар дуоסי тез ижобат бўлишини умид қилинади.

Имом Байҳақий "Шуъаб ул-имон"да Абу Ҳурайра р.адан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Агар ораларингизда Аллоҳдан кўрққан йигитлар, ибодат қилувчи кексалар, ўтлаб юрган (тилсиз) ҳайвонлар ва эмизикли гўдаклар бўлмаганида устингизга балолар кетма-кет ёғилар эди".<sup>286</sup>

Биз мазкур талаби боронда қатнашган кишиларнинг энг охириги вакиллари билан ўтган асримизнинг охириларида суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлган эдик. Ўшанда юз ёшли суҳбатдошимиз марғилонлик уламо Муҳаммад Бобо домла мазкур воқеаларни эслаб шундай деган эди: "Қози домланинг талаби боронида мен ҳам қатнашган эдим. Чуқур мадрасада таълим олар эдик ўшанда. Қози домла мадрасага келдилар ва домламизга: "Талаби боронга чикмоқчимиз, талабаларнинг ёшларини берсангиз", – дедилар. Домла бизни ажратиб бердилар. Бирга йўлга тушдик. Йўлда бошқа мадрасаларнинг талабалари ҳам бизга қўшилишди. Марғилоннинг "Хожа Муоз"

<sup>284</sup> Туркистон вилояти газетаси. 1912 йил. 31 май, №41.

<sup>285</sup> Алоуддин Масъуд ал-Косоний. "Бадойеъ ас-санойеъ фи тартиб аш-шаройеъ". 3-ж, 126-б; "Ал-Иноя фи шарҳи ал-Ҳидоя". 2-ж, 454-б.

<sup>286</sup> Имом Байҳақий. "Шуъаб ул-имон"... 2-ж, 429-б.

деб аталадиган зиёратгоҳига<sup>287</sup> қараб юрдик. Бу амални шу ерда қилмоқчи бўлган эканлар.

У ерга етиб боргач, қози домла бизга: "Мен дуо қиламан, сизлар "Омин", деб турасизлар", – дедилар. Биз: "Хўп", – дедик. Ҳаво иссиқ, осмонда тангадек булут кўринмас эди. Қози домла мазор ёнидаги катта майдонда қиблага қараб дуо қила бошладилар. Орқаларида биз "Омин" деб турдик. Форсий тилдаги қуйидаги дуони кўп такрорлаганларидан ёд бўлиб қолди:

*Ё Раб, сабаби ҳаёти ҳайвон бифрест,  
Аз хони карам неъматини алвон бифрест,  
Аз баҳри лаб таишайи тифлони набот,  
Аз зотини абр шири борон бифрест.*

**Таржимаси:** Ё Раб, бизларга сабаб бўлмиш тириклик воситасини юборгил, саховатли дастурхонингдан турли неъматлар юборгил. Ширин гўдакларнинг чанқоқ лаблари учун, булутлар хазинасидан тотли ёмғир юборгил.

Шунда, не кўз билан кўрайликки, осмонда тангадек булут кўринмаслигига қарамай, бирданига булут пайдо бўлиб ёмғир қуйиб юборди. Ҳаммаларимиз ялангоёқ югурганча хужраларга кириб кетганимиз кечагидек эсимда".<sup>288</sup>

Маълум бўлмоқдаки, мамлакат аҳамиятига оид ишлар ўз даврида Хожажон қози домла Рожийга топширилган ва бу иш у зот бошчилигида кўнгилдагидек амалга оширилган. Агар биз Марғилонда бундан аввалроқ 1890 йилларда бўлиб ўтган талаби боронга Охунжон қори Номийнинг бош бўлганини ва бу зот ўша даврнинг машҳур уламози эканини ўйласак, фикримиз янада ойдинлашади.

### ***Шоҳимардон зиёратгоҳи***

<sup>287</sup> Хожа Муоз зиёратгоҳи Марғилон шаҳрининг шимолий-ғарбий ҳудудида, ҳозирги Ёйилма маҳалласида жойлашган. Маълумотларга кўра, бу ерга саҳоба Муоз ибн Жабал Абу Абдурахмон ал-Ансорий ал-Хазражий (ваф. 640. х.)нинг ўғли Абдуллох ибн Жабал дафн этилган.

<sup>288</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон, 1996.

Маълумки, Фарғона шаҳридан 60 км жанубда, Олой тоғ бағрида жойлашган Шоҳимардон қишлоғи қадимдан кишилар томонидан муқаддас жой сифатида эъзозлаб келинган. Бу ерда Ҳазрат Али номи билан боғлиқ Шоҳимардон зиёратгоҳи жойлашган. Ҳазрат Али ва унинг авлодлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар мусулмон ўлкаларида кўплаб учрайди. Халифа Алининг Нажаф (Ироқ), Мозори Шариф (Афғонистон), Фарғона водийсининг Шоҳимардон қишлоқларидаги муқаддас мазорларига Аббосийлар, Темурийлар ва Қўқон хонлари даврларида мақбаралар тикланган ва зиёратгоҳ сифатида азалдан эъзозлаб келинган.

Шоҳимардон қишлоғидаги зиёратгоҳ ҳам қадимдан водий халқлари ўртасида Қўқон хонлигидаги энг муқаддас жой сифатида ҳаттоки, қадимги Ўшнинг табаррук жойларидан ҳам машҳур бўлган. Қўқон хонлари ҳам бу ерга зиёратга келиб туриши айтилган.<sup>289</sup> В.А.Парфеньтеевнинг келтиришича, Худоёрхон 1861 йили Шоҳимардонни зиёрат қилган. Энг қизиғи, кетаётиб Водил марказида тўхтаб, бу ердаги Хожа Аҳмад валий мазорини ҳам зиёрат қилади ва бу ерда махсус ўрда бино этишни режалаштиради.<sup>290</sup>

XIX аср охири XX аср бошларида чоп этилган рус географ ва тарихчиларининг аксарияти Фарғона водийси тўғрисида келтирган маълумотларида Шоҳимардон хусусида алоҳида тўхталиб, уни маҳаллий аҳолининг энг муқаддас жойларидан бири сифатида эътироф этганлар.<sup>291</sup>

Ҳатто баъзи маълумотларга қараганда Шоҳимардонга келиб, ҳазрат Алининг муҳташам мақбарасини зиёрат қилиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермаган. Бу ҳақда 1871 йили Шоҳимардонга ташриф буюрган рус олими А. П. Федченко шундай ҳикоя қилади:

---

<sup>289</sup> Федченко А. П. Путешествие в Туркестан. – М.: "Географгиз", 1950. С.311.

<sup>290</sup> Парфеньтеев В.А. Селение Вуадил // Ежегодник Ферганского области. Том III Г.Новый Маргелан.1904.С.61.

<sup>291</sup> Земля и люди. Всеобщая география. Азиатская Россия и Средне-Азиатская ханства. СПб., 1892 С. 407.

«Шоҳимардон Оқсув ва Кўксув сингари икки дарёнинг қўшилган жойида жойлашган...Қишлоқнинг деярли бой бўлмаган бозорчаси мавжуд. Бозор вақф тарзида муқаддас мақбарага бириктирилган бўлиб, у ерни худди бир ибодатхона сифатида кўриш мумкин. Мақбаранинг бош мутаваллийси шу қишлоқнинг ҳам солиқлар йиғувчиси, ҳам ҳокимидир. У ерга боришдан олдин бизга мутаваллий ҳузурда меҳмонда бўлишимизни ва бутун меҳмондўстлик унинг ихтиёрида эканлигини айтишиб, на Марғилон беги гарчанд Шоҳимардон унинг тасаруфида бўлса ҳам, ҳаттоки на хоннинг ўзи ҳам бу ерда бизга гамхўрлик кўрсатишга буйруқ бера олмасликларини тушунтирдилар. Шу боис мен мутаваллийга ўз миннатдорчилигимни билдириб, эртага унинг олдига боришимни маълум қилдим.

Бу ерга дафн этилган авлиёни Шоҳимардон, яъни «Мардлар шоҳи» деб аташиб, бу ном унинг лақабидир... Ҳозирги вақтда бу мазор Кўқон хонлигидаги энг муқаддас жой сифатида, ҳаттоки, қадимги Ўшнинг табаррук жойларидан ҳам машҳурроқдир. Уни зиёрат қилгани кўплаб худоижойлар, нафақат хонликнинг турли жойларидан, балки қўшни ўлкалардан ҳам келадилар. Хоннинг ўзи бу ерга зиёрат қилгани тез-тез келиб туради...

Мен мақбарани кўздан кечирмоқчи бўлган эдим. Бироқ, бунинг урдасидан чиқа олмадим. Айтдиларки, Халифа Али оромгоҳини бирон бир гайридин кўриши мумкин эмас экан».<sup>292</sup>

Рожий Марғиноний ҳам кўп қатори Шоҳимардон зиёратига бориб турган ва унг ўз муносабатини бидирган. Умуман, барча даврларда бўлгани каби у яшаган давр шоир ва адиблари ўртасида Ҳазрат Али шаънида ва у зот номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳақида асарлар ёзиш бир қатор анъанага айланган эди. Мисол тариқасида, Рожийнинг замондошларидан Муҳаммад Юсуф Ҳазин Хонақоҳий, Мир Ҳайдар домла Толий, Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний, Жалололдин Қорий Марғилонийлар, Кўқон адабий муҳити вакилларида Завқий, Шухрат ва бошқалар номини келтириш мумкин.

<sup>292</sup> Федченко А. П. Путешествие в Туркестан. – М.: «Географгиз», 1950. С.311.

Рожий яшаган даврда мазкур мазор биноси қайта тикланади. Унга замон зиёлилари орасидан фақат Рожий таърих ёзадики, бу ҳам унинг мазкур зиёратгоҳга ижобий муносабатининг ёрқин ифодасидир.

### ***Таърихи бинойи жаҳид ҳазрат Шери Худо***

*Шери голиб ибн Бу Толибки дар таиҳири Ҳақ,  
Буд дар дасти пайамбар баста бо занжири Ҳақ.*

*"Ло фато илло Али ло сайфа илло зулфиқор",  
Буд у шери Худо дар дасти у шамишири Ҳақ.*

*Бин кадомин зи-н ду афзал дар саффи аъдойи дин,  
Буд бо Мусо асою бо Муҳаммад шери Ҳақ.<sup>293</sup>*

### ***Ҳазрат Али мазорининг янги биносига таърих***

Абу Толибнинг ўғли ҳазрат Али Ҳақнинг машҳур бандаси бўлиб, у Пайғамбар алайҳиссалом қўлида занжирда турган шер каби эди.

“Алидан бошқа бирор бир мард ўғлон ва уни зулфиқоридан бўлак бирор кескир қилич йўқ”, бўлиб, у Худонинг шери ва қўлида эса Ҳақнинг шамшири бор эди.

Дин душманларига қарши бу икки афзал нарсага боқ: Мусо алайҳиссалом қўлида асо, Муҳаммад алайҳиссалом қўлларида Ҳақнинг шери.

Авлиёхон Муҳаммадиевнинг шахсий кутубхонасида сақланадиган қўлёзмада келтирилган мазкур таърих матнининг охириги қисмлари йўқолган кўринади. Шунинг учун ҳам унда бинонинг қачон таъмирланганини кўрсатувчи таърих моддаси кўрсатилмаган. Аммо биз бунга аниқлик киритиш мақсадида ўша даврда Шоҳимардон зиёратгоҳи кимлар томонидан янгилангани ҳақидаги тарихий маълумотларга қизиқдик.

Маълум бўлишича, айтилган даврда Шоҳимардон зиёратгоҳи фарғоналик саромоядорлардан Мулло Шокир Қаландар ўғли

<sup>293</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...145-б.

томонидан янгиланган экан. Бу ҳақда 1905 йилда Москва шаҳрида чоп этилган «Золотая книга Российской империи» китобида шундай маълумот келтирилади:

*«Риштон волостининг бошқарувчиси Машокир (Мулла Шокир) Қаландаров 1845 йилда Қўқон уездининг Риштон волостидаги Риштон қишлоғида туғилган. Унинг отаси Худоёрхон ҳукмдорлиги даврида саркор лавозимини эгаллаб турган. Қўқон хонлиги руслар томонидан эгаллангач волост бошқарувчиси этиб тайинланган. Отасининг вафотидан сўнг Машокир Қаландаров 1881 йилдан 1898 йилгача ҳар уч йилда бир овоздан бошқарувчи (мингбоши) лавозимига сайланган. Ўшандан буён ҳукумат томонидан тайинланиб келинмоқда. Қаландаров икки марта уйланган ва беш нафар фарзанди бор. Қишлоқ хўжалигини яхши кўрганлиги сабабидан катта майдондаги қўриқ ерларни ўзлаштириб, уларни ободонлаштириш мақсадида ўз ҳисобидан ариқлар қаздирди. Қаландаров саховатпешалиги билан эл-юрт орасида катта обрў қозонган ва юрти учун кўп фойдали ишларни амалга оширган. Маърифатпарварлиги туфайли кўплаб мадраса ва мадрасаларни барпо этди. Аҳолининг сеvimли зиёратгоҳи Шоҳимардон мазорини таъмирлаш учун ўз ҳисобидан 60000 минг рубл маблағ сарфлади.<sup>294</sup> 1900 йили ҳаж зиёрати учун Маккага борди».<sup>295</sup>*

Келтирилган маълумотдан мазорни янгиллаган шахс аниқланса-да, бироқ, уни қайси йилда янгилангани барибир номаълумлигича қолади. Бунга рус сайёҳи Л. Костенко Шоҳимардондаги ҳазрат Али мазорини 1826 йилда юз берган каттик зилзила оқибатида бузилган,<sup>296</sup> деб берган маълумоти бир

<sup>294</sup> Шокир мингбошини Шоҳимардон қишлоғидаги Ҳазрат Али мазорини таъмирлаш учун сарфланган маблағ миқдорини тасаввур киши учун ўша даврдаги нарх-навога кўз ташласак. 1894 йилда чоп этилган «Фарғона вилоятининг йиллик обзори» тўпламида шу йилги кузда ўртача қўйнинг баҳоси 10 сўм, сигирнинг баҳоси 21 сўм, отнинг баҳоси 60 сўм бўлганлиги кўрсатилган. Шокир мингбоши бу қадар катта маблағни халқдан йиғилган даромад эвазига эмас, балки ўз қўл остидаги ерлардан тўпланган шахсий маблағи эвазига бунёд этган. Шунинг учун аҳоли уни Самарқандда Шердор ва Тиллакори мадрасаларини барпо қилган Ялантўш Баҳодирга қиёслашган.

<sup>295</sup> Золотая книга Российской империи. М., 1905. Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи қўлёзмалар фонди. КП. №5998. ПД.912.

<sup>296</sup> Гулиянц Л. Легенды и были Шахмардана. Ферганские зори. 20.04.2002.

оз ойдинлик киритади. Бизнингча, унинг бу маълумоти ҳақиқатга яқиндир. Чунки маълумотларга кўра, ҳазрат Али мозори тахминан 1826 ва 1894 йилда юз берган қаттиқ zilzilalar оқибатида бузилган.

Тадқиқотчиларнинг келтирган маълумотларига кўра, ўша йилларда содир бўлган zilzilalar 7–8 баллик даражада бўлиб, ҳар қандай мустаҳкам қилиб қурилган иморат ҳам жиддий шикастланиши муқаррар эди.<sup>297</sup> Демак Рожий давридаги Шоҳимардон зиёратгоҳининг янгиланиши 1894 йилга тўғри келади.

Шоҳимардондаги зиёратгоҳ марғилонлик маҳаллий аҳоли қошида алоҳида эътиборга эга бўлганини мозорнинг шайхлари Марғилоннинг Машҳад маҳалласидаги хўжалар бўлганидан ҳам билса бўлади.<sup>298</sup>

### ***Масжид-мадрасалар қурилишида***

Юқорида келтирилганидек, Рожий Марғиновичнинг замон аҳллари ўртасида тутган мавқеи уни шаҳар ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаётига оид воқеаларда муносиб ўрин эгаллашига олиб келган. Шу боис, масжид-мадраса, меҳмонхона ёки карвонсарой қурилиши ва турли муносабат билан ўтказилган анжуманлар Рожий домланинг иштирокисиз ўтмаган. Бу унинг мамлакат маънавий ҳаётига оид ишларга хайрихоҳлигидан эди, чунки у исломий маърифат ва зиё тарқалишига ва бунга хизмат қиладиган масканлар барпо бўлишига жуда ҳарис бўлган. Буни ўз асарларида ушбу маззуга оид ишларни кўп марта тилга олиб ўтганидан ҳам билса бўлади. Ҳатто у ўзигача яшаб ўтган хонлар ждавридаги бу каби маънавий-маърифий ишларни ҳам эслаб ўтган жойлари бўлган. Масалан, у бир асарида амир Умархон даврида хонликда

---

<sup>297</sup> Семенов А. А. Перечень землетрясений в Средней Азии и сопредельных с нею странах с древних времен до 1830 г. Сбор. Статей и докладов Института сейсмологии строительства АН Таджикистана. Тр., Т. 94, С., 1958. С.49.

<sup>298</sup> Валихонов Ч. Избранные труды. – М.: «Наука», 1986. С.157.

мавжуд маънавий муҳит ва таълим-тарбия ишлари ҳақида хабар беради:

*...Шуд дар арсаи давлат Саййид Умар ҳомийи дин,  
Арсаи Фарғонаро тақвияти шарфи мубин.*

*Насби шаръ, рафъи бидъат хиттаи Фарғона дид,  
Ҳамчу дар уҳдаи Умар иълоу дин Ясриб замин.*

*Жойи таълими тааллум жомеъи олий шуда,  
Бо мусаллои рафиъ саждагоҳи муслимин.*

*Дар жаҳон ду буқъа хайри ба илм обод шуд,  
Жомеъ Азҳар ба Миср жомеъ Хўқанди ин.*

*Муқтарин шуд бо ҳасби улув насби расми бадийъ,  
Мансаби тадриси ўро шайхул исломи дин.*

Дин ҳомийси бўлмиш Саййид Умархон даврида Фарғона заминида дини мубинга амал қилиш кучли даражада эди. Ўша даврда Фарғонада шариат ҳукмларини юқори қилиш, бидъатларни ўчириш гўё Ҳазрат Умар р.а. даврида Ясриб замин – Мадинада бўлгани каби эди.

Таълим ва тааллум маскани бўлмиш олий жойлар, намозхонлар билан тўла масжидлар бино бўлган эди. Ўшанда жаҳонда илм ривожланган жойларнинг бири Мисрдаги Азҳар жомеъси бўлса, бири Хўқанддаги мадраса эди. У ерда дарс бериш учун олий насабли шараф соҳиблари – шайхул исломлар қўйилган эди.

Тарихчи олим Шодмон Воҳидовнинг ёзишича, Умархон (1810 – 1822) даврида Қўқон хонлигининг Қўқон шаҳри фақат хонлик пойтахти эмас, балки XIX асрда мамлакатнинг маданий маркази бўлиб, унда ўзига хос адабий муҳит шаклланган эди. Умархон шоир, ёзувчи ва санъат усталарига ҳомийлик қилади, мадраса, масжид, мактаблар қуришга кўплаб маблағлар ажратади ҳамда ўзи ҳам шеърятда қалам тебратади. Ўз даврида унинг саройи адабиёт аҳли, илм-маърифат кишилари учун доимо очик бўлиб, "Умархон асри Фарғонанинг энг обод, илм ва фазл



тараққий этган, атроф жонибдаги вилоят ва мамлакатлардин Умархоннинг авсофи ҳамидасини эшитган уламо ва фузало ва шуаролар жамъ бўлуб, илм ва фазл ривож топган эди".<sup>299</sup>

"Умархон "Мажмуат аш-шуаро" барпо қилиб, – деб ёзади Мирзо Олим Махдум ҳожи, – закий ва зариф шуаролардин жамъ айлаб, ҳамма шуароларнинг айтган қасоид ва ғазалиёт ва ашъоратларини жамлаб девон қилгандур... Хусусан, Умархон ўзи шоир ширинсухан эди. Айтган шеърлари Фарғона ва бошқа вилоятларда машҳурдур".<sup>300</sup>

Рожийнинг мамлакат маданий ҳаётига оид ишларда му эгаллаши бежиз эмас. Чунки у мумтоз адабиётда мавжуд таърих айтиш услубида шунчалик маҳорат ҳосил қилган эдики, бу соҳада замондошларидан бирор киши унга тенг кела олган эмас.

1971 йилда "Фан" нашриётида А.Жувонмардиевнинг "Ҳарф ва рақам" сарлавҳали рисоласи чоп этилган. Таърихгўйлик санъатига бағишланган бу рисолада олим Рожий Марғинович таърихларига ҳам муносиб равишда тўхталиб, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг шоир ҳақидаги баҳосини келтиради, ҳамда унинг "олим, фозил, адиб ва шоир" бўлганини, "кўп таърих айтган"лигини қайд этади.<sup>301</sup>

Агар бунини милодийга айлантирилса, 1865 йил чиқадики, бу Рожийнинг мадрасада ўқиб юрган йилларига тўғри келади.

Рожийнинг таърихгўйлик соҳасидаги маҳоратига вақтли матбуот нашрларида берилган маълумотларда ҳам алоҳида урғу бериб ўтилган. Чунончи, 1915 йилда Туркистон вилояти газетининг 19 апрел №29 сониди Рожийнинг Қува қишлоғида яшаб ўтган "Нозик" таҳаллуси билан ижод қилган шогирди Абдулқодир Махдум вафоти муносабати билан ёзган таърих марсияси олдидан уни "Ал-муаррих қозиюл Рожий Хожажон

<sup>299</sup> Мирзо Олим Махдум ҳожи.Тарихи Туркистон / Сўзбоши ва изоҳлар Ш.Воҳидовники, араб ёзувидан табдил Ш.Воҳидов ва Р.Холиқованики, кўрсаткичлар Ш.Воҳидов ва Д.Сангированики. – Тошкент, Янги аср авлоди, 2008. 38-б.

<sup>300</sup> Мирзо Олим Махдум ҳожи.Тарихи Туркистон... Тошкент, Янги аср авлоди, 2008. 38-б.

<sup>301</sup> А.Жувонмардиев. Ҳарф ва рақам. ЎзССР "ФАН" нашриёти, Тошкент. 1971, 26-29-бетлар.

Хожа ал-Марғинович" яъни, "Тарихчи Хожажон хожа қози Рожий Марғинович" деб зикр қилинган.<sup>302</sup>

Дарвоқеъ, Рожийнинг таърихгўйлик маҳорати йигитлик пайтиданоқ шаклланган эди. Айтишларича у бир гал мадрасадан таътилга келганида зиёратига келган сабоқдош дўстларидан бири: "Хожажон, фалон иморатга кўп қатори мен ҳам хом хаёллик билан бир таърих битган эдим, бир кўриб берсанг", – дейди. Шунда Рожий кулиб: "Мунча ҳам овора бўлмасанг, ахир, ўша "Хом хаёл"ингни ўзи унга таърих бўла қолсин", – дейди. Дўсти хайрон бўлиб, "Хом хаёл" иборасини ҳисоблаб кўрса, ўша иморат қуриб битказилган йил 1282 рақами чиқадики, бу шоирнинг дўсти таърих бағишлаган иморатнинг қуриб битказилган йилига тўла мувофиқ экан.<sup>303</sup>

Хўш, мазкур таърих айтиш услуби қандай?

Маълумки, араб алифбосидаги ҳарфлар муайян товушларни англатишдан ташқари ўз ўрнида маълум сон қийматини ҳам ифодалайди. Буни "Абжад" деб аталади. Қадимдан мумтоз адабиётда шоир ва адиблар машҳур шахсларнинг туғилган ва вафот этган йилларини ва бирор тарихий воқеалар масалан, масжид ва мадрасаларнинг қурилган йилларини белгилашда абжаддан фойдаланганлар. Бунда ушбу саналар улар тарихини ифодаловчи сўзларнинг сон йиғиндисидан чиққан.

Мумтоз адабиётда бу каби таърихлар фақат у ёки бу воқеалар йилинигина билдириб қолмай, мазкур шахсларга оид бир қанча маълумотларни ҳам ўз ичига олган. Бирор бир воқеага таърих ёзиш учун абжад илмидан атрофлича хабардор бўлиш лозим бўлади.

Таърихлар лафзий ва маънавийга бўлиниб, Иброҳим Халил уни 12 турини кўрсатиб ўтган. Рожий ижодида таърихнинг уч туридан фойдаланганини кўрамиз: комилул аъдод – ишора қилинган таърих моддасини кўшиш ва таърих чиқариш, ноқисул аъдод – таърих моддасининг рақамларига бир неча йил етишмагани учун ишорага кўра бирор сўз ва рақам қийматини

---

<sup>302</sup> Туркистон вилояти газети. 1915 йил, 19 апрел №29.

<sup>303</sup> М.Мадғозиев. Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати...262-б.

қўшиб таърих чиқариш ва зоидул аъдод – таърих моддаси йиғиндиси таърих санасидан ортиқ бўлгани учун ишора қилинган сўз ёки ҳарфнинг қийматини ундан айириш – исқот йўллариدير.

Айрим шоирлар таърих шеърни фақат у ёки бу йўналишида ёзганлар. Масалан, XVIII аср охири XIX асрнинг биринчи яримларида яшаб ижод этган шоир Ғозий ўз таърихларида асосан рубоий шаклида яратганлиги маълум.<sup>304</sup> Бу жихатдан Рожий Марғинович таърихларининг кўзга ташланадиган хусусияти уларнинг мумтоз адабиётда қўлланган ғазал, шунингдек қитъа ғазал, ҳусни матлаъли ғазал, қитъа, мусамман, маснавий, рубоий, фард каби йўналишларида яратилганидир. Рожий таърихлари мисралар сони жихатидан ҳам турличадир. Уларнинг сони икки мисралик фард таърихдан тортиб, 130 мисрагача бўлган йирик асарларда ҳам учрайди.

Рожий таърихларининг умумий қиймати шундаки, улар ўша даврда яшаб, жамият ҳаётида муҳим ўринга эга кўплаб тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти ҳақида, уларнинг ибратли ишлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўлиқ тасаввур берувчи муҳим манбадир. Бу ўша давр кишиларининг дунёқараши ва эътиқодини англашда, мавжуд жамиятда ҳукмрон тузум ва воқеълиги ҳақида тасаввур ҳосил қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, Рожий Марғинович кўп асрлик таърихгўйлик анъанасини ижодий равишда давом эттириб, таърих шеър ҳақиқий санъаткор қўлида бошқа турлар каби ижодкорнинг юксак ва олижаноб мақсадларига хизмат қилиши мумкинлигини тўла исботлаган. Шоирнинг кўпчилик таърих шеърлари бирор воқеа ва ҳодисани шунчаки қайд этиш, унинг содир бўлган йилини кўрсатиш учунгина эмас, балки ўша воқеа-ҳодиса муносабати билан халқ учун зарур илғор ғояларни ифодалаш учун ҳам ёзилишини кўрсатди.<sup>305</sup>

---

<sup>304</sup> Азиз Қаюмов. Қўқон адабий муҳити. (XVIII - XIX асрлар). Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг нашриёти. Тошкент, 1691. 108-б.

<sup>305</sup> М.Мадғозиев. Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати...251-264-бетлар.

Маълумки, ўша даврда Туркистоннинг кўплаб йирик шаҳарларида бўлгани каби Марғилонда ҳам сарват эгалари тарафидан масжид-мадраса, хонақоҳ, карвонсарой, кўприк ва ҳаммом каби иншоотлар қуриш анчайин йўлга қўйилган эди. Улар тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар Муҳаммад Азиз Марғилоний «Тарихи Азизий» асаридан ҳам ўрин олган:

*«...Ушбу замони тинчда Марғилон уездида ва хусусан, Эски Марғилонда ва ҳам Янги Марғилонда ислом дини миллати ханафийдаги мўминлар ичиндаги дини мусулмонийга маҳкам ушлаган ва шариат айвонида ўтириб, роҳат қилмасликни ўзига лозим кўрган ва оммаи муслиминни бир кўз билан кўрадиган, рўза ва ифтор, қурбонлигини ўз вақтида қилиб турадиган, хатми хожсани тарк этмайдиган, ўз вақтида бечораларга закот берадиган, шундай шариат ошу нонларини пиширганда янги тўнликка чиқариб бермасдан, Ҳазрати Худованд раҳматидан умид тутиб, газабидан сақлаб қоларми экан деб, ризолигини излаб, мадраса ва қорихона, масжид қуриб, садақаи жория учун ўз дунёи ҳалолини сарф қилиб турган киши кимдир?*

*Аввал биринчи даражада – Эски Марғилонда Қозиён жамоаси Қилич Бурҳониддин уруғларидан Мулло Саййид Аҳмадхонхўжам валади ҳожи Фиёсиддинхўжа эшон марҳум ўгли. Қозиён хонақоҳларининг қошига тарих 1320 (милодий 1902) ҳижрийда бир олий қорихона, мактабхона солиб бино этган ва унга вақф тайин қилибдилар. Иккинчи [бошқа ўғиллари] шул маҳаллада ўз қаср эшиклари рўпарасидаги Ҳазрати Бобохон шайх ул-исломни бир Тути кўҳна (Эски тут) мадрасаси ва қорихонанинг ҳамма иморатларини бузиб ташлаб тарих 1325 (милодий 1907) йили бошлаб бир катта мадрасаи Жомеъ маъа (билан, ва) қорихона, мактабхона бино қилдилар. Тамоми курсибандлари мрамрдан, арманий усталарни олиб келиб ишлатиб, баланд кўтартириб катта Жомеъ масжидининг айвони ва ҳам хонақоҳи деворлари, дарсхоналари хишти пухтадан, кўча тарафи айвони, хонақоҳу дарсхонаси, томоми девор ишдан қутилиб, тепасини ёпмоқ ҳаракатига тушидилар. Бу санада, ниҳоят, масжиду хонақоси битганда, анча қиёс қилиб айтадилар, яна икки йил, яъни 1909 йилда шул мадрасаи Жомеъ*

тамоман тайёр бўлинур экан. Андог бўлса, жудда катта пул сарф бўлинур. Фиёсиддинхўжа Эшонхोजи Худо раҳматли жуда олийҳиммат, мақбули омма ва соҳибдавлат, имонли, соҳиби эҳсон ўғилларини Худойим берибди. Яна бўлак ўғиллари ҳам яхши. Бири яхши мулло бўлган, мадрасаи Мир Мукулмонбойга мударрис. Яна бўлак ўғиллари ҳам яхши давлату обрў топган кишилардир. Хўжамнинг ўзлари Марғилон маҳкумида ҳозирда биринчидурлар. Худо офатлардан сақласун. Соҳибзовут (соҳиби завод), соҳибдавлат, соҳибқобол ва хайру эҳсондир.

Камина Фарғонада Хўқанд шаҳридаги катта мадрасаларни кўрдим. Бу хўжамнинг қурилган мадрасаларининг тарҳи ва сурати ҳеч мадрасада йўқ ва сарфи харажати ҳам ўша катта мадрасаларга кетган сарфдан зиёда бўлса ҳам ажаб эмас. Таъриф қилинса ёлгон эмасдур ва ҳар ким кўрса сўнгра билинур. Масжид ва хонақоҳида ҳеч ким бу тасвирда масжиду хонақоҳ қилмабди ва сарфу харажатига чидай олмайди. Мадраса учун вақфларини тайёрлаб қўюбдурлар. Хўжаларнинг ота-оналарига раҳмат ва юз минг раҳмат демак керак.

Иккинчи – шу асрдаги соҳибқобол ва зовутдор ускуна ва дунёлари кўп, обрў топган марғилонлик Мулло Абдурахмонхўжам Бузрукхўжа эшон ўғлидурлар.

Учинчи соҳибдавлат ва соҳибзовут, Марғилондаги ҳаммом, соҳиб ускуна ва иқбол марғилонлик Мулло Муҳаммадшоҳхўжа Саййид Мусохўжа ўғлидур.

Тўртинчи – эски марғилонлик соҳибзовут ва соҳибдавлат Мирзо Олимбой чимёнликдур. Бешинчи – марғилонлик соҳибзовут Мулло Отабек»<sup>306</sup>.

Бундан ташқари, Муҳаммад Азиз Марғилоний айни даврда яшаб тижорат ва хайру саховат ҳамда ҳомийлик билан шуғулланган куйидаги шахслар ҳақида ҳам ажойиб маълумотларни келтиради:

"Марғилонда маъруфу машҳур бўлган тужжорлардан... иккинчиси Муҳаммад Иброҳимбой, учунчи Мир Салимбой, тўртинчи Муҳаммад Каримбек, бешинчи эски марғилонлик

<sup>306</sup> Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий... 52-67-бетлар.

*Ҳожи Азимжонбой, олтинчи Мулло Охунжон бой ҳожи, еттинчи Бобоёр Мирзо Салимбой сўфи ўғли, саккизинчи Мулло Муҳаммад Шариф Мирзо. Яна Маржонқизбой эски марғилонлик, ўғиллари Мулло Мусожон ва Абдуллажон. Қўқонда Олимжонбой, ўғиллари Солижонбой. Улар яхши ҳаммага ниҳоятсиз мақбулият топган, кўп маъруфу машхур бўлган, саховатпеша ва фуқаро халқига мурувватли. Қирқ-эллик минг сўм пули мусулмонларга сарф бўлса, гўшаи хотирига келмайдурган, турфа сахий ва хуш атвор, бева-бечораларга кўп закот ва эҳсон қилувчи, аммо ўзи кўп донишманди пурдон кишидур".<sup>307</sup>*

Куйида Рожийнинг турли иншоотлар қурилишига оид таърихлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

### ***Марғилон жомеъ масжидига таърих***

1869 йилда Марғилоннинг Узун ҳовуз маҳалласида Катта Жомеъ масжиди бино қилинади. Шаҳар маданий ҳаётига оид маскур воқеада унга таърих айтиш Рожий домла зиммасига тушади ва куйидаги таърихни айтади:

*Шуд зи файзи резади ин маъбади арбоби жон,  
Мазҳари файзи илоҳийи мақоми дилнишин.*

*Тархи гардун равзаи ин гунбази олийки дид,  
Гуфт гўё гаит нозил осмони чорамин.*

*Баҳри муаррих сахо Мирзо қули ҳиммат сиришит,  
Ин бино фармуд бодар жойи ин хулди барин.*

*Баҳри таърихи хитомаш ин дуо омад биёд:  
“То қиёмат бод доим саждагоҳи муслимин”.*<sup>308</sup>

***Насрий таржимаси:*** Дин аҳлларининг ушбу ибодатхонаси Аллоҳнинг фазли билан илоҳий файзлар кони ва хушнуд қилувчи ҳолда бино бўлди. Олий бинонинг гунбази, тархи равза каби эканини кўрингки, гўё унга осмон

<sup>307</sup> Муҳаммад Азиз Марғионий. Тарихи Азийий... 17-б.

<sup>308</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 45-46-б.

фаришталари тушгандек. Мирзокулининг ҳиммати жўш уриб, жаннатмакон бу бинони барпо қилишга фармон берди. Унинг қурилиши таърихига қуйидаги дуо келди: “Бу ер киёматгача мусулмонларнинг саждагоҳи бўлиб қолсин”.

Эслатма: Бинонинг қурилиш таърихи охириги мисрадаги сўзларнинг сон йиғиндисидан чиқади, яъни, 1286/1869.

Кези келганда айтиб ўлиш лозимки, мазкур масжид ўз даврида шаҳарнинг энг катта жомеъ масжиди саналган. Бу ерда даврнинг энг машҳур уламулари хизмат қилганлар. Шаҳар диний ҳаётига оид муҳим масалалар айнан шу ерда кўрилган. Энг қизиғи, 1902 йилда генерал губернатор Духовский Марғилонга келганида мазкур масжидга кириб ерли мусулмонлар билан учрашган. 1937 йилда фаолияти тўхтатилган масжид биносидан турли мақсадларда фойдаланилган. Ҳозирда у жуда ночор аҳволга келиб қолган.

### ***Мирсалимбой қози қурган масжид***

Марғилон шаҳрида Қозигузар номли маҳалла бўлиб, ўша даврда 1908 йилда шу маҳаллалик Мирсалимбой исмли саховатли савдогар ёзги масжид бино қилади. Кўпчилик хурсандлигига сабаб бўлган бино қурилишга Рожий қуйидаги таърихни ёзади. Бу Рожий ўзи хизмат қилаётган қозихона жойлашган маҳалла аҳлига муносабатини ҳам ифодалайди.

*Таъмири ажиб нав мусалло,  
Бо тархи жаҳид шуд муҳаййо.*

*Уъжубайи макон дилкушойи,  
Аз тахтаи чандист боло.*

*Тахташ ба солати панжгонаҳ,  
Тахтест ба фарши рахти зебо.*

*Болаш ба дафъи ҳарри сайфий,  
Ба савти ба басти жатри хазро.*

*Бо касби улув аҳли дин шуд,  
Ин буқъаи хайр саъйи маъво.*

*Боиси ба бинои ин макон бод,  
Маъжури ба назди Ҳақ таоло.*

*Нав нусхаи макон дилнишиний,  
Бо вазъи бадиъ шуд хувайдо.*

*Таъриҳаш аз ин чунин навестам,  
"Нав нусхаи макон дилнишин жо".<sup>309</sup>*

**Таржимаси:** Ушбу масжид ўзгача тарзда ажиб янги масжид бўлди. У пастдан юқорисигача ажиб бир дилкушо жой бўлди. У беш намоз учун бино қилиниб, ости чиройли гиламлар билан тўшалгандир. Унинг устида ёзнинг иссиғини қайтариши учун яшил соябони, яъни осмони бор.

Дин аҳллариининг илм ҳосил қилиши учун бу ер хайрли маскан бўлди. Шунинг учун бу Ҳақ наздида ҳам савобли бўлсин! Дилларга ёқимли янги маскан таърихи шундай деб ёзилди: "Янги нусхадаги маскан дилга ёқимли бўлди".

Эслатма: Таърих моддаси матннинг охириги мисраси йиғиндисидан чиқарилиб, ҳижрий 1326 милодий 1908 йилга тўғри келади.

Хўш, Мирсалимбой ким эди? Бу ҳақда тарихчи Муҳаммад Азиз Марғилоний "Тарихи Азизий" асарининг "Эски Марғилон шаҳрида бўлмиш маъруфу машҳур аҳли тужжорлар" номли бобида маълумот беради: "...Учинчиси – Мир Салимбой, катта савдогар киши эди. Қози гузар маҳалласига бир яхши ва катта мадраса бино қилган киши эди."<sup>310</sup>

### **Қосимхон қози қурган масжид**

Қозигузар маҳалласида Қосимхон қози исмли шахс истиқомат қилган. Рожий домла Қосимхон қози билан яқин алоқада бўлган. 1913 йил 2-3 апрел кунлари Қосимхон қози мударрис Асқар қори домланинг бўшаб қолган ўрнига ўғли Яхёхон махдум сайланиши муносабати билан ўтказилган анжуманда Рожий ҳам иштирок этади.

<sup>309</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...147-б.

<sup>310</sup> Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий... 17-б.



Қосимхон қози 1333, милодий 1915 йилда бу ерга гўзал ва кўркем масжид қурдиради. Рожий унга қуйидаги таърихни ёзади:

### ***Таърих бинойи масжиди Мулла Қосимхон қози***

*Шуд бо ин таъмири Қосим хожя қозийи муртакиб,  
Ва ҳува жавводун карим бис саёдати мунтасиб.  
Омад аз гайбим чунин овоза дар таърихи у,  
"Жи-ъ битухрика йа мусоллий солли васжуд вақтариб".<sup>311</sup>*

### ***Мулла Қосимхон қози қурган масжид таърихи***

Сахий ва эҳсондор, авлоди саййид Қосимхон қозининг таъмирлаган ушбу масжид таърихига ғайбдан шундай овоз келди: "Эй намозхон, бу ерга таҳорат билан кел ва намоз ўқи, сажда қил ва (Аллоҳга) яқин бўл". Мазкур жумланинг ҳарфлар йиғиндиси ҳисобланса масжид қурилган йили чиқади, яъни, 1333/1915.

Қосимхон қози кейинчалик ватан озодлиги йўлида кураш олиб борган миллий истиқлол қаҳрамонларига яқиндан ёрдам берган ва уларни қўллаб қувватлаган. Вафот этганида васиятига кўра уни ўзи қурган масжиднинг кириш қисмига дафн қилинган. Биз ўтган асримизнинг тўқсонинчи йиллари ўрталарида Қосимхон қозининг набираси Марғилоннинг Жармасжид маҳалласида истиқомат қилган Абдулҳай маҳдум Яҳёхон ўғли билан суҳбатлашган чоғимиз отаси томондан бўлган бобоси Қосимхон қози ва онаси тарафидан бобоси Усмонхон қозилар ва уларнинг фаолияти ҳақида сўзлаб берган эдилар.

### ***Маҳмуд Али солган масжид***

Маълумки, ҳозирги кунда Андижон шаҳрида "Маҳмуд Али" номи билан аталадиган бўлиб, маълумотларга кўра уни

<sup>311</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 93-б.

андижонлик сарват эгаларидан 1906 йилда вафот этган Маҳмуд Али Холмирзабой ўғли қурдирган.<sup>312</sup>

Айтишларича, масжид битгач у кўплаб машхур уламолар иштирокида катта зиёфат уюштиради. Марғилондан борган уламолар орасида Хожажон қози домла ҳам бўлиб, анжуман сўнггида Қози домладан масжид биносига таърих айтишларини илтимос қилишади. Домла бир оз тафаккур қилиб қуйидаги таърихни айтади:

*Таърихи минор Маҳмуди Ғариб,  
"Насрум миналлоҳ ва фатҳун қарийб".<sup>313</sup>*

Яъни, ғариб Маҳмуд қурдирган мазкур миноранинг таърих санаси "Аллоҳнинг нусрати ва яқин ғалаба" мазмунидаги оят (Саф сураси, 13-оят) ҳарфларининг сон йиғиндисидир. 1302/1885 йил.

1912 йилда наманганлик Қирғизбой исмли шахс қурдирган мадраса таърихига эса Рожий домла қуйидаги таърихни битган:

*Хайрхоҳидур мулла Қирғизбой неку ройидин,  
Кўр ҳунар аҳли санъат уста Қирғизбойидин.  
Мен сўрадим соли хатмин ақл даллоли деди:  
"Кел санаб ол, нақди таърихини "Қирғизбойидин".<sup>314</sup>*

### ***Саййид Акбархўжа солган масжид***

1907 йилда Марғилоннинг Қаландархона даҳасига қарашли Тўдоғ маҳалласининг мингбошиси Саййид Акбар хўжа масжид қурдиради. Унга Рожий тарафидан қуйидаги таърих битилади:

<sup>312</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида бу ҳақда шундай маълумот берилади: "Андижон жомеъ масжиди – меъморий ёдгорлик. (XIX аср охири). Масжид, мадраса ва минорадан иборат. Мадраса бош тарзи шарққа қаратиб қурилган. Тарзининг ўртасида пештоқ қад кўтарган. Унинг икки ёнида безакдор минора бор. Масжид мадрасанинг ғарбий томонида жойлашган. Минора (бал. 32 м) ҳовлида жойлашган. А.ж.м. қурилишида Исахон, Ю. Мусаев ва б. усталар қатнашган. 1902 й.ги зилзилада шикастланган. Бинолар 1971 – 74; 1999–2000 йилларда таъмирланган". (Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Т.: 1 жилд, 324-б.)

<sup>313</sup> Р. Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – Каптарли мазор. 2005.

<sup>314</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 100-б.

*Хайри жўйи соф тийнат ходими аҳли аном,  
Саййид Акбархўжа бод жаннатул маъво мақом.*

*Жуҳдаш аз тавфиқи Ҳақ масруфи амри хайр шуд,  
То ба таъмири чунин маъмураи қард эҳтимом.*

*Фазли Ҳақ бо у зоҳир, фатҳи ғайбӣ шуд насир,  
Варна дар ижоди ин олий бино қувват кадом?*

*Истионат буд ўро аз кароматҳойи Ҳақ,  
То расид ин масжиди олий бино дар ихтитом.*

*Фи сабиллллаҳи музаййан буқъаи соат хона шуд,  
Зоду уқбо хайри нофеъ саждагоҳи хосу ом.*

*Мур муриди хари боний аз карам бо ў насиб,  
Бо мукофоти амал дар арса-и явмул қиём.*

*Соли таърихи бинояш то ҳисоби мо шуда,  
"Масжиди олий бино Саййид Акбар хўжа" ном.*

*Як ҳазору се сад арбаъ бисту панҷ орий ҳисоб,  
Ҳосили таърихи ў бимо намебошад тамом.<sup>315</sup>*

**Насрий таржимаси:** Бу зот мусаффо қалбли, саховатли, омманинг ходими бўлмиш Саййид Акбархондирки, унга жаннат жой бўлсин! У Ҳақнинг тавфиқи билан молини хайр ишларга сарф этиб, бу гўзал бино қурилишига ҳаракат қилди.

Унга Ҳақнинг фазли ёрдамчи, ғайбӣ нусрат мададкор бўлди, акс ҳолда, бу олий бинони барпо қилишга қувват қаерда эди?! Унга Ҳақнинг каромати бўлиб, бино ўз ниҳоясига етди. Аллоҳнинг йўлида бу зийнатли бир маскан бўлди, шу билан бирга охират озуқаси, хосу омнинг манфаатли саждагоҳига айланди.

Яхшилик истовчи у кимсага карам насиб бўлсин ва бу иши қиёмат кунда ўзига мукофот бўлсин! Унинг таърихи бизнинг ҳисобда шундай бўлди: "Бу Саййид Акбархўжанинг олий

<sup>315</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси...91-92-б.

масжиди биносидир". Унинг ҳисоби, бир минг уч юз йигирма бешинчи йил ҳосил бўлди.

**Эслатма:** Кўриниб турганидек, таърих моддаси иккита бўлиб, бири абжад йўли билан чиқарилса, яна бири аниқ рақамларда баён қилинган.

Айтишларича асли Ўш шаҳридан бўлган Муштаройим исмли саксон ёшлардаги аёл Марғилоннинг Гўри аввал маҳалласига мадраса қурдирган. Мол-дунёсини охират савдосига сарфлаб, жуда қийинчилик билан уни битказган. Мадрасанинг очилиш маросимида жуда кўп одам тўпланган. Мадрасага ҳеч ким таърих бита олмаган вақтда Рожий домла таърих битган.

Архив маълумотларида Муштаройим мадрасасининг 12 та хужраси ва битта дарсхонаси бўлгани, мадрасада 25 нафар талабага мударрис Мулла Муҳаммад Юсуф билим бергани айтилган.<sup>316</sup>

### *Таърихи меҳмонхона*

Маълумки, шаҳар маданий ҳаётига оид қурилишлар сирасига турли кўринишда қурилган меҳмонхоналар ҳам киради. Қадимдан мусулмон халқлари меҳмонга кўрсатиладиган иззат-ҳурмат тақозосича меҳмонхоналар қурилишига эътибор қаратганлар. Бу бежиз эмас. Исломда меҳмонларга эҳтиром кўрсатиш алоҳида фазилат саналади. Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг ўзлари меҳмонларга ўзлари хизмат қилар эдилар. Шунингдек саҳобалари ва уларга эргашган тобеинлар ҳам шундай қилишган.

Абу Қатода р.а.нинг айтишича Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам хузурларига Нажошийнинг элчилари келганида асҳобларига: "Уларга мен ўзим хизмат қиламан, чунки улар бизнинг асҳобларимизни эҳтиром қилганлар", – деганлар.

Ҳатто салафи солиҳлар меҳмонларга хизмат қилиб ўтказилган кечани хурсандликдан ийд кечаси каби билишар эди.

---

<sup>316</sup> И.Алимов. Кўкон хонлиги Марғилон шаҳар мадрасалар тарихидан. АДУ. Илмий хабарнома. 42-б.

Абу Муҳаммад Мунзирий "Ат-тарғиб ват-тарҳиб" да келтиришича ҳазрат Али р.а: "Мени дўстларимни чақириб бир соъ, ёки икки соъ таом учун меҳмон қилишим, бир кул озод қилганимдан яхшироқдир", – деганлар.<sup>317</sup>

Анас ибн Молик: "Ҳовлининг закоти унда меҳмонлар учун бир уйни бўлишидир", – деганлар.

Рисолайи Қушайрияда келтирилишича бир куни Ҳазрат Али р.а. йиғлайдилар. Сабабини сўрашганида: "Етти кундан бери уйимга меҳмон келмайди, Аллоҳ таоло мени ҳорлаб қўйдими, деб қўрқиб йиғламоқдаман", – дейдилар.<sup>318</sup>

Иброҳим алаҳиссалом бир мил, икки мил узоқликка бориб ҳовлиларига меҳмон олиб келганлари учун "Абуз-Зайфон" ("Меҳмонларнинг соҳиби") деб аталганлар.

Мужоҳид Қуръони каримдаги: "(Эй Муҳаммад), Сизга Иброҳимнинг иззат-икромли меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими?" (Зарият сураси 24-оят) мазмунидаги оят ҳақида гапириб: "Уларга Иброҳим алайҳиссаломнинг ўзи хизмат қилгани учун ҳам иззат-икромли деб аталмоқдалар", – деган.<sup>319</sup>

Анъанага кўра меҳмонхона битгач, анжуман ташкил қилиниб шарафли кишилар таклиф қилинган ва улардан дуо олинган ва унга атаб таърих битилган.

1895 йилда Марғилонда Рожийнинг яқин биродарларидан бири яхши ниятда меҳмонхона куради. Рожий унга қуйидаги таърихни битади:

*Бод бо иззу шараф бони-и ин ҳанвора шод,  
То дари эҳсон аз ин маъмурайи неку шод.*

*Баҳри таърихи бинояш ин дуо омад ба ёд:  
"Манзилу маъвою зебо жойи давлатхона" бош.<sup>320</sup>*

<sup>317</sup> Абдулазим ибн Абдулқавий ал-Мунзирий Абу Муҳаммад. "Ат-тарғиб ват-тарҳиб". Дорул кутубул илмийя. Байрут, 1417. 2-ж, 38-б.

<sup>318</sup> Абул Қосим Ал-Қушайрий. "Ар-рисола ал-Қушайрийя"... 1-ж, 114-б.

<sup>319</sup> Абул Мавоҳиб Абдулваҳҳоб ибн Аҳмад ибн Али ал-Ансорий аш-Шаъроний. "Танбех ул-муғтаррин". Дорул маърифат-Байрут. 2004.212-б.

<sup>320</sup> Эшон Ака Шаҳобиддинов мажмуаси, 65-б.

**Насрий таржимаси:** Ушбу бинонинг курувчиси доимо шодликда ўтсин, унинг эҳсон дастурхонидан барча бирдек мамнун бўлсин. Унинг таърихига қуйидаги дуо келди: “Бу ер давлатхона ва зебо жой бўлсин!”.

Таърих моддаси охирги мисрадаги “Манзилу маъвою зебо жойи давлатхона” (“Чиройли манзил ва давлатхона”) мазмунидаги жумла йиғиндисидан чиқиб, ҳижрий 1313, милодий 1895 йилга тўғри келади.

### **Файзобод қишлоғидаги меҳмонхона**

1900 йилда Марғилон яқинидаги Файзобод қишлоғининг ақобирларидан бири меҳмонхона қуради. Унинг очилиш маросимида Марғилондан Хожажон қози домла Рожий бошчилигида бир гуруҳ меҳмонлар ҳам ташриф буюришади. Анжуман чоғи соҳиби хона меҳмонхона таърихига сўз айтишни Рожий домладан илтимос қилади. Шу ва унга айтилган таърих ҳақида Рожий шундай ёзади:

*"Меҳмонхонаи яки аз ақобири Файзиобод қишлоқ ки қоин жиҳати ғарбийи Марғион аст аз ин доъий илтимос қарда ки ижобатан ли илтимосиҳи манзум шуд".*

**Таржимаси:** Марғилоннинг ғарбий томонига қўшни Файзиобод қишлоғининг ақобирларидан бири меҳмонхона қурган эди. Ушбу таклиф этувчининг илтимосига жавобан қуйидаги таърих ёзилди:

*Ё Раб, ин маъмура аз шараф як марди Худой,  
Жойи файзи обод бод у манзили давлат сарой.  
Чун бо анжоми омад ин қўйи сард таърихи ў,  
Буқъаи нигўйи меҳмон боб файзи обод жой.<sup>321</sup>*

**Таржимаси:** Эй Раббим, бир мард киши тарафидан қурилган ушбу жой файзи обод ва давлат сарой бўлсин! Унга сарф бўлган ҳаракатлар натижасида таърихи қуйидагича бўлди: "Меҳмонларнинг муборак файзи обод жой бўлсин!"

<sup>321</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 94-б.

Таърихга кўра бу 1317 ҳижрийга тўғри келади.

### **Ҳожи Қобул солган кўприк**

1873 йилда ҳозирги Олтиариқ туманининг Оқбўйра қишлоғида яшовчи Ҳожи Қобул Эшон исмли тариқат шайхи шогирд ва муридлари билан бирга кўприк қуради. Маҳаллий аҳолининг олқишига сазовор бўлган бу хайрли ишдан хурсанд бўлган Рожий домла қуйидаги таърихни битади:

*Пири мурид бирла қилгон биноси таҳсин,  
Оқбўйро сувига таърихи “ғарқ” ўлди.*

Таърих моддаси “ғарқ” сўзи бўлиб, 1290 ҳижрийга тўғри келади.

### **Муҳаммадшоҳ хўжа қурган ҳаммом**

Маълумки, жамият маданий ҳаётида аҳамият касб қилувчи иншоотлардан бири бу ҳаммомлар бўлиб, улар юртимиз меъморчилиги тарихида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ислолда поклик биринчи ўринга қўйилгани учун қадимдан мусулмон аҳолиси бу ишга алоҳида эътибор қаратганлар. Айни пайтда уларни шариат андозаларига мувофиқ бўлишига ҳам қаттиқ аҳамият берилган. Шу билан бирга ҳаммом ва унинг одоблари кишиларга ўргатиб борилган. Умуман, исломда оддий деб қаралган ҳар бир нарсага ҳам аҳамият берилади.

Хонликнинг барча шаҳарларида бўлгани каби Марғилонда ҳам қадимдан жамоат ҳаммомлари бино қилинган.<sup>322</sup> Археологик изланишлар натижасида ҳозирги Марғилон-Наманган йўлининг Марғилон-Қува йўли билан туташган жойида XI-XIII асрнинг бошларига оид ҳаммом қолдиқлари топиб ўрганилган. Аниқланишича, ҳаммом ўрта аср Шарқ классик услубида қурилган бўлиб, икки юз йилдан ошиқ хизмат

---

<sup>322</sup> Нозилов Д.А. Марказий Осиё меъморчилигида интерьер. Тошкент: Фан, 2005. 451-б.

қилган.<sup>323</sup>

1901 йилда ҳозирги Фарғона шаҳрида марғилонлик сармоядор Муҳаммадшоҳ хўжа Мусоҳўжа ўғли<sup>324</sup> ҳаммом қурдиради.<sup>325</sup> Унга таърих ёзиб беришини сўраб Рожийдан илтимос қилади ва қуйидаги таърих ёзилади:

*Кир бўлса танинг мунда кир, юв,  
Олудалигингни ювиб кетар сув.  
Таърихига ани сўрсалар, де;  
“Ҳар юзи қарони оқ этар бу”.*<sup>326</sup>

Эътибор берилса, ўзига хос сўз ўйин, лутфу киноя билан йўғрилган бу тўртлик шеърда Рожий “ийҳом” санъати воситасида ўз даврининг “юзи қаролари” ни қаттиқ чандиб ўтади. “Юзи қаро” иборасининг яқин маъноси юзи кир, ифлос бўлса, шоир кузатган асл узоқ маъноси виждонсиз, маънавий кир бўлган кишилардир.

Мазкур таърихнинг форсийда битилган яна бир нусхаси мавжуд:

*Ҳаммоми дилнишин шуд мақбули таб марғуб,  
Бод бо бонийи ў ҳосил тамоми матлуб.  
Таърихи соли ў шуд аз рўйи ҳусни таъмир,  
Ҳаммоми дилтисандийи олий, дилкаш хўб.*<sup>327</sup>

<sup>323</sup> Анорбоев А.А. Марғилоннинг узоқ ўтмиш маданиятини излаб. Самарқанд, 2007. – Б. 32-33.

<sup>324</sup> Муҳаммадшоҳ хўжа Саййид Мусоҳўжа ўғли 1862-йилда туғилган, 1913-йилда вафот этган. Пахта заводлари, ёғ заводлари ҳамда тегирмонлари бўлган. Марғилонга биринчи бўлиб электр симини ва тўрта от улов судраб юрувчи моторсиз машина ҳам олиб келган. Муҳаммадшоҳ хўжа эшон ўттиз ёшларида Туркистон генерал-губернаторининг Қошғардаги савдо-сотиқ ишлари бўйича вакили бўлиб, ўн олти йил фаолият олиб борган. Довондан ўтиш чоғида ўзини совуққа олдирган ва 1913 йилда 47 ёшида оламдан ўтган.

<sup>325</sup> Мазкур ҳаммом ўтган асрнинг 30-йилларида бузиб юборилган ва ўрнида яна қайта ҳаммом барпо этилган бўлиб, ҳозирги Фарғона шаҳар 1-мактаб яқинида жойлашган.

<sup>326</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 91-б.

<sup>327</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси...91-б.



**Таржимаси:** Ушбу ҳаммом дилга ёқимли, мақбулу марғуб бўлди ва унинг қурувчисининг мақсудлари ҳосил бўлди. Чиройли тарзда қурилганидан унинг таърихи, "Олий, дилга ёқимли ва хўп дилкаш ҳаммомдир" сўзлари бўлди.

Ҳозирда Марғилоннинг Узун ҳовуз маҳалласида катта жомеъ масжиди бўлиб, унинг қошида шу ном билан аталувчи қадимий ҳаммом бор. Рожий домла унга ҳам таърих айтган бўлиб, бироқ у бизга етиб келмаган.

Айтишларича масжид қурилишда қатнашган кўнгилли кишилар қаторида бир қассоб ҳар куни ҳашарчиларга биттадан кўй сўйиб таом таркатади. Қурилиш ниҳоясида уни рози қилиш учун қанча кўй сўйганини сўрайдилар. У қанча эканини билмайман, дейди. Уни қандай қилиб рози қилиш ҳақида сўраганларида, мени мана шу масжид ёнига дафн қилсаларинг, келган одамлар: "Худо раҳмат қилсин", деб дуо қилишса етади", – дейди. У вафот этганда талабига кўра масжидга кираверишига ўнг тарафга дафн қиладилар. Қабр ҳозир ҳам масжид саҳнида мавжуд.

### *Андижон zilzilasi*

Хожажон қози Домла Рожийни мамлакат аҳамиятига молик ишларга бош бўлиши бежиз эмас. У бунгача ҳам шу каби воқеа ва ҳодисаларга биринчилардан бўлиб муносабатини билдирган эди. Ана шундай воқеалардан бири бу Андижон zilzilasi эди.

Тарихдан маълумки, 1902 йилда Андижон вилоятида катта zilzila содир бўлади. Ўрта Осиёда содир бўлган кучли zilzilалардан бири, деб қайд этилган мазкур zilzila ҳақида Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида шундай маълумот келтирилган:

"Андижон zilzilasi – Ўрта Осиёда содир бўлган кучли zilzilалардан бири. 1902 йили 16 декабрда соат 10 да рўй берган. Бу zilzilадан Андижон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқлар катта талафот кўрган. Ер кетма-кет уч марта

силкиниб, биринчиси 8 – 9 балл, 1 – 1,5 минутдан сўнг иккинчиси 9 баллдан ортиқ ва яна 30 минут ўтгач, учинчиси 8 – 9 балл бўлди. 50 минг киши яшайдиган Андижон шаҳри билан атроф қишлоқларда кўп жойлар вайронага айланди. Зилзилада 4652 киши нобуд бўлди. Зилзила натижасида Андижондан 5 – 6 чақирим наригача бўлган темир йўл излари эгилиб қолди. Андижон станциясидаги паровоз ва поезд вагонлари изларидан четга суриб ташланди. 16 декабрдан сўнг ҳам бир неча ой давомида Андижонда ер қимирлаб турди. Зилзила оқибатида Андижон ва унинг атрофида эни 10 см гача бир неча ёриқлар пайдо бўлди. Айрим ерларда ер сатҳи 70 см гача чўкди. Андижон зилзиласи Жанубий Фарғона флексураси – узилиш чизиги бўйлаб содир бўлган. Зилзила маркази Қораёрда (40,7° ш.к. 72,2° шк.у.да) жойлашган".<sup>328</sup>

Бу ҳақда ўша давр матбуотида ҳам турли мақола ва асарлар чоп қилинган. Туркистон вилояти газетасининг 1903 йил 28 апрел №16 сонида Васлийнинг, 1903 йил 22 феврал №7 сонида Остонакул Муҳаммад Шоқир ўғли Маъруфнинг, 1903 йил 15 феврал №2 сонида Ёдгорнинг, 1903 йил 8 март №9 сонида Ибратнинг, 1903 йил 31 январ №4 сонида Камийнинг, 1903 йил 22 январ №15 сонида Муқимийнинг, 1902 йил 16 декабр 1903 йил 9 июн №22 сонида Шоҳийнинг "Андижон зилзиласи ҳақида" шеърлари босилиб чиққан.

Кўп қатори Рожий ҳам мазкур воқеага муносабатини билдириб таърих ёзади ва бу Туркистон вилояти газетининг 1903 йил 22 апрел №18 сонида босилиб чиқади. Рожий шариат олими сифатида мазкур таърихда ўзининг энг тўғри хулосаларини баён қилади. Унга кўра бўлиб ўтган бу даҳшатли воқеага кишиларнинг гуноҳлари сабаб бўлган. Уларнинг ҳаддин ошишлари, туғёнга кетишлари улар бошига ушбу мусибатни келтириб чиқарган, дейди ва тарихда бўлиб ўтган шу каби воқеаларга ҳам саркаш қавмларнинг туғёнлари сабаб бўлганини айтиб, Мадян аҳолиси ва Самуд қавмларини мисол қилиб

---

<sup>328</sup> Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Тошкент – 1-ж, 324-б.

келтиради. Ҳатто, бу охират сафарининг дўмбира овозидир, сен ҳам огоҳ бўлиб охират сафарига тайёргарлик қил, дея уқтиради. Эътиборли жиҳати шундаки, Рожий бу мудҳиш воқеадан кишиларни ибрат олишга, ўзларини ўнглашларига чақирар экан, ўзига хитоб қилиб зилзилада ҳалок бўлганлар ҳақиға ачиниб йиғлашга чақиради.

### ***Зилзилайи Андижон***

*1320 ҳижрийда рамазон ойида Андижон шаҳрини зилзиласи воқеъ бўлиб ажиб даҳшатли зилзила кўрулди. Зилзила асносида Андижонни бир мавзеида бир кичкина тепалик жой ўрнидан кўчуб бир мунча жойга боруб чаппа бўлуб тушганлиги марвийдур. Таърихи зилзила будир:*

*Уҳликат кам мин қуро қаҳран би-осомил ъабид,  
Йа аййўҳал мужримин истағфируллоҳал Мажид.*

*Журми Мадян бо Самуд афзун шавад он Жибрили Ҳақ,  
Сайҳа зад то ин ду қавм аз ларзааш шуд нопадид.*

*Санги офат бо фало хуни қазо ў буд зад,  
Қаҳрамони қудраташ бар тораки қавми ъанид.*

*Шукр бояд дар шикофи кўҳна маскан мондаро,  
Чанду чун дериза шуд дериза дар қасри баъид.*

*Ё зи бори журми мо гови замин ларзида буд,  
Наъра зад саври фалак аз бими он саҳти мадид.*

*Ин замон кўҳи бало сайҳайи боло заданд,  
Як жаҳон жунбид аммо Андижон аз жо парид.*

*Ин тазалзул бар замин шуд сайҳа бар афлок ё,  
Сури Исрофил бувад ларзаи явмул баъид.*

*Зилзилат шуд ё малоик аз замин барканди зад,  
Шомихотул арз расон мин рўъйати он абид.*

*Ё гаронбори гунаҳ чун осийбони сақар,  
Савқи оташ осие зад зарби ў габро шадид.*

Ё замин шуд мубтало бо зояти даврони сар,  
Осмон – ал-қориъа бархонд аз боло дамид.

Бонги ваҳшат бо абр жуз гашта арвоҳон заданд,  
Чун ғуроби зарғи чанд аз мазрағи дунё рамид.

Сайҳа буд ин кўси рихлат ё бад ин оҳанг зад,  
Хез дорул охират рав дори дунё шуд палид.

Боми гардун бар замин зад гарди габро бар фалак,  
Пасту боло кард яксон онки дунё офарид.

Ҳам инони каррубиён бар ҳаво зад дуди оҳ,  
Рўз ин дам шом гашту субҳи маҳшиар шуд сафид.

Не масожид монд баржо не калисони кунит,  
Мунҳадам шуд Андижонро кўҳна бунён то жадид.

Коргоҳи пунбайи вай резаҳои вай реза шуд,  
Кас дар отаи хона моши на ҳо моши надид.

Мурд зери хоки диду мурда бар вайрона дид,  
Андижони дид аммо дигаре вайрона дид.

Дийда Андижони бало чун будаанд жони мағў,  
"Яфъалуллоҳу ма яшаау ва яҳкуму ма юрид".

Ибтило шуд ё бало шуд норасиданҳо расид,  
Дар мусибатгоҳи дунё бар шақийю бар саъид.

Шуд ба нафъи балда бежо онки бажо гашта буд,  
Чўби айвон хўрда тифли беғуноҳон шуд шаҳид.

Гар бало дид ин шаҳидон Карбалоро дийда буд,  
Олий маъсуми набий бо раҳмати румҳи Язид.

Рожий мустағфир шаву бо навҳаи ин овоз дех,  
"Иттақу йа аййуҳаннасу азаабуллоҳи шадид".

Сайҳаи танбеҳи ту нашунидаро соат расид,  
Аз жаҳаннам бишнав овозаи "ҳал мим мазид".

Ларза зад аз жирми замин аз журми мо бар Андижон,

*Бо гуноҳкоронро бигў таърихи ин: “Зарби шадид”.*<sup>329</sup>

**Насрий таржимаси:** Аллоҳ таолонинг қаҳри бандаларнинг гуноҳи сабабидан уларни ҳалок қилди. Эй гуноҳкор бандалар улуғ Аллоҳга истиғфор айтинглар. Гўё, Мадян ва Самуд қавмининг гуноҳи зиёда бўлиб, Жаброил (а.с.) сайха урди ва у икки қавмни ер ютди, қазо қаҳрамони уларга офат тошини урди. Ёки, Жаброил а.с кудрати қоронғуда саркаш қавмга қаратилди.

Энди омон қолган нарсаларга шукр қилиш керак, қанча-қанча уйлар учиб кетди. Билмадим, гуноҳимиз оғирлигидан ер қимирлади, ё осмон наъра қилди. Гўё бутун жаҳон қимирлади ва Андижон жойидан учиб кетди. Ё ҳақиқатдан ҳам зилзила бўлди, ё фаришталар Андижонни ердан кўтариб яна қайтариб урдик, ер бу ҳодисани кўриб йиғларди. Ёки гуноҳлар кўплигидан дўзахнинг тегирмон тоши қулаб тушди. Дўзахнинг бу тегирмон тоши ўз зарбасидан қаттиқ ерни тупроққа айлантирди. Ёки, ер инсон боши айланадиган дардга мубтало бўлди.

Осмон ердан чиққан бу балога “Ал-қориъа” сурасини тиловат қилдики, унда қаттиқ даҳшат ва қиёматда тоғларнинг ҳам юнг каби учиши ҳақида сўз боради. Кўрқинчли овоз булутга қўшилиб, арвоҳлар урди ва қузғунлар зироатни вайрон қилганидек Андижонни вайрон қилди. Бу охираат сафарининг дўмбира овози эди, энди сен ҳам огоҳ бўлиб охираат уйига ҳозирлик кўр.

Эй гуноҳкорларлар, сенларни гуноҳингдан дунё уйи палид бўлди, осмон томи ер устига қопқокдек урилди. Тупроқлар чанг тўзонга айланиб кўтарилди. Уни яратган Зот бир лаҳзада пастни боло, болони паст қилди. Одамларнинг доду фарёди фаришталардек осмонга сиғмас бўлиб кўтарилди.

Ўша куннинг кундузи зулматга айланди, гўё маҳшар куни келгандек, яъни инсонлар бу зилзиладан қайта тирилгандек бўлдилар. Бу зилзиладан Андижонда на масжиду на калисо қолди, Андижонда янги-ю эски иморатлар вайрон бўлди. У

---

<sup>329</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 88-89-б.

ердаги (пахта заводининг ҳам) деразалари вайрон бўлди. Бирор киши йўл устида на уловли на пиёдани кўрмади. Ўликлар вайронлар остидан кўринди, андижонликлар барча иморатларни хонавайрон кўрдилар. Улар балонинг қаҳрини кўрдилар, тирик қолганни ҳам тирик дема.

Аллоҳ таоло хоҳлаган ишини қилади, хоҳлаганига ҳукм қилади. Бу бало шунчалик имтиҳон бўлдики, ҳатто норасидалар бошига ҳам кўп кулфатлар тушди. Бу кўргуликдан яхши-ю ёмонга баробар мусибат бўлди.

Бу бало шаҳарнинг фойдасига тўсиқ бўлди, эски айвон тўсинлари остида бегуноҳлар шаҳид бўлди. Буни кўрганлар Андижонни дашти Карбало билан баробар, деб билдилар. Гуноҳдан пок бўлган Расулulloҳнинг набиралари Язиднинг найзасидан ўлдирилганга ўхшаш мазлумона ҳолда кўрдилар. Бу зилзила ернинг устида бўлдими, ё осмон остида? Ё ваъда қилинган кунда Исрофилнинг сури чалиндими? Эй Рожий, сен ҳам истиғфор айт ва бу ўлганлар учун йиғловчи бўл. Эй инсонлар кўркинлар, Аллоҳнинг азоби қаттиқдир. Бу танбех саҳифани эшитганларга шояд етиб борса, жаҳаннамдан “ҳал мим мазид” (“яна кўшимча борми”)<sup>330</sup> овозини эшит. Зилзила бизларнинг гуноҳимиз сабаб ер жисмига ларза урди. Ҳа, Андижонга ларза урди. Гуноҳкорларга айт, бу воқеа таърихини “зарби шадид”дан қидиришсин. Таърих моддаси: 1320/1902.

### ***Марғилон бозорида бўлган ёнгин***

Биз Рожийнинг маҳаллий аҳоли бошига тушган баъзи мусибатли воқеаларга муносабатини Андижон зилзиласига муносабати мисолида кўриб ўтар эканмиз, уни шу каби яна бир воқеа – Марғилон бозорида бўлиб ўтган ёнгинга муносабатини ҳам келтириб ўтсак.

Маълумки, барча шаҳарларда бўлгани каби қадимдан Марғилонда ҳам савдо бозорлари бўлган. XIX аср ўрталарига

---

<sup>330</sup> Бу ерда Куръони каримнинг Қоф сурасида келган "У кунда биз жаҳаннамга "тўлиб битдингми?" дермиз, у эса "яна кўшимча борми", дер" мазмунидаги 30-оятига ишора қилинмоқда.

келиб Марғилон энг катта савдо бозорларига эга экани айтилган. Савдо ривожлангани туфайли Марғилон шаҳар марказий бозорида 2246 та савдо расталари мавжудлиги таъкидланади. Шундан 489 таси давлатга қарашли, 686 таси вақф мулки, 1071 таси хусусий бўлган.<sup>331</sup> Марғилон бозорлари осойишта ва озода, савдогарлар ва фуқоролар ўртасида низо, қаллоблик, алдамчилик, ўғрилиқ каби иллатлар деярли бўлмаган. Тушликда ўқиладиган намоз пайтида бозор ва дўконлардаги маҳсулотлар очиқ ҳолатда қолдирилиши ҳам қайд этилган.

1916 йилда Марғилоннинг катта савдо бозорида ёнғин чиқиб, барча дўконлар моли билан куйиб кетади. Ёнғин шаҳар аҳолиси, савдогар-тижоратчилари ҳаётига жиддий таъсир ўтказди. Бу каби воқеаларга бефарқ бўлмаган замон зиёлилари унга таърихлар ёзадилар.

Муфаззал махдумнинг айтишича, мазкур ёнғинга Умарча қори, Сўкчилик қишлоғида яшаган Камина исмли шоирлар ҳам таърих ёзганлар.<sup>332</sup> Изланишлар давомида Охунжон қори Водилий, Фазлул Ваҳҳоб Мозорийлар ҳам таърих ёзганини аниқладик. Рожий ҳам унга қуйидаги таърихларни ёзган эди:

*Куйди бозор боши моли билан,  
Аҳли бозорнинг шарорати билан.*

\*\*\*

*Таърих учун деди куйган тил,  
Суқ ўртаси куйди Марғиондин.*

\*\*\*

*Куйди бозор боши моли билан,  
Аҳли бозор шароратидин.  
Ғаш ўл таърих аҳбоси моли,  
Баднафс тужжор тароватидин.*

Бу ерда яна бир қизиқ нарсага эътибор қаратсак. Юқорида келтирилган таърихлар қаторида Рожий тарафидан ёзилган

<sup>331</sup> Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. –Т: «Фан», 1973. С. 489

<sup>332</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 76-б.

форсий тилдаги яна бир муаммоли таърих бўлиб, уни кўплаб замон зиёлиларига ҳавола қилинганида ҳам равшан айтиб бера олишмайди.

*Сўхт бозори оми Марғилон таърихи у,  
Шуд бааъмоли муаммо з-ин ду мисра мунтазам.  
Ҳар яки аз амволи шуд маҳбуби саҳт аз нақди суд,  
Оташ аз саргашт берун сўхт нақду суд ҳам.*<sup>333</sup>

**Таржимаси:** Марғилон бозори ёнди, унинг таърихи ушбу икки мисрадан чиқади. Ҳар бир кишига ўзининг моли ёқимлидир, ўт келиб молни ҳам фойдани ҳам куйдирди.

Бирок, уни Холмуҳаммад қори домла исмли улуғ алломагина аниқ айтиб берадилар ва ёзиб Қози домлага жўнатадилар. Бундан таъсирланган Рожий Холмуҳаммад домла ҳақида бир тўртликни ёзиб у кишига юборади. Унда Рожий домлани “аҳли маъно” – маъно аҳлларидан экани ва бу соҳада замон яғонаси эканини таъкидлайди:

*Ҳар гужо бини касеро аҳли маъни зинҳор,  
Бар сари ў бўйи гарду дар қудумаи гардигард.  
Гар сухангўйи ба гўйи Холмуҳаммад гў ки ўст,  
Гўйи- хўйи, фаҳми жўйи, саъйи кўйи, фард мард.*<sup>334</sup>

**Насрий таржимаси:** Қайси жойда бир аҳли маъно кишини кўрсанг, албатта уни бошидан ва қадам изларидан айлан. Агар сўзламоқчи бўлсанг Холмуҳаммад қорининг кулоғига айтгин, у ҳушёр, қайноқ, фаҳмли, ҳаракатчан ва маъно айтишда яғона мард зотдир.

Рожийнинг Холмуҳаммад қори домла шаънида бундай юксак баҳони бериши бежиз эмас. Алломанинг фазилатини бошқа замондошлари ҳам эътироф этганлар. Бухоролик машҳур Асвад махдум эса марғилонлик Холмуҳаммад қорининг

<sup>333</sup> №14қўлёзма. 57-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

<sup>334</sup> Мазкур тўртлик матнини биз 2009 йилда Холмуҳаммад қори шогирдлари оғзидан ёзиб олганмиз. Унинг иккинчи байтини эса М.Мадғозиев 1970 йил, 11 феврал куни Тошкентда Низомиддин Мирзо Абдулло Насриддин ўғли оғзидан ёзиб олган. Унинг айтишича Холмуҳаммад қори домла 1927 йилда уларнинг хонадонидида меҳмон бўлган.



таърифини эшитиб, атайин Бухородан Марғилонга келгани ва у зот билан суҳбатлашиб, юксак илму билимларига таҳсин айтиб кетган эди.

Мавзу ўтган асримиз бошларида бўлиб ўтган воқеа – Марғилон бозорининг куйиши билан боғлиқ экан, ибрат сифатида айни жараёнда бўлиб ўтган яна бир воқеани эслаб ўтишни лозим топдик.

### *Дўкон ёнмай қолди*

Айтишларича ўшанда бозордаги барча дўконлар ёниб кетгани ҳолда Мирҳожибой исмли савдогарнинг дўкони ёнмай қолади.

Бу билан боғлиқ воқеаларни Мирҳожибойнинг авлодларидан бири Турсунбой ҳожи ота шундай ҳикоя қилади: "Ўшанда бобом хуфтон намозига таҳорат олаётган пайтлари экан. Бирдан, набиралари кўчадан югуриб келиб бозорга ўт кетгани, ҳамма дўкондорлар ўша ерда эканини айтади. Лекин бобом хотиржамлик билан таҳоратни тугатадилар ва: "Ўзингизни босинг, болам, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ, молимизга ўт таъсир қилмайди, молнинг закоти берилган", – дейдилар, кейин: "Мен Парвардигор ваъдасига ишонаман", – деб қўшиб қўядилар".<sup>335</sup>

Мирҳожи бой молнинг закоти берилган, деганида нимани назарда тутган эди?

Имом Байҳақий "Шуъаб ул-имон"да, Табароний "Мўъжам ул-кабир"да келтирган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Молларингизни закот беришлик билан қўрғонга олинглар", деганлар. Имом Муновий ушбу ҳадиснинг шарҳида закоти берилган моллар курукликда ҳам сувда ҳам талофатга учрамаслигини айтган.<sup>336</sup>

Маълум бўлмоқдаки, Мирҳожи бой тақволи, диёнатли, ҳалол савдогар бўлган. Биз унинг шахсига қизикдик ва қуйидаги маълумотларни топишга эришдик.

<sup>335</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – 2007.

<sup>336</sup> Абдуррауф Ал-Муновий. "Ат-тайсир бишарҳи Жомеъ ус-сағир"... 1-ж, 1010-б.

Мирҳожии бой 1836 йилда туғилиб 1924 йилда 88 ёшида вафот этган. Марғилондаги "Тош тушган" масжид ёнидаги қабристонга дафн қилинган. Пўстиндўз маҳалласида истиқомат қилган. Улар оилада уч ўғил – Мирҳожии бой, Миртожии бой, Мирбобо бой исми у ака-укалар бўлишган. Оталари "Қобилжон бообрў" номи билан машҳур бўлиб, шаҳардаги бўз растасининг бошлиғи бўлган. Марғилондаги Мўйи муборак – Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламнинг муборак соч толалари унинг қўлида сақланган.

Чит савдоси билан шуғулланган Мирҳожии бойни Марғилон бозорида дўкони бўлган. Ниҳоятда саховатли, ҳиммати баланд олижаноб киши бўлган. Ҳар йили рамазон ойида бир ой давомида закот молини тарқатган. Мавлид ойида катта мавлид анжуманлари ташкил қилган. Илм аҳли ва уламоларга қаттиқ муҳаббатли киши бўлган. Айниқса, марғилонлик уламо Хонақоҳий Ҳазрат Домлага айрича муҳаббат қилган. Бир гал катта зиёфат уюштириб мадрасанинг устоз ва талабаларини меҳмон қилган.

Бир йили шаҳардаги барча масжидларга зарурий жиҳозлар олиб берса, бошқа бир йили барча уламо ва талабаларга бепул китоб тарқатар экан. Уламоларга берадиган кийимликка қўшиб, малол келмасин, дея чевар пули билан игна-ипини ҳам бериши ибратли. Бу эҳсонда уларнинг болаларини ҳам эсдан чиқармаган.

Бойнинг энг кўп такрор қиладиган сўзи: “Шукронайи неъмат зиёдаи давлат” деган сўз бўлган.

### ***"Кекирдакдан ўтганига рози бўлинг"***

Ўтган асримизнинг ўттизинчи йилларида бойнинг икки набираси Раҳматжон ва Тоштемир ота Олтиариққа ёнилғи олгани боришади. Қайтаётиб Оқбўйра қишлоғига келганда қоронғу тушиб қолади, улар қўрқиб қаерга боришини билмай, чўк тушиб йўлда ўтириб қолишади. Шунда бир аёл уларни кўриб қолиб аҳвол сўрайди. Улар воқеани айтишгач, юринглар мен билан, деб уларни бошлаб кетади. У қишлоқдаги бемор

отасини кўргани келаётган экан. Отасини кўриб, қайтаётгач, бу болалар эрталабгача шу ерда қолишсин, деб қолдириб кетади.

Эрталаб нонушта пайти ҳовли эгаси, сизлар қаердансиз, деб сўрайди. Улар Марғилоннинг Шовва маҳаласидан, дейишади. Кимни ўғлисиз, деб сўрайди. Улар, отамизни айтсак танимаса керак, деб "Мирҳожии бойнинг набирасимиз", – дейишади. Шунда бойнинг номини эшитиши билан у ўрнидан туриб кетади ва болалар билан бошқатдан кўришиб, биров-бировга бир дона нонни ҳам ўйлаб берадиган вақт бўлишига қарамай, тезда қатлама пиширтириб меҳмон қилади. Кейин болалардан ота-оналари, амаки-тоғалари аҳволлини сўраб, уларга: "Кекирдакдан ўтганига рози бўлинг" деган одам салом айтди, деб кўйинглар", – дейди. Улар бундан хайрон бўлиб Марғилонга қайтишади. Келиб унинг гапи ва саломини етказадилар.

Хўш, у одам бу гапи билан нимага ишора қилган эди? Бунинг воқеаси шундай бўлган. Мирҳожии бойнинг Зоҳидон, Оқбўйра, Чимён қишлоқларида ерлари бўлган. Бир йили Оқбўйра қишлоғига ҳосилни олиш учун боради. Ўшанда бу киши ёш бола бўлиб, ота-онаси билан бойнинг ерида хизмат қилишар экан. Бойнинг набирларини той миниб юришганини кўриб мингиси келади, лекин қандай қилиб той олишни билмай бир ҳийла қилади. Ҳирмонга бир ўра кавлаб устини суваб, молни кекирдагини киши билмас тарзда ўрнаштириб бир қисмини устидан чиқариб кўяди. Ғаллани ҳирмонга тўкиш баробари унга ҳам тўкиб тўлдириб борар экан.

Ҳосил йиғиштирилиб ҳаммани рози қилиш чоғи бола ўрнидан туриб: "Ҳожии дада кекирдакдан ўтганига рози бўлинг", – дейди. Бой болага қараб туриб: "Сени кекирдагиндан ўтганига розиман", – дейди. Бола буни эшитиб ғалати бўлиб қолади. Уйига бориб кечаси билан ухламай тўлғониб чиқади ва охири йиғлаб юборади. Мажбур бу ҳақда отасига айтади. Отаси, яхши қилмабсан, ахир шу кишини кўлида ишласак, бизга ҳақ тўласа, яна шундай хиёнат қиласанми, дейди. Ота боши қотиб бу ҳақда оқсоқолларга маслаҳат қилади.

Улар яширин омбордаги ҳирмонни аравага юклаб Марғилонга бойнинг хузурига келадилар, воқеани айтиб боланинг номидан узр айтишади. Бой болани чақириб нима учун бундай қилганини сўрайди. Набираларингизни кўриб от мингим келиб шундай қилган эдим, дейди. Бой, бўлмаса, буғдойни бозорга олиб бориб сотинг, етмаса мана бу ердан олиб сотинг, кўшиб болага той олиб беринг, деб жўнатиб юборади.

### *Ҳамён ариққа тушган*

Мирҳожии бой бир куни шомдан кейин кўчага чиқса, дарвоза олдида бир кишини турганини кўради. Уни кўриб, келинг, хизмат дейди. Меҳмонман, ётадиган жойим йўқ, дейди. Уни уйга олиб кириб меҳмонхонага жойлаб, сиз билан эрталаб гаплашамиз, деб ичкарига кириб кетади. Эрталаб чиқса, ҳамма ёқ очик, меҳмон жуфтакни ростлаб қолган экан. Қозикқа илинган ҳамён ҳам йўқ эди.

Бой у ёқ-бу ёқни қараган бўладида, кейин таҳорат сув олиш учун обдастани ариққа ботиради. Обдаста тумшуғига илиниб ҳамён ҳам чиқади... Ўғри ўзи сезмаган ҳолда молни олган ерида "қолдириб" кетган экан.<sup>337</sup>

---

<sup>337</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон –Терактаги. 2015.

## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙНИНГ ТАВОЗЕ ВА КАМТАРЛИГИ

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Рожий Марғинович замонасида юксак мартабага етгани, унинг фазилатини барча бирдек эътироф этгани ҳолда бу мактовлар олдида ўзини йўқотмаган, доим тавозели ва камтар бўлган. Чунки Рожий:

*Рутбайи олий валекин хокисор,  
Маърифат маъвосига етган эди.*<sup>338</sup>

Маърифат маъвосига етган киши ўзини камтар ва тавозели тутиши табиий.

Мазкур ҳолат олижаноблик саналиб, айна пайтда ибратли бўлгани учун ҳам унинг бу билан боғлиқ жиҳатларини алоҳида боб остида беришни лозим кўрдик. Рожийнинг камтарлиги ҳақида унинг зиёратига келиб суҳбатлашиб қайтган фарғоналик мухбир Мулла Олим Туркистон вилояти газетасида берган мақоласида шундай ёзган эди:

*"...Шул тариқа улуг даражада бўлуб туруб каминани ўз суҳбатларига сарафроз қилиб каминани гоятда мамнун ва масрур айлаб, бир кеча ул жанобни меҳмонхоналарида туруб, ижозат олиб, кўб хурсанд сарафроз бўлуб Хўқанд тарафиға азимат айладим".*<sup>339</sup>

Рожийнинг камтар ва тавозели бўлиши бежиз эмас. Чунки у ўзининг маънавий устозлари Сўфи Оллоҳёрнинг қуйидаги сўзларини яхши билган:

*Ўзингдан кетма ихлоси авома,  
Кувонма нома келмай яхши нома.*

---

<sup>338</sup> Рожийнинг набираси Мория она Бадриддин кизи хотирасидан. 1969 йил. Хотира матни М.Мадғозиев кутубхонасида сақланади.

<sup>339</sup> Туркистон вилоятининг газети. 1911 йил 16 июн. № 44. 1-2 -б.

Рожийнинг халқ орасида шунчалик обрўга эга бўлишига ҳам аслида унинг ана шу тавозе ва камтарлиги сабаб бўлганини эслатиш лозим. Чунки Навоий ёзганларидек,

"Тавозу халқни киши муҳаббатиға шефта (мафтун) қилур ва улусни фоил (тавозе қилувчи кишининг) маваддати (муҳаббати)ға фирифта (ошно-улфат) қилур. Дўстлуғ гулшанида назорат (чиройли) гуллари очар ва ул гулшандин унс ва улфат базми (дўстлик алоқаси)да турлук гуллар сочар.

(Тавозе қилмоқ) Агарчи борча элдин хўб (яхши)дур ва бари халойикдин марғуб (махбуб), аммо сарафрозлар (улуғ мартабали кишилар)дин хўброқдур ва бениёзлар (бойлар)дин марғуброқ. Абнойи жинс (барча инсонлар)дин бир-бирига мустаҳсан (чиройли), акобир (катталар)дин асоғир (кичиклар)ға (бўлса, янада) аҳсан (чиройлироқ). (Тавозе) Сахо (эхсон) қилмай элни шод қилур ва ато (ином) кўргузмай кишини ғамдин озод қилур.

Тавозуъ ва адаб аҳлиға таъзим ва ҳурмат етар ва ул донани эккан бу маҳсулни жамъ этар. Халқ ихтилотиди (аралаштишдаги) ҳамида ахлоқ ибтидоси бу ҳисолдур ва бу русух топса (мустаҳкам бўлса) муҳаббат ихтилоли (муҳаббатга халал етиши) маҳолдур".<sup>340</sup>

Энг қизиғи, Навоий Ҳазратлари худпарастликни гўёки бутпарастлик, деб атаганларидир: "*Бутпарастлик яхишироқким, худпарастлик*".<sup>341</sup>

II ҳижрий асрдан VIII ҳижрий асргача ўтган авлиёлар ҳаёти ва фаолиятига бағишланган "Табақот ул-авлиё" номли китоб муаллифи Ибн Мулакқин (ваф.804 х) мазкур китобида Аҳмад Ибн Абул Варднинг қуйидаги сўзини келтирган: "Аллох таоло агар валий бандада учта нарсани зиёда қилса, унда яна уч нарса зиёда бўлади; мартабасини зиёда қилса, тавозесини, молини зиёда қилса саховатини, умрини зиёда қилса риёзат ва мужоҳадасини зиёда қилади".<sup>342</sup>

<sup>340</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб...58-59-бетлар.

<sup>341</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб...77-б.

<sup>342</sup> Ибн Мулакқин "Табақот ул-авлиё". 1-ж. 62-б. <http://www.alwarraq.com>

Рожий домлани кўрган кишилардан Авлиёхон Муҳаммадиев шундай хотирлайди: *"Кўп марталаб эшитувимча, Рожий домулло хушсуҳбат, ниҳоятда камтар киши бўлиб, ўша вақтдаги амалдорларга хос бўлган такаббурлик аломатлари сира-сира билинмас экан"*.<sup>343</sup>

Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний ҳам Рожий Марғиновични шунчалик обрў ва мартаба эгаси бўлгани ҳолда тавозе ва камтар бўлганини шогирдларига эслатиб юрганлар.

Таъкид жоизки, Рожийнинг тавозеси кишилар ўртасида обрў топиш умидида бўлмай, холис Аллоҳ учун бўлган. Тавозенинг ушбу тури ҳақида Хожа Алоуддин Аттот қуддиси сирруҳу шундай дегандилар: *"Халққа тавозуь қилган киши шундоқ бўлиши керакки, тавозуь гарчи зоҳирда халққа бўлса ҳам ҳақиқатда Ҳақ субҳанаҳу ва таолоға бўлсун. Шундагина ул писандида (эътиборли) бўлур. Яъниким, аларни (тавозе қилинаётган шахсларни) Парвардигор қудрат ва ҳикматининг бир кўриниши деб билсун, акс ҳолда ул санъат (сохталик) бўлур тавозуь саналмас"*.<sup>344</sup>

Муфаззал махдумнинг ёзишича Рожий аҳоли ўртасида машҳур бўлишига хурсанд бўлмаган:

*"...Аммо афсус қилар эдиларки, ҳамма илмларни билган каби бўлиб, шу маснадда турибман"*.<sup>345</sup>

Рожий ўзининг бир асарида шундай ёзган эди:

*Бо ҳаводори марав ҳам чун ҳубоб,  
Дам ганимат дон, ки ин дам меравад.*

**Таржимаси:** Ҳубоб (сув устидаги кўпик)га ўхшаб ҳаводорлик билан юрма, уни ўрнига бу дамни ганимат билки, бу дам ҳам ўтади.

Рожий асарларининг бирида инсонни нопок сув эканига ишора қилиб, ортиқча манманликка нима ҳожат, дейиши ҳам уни камтарлигидан эди:

<sup>343</sup> А.М.Муҳаммадиев. Шоир ҳақида хотираларим "Коммуна" (Фарғона вилоят) газетаси, 20 июн 1968 йил.

<sup>344</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 121-б.

<sup>345</sup> Муфаззал ота Шоумаров. Рожий ҳақида хотираларим...3-б.

*Аслимиз оби ҳақир, ҳожат надур лофи мудом.*

Фардларининг бирида эса манманликнинг умри қисқа эканига ишора қилиб, шундай ёзади:

*Ҳавои тожи зар гарданкашонро паст месозад,  
Чу равшан шамъи базм дар як шаб зи по афтад.*

**Таржимаси:** Базмнинг равшан шамъи бир кечанинг ўзида оёғига йиқилиб тамом бўлганидек, зарлик тожнинг ғурури ҳам мутакаббир кимсаларни паст қилади.<sup>346</sup>

Бедил ғазалига қилган тахмисларининг бирида шундай ёзади:

*Мино ки сарбаланд аст сар дар аёғ гардад,  
Мушти ғубор бар сар шамъ аз димоғи гардад,  
Аз по фитода ҳар кас рифъат суроғ гардад,  
“Чун шуълаеки охир помоли доғ гардад,  
Дар зери по нишастем аз сар кашида рафтан”.*<sup>347</sup>

**Таржимаси:** Май кўзаси ҳар қанча баланд бўлганида ҳам охири соғарга эгилади, шам ҳам мағрур бўлгани учун куйиб бир тутам ғуборга айланади, шунингдек, беҳуда баландлик – манманликка интилган киши ҳам охири пастга тушади. “Шуъла кабики, охири ундан бир доғ қолди, биз ҳам бошимизни оёқ остига қўйдик”.

### ***Нима, жаннат ҳиди келсинми?!***

Рожий юқорида таъкидланганидек, адолат билан иш юритишга эриша олган бўлса-да, барибир ўзини адолатли қози, деб билмаган. Бу нарса унинг ҳозиргача халқ орасида сақланиб қолган баъзи латифаларида ҳам кўзга ташланади.

Айтишларича бир гал Марғилоннинг тўрт қозиси бир жойда жам бўладилар. Қозилардан бири: "Кун дўзахдай исиб кетдими?", – дейди. Рожий унга жавобан: "Тўрт қози ўтирибмиз-

<sup>346</sup> М.Мадғозиев таржимаси.

<sup>347</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси...13-б.



у, дўзахнинг нафаси уфурмай, жаннатнинг бўйи келсинми?!", – дея жавоб беради.

### **"Оши ҳалол қайда?"**

Маълумки, барча даврларда ҳам маҳаллий аҳоли рўзғорда битта, ёки иккита туёқ (чорпо ҳайвон) ушлаши одат бўлган. Рўзғорда боқиладиган бу каби қорамол, ёки кўй бутун бошли рўзғорнинг юкини кўтарган. Айниқса, қишлоқ аҳолиси учун ҳовлисида қорамол турмаслигини тассаввур қилиш қийин. Сутини ичганлар, ёғи қозонга жазлик бўлган ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам ўзлари емасалар-да, ҳайвон олдига бир нарса ташлаганлар. Кўпинча маҳалланинг бекорчи йигитлари кишиларнинг кўй-молларини дала-даштларга олиб бориб кечгача ўтлатиб келишган ва бу билан улар ҳам рўзғорга бирор наф келтиришган. Ҳовли эгалари ҳам кечгача уни емиши ташвишидан кутиладилар. Шунинг учун гарчи йигитлар хизматларига кўп нарса талаб қилмасалар-да, уларга кўнгилларидан чиқариб бир нима берганлар.

Айтишларича подачи йигитлар кўп қатори Хожажон Хожанинг молларини ҳам олиб кетишар экан. Кеч кириб қайтаётганларида унинг ҳовлиси олдида одатга кўра "Оши ҳалол-л!", деб бақирисар экан. Бу гўё "Қози Домла, молингизни ўтлатиб келдик, хизмат ҳаққини беринг", – деганлари экан. Албатта, уларнинг бу гаплари Қози Домланинг оддий кишиларга яқин эканининг аломати эди. Хожажон қози ҳам бошқа қозилар каби бир сирда турганида эҳтимол, улар бунга журъат қила олмаган бўлур эдилар. Лекин Қози Домланинг камбағалпарвар экани, улар кўнглини олишга бўлган рағбати уларни бундай дейишларига имкон яратган.

Бир куни подачилар даладан қайтаётиб Қози Домла ҳовлиси олдида тўхтаб "ҳақ " талаб қиладилар. Уларга жавобан Қози Домла қуйидаги ҳазиломуз маънодаги шеърни айтади:

*Бу турфае замонда, қозининг эшигинда,  
Эй подачийи сода, оши ҳалол қайда?*

Кўриниб турибдики, бу билан Қози Домла уларнинг кўнгилларини кўтармоқчи бўлган. Яъни, сен оши ҳалол, деб бакирасан, ахир шундоқ замонда Қозининг эшигида ошу ҳалол қаердан бўлсин, дейди. Ўртада пайдо бўлган бир зумлик табассумдан кейин подачилар ҳақларини бошқалардан ҳам кўра кўпроқ қилиб олиб, йўлларига кетадилар.

Эътибор берилса, Қози домла юқоридаги сўзда бир қанча нарсаларни нишонга олгани шундоққина кўриниб турибди. Биринчидан, шундай замонда қозилар ошининг ҳалоллиги қолибдими, дея баъзи қозиларни моли мардумхўр эканига ишора қилаётган бўлса, иккинчидан, ўзини ҳам улар қаторида деб билиб, камоли камтарлигини изҳор қилмоқда. Бундан ташқари, шеърда мавжуд жамият ижтимоий муҳити ҳақида ҳам баъзи чизгиларни кўрсатиб ўтилганки, бу Қози Домланинг кенг мушоҳадали эканининг белгисидир.

Эслатиб ўтамиз, Хожажон қози Домлага нисбат бериладиган ушбу бадиҳа шеърни Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов 2013 йилнинг 14 май куни Рожийшунос олим Муҳаммаджон Мадғозиевга айтиб берган эди.

### ***Отимиз ҳам моли мардумхўр!***

Айтишларича, бир куни Хожажон қози йўлда отлик кетаётган пайт, унинг оти олдинда бораётган деҳқон аравасидаги пичанга оғиз солади. Шу пайт бир киши Рожийга қараб, маъноли ҳолда: "Ассалому алайкум!", – дейди. Рожий буни сезиб: "Айбга буюрмайдилар тақсир, ўзимиз ҳам моли мардумхўр, отимиз ҳам моли мардумхўр!", – дейди. Яъни, ўзимиз ҳам халқ молини еганимиз учун, отимиз ҳам шундай", – дейди.

Гарчи мазкур латифалар зоҳирдан кулгули бўлиб кўринса-да, бироқ, унинг остида Рожийнинг ўз нафсидан рози бўлмаслиги, ўзини адолатли қози бўла олмаган, деб ҳис қилиши экани билиниб турибди. Шу билан бирга маълум даражада, ўша даврнинг баъзи адолатсиз қозилари нишонга олинаётгани, уларнинг ёрқин сиймоси тасвирланганини ҳам сезмаслик мумкин эмас.

Баъзи бўлиб ўтаётган у ёки бу воқеаларга ўзининг шумлигини сабаб қилиб кўрсатиш янгилик бўлмай, ўтган салафлар ҳаётида ҳам бунинг мисоллари кузатилади. Алишер Навоий "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да Абдурахмон Жомий ҳақидаги қуйидаги ҳикояни келтиради:

"Алар (Абдурахмон Жомий) Макка сафаридин (1472 й) қайтиб шаҳарга келганда, подшоҳ рўзгор ҳаводиси иқтисосидин (пайдо бўлган воқеалар тақозосича) Балх юрушига бориб эрдилар. Чун ҳумоюн роётким, Балхдин қайтиб, тахтга озим бўлдилар, истиқбол расми била Мурғоб вилоятигача келиб эрдилар. Подшоҳ била мулоқотдин сўнгра бандахонага ташриф келтуруб, кеча анда бўлдилар. Кеча алар истироҳат қилур учун бир янги такаллуф (зийнат)лиқ оқ уй бор эрди, ани тиктурулди, то ул Ҳазрат анда осойишга машғул бўлдилар.

Иттифоқо ул кеча бир ғариб тунд ел эстиким, ўрданинг кўпроқ оқ уй чодирларин йиқиб, ажаб ошуб (ташвиш) эл орасига солди. Алар учун тиккан оқ уйни дағи (ҳам) йиқи(ти)б, ушотиб (қулатиб)дур.

Алар хизматидағи асҳоб дегандурларким:

– Ҳайф бу уйдинки, яхши уй эрди, ажаб пора-пора бўлди. Муни тиккан фаррошлар, оё, не дегайлар?

Алар дебтурларким:

– Не дегайлар, айтғайларким, кошки бу шум кадамлик муллолар бизнинг уйга келмасалар эрди".<sup>348</sup>

Абдулваҳҳоб Шаъроний "Танбех ул-муғаррин"да бу мавзуда ибратли мисолларни келтиради.

Айтишларича, Молик ибн Динорга биз билан бирга истискога чикмайсизми, дейишади. Мен туфайли сув ўрнига тош ёғишидан кўрқаман, дейдилар.<sup>349</sup>

Ҳасан Басрий кўпинча ўзларига: "Одамларга солиҳ ва обид кишидек гапирасан, аммо амалинг эса риёкор, фосиқ ва мунофиқларнинг иши кабидир, Аллоҳга қасамки, бу мухлис кишининг иши эмас", – дея койир эканлар.

<sup>348</sup> Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин... 20-б.

<sup>349</sup> Абдулваҳҳоб Шаъроний. "Танбех ул-муғаррин"... 68-б.

Зуннун Мисрийдан: “Киши қачон ўзини мухлислардан эканини билади?” – деб сўрадилар. “Бор қувватини ибодатга сарф этиб, яна ўз мақомини одамлар ичида паст бўлишини истаса”, – деб жавоб берди.

Яхё ибн Муоздан “Киши қачон ҳақиқий мухлис бўлади?”, – деб сўрашди. “Унинг хулқи, унга мақтов ва ёмонлашларнинг фарқи бўлмаган эмизикли бола каби бўлмагунича”, – дедилар.

Фузайл ибн Иёз: “Киши модомики одамларга яхши кўринишни истар экан риёдан холи бўлиши қийин”, – дедилар.

Молик ибн Динор шундай дейди: “Йигирма йилдан бери нафсим ўзини ихлослиман, деб мен билан тортишар, мен эса уни инкор этар эдим. Бир куни Басра кўчаларидан ўтиб бораётсам, бир аёл яна бир аёлга: “Риёкор кимсани кўришни истасанг, мана Молик ибн Динорга қара”, – деяётганини эшитиб қолдим ва бундан хурсанд бўлиб кетганимдан нафсимга: “Эй нафсим, ўзингни ҳақиқий исминг-лақабингни мана бу аёлдан яхшилаб эшитиб, билиб ол”, – дедим. Шундан кейин ўзимга: “Ким риёкор кимсани кўришни истаса менга қарайверсин”, – деб юрадиган бўлдим”.<sup>350</sup>

Молик ибн Динор камоли ўзини паст олганидан, “Агар мен эшигимни беркитиб олгач, ичкарида қиладиган ишларимни кўрганингизда эди бирортангиз ҳам мени атрофимга келмаган бўлар эдингиз”, – деганлар.

Муҳаммад ибн Восеъ: “Гуноҳларга шу қадар шўнғиб кетдикки, агар бирор киши гуноҳни ёмон ҳидини билганида эди, ҳаргиз бизни яқинимизга кела олмаган бўлар эди.”

Рожий домланинг уламолар, тариқат шайхларининг зиёратига бориши ҳам унинг камтарлик ва тавозеси сифатида эътиборга молик. Дарвоқеъ, у талабалик пайтиданоқ бошлаб бутун умри давомида илм ва маърифат аҳлини излаган, зиёратларига борган ва улар йўлидан эргашган.

Хожа Аҳрор Валий айтадилар: “Аввалги ҳолимда ниёзмандлик – бировларга тавозе қилиш мени дилимни шундоғ эгаллаган эдики, ҳар қандай киши бандами озод, (кул ёки хур)

---

<sup>350</sup> Абдулвахҳоб Шаъроний. “Танбеҳ ул-муғтаррин”... 293-б.

сиёху сафид (оқ ёки қора), сағиру кабир (катта-ю кичик) йўликса, анга тавозе қилиб, тазарруъ ва илтижо бирла дуо ва илтифот талаб қилур эрдим. Бир куни шундай бўлди. Отамнинг мавзеи Каласда зироатлари бор эрди. Бир мартаба ғаллани жойламоғим учун бир турки саҳройи бирлан менинг ёнимга юбориб эрдилар. Мен унга машғул бўлганимда, ул турк чуволлар (бўшаган қоплар)ни олиб кетибдур. Вақтеким, воқиф бўлганимда, ўйладимки, мен андин дуо олмадим. Шунинг учун шундай қилди.

Ўзимда бу қосирликни кўруб, дарҳол ғаллани қўйиб, анинг изидан тезлик билан югурдим ва шаҳарнинг ярим йўлидан топдим. Ажз ва ниёз ва тазарруъи тамом билан анинг йўлини тутдим ва талаб этдимким: "Хотир (кўнглин)гизни марҳамат билан мен томон тутинг ва мени ишимга бир назар қилинг. Токи сизнинг баракатингиз била Ҳақ субҳанаҳу ва таоло менга раҳм этгай ва манинг боғлиқ тугунларим очилгай".

Ул турки саҳройи ажабланиб ва ҳайрон бўлуб айтди: "Ғолибан, сиз турк машойхларининг сўзлариға амал қилурсизким, айтиб эдилар: "Ҳар ким кўрсанг Хизр бил, ҳар тун кўрсанг кадр бил". Агар мундоғ бўлмаса, ман бир турки саҳройи, юзумни зарурат бўлгандагина ювадирган, бағоят беҳосил (илмсиз) киши турурманким, сиз мендин дуо талаб қилурсиз, мен бу ишға лойиқ эмасман".

Мени кўп илтижоимдин ул туркда бир асар ва кайфият пайдо бўлди ва қўлини дуоға кўтарди ва менинг ҳақимга дуолар этди...<sup>351</sup>

### ***Сизни Расулуллоҳ ёнларига дафн қилсак***

Умар ибн Абдулазиз вафоти яқинлашганида уни Пайғамбар алайҳиссалом ёнларига тўртинчи бўлиб дафн қилинишларига ишора қилишди. Буни эшитган халифани қалтироқ босди ва: "Ҳай-ҳай, Аллоҳ таоло мени дўзахда кўйдириши Аллоҳ қалбимдаги нарсани билиб тургани ҳолда ўзимни уларга муносиб билишимдан кўра яхшидир", – деди.

Ҳазрат Умар ҳам агар у кишини одамлар мақтаса: "Аллоҳим, мен улар айтаётган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ

<sup>351</sup> Фахрулдин Али Сафий. "Рашаҳоту айнил ҳаёт"... 290-б.

беришингни сўрайман ва мендаги улар билмаган нарсаларни кечирмоғингни тилайман", – дер эдилар.

Бир гал Иброҳим ат-Таймийга: "Эй фақиҳ, мана бу масалада нима дейсиз", – дейишди. Шунда: "Мен фақиҳи бўлиб турган замон қандай ҳам ёмон замондир", – деди.

Бакр ибн Абдуллоҳ Музаний ва Мутриф ибн Абдуллоҳлар ҳаж мавсимида арафотга чиқишди. Мутриф шундай дуо қилди: "Аллоҳим, ушбу бандаларингни мени ёмонлигим сабаб ноумид қайтарма!" Бакр ибн Абдуллоҳ эса шундай дер эди: "Агар ораларида мен бўлмаганимда бу маскан қандай ҳам улуғ жой бўлар эди".

Рожийнинг зиёрат мақсадида Фарғона, Қўқон, Наманган, Андижон, Ўш, Бухоро, Косон, Учқўрғон каби шаҳар-қишлоқларига боргани ҳақида маълумотлар бор. Мазкур зиёратлар бир томондан илм аҳлига муҳаббат тақозоси бўлса, бошқа томондан ўзига дўст топиш мақсади ҳам бўлган. Тадқиқотлар шуни маълум қиладики, Рожий учун ҳаётда дўст топиш жуда муҳим саналган ва шу туфайли масофанинг узоқ-яқини аҳамиятсиз бўлган. Чунки Рожий, "одамшунос, кадри фазлни биладиган, содиқул қавм (қамни дўст тутувчи)" киши бўлган.<sup>352</sup> Эҳтимол, уни юксак мақомга етиши шу жиҳатдан ҳам белгиланса керак.

Шайх Фаридиддин Аттор "Тазкират ул-авлиё" да шундай келтирадилар: "Шайх Аҳмад Хадравийя (қуддиса сирруҳу) Хуросон шайхларининг обидларидан эди. Мингта муриди бор. У ҳавода учар, жойнамозни сувда ёйиб намоз ўқир эди. Хотам Асом ҳазратларининг муриди эди. Абу Туроб билан кўп суҳбат курган, Абу Хафс Ҳаддод ҳазратларини кўрган эди.

Бир валийдан нақл қилинурким, айтар: "Бир куни Аҳмад ҳазратларини кўрдим. Бир олтин аравани миниб ҳавода кетаётган экан. Сўрадим:

- Бундай мартаба билан қаерга борурсан?
- Фалон азизнинг зиёратига борурман, – деди.

<sup>352</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...9-б.

– Сенинг бунчалик мартабанг бор экан, нечун у сенинг зиёратингга келмайди?

– Бу мартабани мен зиёратга бормоқ билан топдим. Агар у менинг зиёратимга келса эди, бу мартаба уники бўлар эди".<sup>353</sup>

"Рашахот" муаллифи Хожа Аҳрор Валийдан нақл қилиб ёзади: "Агар эшитсам ва билсамки, Чин мамлакатада бир номусулмон бу тоифа (улуғлар, тариқат шайхлари)нинг сўзларидан ханжар билан айтади деб, борурман ва анинг мулозамати (хизмати) ни килурман ва (бундан ҳаргиз) малолланмасман".<sup>354</sup>

Рожий домла зиёрат учун борган кишилардан бири бу Ўш шаҳрининг қозиси Ҳожи Муҳаммад Аълам Ўший эди. Энг қизиғи, Рожий ораси юз чақиримга яқин масофага фаълат зиёрат учун эмас, марҳум вафотидан кейин фотиҳаси учун ҳам борган. Агар буни бундан юз йиллар муқаддам бўлганини эсласак, уни осон бўлмаганини англаймиз. Демак, айтилганидек, Рожий дунёда ҳақиқий дўст топишга ҳарис бўлган. Бу унинг асарларида ҳам ифодасини топган эди:

*Қалби содиқ улфат изланг доимо, эй хосу ом,  
Ҳар қаю одамни одам деб анга ёзманг калом.*

Унингча, кишини дунёда дўсти бўлмаслиги гўё зиндонда абадий қолиш билан тенгдир:

*Кишиким дўсти йўқ гулшан ичинда,  
Муаббад бандидир зиндон ичинда.*

*Замон бўстонидан мен зор қолган,  
Жаҳон гулзоридан хор-хор қолган.*

Айниқса, бу ҳолатлар уни умри сўнггида ёзган баъзи асарларида ҳам яққол ифодасини топган эдики, бу пайтда у ўзини гўё дўстлари ва энг яқин кишилари тарафидан тарк этилган каби ҳис қилади:

*Эй ҳастайи беқарор, чунӣ?*

<sup>353</sup> Фаридиддин Аттор. "Тазкират ул-авлиё" ... 75-б.

<sup>354</sup> Фаҳруддин Али Сафий. "Рашахоту айнил ҳаёт" ...355-б.

*Бемунису ғамгусор, чуни?*

*Ёрон чи шуданду дўстдорон,  
Бе ёр аз ин диёр чуни?*

*...Гарде норасида аз раҳи ёр,  
Эй дийдади интизор чуни?*

*Эй мурғи қафас таронат кў?  
Бе барг дар ин баҳор чуни?<sup>355</sup>*

***Назмий таржимаси:***

*Эй ҳастайи беқарор, қалайсан?  
Бемунису ғамгусор қалайсан?*

*Ёрларинг қайда-ю, дўстларинг қани?  
Бу диёрда бе ёр, қалайсан?*

*Кетганлардан келмас ҳаттоки ғубор,  
Эй дийдади интизор, қалайсан?*

*Эй қафасдаги қуш куйларинг кимга,  
Бебаргсан бу баҳор, қалайсан?<sup>356</sup>*

Рожийга кўра дунёда дўстларни йўқотишдан кўра каттиқроқ иш йўк:

*Жудои оташи тез аст месўзад дилу жонро,  
Худо ҳаргиз насиби кас на ҳоҳад доғи ҳижронро.<sup>357</sup>*

***Таржимаси:*** Жудолик ўти дилу жонни тез куйдирадики, Худо ҳеч кимга ҳижронни кўрсатмасин.

Рожийнинг Хожа Муҳаммад аъламни катта ёшга бориб тенгқурлари қолмай, ўзи ёлғизланиб қолганига ишора қилиши ҳам шундан:

*Лоҷарам маҳбус эди бир кунжи ғам вайронада,  
Қолса ақрондин киши дунё анга зиндон экан.*

<sup>355</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 120-б.

<sup>356</sup> Таржима М. Мағфозиевники.

<sup>357</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси...62-б.



Шунингдек, уни жон олувчи фаришта келганида бош тортмай жон деб ўлиши ҳам жонидан безор бўлганидан эди:

*Жон талашмай жон деб ўлди, рози эрди марғига,  
Жонидин безор бўлган пири бедармон экан.*

Мавзу Рожий домланинг уламолар зиёратига бориши ва уларга мухаббати ҳақида кетар экан, унинг кичик замондоши Мирзахотам Аълам домла ҳаётида бўлиб ўтган бир воқеани тилга олгимиз келди. Гарчанд мазкур воқеа Рожий вафотидан анча йиллар кейин содир бўлган бўлса-да, аммо ундаги асосий ғоя биттадир.

Маълумки, Марғилон яқинидаги Рошидон қишлоғида олим, мударрис, шариат илмлари билимдони бўлган машҳур уламо Мирзахотам Аълам домла яшаб ўтган. Мирзахотам Мирза Каримзода ўғли 1876 йилда ҳозирги Фарғона вилояти Риштон қишлоғида дунёга келган. Аълам домла Бухородаги Мир Араб мадрасасида Садриддин Айнийнинг укаси Сирожиддин хўжа билан бирга таҳсил олган.

Мирзахотам Каримзода мадрасани тугатиб, Бухоро амирининг ёрлиғини олишга муваффақ бўлган. Дин илмларини яхши эгаллаб, Ислом оламини етук алломаси бўлиб етишганлиги туфайли амирлик томонидан у кишига алоҳида муҳр берилган. Шунинг учун ҳам кўпчилик Мулла Мирзахотамни «Муҳрли домла» деб аташган. Мулла Мирзахотам 1910 йили Қўқон шаҳридаги мадрасада мударрислик қилган. 1917 йилги Октябр тўнтаришидан кейин 1924 йилда Риштон қишлоғига қайтиб келади ва Риштон масжидларда имомлик қилади. 1935 йилга келиб Риштондаги барча мадраса ва масжидлар большевиклар томонидан таъқиқланган ва беркитилгач Мулла Мирзахотам бир муддат ўзининг ташқи ҳовлисида хусусий мактаб очиб ёшларга таълим беради.

Домланинг ҳамқишлоғи Турсунхўжа хожи Абдурахмон ўғли шундай дейди:

“Бир даврада ўтирганимизда илм аҳлининг одоби ҳақида баҳс-мунозара бошланиб кетди. Шунда ўтирганлардан бири ибрат сифатида Мирзахотам аълам домла ҳақидаги қуйидаги

воқеани гапириб берди: "Эллигинчи йилларнинг бошлари эди. Сталин вафотидан кейин 1937 йилдан бошлаб репрессияга учраганларга 1953 йилда авф эълон қилинди. Ҳаётининг ўн олти йилини қувғинда ўтказган Мирзахотам аълам домланинг пешонасига ва ниҳоят озодлик шамоли тегди. Кўп қатори у киши ҳам кўчаларда эркин юриш ҳуқуқига эришдилар. Озодликка эришган Мирзахотам домла Бухородаги мадрода бирга таҳсил олган сўхлик Қозикалон домланинг зиёратига йўлга чиқадилар. Сўх билан Риштон ораси тахминан 50-60 км эди. Мамлакатда ҳаёт оз бўлса ҳам изга тушган. Урушдан қолган юк машиналари Риштон билан Сўх ўртасида юк ташир эди. Ана шундай юк машиналарининг бирида Аълам домла Сўхга йўл оладилар. Машинанинг йўловчи ташиш ўриндиғи банд бўлганлиги сабабли аълам домла ҳам бошқа йўловчилар сингари машинанинг юк ташиш қисмига чиқиб оладилар. Бу пайтда йўллар бугунгидек раво, текис эмас. Машина ўнқир-чўнқир йўлларда тебраниб, тинмай силкиниб боради. Баъзида машина секинлашганда кўтарилган чанг машина кузовига ёпирилиб кирар, йўловчиларнинг уст-бошига қўнар эди. Бундай нохуш ҳолга аълам домла ҳам бошқалар каби индамай чидаб кетади. Тоғлар орасидаги илон изига ўхшаш йўлларни ортда қолдириб машина Сўхнинг маркази бўлган Сарибозорчага келиб тўхтади. Ҳамма йўловчилар машинанинг баланд кузовидан эҳтиёткорлик билан туша бошладилар. Мирзо Хотам аълам домла йўловчиларнинг машинадан тушишларини одоб билан кутади. Ҳамма тушиб бўлгач ўринларидан кўзғалиб машина кузовидан тушаётганларида бир йигит дарров қўлларидан тутиб эҳтиёткорлик билан тушишларига ёрдам беради. Йигит домланинг уст-бошларидаги чангни қоқади, салла-чопонларини қайта кийдириб шундай деди:

– Бобо, чойхонамизга марҳамат қилинг.

Йигитнинг илтифотини бажо келтириш учун аълам домла шарқираб оқаётган сув бўйидаги сўрига ўтирадилар. Йигит шу чойхонада чойхоначи экан. Дарҳол домланинг олдиларига дастурхон ёзиб, лаганда бир дона нон бир чойнақда чой келтириб

қўяди. Орадан маълум фурсат вақт ўтгач йигит Домла ўтирган сўрига келиб:

– Бобо, биз томонларга кимни йўқлаб келдингиз?, – деб сўрайди.

– Неъматулла қозикалон деган дўстим бор эдилар, шу кишини йўқлаб келган эдим– дейдилар Домла.

– Қозикалон домланинг уйлари анча узокда, Демурсад маҳалласида агар истасангиз эшагимда сизни миндириб олиб борсам, – дейди чойхоначи йигит.

Аълам домла рози бўладилар. Чойхоначи йигит эшагига Домлани миндириб, эшакни еталаб йўлга тушади.

– Қозикалонга қариндош бўласизми, – деб сўрайди йшда кетаётиб.

– Қариндошдан ҳам яқин бўлиб кетганмиз. Мен Қозикалон ҳазрат билан Бухородаги Мир Араб мадрасасида бирга таҳсил олганман. Бу киши мадрасада пешқадам талабалардан эди. Ўқиш даврида мен у кишидан кўп нарсаларни ўрганганман. Айниқса, одоб жиҳатидан бу кишига тенг келадиган талабани кўрмаган эдим. Кўп йиллардан бери кўрмаганим туфайли, ечимини тополмаётган масалалар тўпланиб қолган эди. Шу зотдан сўраб олиш учун Риштондан келаяпман”, – дейдилар аълам домла.

Қозикалон ҳақидаги бундай мақтовларни эшитган чойхоначи йигитнинг қалби ғурурга тўлади.

– Бизнинг тоғлар орасидаги олис қишлоғимизда шундай улуғ инсон яшар экан-у, биз ул кишининг қадрини билмас эканмиз”, – деб ич-ичидан афсусланади.

Қозикалон яшайдиган қишлоқ кўринганда йигитнинг қулоғига “дуп” этган товуш эшитилади. Орқасига ўгирилиб қараса Домла эшакдан тушиб пиёда юриб келаётган экан.

– Нега тушиб олдингиз? – дея сўрайди.

– Адашмасам, Ҳазрат Қозикалон қўлларида челак сувга чиққан кўринадилар, биз томонга қараб келмоқдалар. У кишининг олдиларида уловда бориш одобдан эмас, – дейдилар.

Шундай дейдиларда, Қозикалон томон шахдам юриб кетадилар. Улар бир-бирларига яқинлашгач Қозикалон Аълам домлани кўриб қўлларидаги челакни ташлаб қучоқларини очиб

тезлаб юра бошлайдилар. Икки аллома бир-бирларини бағриларига босиб узоқ кўришадилар. Кўзларидан оқаётган севинч ёшини икковларида ҳам тўхтамас эди. Улар Қозикалон уйларига кириб бордилар.

– Мен таҳоратимни янгилаб олай, – деб Мирзахотам аълам домла сув сўрайдилар.

– Сиз кираверинг. Мен таҳоратхонага сувни тайёрлаб олиб бориб кўяман, – дейди Қозикалон.

Бу илтифотни кўрган йигит Қозикалондан сўрайди:

– Бобо, бу меҳмон ўзи ким. Сиздай улуғ инсон бу кишига илтифот кўрсатаяпсиз?

–Эҳ болам, – деб гап бошлайдилар Ҳазрат Қозикалон.

– Бу киши ислом оламининг йирик алломаси. Бу томони Хўжанд, бу томони Тошканд бу томони Ўш ўртасида ҳозирги замонда бу кишидан пешқадам олим кишини тополмайсан болам. Худодан кўп илтижолар қилиб, шояд шу кишининг суҳбатларини топсам-у, ечолмай турган бир неча масалаларга бу кишидан жавоб топсам, деб юрган эдим. Мана ўзларини Аллоҳнинг ўзи етказиб турибди. Бухородаги мадрасасида ўқиганимизда ҳам ечолмай қолган масалаларни шу киши ечиб берар эдилар.

Йигит бу икки алломанинг бир-бирларига бўлган хурматини кўриб хайратга тушади. Ўзаро бир бирига нисбатан хурматидан лол қолади".<sup>358</sup>

Мақсадга қайтдик. Рожий домланинг ахлоқидаги камтарлик ва хокисорликнинг юксак намунаси айниқса, "Нечук жонман" деб бошланадиган ғазалида рўй-рост баён қилинган. Шуларни инобатга олиб мазкур ғазални алоҳида боб остида кўриб ўтсак.

### ***Рожийнинг шоҳ асари***

Маълумки, ҳар бир инсон қалбида Яратган зотга илтижо қилиш, унга ялиниб ёлбориш, тазарруъ ҳисси бўлиб, у ўз тили

---

<sup>358</sup> Мирзоаъзам Хатамов. Кўрган кечирганларим. Қўлёзма. 14-16-бетлар. Н. Абдулахатов кутубхонаси.

ва оҳангида Парвардигорга илтижо қилади, ёлборади, унинг хузурида дардларини тўкиб солади ва бу билан озурда қалбига рухий-маънавий таскин беради. Мумтоз адабиётда буни муножот деб аталади.

Амир Алишер Навоий ҳазратларининг ижодида бунинг гўзал намуналарини кўриш мумкин. Исломи тарихида саҳобалардан Абу Бакр Сиддик, Умар (розияллоху анхумо), мазҳаб соҳибларидан Абу Ҳанифа р.х, Имом Шофеъий р.х. нинг муножотлари бизгача етиб келган. Кейинги даврда ўтган салаф ва халаф машойихлари ҳам бу мавзуга алоҳида эътибор қилганлар. Ҳар кимнинг дарди, Яратганга эътиқоди, умид, хавфи турлича бўлгани учун ҳам муножотнинг муайян услуби кўрсатилмаган бўлса-да, аммо уларда умумий оҳанг – илтижо, умидворлик, изтироб муштараклиги яққол кўзга ташланади.

Аммо Рожий Марғинойийнинг бу соҳадаги маҳорати бебаҳо. Унинг “Нечук жонман” дея бошланадиган машҳур ғазали эса уни бу борадаги барча қарашларини ўзида мужассам этгани билан ажралиб туради. Шунинг учун бўлса керак, ғазал уни ўқиган ва тинглаган кишининг қалбига етиб боради. Унда гуноҳ дардидан озурда жоннинг дил изтироблари, зору тазарруълари, хавф ва қўрқинчлари, умид ва илтижолари инжа ва нозик тарзда баён этилган. Шу боис, ғазал Рожий ҳаётлик давридаёқ ва унинг вафотидан кейин ҳам замон шуаролари ва адабиёт ихлосмандлари тарафидан алоҳида эътиборга молик бўлиб келган. Буни унга тахмис боғлаган ижодкорлар жуда кўпчиликни ташкил қилганидан ҳам билса бўлади. Мазкур ғазалга шоирга замондош ва ундан кейинги шоирлар томонидан боғланган тахмислар бир жойга йиғилса бутун бошли бир китоб бўлиши мумкин.

Рожийшунос олим М.Мадғозиев билан суҳбатларимизнинг бирида мазкур ғазалда келтирилган умумбашарий ғоялар тараннум этилганига кўра, уни дунёнинг ҳеч бўлмаганда ўн ва ундан ортиқ тилларига таржима қилиб алоҳида чоп қилиш мақсадга мувофиқ, деган фикрни айтиши ҳам бежиз эмас эди.

Эътибор қаратсак, ғазал аҳли суннат вал жамоат ақидасининг муҳим икки мавзуси хавфу ражо бобида

ёзилганини кўрамиз. Рожий аввалига Парвардигор азобидан хавфи ва кўрқинчини ифода қилган бўлса, кетиданок, умидворлик руҳидаги илтижоларини тўкиб солади. Энг қизиғи, ҳар икки ҳолат ҳам шунчаки эмас. Унинг кўркувга оид фикрларини тинглаган киши мутлақо ноумид бўлган, деб ўйласа, умид бобидаги сўзларидан эса уни нақадар катта умид ва ражо соҳиби эканини англайди. Бу эса ақида китобларида хавфу ражонинг миқдорини тушунтиришда келтирилган таърифга жуда ҳам мос келади.

Ғазал 38 мисрадан иборат бўлиб, вазни: Ҳажазии мусаммани солим:

*Мафоилун, мафоилун, мафоилун, мафоилун,  
Мафоилун, мафоилун, мафоилун, мафоилун.*

### **Нечук жонман**

*Нечук жонман паришонман, саропо айбу нуқсонман,  
Ёмонман, йўлдин озгонман, на инсону на ҳайвонман.*

*Абас умримни ўтказдим, гуноҳлар дафтарин ёздим,  
Маосий даштида оздим, тополмай йўлни ҳайронман.*

*Ўтиб кетти маҳу солим, оқарди сочу соқолим,  
Дигаргун бўлмади ҳолим, маолимдан паришонман.*

*Олиб касби ҳалолим деб, ҳақи мардумни молим, деб,  
Есун аҳли аёлим деб, югурган қавли ёлгонман.*

*Амал уқбони даркори, бу дунёдир экинзори,  
Ҳусулим маъсият бори, гунаҳ киштига деҳқонман.*

*Ўзул-қизлар қиёматда, қочар мазмуни оятда,  
Алар деб ман ҳалокатда, жаҳон расвоси нодонман.*

*Бўйинда ишқ тавқи йўқ, дилимда Ҳақни шавқи йўқ,  
Тилимда тавба завқи йўқ, гариқи баҳри исёнман.*

*Кўруб лутфу амимингни, тотуб нозу наъимингни,  
Тонуб нору жаҳимингни, таажжуб аҳли куфронман.*

*Қани Жамииду тахтида, Скандар борму бахтида,  
Манам ўтқунчи вақтида гадоман, гарчи султонман.*

*Жаҳон қўхна работ эркан, мусофирлар қўнуб ўтган,  
Адам саҳросидан келган, манам бир лаҳза меҳмонман.*

*Қулунгдирман манам, ё Раб, гуноҳимдан на гам, ё Раб,  
Агар қилсанг карам ё Раб, зиҳи мамнуни эҳсонман.*

*Бу дунёнинг вафоси йўқ, яқин билдим бақоси йўқ,  
Ажал дардин давоси йўқ, на қилгаймен харосонман.*

*Нетарман гўр азобига, малойикнинг жавобига,  
Қиёматни ҳисобига, ёмон олуда домонман.*

*Турар маҳшарда завғолар, бошимда қанча савдолар,  
Бўлурман анда расволар, на қилгум, аҳли тугёнман.*

*Ҳазорон оҳу вовайло, ўзунгдин бўлмадим огоҳ,  
Ҳидоят қилмасанг Аллоҳ, аро йўлларда қолгонман.*

*Иноятлик Илоҳимсан, паноҳим, такягоҳимсан,  
На қилсанг подишоҳимсан, санга бўйнуни сунгонман.*

*Гуноҳим ҳаддин ошди, лек гуфронингга Рожийман,  
Қиёмат шиддати ваҳми билан тарсону ларзонман.*

Китоб давомида биз ғазалнинг баъзи байтларини шарҳи билан келтириб ўтганимиз учун, бу ерда аввал тилга олинмаган баётлар шарҳига эътибор қаратмоқчимиз.

*Нечук жонман паришонман, саропо айбу нуқсонман,  
Ёмонман, йўлдин озгонман, на инсону на ҳайвонман.*

Рожий ғазал матлаини ўзининг ўтказган ҳаётини кўз олдига келтириб, уни мулоҳаза қилиш билан бошлайди. Лекин нимадирки, бундан унинг кўнгли тўлмайди. Ўзини инсон бўлгани ҳолда инсон зотига нолойиқ, банда бўлгани ҳолда банда отига номуносиб деб айтади. Ўзига савол бериб, мен қандай жон бўлдимки, аҳволим паришон, бошдан-оёқ гуноҳ ва айбу нуқсондир, дейди.

Кейин эса ўзидаги тўртта иллатни тилга олади. Булар: паришонлик, бош-оёқ айбу нуқсонлик, ёмонлик, йўлдан озганлик.

Паришонлик киши ақли бўлгани ҳолда соғлом ақлли кишилар ишини қилмаслигидир. Саро-по айбу нуқсондан мурод бу ерда бош – оёқ гуноҳга ботишдир. Йўлдан озганлик ҳидоятни топганидан кейин ундан юз ўгиришидир, оддий йўлдан адашиш эмас. Шариат истилоҳида эса йўлдан озиш – аҳли суннат вал жамоат ақидасидан юз ўгириш маъносида келади.

Хўш, ҳақиқатдан мазкур айблар унда бормиди? Бутун умрини илм-маърифат, оммайи мусулмонлар манфаатига бағишлаган ва бу йўлда юксак мартаба ва улкан фазилатлар ҳосил қилган Рожий нима учун бундай демокда?! Бу тасаввуф тариқатида камтарлик ва хокисорликнинг эътирофи ва кишини ўз нафсига маломат ва эътирозидир.

У бунгача ҳам ўзини кўп марта маломат қилган эди. Чунончи, у бир ўринда ўзини жаҳон бўстони – дунёга келиб, қомати тик бўлгани ҳолда унинг соясидан бирор кимсага фойда етмагани, мевалар ошқоро бўлиб ҳисобга тортилган қиёмат кунида аҳволи қандай бўлишини айтиб ташвишланган ва ундан фақат исён меваси келган, деб афсусланган эди:

*То жаҳонни бўстони ичра бўлдим сабзу тар,  
Сарбаланд ўлди вужудим сарви, аммо бесамар,  
Не ниҳолим соясидин эл бўлубдур баҳравар,  
Нетгум охир бори нахлим бўлса пайдо хайру шарр,  
Ким келибдур барги гулдин меваи исён иси.*

Ғазалнинг иккинчи байтини ўқиймиз:

*Абас умримни ўтказдим, гуноҳлар дафтарин ёздим,  
Маосий даштида оздим, тополмай йўлни ҳайронман.*

Рожий биринчи байтда ўзи ҳақида умумий хулосани чиқарган бўлса, энди ўша хулосага сабаб бўлган ҳолатлар таърифни келтирмоқда. Бу юқоридаги байтдан, нима учун Рожий ўзи ҳақида бу каби оғир хулосалар чиқарган, деган



саволга жавобдир. Улар: умрни беҳуда ўтказиш; гуноҳ дафтарин ёзиш; исён даштида озиш ва йўл тополмай ҳайронлик.

*Ҳисолимдин уятқонман, гуноҳ лойиға ботқонман,  
Худойимни унутқонман, нечук дерман мусулмонман.*

Ушбу байтда Рожий аввалгилардан ҳам кўра қалтисроқ иллатни тилга олмақда. У эса "Худосини унутиш" дирки, бу энг оғир ишдир. Рожий ҳеч қачон Худони унутган эмас, буни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бироқ, назарида ўзининг қилган ишлари гўё Худосини унутган кимсанинг иши каби қабих ва маломатли. Навоий ёзади:

*Банда оний унутса агар они,  
Тирик эрмас агарчи бўлса жони*

"Аллоҳни унутиш" жумласи янгилик бўлмай бу Қуръони карим оятларида ҳам зикр қилинган. Тавба сурасининг 67- оятида мунофиқлар ҳақида: "Улар Аллоҳни унутишгач, Аллоҳ ҳам уларни унутди", – дейилади. Муфассирлар: "Улар Аллоҳнинг амрларини унутганлари учун Аллоҳ ҳам уларга унутувчининг муомаласини қилди", – деб айтганлар. Яъни, улар Аллоҳни зикри ва ибодатини тарк қилганлари учун Аллоҳ ҳам уларни мўминларга бўладиган раҳмат ва эҳсонидан маҳрум қилди.<sup>359</sup>

Ҳашр сурасида эса мўминларга хитоб қилиб: "Сизлар Аллоҳни унутиб қўйган бас (шундан кейин Аллоҳ) уларга ўзларини унуттириб қўйган кимсалар каби бўлмангиз! (19-оят), дея марҳамат қилади. Ибн Касир: "Аллоҳни зикр қилишни унутманг, сизларга охиратингизда фойда берадиган солиҳ амаллар қилишни унуттириб қўймасин", – деб тафсир қилган.<sup>360</sup>

Мазкур икки ояти карима маъноларини мулоҳаза қилсак, Рожийнинг "Худойимни унутганман", деган иборасидан қўзланган маънони тушунган бўламиз.

*Ўтиб кетти маҳу солим, оқарди сочу соқолим,*

<sup>359</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн ар-Розий – Фаҳриддин Розий. "Мафотиҳ ул-ғайб" 8-ж, 89-б.

<sup>360</sup> Имодудин Исмоил ибн Касир. "Тафсирул Қуръанил азим" ... 8-ж, 77-б.

*Дигаргун бўлмади ҳолим, маолимдан паришонман.*

Рожий бу ерда ўзининг ойу йил, яъни умрлари ўтиб кетгани, ёшлик айёми кетиб қарилик келгани, бироқ, ҳали ҳам унинг ҳоли яхши томонга ўзгармагани, шу боис оқибати қандай бўлишини ўйлаб ғам ва ташвишдан паришон эканини айтмоқда.

*Олиб касби ҳалолим деб, ҳақи мардумни молим деб,  
Есун аҳли аёлим, деб югурган қавли ёлгонман.*

Рожий бу ерда ўзини бола-чақам ейишлари учун ўзгалар ҳаққини ўзлаштирган ёлгончи бандаман, деб айтмоқда.

Ушбу байт мазмунини шариат қозиси сифатида кишилар ўртасида ҳақ ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлида хизмат қилган, жамиятда адолат ва ҳалоллик ҳукмрон бўлишини таъминлашга интиланган кишидан содир бўлаётганини мулоҳаза қилиш керак!

Буюк тасаввуф шайхи Хожа Али Рометаний айтган эдилар: "Банда ҳар қанча амал қилса-да, ўзини қилмагандек хаёл қилиши ва доим ўзини айбли ва қосир кўриши керак".<sup>361</sup>

*Амал уқбони даркори, бу дунёдир экинзори,  
Ҳусулим маъсият бори, гунаҳ киштига деҳқонман.*

Рожий охиратда кишига асқотадиган нарса фақат эзгу ишлар экани, дунё эса уни ишлайдиган жой эканини айтади. Унинг бу фикрлари тўғри. Мақдисий ҳам "Минҳожул қосидин"да тасаввуф арбобларининг "Дунё охират экинзори", деб айтган гапларини келтирган.<sup>362</sup>

Ушбу мазмунни Табароний "Мўъжам ул-кабир"да Жарир ибн Абдуллоҳ р.а.дан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шариф мазмуни ҳам тасдиқлайди: "Ким дунёда озуқа олса охиратда фойдасини кўради".<sup>363</sup>

<sup>361</sup> Фаҳруддин Али Сафий. "Рашахоту айнил ҳаёт"... 58-б.

<sup>362</sup> Ибн Қудом ал-Мақдисий. "Мухтасар минҳожил қосидин". 4-ж, 57-б.

<sup>363</sup> Сулаймон ибн Аҳмад ибн Аййуб Табароний. "Мўъжам ул-кабир"... 2-ж, 305-б; Аҳмад ибн Хусайн ибн Али ибн Мусо Абу Бакр Байҳақий. "Аз-зуҳд ул-кабир". 1-ж, 441-б. <http://www.alsunnah.com>

Бирок, Рожий ўзини фақат исён – гуноҳдан иборат ҳосил йиққанини афсуслик билан тилга олади. Унингча, у гуноҳ экинзорига деҳқончилик қилган. Бу ҳам камоли ўз ожизлигини тан олишнинг кўринишидир. Чунки оқил одам ҳеч қачон ўзининг ибодатига фахр қилиши мумкин эмас.

Оиша р.а. онамиздан сўрашди: "Қачон киши ўзини яхшилардан эканини билади?" Дедилар: "Қачонки ўзини ёмонлардан деб билса".

Суфёни Саврийга: "Сиз ибодатни жуда кўп қиласиз", – дейишди. Шунда: "Қилган ибодатини жоҳил кимсаларгина кўп деб билади. Аллоҳнинг фаришталари ибодатдан бир лахза тўхтамаганлари ҳолда "Парвардигоро, сени ибодатинг ҳаққича ибодат қила олмадик", – деб айтишган", – дедилар.

Абдурраҳмон ибн Ҳурмуз ал-Аъраж кўпинча ўзини койиб шундай дер эди: "Қиёмат куни нидо қилувчи, фалон хатони қилган кишилар турсин, деса сен улар билан турасан. Сўнгра, фалон хатони қилганлар турсин, деса улар билан ҳам турасан. Эй Аъраж, сен хато қилганларнинг ҳар бир синфи билан бирга турасан".

Ваҳб ибн Мунаббих дейди: "Банданинг ўз нафсини тергаб ўтказган бир соати олтмиш йиллик ибодатдан яхшидир".

*Ўғул-қизлар қиёматда, қочар мазмуни оятда,  
Алар деб ман ҳалокатда, жаҳон расвоси нодонман.*

Маълумки, қиёмат куни даҳшатнинг қаттиқлигидан инсонлар бир-бирларидан қочадилар. Қуръони каримда шундай дейилади: "У кунда киши ўз оға-инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотини-ю бола-чақасидан ҳам қочур! (Чунки) улардан ҳар бир киши учун у кунда ўзига етарли ташвиш бўлур". (Абаса сураси, 34-36 оятлар).

Икристима р.а. дейди: "Қиёмат куни киши ўзининг аёлига йўлиқади ва ундан: Мен сенга қандай эр бўлган эдим?" – дейди. У: "Сен жуда яхши эр бўлган эдинг", – дейди ва уни мақтайди. Эр: "Мен сендан бир донагина яхшилигингдан беришингни ва у туфайли кўриб турганинг бу азобдан қутулишни хоҳлайман", – дейди. Аёл: "Жуда ҳам кичкина нарсани сўрадинг, лекин мен

хам сен кўрқаетган нарсадан сақланишим учун сенга бирор нарса бера олмайман", – дейди. Шунингдек киши ўзининг ўғлига йўлиқади ва унга қаттиқ осилиб: "Ўғлим, мен сенга қандай ота бўлган эдим?" – деб сўрайди. Ўғли уни мақтаб яхшиликларини гапирди. Отаси: "Ўғлим, яхшиликларингдан зарра мисқолига мухтож бўлиб турибман, кўриб турганинг бу азобдан қутулсам", – дейди. Ўғли эса: "Отажон, жуда ҳам оз нарса сўрадинг, аммо мени ўзим ҳам бу азобдан қутулмоғим учун бирор нарса бера олмайман", – дейди.<sup>364</sup>

Куръони каримда яна шундай дейилади: "Эй мўминлар, мол-дунёларингиз ва бола чақаларингиз сизларни Аллоҳнинг зикридан (Яъни, Аллоҳга ибодат қилишдан) юз ўгиртириб қўймасин! Кимки шундай қилса, бас ана ўшалар зиён кўрувчи кимсалардир! ("Мунофикун" сураси, 9-оят).

Бошқа бир сурада эса: "Сизларнинг мол-мулкларингиз ва бола-чақаларингиз фақат бир фитна-имтиҳондир холос. Улуғ ажр-мукофот эса ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. (Тағобун сураси 15-оят).

Рожий энди ботиний аҳволларини мулоҳаза қилади, лекин барибир бу томондан ҳам унинг кўнгли тўлмайди:

*Бўйинда ишқ тавқи йўқ, дилимда Ҳақни шавқи йўқ,  
Тилимда тавба завқи йўқ, жаҳон расвоси нодонман.*

Унингча, унинг бўйнида ишқнинг ҳалқаси йўқ, яъни, дунёда Аллоҳга ошиқ бўла олмади, шу туфайли ошиқларга бериладиган ҳалқа унинг бўйнига илинмаган. Боз устига дилида Ҳаққа бўлган шавқу завқ ҳам йўқ. Илоҳий завқнику кўя турайлик, бу жуда улуғ нарса. Аммо бу улуғ мақомнинг энг аввалги босқичи бўлмиш тавба ҳам йўқ, унда! Бу янчли ҳолатлар ўз-ўзидан унга "жаҳон расволиги"ни келтириб чиқарган. Агар биз мазкур фикрларни:

*Дедим ушшоқ элига йўқ мани бошимни даркори,  
Осинг то сарбаланд ўлғум, қани Мансурни дори,*

<sup>364</sup> Имодуддин Исмоил ибн Касир. "Тафсирул Қуръанил азим"... 8-ж, 325-б.

дея ишқининг беҳудуд эканидан фарёд урган кишидан содир бўлаётганини, ёки:

*Мани мунча ишқ ичра зор этдилар,  
Кўзим ёшини шашқатор этдилар.*

*Солиб бошима ишқ савдосини,  
Нетай мажнуншиор этдилар.*

*Муҳаббат танобин солиб бўйнимма,  
Олиб кўйида сангсор этдилар.*

дея, ишқ ичра зору нолон, "мажнуншиор" бўлган кимсадан, ёки:

*Найлайн муҳаббатнинг шаҳнаси қўлим боғлаб,  
Ишқнинг таноби ила кездирур биёбонлар.*

дея, маъшуқаси йўлида биёбон кезиб юрган ошиқ шоир Рожийдан содир бўлаётганини ўйласак, бу сўзларни қандай мақсадда айтганини тушунган бўламиз.

*Кўруб лутфу амимингни, тотуб нозу наъмингни,  
Тонуб нору жаҳимингни, таажжуб, аҳли куфронман.*

Рожий бу ерда Парвардигорнинг лутфу иноятларига эга экани, алвон нозу неъматларидан сероб бўлгани, боз устига охиратда дўзах ва жаҳаннам азоби борлигини била туриб ҳам ношукрлик қилаётганини айтмоқда. Буларнинг барчаси Рожийдан содир бўлган ожизлик ва камтарликнинг олий кўринишлари бўлиши билан бирга маънавий камолотининг белгисидир. Зотан, ўз ожизлигини тан олиш, унга таслим бўлиш ҳақиқий комиллик. Бошқача айтганда, кишининг камоли ўзини ожизлигини билишда. Инсон ҳар қанча юксак мартабаларга етганида ҳам ўзини камтар ва паст олиши лозим. Акс ҳолда киши қалбида ўзидан рози бўлиш, ужб – ажабланиш пайдо бўладики, бунинг оқибати ҳалокат.

Хожа Алоуддин Аттор қуддиса сирруху муридлари Хожа Абдуллоҳ Имомий Исфаҳонийга айтган қуйидаги сўзлари ибратлидир:

"Ту мабош асло камол ин аст, бас", яъни, манманликдан кечгил, камолга етишнинг ўзи шулдир.<sup>365</sup>

*Қани Жамшиду тахтида, Скандар борму бахтида,  
Манам ўткунчи вақтида гадоман, гарчи султонман.*

Рожий чуқур мулоҳаза қилар экан, дунёнинг бевафо ва ўткинчи экани чуқур англайди ва бунда Искандар бўлсин, Жамшид бўлсин барибир кетади, дейди шунингдек мен ҳам ўтадиган вақтимда гарчи султон бўлсам-да, гадодирман, дея аянчли хулосаларни баён қилади.

*Жаҳон кўҳна работ эркан, мусофирлар қўнуб ўтган,  
Адам сахросидан келган, манам бир лаҳза меҳмонман.*

Мазкур байтдаги хулосалари ҳам аввалгисидек ҳақиқат: Жаҳон эски бир карвонсарой, унга қанча мусофирлар келиб кетган. Мен ҳам улар қатори бир лаҳзагина мусофирман.

Агар эътибор берсак, Рожий ҳар бир байтда бир ҳақиқатни баён қилар экан, кетиданоқ ўзини мулоҳаза қилади. Ўша воқеълик олдида дарҳол хаёлига ўзи келади, ўз тақдирини ва оқибатини ўйлайди...

*Турар маҳшарда гавғолар, бошимда қанча савдолар,  
Бўлурман анда расволар, на қилгум, аҳли тугёнман.*

Ушбу байтда Рожий қиёмат кунининг ваҳмидан қўрқилини баён қилмоқда.

Шаъронийнинг келтиришича Абу Сулаймон Дороний "Мен Ҳасан Басрийдан ҳам кўра хавфи қаттиқроқ кишини кўрмадим, у кечаси намозга туриб Қурони каримдан "Набаъ" сурасини бошлаб хушидан кетарди, ўзига келиб бошлаб яна хушидан кетар эди, тонга қадар уни тугата олмади, деганлар. Чунки бу сурада қиёмат аҳволлари ва даҳшатлари баён қилинган."

---

<sup>365</sup> Фаҳруддин Али Сафий. "Рашаҳоту айнил ҳаёт" ... 130-б.

Кунларнинг бирида Амирул мўминин Умар р.а ҳазратлари қиёмат манзаралари баён қилинган “Куввирот” сурасини тиловат қилиб хушларидан кетиб йиқиладилар ва анчагача титраб ётадилар.

Рабиъ ибн Ҳайсам бир куни бир қорини "Дўзах уларни узоқдан кўрган вақтидаёқ унинг ҳайқириқ ва бўкиригини эшитурлар" мазмунидаги оятини (Фурқон, 12) ўқиётганини эшитади ва ҳушидан кетади. Уни уйига олиб борадилар, ўша кунги пешин, аср, шом ва хуфтон намозларига қазо бўлади.

Фузайл ибн Йёз бир куни бомдод намозида Ясин сурасини тиловат қилди ва "Фақат биргина даҳшатли кичкириқ бўлди-ю, баногоҳ улар "ўчиб" қолдилар" мазмунидаги оятига (Ёсин сураси, 35) етганида орқада турган ўғли ҳушидан кетиб йиқилди ва тонг отгунича ўзига келмайди. Айтишларича у мазкур сурани бирор марта тўлиқ охиригача тинглай олмаган экан. Ҳар гал мазкур оятга борганида ҳушидан кетар экан. Бу ҳолат уни “Залзала”, “Ал-қориа” сураларини бошлаганида ҳам кузатилар экан. Ҳатто у отасига: “Эй, ота, дуо қилинг, Аллоҳ таоло менга бирор сурани, ё Қуръонни ўлимим келмасидан олдин тўлиқ тиловат қилишни насиб этсин”, – деб айтар экан.

Салмон Форсий кунларнинг бирида бир қорини "У кимсаларнинг барчалари учун ваъда қилинган жой, шак-шубҳасиз, жаҳаннамдир". (Ҳижр сураси, 43) мазмунидаги оятни тиловат қилаётганини эшитиб қолади ва ҳушидан кетиб қилади. Ўзига келгач, уч кунгача нима қилишини ва қаерга боришини билмай юради.

Айтиш ўринлики, Рожий Марғиновичнинг ушбу ғазали жуда кўплаб кишиларга энг таҳликали пайтларда ҳам тасаллий берган, уларни овутган. Бу ҳақда қатағон йиллари жабрдийдаси самарқандлик Абудқодир Азизов Жомеъ домла шундай деган эди: "Рожий Марғинович шундай буюк зотки, биз сургунларда – маҳбуслиқда юрганимизда яширинча навоийхонлик, фирдавсийхонлик, бедилхонлик билан бирга баъзи кунлари Рожий Марғиновичхонлик ҳам қилар эдик".<sup>366</sup>

<sup>366</sup> М.Мадғозиев. Дала тадқиқотлари. Самарқанд, 1966-й.

Унинг бу сўзларини бевосита ёзиб олган М.Мадғозиев айтади: "Бу одам ушбу гапни гапирди, лекин менга исботи керак эди. Бунинг исботини мен истибдод жабрдийдаси, Ўзбекистон Халқ Шоири Шукруллонинг "Кафансиз кўмилганлар" номли китобидан топдим. Унда марғилонлик маҳбус Илёс ота тилидан, сургунда ҳибсхонада беҳол ва бедармон бўлиб ётганда қуйидаги байтни такрор қилиши ҳам битилган:

*Ҳазорон оҳу во вайло, ўзингдан бўлмадим огоҳ,  
Хидоят қилмасанг Аллоҳ, аро йўлларда қолганман".<sup>367</sup>*

Рожийни ушбу мақомни тутиши ҳам маънода ўзининг буюк салафлари аҳволларидан бохабарлиги билан изоҳланади.

### ***Рожийнинг йиғиси***

Биз Хожажон Хожа Рожий Марғиновичнинг камтарлиги борасида сўз юритар эканмиз, унинг йиғи билан боғлиқ фикрлари, умуман Рожийнинг йиғиси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак.

Маълумки, тасаввуфда йиғига алоҳида аҳамият берилади ва уни банданинг Аллоҳга яқин бўлмоғи, унинг лутфига эришмоғи учун муҳим омиллардан бири деб қаралади.<sup>368</sup> Бежиз бу мавзуда уламоларимиз тарафидан алоҳида китоблар тасниф қилинмаган. 281 ҳижрийда вафот этган машҳур аллома Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абуд Дунёнинг "Ар-риққату вал буко", ("Синиқлик ва йиғи") номли китобини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Аллома унда йиғи билан боғлиқ 248 та ҳадисни келтириб ўтган эди.<sup>369</sup>

Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: "Агар банданинг қалби Аллоҳдан қўрқиб титраса,

<sup>367</sup> Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар. Тошкент, "Мехнат" нашриёти. 1991, 64-б.

<sup>368</sup> Ибнул Жавзий. "Бўстонул воъизин ва риёзус сомеъин". Дорун нашр. Байрут – Лубнон. 1419/1998. 1-ж, 114-б.

<sup>369</sup> Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абуд Дунё. "Ар-риққату вал буко". Риёз, 1415/1994. Муҳаммадхайр Рамазон Юсуф таҳқиқи остида.



гуноҳлари дарахт япроқлари тўкилганилек тўкилиб кетади".<sup>370</sup> Имом Термизий Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилган ҳадисда: "Аллоҳдан кўрқиб йиғлаган банда сут елинга қайтиб қирмаганидек, дўзахга қирмайди", – деганлар.<sup>371</sup>

Имом Байҳақий "Шуъаб ул-имон"да келтирган ҳадисда эса шундай деганлар: "Аллоҳнинг ҳузурда банданинг гуноҳидан кўрқиб йиғлаган банданинг кўз ёши ва Аллоҳ йўлида оқизилган шаҳиднинг қони томчисидан кўра афзалроқ томчи бўлмайди".<sup>372</sup>

"Ҳилят ул-авлиё"да келтиришларича Довуд алайҳиссалом Аллоҳ таолодан сўраган: "Эй Аллоҳ, азобингдан кўрқиб йиғлаган, кўз ёшлари ёноғига оққан бандангни мукофоти нима?! Аллоҳ таоло деган: "Унинг мукофоти юзини дўзахга ҳаром қилмоғимдир".<sup>373</sup>

Шунга кўра тарихда ўтган салафи солиҳлар бунга алоҳида эътибор қилганларини кўрамиз. Саҳобалардан Абу Бакр Сиддиқ р.а, Умар ибн Хаттоб р.а, Абу Дардо р.а.лар бу соҳада мумтоз бўлганлар. Хусусан, Ҳазрат Умар р.а.нинг икки ёноғида кўз ёшлари изидан иккита қора чизик пайдо бўлган эди.

Тобеъинларда Умар ибн Абдулазиз, Язид Раққоший, Фузайл ибн Иёз, Бишр Ҳофий ва Маъруф Кархийлар алоҳида ажралиб турганлар. Айниқса, Язид Раққоший уйига кирса ҳам йиғлар, таом келтирилса ҳам йиғлар, ёнига биродарлари келиб ўтирса ҳам йиғлар ва: "Дўзах мен кабилар учун яратилмадими экан?", – деб кўрқаман, дер эди. Умар ибн Абдулазиз эса узун тунлар йиғлаб чиқар, ҳовлисида айланар ва кўпинча ҳушидан кетган пайтлари ҳам бўлар эди. Робиятул Адавия эса кўп йиғлаганидан кўз ёшларини кўрганлар таҳорат суви деб ўйлашар эди.

Муҳаммад ибн Мункадир қачон йиғласа кўз ёшларини артмас ва ёш теккан жойга дўзах ўти ҳаром деб эшитганман, дер эди. Унинг бундай дейиши бежиз эмас. Ибн Абуд Дунёнинг Зайд

<sup>370</sup> Жалололдин Суютий. "Жомеъул аҳодис". 2-ж, 270-б. <http://www.ahlalhddeeth.com>

<sup>371</sup> Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. "Сунани Термизий"... 4-ж, 171-б.

<sup>372</sup> Имом Байҳақий. "Шуъаб ул-имон"... 5-ж, 314-б.

<sup>373</sup> Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний. "Ҳилят ул-авлиё". 2-ж, 92-б.

ибн Арқам р.а.дан ривоят қилишича бир одам Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам хузурларига келиб: "Эй Аллоҳнинг элчиси, дўзахдан нима билан сақлансам бўлади?", – деб сўраган. Унга: "Кўз ёшларинг билан, чунки Аллоҳдан қўрқиб йиғлаган кўзларга дўзах ўти тегмайди", – деганлар.<sup>374</sup>

Рожий ҳам йиғига худди шу нуқтаи назардан ёндошган ва асарларида айни маъноларни таъкидлаган. Китоб аввалида айтилганидек, Рожийнинг йиғи билан боғлиқ қарашлари уни йигитлик пайтиданоқ бошланган. Унга кўра кексайганда дил ғунчаси очилиши учун киши ёшлигида йиғлаб олиш керак:

*Ёшлигда ёшлиг ўлғил, дил уқдасин очурга,  
Ғунча кўзида шабнам оинавор эмасму?*

Яъни, кексайганда дил ғунчаси очилиши учун ёшликда йиғлаб олиш керак, ахир ғунчанинг кўзидаги шабнам сенга ибрат эмасми?

Ушбу фикрини яна бошқача баён қилади. Бунинг учун чамандаги гулга назар солишга чақиради ва бир лаҳза умри бор ё йўқ бўлган гулнинг кўзи тўла ёшдир, дейди:

*3-ин чаман кў, як ниғаҳ дийдан надошт,  
Чашими худ пўшидашабнам меравад.*<sup>375</sup>

### **Назмий таржимаси:**

*Боқ чаманга лаҳза умри борму-йўқ,  
Кўзларида тўла шабнам ўтгуси.*<sup>376</sup>

Тасаввуф шайхлари қошида ҳам йигитлик чоғидаги йиғига алоҳида эътибор қаратилиб, уни кўплаб маънавий файзларга сабаб экани айтилган. Фахруддин Али Сафий Мавлоно Шамсуддин Руважий мисолида шундай воқеани келтиради:

<sup>374</sup> Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абуд Дунё. "Ар-риққату вал буко". Риёз, 1415/1994. 2-б.

<sup>375</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...45-б.

<sup>376</sup> М.Мадғозиев таржимаси.

"Айтур эрдиларким, ҳазрати Мавлоно Саъдуddин Қошғарийнинг хизматлариға бордим, менга изтироб пайдо бўлиб, Хожагонлар нисбати менга ҳосил бўлмас эди. Кечалар Масжиди жомеъда бошимни ерга уриб зор-зор йиғлар эдим. Кундузлари саҳрога чиқиб кетар эдим. Фарёду зору тазарруъ қилар эдим. Ҳолим етти-саккиз ой бу тариқа ўтди. Бир кун алар мени гирён ва бирён кўрдилар ва айдилар: "Кўп йиғламагил, зори этгил. Шундоғ этгилким, маҳалли раҳм – раҳм-шафқатга сабаб бўлсин ва бу йиғламоқу зорлиқнинг улуг асарлари бордур ва йиғитликда бизда ҳам шундоғ йиғламоғимиз бор эди".<sup>377</sup>

Ҳазрат Навоий ҳам йиғитликдаги йиғи ва муножотнинг "беназир" эканини таъкидлаб, уни ғанимат билишга чақирганлар:

*Аҳбоб, йиғитликни ғанимат тутунгиз,  
Ўзни қарилик меҳнатидин қўрқутунгиз.  
Ойини адовату ҳасаддин ўтунгиз,  
Ҳар навъ ила ўзин неча кун овутингиз.*<sup>378</sup>

Рожий бир ўринда инсонга туғилган замонини эслатиб, ҳамма унинг туғилишидан хурсанд ва шод бўлгани, аммо ўзи эса йиғлаб келгани, кетиши эса бунинг акси – ўзи кулиб кетиб, бошқалар йиғлаб қолиши керак, деган гўзал фикрни олға суради:

*Ёдингдами тугдугинг замонлар,  
Сен йиғлар эдинг, куларди одам.  
Бир мунча замон кечурки ўлсун,  
Мавтинг сенга хандону элга мотам.*<sup>379</sup>

Рожийнинг камолот ёшидаги ва ундан кейинги даврда йиғи билан боғлиқ айтган фикрлари бошқача мазмун-моҳият касб этган. Уларда унинг дилидан ўтаётган кўпчилик учун муштарак бўлган ҳис-туйғулар ўз ифодасини топган. Унингча, банда гуноҳлари ваҳмидан қўрқиб астойдил йиғласа, кўз ёшлари гуноҳларини ювишга етарли бўлади:

<sup>377</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 236-б.

<sup>378</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб...114-б.

<sup>379</sup> Муфаззал махдум мажмуаси... 102-б.

*Рожий мегирйи бо ин умид бош,  
Гарди исёнат аз ин нам меравад.*

**Таржимаси:**

*Сидқидилдан йигласанг Рожий ишон,  
Бор зуборинг ювгай ул нам, ўтгуси.<sup>380</sup>*

Рожийнинг кўз ёшлари шунчалик кўп қуйиладики, ҳатто ерни лой қила олади:

*Ашки ин дил буд моро обу гил,  
Дар гамат ин обу гил ҳам меравад.*

**Мазмуни:**

*Кўз ёшимдан айлашиман ерни лой,  
Ғамларингда ёшу лой ҳам ўтгуси.<sup>381</sup>*

Рожий кўп йиғлаганидан, кўз ёшида туз қолмаганини ҳам айтади:

*Дар гиря намак намонд дигар,  
Эй сийнайи доғдор चुни?*

**Мазмуни:**

*Йиғлайбериб камайди кўз ёшда туз,  
Эй сийнаси доғдор, қалайсан?<sup>382</sup>*

Рожий кўз ёшларининг тузи тугаши мумкин, аммо ёши эса ҳаргиз тугамайди:

*Кам намегардад зи дарё ҳар чи бар дорад саҳоб,  
Чашими ман, то метавони гиря кун дарёст дил.*

---

<sup>380</sup> Таржима М. Мафғозиевники.

<sup>381</sup> Таржима М. Мафғозиевники.

<sup>382</sup> Таржима М. Мафғозиевники.

Мазмуни: Эй кўзларим, дилим дарёсидан сув олиб кўлингдан келганича йиғлай бер, булут дарёдан қанча сув олса, дарё камайиб қолмайди.<sup>383</sup>

Айни пайтда Рожий гуноҳидан кўрқиб йиғлаган, Парвардигорга тазарруъ қилган кишиларни мақтаб тилга олади. 1902 йилда Марғилонда вафот этган Тошқорабой ҳожи зикрини қилганида уни айни жиҳатларига урғу беради:

*Гуноҳига қилиб ҳар дам тазарруъ,  
Надомат бирла йиғлаб кўп ўлубдур.*

Рожийга кўра охират матосини арзон олишнинг осон йўли бор. У ҳам бўлса кўздан тўкилган дурлардир:

*Уқбо матоин арзон олурсан,  
Кўздин тўкилган дурдоналарга.*

Рожий кўз ёшларини дур деб айтса, унинг издошларидан Голиб Марғилонийга кўра, улар дур бўлибгина қолмай, жаннатдаги ҳурларга зийнат бўлгудек қийматга ҳам эга:

*Чанг чиқар ердан самога раҳматидан об этар,  
Осмонда абри раҳмат барчани сероб этар,  
Чашмаи раҳмат кўзингдан оқса дурри ноб этар,  
Жаннат ичра ҳурлара гавҳари ноёб этар,  
Уч юз олтмиш бора ҳар кунда нисори раҳмати.*

Гуноҳкор банданинг кўзидан оқётган ёшга Рожийнинг ишончи шунчалик кучлики, уни айни Аллоҳнинг раҳмати деб билади:

*Ашки шабнам ин ду аз як чашмасори раҳматаст,  
Гул агар хандида қор қатрадори раҳматаст,  
Гиря хунини дилон ҳам обйори раҳматаст...*

Яъни, кўз ёши билан шабнам ҳар иккиси раҳмат булоғининг меваси, гулнинг табассуми ҳам раҳмат ёмғиридан баҳрадорлигидандир. Бағри қонларнинг йиғиси ҳам асли раҳмат булоғининг сувидан.

---

<sup>383</sup> Таржима М. Мадғозиевники.

Эслатиш ўринлики, йиғи икки хил бўлиб, бири гуноҳкор банданинг гуноҳидан кўрқиб йиғлаши бўлса, яна бири ошиқларнинг Илоҳ ишқида йиғлашидир. Рожийнинг ҳар икки йиғидан насибадор бўлгани ҳолда, унда иккинчи тур йиғи қаттиқроқ эканини кўрамыз. Чунки у Парвардигорга ҳақиқий ошиқ шоир эди. У Жомий ғазалига қилган тахмисида ўзининг ишқи, чексиз муҳаббатини шундай таърифлайди:

*Маризи ҳажрам туро бижўям, ҳарими кўйи туам ирода,  
Тариқи васли туро бипўям фитодам, аммо ба раҳ пиёда,  
Шикаста ҳолам, ҳамиша нолам, ба хоки меҳнат сарам  
ниҳода,*

*“Ба водии ғам манам фитода зимомии фикрат з-дасти дода,  
На бахт ёвар, на ақл раҳбар, на тан тавоно, на дил  
шикебо”.*

**Мазмуни:** Ҳижрон дардида сени ахтараман, сенга маҳрам бўлиш мақсадимдир. Васлинг йўлига юраман, аммо ноилож пиёда кетаяпман. Бошимни меҳнат туфроғига кўйиб, узлуксиз нолаю фиғондаман, ҳолим беҳад ёмондир. “Сенинг фикринг жиловии кўлдан кетган, ғам водийсида йиқилиб қолганман, дилим сабрсиз, жисмим кучсиз, на бахт ёрдамчи-ю ва на ақл раҳбар менга!”.

*Агар бувад жон, муфтем индар ва гар ба ту дил сўйи ту  
моил,*

*Вазоъту роъсий ҳарима бобик, ва дамъу айни алайҳи соил,*

*Ҳия-л- лаъолий ила жанобик ва кана ҳаза лия-л масолик,  
“Зиҳи жамоли ту қиблаи жон ҳарим кўйи ту каъбаи дил,  
Ва ин сажадна алайка насжуд ва ин саъайна илайка  
насъо”.*

**Мазмуни:** Агар жоним бўлса уни сенга бердим, дилим бўлса у ҳам сенга моилдир. Бошимни сени остонангга қўйдим. Кўзимдан оққан ёшлар қимматбаҳо дур каби сенга совғадирки, бу бизнинг мақсаддир. “Сени жамолинг қандай ҳам яхшики, у менинг қиблам, кўйинг эса дилим каъбаси. Зотан, агар сажда

қилсак сенгагина сажда қиламиз ва юрсак ҳам сен томонга юрамиз”.

*... Тариқи кўят бажон бурида, надийда рўят давида ҳар су,  
Умиди вуслат намуда Рожий расида бошам ба хоки он кў,  
Кифоятаст ин, чи давлатаст ин, дигар багўям баъидам  
аз ту,*

*“Бар остонат камина Жомий мажзоли дийдан надийда аз он  
рав,*

*Ба кунжи фурқат нашиста маҳзун, ба кўйи меҳнат  
гирифта маъво”.*

**Мазмуни:** Васлинг йўлида жоним билан кездим, жамолингни кўра олмай кўзларим ҳар ён термулади. Агар васлинг умидида Рожий сени туфроғингга етишган бўлса, шу ҳам унга кифоя, бу қандай давлат. Бундан бошқа нима дейки, ахир узоқда бўлсам?! “Охир Жомий бечораҳоллик билан остонангда турибди-ю, лекин жамолингни кўришга мажзоли етмади. Ночор, у туфайли фироқ кунжида маҳзун ўтириб, ғам кўчасини ўзига маъво қилган”.

Рожий ўзининг ошиқона йиғиси ҳақида шундай хабар беради:

*Мани мунча ишқ ичра зор этдилар,  
Кўзум ёшини шашқатор этдилар.*

*Солиб бошима ишқ савдосини,  
Нетай мажнуншиор этдилар.*

*Тўқуб қон ёшим дийдалар мардуми,  
Ниҳон сиримни ошкор этдилар...*

## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙНИНГ УСТОЗЛАРИ

Рожий Марғинойийнинг устозлар силсиласи Бухоро, Андижон, Қўқон ва Марғилон уламолардан иборат экани айтилди. Қуйида улар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Рожий асарлари орасида "Таърихи аҳвол" – "Аҳвол таърихи" номли бир асар бўлиб, унда шоир ўзи таълим олган устозларидан бири, китоб аввалида тилга олинган бедилхон домла Абдулкаримбек ҳақида маълумот келтирган. Ундан англашилишича Рожий мазкур устозга қаттиқ боғланган ва унинг ёнидан ҳеч қачон ажрамаган. Бу шунга етиб борадики, устознинг ўлими мазкур шогирднинг қўлида юз беради. Бу ҳақда Рожий шундай ёзади:

*"Иттифоқо, дар айёми рабеъ қасди тафарружи сахро намуда, дар роҳ афтод, дар дасти фақир мақбуз кардида буданд. Дар санайи як ҳазору ду саду ҳафтоду чор ин таърих вафоти мумий илайҳ аз зодайи табиъти фақираст:*

**Таржимаси:** Иттифоқо, баҳор айёмидаги кунлардан бирида иккаламиз кўнгил ёзиш учун сахро томошасига йўл олдик. Йўлда йиқилиб, фақир қўлида жон таслим қилдилар. Ҳижрий бир минг икки юзу етмиш тўртинчи (1274) йилда. Ул зоти бобарокот вафотларига атаб фақирнинг таърих манзумаси ушбудар:

*Булбули маъни навои боғи фазл,  
Домулло Абдулкарими хурдабин.*

*Ғайр аз ин надида чашими рўзгор,  
Нуктасанжиро ки бошад инчунин.*

*Беназир аср фард афтода буд,  
То қиёмат нест уро жонишин.*

*Шуд асири панжсайи дасти қазо,  
Ба ризойи ҳазрати жон офарин.*

*Рафт аз ин дунёйи дуни бемадор,*



*Гаит озими жониби хулди барин.*

*Ин чи бедодест, к-он маънишунос,  
Шуд ниҳон аз мо дар оғуши замин.*

*Гаит торик ин жаҳон дар мотамаш,  
Аз ҳужуми дуди оҳи оташин.*

*Шояд аз ин фурқати ҳасратфазо,  
Хун бигирему шавем андуҳгин.*

*Килки Рожий зад рақам тарихи у:  
"Рафт аз дори фано он нозанин"/<sup>384</sup>*

**Таржимаси:** Маънолар булбули, фазл боғининг навоси Домулла Абдулкаримбек нозик фаҳму нуктадон зот эрди. Бундай етук алломайи замонни кўз кўриб, кулоқ эшитмаган. Ўз асрининг беназиру бетимсоли эдики, энди қиёматгача унинг ўрнини босадиган одам дунёга келмайди. Жонни ато қилган Аллоҳнинг розилиги билан қазо панжасининг асири бўлди. Бу дармонсиз паст дунёдан жаннат томон парвоз қилиб кетди. Бу қандай бедодликки, шундай маънишунос ер оғушига кириб биздан яширинса.

Унинг мотамида ўтли оҳларимиздан бу ёруғ дунё (мен учун) қоронғу бўлди. Ундан айрилишдек аччиқ мусибатда, (энди) қон йиғлаймиз-у, ғам-андуҳга ботамиз. Рожийнинг қалами унинг таъриhini шундай рақам қилди: "Фано уйидан у нозанин кетди".<sup>385</sup> Таърихга кўра, бу 1273-4/1857 йилга тўғри келади.

Кўриниб турибдики, Рожий ўз устози Абдулкаримбек домла вафотидан жуда қаттиқ қайғурган. Шунинг учун бу аламга чидай олмай, балки бу мусибатни сингдира олмай:

*Ин чи бедодест, к-он маънишунос,  
Шуд ниҳон аз мо дар оғуши замин.*

<sup>384</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 97-98 бетлар.

<sup>385</sup> Таржима М.Мадғозиевники.

Яъни, бу қандай бедодликки, шундай маънишунос ер оғушига кириб биздан яширинса, дея фиғон қилмоқда. Бугина эмас, унинг вафотидан унинг кўзига дунё қоронғу бўлган:

*Гаит торик ин жаҳон дар мотамаш,  
Аз ҳужуми дуди оҳи оташин.*

Яъни, унинг мотамида ўтли оҳларимиздан бу ёруғ дунё (мен учун) қоронғу бўлди.

Бу ўтли нолалар устоздан ажраган Рожийнинг шогирд сифатидани фиғонлари эди. Чунки у қичқа муддат ичида ўзининг икки улуғ суянчиғидан ажраган эди. Ўн саккиз ёшида "аҳлуллоҳ дўсти" бўлган отасидан, орадан тўрт йил ўтиб эса "маънешунос" устозидан. Бу икки мусибат маълум даражада Рожийнинг бутун ҳаётига таъсир ўтказган. Дунёнинг бевафолиги, бунда бирор кишининг абадий қола олмаслиги ҳақида аниқ-тиниқ хулосалар чиқарган. Айни чоқда, шу қисқагина умрни фақат эзгулик ва хайрли ишларга сарф қилиш энг катта оқиллик эканини ҳам мулоҳаза қилган.

Таъкид жоизки, Рожийни устоз Абдулкаримбек хизматига мулозим бўлиши келгусидаги камолотига сабаб бўлган. Фахруддин Али Сафийнинг ёзишича Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳам талабалик пайтларида устозларига қаттиқ боғланган ва бу у зот камолотига сабаб бўлган эди. Бу ҳақда у зотнинг ўзлари шундай дейдилар:

"Аввалғи ҳолда Ҳирийда Ҳазрати Саййид Қосим Табризий (қуддиса сирруҳу) мулозиматлариға кўп борур эдим. Алар таомларидан қолганини менга берур эдилар ва айтур эдилар: "Эй шайхзодаи Туркистоний, андоқким, бизнинг бу ноҳушимиз (одамларнинг кўзига) биз учун бир парда бўлуб турур. Тез бўлурким, сенинг дунёнг сен учун парда бўлур". Ҳазрат бу сўзларни айтган пайтларида менда ҳеч дунё йўқ эди". Маълум бўлмоқдаки, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг устозга мулозамат (уни лозим тутиш)лари кейинчалик мол-дунёларининг кўпайишига сабаб бўлган".<sup>386</sup>

<sup>386</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 295-297-бетлар.

### *Домла Абдулкаримбек ким эди?*

Биз Рожийнинг устози Абдулкаримбек домла ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлиш учун у зот шахсига қизиқдик. “Марғилон алломалари” рукни остида чоп қилинган китобдан маълумки, айти даврда Марғилонда яшаб фаолият олиб борган аллома Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Ҳазратнинг устозларидан бирининг номи ҳам мавлоно Абдулкарим Калон ҳазрат эди.

Рожий тилга олган Абдулкаримбек домла билан мазкур Абдулкарим ҳазрат ҳар иккиси бир шахс эмасмикан, деган тахмин туғилади. Чунки, биринчидан, Рожий ва Ҳазин ҳазратлари замондош бўлиб ораларида мустаҳкам илмий-ижодий алоқалар мавжуд бўлган, ҳар иккилари ҳам Марғилоннинг пешқадам уламоларидан сабоқ олганлар. Иккинчидан, Рожий келтирган таърифлар бу зот ҳақида ҳозиргача сақланиб қолган хотираларга мувофиқ келади. Бундан ташқари, биз изланишлар асносида айти замонда Марғилонда яшаб ўтган Абдулкарим ҳазрат исмли иккинчи бир аллома ҳақида маълумот учратмадик. Учинчидан, Рожий “Истар кўнгиш” радибли мухаммасида шоир айнан Хонақоҳни ва Калон ҳазратни тилга олган:

*“Ла илаҳа” зарб уриб мақсуди “иллаллоҳ”дин,  
Хонақоҳда суҳбати шайхи Калон истар кангул.<sup>387</sup>*

Мазкурларни инобатга олганда Рожий тилга олган устоз Абдулкаримбек домла билан Хонақоҳда ўтган мавлоно Абдулкарим Калон ҳазрат битта шахс бўлгани эҳтимолдан холи эмаслиги кўринади.

Мавлоно Абдулкарим Калон ҳазрат биринчи китобда келтирилганидек, ўз даврида тариқатнинг улуғ шайхларидан бўлиб Марғилондаги машҳур Хонақоҳда фаолият олиб борганлар. Суҳбатларини тинглаш учун узоқ юртлардан ҳам талабалар келишгани айтилган.<sup>388</sup> Қўлимизда Шарқий

---

<sup>387</sup> “Баёзи Қосир”. Қўлёзма, 37-саҳифа. Шоир Чустий ижодхонасида сақланади.

<sup>388</sup> Охунжон қори Водилый. Қўлёзма №23. 42-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

Туркистоннинг Қошғар вилоятидан келган Абдулғаний Қошғарий исмли шахсга тегишли мактуб бўлиб унда шундай сўзлар бор:

*"...Қудратли Раббисининг лутфиға муҳтож банда, яъни, мен Хожса заъиф Абдулғаний Фарғона диёрига келганимда, балдаий машхур Марғиононга бордим ва у ерда Ётиқ Тут маҳалласидаги "Хонақоҳ" номи билан машхур мадрасада Ҳазрат Абдулкарим домла ҳузурларида истиқомат қилиб туриб қолдим ва у зотдан таълим олдим..."*<sup>389</sup>

Абдулкарим ҳазрат 1884 йилда вафот этганлар. Қабрлари Хонақоҳ ёнидаги қабристонга бино қилинган ва бу ер анча вақтгача у кишини билган ва таниган кишилар тарафидан зиёрат қилиб турилган. 1879 йилда мақбара устидаги гумбаз янгиланади. Шу муносабат билан Рожий қуйидаги таърихни битади:

***Таърихи иморати нав марқади шариф устозим Домла  
Абдулкарим алайҳи-р-раҳма***

*Зи файзи марқади мавлоий марҳум,  
Ақидатманд у пур мустафид аст.  
Ба таърихи бинойи ҳодиси ў,  
"Зиёратхонаи пок" жадиид аст.*<sup>390</sup>

**Таржимаси:** Устозим Домла Абдулкарим (унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) қабри шарифи устига қилинган янги бино учун таърих:

Марҳум мавлойим марқади файзидан унга эътиқод қўйганлар кўп фойда оладилар. Уни янги биносининг таърихи: "Зиёратхонаи поки жадидаст" ("Янги покиза зиёратхонадир") сўзлари бўлди.

Таърих моддаси ҳижрий 1296 йилга тўғри келади.

Мазкур таърихда келтирилган "ақидатманд у пур мустафид аст" – "анга эътиқод қўйганлар кўп фойда оладилар" жумласидан англашиладики, Рожий устозлари вафотидан кейин ҳам улар

<sup>389</sup> №23кўлёзма. 42-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

<sup>390</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 41-б.

қабри зиёратига бориб турган. Буни яна бир устози Мулла Ориф Марғинович вафоти ҳақида айтган қуйидаги сўзларидан ҳам биламиз:

*Жаҳон шуд аз ғами ў танггу торик,  
Мани ғамдийдаро жў аз хонайи гўр.*

**Таржимаси:** “Унинг ғамидан жаҳон менга тор бўлди, шу туфайли мени истаганлар гўр боши, яъни устоз Мулла Ориф қабри бошидан ахтарсин”.

1908 йилда Марғилонда вафот этган тариқат шайхларидан Домла Абдуррауф ҳақида ёзган марсияда ҳам Рожий қабрлар зиёратига алоҳида урғу берган эди:

*Зоир дил бувад аз ин жо тавфи байтуллоҳ намуд,  
3-ин зиёратхона ки ҳар беҳабар дорад вақуф.*

**Таржимаси:** У ерда байтуллоҳни тавоф қилгандек дилларни тавоф қилди. Бу шундай зиёратхонадирки, ҳар беҳабар киши ундан огоҳ бўлиши керак.

Тасаввуфга оид асарларда устозлар ва азизлар мазорларини зиёрат қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Чунки, зиёрат туфайли улар ҳаёти ва ибратли ишларидан боҳабар бўлиш келиб чиқадики, бу толиби илмларга маънавий қувват ҳосил бўлишига, камолот йўлида жидду жаҳд қилишларига туртки бўлади. Зотан, ҳар бир киши улуғлар етган мақомга етишни орзу қилиш табиий. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор айтадилар:

*"Ёшлигимда менда ваҳима ва қўрқув бағоят кучли эди. Уйдан танҳо ташиқари чиқа билмас эдим. Бир кеча бир иш мени дилимга ориз (пайдо) бўлиб, ажиб қувват пайдо қилди. Шунга етдики, сабру қарорим қолмади ва ихтиёр қўлдин кетди ва кўчага чиқдим. Шундай завқ бўлдиким, Шайх Абу Бакр Қаффоли Шошийнинг мазорларига бордим. Мозорга кирдим ва бир соат Шайхнинг қабрлари олдида ўлтирдим. Ҳеч қўрқув бўлмай, ул ердин Шайх Хованди Тоҳур мазорларини зиёрат этмак фикри келди. Ул ерга бордим ва бунда ҳам ҳеч қўрқмадим. Ул ердин Шайх Зайнуддин – Қўйи Орифоннинг мазорига бордим. Бунда ҳам*

қўрқув ўзимда топмадим. Мундин сўнг азизларнинг руҳониятлари мадади бирла ул ёшлиқда ҳеч бир мозорда ва мавзеи муҳибда қўрқмадим".<sup>391</sup>

Зиёратгоҳларга ихлос ва эътиқоди том билан борганларга маънавий файз етганидек, айни пайтда у ерда қилинган беадабона ҳаракатларга яраша турли жавоблар бўлиши ҳам ҳақиқат. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор айтадилар:

"Бир кеча Шайх Зайнуддин Кўйи Орифоннинг мозорларида ўлтуруиб эрдим. Ул мозоре турурким, шаҳардин бир фарсах узоқ ва унинг атрофида аҳоли ва одамлар камроқ бўлур эрди. Тошкандда бир девона бор эди баланд қомат ва қавий ҳайкалким, равшан кунда бозорнинг ичинда одамлар андин қўрқар эрдилар. Ул кунларда ҳам бир кишини ўлтуруиб эрди. Ногоҳ бу ярим кечада бу гўристонда пайдо бўлди ва менинг бошим устида ҳашир этиб, гавго этдиким: "Бу ердин туруб кеткил". Ман асло анга илтифот этмадим ва ўз нисбатимдин айрилмадим ва таважжужим бор эрди, ани қўймадим. Ул андоғ муболага ва қаттиқ турдиким, ногоҳ югуриб бориб, мозордаги дарахтларни шохларини синдириб, катта даста боғлаб келтирди ва сармозорнинг масжидига кириб, ул ерда чирог ёқиб ташқарига чиқди. Мақсади шу эрдиким, шохларни ёқиб мени устимга ташласа. Шу пайтда бир шамол келиб, чирогни ўчирди ва анинг газаб ўти зиёда бўлиб, гавго ва дағдага қилиб жиннилиги тугёнга келди. Чақмоқдек овоз қилиб атрофни айланар ва ўзича бир нимарсалар дер эди. Мен мутлақо анга илтифот (эътибор) қилмадим ва хотиримга ҳеч чалғишиликка йўл бермадим. То тонг отгунча мен билан муомаласи шундоғ эрди. Тонг отди, Тошканд бозорига кириб, яна бир одамни ўлтурди. Одамлар анга ҳужум этиб, қатл этдилар".<sup>392</sup>

Рожий замондош марғилонлик тариқат шайхларидан Мавлоно Абдулкарим хожи домла манокибларидан бизга маълумки, у зот ҳам ҳаётлари давомида ўтган азизлар зиёратига алоҳида аҳамият берганлар. Асримиз бошларида бўлиб ўтган

---

<sup>391</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 290-291-б.

<sup>392</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 292-б.

катағон юртимиздаги кўплаб зиёли-маърифатли кишиларни нишонга олгани ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг кўплари ўлимга, яна қанчалари Сибирга сургун қилинганлар. Қутилиб қолганларига ҳам катта миқдорда жарима юкланган. Улар бу жарималарни ҳатто ҳовли-жойларини ҳам сотиб тўлай олмаганлар.

Айтишларича шундай синовлар Мавлоно Абдулкарим ҳазратни ҳам четлаб ўтмаган. Шундай мусибат кунларининг бирида чора излаб доимгидек Гумбаз азизлари<sup>393</sup> зиёратига келадилар ва бу ердаги қадрдонлари Хусанхон эшонга бўлган воқеани айтиб, "Бузруквор зиёратларига кирайчи, қандай ишорат бўлар экан, шунга қараб иш тутаман", – деб кириб кетадилар...

Ҳар гал бу ерга келганларида зиёратдан сўнг Хусанхон эшон билан бирга суҳбатлашиб қайтадиган Ҳожи домла нимадирки, бу гал зиёратдан чиқадиладар-да, Эшоннинг оналари тайёрлаб кўйган таомга ҳам қарамай, Эшонга юзланиб: "Менга шундай ишора бўлди, тезлик билан уйимга қайтишим керак, экан", – деб шошилганча уйга қайтадилар. Ҳовлига етиб келгач, остонада отлиқ бир кишини кутиб турганини кўрадилар. У Ҳазратни зиёрат қилиш учун келгани ва қандай хизматлари бўлса уни бажариш ниятида эканини айтади. Аввалига Ҳазрат индамайдилар, лекин у қаттиқ туриб олгач, воқеани баён қиладилар. У бундан хурсанд бўлиб: "Сизни хизматингизни қилиш биз учун шараф", – дейди-да, тўланиши лозим бўлган жаримани тўлаб Ҳазратни бундан озод қилади. Айтишларича шу кундан кейин Абдулкарим Ҳожи домлани биров безовта қилмаган экан".<sup>394</sup>

---

<sup>393</sup> Гумбаз азизлар – Довуд хўжа Эшон зиёратгоҳи. Марғилон шахрининг Гумбаз маҳалласида жойлашган. Маълумотларга кўра, бу ерга тасаввуф тариқатининг улуғ намоёндаси, машҳур олим Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Али ат-Термизий (IX охирларида вафот этган), яъни Ҳаким Термизийнинг авлодларидан бири саййид Довудхўжа эшон дафн этилган. Қўкон хонлигининг ҳукмдорларидан бири Норбўтабий (1763-1799) томонидан берилган ёрликка кўра, саййид Довудхўжа эшон XIII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган.

<sup>394</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – Гумбаз. 2015.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, Рожий устозлар ва азизлар дафн қилинган зиёратгоҳлар ва унинг соҳибларига самимий эҳтиромда бўлган. Таърих ёзишда ҳам замондош алломалар билан чекланиб қолмай, ўзидан аввал ўтган алломалар вафотига ҳам таърихлар ёзгани ҳам шундан. Мисол учун уни тўрт хулафойи рошидин Ҳазрат Абу Бакр Сиддик, Ҳазрат Умар, Ҳазрат Усмон, Ҳазрат Али розияллоху анхумлар, Абдурахмон Жомий, Саъдий Шерозийлар вафотига таърих ёзганини келтириш мумкин.

### ***Рожийнинг иккинчи устози***

Рожий Марғиновичнинг устозларидан яна бири Мулла Ориф Марғинович эди. Мазкур шахсни Рожий устозларидан эканига у зот вафотига ёзган марсияси келтирилган фикрлар ҳужжатдир. Рожий унда аллома вафотидан кейин ўзини "меҳрибонидан ажраган"ини айтади ва: "Энди унинг аламидан қиёматгача кўнгиш шодланмайди. Мен у зот мотамида иқболим пастиги ва пешонам шўрлигидан йиғлайман", – дейди.

Рожий у зотни "Орифи биллоҳ" – "Аллоҳни таниган" деб таърифлар экан, "У зот жумҳур иттифоқи билан сўз таҳқиқида асрнинг яғонаси, замоннинг мумтози эди. Унинг расо фикридан маъноли сўзлар кашф бўлиб қоғоз саҳифасига ёзилар эди. Ҳар қандай мушқил масалаларни ҳал қилишда замонасининг толибларига манзур эди", дея илмий салоҳиятини ҳам бирма-бир санаб ўтади. Шундай бўлса-да:

*Намебошад яки аз сад ҳазорон,  
Шуд аз авсофи дониш ҳар чи мазкур.*

Яъни, бу ерда келтирилган сўзлар унинг фазлу дониши сифатларининг мингдан бири ҳам эмас, дея яна ўз ожизлигини изҳор қилади. Гарчи биз Ориф домла ҳақида бундан бошқа маълумот топа олмаган бўлсак-да, бироқ марсиянинг ўзи аллома ҳақида тасаввур ҳосили қилишимизга етарли, деб ўйлаймиз.

### ***Таърих вафоти Ориф марҳум***



*Жаҳонро эътиборе нест маълум,  
Машав, эй дил, ба сад зинҳор мағрур.*

Бу мавҳум дунёнинг ҳаргиз эътибори йўқ, шундай экан, эй кўнгил, зинҳор унга мағрур бўлма.

*Дар ин меҳнатсаро бар истиқомат,  
Набошад раҳравонро фурсати дур.*

Зотан, бу меҳнатсарода истиқомат қилиш учун йўловчиларнинг фурсати жуда қисқадир.

*Ду-се рўзе ба соне меҳмонам,  
Ба зери гумбади ин сақфи маъмур.*

Бу маъмура дунё гумбазининг остида икки-уч кунгина меҳмонмиз холос.

*Дар ин маҳфил киро шамъи вужудаш,  
Нагардад аз дами сарди қазо кўр?*

Айтинг-чи, бу маҳфилда кимнинг вужуд шамъи қазонинг совуқ нафасидан ўчирилмаган?

*На диде сокинони қасри заррин,  
Шуда зери лаҳад ҳамхонайи мўр.*

Ахир, кўрмадингми заррин қасрда турувчилар лаҳад остида чумолилар билан ҳамхона бўлганлар.

*Агар дасти қазо гирад гирибон,  
Қавий дастони дунёро чи мақдур?*

Агар қазонинг кўли ёқадан тутса дунёнинг кучли кўлларидан нима ҳам келар эди?!

*На доноро бақоу на ба жоҳил,  
Зи султони замон монанд на маздур.*

Бу дунёда на доно қолади, на жоҳил қолади, на замон султонию на меҳнаткаш қолади.

*Намебини ки аз аҳли фано шуд,*

*Жаноби Ориф биллоҳ мағфур.*

Кўрмадингми, фано аҳллари қаторига жаноб Ориф биллоҳ ҳам кетиб раҳматланди.

*Дариг, ажзойи девони вужудаи,  
Шуд аз боди фано бишкаста манишур.*

Афсус, у зот вужуд девонининг ажзолари фано ели билан сочилди.

*Фариди аср, мумтози замон буд,  
Ба таҳқиқи суҳан ба назди жумхур.*

У зот жумхур иттифоқи билан сўз таҳқиқида асрнинг яғонаси, замоннинг мумтози эди.

*Зи фикри сойиби ў буд мақишур,  
Маъонийи хати дар сафҳа мастур.*

Унинг расо фикридан маъноли сўзлар кашф бўлиб қоғоз саҳифасига ёзилар эди.

*Ба наздаи буда гўё аълами даҳр,  
Харосон гурбайе аз шери нур зўр.*

Унинг олдида замон олими гўё арслон олдидаги мушукдек эди.

*Зи ҳалли мушкilotи ҳар дақойиқ,  
Ба туллоби замон гардида манзур.*

Ҳар қандай мушкил масалаларни ҳал қилишда замонасининг толибларига манзур эди.

*Чи хуш гўёки аз дуржи жаҳонаш,  
Дури маънийи рангин буд манишур.*

Қандай ҳам яхши эдики, унинг оғиз ҳуққасидан маъно дурлари сочиларди.

*Шуда аз ҳусни тартиби каломаш,  
Фасиҳони замон чун гунги маъзур.*

Унинг гўзал ва интизомли сўзларидан замон фасеҳлари гунг ва узрли эдилар.

*Намебошад яки аз сад ҳазорон,  
Шуд аз авсофи дониш ҳар чи мазкур.*

Бу ерда келтирилган сўзлар унинг фазлу дониши сифатларининг мингдан бири ҳам эмас.

*Зи дарди мотами ў то қиёмат,  
Намегардад дили ғамдийда масрур.*

Энди унинг аламидан қиёматгача кўнгил шодланмайди.

*Ба тамми он жанобам гиря дорам,  
Зи иқболе баду пешонайи шўр.*

У жанобнинг мотамида мен иқболим пастлиги ва пешонам шўрлигидан йиғлайман.

*Жаҳон шуд аз ғами ў танггу торик,  
Мани ғамдийдаро жў аз хонайи гўр.*

Унинг ғамидан жаҳон менга тангу тор бўлди, энди мен ғамдийдани гўр оғзидан ахтар.

*Шавад рўзи жазо аз илми нофеъ,  
Ба саффи анбиё албатта маҳшур.*

У қиёмат кунида илми шарафидан пайғамбарлар қаторида тирилади.

*Худовандо, зи лутфи бар камолат,  
Муқаддас марқади ў бод нур нур.*

Эй Худо, беқиёс лутфу карамингдан унинг покиза қабрини нурга тўлдир.

*Зи таърихи вафоти ў бипурсид,  
Яке аз Рожийи ғамхори маҳжур.*

Унинг вафоти таъриhini бир киши меҳрибонидан айрилган Рожийдан сўради.

*Биғу то: "Нолайи беҳад" баромад,  
Зи фағти олими маълуму машҳур".<sup>395</sup>*

Дедики: “Маълуму машҳур олим ўлимидан беҳад нолалар кўтарилди”.<sup>396</sup>

Таърих моддаси муаммо йўли билан чиқарилиб, хижрий 1307 милодий 1889 йилга тўғри келади.

### ***Рожийнинг андижонлик устози***

Рожийнинг устозлари қаторида Бурҳониддинхожа Андижонийнинг ҳам номи бор. Ўз даврида Андижон маънавий муҳитида салмоқли ўринга эга бўлган мазкур алломага Рожийнинг эҳтироми ўзгача бўлган. Буни у зот вафотини устози вафот этган толиб сифатида қарши олиб унга 128 мисрадан иборат саккиз бандлик мусамман марсия ёзди.

Марсия-таърих мустақил бир асар бўлиб, унда алломанинг сифат ва таърифларидан ташқари, Рожийнинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари ва барча учун баробар ҳаёт ва ўлим билан боғлиқ ҳақиқатлар, фалсафий мушоҳадалар баён қилинган. Айтиш жоизки, Рожий бошқа бирор бир аллома вафотига бу қадар қаттиқ афсусланмаган. Рожий алломани *"баҳри бепоеён"* – *"бепоеён денгиз"*, *"сандуқул улум"* – *"илмлар сандиги"*, *"фариди беадил"* – *"тенги йўқ аллома"*, *"алломайи рўйи замин"* – *"ер юзининг алломаси"*, *"малаксиймо"* – *"фарийта сиймоли"*, *"хуришиди ирфон"* – *"маърифат офтоби"*, *"ламъаи нури яқин"* – *"яқин нурининг шуъласи"*, *"хужжат ул-ислом"* – *"ислом хужжати"*, *"бурҳони дин"* – *"диннинг бурҳони"*, *"ба маъни бениёз"* – *"маъно айтишида бегназир"*, *"сурури сийнаи туллоб"* – *"толиблар кўнглининг қувончи"* каби сифатлар билан таърифлайди.

У устози вафоти сабаб юзланган мусибатни таърийфлаб, қиёматга қадар балолар томонга қараб нола чекаман, фалақдан сўрасама, у ҳам ғамдан бели букилиб қолган, ер эса хушсиз

<sup>395</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 120-123-б.

<sup>396</sup> Устоз Жомеъ домла Самарқандий ва М.Мадғозиев таржимаси.

бўлиб осмонга қарабқолган, кимдан сўрасам, ҳаммага йўқлик йўл топган, дейди:

*"То қиёмат қадар сени мотамингга мубтало бўлганим учун мен бечора балолар томонга қараб нолалар чекаман. Фалакдан сени сўрасам уни қомати ҳам дуто бўлибди, ердан ахтарсам, ғамингдан хуши учиб осмонга қараб қолибди. Кимдан сени сўроқлайки, уларга ҳам роҳи фано – йўқлик йўл топган. Эй жаннат томон шитоблаб кетган зот, топа оламанми, деб ноиллож, изларинг устига гард каби оёғимни қўйдим".*

Ҳатто у мусибатни қаттиқлигидан субҳга, тунга офтобга ҳам хитоб қилади:

*"Эй субҳидам, эҳтимол, сен ҳам бу маҳрумлик фурқатидан зада бўлиб, эски чопонингни бошдан оёқ чок-чок қилиб йиртаётгандирсан?! Тун ҳам аламдан мотам либосини ўзига ёпгандир, ҳаттоки олам қуёши бу мусибатдан йўқлик буржисга яширингандир".*

Энг қизиғи, Рожий бу дарду ғамдан тўфон кўтарилса ҳам сазодир, дейишликкача борадики, бундан ҳақиқатдан ҳам уни қаттиқ таъсирланганини билиш мумкин:

*Мабодо, бу дарду ғамдан тўфон кўтарилганида ҳам аслида камдирки, то маҳшаргача энди олам "во-вайлато", дея оҳ уради".*

Аҳамиятини эътиборга олиб, асарни тўлиғича таржимаси билан келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик.

### ***Таърихи Бурҳониддинхожа Андижоний***

*Эйки андар фазлу дониш баҳри бепоён шуда,  
Сийна сандуқул улуму дил ба маъни кон шуда,  
Тийра бахтонро шараросо даме тобон шуда,  
Зулматободи жаҳонро лаҳзае меҳмон шуда,  
То назар бикишуда мебинам ки дар жавлон шуда,  
Мерави аз дийда дар хоки сияҳ пинҳон шуда,  
Вой бе ту аз сиршики ман жаҳон тўфон шуда,  
То қиёмат дийда дар ин можаро ҳайрон шуда.*

Эй фазлу донишда денгиз каби бепоеён, кўкси илм,  
 дили эса маънога кон, (биз каби) бахти қароларга ҳар бир нафаси  
 учкун каби нурли, ўзи эса жаҳон зулматхонасига бир лаҳза  
 меҳмон бўлган зот! Назаримни очсам уни яъни, сени жавлон  
 қилаётганингни кўрар эдим, энди эса кўздан тупроққа пинҳон  
 бўлганини кўрмоқдаман. Эсиз, энди сенсиз кўз ёшларимдан  
 жаҳон тўфонга тўлади ва то қиёматгача кўзлар бу можародан  
 хайрону лол бўлади.

*Эй фариди беадил, алломайи рўйи замин,  
 В-эй малаксиймо, валоят ошкоро аз жабин,  
 Партави хуришиди ирфон, ламъаи нури яқин,  
 Хужжатул ислом хонам ё туро бурҳони дин,  
 Бас ки, дар базми жаҳон буди ту ғамноку ҳазин,  
 То шуди озим ба меҳмонхонаи хулди барин,  
 Ваҳ, чи хуш меҳмоне, соҳибхона раббул оламин,  
 Ҳамдами ҳурони мусоҳиб, зумраи гилмон шуда.*

Эй ер юзининг беназир алломаси, эй пешонасидан  
 валоят – валийлик ошкоро кўриниб турган малаксиймо зот, эй  
 маърифат куёшининг нури, эй яқин нурининг машъали, эй  
 исломнинг хужжати ва бурҳони бўлган зот, жаннат томонни  
 қасд қилишинг сабаб жаҳон базми ғамгину ҳазин бўлди! Бирок,  
 бу меҳмонга қандай ҳам яхшики, соҳибхона – мезбон оламлар  
 Парвардигори бўлиб, ўзи ҳурларга ҳамроҳ, ғилмонларга шерик  
 бўлса.

*Доғам аз жаври замону кулфати абнои ў,  
 Ошнои жоҳилонанду ба доноён адув,  
 Бас ки жавҳар ношиносанд дар ин чорсу,  
 Қиймати ҳар муҳра, эй гавҳар, фузунтар шуд зи ту,  
 Муддати дар иктисоби илму дониш жусту жу,  
 Менамуди охир аз дунё чи ҳазз бурди, бигў?  
 Зери чархи дуннавози сифлапарвар обрў,  
 Жуз зи оби рў чи диди зубдаи акрон шуда.*

Мени дардим замон ва унинг аҳлининг кулфатидандирки,  
 ошнолар жоҳилона бўлиб доноларга душман, гўёки бу бозорда

жавҳар – яхшиларни танимайдиган кабидир. Эй, ҳар бир тошнинг қиймати сен сабаб гавҳар каби қимматбаҳо бўлган зот, эй бир муддат илму билим йўлида изланган зот, охири дунёдан нима учун узилдинг. Бу эгри фалак остида бечораҳолларни парвариш қилувчи зот, сен дунёда фақат обрўни кўрдинг, чунки сен замондошлар зубдаси эдинг.

*Нолаҳо дорам мани дармондаи кўйи бало,  
Мубталои мотамат гардида то рўзи жазо,  
Аз фалак нурсам туро жўяндаи қомат дуто,  
Аз замин жўям зи ғам хобидаи рў бар само,  
Аз ки межўям суроғат андарин роҳи фано,  
Хоки поят гў ки бошад дийдаҳоро тўтиё,  
Дар паят охир зи но афтодаам чун нақши но,  
Эй тариқи арсаи хулди барин пўён шуда.*

То қиёмат қадар сени мотамингга мубтало бўлганим учун мен бечора балолар томонга қараб нолалар чекаман. Фалакдан сени сўрасам уни қомати ҳам дуто бўлибди, ердан ахтарсам, ғамингдан хуши учиб осмонга қараб қолибди. Кимдан сени сўроқлайки, уларга ҳам роҳи фано – йўқлик йўл топган. Эй жаннат томон шитоблаб кетган зот, топа оламанми, деб ноилож, изларинг устига гард каби оёғимни кўйдим.

*Эй фалак, оё дар ин мотам қадат гардида ҳам,  
Мезани даврон ба рақс афтода бо дарду алам,  
Дам зада з-ин фурқати ҳирмон магар, эй субҳидам,  
То шуда пийроҳанат сад чок аз сар то қадам,  
Шаб либоси мотам андар бар кашиди аз алам,  
Бас ки он хуришиди олам рафта дар кунжи адам,  
Воқеан з-ин дарду ғам тўфон кунад аз гиря кам,  
То ба маҳшар оламе вовайлато гўён шуда.*

Эй осмон, эҳтимол сени қаддинг ҳам бу мотам сабабли ҳам бўлгандир. Ёки даврон бу дарду алам билан рақс ураётгандир. Эй субҳидам, эҳтимол, сен ҳам бу маҳрумлик фурқатидан зада бўлиб, эски чопонингни бошдан оёқ чок-чок қилиб йиртаётгандирсан?! Тун ҳам аламдан мотам либосини

ўзига ёпгандир, ҳаттоки олам қуёши бу мусибатдан йўқлик буржигга яширингандир. Мабодо, бу дарду ғамдан тўфон қўтарилганида ҳам аслида камдирки, то маҳшаргача энди олам “во-вайлато”, дея оҳ уради.

*Эй ба назди ҳимматат хирвори зар қадри шаъир,  
В-эй ба маъни бениёз аз илму дар сурат фақир,  
Аз маъони баҳраҳо баҳшида бар жамъи касир,  
Ҳаззи вофир бурда, аз илми ту ҳар барнову пир,  
Бурда чун рахти ҳаёт аз дори дунёи ҳақир,  
Кардаи маъво живори Ҳазрати Ҳайи Қадир,  
Истифодат пешагонат оқибат, эй беназир,  
Монда дар кўйи надомат бесару сомон шуда.*

Эй, унинг ҳиммати олдида бир арава олтин арпачалик бўлмаган, суратда фақир, аммо маънода бениёз бўлган, илмлар баҳрасини қўплаб кишиларга улашган ва унинг илмидан қарию ёш улкан насибалар олган зот. Қачонки, сен дунё ҳовлисидан ҳаёт асбобини йиғиштириб, Ҳазрат Қодир барҳаёт Зот ҳузурига маскан қурган чоғинг, сендан фойдаланувчи барча толибларни надомат кўчасига ҳайрону лол ташлаб кетдинг.

*Эй сурури сийнаи туллобу, арбоби шуъур,  
Ҳар хафий аз қуввати андешаат андар зухур,  
Бар шабистони маоний фил масал тобанда нур,  
Сухбати оми фарахбахши ту сар то по ҳузур,  
То ки рафти з-ин саройи ғамфизои пур гурур,  
Баста рахти истиқомат жониби дор-ус-сурур,  
Хоки ҳасрат бар сари мо шуд ила явмун нушур,  
Аз ҳужуми гиря оби дийдаҳо тўфон шуда.*

Эй толиб ва дил соҳиблари кўнглининг шодлиги, ҳар қандай мушқил масала фикринг қувватидан равшан бўлиб, гўёки, маънолар осмонида нур сочувчи қуёш эдинг. Омманинг сухбати сен сабабли ҳузур-ҳаловатга тўла эди. Аммо, қачонки, сен бу алдамчи, ғам-ғуссали дунёдан ҳаёт асбобини дорус-сурур ҳовлисига қурган чоғинг, бизни қиёматгача ҳасрат туфроғига



ташлаб кетдингки, нолаю афғон ҳужумидан кўз ёшлар тўфон бўлди.

*Бурда деҳқони қудрат нахлатат, эй маъни шумор,  
Карда гарси ў ба нахлистони жаннат ихтиёр,  
Бе ту шамшоди гулистон гўйе шамъи мозор,  
Сийнаи гул чок гардида ба нохунҳойи хор,  
Гиря андар мотами ту мекунад абри баҳор,  
Сар ба сар сў мезанад обиравон девонавор,  
Бар кашида савсан андарбар либоси сўквор,  
Дог дар дил дийда нур хун лолайи Нўъмон шуда.*

Эй маънолар билимдони, қудрат деҳқони сени дарахтингни кесиб, уни жаннат дарахтзорига экишни ихтиёр қилди. Энди сенсиз гулистон шамшодлари гўё мозорнинг шамъи каби бўлиб қолди, гулнинг сийнаси тикан тирноғлари билан чок-чок бўлди. Баҳор ёмғири ҳам сени мотамингда гиря қилмоқдаки, бошига кетма-кет девонавор сув сочмоқда. Савсан гули эса устига тиканли либосини тортмоқда, ҳар бир дил ва кўзда гўё кип-қизил лола каби қон оқмоқда.

*Эй ажал, бишнав з-дастат дод бар болойи дод,  
То чиҳо карди ба як сарпанжа он олийниҳод,  
Омада эй сарсари тунди фано дар иштидод,  
Нахли умри ў ба хоки тийра дар аз по фитод,  
Хоки ажзоят ила явмил жазо барбод бод,  
Бас ки мо маҳрум аз васли туйи дар иттиҳод,  
Дийда обему дил оташ з-ин ғаме ноимтидод,  
То қиёмат мубталойи ҳажри бепоен шуда.*

Эй ажал, эшит, сени дастингдан дод устига додлар бўлсинки, у олийшараф бўлган зотни ушлаб қаерга қўйдинг?! Эй фано зулматининг шамоли, сен ҳам жуда қаттиқ шиддит билан келдингки, унинг умр дарахтини оёғидан йиқитиб қаро тупроққа кориштирдинг. Сени аъзоларингни туфроғи қиёматгача барбод бўлди, биз ҳам ҳақиқатда сени васлингдан маҳрум бўлдик. Бинобарин, ушбу ғамдан кўзларимиз ёш, дилларимиз аланга бўлдики, қиёматгача бизларни туганмас ҳажрга мубтало қилдинг.

*Хам шав акнун аз надомат то қиёмат осмон,  
Шуд ҳазорон поя бар тар аз ту қадрӣ хокдон,  
Рафта он хуршеди дониш аз жаҳон доманкашон,  
Дар таҳи хоки сияҳ то субҳи маҳшар бенишон,  
Баҳри изҳори мазомин сабзаҳо як сар забон,  
Шуд зи ҳар барги гуле як маънийи рангин аён,  
Бас ки мадфуни замин ажзойи он маъни баён,  
Ҳам чу авроқи зи ҳам буксистаи Қуръон шуда.*

Эй осмон, мотам надоматидан бошингни қиёматгача эг, эй осмон, энди ернинг қадри сендан мингларча марта баландроқ бўлди. Чунки бу дунёдан илму дониш офтоби этагини йиғиштириб кетди. У бу жаҳондан кетиб, тупроқ остида маҳшаргача бенишон ётадиган бўлди. Унинг юрагида қолган бой мазмунларни ҳикоя қилиш учун сабзалар ердан тил бўлиб чикдилар ва ҳар гулнинг баргидан бир гўзал мазмун кўринмоқда. Худди бир-бировидан ажралиб титилиб кетган Қуръон варақларига ўхшаб маънолар баённинг жисми ер остига кўмилди.

*Мекунам жонро зи ғам лахти фалак таълими Ҳақ,  
Ҳам чу он мурғи муқайяд гашта дар зерӣ табақ,  
Баҳри таҳрири алам гўё забон хунин варақ,  
3-оташи дил шуд баёзи дийда монанди шафақ,  
Хома дар мотам сияҳ нўшидаю ғарқи арақ,  
Фарқи худ бар тахтаи коғоз зада бинмуди шақ,  
Бас ки он шерозайи жамъияти аҳли сабақ,  
Рафта бар боди фано аз дийдаҳо пинҳон шуда.*

Мен энди ғамдан орзурда бўлган бу жонимни ҳақ таълимни бериши учун фалакка гурзи қиламан. Учунки у боғланган қуш каби осмон табақининг остида айланмоқда ва бу аламни ёзишдан қалам ҳам варақларни қон қилди, дил оташидан эса дилнинг оппоқ саҳифалари шафақ каби қизарди. Қалам эса мотамдан терига ғарқ бўлиб, яширинди-да, ўз бошини қоғоз тахтасига уриб ёрилди. Нега, чунки у аҳли сабоқлар

жамиятининг зийнати фоний дунёдан кетиб, кўздан пинҳон бўлди.

*Ҳар ки омад андарин гулшан шуд охир бедимоғ,  
Оташаст ин рағи гулҳо бўйи у дуди чароғ,  
Булбули шўрида афғон мекунад ба дарду доғ,  
Фўта дар гардан кашида қумрийи бар сарви боғ,  
Нолаҳо дорад мудом аз талғати шуми кулоғ,  
Бас ки як ранги надийда 3-ин чаман жушта фароғ,  
Мурғи руҳат ҳам ба ранги гул пайи тайрон шуда.*

На чора, кимки бу дунё гулшанига келибди, иложсиз, охири ғамгин бўлади, чунки бу гулистон гулларнинг томири гўё оташ, бўйи эса чироқ тутунидир. Булбул ҳам ушбу ғамдан шўрида бўлиб, фиғон қилади. Қумри ҳам бўйнига айни дарддан белбоғ боғлаб, кузғуннинг тўсатдан келиб қолиши хавфида мудом нола қилади. Бас, бу чаманни бирор марта ғамдан холий фароғатда турганини кўрмадимки, шу сабаб сени руҳинг куши ҳам бошқа гул рангини пайида бу гулшанни ташлаб учиб кетди.

*Ин работи қўҳнаи дунё иқоматгоҳ нест,  
Истиқомат ихтиёри раҳравони роҳ нест,  
Қасру тулуъ орзу кун агар кўтоҳ нест,  
Чун шарар то дийда букшиди шуди биллоҳ нест,  
Бин саҳар бо чоки жайб андар ғами бегоҳ нест,  
Як ду дам субҳи ҳаётасту ба ғайр аз оҳ нест,  
Охир аз доғи ажал эмин гадову шоҳ нест,  
Зинда то даври қиёмат гў кадомин жон шуда.*

Бу қўҳна работ бўлмиш дунё доимий қароргоҳ эмас, йўл эгаларига бу ерда туришлик ихтиёри ҳаргиз берилган эмас, шунинг учун агар аҳмоқ бўлмасанг, эй инсон, у ернинг олий қасрларини орзу қил, Аллоҳга қасамки, то шарар каби кўзингни ярқ этиб очасан. Кўрки, субҳ ҳам бу ғамдан ёқасини йиртган, бу ҳаёт субҳисиди оҳ-ноласиз отган бирор бир дам йўқ ва охирида ажалдан эмин қолувчи бирор шоҳу гадо ҳам йўқ, қиёматгача тирик турадиган жонни, эшит, қаерга қўймоқдасан.

*Чор деворонро жасадро бин, ки дар андак маҳал,*

*Мефитад аз бас зи селоби фано дорад халал,  
Эй шуда бе пову сар дар жодайи тулуъ амал,  
Фурсати дурги надорад ин ҳаёти бебадал,  
Олимонро не вафойи бошад аз саъйи жадал,  
Не ба мунъим коргар ояд дараиш андар багал,  
Мешавад охир асири қабзайи дасти ажал,  
Гарчи иқлими жаҳонро мустақил султон шуда.*

Гўёки, жасад жон учун андак муддат чордевор кабидир, ҳали фано селоби келиб, уни йиқитади. Шундай экан, эй бош-оёқсиз орзулар майдонида ўйнаб юрган кимса, шуни билки, ҳаётингда бир қатрани ҳам бебадал топа олмайсан, шунчалик жидду жаҳд қилсалар-да, олимларга ҳам вафо қилмайди ва на эҳсон қилувчиларга ҳамки, ажал охири, уларнинг ҳам эшигига арқон олиб келиб, асир қиладики, гарчи танҳо султони иқлим бўлса ҳам.

*Дарҳақиқат дийда букшойи ба баҳри мумкинот,  
Як даме бошад ҳубобосо вужуди бесубот,  
Фил дам шоҳон ба руҳ афтода аз аспи ҳаёт,  
Оқибат бар тахтайи рўйи замин албатта мот,  
Бингари дар маҳфили имкон набошад ҳеч зот,  
Тот нагардад талхкоми шарбати жоми мамот,  
Бар фанойи жумлайи ашё тамоми коинот,  
Ҳужжати бешубҳа “Куллу ман алайҳа фон” шуда.*

Ҳақиқатда, кўз мумкинот денгизига очилса, унда ҳар бир нафас ҳубоб каби бесабот эканини кўради, “фил” “шоҳ” лар нафасидан “руҳ”ни ҳаёт “аспи” – отидан суғуради. Оқибатда у албатта, рўйи замин “тахта”сида “мот” бўлади – йиқилади. Ва бу дунё саройида ҳеч кимса ҳаргиз абадий қолиб кетмайди, ўлим жоми албатта ҳар бир озиғни аччиқ қилади. Бу жумла ашёлару тамом борлиқдаги нарсаларнинг бира тўла йўқ бўлиши, “Уни – ерни устида бўлган барча нарса йўқ бўлувчидир” мазмунидаги оятнинг катта исботидир.

*Набувад аз буксистани шерозаи дилҳо ажаб,  
Гум шуд аз девони дониш фард байти мунтахаб,*

*Дорад аз ин гуссайи аҳбоб жонҳо тобу таб,  
Рўзи мо аз зулмати ҳижрон сияҳтар шуд зи шаб,  
3-он далили раҳравони жодайи илму адаб,  
Мондаем охир жудо гардида бо чандин тааб,  
Баҳри таърихи вафотаи 3-ин сабаб аҳли талаб,  
“Рафта аз дори жаҳон Бурҳониддин” гўён шуда.<sup>397</sup>*

Ажабки, бу дилларнинг зийнати очилмай қолди, донишмандлар девонидан энг сара ягона байт йўқолди, дўстларнинг бу ғуссасидан жонлар бетоқат бўлиб, ҳалқумга келди. Кунларимиз ҳижрон зулматидан сиёҳ бўлди, у йўлбошчилар бошлиғи, илму адаб кони бўлган зот вафоти сабаб, охири жудоликдан чандон аламларга қолдик. Шу сабаб унинг вафот таъриhini аҳли талаблар: “Жаҳон ҳовлисидан Бурҳониддин кетди”, дея айтдилар.

Эслатма: Таърих моддаси “Жаҳон ҳовлисидан Бурҳониддин кетди” мазмунидаги “Рафта аз дори жаҳон Бурҳониддин” жумласининг ҳарфлар йиғиндисидан чиқади. Ҳижрий 1309, милодий 1892 йил.

### ***Рожийнинг бухоролик устози***

Рожий Марғиновичнинг Бухорода Мир Араб мадрасасида таълим олгани айтиб ўтилди. Унинг мадрасада дарс берган устозлари кимлар экани маълум бўлмаса-да, бироқ, улардан бири ҳақида Рожийнинг ўзи маълумот беради. Рожий баёзларида бухоролик Мир Қиёмиддин вафоти ҳақида ёзилган таърих-марсия учрайди. Тадқиқотчи олим М.Мадғозиев бу шахсни Рожийнинг Бухорода таълим берган устози Мир Бадриддиннинг фарзанди бўлиб отаси Рожийнинг устозларидан бўлган, деб хулоса қилади. Буни шундан ҳам билса бўладики, марсияга кўшиб жўнатган рубойида Рожий айнан унинг ҳузурига боргачгина қалб зари ўткир бўлганини айтади ва у зотдан кўп нарса ўрганган устози эканини эътироф этади:

*Кимёйи ба юмни икцират,*

<sup>397</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 123-129-бетлар.

*Мис агар бувад нақди зар гардид.  
Кай зари қалби Рожий робих шуд,  
То ба дорил иёру нарасид.*

**Таржимаси:** Кимё сени иксилингни баракасидан мис бўлса ҳам нақди зар бўлди. Сенинг маҳак тошинга етгачгина, Рожийнинг қалб зари ўтадиган бўлди.<sup>398</sup>

Рожий унинг ўлими сабабли юзланган аламини шундай ифода қилади:

*Шарор оташи умри судури Махдуми,  
Ба ранги ламъа вужуди адам ба як он шуд.*

Яъни, Махдумдан дунёда бир лахзалик порлаган учқуннинг алами бизларга бир умрлик доғ бўлди.

*Ажабки, Рожий чу булбул надида рўйи гулаш,  
Замони мавсими гул шуд з-гам ғазалхон шуд.*

Яъни, афсуски, Рожий булбул сингари у зотнинг гул юзини кўрмади, гул мавсумининг замонида ғамдан ғазалхон бўлди.

*Фуруғи дийда намонду бирафт нури судур,  
Агар тийра жаҳони ба шоми ҳижрон шуд.*

Яъни, кўзимнинг зиёси кетди, кўксимдаги нур ҳам кетди, қоронғу жаҳон ҳижрон шомига айланди.

Рожий домла марсияда марҳумнинг отаси Мир Бадриддин, унинг отаси Мир Зиёуддин, унинг отаси Мир Байзоларнинг номларини тилга олиш билан бирга, уларнинг баъзи фазилатларига урғу беради. Энг қизиғи, Рожий улар исмлари англаган маъноларга итфоқ санъати билан гўзал замзамалар қилади.

***Таърихи вафоти Мир Қиёмиддин қозии судур дар вилояти  
Чоржуй тобеъи балдаи Бухоро, фарзанди қозикалони Бухоро  
Домулло Мир Бадриддин валади Мир Зиёуддин ибн Мир Байзо  
ин аст:***

---

<sup>398</sup> Насрий баён М.Мадғозиевники.

Бухоро қози калонининг ўғли қози Мир Қиёмиддин ибн Мир  
Бадриддин ибн Мир Зиёуддин ибн Мир Байзо вафотига таърих

*Ба арсагоҳи жаҳон ин баланд айвон шуд,  
Кабуд чодари боло ба базми имкон шуд.*

Жаҳон саҳнасига баланд айвон қурилди, яъни, ушбу ер  
бино қилиниб, осмон имкон базми – мумкинот оламига гўё  
чодир бўлди.

*Салойи оми кариме адиме рўйи замин,  
Басити моида инжо чу суфраи хон шуд.*

Бутун ер юзасига алвон неъматларга тўла дастурхон  
ёзилиб, Парвардигор тарафидан эҳсонун карам овозаси оламини  
тутди.

*Ҳар он ки омада худро ба заллахори зад,  
На хўрда зарби фанойи насибаи нон шуд.*

Кимки бу дастурхонга келди, нон учун ўзини хорликка  
урди. Лекин фоний дунё дастурхонидан бирор заррани роҳат  
билан ея олмай, насибаси тугади.

*Ба нимрўзе кадомин чу ним ноне хўрад,  
Ду ҳисса ғусса бихўрду на сер аз нон шуд.*

Бунда ярим кун яшаб, яримта нон еб-емасдан, нондан  
сероб бўлиш ўрнига ғамдан икки ҳисса сероб бўлди.

*Ба дур бош адаб шуд зи жаннати Одам дур,  
Бисоти рўйи замин ҳам намуна аз он шуд.*

Адабдан узоқлашгани учун Одам алайҳиссалом жаннатда  
узоққа тушдилар, ер юзининг бисоти ҳам худди шунга  
ўхшашдирки, ким бунда итоатсизлик қилса, раҳматдан узоқ  
бўлиши мумкин.

*Расид навбати даъват ба Мирқиёмиддин,  
Дар ин ситамкада омад наштаст меҳмон шуд.*

Чақирӣқ навбати энди бу ситам уйига келиб меҳмон бўлиб  
ўтирган Мир Қиёмиддинга етди.

*Чу дид неъмати дунё ба зарби меҳнат буд,  
Ҳафизии маҳфили имкон на жое эҳсон шуд.*

Кўрдик, дунёнинг неъмат меҳнат эвазигагина келар экан, шунингдек, бу дунё эҳсон – роҳат-фароғат жойи эмас экан.

*Набурда заҳмату зиллат ба дайри истодан,  
Сабукнишини сабуквор ба хулди ризвон шуд.*

Шунинг учун ҳам у ўзига дунёда унга боғланишлик хорлигини тортмаган, яъни дунёга муккасидан кетмаган эди, шу туфайли енгил ўтириб, енгил турди-да, жаннатга осонлик билан кетди.

*Бар яки ламъаи байзо бар осмони шараф,  
Гузафта аз сари дунё баланд жавлон шуд.*

Гўё, бу дунёдан бир ёруқ нур шараф осмонига жавлон килди.

*Бирафт барқи мусибат ба дашти имкон зуд,  
Расед абри сиёҳи жаҳон тўфон шуд.*

Унинг мусибат чакмоғи чақиши билан дунё даштига қора булут келиб, жаҳон тўфонга айланди.

*3-чор жўйи ҳаводис расед сели фано,  
Ба дори давлати ў зад фитоду паррон шуд.*

Гўё, ходисалар тўрт ариғи (Чоржўй)дан фано сели келиб, унинг давлатхонасини уриб йиқитди ва у вайрон бўлди.

*Қазо ки кисвати мансаб ба қадди умраиш духт,  
Ба сони нимча қабое бурида домон шуд.*

Ўлим унинг мансаб кийимини умри миқдорига қараб бичди, этаги кесик нимча камзул билан учиб кетди.

*Чу ғунча реги гулистон ба жайби ҳасти дод,  
Дариг, бе бару барг он, дар ин гирибон шуд.*

Унда гўё гулистоннинг ғунчаси каби этаги – япроқлари бор эди, афсуски, унинг беҳосиллиги гирибонига ёпишди.



*Дамед кишти ҳаёташ ба мазраи дунё,  
Набуд пухта, замони ҳасоду деҳқон шуд.*

Дунё майдонида унинг ҳаёт зироати ўсди, бироқ, уни ҳосили ва йиғиб оладиган пайти етиб келмади.

*Ниҳоли зиндагии ў самуми ҳодиса дид,  
Шукуфт мева на пасту шукуфа вайрон шуд.*

Ҳаётининг ниҳоли ҳодисалар шамолининг зарбига учраб, мева берди-ю, аммо гули вайрон бўлди.

*Ба чашми баста чу шабнам расида дар ин боғ,  
Ба бистаре варақе гул нишасту хусрон шуд.*

Зарба бу боғда унинг боғланган кўзига шабнамдек келиб тегди ва гул варағига ўтириб вайрон бўлди.

*Чу андалиби саҳар ин тарона карду бихонд,  
Ба рӯйи гул ба ду се байт ба дарду афғон шуд.*

Булбулга ўхшаб саҳар вақтида икки-уч байтни дарду фиғон билан ўқиб тарона қилди.

*Ба килки сонийи қудрат баҳор рангин шуд,  
Кадам ранги нашоте дар ин гулистон шуд.*

Қудратли Зотнинг қалами билан баҳор зийнат топди-ю, лекин, бу гулистонда қачон бир рангда нашот бўлди?!

*Ба барги лола зи доғи жигар сиёҳи зад,  
Зи хуни дил варақи гул ба сурх афшон шуд.*

Лоланинг баргига жигар қонидан доғ урилди. Шунингдек, юрак қонидан гулнинг варағига қизилликлар пайдо бўлди.

*Ба ғунчаи жамъияти гул агар базми буд,  
Ба мушти зар бидамед ў чаро паришон шуд.*

Агар жаҳон гулистонида ғунчага гулнинг жамъияти (мавсуми) вафо қиладиган бўлса, нима учун ғунча бағрида йиғилган бир ҳовуч зар яна титилиб кетмоқда?

*Ажабки, Рожий чу булбул надида рўйи гулаш,  
Замони мавсими гул шуд з-гам ғазалхон шуд.*

Афсуски, Рожий булбул сингари у зотнинг гул юзини кўрмади, гул мавсумининг замонида ғамдан ғазалхон бўлди.

*Фуруғи дийда намонду бирафт нури судур,  
Агар тийра жаҳони ба шоми ҳижрон шуд.*

Кўзимнинг зиёси кетди, кўксимдаги нур ҳам кетди, қоронғу жаҳон ҳижрон шомига айланди.

*Бақойи Бадри мунаввар бар авжи давлат бод,  
Ба фарқи ғамзагонаш ба меҳри тобон шуд.*

Мунаввар тўлин ой (Бадриддин)нинг бақоси давлатининг авжига чиқиб, унинг ғамзадалари бошида куёш каби тобланаверсин.

*На рафта аз саре забро зи "Ман алайҳо фон",  
Набурда гарди фаноро кадом инсон шуд.*

Дунё юзида “Ман алайҳо фон”нинг сайрига юрмаган, фано гардини ўзи билан элтмасдан қайси инсон қолди?

*Шарор оташи умри судури Махдуми,  
Ба ранги ламъа вужуди адам ба як он шуд.*

Махдумдан дунёда бир лаҳзалик порлаган учқуннинг алами бизларга бир умрлик доғ бўлди.

*Қазо расиду бирафт ў нарафт беамал ў,  
Ба дар зи дори қазо зад ба хулд дарбон шуд.*

Қазо етиб, у зот дунёдан кетди-ю, бироқ амалсиз кетмади, қозилик эшигидан чиқиб, жаннат эшигига дарбон бўлди.

*Жавоби масъалагўйи хулосаи дин буд,  
Зи саҳфаи амали ў ҳисоб осон шуд.*

У зот мушқил масалалар жавобини айтишга диннинг хулосаси эди, энди унинг амал саҳифаси ҳисоби ҳам осон бўлажак.

*Намуда хатми улуми умури дин озим,  
Ба дарсгоҳи жаннат аз ин дабистон шуд.*

Дин амрлари-илмларини хатм қилган у зот энди бу дунё мактабидан жаннат мактабига дарсгўйликка кетди.

*Қивоми рукни шариат ба номи номийи ў,  
Қиёми дину адолат ба шаръи Раҳмон шуд.*

Дин ва шариат устунни экани унинг улуғ номиданок (Қиёмиддин) билиниб турар эди.

*Харид рахти мозори мунаввари жаддаш,  
Ба сони партави раҳмат абад дурахшон шуд.*

Яъни, Раҳмоннинг динига адолатли устун эди. У бобоси (Мир Садриддин)нинг раҳмат нурларига ўралган нурли мозори матоларини сотиб олди.

*Ғуломзода чу буд ў он ба Мир Садриддин,  
Гирифт садри жинонро зи жамъи гилмон шуд.*

Яъни, Мир Садриддинга набира бўлган зот жаннатнинг тўрини сотиб олиб ғилмонлар жамоасига қўшилди.

*Чу шудки, зухра чу гесу бурид золи фалак,  
Кабуд жома зи мотам дар ин шабистон шуд.*

Нима воқеа бўлдики, фалак золи зухранинг сочини кесди? У мотам либосида кўк кийиб, бу қоронғу кечага чикди?

*Ба сар расиду чи шўре бисўхт бадри мунир,  
Ба хатфи ҳодиса анжум шарорафшон шуд.*

Қандай шўрлик иш тушдики, унинг қаттиқлигидан тўлин ой ҳам куйди?

*Мунажжими хирад омад, ба қуръаи таърих,*

*Зи сирри ҳодисаи ӯ чунин нависон шуд:*

Ходисанинг тийралигидан юлдузлар сочилиб кетди. Ақл мунажжими таърих учун қуръа солди ва у ходиса сирини қуйидагича ёзди:

*"Зи даври матлаъи мунири давлати дин,  
Намуд чехраи нажму париду пинҳон шуд".<sup>399</sup>*

“Ойдинлик берувчи доирадан дин давлатининг куёши юлдуз чехрасини бир кўрсатди-ю, пинҳон бўлди”.<sup>400</sup>

Англашилмоқдаки, Рожий ўзи таълим олган устозларининг ҳар бирига дилидан қаттиқ боғланган. Уларни ўзининг маънавий ҳаётида муҳим ўринга эга зотлар эканини яхши англаган. Тарихда устозга қаттиқ боғланган толибларнинг кейинчалик буюк мақомларга етгани кўп кузатилган. Мисол тариқасида буюк фақиҳ ва мужтаҳид, Аббосийлар давлатининг қозиюл-қуззоти (қозилар қозиси) Яъқуб ибн Иброҳим ибн Ҳабиб ал-Ансорий (113-182 ҳ) устози Абу Ҳанифа р.х.га қаттиқ боғланганидан унинг бир ўғли ўлганда Абу Ҳанифа дарсидан қолишдан кўрқиб уни дафн этиш вазифасини бировга топширган эди. Шунинг учун ҳам у кейинчалик у Абу Ҳанифанинг энг буюк шогирди, энг яхши ёрдамчиси сифатида биринчи бўлиб унинг мазҳаби бўйича китоб ёзган, масалаларни имло қилган, ханафий мазҳабини ер юзига тарқатган.

Бурхониддин Марғинович ёшликларида таълим устозларидан бири Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳасан Минҳожуш шария ҳақида шундай ёзган эдилар:

*“Кўзим унга ўхшаганини, ундан азизрогини ва ундан-да илми кўпроқ бўлган алломани кўрмаган. У зотда аввалги ҳолимда, яъни ёшлигимда таълим олганман ва 535 йилгача у зот илмидан баҳра олишдан ажрамаганман”.<sup>401</sup>*

<sup>399</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 98-100-б.

<sup>400</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий ва М.Мадғозиев таржимаси.

<sup>401</sup> “Ал-фавойид ал-бахиййа фи тарожим ал-ханафиййа”... 399 мақола, 235-б.

Эътибор беринг! Аллома устозларидан бирини зикр қилганида, мен уни қаттиқ эҳтиром қилар эдим, деб эмас, балки у мени қаттиқ эҳтиром қилар эди, деб эсламоқда. Бундай эътироф тарихда камдан-кам учрайдиган эътироф. Боз устига ўзини унинг хос шогирдларидан бири деб билмоқда.

Маълумки, Ҳазрат Навоийнинг устозларидан бири Мавлоно Абдурахмон Жомий эдилар. Навоий у зотга жуда қаттиқ боғланган ва ўзига пир-муршид деб билган эдилар. Ушбу муҳаббат тақозоси ўлароқ, у зот шаънида "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин" номли асар битганлар ва унда Ҳазрат Жомийни фазилат ва хислатларини тилга олиб ўтганлар. Умуман, бошқа кўплаб асарларида ҳам Жомий ҳақида тўхталиб ўтганлар. Мазкур асарда Навоий устоз Жомийга ўзларини яқин бўлгани ва у зотнинг баъзи асарларининг ёзилишига боис бўлганларини мамнуният билан келтирадилар:

"Ва бу фақир (Навоий) алар (Жомий) таълиф (китоб ёзишлар)ига боис бўлубмен, ул жумладин бири "Нафаҳот ул-унс мин ҳазаротил қудс" дурким, андоқ китобни ҳаргиз ҳеч киши не битибдур, не битмакни имкони ҳам бор. Анинг шарҳи (воқеаси) будурким, бу фақирнинг хаёлига эврулур (келур) эрдиким, ҳазрати муқарраби Борий (Аллоҳнинг яқин бандаси) Хожа Абдуллоҳ Ансорий (қуддиса сирруху) асхоби тариқат ва арбоби ҳақиқат зикридаким, иборати суфия машойихидин бўлғай – китобе битибдурлар ва ани беш табақа қилибдурлар: ҳар йигирмини бир табақа қилибдурларким, ани "Табақоти машойихи суфия" дерларким, борчаси юз кишининг зикри бўлғай ва алардин сўнгра Шайх Фариддин Аттор (қуддиса сирруху) дағи (яна) бир навъ китоб битибдурларким, "Тазкират ул-авлиё" (номи)ға машҳурдур ва ҳазрати Шайх Абдурахмон Суллайий (қуддиса сирруху) дағи (ҳам) бу азизлар зикрида битибдурларким, "Табақоти Сулайий" дерлар, аммо улча ўзларидин бурунғи замондағи машойихдур, зикрин қилмайдурлар ва ўз муосир (замондош)ларини кўпини ҳам ва ўзларини ҳам битмайдурлар...

(Шу туфайли) оё, замон акобирларидин ким бўлғайким, бу шариф амрға муртакиб (муваффақ) бўла олғай? – деб кўнглимға

кечурур эрдим ва сабр ва тақсим била (мулоҳаза билан) ўз қошим (ҳисобим)да (бу улуғ ишни) ҳазрати Махдум (Жомий)ға қарор берур эрдим. Аммо густоҳлиқ қила олмас эрдим. Бир кун хаёлға келдиким, умрға эътимод (ишонч) йўқдур, бўлмағайким бу орзуни гўрға элтгайсен, авло улдурким, аларға арз қилгайсен. Маҳал (пайт) топиб, бу мазкур бўлгон муддаони арз қилдим – ғариб (ажиб) ҳол даст бердимким, аларнинг ҳам муборак хотирлариға биайниҳи (худди шунингдек) ушбу навъ ўтар эрмиш, аммо баъзи мавоней (тўскинликлар) сабабидин тавқиф (тўхташ)қа қолур эрмиш.

Боре, алар бу илтимосдин хушҳол бўлуб, қабул қилиб, машойих ҳолоти шарҳида акобир кутубин (улуғлар китобларин) жамъ қилиб, бу хатир (улуғ) амр ва азм шуғлға машғул бўлдилар ва ҳар жузв (қисм)ким битилур эрди – илтифот қилиб фақир (мен)ға берурлар эрди ва (у) ҳам ўз қошларидин ўтқарилур эрди. Оз фурсатда "Нафаҳот ул-унс" китоби туганди ва ул соҳиб давлат саъйи (ҳаракати)дин бу бузрукворлар исми олам саҳифасида қолди".<sup>402</sup>

Энг қизиғи, Абдурахмон Жомий китоб таълифига айнан Навоий боис бўлганини унинг муқаддимасида қайд этиб кетганлар:

*"Саққиз юз саксон биринчи (1476 – 77) йилда дарвешлар дўсти ва уларнинг мухлиси, ҳамма машгулот (илмлар)га бой, фақирлик йўлида қувватли, ўз хоҳиш ва ихтиёри билан давлат ва эътиборнинг аъло мартабасидан юз қайтариб, таслим ва ризо қадами билан фақирлик ва фонийлик йўлини қабул қилган Амир Низомиддин Алишер менадан кўнгилдан ўтган ва хотирда муҳрланган тарздагидек қилиб илтимос қилди. Бу билан қадимги орзу янгиланди ва илгариги хоҳиш кучга кирди ва таъкид даражасига етди. Бинобарин, чин ҳиммат ва холисона ният билан ўша истакни амалга оширишига ва топширқни бажаришига киришилди".*<sup>403</sup>

<sup>402</sup> Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин... 50-51-бетлар.

<sup>403</sup> Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин... 50-51-бетлар.

Устоз-шогирд муносабатлари ўта муҳим эканидан Рожий Марғинойийнинг бу билан боғлиқ жиҳатларини алоҳида боб остида берамиз.

## РОЖИЙ ВА УСТОЗЛАР ЭХТИРОМИ

Маълумки, мусулмон кишининг энг биринчи одобларидан бири, бу унинг ўзгалар олдида ўзини қандай тутишидан билинади. Бироқ, аждодларимиз бу одобни биринчи бўлиб кишилар ўртасида эмас, балки ҳеч ким йўқ жойда ҳам Жаноби Ҳақ таолога нисбатан қўллаш зарурлигини уқтирганлар. Уларга кўра, киши зоҳирий одобни ўзи билангина кифояланмай, ботиний одобга ҳам қаттиқ эътибор қаратиши зарур.

Али Сайфийнинг ёзишича Мавлоно Саъдуддин Қошғарий толибларга насиҳат қилиб шундай деганлар: *"Билингларким, Ҳақ субҳанаҳу ва таоло шу қадар улуглик ва азамати бирла сизларга зоятда яқин турур. Гарчи бу маъно ҳозирча сизларга маълум бўлмаса ҳам (шундай.) Сизлар холий жойда ҳам жамоат олдида ҳам боодоб бўлинг. Уйда танҳо бўлсангизлар оёқларингизни узатманг ва жойи халода ҳам уятлиг бирла, бошингизни қўйи солиб, кўз юмиб ўтиринг. Сирру алония (пинҳонаю ошкоро)да, зоҳиру ботин (ичу таш)да Худога рост (бир хил) бўлинг. Агар бу одобга риоя қилсангиз, юқоридаги маъно сизларга аста-аста маълум бўлур. Хуллас, ҳамшиша ўзингизни одоби зоҳирий ва ботиний била ораста тутинг.*

*Адаби зоҳирий ул турурким, шариятнинг авомиру навоҳий (буйруқ ва тақиқлари)га қиём кўргузинг (бажаринг). Доимо ботаҳорат юринг ва истиғфор била бўлунг ва кам сўзланг. Жамиъи умур (барча ишлар)да эҳтиёт қилинг ва салафи солиҳнинг асарлари (ишлари)дан бохабар бўлинг ва одоби ботиний кўп душвор турур, анга хушёр бўлинг. Одобларнинг муҳимроғи кўнгилни агёр (бегона) хутур (хаёллар)дан сақламоқ турур, хоҳ у яхши бўлсин, ёмон. Чунки иккиси ҳам Ҳақ субҳанаҳу ва таолодин ҳижоб (тўсиқ) бўлмоқда баробар турур".<sup>404</sup>*

Рожий Марғиновичнинг устозлар хурмати ва эҳтироми борасида шундай ёзади:

<sup>404</sup> Фахрулдин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 162-163-бетлар.



"Илмнинг кўтарилиб кетиш сабабларидан бири, бу муаллим ҳаққини риюя этмасликдир. Кимдан устози озорланса, у илмнинг баракасидан маҳрум бўлади ва фойда олмайди. Ҳатто устоз ҳаққи ота-она ҳаққидан ҳам устун қўйилиши айтилган.

Устозни ҳурматлаш жумласидан, унга қуллуқ қилмоқ, хизмат қилмоқ, унга ёрдам бермоқ, ҳақиға пинҳона ва ошкоро дуо қилмоқдир. Пайғамбар алайҳиссалом: "Ким бировга Қуръондан бир оят ўргатса, у уни хожасидир",<sup>405</sup> – деганлар.

Ибн Аббос р.а. улкан саҳоба бўлиши ва Пайғамбар алайҳиссаломга яқин бўлишига қарамай Зайд ибн Собит р.а. минган уловнинг жуганидан тутган ва у бунга эътироз билдирганида: "Биз уламоларимизни шундай эҳтиром қилишга буюрилганмиз", – деб айтган. Чунки Зайд ибн Собит Ибн Аббос р.а. илм ўрганган кишилардан бири эди.

Чиройли одоб ақлнинг таржимони. Аллоҳ таоло одобга риюя қилган кишиларни мақтаб: "Албатта Расулуллоҳ хузурларида овозларини паст қилган зотлар – ана ўшалар Аллоҳ дилларини тақво учун имтиҳон қилган (яъни, тақво имтиҳонидан ўтган) зотлардир", – деб айтган. (Ҳужурот сураси, 3-оят.)<sup>406</sup>

Кўриниб турибдики, Рожий ҳақ эгалари ҳурмат қилинишини, хусусан, устозлар ҳурмати жойига қўйилишига қаттиқ эътибор қилмоқда. Айни пайтда унинг ўзи бу одобни гўзал ҳолда бажарган.

Устоз-шогирд муносабатлари ҳақида "Одаб ул-уламо вал мутааллим" китобида қуйидагиларни ўқиймиз:

"...Шогирд устозига доим ҳурмат назари билан боқсин ва уни камол даражасидаги шахс, деб билсин ва уни қаттиқ эъзоз қилсин, шундагина у илмдан фойда олади. Устозининг хизматини Аллоҳга яқин бўлишга сабаб, деб билади. Аслида, бу хизматлар келгусида ўзи учун азизликдир.

Одоблар жумласига устозига "саййидимиз", "хожамиз" каби сўзлар билан мурожаат қилиш ҳам киради. У йўқлик пайтида ҳам уни улуғлайдиган сўзлар билан тилга олсин.

---

<sup>405</sup> Сулаймон ибн Аҳмад Табароний. "Мўъжам ул-кабир"... 8-ж, 112-б.

<sup>406</sup> Муфазззал Маҳдум мажмуаси...82-б.

Масалан, "Устозимиз айтар эдилар", "Шайхимиз шундай дер эдилар" каби. У йўклик пайтида биров уни ёмонлаб гапирса уни қайтарсин, бунга қодир бўлмаса у ердан туриб кетсин. Ҳаёти давомида уни ҳақиқа дуо қилиб юрсин. Унинг вафотидан кейин зурриётлари, қариндошлари ва авлодларини зиёрат қилиб турсин. Уни ҳақиқа истиғфор айтиб, йўли ва маслагига эргашсин, унинг одоблари билан одоблансин.

### *Эшикни тирноғи билан қоқсин*

Одоблар жумласидан, устоз хузурига дарсдан бошқа пайтларда биров бўлса-бўлмаса, фақат изн билангина кирсин. Изн сўрашни, эшик ё халқани қоқишни уч мартадан оширмасин. Эшик қоқишда тирноғи билан беозорлик билан қоқсин, эшитишмаса халқа билан, агар ичкари дарвозадан узоқ бўлса у ҳолда эшитиладиган қилиб бир оз баландроқ тақиллатишда зарар йўк.

Шогирд устозга мурожаатларида ҳам эътиборли бўлиши керак. Устоз бирор гапни айтса "Фалончи бундай деган эди", ёки "Менимча шундай бўлса керак!", ё "Мен бошқача эшитган эдим" каби сўзларни айтмасин. Устоз тўғри деб билган нарсани "бу хато", "бу тўғри эмас" – демайди, балки чиройли йўл тутиб, "Бу яхшироққа ўхшаб кўринмоқда" – дейди, аммо "бу тўғри эмас" – демайди.

Устози бирор ҳикмат, ёки шеър айтса дарҳол уни ёдлаб олсин. Уни биринчи марта эшитаётган киши каби берилиб тингласин. Агар устоз бир гапни айтишдан олдин шогирддан уни билиши ё эшитгани ҳақида сўраса, устозининг илмига ҳожати йўклиги келиб чиқмасин учун "ха" деб жавоб бермасин.

Ато айтади: "Мен ўзим билган ҳадисни бир кишидан эшитсам унга ўзимни ундан кўра яхши билмайдиган қилиб кўрсатаман". Яна у айтади: "Баъзан бирор йигит ҳадис айтади. Мени уни эшитмагандек тинглайман, ваҳоланки мен уни у йигит туғилмасидан олдин эшитган бўламан".

Ҳикматларда шундай дейилган: "Тўрт ишдан улуғ инсонлар ҳаргиз малолланмайдилар, гарчи амир бўлсалар ҳам:

Ота-онаси учун ўрнидан туриш; таълим олаётган олим учун туриш; билмаганини сўраб олиш; меҳмонларга хизмат қилиш".<sup>407</sup>

Устозлар ҳурмати ҳақида гап кетганда тасаввуф шайхларининг пир-муршид одоблари борасида айтган тавсияларини ҳам эсга олиб ўтиш ўринли бўлади. Зеро, ҳар икки гуруҳ вакиллари шогирд ва муридларининг маънавий камолотини истаганлари учун уларга гўзал одобларни тавсия қилган эдилар. Чунончи, Баҳоуддин Нақшбанд (қуддиса сирруху)нинг халифалари Хожа Алоуддин Аттор шундай дейдилар:

"Толиб муршид–устоз ҳузурида ўзини шунчалик ожиз ва бечораҳол деб билсинки, унинг мақсуди ҳақиқийга етиши фақат у (устоз)нинг розилигини топиш билангина бўлишини англаб етсин, ундан бошқа барча алоқалар эшигини ўзига беркитсин ва тамом зоҳиру ботин у (устоз)нинг ризолигига қаратилсин".

Яна айтадилар: "Толиб устознинг ризоси талабида зоҳиру ботин (ичу таш) юзидан ғайбату ҳузур (унинг йўқлиги ва борлиги)да аъла-д-давом (доимий равишда) саъй этсун ва мазҳи инояти Илоҳий билан онинг ризосининг маҳалли назари (марҳамат назарининг ўрни)ни топсун ва шуни унутмасунки, ул маҳалли ризо хизматда бўлғай. Аммо ул маҳалли назарни топиш кўп душвор турур, бироқ Ҳақ субҳанаху ва таоло осон қилса ул осондур".

Яна айтадилар: "Толиб устозга нисбатан беихтиёр бўлсун, (яъни,) барча умури диний ва дунявий, куллийу жузъий (оммавий ва хос ишларда) толибга лозим шулдурки, онинг (муршиднинг) салоҳи вақт ва замон нисбати (вақт ва замонга муносиб) ҳолда ҳар ишга буюрғай ва тайин қилғай, (суриштирмай) бажарсун".<sup>408</sup>

Эътибор берилса, тилга олинган одоблар юқорида зикр қилинган одоблар билан ҳамоҳанг ва муштарак эканини кўрамиз.

---

<sup>407</sup> Хусайн ибн Мансур ал-Яманий. "Одоб ул-уламо вал мутааллимин". 1-ж, 14-17-б. <http://www.alwarrag.com>

<sup>408</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 119-б.

Рожийнинг одобга оид ишлари ҳақида сўз юритар эканмиз, уни Бисмиллоҳ – тасмияга муносабатини ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш ўринли бўлади.

Маълумки, Ислолда ҳар бир хайрли ишларни Бисмиллоҳ билан бошлаш суннат саналади. Буни араб тилида "басмала" деб айтилади. Абу Довуд Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ҳар бир эътиборли иш Бисмиллоҳ билан бошланмас экан, у охирига етмайди", – деганлар. Шунга кўра қадимдан мусулмон уммати, адиб ва шоирлари бунга алоҳида эътибор қилганлар. Мазкур суннат Рожий ҳаётида ўзгача равишда қўлланганини кўрамиз, ҳатто бу муборак сўз баъзи шеърларининг матлаби сифатида ҳам келган:

*Бисмиллаҳир роҳманир роҳим,  
Халқайи дарвозайи фазли карим.*

Яъни, меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан бошлайман, мазкур исм унинг фазли карами дарвозасининг халқа – тутқичидир. Яъни, кимки бу исмни айтар экан, Унинг фазли карамини тутибди.

Эслатиб ўтамыз, Амир Алишер Навоий ҳам «Хамса»сига кирувчи биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр» ни басмала билан, яъни «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» ва унинг шарҳи билан бошлаган эдилар. Шу билан бирга мутафаккир шоир ўзбек адабиётида илк бор басмалани назмий шарҳ этган ва уни ҳайратомуз тарзда гўзал бадиий ифодада баён этган:

*Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим,  
Риштага чекти неча дурри ятим.*

Яъни, Навоий «Бисмиллаҳир роҳманир роҳим» сўзини бир неча чуқур маъноли сўзларнинг бир ипга тизилганига ўхшатади. Яъни нозик маъноли сўзлар шодасига қиёс қилади.

Буюк олим Абу Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Абу Ҳотим ўз тафсирида Ибн Аббос р.а.дан қуйидаги ҳадисни келтиради: "Бисмиллоҳ" Аллоҳнинг исмларидан бир исmdir. У билан Аллоҳнинг исми аъзами орасида кўзнинг оқи ва қораси

ораси қадар яқинлик бордир".<sup>409</sup> Ушбу ҳадисни Ибн Касир ҳам ўз тафсирида келтирган.<sup>410</sup>

Имом Аҳмад ривоят қилган ҳадисда "Бисмиллоҳ" сабабли шайтоннинг заифлашиши айтилган: "Бир куни бир киши Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга экан, ногоҳ йўлда қоқилиб кетди ва: "Бадбахт Шайтон", – деди. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Бадбахт шайтон", – дема. Шайтон бундан: "Мен уни кучим билан йикитдим", – деб семириб кетади. Унинг ўрнига "Бисмиллоҳ" десанг, у заифлашади, ҳатто чивиндан ҳам кичкина бўлиб қолади", – дедилар".

Аҳмад ибн Ҳанбал "Фазоилус саҳоба"да келтиришларича Холид ибн Валид р.а. Ҳайра шаҳрига келганларида кишилар: "Эҳтиёт бўлинг, у ердагилар таомга захар солишлари мумкин", – дейишади. У зот: "Ҳеч қиси йўқ, олиб келинглар", – дейдилар ва "Бисмиллоҳ"ни айтиб еб-ичадилар. Ҳеч нарса зарар қилмайди.<sup>411</sup>

### ***Ўтган устозларга ҳам эҳтиром***

Таъкид жоизки, Рожий домланинг ҳурмат ва эҳтироми ўтган устозларга нисбатан ҳам қўлланганини кўрамиз. Мисол тариқасида унинг шайх Саъдий Шерозийга муносабатини олиб кўрайлик. Рожий домла у зотга катта эҳтиром билан қарайди. Ўзининг айтишича кунларнинг бирида кўнглини қандайдир ғаму андуҳлар қоплаб, қаттиқ изтиробга қолганда Саъдий асарларидан ўз холи бўйича мадад излаб яхшилиқ ахтаради:

*Шабе аз таассуф аз бийми гуноҳ,  
Сияҳ гашта буд айшам аз дуди оҳ.  
Қазо карда маҳсул сад ҳаме насиб,*

<sup>409</sup> Абу Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Абу Ҳотим. 1-ж, 10-б. <http://www.alsunnah.com>

<sup>410</sup> Имодулдин Исмоил ибн Касир. "Тафсир ул-Қуръанил азим", Дорул маърифат. Ливия – Байрут. 1409-1989. 1-ж, 119-б.

<sup>411</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал Абу Абдуллоҳ Аш-Шайбоний. "Фазоилус саҳоба" Байрут, 1403/1983.2-ж, 815-б.

*Чи тадбири ҳамҳо бар дари насиб.*

*Кушодаам з-Саъдий соҳиб камол,  
Ба уммеди фол аъла ҳасби ҳол.*

*Чунин мужда доду каромат намуд,  
Ба ин чор мисра башорат намуд.*

*“Зи иллат мадор эй хирадманд ним,  
Чу доруйи талхат фиристонд ҳаким.*

*Бихӯр ҳар чи ояд зи дасти ҳабиб,  
На бемор донотар аст аз табиб.*

*Агар з-офати даврон шикастаҳол шавий,  
Омон талаб з-жаноби муқаддаси набий.*

*Ва гар сиҳоми ҳаводис туро нишона кунад,  
Паноҳ бар ҳисори дуруди Мустафавий.”<sup>412</sup>*

**Насрий баёни:** Бир кеча гуноҳларим ваҳмидан афсус қилиб, оҳимнинг тутунидан айшим қорайган эди. Қазойи илоҳий сабаб етган бу юзлаб ташвишларни бошимдан ариши нима билан бўлишини билмасдим. Шунда камолот эгаси Саъдий китобини очиб, бу ҳолатимга мувофиқ фол очдим.

У зот менга каромат қилиб ушбу тўрт мисрани башорат қилиб кўрсатдилар: “Эй ақл эгаси, ҳаргиз иллатлардан ғам чекма, чунки табиб ҳам беморга аччиқ дорини юборади. Табибни қўлидан етган ҳар қандай аччиқ нарсани еявер, чунки бемор ўзига нима фойда эканини табибдан яхшироқ билувчи эмас. Борди-ю, даврон офатларидан дилинг шикаста бўлса Пайғамбар алайҳиссаломни шафиъ келтириб, Аллоҳдан ўзинга омонлик тила. Ҳар қачон ходисалар ўки сени нишонга оладиган бўлса, ўзингни Мустафо алайҳиссаломга айтиладиган саловот – дурудлар кўрғонига ол.

“Тафсири Руҳ ул-баён” да келтирилишича, Мавлоно Шамсиддин ўз вилоятларига вабо келган чоғи бир куни тушида Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни

<sup>412</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 40-б.

кўради ва: “Эй Расулulloҳ, бизга бир дуо ўргатингки, уни баракотидан вабодан қутулайлик”, – дейди. Шунда у зот алайҳиссалом: “Ҳар ким менга саловат юборса, албатта вабодан қутулади”, – дейдилар.<sup>413</sup>

Шундан кейин Рожий мазкур ишорага мувофиқ саловат айтиш билан машғул бўлади.

Қадимдан мумтоз адабиётда улуг алломалар асарларидан шу каби фол очиш – дастлабки очилган саҳифада келган мисралар ишорасига кўра иш тутиш анъанаси мавжуд. Юқорида Рожий домла фол очдим, деганида шунга ишора қилмоқда. Ҳазрат Хожа Муҳаммад Порсо мисолида бўлиб ўтган шу каби воқеани Фахруддин Али Сафий шундай ёзади: "Ҳазрати Хожа Порсонинг Ҳижозга иккинчи сафарлари эди. Муҳаррам ул-ҳаром ойида сана саккиз юз йигирма иккида (1419) эрдиким, Байтуллоҳ ул-ҳаром тавофи ва зиёрати Набий Муҳаммад алайҳиссаломни нияти билан Бухородин чиқдилар ва Насаф йўлидин Сағониён ва Балх ва Ҳирот била мазороти мутабаррикаларининг зиёратларини қасд этиб равон бўлдилар. Ва ҳамма ерда содот (саййидлар), машойих ва уламои муқаддам шарифларни ғанимат билдилар, эъзозу икромии тамом била мулоқот этдилар.

Вақтиким, Нишопурга етишдилар. Ҳавонинг ҳарорати ва йўлнинг хавфи восита бўлгон сабабдин асҳобларининг аросида (иккиланиш)сўзлар ўтди. Фил жумла (хуллас), азиматлари (қасдлари)ға футур етди. (Шунда) Мавлоно Жалолиддин Румийнинг девонларини тафоул (яхши фол) этиб очдилар, бу абёт чиқди:

*Равид эй ошиқони Ҳақ ба иқболи абад мулҳақ,  
Равон бошид ҳамчун маҳ ба сўйи буржи масъудий.  
Муборак бодатон ин раҳ ба тавфиқи амонуллоҳ,  
Ба ҳар шаҳру ба ҳар жое, ба ҳар даште, ки паймуди.*"<sup>414</sup>

**Таржимаси:** Эй Ҳақ ошиқлари, абадий иқболга етиш учун боринг, ой каби бахтли бурж сари равон бўлинг. Қайси шаҳар,

<sup>413</sup> Шайх Исмоил Ҳақкий Бурсавий. “Тафсир Рух ул-баён”. Дору ихяу турс ал-арабий. 1421/2001.11-ж, 125-б.

<sup>414</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 236-б.

қайси жой, қайси даштга борсангиз Аллоҳнинг омонлик тавфиқи сизлар учун муборак бўлсин!

Рожийнинг Саъдийга ғоибона таважжуҳ қилиши янгилик эмас. Тасаввуфда солиқлар учун ўтган машойихлардан маънавий файз етиши ҳам исботланган. Бу ҳақда Амир Алишер Навоий ҳазратлари шундай ёзадилар:

*"Агар аҳёнан юздин бир солиқ зоҳир юзидин муришид пири нобуд экандур, аммо маъни йўлидин мавжуд экандур ё зойиб муришид тақвияти бирла ё мутаваффойи комил руҳонияти тарбияти била азм этибдурлар ва матлубига этибдурлар".*<sup>415</sup>

Фахруддин Али Сафий Хожагон – нақшбандия силсиласи шайхларини зикр этганида Шайх Абулҳасан Ҳарақонийга нисбат Шайх Абу Язид Бастомийдан эканини айтар экан, Шайх Абулҳасан Ҳарақоний Шайх Абу Язид Бастомийдан анча кейин таваллуд топган эди, демак бу нисбат у зотга руҳониятдан бўлган дейди:

*"Шайх Абулқосимнинг илми ботинда нисбатлари икки тарафга турур: бири – шайх Абулҳасан Ҳарақонийга ва аларнинг нисбати Шайх Абу Язид Бастомийга ва Шайх Абулҳасаннинг валодат (туғилиш)и шайх Абу Язиднинг вафотидан кўп муддатдин сўнг турур, (демак, бу нисбат) зоҳир ва сурат юзидин эрмасдур. Ва Шайх Абу Язиднинг нисбат ва иродатлари ҳазрат имом жаъфари Содиққа турур, розияллоҳу анҳу ва нақли саҳиҳ била собит бўлубдурким. Шайх Абу Язиднинг валодати ҳам ҳазрати имомнинг вафотлариин сўнг турур ва ҳазрати имомнинг аларга тарбияти маъно ва руҳоният юзидин, эркон, зоҳир ва сурат юзидин эрмас эркон".*<sup>416</sup>

Бугина эмас, Рожий ўз шеърларида фикрларини далиллаш, зиёланиш мақсадида ҳам Саъдий асарларига тез-тез мурожаат қилади. Масалан:

*Дар Бухоро хурус мурғи нараст,  
Аз "Гулистон"и Саъдий дуздийдам.  
Ин масал аз гулам шукуфта тараст,*

<sup>415</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб... 116-118-б.

<sup>416</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 18-б.



*Гурба бедастгоҳи болу нар аст".<sup>417</sup>*

**Насрий баёни:** Нағма фақат булбулга ярашади, Бухорода хўрозни мурғи нор (эркак қуш) дейишади. Саъдий “Гулистон”идан ушбуни ўғирладим: “Мушукнинг қаноти йўклигидан чумчуқ шукр қилади”.

Келтирилган парчада кўзга ташланадиган эътиборли жиҳат шуки, Рожийнинг улуғ устоз шоирга муҳаббати, ўзини эса ниҳоят даражада хокисор тутиши, яъни шеър айтиш Саъдийдек булбулга ярашади, сен шоирлик даъвосини қилсанг ҳам, бухороликлар таъбири билан айтганда, нари борса “мурғи нор” – эркак қушсан. Агар шайх ҳазратлари ҳаёт бўлганларида шундай шеър ёзганинг учун бошлаб таъзирингни берган бўлар эдилар, деган фикрнинг ўтказишидир. Демак, у бутун умр ўзини устозлар олдида имтиҳон топшираётган шогирд каби тугган.

М.Мадғозиев фикрича, Рожий ўзи мурожаат этаётган асар ва унинг муаллифини кўрсатишда ҳам ўзига хос йўл тутди: “Саъдийнинг “Гулистон”идан олдим”, – деб ёзиб қўя қолганида у шоир Рожий Марғинович бўлмас эди, у атайлаб “дуздидам” – “ўғирладим” дейдики, бу билан назмга аллақандай қувноқ рух, рожиёна зарофат бағишлаганини сезмаслик мумкин эмас.

Рожийнинг Саъдий ижодиётига меҳру муҳаббати шу қадар буюк ва самимийки, у тасвирлаган қахрамонлар қўлида ҳам Саъдий асарлари бўлади, улар Рожийнинг ўзи сингари ҳаётларини Саъдий асарларисиз тасаввур қила олмайдилар. Бу унинг “Ҳолоти Мулла Қаландар” номли достонида яққол кўзга ташланади. Мулло Қаландарнинг тушида-ю ўнгида Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”и бўлади. Бу икки асардаги илғор ғоялар 90 ёшли бу қариянинг бирдан-бир маънавий озиғи-ю, ўзи ҳам шоир таъбири билан айтганда, Саъдий “Гулистони” нинг булбули бўлиб қолган:

*...Зи Саъдий менамуди боз девон,  
Тамошое "Гулистон", сайри "Бўстон".*

*На он бўстон, ки соли бор бахшад,*

---

<sup>417</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 155-б.

*Мазоқивор ҳоли бор бахшад.*

*"Гулистон" аш гулистони жаҳон нест,  
Дар авроқи гулаш фасли хазон нест.*

*Гулаширо андалиб он пири хам буд.  
Фигонаш гўйе аз чангги ғам буд.*<sup>418</sup>

**Таржимаси:** (Мулло Қаландар) Саъдийдан девон очиб, "Гулистон" ини томоша ва "Бўстон" ини сайр қилар эди. Лекин у "Бўстон" ҳар йили бир марта мева берадиган бу бўстондан эмас. У "Бўстон" завкли ҳолатлардан мева беради. Унинг "Гулистон" и ҳам бу гулистонлардан эмас, у "Гулистон" варақ – барглари асло хазон бўлмайди. Унинг "Гулистон" ининг булбули қадди буқик шу чол булбул бўлиб, ғам чангидан фиғон қилар эди.<sup>419</sup>

Рожий бошқа бир ўринда буюк тасаввуф шайхи Шамс Табризийга шундай мурожаат қилади:

*Ба ёди нихват афсурдам, мадад ё Шамси Табризий,  
Зи тоби ишқи худ бо ин дили бетоб таб резий.*

*Ту дил лаб рези ишқи Ҳақ ман аз лаб ташнаги мурдам,  
Карам ба Ҳожажон карди агар з-он ман ба лаб*

*резий.*<sup>420</sup>

**Мазмуни:** Кибру такаббур ёди бирла музладим, (Аллоҳнинг изни билан) менга мадад бер, ё Шамси Табризий. Ўз ишқинг ҳароратидан менга ҳам ҳарорат бер. Сенинг қалбинг Ҳақнинг ишқи билан тўла, мен эса лабташналикдан ўлдим. Хожажонга карам қилиб – ўша майдан менинг лабимга ҳам тўқкин.

Эътибор берилса, Рожий ўзигача ўтган буюк салафи солиҳларга етган илоҳий-маънавий файздан умидвор бўлмоқда. Амир Алишер Навоий ҳам бир ўринда Ҳофизга шу каби тамаллуқ қилган эдилар. Навоий Фоний таҳаллуси билан ёзган форсий ғазалларининг бирида шундай дейдилар:

<sup>418</sup> Муфаззал маҳдум мажмуаси...22-24-бетлар.

<sup>419</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий ва М.Мадғозиев таржимаси.

<sup>420</sup> А.Мухаммадиев мажмуаси...20-б.

*Ғазал гуфтан мусаллам шуд ба Ҳофиз, шояд, эй Фоний,  
Намой чошнӣ дарюза з-он назми Жаҳоноро.*

**Таржимаси:**

*Ғазал айтмоқ мусаллам бўлди Ҳофизга, аё Фоний,  
Ғадолиқ қил татиб кўрмоққа назми оламорони.<sup>421</sup>*

Рожийнинг буюк шайх Шамс Табризийга мурожаат қилиб, ундан маънавий кўмак сўраши таажжубли эмас. Мавлоно Жалолиддин Румийдек зот ҳам у зот таважжухига муҳтож эканини эътироф этган эди.

Рожийнинг Имом Шофеъий р.а.га ғоибона эҳтиромини ҳам кўриб ўтсак. У бир баёзида Имом Шофеъийнинг қуйидаги байтини келтиради, сўнггида эса ундан таъсирланиб чиқарган хулосаларини баён қилади. Имом Шофеъий айтадилар:

*Уҳиббус солиҳин ва ласту минҳум,  
Валаакин биҳим аржуи шафоъаҳ.*

**Таржимаси:** Гарчи солиҳ кишилардан бўлмасам-да, бироқ, солиҳларни яхши кўрдим, шу туфайли улардан шафоат, яъни мен ҳам улар билан бўлишни умид қиламан.

Рожий шундай ёзади:

*Ладайкал аъжзу минний вас суроъаҳ,  
Тақоббал ҳадийятан ҳозал бизоъаҳ.*

*Биайнил ҳоли лил мустақбали абкий,  
Би мозин мин замонин бил изоъаҳ.*

*Асойтуллоҳа иммо ишту даҳран,  
Мусирран лил хиёри фил итоъаҳ.<sup>422</sup>*

<sup>421</sup> Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани. Форсийдан Жамол Камол таржимаси. Тошкент. "Мерияс" нашриёти. 2011, 92-б.

<sup>422</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 112-113-б.

**Таржимаси:** Сени даргоҳингга мендан фақат ожизлик ва зору илтижодирки, сен у ҳадяни мендан қабул қил. Мен эртанги куним ва зойеъ қилган ўтмишимга йиғлайман. Йиллар давомида Аллоҳга осий бўлдим, бироқ яхшиларга каттиқ эргашидим.

Маълум бўлмоқдаки, Рожийга ислом оламининг буюк алломаси Имом Шофеъийдек зотнинг ожизлигини эътироф этиши, ўзини яхшилардан деб билмаслиги таъсир этган. Шунинг учун ҳам у ўз аҳволини у зотга муқояса қилган юқоридаги изтиробли сўзларни назмга терган.

Англашилмоқдаки, Рожий ўзигача ўтган буюк салафлари йўлига эргашишда фақатгина уларнинг ғазалларига тахмис ва татаббуълар қилиш билангина кифояланмай, балки уларга бевосита мурожаат ҳам қила олган ва бунга унинг етарлича асоси ҳам бўлган. Имом Муслим ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: "Киши яхши кўрган кишиси билан бирга бўлади",<sup>423</sup> – деганлар. Имом Ҳоким келтирган ҳадисда эса: "Ким бир қавмни яхши кўрса ўшалар билан бирга тирилади", – деб айтганлар.<sup>424</sup>

Саҳоба Абу Зар р.а. бир куни Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга: "Эй Расулulloҳ, бир киши бир қавмни яхши кўради, аммо ўзи уларнинг амалларини қила олмайди?", – дейди. Унга: "Эй Абу Зар, сен яхши кўрган кишинг билан бирга бўласан", – дейдилар. У бу сўзни уч марта қайтаради, ҳар бирида шундай жавоб берадилар".<sup>425</sup>

"Ҳилят ул-авлиё" да Абдуллоҳ ибн Муборакнинг куйидаги сўзлари келтирилган: "Солиҳларни яхши кўрдим, аммо ўзим улардан эмасман, толиҳ – фосиқларни ёмон кўрдим, бироқ ўзим уларданман".<sup>426</sup>

Рожий домланинг ўтган устозлар, уламоларга эҳтироми улар истиқомат қиладиган қишлоқ-шаҳарларга эҳтиромида ҳам

<sup>423</sup> Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсобурий. "Саҳиху Муслим"... 8-ж, 42-б.

<sup>424</sup> Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Ал-Ҳоким ан-Найсобурий. "Ал-Мустадрок ала-саҳихайн". Дорул кутубул илмия. Байрут. 1411/1990. 3-ж, 18-б.

<sup>425</sup> Абу Саъид Ходимий. "Барикайи Маҳмудия шарҳу Тарикайи Муҳаммадия". Матбаату шарикати саҳофийя. 1318- ҳ. 4-ж, 232-б.

<sup>426</sup> Абу Нуъайм ал-Асбахоний. "Ҳилят ул-авлиё"... 3-ж, 432-б.

кўзга ташланади. Масалан, у учқурғонлик Домла Боқий вафотига ёзилган таърих марсиясида Учқурғон қишлоғи ва унда ўтган буюклар таърифига эътибор қаратади:

*Қаряе буд номи Учқурғон,  
Бехтар аз қаряи ҳар булдон.*

*Дошт об-ҳавойи неқўйи,  
Хоссаи фасли баҳор тобистон.*

*Гўшаи амн бувад з-он рав шуд,  
Он қадамжойи зумраи покон.*

*Дошт з-ин қаряи маскани маъво,  
Шайхи Балхий қудваи даврон.*

*Арсоаш аз риёзи жаннат гуфт,  
Ҳазрати Мавлавий қутби жаҳон.*

*Аҳли жуд валийи неъмат буд,  
Жамъи содоти соҳиби эҳсон.*

*Як-як аз ин жаҳон фоний шуд,  
Ҳама озими ба равзаи ризвон.*

*Бувад аз он жамъ Домло Боқий,  
Олиму обиду валийи замон.*

*Ҳам рафтанад бувад он боқий,  
Рафт он ҳам аз ин фано бунён.*

*Баҳри таърихи фавти ў Рожий,  
Мекунад ин рақам ба килки баён.*

*"Аз жаҳон сар бадри намуд намонд,  
Боқий аз авлиёи Учқурғон".<sup>427</sup>*

**Насрий таржимаси:** Учқурғон номи билан аталган бу қишлоқ ҳар қандай қишлоқлардан яхшидир. Унинг об-ҳавоси

<sup>427</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...42-43-б.

жуда ёқимли, айниқса, баҳор ва ёз фаслларида. У бир хотиржам гўша бўлиб бир неча яхшиларнинг қадамжойидир. У ерни замон муқтадоси Шайхи Балхий ўзига макон қилган эди. Яна у қишлоқ саҳнини қутби жаҳон Ҳазрат Мавлавий ҳам маскан қилган.

Бундан ташқари, у ерда саховат аҳли бўлмиш соҳиби эҳсон кишилар бор. Уларнинг ҳаммаси бир-бир бу фоний дунёни ташлаб равзаи ризвон сари кетдилар. Ана шу жамоанинг орасида олим, обид ва валийи замон Домла Боқий ҳам бор эди. Ҳамма кетганда ҳам у қолган эди, аммо энди у ҳам дунёдан фоний бўлди. Унинг кетишини Рожийнинг қалами шундай ёзди: "Жаҳондан ёрқин ой кўринди, аммо Учкўрғон авлиёларидан ҳеч ким боқий қолмади".

Таърих моддаси муаммо йўли билан чиқарилиб, хижрий 1317, милодий 1899 йилга тўғри келади.

Бугина эмас, Рожий асарларида ўтганларни эслаш, улар руҳига тиловат қилишга ҳам алоҳида урғу бериб ўтади. Масалан, 1912 йилда Марғилондаги Хонақоҳ мадрасасида бўлиб ўтган хатмона ҳақида ёзар экан, шундай деган эди:

*Аввалан бар равони устодон,  
То бубахшанд хатми Қуръон шуд.*<sup>428</sup>

Яъни, аввало, ўтган устозлар руҳига бағишлаб Қуръони карим хатм қилиниб, тиловат бағишланди.

Рожийга кўра кишининг юриш-туриши ва фаолиятдан ўтганлар рози бўлиши шарт. Акс ҳолда унинг фаолиятида самара, натижа бўлмаслиги мумкин. Бирор соҳа йўқки, унинг дастлаб бошловчиси бўлмаса. Шундай экан, ҳар қандай касб-ҳунар, ёки илм билан шуғулланувчи шахс албатта, уни бошлаб берган кимсадан ижозат олиши зарур. Вафот этган бўлсалар бу маънавий йўл, яъни улар руҳига дуо қилиш билан бўлади. Муқаддас динимизда устозлар ҳурмат-эҳтироми улар вафотидан кейин ҳам тўхтамаслигини уқтирилиши шундан.

---

<sup>428</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 93-б.

Рожийнинг асарлари орасида "рози" радифли бир ғазали бордирки, ғазал унинг биз сўз юритаётган мавзудаги барча қарашларини ифода этади. Ғазалда Рожий аввало барча мўминлардан Аллоҳнинг рози бўлишини тилар экан, кетиданок Пайғамбар алайҳиссаломнинг рози бўлишларини сўрайди. Кейин эса тўрт буюк саҳоба Абу Бакр, Умар, Усмон, Али розияллоху анхумлар, кейин Имом Ҳасан ва Ҳусайн, мазҳаб соҳиблари Абу Ҳанифа, Имом Шофеъий, Имом Молик, Аҳмад ибн Ҳанбал номларини тилга олган. Дарвоқеъ, ғазалнинг топилиш тарихини ҳам эслаб ўтсак.

Биз ўтган асримизнинг тўқсонинчи йилларида Хонақоҳий Ҳазрат Марғионий ҳақида маълумот йиғиш мақсадида Водиллик уламо Субхонкул махдум – Катта қори ота билан учрашган эдик. Кириб борганимизда юз ёшни қоралаган бўлишига қарамай бу ғайратли зот зиёратчилар билан машғул экан. Навбат етиб келгач, саломдан кейин мақсадимизни айтдик. Тинглаб туриб: “Ҳай-ҳай, умр охирида бир келиб қолибсизларда”, – дедилар.

Хонақоҳий Ҳазрат ҳақида маълумот берар эканлар, у зотнинг замондоши Рожий домла ҳақида ҳам гапириб, мазкур ғазалини ёддан ўқиб берган эдилар. Ўзтиборли жиҳати, Рожий ғазалда ўзини "Қози" тахаллуси билан келтирган. Кейинроқ эса ғазалнинг кўлёма нусхасини марғилонлик Юсуфжон Абдуллоҳ ўғли хонадонидида сақланувчи бир кўлёмада учратдик.

*Тамоми аҳли мўминдан бўлсун аввал Худо рози,  
Хабар берган Эгам танҳолигидан Мустафо рози.*

*Дедилар Абу Бакр чун ёри аввал саййиди олам,  
Заминга зарбин ўтказган Умардек пешво рози.*

*Муборак соясидан шарм этарди ҳазрати Усмон,  
Бизнингдек беҳаёлардан ўшандоқ боҳаё рози.*

*Ани шаънига келган "Ло фато илло Али"<sup>429</sup> деб чун,  
Ба маҳшар соқийи кавсар Алиюл муртазо рози.*

---

<sup>429</sup> Ҳазрат Али шаънида айтилган дуо. “Алидан бошқа бирор паҳлавон йигит, унинг қиличидан кўра кучли бошқа бир қилич йўқ” мазмунида.

*Худо амри билан гаҳворасин тебратдилар Жибрил,  
Хасандек босафо ўтган Хусайну Карбало рози.*

*Паямбардан омонат илм олурди ҳазрати Нўъмон,  
Башорат шаҳридан топган ки бизга раҳнамо рози.*

*Шариъат шамчироғи Шофеъий, Молик билан Ҳанбал,  
Етурса истиъонат Қозига явмул жазо рози.*

Биз Рожий Марғинойийнинг устозларга эҳтироми ҳақидаги бобни тугатар эканмиз, унинг бу борадаги умумий хулосаларини ифода қилувчи куйидаги тўртликни келтириб ўтмоқчимиз. Дарвоқеъ, тўртликнинг топилиш тарихи ҳам қизиқ. Устоз М.Мадғозиевнинг айтишича улар Рожий Марғинойийнинг илмий меросини йиғиш асносида Абдулқодир Жомеъ Самарқандий билан бўлган суҳбатларининг бирида устоз бир тўртликни ўқиб беради ва Домлага: "Сиз мана шу тўртлик муаллифини топинг ва таржима қилинг", – дейди. Агар буни уддалай олсангиз, "ишингиз" бўйича жуда катта нарсага эга бўласиз, деб кўшиб кўяди.

Рожий Марғинойийга алоқадор бир мисрани ҳам безътибор қолдирмай ўрганаётган Домла бундан хурсанд бўлиб, уни Рожийга мансуб асар деган умидда олиб кетади ва эртасигаёқ таржима қилиб, Жомеъ домла ҳузурда ўқиб беради. Бундан таъсирланган устоз Домлага таҳсин айтиш баробарида, уни кимга мансуб эканини ҳам мулоҳаза қилдингизми, дегандек маъноли қарайди ва ҳар иккилари мазкур тўртлик Рожийнинг устозларига шогирдлик эҳтироми тақозосича айтилган шеър эканига иттифоқ қилган ҳолда тарқаладилар:

*Офтоб тую манам зарра,  
Аз раҳи тарбият маро бар дор.  
З-онки, аз заррапаравари ҳаргиз,  
Накунад офтоби тобон ор.<sup>430</sup>*

<sup>430</sup> Шеър матни М.Мадғозиев шахсий кутубхонасида сақланади.



***Таржимаси:***

*Сен офтобу ман эсам зарра,  
Тарбиятингдан этмагил дариг.  
Қуёшга назар сол, сира ор этмас,  
Унга хўб ярашар заррапарварлиг.*

## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ ШАРИАТ ҚОЗИСИ

Ислом тарихидан маълумки, қозилик – одамлар ўртасида ҳақ билан ҳукм қилиш шарафли вазифа саналиб, барча пайғамбарлар унга буюрилганлар. Аллоҳ таоло: “Биз Тавротни нозил қилдик, унда ҳидоят ва нур бордир, пайғамбарлар у билан ҳукм қиладилар”, (“Моида” сураси 44-оят) мазмунида оят нозил қилиб, ўтмиш пайғамбарларни бандалар ўртасида ҳукм чиқарувчи кишилар эканини ҳам айтган. Шунингдек, Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга: “Улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг”, (“Моида” сураси 49-оят) – деб буюрган.

Ҳанафий мазҳабининг мўътабар манбаларидан “Канзуд дақойиқ”нинг шарҳи “Табйин ул-ҳақойиқ” да қозилар золимлардан мазлумлар ҳақини олиб беришда, ҳақни ўз эгасига етишида, бандалардан зулмни қайтаришда, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш каби ишларда Аллоҳ таолонинг ердаги ноиблари саналадилар. Унинг фазилатлари ададсиз бўлиб, қозилик бўлмаса, заминлару инсонлар бузилиб кетган бўлар эди, дейилган.

Шариат қошида қози тайинлаш ҳукми фарз бўлиб, уламоларимиз бунга Аллоҳ таолонинг: “Эй Довуд, биз сени ер юзида халифа қилдик, бас одамлар ўртасида ҳақ билан ҳукм қил” (“Сод” сураси 26-оят) мазмунидаги ва юқоридаги: “Улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг”, (“Моида” сураси 49) маъносидаги оятларни далил қилганлар.<sup>431</sup> Шунга кўра ислом уммати барча даврларда бу шарафли ишга жиддий аҳамият бериб келган ва барча ҳуқуқий масалаларини шу йўл билан ҳал қилишга эришган.

Ислом тарихидан маълумки, Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам илк мусулмон жамиятида бу улкан вазифани ўзлари бажарганлар. Дастлаб, Мадина шаҳри ислом дини қонунларига асосланган давлатнинг маркази сифатида

---

<sup>431</sup> “Табйинул ҳақойиқ шарҳу канзуд дақойиқ”. 12-ж, 57-б.

шаклланар экан, қозилик фаолиятини амалга ошириш, мамлакат ҳаёти юзасидан муҳим қонунларни қабул қилиш ва улар ижросини назорат қилиш ва аҳоли ичида келиб чиқадиган можароларни ҳал қилиш бевосита Пайғамбаримизнинг ўзлари томонидан бажарилган. Шу билан бирга атрофдаги турли диёрларга волийларни жўнатаётганларида албатта, улар билан бирга қозиларни ҳам қўшиб жўнатганлар. Масалан Аттоб ибн Усайдни Маккага, Муоз ибн Жабални Яманга юборганларини келтириш мумкин.

Кейинчалик ислом давлатининг чегаралари кенгайганидан сўнг вилоятлар ва муайян катта шаҳарларга ҳоким (волий) тайинланиб, унга қозилик ваколоти ҳам қўшиб берилган. Натижада ҳар бир вилоят раҳбари ҳам волий, ҳам қози сифатида фаолият юритган.

Халифа Умар р.а. даврига келиб қозилик мансабига алоҳида шахсларни тайин этила бошланди. Жумладан, Зайд ибн Собит ва Абу Дардоларнинг Мадинада<sup>432</sup>, Абдуллоҳ ибн Масъуд<sup>433</sup>, Шурайх ибн ал-Ҳорис ал-Киндий<sup>434</sup> ва Убайда ас-Салмонийларнинг<sup>435</sup> Куфада, Убода ибн ас-Сомитнинг Ҳимс ва Қансаринда қози сифатида фаолият олиб борганини кўриш мумкин.

Хулафойи рошидун даврининг илк босқичларида қозилик ишлари улар қулай деб билган жойларда олиб борилган. Аксарият ҳолларда улар масжид, мадраса ёки ўз уйларида иш олиб борган. Кейинчалик қозилик вазифасининг кенгайиб бориши ва лавозим мавқеини юксалиши натижасида давлат томонидан алоҳида бинолар қурилиб, махсус қозихоналар ва маҳкамалар ташкил этилган.

<sup>432</sup> Вакиъ Муҳаммад ибн Халаф. Ахбор ул-қузот. – Байрут: Тасвир олам ал-кутуб, 1414/1994. 1-ж, 108-б.

<sup>433</sup> Аҳмад ал-Ҳасирий. Илм ал-казо: адиллат ал-исбот фи-л-фикҳи ал-ислабий. 2 жилдлик. Байрут: Дор ул-кутуб ал-арабий, 1406/1986. 2-ж, 269-б.

<sup>434</sup> Вакиъ Муҳаммад ибн Халаф. Ахбор ул-қузот... 1-ж, 198-199-б.

<sup>435</sup> Заҳабий Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қоймоз. Сияр ал-аълом ан-нубало. Шуайб ал-Арноут, Муҳаммад Наъим ал-Аркусий таҳрири остида. Байрут: Мавсуъа ар-рисола, 1412/1992. 4-ж, 40-б.

Умавийлар даврига келиб диний-ҳуқуқий масалалар, шу жумладан қозилик амалиёти ҳам фақиҳлар ихтиёрига топширилган, халифалар бу каби муаммолар ечимига аралашмаганлар. Қози лавозимига тайинлаш учун жамият ичидан “уламолар табақаси”га мансуб бўлган киши танлаб олинган. Улар ислом манбалари Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифларни мукаммал билганлар ва амалий татбиқ эта олганлар. Шунингдек, мазкур табақа вакиллари ислом дини доирасида ақида илмининг етук мутахассислари бўлиши билан бир вақтда, фикшшунос олим ва шариат қонунларини татбиқ қилувчи шахслар саналган.

Аббосийлар даврига (133 – 656/750-1258) келганда давлат бошқарувини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган ишлар қатори қозилик маҳкамаларини ҳам такомиллаштириш учун ислохотлар жорий қилинади. Ҳорун ар-Рашид (170-193/786-808 йй.) даврига келиб халифаликда “қози ал-қуззот” (“қозилар қозиси”) лавозими таъсис этилади ва уни халифанинг ўзи тайинлаган.<sup>436</sup> Қози ал-қуззот қозиларни танлаш ва тайин этиш ваколатига эга бўлган.

Маълумки, қози лавозими ислом ҳуқуқшунослигида ўзига хос мансаблардан бири саналган. “Қози” сўзи арабча “қазо”дан олинган бўлиб, луғавий маъноси “кесиш”, “ажратиш” ва “ҳукм қилиш” маъноларини англатади. Ҳанафий уламоларининг таърифига кўра ўзига хос йўл билан хусуматларни ажратиш ва низоларни кесиш “қазо” деб юритилган. Замонавий тадқиқотларда “қозилик” деганда маҳкама, яъни “суд” муассасаси тушунилади.

Мовароуннахрнинг барча шаҳарларида бўлгани каби Марғилонда ҳам XIX асар охиригача ҳуқуқий муаммолар қозилар томонидан ҳал қилиб келинган.

Марғилон шаҳрида XVII-XVIII асрларда фаолият олиб борган қозилар билан боғлиқ маълумотларни машҳур Шарқшунос олим Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг (1890-1970)

---

<sup>436</sup> Шарафуддин Мусо ибн Юсуф ал-Ансорий, Нузхат ул-Хотир ва Баҳжат ул-Нозир. – Дамашк., 1991. 46-б.

1913-1914 йилларда Фарғона водийсига қилган илмий сафарлари чоғида тўпланган маълумотларидан билиш мумкин. Биз бу маълумотларнинг бир қисмини китоб аввалида келтириб ўтдик.

Закий Валидий Марғилон шаҳридаги олиб борган тадқиқотлари чоғида шаҳарда фаолият юритган қозилар билан боғлиқ ўнлаб нодир ҳужжатлар қаторида эски Марғилоннинг Сафил Тўда даҳаси қозиси Музаффариддинхўжа ва китоб қахрамони Хожажон хожа кўлида сақланувчи бир қанча ёрликлар билан ҳам танишади. Улардан маълум бўлишича, қуйидаги шахслар кўрсатилган йилларда Марғилон шаҳрида қозилик фаолиятини олиб борганлар.

1. Ҳижрий 1071 / 1659-60 йилда Хожа Абдулхай Амир Калон ўғли Марғилон шаҳрига қози этиб сайланган. Бунга Абулфаттоҳ Абдулазиз Баҳодирхон томонидан ёрлик берилган.

2) Ҳижрий 1168/ 1753 йилда Музаффариддинхўжанинг бешинчи аждоди бўлмиш Абдусамийхожа Марғилон шаҳрига қози этиб сайланган. Унга Низомиддин Муҳаммад Абдулкаримбий томонидан (Хон номидан) ёрлик берилган.

3) Ҳижрий 1168 / 1753 йилда Низомиддин Муҳаммад Эрдонабий томонидан Хожа Мир Абдулхай Марғилон шаҳрининг қозиси этиб сайланган.

4) Норбўтабий томонидан (Хон номидан) Мир Саййиднинг отаси Зокирхўжанинг вафот этиши муносабати билан Низомиддин Марғилон шаҳрига қози этиб тайинланган.

5) Низомиддин Муҳаммадаминбий томонидан (Хон номидан) Асадуллахўжани Марғилон шаҳрига қози этиб тайинлаш тўғрисида ёрлик берилган.

6) 1166/1753 йилда оталиқлар гуруҳи (Дуохўжа, Бобош Бадил ва Ҳол) томонидан Қози Хожа Марғилон шаҳрига қози этиб сайланган.

7) 1030/1620 йилда сафар ойининг саккизинчи кун Имомкули Баҳодирхон томонидан Қози Бузрук Марғилон ва Ўзгандга қози этиб сайланган.

8) 1154/1741 йилда Асадуллахўжа Абдулкаримбий томонидан (Хон номидан) Марғилон шаҳрига қози этиб тайинланган.

10) Муҳаммад Бобобий томонидан (Муҳрда Муҳаммад Раҳимбий ўғли) Асадуллахўжани Марғилон шахрига қози этиб тайинланган.<sup>437</sup>

Эслатиб ўтамир, Марғилон шахар қозилари ва уларнинг фаолиятини атрофлича ўрганиш мутахассисларимиз олдида турган вазифалардан саналади.

Агар биз қозилик одоблари билан танишадиган бўлсак, Хожажон қози домла Рожийни бу вазифада шунча вақт хизмат қилиши осон кечмаганини англаймиз.

### ***Ислонда қозилик одоблари***

Қозилик одоблари барча фикҳ китобларида баён қилинган бўлиб, жумладан, “Бадойеъ ас-санойеъ” китобида бу ҳақда шундай дейилади:

“Қози ҳукм пайтида хусуматчиларга қарашда, сўзлашда ва холи қолишда бир хил бўлиши керак. Улардан бирортасига юзланмай ўртада бир хил туради, бирига орқа қилиб бошқасига олдини қилиб ўтирмайди. Бирортасига бирор нарса билан имо-ишора ҳам қилмайди, бири билан шериги тушунмайдиган тилда гаплашмайди. Бирортаси билан уни манзилида ёлғиз қолмайди. Бирортаси уни ёлғиз меҳмон қилмайди, овозини бирортасидан баланд қилмайди. Хуллас, ҳар икки хусуматчини барча ишда баробар кўради. Чунки буларнинг барчасида адолатни тарқ қилиш ва кўнглини синиши бор. Қолаверса, бунда қозига бирор нарсани тўхмат қилиниши мумкин.

Одоблардан яна бири, қози унга моил бўлиб қолмаслиги учун бирор кишидан ҳадя қабул қилмайди. Шунингдек, беш ёки ўн кишилик хос чақириққа кирмайди, аммо уни қазоси бўлмаса, ёки унга қариндош бўлса зарари йўқ, аммо суннат бўлган оммавий чақириқларга кириши мумкин. Бидъат чақириқ бўлса мумкин эмас.

---

<sup>437</sup> Валидов З. А. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII- столетия// Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского куржка любителей археологии. Вып 2. Т. 1916. С. 69-72.

Одоблардан яна бири, бирини кўнгилни синиши бошқасига эса ёрдам бериш борлиги ва бу тухматни келтириб чиқариш эҳтимоли борлиги учун қози хусуматчилар келтирган хужжатни камситмайди. Шунингдек, улар келтирган гувоҳларни ҳам камситмайди, шаръан мақбул гувоҳ бўлса, қабул қилиши керак.

Қози келган хусуматчиларга салом бериши мумкин, чунки бу мусулмоннинг ҳақларидан, лекин саломни бир кишига хослаб бермайди. Бу ҳукм мажлисига ўтиришидан аввал, аммо мажлисга ўтиргач, умуман бирор кишига салом бермайди. Қози ҳукм пайтида фаҳмини, қулоғини ва қалбини хусуматчилар гапига қаратиб, уларни яхшилаб тинглаши лозим. Чунки қози уларнинг гапини тушунмаса ҳақни зойеъ қилиши мумкин. Қози ҳукм пайтида бесаранжом ва ғазабда бўлмаслиги керак. Ғазаб кишини тааммул қилишдан қайтаради.

Шунингдек, қози ҳукм пайтида оч бўлмаслиги, чанқоқ бўлмаслиги ва қорни қаттиқ тўйиб кетмаган бўлиши керак. Булар ҳам чалғитувчи нарсалардир.

Одоблардан яна бири, қазони пиёда ёки отда юриб кетаётганида чиқармаслиги керак, бу хусуматчиларни яхшилаб тинглашдан чалғитади. Ва яна қазо пайтида ҳар икки хусуматчини бир хил жойга ўтказиши, ўзи у иккисининг ўртасига ўтириши керак. Шундай қилмаса улардан бирини ўзига яқин тутган саналади.<sup>438</sup>

Хожажон қози домла Рожийни бу масъулиятли вазифада туришига унинг буюк халқига бўлган самимий муҳаббати, ўзгалар ҳожатини чиқаришга бўлган иштиёқ мажбур қилган эди, деб айтиш мумкин. Агар унинг қўлёзмаларига назар соладиган бўлсак, уларда ўзгаларга яхшилик қилиш, уларга манфаат еказиш, адолатнинг фазилати, айни пайтда зулму зўравонликнинг ёмонлигига оид қатор қайдларни учратамизки, улар Рожийни мазкур соҳадаги қарашларини ифода қилади. Чунончи, у қуйидаги ҳадисларни келтиради:

---

<sup>438</sup> “Бадойеъ ас-санойеъ” Китоб одоб ал-қозий”. 5-ж, 449-б.

"Абдуллоҳ ибн Аббос р.а. айтадилар: "Мени мусулмонлардан бир хонадонга бир ой, ё бир ҳафта, ё Худо насиб қилганича ёрдам берганим ҳаж устига ҳаж қилганимдан яхшидир. Аллоҳнинг йўлида бир мусулмонга бир ховуч буғдой берганим бир динорни Аллоҳ йўлида сарф қилганимдан яхшидир".<sup>439</sup>

"Қиёмат куни бир нидо қилувчи "Золимлар ва уларга ёрдам берувчилар қаерда?", – деб чакиради. Шунда уларга қалам учлаб берган ё доввот олиб берганларни ҳам олиб келинади. Уларни темир тобутга солиниб, сўнгра жаҳаннамга ташланади".<sup>440</sup>

"Ким бир биродарининг ёрдами ва манфаатига юрса, унга Аллоҳнинг йўлида юрган бўлади".<sup>441</sup>

Ҳақиқатан, уни эҳтиёткор ва мулоҳазали экани қозиликка сайланаётган бўлажак қозиларга қилган тавсияларида ҳам кўринади. Чунончи, у бир гал қози сайлов олдидан бўлажак қозиларга қарата шундай деган эди:

*Йўл билиб юр, қози, эл сайлови бор,  
Йўлда элликбошиларнинг гови бор.*

*Овчилар қўймас амал сайловида,  
Қайси ерда кўрса парбеҳ гови бор.*

*Туфлаб отмоққа қазо яйловида,  
Яхши мерганларга тўнгуз ови бор.*

*Қози, ҳушёр бўл шаётин хайлидин,  
Ҳамла қилгон қанча Ёпун ёви бор.*

*Пул билан ўтсанг қазо сарҳаддига,  
Пулсирот остида ўтлуғ зови бор.*

*Оре, тўфони балодин ўтгали,  
Заврақи мансабни пулдин чови бор.*

<sup>439</sup> Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний. "Ҳилят ул-авлиё" ...1-ж, 73-б.

<sup>440</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал аш-Шайбоний "Ал-вароъ". 1-ж, 93-б. Дорул кутуб ал-илмия. Байрут. 1403/1983.

<sup>441</sup> Имом Байҳақий. "Шуъаб ул-имон" ... 15-ж, 494-б.



*Шаръи қонуни хилофи ҳукмига,  
Охиратни(нг) судида тергови бор.*

Эътибор берилса, шеърда бу вазифани пора бермай, холис Аллоҳ учун қилиш кераклигини уқтирилиб, пул билан эгаллаган кишилар учун охиратда пулсирот остида ўтдан зови (чуқури) бор, дейилмоқда:

*Пул билан ўтсанг қазо сарҳаддига,  
Пулсирот остида ўтлуғ зови бор.*

Унингча, йўлдан озган қози ё муфтий жаҳаннамга тойилмай қолмайди:

*Оёғи йўлдан озган қайси муфтий,  
Жаҳаннам жаридан тойдирмай ўтди.*

Шунингдек, Рожий домла шариат қонунига хилоф иш тутувчи қозилар учун охират маҳкамаси – судида тергов – жавобгарлик бор, дея огоҳлантиради. Унингча, қозилар бу йўлда ўта ҳушёр бўлишлари керак, акс ҳолда йўлда шайтоннинг киши билмас қанча ҳийлалари бордирки, сезмаган ҳолда унга тушиб қолиш мумкин:

*Қози, ҳушёр бўл шаётин хайлидин,  
Ҳамла қилгон қанча Ёпун ёви бор.*

Олтиариқ маҳкамасида Мулла Нурмат исмли қози бўлиб, тез-тез Марғилонга келиб Рожий домлани зиёрат қилиб, баъзи маслаҳатларни сўраб турган. Ҳатто Рожий домлани "отам" деб мурожаат қилган. Бир гал келганида Қози домла унга насихат қилиб: "Мулла Нурмат, эҳтиёт бўл, сайлов келяпти. Биз-ку ўтдик, аммо сизларга қийин бўлиши мумкин", деб қўлига қуйидаги мисраларни ёзиб беради, унда ҳам айни маънолар таъкидланган:

*Эҳтиёт бўлгил укам, сайлов келур,  
Топганингни сочгали бир дов келур.  
Олтариқ маҳкумида бўлсанг тирик,  
Жон бериб, жон олгали бир ёв келур.*

Рожий домланинг шу каби ноҳақликларга мурасасиз эканини Муфаззал махдум ҳам тасдиқлайди:

*"Ўзлари қози бўлиб, қозилик нони билан бола-чақа қилган бўлсалар-да, баъзи ноҳақ қозиларни ҳажв қилиб, сайлов ҳаққинда ва чамбарак саллалардан қози бўлганлар ва пора билан амалга минганлар ҳақларидаги абётлари ҳар кимни тафаккурга солади. Чунки қози бўлиши кейинги пайтларда осон бўлиб кетган эди, пул билан, ҳатто нафсоният ва бойлик билан бўлиб кетган. Қози бўлиши шартлари, албатта шариат илмига олим бўлиши ва покиза ҳолатда бўлиши керак эди..."*<sup>442</sup>

Айтишларича, Шаҳрихонда 1914 йили 3 шариат қозилари сайлоvida Рожий ҳам иштирок этади. Сайловга йиғилган қозилар билан суҳбатлашиб, уларнинг аҳволи – салоҳияти ва қобилиятига қизиққан. Чунки Рожий *"шариат йўлини йўлга солиб маслаҳат берурга ҳар бир қози ва аълам муфтийларни тажрибадан ўтказиб турган"*.<sup>443</sup>

Рожий уларнинг аҳволларидан бохабар бўлгач, ҳар бири ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилган. Уларнинг орасида қозиликка муносиб ва номуносиблари ҳам борлигини афсуслик билан қайд этади. Уларнинг номуносиблари каторида Йигчилик қозиси, Фарғона қозиси Мирхалил қози, Тошкент қозиларидан Қози Олимларни келтириш мумкин. Албатта, унинг норозилиги уларнинг нисбатан нафсоният бўлмай, маҳкамаларда шариат ишлари ўз жойига қўйилмаганига ачинганидан эканини қуйидаги сўзларидан биламиз:

*"У (қози)нинг илмий жиҳатлари ночор, ёнида муфтий – аъламлари йўқ, Йигчиликда шариат ишини ичи кетган, ўзи шундай беамал бўлса, албатта фуқаролари ҳам бундан бадтар бўлиши мумкин"*.<sup>444</sup>

Хожажон қози Рожийни адолатли қозиларга муносабатига оид бир воқеа ҳақида Муфаззал махдум шундай ёзади:

*"Домла Шоҳ Умар қози кўп вақтлар касал бўлуб ётган эдилар. Ёзёвон маҳкумига қозилик мансабидан маъзулликларида*

<sup>442</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...4-б.

<sup>443</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...8-б.

<sup>444</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...8-б.

муқобил мутаҳаррик Исҳоқ қози домла сайловда Ёзёвон ёки Яккатут маҳкумига қози бўлолмай бир мунча ҳаражатланган сабабли Мулла Шоҳ Умар охундни ҳам азл айлаб, Маргилон шаҳри ҳуккомлари ҳукми таъоруз тасоқут, деб Авлиёхон ибн Музаффархонни Ёзёвон маҳкумига, Маъсумхон ҳожи домла Хожажон қозини ўғилларини Яккатут маҳкумига қози қилунган тариқадин икки маҳдум (бирлари) Марғиондаги саййид Аҳмад Хожя эшонни куёвлари бўлуб, бир мунча вақт қозиликда изво ва фасодни йўқотганлар." <sup>445</sup>

Агар Алишер Навоий ҳазратларини қозилар зикрида айтган куйидаги сўзларини тингласак, Хожажон қози домланинг фаолияти ҳақида хулоса чиқаришимиз осон бўлади:

"...*Ришвахўр (порахўр) қозилар унинг қошида манкуб (боши эгик) ва ҳийлакор вакиллар эса олдида маъюб (айбдор) бўлиши керак. Омий қозики, май ичгай ўлтургуликдур ва дўзах ўтига етмасдин бурун куйдургуликдур. Қозийи ришвахўр – Ислом ҳисори (қўрғони)га рахнагар (раҳна солувчи)".*

Навоийга кўра қози агар порахўр бўлса, шариятни буза олади:

"*Улки ришва бериб қазо (қозилик) ни олгай, ришват олиб ҳам шаръни буза олгай. Қозий керакким, жодаи шаръ (шарият йўли)дин қадам чиқармагай ва сироти мустақимдин таиқари бормагай. Улки ҳукми эл моли ва жонига жорий бўлгай, керакким, даъби муқмир (гўзал одоб) шиори бўлгай. Аёгиким, сироти мустақимдин тойилди ва ял чоҳи тубин мақом қилди. Бу ишин ўзи қилурмен деган бебоку қозиб, қозибди бебокка пайгамбар шаръи ҳокимлигига не муносиб?"* <sup>446</sup>

### **Тошхўжа ва Туробхўжа қозилар**

Ўша даврда Ўш шаҳрида қозилик қилаётган Тошхожа қози вафот этгач, унинг ўрнига Туробхўжа исмли бир киши қози бўлади. А.Муҳаммадиев мажмуасида бу ишга шундай изоҳ берилади: "*Тошхўжа қози балдаи Ўш марҳум шуда. Ба жойи ў*

<sup>445</sup> Муфаззал Маҳдум мажмуаси... 89-90-бетлар.

<sup>446</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб... 21-б.

*Туробхўжа ном аксари авқот дар билоди Арабистон ва Туркистон ва Кошгар ба мусофират гашта дар мулозимати салотин буда. Баъдаз инҳидоми бунёди давлати Яъқуббек дар балдаи Ўш омада. Ба тақозои ҳуккоми Русия бажойи Тошхўжаи марҳум Туробхўжа қози шуда. Дар ин боб абёте чанде шуда буд. Аз он абёт он чи ба ёд омада, ин аст".<sup>447</sup>*

**Мазмуни:** Ўш шаҳрининг қозиси Тошхўжа марҳум бўлди. Унинг ўрнига кўпроқ Арабистон, Туркистон ва Қашқарда мусофирликда юриб, шохларнинг хизматида бўлган ва Яъқуббек давлати йўқ бўлганидан сўнг Ўшга келган Туробхўжа исмли киши Русия ҳокимларининг тақозоси билан қози бўлди. Шу хусусда бир неча байтлар ёзилган эди, ўша ёзилган байтлардан ёдимда қолгани шулар.

Эътибор берилса, келтирилган изоҳда "ба тақозои ҳуккоми Русия" ("Русия ҳокимларининг тақозоси билан") деган жумла Рожий томонидан бежиз келтирилмаган. Бундан маълум бўладики, сайлов асосан, "рус ҳокимларининг истаги" билан бўлган. Қолаверса, бу ерда Рожийни норози қилган нарса бир мунча адолат, илму донишдан хабардор бўлган марҳумнинг ўрнига амалсиз, худбин кимсанинг қози бўлишидир:

*Афсус, Тошхўжа қози туроб гашта,  
Бар аҳли балдаи Ўш қози Туроб гашта.*

*Он дам ки Тошхўжа қози қазо намуда,  
Он хўжа тош ҳукком қози Туроб гашта.*

*Он дам қазо намуд он, в-онгаҳ қазо намуд ин,  
Қози туроб гардид, қози туроб гашта.*

*Гардид хок бар сар арбоби аҳли дониш,  
Аз бас ки сарвари қавм қози туроб гашта*

*Акнун туроби зиллат бар маснади қазо шуд,  
Барбод рафта беҳтар қози туроб гашта.*

*Буд он туроби ҳар гўр, лекин қазо накарда,  
Акнун қазо намояд қози Туроб гашта.*

---

<sup>447</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 148-149-бетлар.

*Қози Ўш аз ин пеш аз санг буд, ажаб буд,  
Ин турфатар ки, акнун қози Туроб гашта.*<sup>448</sup>

**Насрий баёни:** Афсус, Тошхўжа қози туроб (тупроқ) бўлди. Унинг ўрнига Туроб (тупроқ) қози қози бўлди. Тошхўжа ҳожи туроб (тупроқ) бўлгунча тош (пухта) ҳокимлик қилар эди, энди эса Тошхўжа қози туроб (тупроқ) бўлгач, Туроб – (тупроқ) ҳокимлик қиладиган бўлди. У қазо қилган вақтда, бу қози бўлди, у қози туроб (тупроқ) бўлди, бу (тупроқ) Туроб қози бўлди.

У илму дониш арбобларидан бўлса-да, тупроқ бўлди, яхшилар йўлбошчиси қазо қилиб, тупроқ бўлди. Афсуски, тубанлик тупроғи (Туроб қози) қазо маснадига, марҳумнинг ўрнига тупроқ бўлиш ўрнига ўтирди.

Бу ўзи ҳар бир гўрнинг арзимаган тупроғи бўлса ҳам қазо қилмади. Илгари қазо қилмаган бўлса, энди тупроқ бўлсин. Бундан илгариги Ўш қозиси яхшигина тошдан (Тошхўжа) эди. Энди арзимаган тупроқ (Туроб) қози бўлгани ундан ҳам қизик бўлди.<sup>449</sup>

Мазкур мисралар Рожий домланинг адолатсизликка номураса эканини ифода қилишидан ташқари, унда шоирона маҳорати ҳам акс этганки, шеърда “Тошхўжа” ва “туроб”, ҳамда “қози”, “қазо” сўзларининг луғавий, истилоҳий ва рамзий маъноларидан фойдаланиб беғубор, самимий ва энг муҳими, мазмунли мутойиба яратишга муваффақ бўлади.

### ***Исҳоқ қози Исматуллоҳ ўғли***

Марғилон яқинидаги Ёзёвон маҳкамасида Исҳоқ қози мулла Исматуллоҳ ўғли исмли қози яшаб ўтган. Бўйни йўғон, жуссаси тўла бўлгани учун тенгқурлари тегишиб “гов” (“хўкиз”) деб аташар экан. 1908 йилда Ёзёвон маҳкамасига сайлов чоғи номзоди ўтмай ўша кеча бола-чақасини олиб ҳажга чиқиб кетади. Бу ҳақда Муфаззал маҳдум шундай дейди:

<sup>448</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 148-149-бетлар.

<sup>449</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий ва М.Мадғозиев насрий баёни.

*“Қози Исҳоқ аслида Яккатут маҳқумини бир қишлоғидан бўлуб бўйинлари йўгон, содда бир киши бўлгани учун лақабни “Гов” деб шуҳрат қилурлар экан. Ўзи яхши мулла, Домла Саримсоқ хожа эшонда ўқуган. Қози бўлмагонича сайлов куни кечаси бола-чақалари билан жимжит чиқиб йўқолганича ҳажга, байтиллоҳга борган. То хат-хабар бўлгунича ҳамага тааажжубли фикрлар тугилган.”<sup>450</sup>*

Рожий мазкур воқеага бағишлаб шеър ёзади. Шеърда гарчи уни халқ орасида машҳур бўлган номи тилга олинган бўлса-да, бироқ уни бу масъулиятли ишдан қутулиб кетгани билан боғлиқ фикрларни айтади:

*Қози Исҳоқ эрди саҳро говидин,  
Ирғиб ўтди ҳар балони говидин.*

*Кўрди элликбошилар қассобини,  
Қочти ҳуркиб ўтлагон ўтловидин.*

*Ўтса осон Сирдарёсидан сузиб,  
Ваҳм қилмай ҳар қайиқнинг хов(ф)идин.*

*Тоза қилсун ул музолим чиркини,  
Ҳақ таоло оби раҳмат новидин.*

*Гов эди ул тулқидан қочгон эди,  
Шояд ирғиб ўтса дўзах зовидин.*

*Гург чопти они ўтлов жойига,  
Топди нусрат тулқини ёндовидин.*

*Эмди, ё Раб, гурги раҳматдийдани,  
Сақлагайсан овчиларни овидин.*

*Овчи кимдур, яъни элликбошилар,  
Жонлиг ахтарган амал яйловидин.*

*Ул вабодур ё қизил юзлик бало,  
Аждаҳому ёки Ёпун ёвидин.<sup>451</sup>*

<sup>450</sup> Муфаззал маҳдум. Рожий ҳақида билганларим...7-б.

<sup>451</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...11-б.

Эътибор берилса, Рожий бунда ҳам тарихчи Муҳаммад Азиз тилга олиб ўтган қози сайлашдаги ноҳақликларга урғу бермоқда. Унинг бу ноҳақликка нафрати шунчалик қаттикки, шу бир шеърни ўзида уларни қатор салбий сифатларини, жумладан, кўринган семиз ҳайвонни сўйиб юбораверадиган қассобга, тилёғламачи тулкига, ҳайвон овлайдиган овчига, вабога, балога, аждаҳо ва ашаддий душманга ўхшатиб тасвирлайди.

Рожий домла қозиларга адолат ва эзгуликни тавсия қилар экан, айти пайтда бу сифатга эга бўлган қозиларни мақтайди, уларга ҳавас билан боқиб, улар фазилатини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади. Чунончи, 1894 йилда Марғилонда ота-бобо аждодлари билан узоқ йиллар қозилик ва аъламлик мансабида келган Усмон хўжа аълам вафот этади. Рожий унга бағишлаб 120 мисралик каттагина таърих-марсия битаяди. Унда энг кўп урғу берилган жиҳатлар марҳумнинг адолати ва аъламлик билан кифояланиб, тақлиф қилинса ҳам қозилик вазифасини қабул қилмагани дир:

*"Балдайти Марғионон жамоайи содот ва Қозихон маҳалладан Усмон хўжа аълам авлод-аждодлари муттасил қози бўлишиб (келган), аммо бу зот қазо уҳдасин бўйниларига олмай, фақру фоқа билан кулбайи вайроналарида мусофирларча мутаваффий бўлгонлар".*

Рожий Усмон хўжа Аъламни таърифлар экан, жаннатга маскан қураминиз, деб бузуқ вайронасини ҳам буздирмаган. дейди:

*Беҳишт айвонига маъво солурга,  
Бузуқ вайронасин буздирмай ўтди.*

Ҳа, у охиратга боришини яхши англаб, бу дунёга зийнат иморатини қурмаган:

*Жаҳондин ўтти Усмон Хўжа Аълам,  
Тажаммулни дўконин қурмай ўтди.*

Дунёда қаламдони билан бировларни урмагани учун, дейди Рожий, қабрда Мункар Накир гурзисини емайди:

*Эмас Мункар Накирни гурзисини,  
Қаламдон бирла бирни урмай ўтди.*

Ажабки, у дунёда шунча йил яшаган бўлса-да, аммо этагини алоқалар тиканига илдирмаган:

*Ажаб ўтдики, умри доманини,  
Алойиқ хорига илдирмай ўтди.*

Шунингдек, у нотўғри фатво бериб бировларни куйдирмагани учун жаҳаннамда куймайди:

*Жаҳаннам ўтида ёнмас, бировни,  
Ғалат фатво бериб куйдирмай ўтди.*

Имом Термизий Умар ибн Хаттоб р.а дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Қиёмат кунида ҳисоб қилинишдан олдин ўзингизни ҳисоб қилинг ва катта тафтиш куни учун ўзингизни тайёрланг, чунки охиратдаги ҳисобнинг энгил бўлиши дунёдаги ҳисобга қараб бўлади", – деган эдилар.<sup>452</sup> Рожийнинг айтишича Усмон Хўжа Аълам ана шундай кишилардан бўлган:

*Қаламдонин кўтариб охиратни,  
Ҳисобига ўзин куйдирмай ўтди.*

Рожийнинг айтишича, у шунчалик эҳтиёткор эдики, ҳатто амал торозусига гуноҳ гардини куйдирмаган:

*Амал мезонига валлоҳу аълам,  
Гуноҳдан заррани солдирмай ўтди.*

У охиратда жавобгарлигини билгани учун дунёда билиб туриб хато кўчасига юрмади:

*Бақо мулкин йўлини билган аълам,  
Ҳато жинкўчасидан юрмай ўтди.*

---

<sup>452</sup> Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. "Сунани Термизий"... 4-ж, 638-б.



Бугина эмас, Рожий домла уни қозилик фаолиятида биров тугул, қариндошидан ҳам пора олмаганини айтади:

*Амал бош оғригидан елкасига,  
Қариндош ўпкасин қоқтирмай ўтди.*

Ҳа, у қозилик мансабини оламан деб, бу йўлда ўзини хор қилмади, балки қозилик унга еткунча ўлиб, бу ишдан ўзини «ўлдирмай» кетди:

*Қазо то еткуча ўлди-ю, кетти,  
Қазо истаб ўзин ўлдирмай ўтди.*

Ҳатто, дейди Рожий, уни бировлардан ноўрин қарзи йўқ, чунки гарчи амал ўрнида бўлса-да, бировга этагини ноҳақ туттирмаган:

*Ўринсиз қарзи йўқ ўтди ўринда,  
Бировга доманин туттирмай ўтди.*

Рожий домлани адолатли қозиларга ҳавас билан боқиши андижонлик Маҳмудхон қози ҳақида айтган фикрларида ҳам кўринади. Чунки унинг айтишича, у умрини ҳожатмандлар эҳтиёжини таъминлаш билан ўтган:

*Умре бақазойи аҳли ҳожат,  
Музди амалаш савоб гардид.*

Яъни, унинг умри ҳожат аҳли қазоси билан ўтиб, амаллари мукофотини фақат савоблардан иборат қилди.

Рожийнинг бундай хулосага келиши бежиз эмас. Ибн Аббос р.а.дан ривоят қилинган ҳадисда келтиришича Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Аллоҳнинг шундай бандалари борки, уларни бошқалар ҳожати учун яратган. Ана ўшалар қиёмат даҳшатларидан омондадирлар".<sup>453</sup>

---

<sup>453</sup> Жалолоддин Сюютий. "Жомеъ ул-аҳодис". 1-ж, 7840-б.  
<http://www.ahlalhdeth.com>

Рожий уни, гарчи қозилик мансабида ўтирган бўлса-да, аммо ўзи жаннатга дарбозабондек эди, дейди:

*Аз садри қазо фитод, аммо,  
Бар боби жинон баввоб гардид.*

Яъни, у ўзи қозилик мансабида ўтирган бўлса-да, аммо чиройли амали сабаб жаннат эшигига дарбозабон эди.

Айтишларича Марғилонда Тошқорабой ҳожи исмли қози бўлиб Рожий яшаган даврда вафот этади. Рожий унинг вафотига бағишлаб таърих-марсия ёзади. Баъзилар уни ҳажв йўналишида ёзилган деб айтсалар-да, аксинча, унда марҳумнинг ижобий жиҳатлари тилга олинади:

*Деманг мусичаларни қуйругини,  
Рибони чангали бирлан юлибдур.*

*Этишгач ухламай сутҳақни савтин,  
Ғалат англабдур ул, суд – ҳақ билибдур.*

Яъни, уни қозилик даврида мусичалар – камбағаллар ҳаққини еган, деб айтманг, чунки у сутҳақ қушининг сайрашини суд – ҳақ, яъни судхўрлик билан топилган молга жавобгарлик бор, деб тушунган ва бу ишдан қаттиқ сақланган.

### ***Мулло Мирза Ҳаким Шаҳрихоний***

Рожий домлани адолатли қозиларга ҳавас билан боқиши Шаҳрихонда узоқ йиллар қозилик қилган Домла Сурхобийнинг фарзанди Мулло Мирза Ҳаким вафотига ёзган таърих-марсияда ҳам кўзга ташланади:

*"Домло Сурхобий машҳур марде кўҳна сол қози калони Шаҳрихон дар замони давлати исломия марҳум шуда. Аз фарзандони он марҳум Мулла Мирзо Ҳаким муддати чанд ба амали қазо буда. Бил охир маъзул шуда ба жойи ў ба сайлов қози дигар шуда. Ҳарчанд саъи ва тараддуд намудаки қазо карда. Таърихи фавти ў чунин шуд".*

**Таржимаси:** Кекса ёшли Домла Сурхобий ислом замони даврида Шаҳрихоннинг машҳур қозиларидан эди. У вафот

этганида ўрнига фарзандларидан бири Мулла Ҳаким Шаҳрихоний узоқ йиллар қозилик қилди. Охири у бу ишдан бўшаб, ўрнига сайлов билан бошқа бир қози бўлди. У бу мансабга жуда кўп уриниб ҳаракат қилган эди. Мулла Ҳаким Шаҳрихоний вафотига таърих ушбудар:

### **Таърих**

*Қозийи шаръ пири Сурхоби,  
Бо амал марди то риёзий шуд.*

*Халафе дошт Шаҳрихониро,  
Номи Мирзо Ҳаким қози шуд*

*Ўфтод аз қазо ба жойи ў,  
Дигаре қози ба тарози шуд.*

*Аз амал дур монда он мардак,  
Монд муҳмалки қози мози шуд.*

*Ба қазойиш ризойи ҳақ не шуд,  
Аз қазо мурд ў на қози шуд.*

*Шаҳнайи марғ бар сараш омад,  
Ба қазойи Ҳудой рози шуд.*

*Гуфт таърихи фавти ў Рожий,  
“Мулло Мирзо Ҳаким қози шуд”.<sup>454</sup>*

**Таржимаси:** Қози Сурхобий шариатнинг кекса ёшли қозиларидан бўлиб, амали қаттиқ, риёзати кучли кишилардан бўлиб яшаб ўтган эди. У ўзидан кейин шаҳрихонликларга ўрибосар қилиб Мулла Мирзо Ҳакимни қолдириб кетган эди.

Қачонки, у қозиликдан бўшаганида ўрнига розилик билан бошқаси қози бўлди. Аммо у амалдан анча узоқ эди, шунинг учун ўтган қозини иши муҳмал қолди. У ўз ҳукмида Ҳақ ризосига юрмас эди, шу туфайли у гўёки ҳукмда ўлган бўлиб, қози эмас эди.

---

<sup>454</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 62-б.

Ўлим тожи Мирзо Ҳаким бошига тушди, у Худонинг бу ҳукмига рози бўлди. Рожий унинг вафот таърихида: “Мулло Мирзо ҳаким қози эди”, – деб айтди.

**Эслатма:** Таърих моддаси охирги мисрадаги “Мулло Мирза Ҳаким қози” сўзлари йиғиндисидан чиқади. Яъни, 1308/1890 йил.

### ***Бузрукхожа Хўжандий***

Тожикистоннинг Хўжанд вилоятида қозилик қилган Бузрукхожа қози 1319 ҳижрий санада ҳаж ибодатини адо этиш учун Маккайи Мукаррамага бориб, у ерда вабо касали билан вафот этади. Шу муносабат билан ёзган таърихида Рожий марҳумнинг адолатига оид жиҳатларини ҳам тилга олган:

*...Дар ҳодисааш нуқуши таърих,  
Бар лавҳи замири Рожий инаст.*

*Жон дода гирифта садри жаннат,  
“Қозийи Бузруги муслимин” аст.*

**Таржимаси:** Ҳодисанинг таърихи Рожийнинг дилига куйидагича нақш чизди: “Мусулмонлар қозиси Бузрукхожа қози жонини ушлаб жаннат томонга кетди”.

Эслатма: Бузрукхожа қози вафот таърихи охирги мисранинг “Қозийи Бузруги муслимин” сўзларидан чиқади. 1319/1901.

Айтиш ўринлики, ижтимоий адолатга эътибор Пайғамбаримиз ва саҳобалардан бошлаб барча давр қозиларида кузатилган:

### ***Агар Фотима ўғирлик қилса ҳам...***

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида маҳзумиялик бир аёл ўғрилиқ қилиб кўлга тушади. Унинг қабиладошлари бундан ташвишга тушадилар ва нима қилиб бўлса ҳам аёлнинг кўлини кестирмай олиб қолиш ҳаракатига киришадилар.

Бу ишни амалга ошириш учун Усома ибн Зайдни восита қиладилар. Усома ибн Зайд р.а. бу ҳақда Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга сўзлайди. Бундан Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам қаттиқ ғазабланадилар ва жамоат олдида хутба қилиб: "Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг ҳаддларидан бир ҳадда шафоатчилик қиласизлар?! Аллоҳга қасамки, агар Муҳаммаднинг қизи Фотима ўғрилиқ қилса ҳам, албатта қўлини кесаман!" – дейдилар".<sup>455</sup>

### *Алининг йўқолган совути*

Халифа Али ибн Абу Толиб р.а. ўзларининг йўқолган совутларини Куфанинг бозорида бир зиммий кишининг қўлида қўриб қолиб уни қайтариб беришни талаб қиладилар. Зиммий буни инкор қилади. Буни ҳал қилиб бериши учун иккилари қози Шурайҳ хузурига боришади. Али р.а. Шурайҳга воқеани айтиб совут ўзлариники эканини айтадилар. Шурайҳ, зиммийдан: "Хўш, сен нима дейсан?" – дейди. У: "Совут меники, чунки у менинг кўлимда, бироқ амирул мўмининни ёлғончи деб ҳам ўйламайман", – дейди. Қози Али р.а. га: "Гапингизга шубҳам йук, эй мўминлар амири. Совут сизники эканлигига ишонаман. Аммо даъвоингиз исботи учун иккита гувоҳ, лозим", – дейди. Шунда Али р.а. Қанбар исмли мавлолари ва ўғиллари Ҳасан гувоҳлик беришини айтадилар. "Ўғилнинг отага гувоҳлиги ўтмайди", – дейди қози.

Кейин эса зиммийдан қасам ичишни сўрайди. У қасам ичади. Шунда Шурайҳ: "Даъвогар далил келтириши керак, инкор қилувчи қасам ичиши керак", – деган қоидани айтади-да, совут зиммийга берилсин, деб ҳукм чиқаради. Али р.а. зиммийга: "Совутни олақол, менинг бошқа гувоҳларим йук", – дейдилар. Зиммий бундан қаттиқ таъсирланади ва: "Мен, эй мўминлар амири, совут сизники эканлигига гувоҳлик бераман, уни Сиффийнга кетаётган қўшин изидан бориб, йулда топиб олган эдим", – дейди ва: "Ё Аллоҳ, ўз қозиси хузурида

<sup>455</sup> Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий. "Саҳиҳу сунан ан-Насоий". Мактабатут тарбиятил арабий ли дувалил халийж, Риёз.1988. 8- 445-б.

халифа ҳақ-ҳуқуқ талашди. Қози менинг фойдамга ҳукм чиқарди. Мен бу дин ҳақ эканига, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам унинг бандаси ва расули эканига иқрор бўлдим дея имон келтиради ва: "Қози жаноблари, совут ростдан ҳам амирул мўъминникидир", – дейди.

Али р.а. эса: "Сен мусулмон бўлдинг. Совут сенга совға. Мана бу отни ҳам кўшиб бераман, олақол", – деб совут ва отни унга ҳадя қиладилар.

Бу воқеадан кўп вақт ўтмай Наҳровон кунида бу киши Али р.а. байроғи остида хаворижларга қарши жангда иштирок этади ва шаҳидлардан бўлади.<sup>456</sup>

### *Кел, қасосингни ол*

Буюк саҳобий Абу Мусо ал-Ашъарий р.а. халифа Умар ибн Хаттоб р.а. томонидан Куфага волий этиб тайинланган эдилар. Бир куни Абу Мусо ал-Ашъарий р.а. бир оддий аскарни уриб, сочини олдиртириб ташлайди. Аскар олиб ташланган сочини йиғштириб, шикоят қилиш учун Куфадан Мадинага, ҳазрати Умар р.а. хузурига жўнаб кетади.

Ҳазрати Умар р.а. олдига кириб: "Абу Мусо мени ўз улишимни тўла беришини талаб қилганим, ўз насибамдан оз олишга рози бўлмаганим учун урди. У мени хузурингда ҳурмати борлиги, сен ундан қасос олмаслигинга ишонганидан урди", – деди. Умар р.а. Абу Мусо р.а.нинг бу ишидан қаттиқ афсусланди ва унга: "Агар бу ишни кўпчилик ичида қилган бўлсанг, унга кўпчилик ичида сендан қасос олишига имконият яратиб бер. Агар холий жойда қилган бўлсанг, холий жойда имкон яратиб бер, бўлмаса, иш бошқача бўлади", – дея мактуб ёзадилар. Даъвогар мактубни олиб бориб волий Абу Мусо р.а. беради.

Ҳодисадан хабардор бўлганлар ўртага тушиб Абу Мусони афв қилишини ундан илтимос қиладилар. Аммо даъвогар илтимосларни қабул қилмайди. Шунда Абу Мусо ал-

<sup>456</sup> Абдурахмон Роъфат ал-Бошо. "Суварун мин хаётит тобеъин"...117-б.

Ашъарий р.а. уларнинг олдиларига чиқадилар ва даъвогарга: "Кел, қасосингни ол", – дейдилар. Шундагина даъвогарнинг кўнгли ўрнига тушади ва бошини кўтариб: "Эй Худо, мен уни афв этдим!", – дейди.

### *Аллоҳ сендан кўра азизроқ*

Бир куни Шурайх қозининг ўғли: "Ота мен билан фалон қавмнинг ўртамизда хусумат бор, эшитиб кўринг-чи, агар ҳақ мен томонда бўлса, улар билан ҳукмлашаман, мабодо улар томонда бўлса у ҳолда улар билан сулҳ тузаман", – дейди. Кейин воқеани баён қилади. Уни тинглаган Шурайх: "Улар билан ҳукмлашавер", – дейди. У хусуматчиларни чакириб қозихонага боради. Аммо ҳукм чоғи Шурайх ўғлининг зарарига ҳукм чиқаради.

Йўлда келаётганларида отасига дейди: "Мени шарманда қилдингиз, олдин сизни огоҳлантирмаган бўлганимда ҳам ҳафа бўлмас эдим". Шунда Шурайх: "Болагинам, сен менга дунёдаги барча нарсалардан ҳам азизроқсан, аммо Аллоҳ таоло менга сендан кўра азиздир. Мен ўшанда сенга ҳақ улар томонда эканини айтмаслигим, сен улар билан сулҳлашиб уларнинг баъзи ҳақлари зойеъ бўлишидан кўрққаним учун эди", – дейди.

Тадқиқотлар шуни маълум қиладики, Хожажон қози домла ҳам буюк салафлари йўлига эргашиб, қозилик фаолиятида охират андишаси, қиёмат ҳисоб-китобини ўйлаб иш тутган. Бу ҳозиргача халқ орасида сақланиб қолган баъзи ҳикояларда ҳам кўзга ташланади.

### *Пойдевор талашиш*

Кунларнинг бирида бой ва камбағал икки қўшни пойдевор хусусида тортишиб қоладилар. Камбағал бойнинг унга ноҳақ зулм қилаётгани, унинг еридан бир қисмини меники, деб даъво қилаётгани ҳақида Хожажон қозига шикоят қилади. У зот, хўп, эртага борамиз, дейди. У хурсанд бўлиб келиб бойга, эртага қози келиб ҳал қилиб беришини айтади. Буни эшитган бой ҳийла йўлини тутди. Дарҳол шу маҳалладан икки кишини

чакириб, уларга бир оз ҳадя бериб, мана буни олинглар, эртага кози келганида, мана бу жой бойники, деб гувоҳлик берсангизлар бўлди, ҳақиқатдан ҳам бу ер меники дейди ва маълум ерни кўрсатади. Улар қабул қилишади. Эртасига айтилган пайтда кози домла извошда кириб келади ва улардан сўрайди:

– Хўш, нима гап ўзи?

– Мана бу кўшним ўртадан пойдевор олайлик десам, мана бу ердан бу ёғи меники, демокда.

– Шундайми?

– Ҳа, ахир мени жойим шу ердан бўлган.

Қози бойдан, гувоҳингиз борми?, – деб сўрайди.

– Ҳа бор, деб кечаги икки кишини чақиради. Қози улардан бу ҳақда сўрайди. Улар, ҳа, шу ердан бу ёғи бойники, дейишади. Буни эшитган бечора камбағалнинг ранги оқариб кетади, молидан ажраб қолаётганини ўйлаб кўркиб кетади. Қози домла фиросат йўли билан бу ердаги ҳийлани англайди ва:

– Жуда яхши, мен сизлардан баъзи нарсаларни сўрайман.

– Хўш?

– Сизлар ўлимнинг ҳақ эканига, ҳар бир киши умри поёнига етганда албатта ўлишига ишонасизларми?

– Албатта ишонамиз.

– Сўнгра Парвардигор уларни яна қайта тиргизади, шунга ҳам ишонасизлар, шундайми?

– Худди шундай!

– Кейин уларни маҳшар майдонига тўплаб, адолат тарозусини қуриб, барчанинг қилмишидан, дунёда айтган гапи, гувоҳлигидан ҳам сўрайди, шундайми?

– Ҳа, шундай.

– Ўшанда Парвардигор хузурида ҳам бойнинг ери ман шу ерда эди, деб гувоҳлик бера оласизларми?

– ...

Улар шу гапдан кейин тиллари тутилиб нима дейишларини билмай қолишади. Қозига узр айтиб, бизни кечиринг, биз адашибмиз, – деб тавба қиладилар.

Қози камбағалга қараб: “Худо учун айт-чи, ерингни чегараси каердан?” – дейди.



У аниқ жойини кўрсатади. Қози унга ўша жойга қозик қокишини айтади ва ҳеч нарсага қарамай орқага қайтади.

"Саҳиху Муслим"да келтирилишича Воил ибн Ҳужр шундай дейди: "Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларида ўтирган эдик. Икки киши ер тўғрисида хусуматлашиб кириб келди, улардан бири: "Эй Расулulloҳ, бу жоҳилият даврида мени еримни тортиб олган эди", – деди. У Имрул Қайс ибн Обис ал-Киндий бўлиб, шериги Рабия ибн Убдон эди. Расулulloҳ с.а.в. унга: "Ҳужжат келтир", – дедилар. У: "Менда ҳужжат йўқ!", – деди. Шеригига: "Бўлмаса сен қасам ич", – дедилар. Шунда Имрул Қайс: "Агар у қасам ичадиган бўлса еримни олиб кетадик-ку!" – деди. Расулulloҳ с.а.в: "Иш шундай ҳал қилинади (яъни, даъвогар ҳужжат келтириши керак, инкор қилаётган эса қасам ичиши керак)", – дедилар. У энди қасам ичмоқчи бўлиб тураётганида Расулulloҳ: "Ким бировнинг ерини ноҳақ зулм йўли билан тортиб олса Аллоҳга у унга ғазаб қилган холида йўлиқади", – дедилар".

Умму Салама р.а.дан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Мен ҳам сизлар каби башар авлодиман. Ҳузуримга хусуматлашиб келасиз, бирингиз бошқасидан кўра сўзамол ва ҳужжат келтирувчироқ бўлади. Мен ишни уни (ҳийла билан гапирган) гапига кўра, (қасамини эътибори билан) биродари ҳақидан уни фойдасига бирор бўлак ерни ҳукм қилсам, билиб қўйсин, у (ўзиники эмаслигини билиб туриб ўзлаштириб олган ери) дўзахдан бир бўлақдир. Хоҳласа олсин, хоҳласа олмасин".<sup>457</sup>

Аҳмад ибн Ҳарб айтади: "Ер икки кишидан: мени остимда тўшаксиз ётадиган кунларингни ҳам биласанми, дея ҳар тун юмшоқ тўшагига ётаётган кимсадан ва ўзингдан олдингилар аҳволини билмайсанми, дея шериги билан ер таллашиб уришаётган кимсадан, ажабланади".

### ***Отдан тушсам, талоқсан!***

<sup>457</sup> Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсобурий. "Саҳиху Муслим"... 11-ж, 378-б.

Айтишларича, Марғилоннинг Галатой маҳалласида яшовчи тажанглиги билан халқ орасида танилган Райим мироб исмли киши бир куни Соё бўйи даҳанасига кетаётганида Бекат чойхонасида биродарлари уни дастурхонга таклиф қилишади. Лекин у шошиб кетаётганини айтиб узр айтади. Улар эса бунга қўнмай, яна мажбур қиладилар. У яна узр айтади. Улар билиб туриб атайин мажбур қиладилар. Охири у бундан тажанг бўлиб, жаҳл устида: “Отдан тушмайман, тушсам хотиним талоқ бўлсин!”, – деб юборади... Гапидан қўркиб кетиб нима қилишини билмай, кечгача отдан тушмай юрган мироб охири кишиларнинг маслаҳати билан тўғри Хожажон қози ҳузурига боради.

Қозихона саҳнида бировни отлик юрганини қўрган қози, нима гап ўзи, деб мирзоларидан сўрайди. У чиқиб воқеани сўрайди. У эрталабдан бери отдан туша олмаётгани, тушса аёли талоқ бўлишини айтади. Уни тинглаган қози домла: “Отингни бур, анави тут олдига бор-да, отдан тутга чиқ”, – дейдилар. У ҳайрон бўлиб тутга чиқади. Энди пастга туш, дейдилар. У пастга тушади. Бор кетавер, аёлинг талоқ бўлгани йўқ, дейдилар. Ҳали ҳам хушига ёнмай турган йигитга, сен отдан эмас тутдан тушдинг, дейдилар.

### ***Отанг бекорларни айтибди***

Айтишларича, Хожажон қозини Чойфуруш Эшон номи билан танилган биродари бўлиб, бирга катта бўлишгани учун ўрталарида самимий дўстлик бўлган экан. Бу яқинлик баъзан хос мажлисларда бир-бирларига ўзаро беозор мутойибаларга ҳам йўл очар экан. Чойфуруш эшон сўзга унчалик бой бўлмагани учун аксар мажлисларда мутойибаларга нишон бўлиб қолар ва у бунга тўғри қабул қилса ҳам барибир бир кун сизларни бир “боплайман” деб юрар экан.

Вақти келиб Эшон вафоти яқинлашгач, икки нафар ўғлини чақириб: “Болаларим, умрим поёнига етганга ўхшайди, сизларга бир васиятим бор, мабодо вафот этсам, жанозамга Хожажон қозини айтманг, маҳалламиздаги Даминча сўфини айтиб, ўтказиб қўяверинг”, – дейди. Бундан ҳайрон бўлган

болаларига: "Нимага, деб суриштирмай, айтганимни қилинглар", – дейди.

Айтилганидек, унинг вафоти куни болалар Даминча сўфига хабар беришади. У ҳам, қандай бўлар экан, бу қозининг ҳақи эди, қолаверса, улар неча йиллик кадрдон бўлишган, дея ўйланиб рози бўлади. Жанозадан беҳабар Хожажон қози домла байтал отда гуруч бозорини айланиб юрганида бир одам: "Эшитмадингизми, биродарингиз Чойфуруш Эшон вафот этди-ку! Ҳозир жаноза ўқилади", – дейди. Буни эшитиши билан Қози домла отга қамчи уриб, тезлик билан биродари ҳовлисига югуради. Ҳовлиси торлиги учун жанозани кўчага олиб чиқиб, саф олаётган пайтлари етиб келади. Жийда шохига отни тизгинини илиб, қибла томондан юриб келган қози тўғри биринчи сафга келиб жой олади. Маййит олиб чиқилганда эса олдинга ўтади. Буни кўрган болалар ҳайрон бўлиб, бир-бирига пичирлашади. Уларни эшитган Қози, нима гап, деб сўрайди. Улар: "Отам жанозамга фалончи ўтсин, деб васият қилган эдилар", – дейишади. Шунда қози: "Шунақами, отанг бекорларни айтибди!", – дейди-да, "Аллоху акбар!", – деб жанозани бошлайди.<sup>458</sup>

Англашилмоқдаки, Хожажон қози домла шариатга мувофиқ бўлмаган ишларга мурасасиз бўлган. Шариат бўйича жаноза намозига аввало султон, агар у ҳозир бўлмаса қози ҳақли бўлади. Қози ҳозир бўлмаса, маҳалла имоми, кейин эса ўликнинг эгалари ҳақли бўладилар.<sup>459</sup> Қози ҳозирлигида бошқаларнинг ўтиши дуруст эмас. буни яхши билгани учун ҳам Қози домла шундай йўл тутган. Айти пайтда бу билан кишиларни огоҳлантириб, шариат андозасига мувофиқ иш тутишга чақирмоқчи бўлган.

Қуйида Хожажон қози домла ва бошқа қатор Марғилон қозиларининг даъвогарлар аризаси бўйича чиқарган ҳукмлари ва уларни ўта синчковлик билан текширганларини тасдиқловчи баъзи ҳужжатларни келтириб ўтсак.

---

<sup>458</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – Гиштмон. 2015.

<sup>459</sup> Бурхониддин Марғионий. "Ҳидоя". 1-ж, 90-б.

Изланишлар давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган Марғилон қозилари фаолиятига доир айрим ана шундай ҳужжатлар билан танишиб чиқишга муяссар бўлдик. Қуйида улардан баъзиларини келтирамиз. Чунки мазкур ҳужжатлар шунини кўрсатмоқдаки, ўз даврида Хожажон қози Рожий бошчилигида Марғилон қозилари даъвогарларнинг ҳар бир аризаси ва улар билан боғлиқ воқеаларни алоҳида тафтиш этгандан сўнггина ҳолислик йўли билан ҳукм чиқаришга одатланганлар.

Афсуски, собиқ советлар тузуми даврида мазкур қозиларга нисбатан муносабат тубдан ўзгариб, ўз нафси кўйида адолатсизликка қўл урган кимсалар сифатида талқин этилдилар. Натижада узоқ йиллар ўтмишдаги қозилар ҳаёти ва фаолиятига бир томонлама баҳо бериб келинди. Аксинча эса аҳвол мутлақо бошқа эди. Агар биз қуйида келтириладиган ҳукмномалар билан танишадиган бўлсак, ўша давр қозиларини не чоғли ҳалол ва пок инсонлар эканини, айти пайтда, арзимас бўлиб кўринган нарсалар устида унга аниқлик киритиш учун қанчалик елиб-югурганлари, хусуматчи, даъвогар ва гувоҳларни ҳозирлаб, масалани обдон ўргангангачгина ҳукм чиқарганларини гувоҳи бўламиз. Халқимиз ҳуқуқий маданиятининг тадрижий ривожини ва таркибий қисмида алоҳида ўрин тутган мазкур қозиларнинг барчасини Аллоҳ таоло раҳматига сероб қилсин. Зотан улар қиёмат кунига дахлдор бўлган ҳақ устида қаттиқ туриб қанчалаб кишиларни охираат ҳисобидан қутилиб қолишларига сабаб бўлган эдилар.

### **Ҳукнома – 20 нчи рақамда**

*1899 йилда ўктябр ойини 1 санаси кунинда Эски Марғионда саёзд қозилари маълум қиламизки, Қирғизбой ҳожи Муҳаммадқаримбой ўғли (айтадики), отам Муҳаммадқаримбой Абдулрахимбой сўфи ўғли Эски Марғионда Қаландархона даҳасига тобеъ Карнайчи маҳалласида қорихона бино қилуб, мазкур қорихона ичидаги аҳли вазойифларга икки юз тилло ўз моли холисидан вақф қилгон. Акам Муҳаммад Олим мазкур*

Муҳаммадкаримбой ўглини мутаваллий бўлсун, деб вақфномада тайин қилуб мазкур икки юз тиллони акам Муҳаммад Олимга тобишургон эди. Ушбу пулни вақфномаси ўбластной маҳкамасида тургон эрди. Уч-тўрт йил мазкур пулни фойдасидин мазкур қорихонадаги аҳли вазойифларга бир мунча беруб юруб, 15 йил бўладурки, мазкур пулни фойдасидан аҳли вазойифларга ҳеч бир нимарса бермай, аҳли вазойифларни мазкур қорихонадин чиқариб йиборди, деган арзини мазкур даҳа қозиси ҳақиқат қилуб, ўбластнўй маҳкамасидан мазкур вақфномани кўруб, кўфия олуб(дур).

Мазкур вақфноманинг мазмунича мазкур икки юз тилло Муҳаммадкаримбой вақф қилгон пулни мазкур Муҳаммад Олим мутаваллий бўлуб, қабз қилгонлиги (олганлиги) маълум бўлди. Мазкур икки юз тилло пул мазкур Муҳаммад Олимнинг зиммасига собит бўлди деб ҳукм қилгонда, мазкур Муҳаммад Олим мазкур ҳукмга норози бўлгонда саёзд қозилари ҳурматли пристав тўрадан бўлгон 30 сентёбрдаги буйруқга мувофиқ уезд маҳкамасига ушбу шини шарият илан алоҳида ҳақиқат қилмоқ учун чиққонимизда бизларни ҳузуримизга мазкур Муҳаммад Олим(ни) турмахонада ҳозир қилгонларида мазкур Муҳаммад Олимни мазкур Қирғизбойҳожига қамту (юзма-юз) қилуб, вақфномани кўфиясини кўрдукки, мазкур вақфнома 1293 сана ҳижрийда, жумодил аввал ойинда ёзулиб, мазкур вақфнома мазмунича, Муҳаммад Олим мазкур икки юз тилло Муҳаммадкаримбой вақф қилгон пулни мутаваллий бўлуб қабз қилгон экан ва мазкур Муҳаммад Олимдан жавоб сўрагонимизда, мазкур Муҳаммад Олим жавоб беруб дедик: “Мазкур икки юз тиллони мутаваллий бўлуб қабз қилуб эрдим.

Бир йилдан кейин отам Муҳаммадкарим мени мутаваллийликдин азл қилуб (бўшатиб), мазкур икки юз тилло пулни мендин қайтаруб олгон эрди”, деб вақфномани тарихидан бир йил кейин ёзилгон, домулло Муҳаммадбобо қози ва Поччажонхўжа қози ва Юсуф Алихўжа қози деган вафот топган қозиларни номларидаги муҳр босулгон мазкур Муҳаммад Олимни мазкур деган сўзига далолат қилдургон иборатлар бор бир хат(ни) зоҳир қилди (кўрсатди) ва мазкур Қирғизбой ҳожига

мазкур хатни ўқуб кўруб эшиттиргонимизда, мазкур Қирғизбойҳожидеки: “Ушбу хатни мазкур Муҳаммад Олим мазкур қози ҳузуринда муурофаалар қилгонимизда (даъволашишганимизда) кўрсатмагон эрди... деганда мазкур қозини ҳукномаларини ўқуб кўргонимизда, мазкур хатни мазкур Муҳаммад Олим қозига кўрсатмагон эканлиги ва мазкур қозига мазкур хатни бор эканлигини ҳам айтмагонлиги маълум бўлгонда ва биз саёзд қозилар ҳузуримизда мазкур Муҳаммад Олим ўз ихтиёри илан тавфиқга келуб, “Мазкур икки юз тилло вақф пул мени гарданимда бор. Мен мазкур икки юз тиллони мазкур қорихона вақфи тўғрисида берурман ва мазкур икки юз тилло пулни гарданимга олдум” деб, икки юз тилло пулни мазкур қорихона вақфи тўғрисида бермакни ўзига илтизом (лозим) қилди.

Ушбу сабабли биз саёзд қозилар шариат китобларини масалаларига мувофиқ мазкур Муҳаммад Олимга ҳукм қилдукки, мазкур икки юз тилло қорихона вақфи мазкур Муҳаммад Олим зиммасида бор. Мазкур пулни мазкур Муҳаммад Олим мазкур қорихона мутасаддисига берадур, деб мазкур ҳукмга мазкур Муҳаммад Олим рози бўлди.

Гувоҳлар: 1 нчи Мулло Мирзо Муҳаммад Мулло Исомиддин ўғли; 2 нчи Қурбонҳожидеки Муҳаммадкаримбой ўғли; 3 нчи Лангархўжа Мулла Абулқосим ўғлидурлар. Аммо мазкур икки юз тилло пул етти юз олмиш сўм бўладур, деб маълум қилуб бизлар саёзд қозилар муҳрлармизни босдук. Маишҳад даҳаси қози Набиҳўжа Муҳаммадхўжа ўғли қўлум қўйдум. Сафилтўда қозиси Музаффархўжа Мансурхўжа ўғли. Файзиобод қозиси Мулло Ҳақхўжа Тўрахўжа ўғли муҳрим бостум.

### **Ҳукнома 31 нчи рақамда**

1899 йилда ўктабр ойини 18 нчиси якшанба кунда Марғилон вилоятини(нг) саёзд қозилари, народний судялари маълум қиламизки, Маишҳад даҳасига тобеъ Тўйчибек маҳалласи масжидини вақфларига янги сайлангон мутаваллийси мулло Тошмуҳаммад Абдурахмонбой ўғлини мазкур масжидни эски

мутавалийси Баҳодирбек Оталиқбек ўгли устидан берган арзи бўйунча биз саёзд қозилари 1897 йилда 14 июнда – 828 рақамда хурматли пристав тўрадан бўлгон буйруқга мувофиқ мазкур Баҳодирбекдан ҳисоб юбормоқ бўлганимизда мазкур Баҳодирбек ҳар тарафларда юруб, алҳолда ҳозир бўлгонда мазкур Баҳодирбекдан мазкур мулло Тошмуҳаммад ҳузурда ҳисоб сўраганимизда мазкур Баҳодирбек дедики:

“Мазкур масжидни кунчиқар тарафидаги вақф ерига бир работ бино қилдим ва мазкур масжидга мустаҳабхона бино қилдим ва мазкур масжидни қибла тарафига икки адад дўкон таъмир қилдим ва бир адад дўконни қибла тарафига тим бино қилдим ва ҳам мазкур масжидни вақфларига сарф қилгон пулларимни Маиҳад даҳасини бўлуб ўтмиш оқсоқоли Мулло Муҳаммад Шариф ҳисоб қилуб ҳисобномани хурматли пристав тўрага тобишургон эрди ва мазкур масжидни вақф пулларидан мени зиммамда бир юз тўрт сўм 20 тийин бор эрди ва бошиқа одамларни зиммаларидаги васиқалик ва бевасиқа вақф пуллари тўрт юз олтмиш беш сўм 80 тийин ҳисоб илан муқаррар бўлуб жамиъ вақф пуллари 570 сўм бўлгонда мазкур пулларни хатларимни мазкур мулло Тошмуҳаммадга берганман ва мазкур масжидни вақфларига сарф қилгон пулларим мазкур оқсоқолни ҳисобномасида алоҳида-алоҳида ёзилгондур”, дегонда мазкур оқсоқолни ҳисобномасини кўруб, мазкур ҳисобномадаги сарфларни ҳисобини ҳақиқат қилуб кўрганимизда, мазкур ҳисобномадаги хатлар тўғри чиқуб, яхши ҳисоб бўлгон экан ва мазкур Баҳодирбекдин ҳеч бир жиноят маълум бўлмади ва мазкур мулло Тошмуҳаммад ушбу ҳисобга қабул қилгаймиз дегонимизда, мазкур оқсоқолни ҳисобномасини қабул қилиб мазкур маҳаллани вақф пулларида 57 сўм муқаррар бўлгон ва мазкур пул одамларни зиммасидадур.

Баъзи қарздорлар ўлгондур ва баъзи одамлар зиммаларида бор ул қарздорларким,... пул топиб беролмайдурлар деб, мазкур оқсоқолни ҳисобномасини қабул қилгонман, деб тасдиқ қилди ва мазкур масжидга вақф бўлсун, деб мазкур Баҳодирбек бино қилгон работни... қибла тарафи Тўйчибекни масжидига муттасил (туташиган) ва баъзан (бир қисми) Мулла Исҳоқ

Муҳаммад Мусобой ўғлини матруки ерига муттасил, жануб тарафи баъзан мазкур Исҳоқни матруки ерига муттасил ва баъзан Овчибой Қаландарбек ўғлини ерига муттасил, шарқ тарафи Умархўжани матрукисига ва баъзан подшоҳлик мактабхонасига ва баъзан роҳи оммага муттасил, шимол тарафи ғўзафурушларни касбиларини қўлларидаги дўконларига муттасил экан.

Мазкур мулло Тошмуҳаммадни тасдиғи бўйунча мазкур масжидни вақф пули ҳар кимларни зиммаларида бўлса ҳам 580 сўм мазкур мулло Тошмуҳаммадни тасарруфида экан ва мазкур работ мазкур Баҳодирбекни иқрори бўйича мазкур масжидни вақфи ва мазкур оқсоқолни ҳисобномаси ростдур деб ҳукм қилдук.

1 нчи гувоҳ Мулло Аҳмад қори Дарвешхожи ўғли, 2 нчи Мулло Мирзо Аҳмад саркор Мулло Муҳаммад Юсуф ўғлини гувоҳлантуруб, муҳрларимизни босдук. Аммо мазкур мулло Тошмуҳаммад мутаваллийдан мазкур масжидни вақфномаларини сўрагонимизда дедик: “Мазкур масжидни уч адад вақфномаларини ҳурматли пристаф тўра 1898 йилда олгон эрдилар”. Мазкур мулло Тошмуҳаммадни деган сўзини маълум қилдук”.

### **Ҳукнома – 8 нчи рақамда**

1905 йилда афрел ойини 15 жума кунинда Эски Марғишонда саъзд қозилари маълум қиламизки, Мулла Ҳусайн қори домла Мирқурбон аълам ўғли Мулла Саййид Аҳмадхўжа Фиёсхўжа эшон ҳожиси ўғли тарафидан ушбу йилда 25 январда 298 рақамда Қаландархона даҳаси қозиси ҳузурида бўлгон хат ваколати билан вакил бўлуб, Тошмозор даҳа фуқароси Мулла Абдураззоқ Мулла Сиддиқ ўғлини Тошмозор даҳа қозиси ҳузурига ҳозир қилуб, мазкур Мулла Абдураззоқ даъво қилуб эканки... ушбу Мулла Абдураззоқни ўз тарафидин вакил қилуб қуболик Отажон маҳрам Бобожон оқсоқолни зиммасидаги васиқалик бир минг сўм пулни ва яна Арсиф қишлоқлик Тўрақул Муҳаммадхолик ўғли зиммасидаги икки юз олтимиш беш сўм васиқалик пулни ундуруб дағи мазкур қарздорларни иқрор билан олунгон васиқаларни ушбу



Мулла Абдураззоққа берган эрди ва яна муаккилимга тахта берурман деб икки юз сўм заколат олган эрди.

Яна Мирсалимдан олгон қофларни пулидан ўттиз сўм пул бор эрди ва ушбу тўғрида мазкур Мулла Абдураззоқ ўзи қўл қўйгон эрди ва мазкур Отажонбой маҳрам билан Тўрақул зиммасидаги пулларни ундуруб олуб тахтага олгон пул билан қофни пулини ҳам қўшуб ушбу Мулла Абдураззоқ ўзунча сарф ва харж қилиб юборгани сабабли... мазкур бир минг тўрт юз тўқсон беш сўм берсун деб мазкур қози мазкур Мулла Абдураззоқдан жавоб сўрагонда мазкур Мулла Абдураззоқ жавоб беруб эканки, Отажон маҳрам зиммасидаги бир минг сўмни ундуруб олуб, мазкур вакилни муаккилига берганман, гувоҳларим бор ва Тўрақул зиммасидаги икки юз олтмиш беш сўмдан икки юз сўм ундуруб олгонман ва ваколат олгон икки юз сўм менинг зиммамда турубдур ва қофни пули ўттиз сўм ҳам менда турубдур.

Аммо ижара хизматим олгусида бўладургон хаққим бор дебдур ва мазкур қози юқорида баён бўлгон мазкур вакилни муаккилини хуқуқлари тўғрисида мазкур Мулла Абдураззоқ қўйгон қўлига ўзи иқрори билан ушбу зоҳир бўлгони сабабли, мазкур бир минг тўрт юз тўқсон беш сўм пулни мазкур вакил Мулло Хусайн қорига бергил десам хукм қилгондан мазкур Мулла Абдураззоқ норози бўлгон экан.

Ушбу ишни биз саёзд қозилари Эски Марғион шаҳридаги хурматли палисмистридин 9 афрелда бўлгон буйруқ билан шариатга мувофиқ алоҳида ҳақиқат қилмоқ учун мазкур Мулло Хусайн қорини мазкур Мулла Абдураззоқ ўз ҳузуримизда қамту (юзма-юз) қилуб, мазкур қозини ушбу тўғрисидаги 16 рақамли хукмни ўқуб, мулоҳаза билан хукм қилдук: “Ушбу қозини хукми шариатга мувофиқ бўлуб экан. Ушбу сабабли мазкур бир минг тўрт юз тўқсон беш сўмлик мазкур вакил Мулла Хусайн қорига берган ва мазкур пулни берганман, деган сўзини даъвосини мазкур вакилни муаккилига тегишли жойида (ҳал) қилгил деб мазкур Мулла Абдураззоқ... боиттифоқ хукм қилдук. Ушбуга

*Абдураззоқхўжа Муҳаммадхўжа ўгли ва Мулла Аҳмад аълам  
Мулла Қосим ўгли гувоҳлантируб муҳрларимизни бостук”.*<sup>460</sup>

---

<sup>460</sup> ЦГА УЗ, Фонд– 949. Оп № 1. Д № 9, Л. 7-20л.

## РОЖИЙ МАРҒИОНИЙ ҲАНАФИЙ МАЗҲАБ ФАҚИҲ И

Маълумки, шариат қошида қозилик вазифаси билан шуғулланиш шаръий илмлардан атрофлича хабардор бўлишни талаб қилади. Бунинг учун эса бўлажак қози етук фақиҳ бўлмоғи зарур. Рожий Марғионий қози – ҳанафий мазхабининг ўз давридаги фақиҳи бўлгани боис, бу ерда фикҳ ва унинг таърифи ҳақида тўхталиб ўтсак.

“Фикҳ” сўзи луғатда “фаҳм қилмоқ”, “англамоқ” ва “тушунмоқ” маъносини билдириб, илм (билиш)дан кўра кенгрок маънони англатади. Яъни, у бирон нарсани нозик жойларигача тушуниш, англаб етиш демакдир.<sup>461</sup> «Фаҳм» сўзи ҳам англамоқни ифода этади, лекин у мутлақ суратда, яъни содда шаклда англамоқни билдиради.

Усули фикҳ олимларининг истилоҳида, “фикҳ – асл шаръий далиллардан фаръий шаръий ҳукмларни чиқаришдир”. Баъзан, бу таъриф ижтиҳодга ҳам қўлланади. Бу ерда аслий шаръий далиллардан Куръони карим, ҳадиси шариф, ижмоъ ва киёс мурод қилинган. Фаръий ҳукмлардан эса, фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳлар кўзда тутилади.<sup>462</sup>

Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собитга кўра фикҳ: “Ҳар бир мукаллаф киши ўзининг фойдаси ва зарарига бўлган нарсалар ҳақидаги шариат ҳукмларини билиб олиш”дан иборатдир.<sup>463</sup>

Фикҳ илмининг мавзуси Ислом ҳуқуқшунослигининг асосий манбалари ва улардан чиқарилган фаръий ҳукмларни (жузъий ва амалий масалаларни) ўрганишдан иборат бўлиб, ундан кўзда тутилган асосий мақсад мазкур ҳукмларга амал қилиш билан, икки дунё бахту-саодатига эришишдир.

Фикҳ илмининг тарихи ва шаклланиши Исломнинг дастлабки даврига бориб тақалади. Маълумки, Ислом дини 610

<sup>461</sup> Абул фазл Ибн Манзур. Лисонул-араб. 5-жилд. 150-б.

<sup>462</sup> Ал-мавсуат ал-фикҳия, Кувайт, Авкоф ва исломий ишлар вазирлиги, Дорус-сафва матбааси, 1995. 32-жилд, 193-б.

<sup>463</sup> Ислом фикҳи энциклопедияси. 1-жилд. 29-б.

милодий йили Аллоҳнинг амри билан Пайғамбаримиз ҳазрат Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан янги ва энг мукамал илоҳий дин сифатида барча инсониятга қарата эълон қилинди ва оз муддат ичида дунё бўйича кенг кўламда тарқалди.

Ислом дини таълимотига амал қилиш асрлар давомида инсонлар руҳига сингиб кетган ботил эътиқодлар, расм-русумларнинг тарк этилишига сабаб бўлиб, тарихий, ижтимоий ўзгаришлар учун шароит яратиб берди. Яратувчи олдида барча инсонларнинг тенг ҳуқуқлилиги, инсофу адолат мезонига ҳар доим риоя қилиш, умуминсоний меъёрларни эъзозлаш, илму фазилат ва эзгуликларга интилиш каби исломий қадриятлар тез орада одамлар қалбига йўл очиб, турли ўлкаларда Ислом динининг тарқалишига сабаб бўлди ва унга эътиқод қилувчилар сони кун сайин ошиб борди.

IX-XII асрларда Шарқ ўлкаларида Ислом дини кенг кўламда тарқалиб, у турли халқлар ва миллатларнинг умумий динига айланди. Ўрта Осиё халқлари дастлабки босқичларда Ислом таълимотини олиб келган арабларга қарши туриб, оғир курашлар олиб борган бўлсалар ҳам, аста-секин ушбу таълимот ва ғоялар уларнинг ҳаётий манфаатларига мос эканлигини тушунгандан кейин, уни қабул қилиб, унинг ҳомийларига айландилар.

Маълумки, ҳар бир жамиятда унинг қандай шароитда яшашидан қатъи назар, унга тегишли бўлган ишлар, муаммолар, шахсий ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, жамиятда тинчликни таъминлаб, жиноят олдини олиш ва бошқа кўп ҳаёт муаммоларини ечиш учун бир миқдор қонун-қоидаларга зарурат бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлигида юзага келган барча муаммоларни ўзлари ечиб берардилар. У зот вафотидан кейин эса тўртта халифа ва машҳур саҳобаларга, сўнгра тобеинларга мурожаат қилинарди. Кейинчалик, Ислом дини тарқалиш доирасининг кенгайиши, турли-туман маданиятларга эга бўлган этник жамоаларнинг ушбу динни қабул қилиши турли миллатларни ўз ичига олган катта Ислом жамиятида вужудга келган янги-янги масалаларнинг ечими

Қуръон, Сунна ва ижмода топилмагандан кейин раъй ва қиёсга мурожаат қилиниб ижтиҳод қилиш заруратини пайдо қилди. Бу эса ўз-ўзидан шаръий манбалардан ҳукм чиқариш учун алоҳида қоидаларни ўз ичига олган илм – усулул фикҳ илми пайдо бўлишига сабаб бўлди.

Ҳижрий иккинчи аср бошларида илк ҳуқуқий мактаблар (мазҳаблар) юзага кела бошлади ва янги шаклланган Ислом жамияти ўзининг бошланғич ҳуқуқий ва қонуний муассасаларини қуришга муваффақ бўлди. Буюк мужтаҳидлар томонидан асос солиниб ривожланган суннийлик мазҳабларининг ҳар бири ўз асосчисининг номи билан аталадиган бўлди.

Абу Ҳанифа асос солган Ҳанафий мазҳаби саккизинчи аср ўрталарида у зотнинг ҳаётлик чоғиданоқ тарқала бошлаб, шу асрнинг охирларида узоқ-яқин ўлкалар жумладан, Мовароуннаҳрга етиб келган эди. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг шогирдларидан бири бўлмиш Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс-ал-Кабийр ал - Бухорий (в. 832 й) биринчи бўлиб IX аср бошларида ушбу мазҳаб таълимотининг ҳақиқий ташувчиси сифатида ўз ватанига қайтиб келиб, Бухоро шаҳрини ҳанафийликнинг муҳим марказларидан бирига айлантirdи. Абул-Фазл Қазвиний "Китобун-нақз"да эслатиб ўтишича, XII асрларда Хуросон шаҳарларидан тортиб, Ўзганд, Самарқанд ва барча Мовароуннаҳр ва Туркистон ҳудудларида умуман аҳоли Ҳанафий мазҳабида бўлган.

Бухоро ва Самарқанд фақиҳлари томонидан усул ва фуруъ бўйича яратилган кенг камровли асарлар, шунингдек, калом илми (усули дин) соҳасида ёзилган бир қатор китоблар шундан далолат берадики, ҳанафия фикҳ мактаби ривожидида улар илғор ўринда туриб, Бухоро Самарқандни Мовароуннаҳрнинг атоқли фақиҳлари фаолият марказига айлантириб келганлар. Бу борада Насафийлар ва Фарғона фақиҳларининг усулул-фикҳ ва фуруъ ул-фикҳ соҳасидаги илмий аҳамиятга эга бўлган кўплаб қимматли асарлари ҳам алоҳида эътиборлидир.

XII-XIII асрларда Ўрта Осиёда фақиҳлар сони кўплигини аллома Қазвинийни Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафий асаридан олиб берган маълумотдан билиб олса бўлади. Унга кўра

Бухоролик "Оли Моза" (Моза оиласи)нинг буюк имоми ва раисларидан бири бўлмиш Садри жаҳон Бурҳонуддин Муҳаммад ва унинг авлодлари ҳимояси остида 6000 (олти минг) фақиҳ ҳаёт кечириб, уларнинг барчаси Ҳанафий мазҳабига мансуб бўлганлар.<sup>464</sup>

Қадимдан Мовароуннаҳр шаҳар қишлоқларида истиқомат қилган барча қозилар фаолиятига доир ҳужжатларни ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бири маҳкама жараёнларида, ҳуқуқий масалалар ечимида Ҳанафийлик мазҳабига доир ёзилган фикҳий манбалар ва фатволар асосида иш кўрганлар. Улар бу борада мазҳаб уламолари ўртасидаги машҳур матнлар, шарҳлар ва фатволарни бир-биридан ажрата оладиган даражада юксак илму билимга эга бўлганлар. Чунки ҳар қандай олим ҳам бирор шаръий масалага у ёки бу китобдан, ёки манбадан масала айтишга ҳақли бўлавермаслигини улар яхши билишган. Ҳанафийлик фикҳидан маълумки, фуқаҳолар матнларни шарҳларда келган масалалардан муқаддам эканига, шарҳлардаги баёнлар фатволардан муқаддам эканини айтганлар.

Шунга кўра, агар бирор масала мазҳабда баён қилинган бирор китобда мавжуд бўлиб, шарҳда унинг зидди айтилган бўлса ҳам матндаги гапни оладилар. Борди-ю, шарҳлар билан фатволар ўртасида хилоф пайдо бўлса, яъни шарҳда баён қилинган масаланинг зидди фатовода келса, у ҳолда шарҳдаги гапни оладилар. Лекин бу масала юзасидан саҳиҳ ишончли жавоб билинмаган чоғидагина бўлади”.<sup>465</sup>

Савол туғилади, мазкур мўътабар асарлар дейилганда қайсилар кўзда тутилади? Буларни билиш учун Абдулхай Лакнавийнинг "Умдатур рийоя" китобининг муқаддимасига муурожаат қиламиз:

**1. “Масоилул усул” – “Усул масалалари”.** Улар “Зоҳирур ривоя” – “Ривоят қилинган масалаларнинг энг равшанлари”, деб аталади. Улар мазҳаб соҳиблари бўлмиш Абу Ҳанифа, Абу

<sup>464</sup> Авфий. Жавоми ал-хикоёт. 3.Сафо иктибоси асосида. Техрон. Эронда адабиёт тарихи, 2-ж, 159-б.

<sup>465</sup> Абдулхай Лакнавий. “Муқаддимату умдатур рийоя”. Ҳиндистон, Лакнав. Юсуфий матбааси. Нашр йили кўрсатилмаган. 9-б.

Юсуф ва Муҳаммадлар томонидан ривоят қилинган масалалардир. Ушбу “Зоҳирур-ривоя” ва “Усул” деб аталмиш мазкур масалалар асосан, Имом Муҳаммаднинг “Мабсут”, “Аз-Зиёdot”, “Ал-жомеъ ас-сағир”, “Ал-жомеъ ал-кабир” ва “Ас-сияр” номли китобларида келтирилган масалалардир. Булар Имом Муҳаммад томонидан ишончли ва тавотур йўли билан қилинган масалалар бўлгани учун ҳам “Зоҳирур-ривоя” деб номланган.

**2. “Масолиун-наводир” - “Наводир масалалари”.** Улар ҳам мазкур мазҳаб имомлари томонидан ривоят қилинган масалалар бўлса-да, лекин имом Муҳаммаднинг юқорида зикр қилинган олти китобидан бошқа китобларида келтирилган. Улар қуйидагилардир:

**«Ан-наводир»** (“Зоҳирур ривоя китобларида ривоят қилинмаган масалалар тўплами”).

**«Руқайёт»** (“Имом Муҳаммад Раққа (Ироқда фурот дарёси ёнида жойлашган бир шаҳар)да қозилик вазифасини бажарадиган чоғларида тўплаган масалалар”).

**«Ал-Кайсонийёт»** (“Имом Муҳаммад Абу Амр Сулаймон ибн Шуайб Кайсонийга имло қилган масалалар тўплами”).

**«Ҳорунийёт»** (“Имом Муҳаммад Ҳорун ар-Рашид замонида ёки бошқа бир ривоятга кўра Ҳорун номли киши учун тўплаган масалалар”) номли асарлардир.

Мазкурларни “Зоҳирур-ривоя”дан бошқа деб номланиши уларнинг Имом Муҳаммаддан аввалги китоблар каби ишончли саҳиҳ йўл билан ривоят қилинмагани, ёки Имом Муҳаммаддан бошқа масалан, Имом Зиёднинг “Ал-муҷаррад” номли китобида келтиргани учундир.

**«Ал-Амолий»** Улар қаторига Абу Юсуфдан ривоят қилинган китоблар ҳам қиради. Амолий имло сўзининг кўплиги бўлиб, олим ёддан айтиб туриб, шогирдлари томонидан ёзиб олинадиган ва ўтмишда олимлар томонидан фойдаланиб келинган услубга кўра юзага келган масалалардир.

Бундан ташқари уларнинг қаторига Ибн Самаъа, Муалло ибн Мансур ва бошқаларнинг муайян масалалар ҳақида қилган

ривоятлари ҳам киради. Уларни “Наводири Ибн Самаъа”, “Наводири Ҳишом” ва “Наводири Ибн Рустам” деб юритилади.

**3. “Ал-фатово” (“Фатволар”)** деб аталган ва “ал-Воқеъот” деб юритиладиган мутааххир мужтахидлар томонидан мазҳаб соҳибидан ривоят келмаган масалалар бўйича қилинган ижтиҳодлар асносида баён қилинган масалалар киради. Мазкур масала соҳиблари Абу Юсуф ва Имом Муҳаммаднинг шогирдлари ва уларнинг шогирдлари бўлганлар. Улар Муҳаммад ибн Салама, Наср ибн Яҳё, Абул Қосим Сафор каби Абу Юсуф ва Муҳаммаднинг, Исом ибн Юсуф, Ибн Рустам каби Абу Юсуфнинг ва Абу Ҳафс Кабир ал-Бухорий ва бошқалар каби Имом Муҳаммаднинг шогирдларидир.

Биринчи бўлиб уларнинг фатоволарини ўз китобида жамлаган аллома “Имом ул-ҳуда” номи билан танилган Абу Лайс Самарқандийнинг “Ан-навозил” номли китоби, шунингдек “Ал-уйун” номли асаридир.

Сўнгра мутааххир уламолар ушбу масалаларни ўзларининг турли китобларида жамладилар. Масалан, “Қозихон”, “Ал-хулоса” ва бошқалар каби. Улар орасида баъзилари уларнинг баъзи масалаларини ажратиб олиб баён қилганлари ҳам бўлди. Масалан, Ризоуддин ас-Сарахсийнинг “Муҳит” номли китоби кабики, аллома мазкур китобида аввал Усул масалаларини, кейин Наводир масалаларни кейин эса фатоволарни жуда гўзал равишда баён қилган.

Усул китоблари жумласидан “Ҳоким аш-Шаҳиднинг “Ал-Кофий” номли номли китоби бўлиб, у мазҳабни ёйилишида катта аҳамиятга эгадир. Китобни машҳур фуқаҳолардан кўпчилиги шарҳ қилган бўлиб, улардан Шамс ул-аимма Сарахсий, Имом қози ал-Исбижобийларни келтириш мумкин.<sup>466</sup>

Ҳанафий мазҳаби фақиҳлари қошида мўътабар бўлган матнлар ҳақида гап кетганда, айтиш мумкинки, ушбу мазҳабнинг машҳур матнлари “Ад-далил ила-л-мутун ал-илмийа” номли асарда қуйидаги тартибда берилган.<sup>467</sup>

<sup>466</sup> Абдулхай Лакнавий. “Мукаддимату умдатур риъоя”. Ҳиндистон, Лакнав. Юсуфий матбааси. Нашр йили кўрсатилмаган. 9-б.

<sup>467</sup> “Ад-далил ила-л-мутун ал-илмийа”. 1-ж, 278-б.



1. Абул Хусайн ал-Қудурийнинг (в.448.х) “Мухтасар ул-Қудурий” китоби.

“Тухфат ул-фуқаҳо” муаллифи китоб ҳақида гапириб, шундай дейди: “Билингки, шайх Абул Хусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Жаъфар ибн Ҳамадон Қудурийга мансуб мазкур Мухтасар амалда қўлланадиган фикҳий асарлар ичида ихчам ва кифоя қиларлидир, унга ўхшаганини замонлар ҳали кўрган эмас. У бўлиб ўтадиган фикҳий масалаларга тўлиқ жавоб беради, уни ушлаган киши олийликка кўтарилади. У талабалар ўртасида қўлма-қўл бўлган муборак асардир”.

2.Бурҳониддин Марғионийнинг (в.593.х) “Бидоят ул-мубтадий” китоби.

Аллома унда Қудурий масалаларини ва Муҳаммад ибн Ҳасан аш-Шайбонийнинг “Жомеъ ас-сағир” китобларидаги масалаларни жамлаган. Унинг тартибини эса “Жомеъ ас-сағир” тартиби бўйича тартиблаган. “Соҳиб ул-виқоя”нинг айтишича у китобнинг ўхшашини замоннинг кўзи кўрмаган.

3.Мажиддин Мусилийнинг (ваф.683 х) “Ал-мухтор лил фатово” асари.

шайх Мажиддин Абул Фазл Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ибн Мавдуд ал-Мувсилиёйга мансуб бўлган мазкур асарнинг номи “Ал-жавахир ал-музия”да айтилишича “Китоб ул-ихтиёр литалил ал-мухтор” деб номланган. Лакнавий китоб ҳақида “Мен “Мухтор” ва “Ихтиёр”ни ўқиб чиқдим, у иккиси фуқаҳолар назарида мўътабар асар экандир”, – деган.

4. Музаффариддин Соъотийнинг (в.694 х) “Мажмаъ ул-бахрайн” асарининг матни.

Китоб Музаффариддин Аҳмад ибн Али ибн Тағлаб Абу Зитё ас-Соъотий ал-Баълабаккий ал-Бағдодий (в.694 х)нинг асари бўлиб, аллома унда Қудурийнинг “Мухтасар”и ва Насафийнинг манзумасини жам қилган. Асарни 690/7/8 да ёзиб тугатган. Лакнавий: “Мен мазкур китобни ўқиб чиқдим, у ғоят латиф ва латофатли экан”, – дея эслаган.

5. Ҳофизиддин ан-Насафийнинг (в.710, ёки, 701 х.) “Канзуд дақоик” асарининг матни.

6.Тожуш шариъа ал-Маҳбубийнинг (в.781 х.) “Матн ул-виқоя” асарининг матни туради.<sup>468</sup>

Ибн Обидин матн соҳиблари ҳақида шундай дейди: “Улар ҳанафий мазҳабининг фақиҳларининг табақаларида “Муқаллидлар табақаси” деб аталадиган олтинчи табақа вакиллари бўлиб, масалалардаги кучли билан заъифни, зоҳир ривоя билан зоҳир мазҳабни ва наводир ривоятларини ажратишга қодир кишилардир. Улар “Канз”, “Мухтор”, “Виқоя” “Мажмаъ” каби мўътабар матнлар соҳиблари бўлиб, улар ўз китобларида ҳаргиз рад қилинган фикрларни ва заъиф ривоятларни келтирган эмаслар.

Шайх Маҳмуд ибн Ҳамза “Ат-тариқат ул-возиҳа” номли асарида эса “Ҳанафийлар қошида матнлар тўртта бўлиб, улар “Виқоя”, “Мажмаъ”, “Канз” ва “Ал-мухтор”дир, аммо Қудурийнинг матни эса у мазкур матнлардан устун туради, чунки у мутааххир фуқаҳолар назарида алоҳида китобдир”, – деб айтган.

Хожажон қози Рожий Марғинович мазкур алломаларнинг энг кенжа вакиллари билан бири сифатида XIX аср охири ва XX аср бошларида улар тузиб берган ҳанафийлик мазҳабига асосан маҳаллий аҳолининг ҳуқуқий масалаларини ҳал қилишда фаолият олиб борган фақиҳлардан бири эди.

---

<sup>468</sup> “Ад-далил ила-л-мутун ал-илмийа”.1-ж, 278-б.

## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ ВА ХАЛҚ ДАРДИ

Юқорида айтилганидек, Рожий Марғинович қозилик вазифасига ўтирганидан кейин бира-гўла халқ ичига кириб, улар дарди ва шодлиги билан яшайдиган, улар билан бирга нафас оладиган олижаноб кишига айланади. У жамиятнинг барча жабҳаларига кириб бориб, жамиятнинг ҳар бир аъзоси билан бевосита гаплаша олди, уларнинг ғам-ташвишлари ва дардини ўзининг дарди сифатида қабул қилди. У бу ҳолатни ифодалаб шундай ёзган эди:

*Баски гулчини гулшани розам,  
Бар сарам садҳазор навҳагарст.*

Яъни, гарчи сирлар гулшанининг гул терувчиси бўлсам-да, бошим устида юз минглаб йиғловчи навҳагарлар турибди. Ёки:

*Дили ман гунчаасту нашукуфта,  
Бар сарам садҳазор навҳагараст.*

Яъни, дилимнинг гули ҳаргиз очилмади, зероки, бошимда минглаб йиғловчилар турибди.

Шогирдларининг хотирлашларича Рожий домла муаллифи номаълум куйидаги байтни тез-тез такрорлашни хуш кўрар экан:

*Ёрон гумон барандки, мо шоду хурраем,  
Дар зери табассуми мо сад мусибатаст.*

Яъни, дўстлар бизни шод хуррам, деб ўйласалар-да, аслида, ҳар бир табассумимиз остида юзлаб мусибат бор.

Рожий домла каби олижаноб кишилар учун халқнинг ғамидан хотиржам туриш хотиржамлик саналмайди. Фахруддин Али Сафийнинг ёзишича, Мавлоно Абдурахмон Жомий бир кишидан сўрадилар: "Нима иш қиласан?". Деди: "Хотиржамман, оёғимни офиятга бердим, яъни ҳеч қаерга бормайман, бир кунжида фароғатда ўлтурубман". Айтдилар: "Фароғат ва офият оёғни жомага ўраб, бир кунжида ўтиришда эмас. Ҳақиқий офият

ғам ва андуҳда турмақдир".<sup>469</sup> Яна айтар эдиларки, жавонмардлик ул турурким, киши доимо маҳзун ва андуҳликда бўлса, Илохий даргоҳда фориг – бекор ўтирмоқ яхши эмасдур. Кишиким, анда ҳузн ва андуҳ бўлмаса, андин ғафлатни иси келур".<sup>470</sup>

Бошқача айтганда, халқига бўлган муҳаббат ва унинг ташвишларини енгиллатишга бўлган иштиёқ Рожий Марғионийнинг юрагида бир умр катта бир дард машъали бўлиб ёниб турди. Худди мана шунинг учун бўлса керак, Амир Алишер Навоий шеъриятида шеър, ғазал тушунчаси билан дард ёнма-ён келади, ғазални дардсиз тасаввур ҳам қилолмайди. Масалан:

*Эй Навоий, дардлик назмингни дард аҳли билур,  
Дардсиз доғи бўлур они ўқугон аҳли дард.*<sup>471</sup>

Энг қизиғи, Рожийнинг йиғиси ҳам ана шу тоифа кишилар учундир:

*Ашким қаноат аҳлига яъни,  
Айши жаҳонда шоҳоналарга.*

Айниқса, унинг халқ дардидан озурда бўлиб айтган сўзлари ўтли ва қайноқ. Бу мусибатлар уни шу даражага солганки, у оқ торганда ҳатто ойнанинг юзига доғ тушади:

*Қилсам агар оҳ мане дилфигор,  
Моҳ юзин оҳим қилар доғдор.*

Дилининг дуди билан шомни қора юзлик қилади:

*Бўлса на хуш шом агар оҳ-оҳ,  
Дуди билан чоким ила рўсияҳ.*

Ноласи билан ҳулкарни қар қилади:

<sup>469</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт...199-б.

<sup>470</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт...199-б.

<sup>471</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 3-том. Хазойин ул-маоний. Бадойеъ ул-васат. Тошкент, бадиий адабиёт нашриёти, 1965 йил, 63-б.

*Лойиқ эрур кечалари то саҳар,  
Нолаларим Хулкарини қилса кар.*

Ҳамал вақтида гумбирлаётган момақалдиروق товуши эмас, балки унинг иссиқ оҳидан кўкйўтал касалига учраган фалакнинг йўталишидир:

*Раъд эмас гулгулаи вақти ҳамал,  
Бўлди иссиқ оҳим кўкйўтал.*

Айтиш ўринлики, Рожийнинг халқ билан бирга бўлиши, улар дарди билан яшаши улар ҳақида муносиб хулосалар чиқаришига олиб келган. Аллома халқ ичида юриб кишиларни обдон кузатган, уларнинг ташқи кўринишидан тортиб руҳиятигача танишган ва ўша ўзи кузатган халқнинг аҳволларини бирма-бир баён қилган.

Мазкур кузатувлар билан танишар эканмиз, уларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига мансуб кишиларнинг аҳволлари аниқ-тиниқ баён қилинганини кўрамиз ва ҳақиқатан Рожийнинг халқнинг аҳволига бефарқ бўлмаганига амин бўламиз. Зеро, унинг назаридан бирор бир ҳолат четда қолмайди, чунончи, туғилиш ва ўлим, шодлик ва қайғу, роҳат ва меҳнат, бойлик ва камбағаллик, саодат ва шақоват, ҳусн ва қубҳ каби жиҳатларгача тилга олиб ўтади:

*Баъзисининг бошидадир тожи зар,  
Хайлу сипаҳ касратидин нурзафар.*

*Фарқатида бирни наматдин кулоҳ,  
Лашқари ғам ичра аламдори оҳ.*

Яъни, баъзиларнинг бошида тилло тож бўлиб, (масалан, султон ёки хонлар) халқ ва аскарларининг кўплигидан музаффар ва шод бўлса, баъзилар, йўқликдан бошида наматдан кулоҳ кийиб, ғам алам ичида оҳ тортади.

*Бирни қилур давлат ила сарафроз,  
Баҳмал уза айлағуси хоби ноз.*

*Баъзини йўқ кулбасида бўриё,  
Фақр ано шиддатига мубтало.*

Яъни, агар (Аллоҳ таоло) бир бандасига давлат бериб сарафроз қилса, у бахмал гилам устида роҳатланиб ётади. Аммо баъзиларни эса кулбасида бир дона бўйра ҳам бўлмай фақирлик шиддатига мубталодир.

*Бирда эрур сўйи фаранг иртисол,  
Моли гарон бирла ба таҳсили мол.*

*Бирга бериб шавкат ила карру фар,  
Баъзисидир халқ ичинда гунгу кар.*

Яъни, баъзилар савдо учун катта мол билан Фарангистонга сафар қилади. Шунингдек, бировга шавкат бериб машхур қилган бўлса, яна бошқаси халқ орасида гунг ва кар, номи чиқмай ўтмоқда.

*Баъзисига берди мақому рафиъ,  
Қилди жаҳон халқини анга мутеъ.*

*Баъзисидур гулҳан аро хокисор,  
Устида йўқ пирохани жуз губор.*

Яъни, баъзиларга олий мартаба бериб, жаҳон аҳлини унга тобеъ қилган бўлса, баъзиларни ўт атрофида хокисор қилдики, уларни устида гард-ғубордан бўлак бирор чирик кийими ҳам йўқ.

*Баъзисига берди ақори замин,  
Манзилини қилди чу хулди барин.*

*Баъзисининг буқъасидир эски гор,  
Дўзахининг гўри каби тангу тор.*

Яъни, баъзиларга кўплаб экин майдонларни бериб, манзилини гўёки жаннат қилган бўлса, баъзиларни турадиган ери эски ғорлар бўлиб, у ер дўзахий кимсанинг жойи каби танг ва тордир.

*Бирга бериб жуфт бериб бирга тоқ,*

*Баски, бири бою биридур қашшоқ.*

Яъни, бирига бойликларни жуфтлаб – кўплаб берса, бошқасига тоқ, яъни оз беради, яъни бири бой, бири камбағалдир.

Эслатиш жоизки, келтирилган сатрларни Рожийнинг замондан шикоят, деб талқин қилиш мутлақо нотўғри. Шариатнинг етук билимдони бўлган аллома шоир ношукрлик маъносида сўз айтиши мумкин эмас. Қолаверса, у ўз асарларида:

*Айламагим шиква мени пуртаъаб,  
Дема фалак гардишидан бесабаб,*

яъни, мени шикоят қилмоғим мумкин эмас, бу ишларнинг ҳар бири бесабаб эмасдир, дея уларнинг ҳар бири муайян сабаблар билан воқеъ бўлаётир, деб айтиб ўтади. Бундан ташқари, бировларни айблаш ўта оғир эканини Рожий домла яхши англаган. Келтираётган сатрлар Қодир Аллоҳнинг буюк қудратини ва ашёларни яратишдаги баъзи ҳикматларини баён қилиш экани шундоққина кўриниб турибди. Аллоҳ таолонинг ҳар бир ишида ҳикмат, ҳар бир ҳукмида бир сир-синаот бор. Ҳар бирида бандаларнинг хайрият ва яхшилиги бор. Зотан, Парвардигор бандаларга азалий меҳрибон ва раҳмли зотдир. Ҳикмат ва қудрат соҳибидир. Шундай экан, Унинг ҳар бир иши ҳикмат ва қудратдан асар, унинг кўриниши ва намойишидир.

Агар биз ақида китобларида келтирилган Аллоҳ таолонинг ирода сифати ҳақидаги таърифлар билан танишсак, Рожийнинг келтирган сўзлари Аллоҳ таолонинг ирода сифати тақозосича бўлаётган ишлар эканини англаймиз:

"Ақида бўйича Аллоҳнинг ирода сифати бўлиб, бу бир нарсанинг ундай бўлиб, бундай бўлмастлигини била олмоқ ва уни хоҳлаганидек тайин ва хос қилмоқдир. Дунёда нимаики бор бўлса, Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билан бўлгандир. Мумкин бўлган ҳар бир нарсанинг қай шаклда ва қай вақтда бўлмоғини хоҳлаган бўлса, ўша нарса ўз вақтида ўшандоқ бўлади. Ҳамма нарса Унинг иродаси билан бўлади.

Аллоҳ таоло иродаси билан ҳодисотни тадвир этади – узлуксиз жараён этириб туради. Борлиқ оламида оз-кўп, катта-кичик, хайр-шарр (яхшилиқ-ёмонлик), фойда-зарар, имон-куфр, этироф-инкор, мувафакият-муваффақиятсизлик, ортиш-камайиш, итоат-исён Унинг илми, иродаси, тақдири, ҳукми ва хоҳиш-истаги билан жараён этади. Хоҳлагани бўлади, хоҳламагини бўлмайди. Хоҳлаган ишини албатта қилади. Амрини ва ҳукмини асло ҳеч кимса рад этолмайди. Инсон фарзанди гуноҳлардан ҳам фақатгина Аллоҳ раҳматининг тажаллийси билангина қутула олади. Инсон Аллоҳга лойиқлик билан итоат этмоғи учун ҳам Унинг тавфиқига муҳтождир. Қутулиш фақат Унга қайтиш билангина мумкиндир. Бандалари фақат Унгагина илтижо эта олади. Бутун инсоният тўпланиб, бир заррани ҳаракат қилдирмоққа ва ёки ҳаракат этаётган нарсани тўхтатмоққа уринсалар, Аллоҳнинг ирода сифати тажаллий этмагунича, бунга қодир бўла олмайдилар. Аллоҳ таолонинг ирода сифати азалийдир. У азалдан нарсаларнинг вужудга келишини ирода қилган ва ирода қилган нарсаларини тақдим, таъхир, табдил ва тағйир этмасдан – олдинга олмасдан, кечиртирмасдан, алмаштирмасдан ва ўзгартирмасдан, вақтида халқ этган – яратгандир.

Аллоҳ, қилинмоғини ирода этган ишларни тадвир этишда – узлуксиз жараён этириб туришда фикрий тартибга ва вақт белгилашга муҳтож эмас. Шунинг учун ҳам ҳеч бир иш Унинг бошқа бир ишни қилишига монъелик қила олмайди".<sup>472</sup>

Рожий кишиларнинг моддий иқтисодий аҳволларини ҳам бирма-бир тилга олар экан, уларнинг руҳий-ҳиссий ҳолатларини мулоҳаза қилади ва бу борада ҳам аниқ хулосаларни келтиради. Чунончи, у бир ўринда Аллоҳ таоло баъзиларга гўзал хулқ ва чиройли сурат бериб халқ орасида гўё фариштадек қилган бўлса, баъзиларни кўринишини чиройли қилмаганидек, ёмон ишларни қилувчи қилгандирки, унинг суҳбатидан ҳамма қочади дейди:

---

<sup>472</sup> Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий. Жомеъ ул-мутун. Мотуридия эътиқод таълими ҳақида матн ва шарҳдан иборат муфассал рисола. Тошкент, "Мовароуннахр". 2000, 37-38-бетлар.



*Баъзи қарихманзару пур шўри шарр,  
Сухбат ила талъатидан ал-ҳазар.*

*Бирга бериб хулқи хушу ҳусни зеб,  
Халқ ичида қилди малойик фиреб.*

Ёки, баъзиларга комил ақл бергани учун дунёга боқмай, охират ишини қилувчи ҳушёр қилган бўлса, баъзиларнинг ақлини заъиф қилгани учун бошида жафо тошларидир, дейди:

*Бирга хирад берди қилиб ҳушёр,  
Аҳли жаҳон шевасидан дилфигор.*

*Бирни жунун бирла қилиб бешуур,  
Санги жафо топди бошида судур.*

Ёки, баъзиларнинг масканини хонақоҳларда қилиб, фикри-зикри доим Аллоҳ ёдида бўлса, баъзиларнинг жойини майхонада қилгани учун кўнгли бу ўткинчи жаҳон таъна маломатларидан яримдир дейди:

*Бирни қилиб масканини хонақоҳ,  
Фикри Худо, зикри ани "Ё Илоҳ".*

*Баъзисидур майхона ичра муқим,  
Кўнгли жаҳон таънаси бирла ярим.*

Тилга олиб ўтилган сифат соҳибларининг барчаси Рожий атрофидаги кишилар эди. Хўш, Рожий улар билан қандай муносабатда бўлган. Ёки, умуман унинг атрофида асосан кимлар бўлган, бойларми, ёки камбағаллар? У кимлар билан кўпроқ сухбат қилган, аҳли дунёлар биланми, ёки аҳлуллоҳлар билан? Ушбу саволларга жавоб бўлувчи воқеа ва ҳодисларни алоҳида ном остида беришни муносиб топдик.

### ***Рожий атрофидаги кишилар***

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Рожийнинг атрофида доим камбағал ва аялманд кишилар бўлган:

*Рожий ҳамиша голиб даври замон эдилар,*

*Ҳар бенавога мунис, фарди замон эдилар.*<sup>473</sup>

Ҳорис Муҳосибий айтади: "Ким жаннат аҳлларига ҳамсухбат бўлиш завқини тотмоқчи бўлса, камбағаллар билан бирга ўтирсин".<sup>474</sup>

Энг қизиғи, Рожий домла обрўли мансабда бўлишига қарамай кўлида мол тутмаган. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*"...Ҳақиқатдан Рожий ер-сув, мулку ашё ва зийнатли хонажой қилганлари йўқ. Марғилонлик Саййид Аҳмад Хўжа ўғлининг қизини ўғилларига олиб берган бўлсалар-да, лекин бунга манманлик қилганлари йўқ, писанд ҳам қилмаганлар".*<sup>475</sup>

Рожий домланинг дунё молу матосига боғланмаслигининг сабаби бойлик инсон кўнглини қора қилиши, дил кўзини кўр қилишини яхши англаганидан эди:

*Дунё матоин ҳар сифла олсун,  
Манзур эмасдур мардоналарга.*

Яъни, дунё молу матосини сифла – тубан кимсаларга бераверинг, Ҳақ зикрида юрган мардоналарга у керак эмас.

Киши бойлиги кўпайгани сайин унга муҳаббат ҳам ошиб боради, бу уни ён атрофидаги камбағал ва бечораҳол кишилар аҳволидан ғофил бўлишига олиб келади. Мазкур маънолар куйидаги фардида гўзал тарзда ифодаланган:

*Ба арбоби жаҳон кай мерасад фарёди мискине,  
Ки монанди садаф доранд аз дур гўши сангини.*<sup>476</sup>

**Таржимаси:** Бечора фақирларнинг фарёди жаҳон арбобларининг қулоғига қачон етиб борсинки, уларнинг садафга ўхшаган қулоқлари дур тоши билан беркитилган бўлса.

Рожий домланинг камбағал ва қийналган кишиларга шафқат ва муруввати уни ёшлигидан қийинчилик билан ўсиб,

<sup>473</sup> Шеър матни М.Мадғозиев кутубхонасида сақланади.

<sup>474</sup> Ибн Мулқин "Табакот ул-авлиё". <http://www.alwarrag.com> 1-ж, 55-б.

<sup>475</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...3-б.

<sup>476</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 152-б.

рўзгор ва талабалик машаққатларини бошидан кечиргани ва шу сабабли камбағалпарвар бўлиб вояга етганидан эди.

Рожий домла уларга маънавий тасалли билан бирга моддий ёрдам ҳам беришга одатланган эди. Бу ҳақда Рожий домлани кўрган ва у билан девор кўшни бўлиб яшаган марғилонлик Акрамжон Бадалхўжа ўғли ўтган асримизнинг етмишинчи йилларида шундай эслаган эди:

*"Ҳожажон Рожий етимпарвар, камбағалпарвар бўлган. Қўлига маблағ тушиди дегунича борини шуларга сарфлар эди. Ҳар ҳайитда болалари, набираларига нима олса, эшигигача афтодаҳол кишиларнинг болаларига ҳам шуларни илинар, уйида улар учун овқат қилдириб бериб хурсанд қилар эди. Мен ва синглим Робахонни ўз фарзандлари қатори ўқитмай тарбия қилган. Болалари, набиралари қатори болам-бўтам, деб ота-онамиз йўқлигини билдирмаган, эди".<sup>477</sup>*

Абдуллоҳ ибн Абу Бакра тўрт томонидаги кўшниларига яхшилик қилар, рамазонда уларга ифторлик тарқатар, аммо ўзи эса қотган нонлар билан оғиз очар эди.

Ибн Минҳал Тоийнинг айтишича Имом Зайнул Обидин агар бир тиламчига садақа бермоқчи бўлсалар, уни пешонасидан ўпиб сўнгра берар эканлар. Бу уни келганига хурсанд бўлганларининг аломати эди.

Айтишларича, Рожий домла ҳар куни қозихондан уйига қайтаётганида йўлда мардикор бозоридан ўтар экан. У ерда кечгача хизмат чиқишини кутиб ўтирган ҳаста, бемор, оксоқ ва жисмоний ожизлиги бор кишиларни кўриб, уларга, қани мен билан юринглар, хизмат бор, деб ўзи билан бошлаб олиб кетар экан. Уйига келиб ҳовли орқасидаги боғдан бир туп ўрик, ёки гилосни кўрсатиб, ана шу ерни кавлаб юмшатиб беринглар, дер, улар бир оз чопишлари биланок, бўлди етади, деб тўхтатар ва уларга хизмат ҳақи бериб хурсанд қилиб жўнатиб юборар экан. Бу иш ҳар куни такрор бўлиши, дарахтнинг таги чопилавери

---

<sup>477</sup> А.Бадалхўжаев ёзма хотиралари. М.Мадғозиев кутубхонаси.

юмшаб кетиши уни қизиқтирмас экан. Бу унинг бир тадбири экан, холос.<sup>478</sup>

Хожажон Хожа Рожийга муҳаббатли кишилардан, унинг зиёратига тез-тез келиб турган фарғоналик Мулла Олим Туркистон вилояти газетасининг 1911 йил 16 июндаги 44 сониди берилган мақоласида Қози домланинг камбағалпарварлиги ҳақида гапириб: *"Мухрона учун хоҳ оз хоҳ кўб нима берса олиб кўб-оз демас эканлар. Ул жаноб одатларини билган фақир бечора раиятлари беш сўм, тўрт сўм берадургон мухрона учун 20 тийин, 30 тийин берадур экан"*, деб ёзган эди.<sup>479</sup>

Машхур тариқаи шайхи Амир Кулол куддиси сирруҳунинг фарзандларидан бири Амир Ҳамзанинг айтишича Ҳазрат Ориф Деггароний шундай деганлар: "Агар сени юкингни тортадиган ёр топмоқчи бўлсанг, бу жуда душвор – оғирдир, аммо сен уни юқини тортадиган ёр топмоқчи бўлсанг ҳамма аҳли жаҳон сени ёрингдир".<sup>480</sup>

"Ҳилят ул-авлиё"да келтиришларича Зайнул Обидин кечаси елкасида ун солинган ҳалталарни кўтариб Мадинанинг камбағал кишилари хонадонига тарқатиб чиқар, лекин буни улар билишмас экан. Бундан хабардор кишиларга: "Махфий садақа Парвардигор ғазабини сўндиради", – дер эканлар.

У зот вафот этганларида баданларида юклар оғирлигидан пайдо бўлган доғни кўришади. Бу ҳақда Амр ибн Собит шундай дейди: "Али ибн Ҳусайн вафот этгач, уни сувга олдик. Елкасида қора доғларни кўрдик. Бундан ҳайрон бўлганимизда: "Бу Мадина фақирларининг уйига ташиб борилган қопларнинг доғи", – дейишди.

Муҳаммад ибн Исҳоқнинг айтишича, мадиналик кўплаб камбағал кишилар рўзгор ўтқазिशар, лекин нафақалари қаердан келишини билишмас эди. Қачонки Зайнул Обидин вафот этгачгина уларни ким ташлаб кетаётганини билдилар.<sup>481</sup>

<sup>478</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – Фарғона. 2015.

<sup>479</sup> Туркистон вилоятининг газети. 1911 йил 16 июн. № 44. 1-2 -б.

<sup>480</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт... 70-б.

<sup>481</sup> Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний. "Ҳилят ул-авлиё"...1-ж, 452-б.

Али р.а: "Яхшилиқни қадрига етгану етмаганга қилавер, чунки қадрига етмаганга қилинган яхшилиқ тарозуда оғир келади", – деганлар. Муҳаммад ибн Ҳанафия шундай деган: "Яхшилиқ қилувчи ҳеч қачон йиқилмайди, бордию йиқилганда ҳам оёғи синмайди".

Имом Абул Лайс ибн Саъд ҳузурига бир киши бемор аёли учун бир оз асал беришларини сўраб келади. Унга катта идишда тўла асал берадилар. У: "Аёлим шу кичик косада асал бўлса етади, деган", – дейди. Улар: "Тўғри, аёлинг ўзига яраша сўраган, биз ҳам ўзимизга яраша бердик", – дейдилар.

Ҳасан ибн Алидан бирор нарса сўралса тезда уни беришга шошилар ва: "Тоғиб бергунимча иши битиб қолиб, улкан савобдан қолишдан қўрқаман", – дер экан.

Миҳлаб ибн Абу Сафра ўғилларига: "Агар фақир кимсани ҳовлинг атрофида бориб-келаётганини кўрсанг, билки у муҳтождир, дарров унга бир нарса чиқариб бер", – деган эди.

Муаммар: "Энг ёмон яхшилиқ соилни ўзинг тоғиб бермасдан тиланиб келишига мажбур қилмоғингдир", – деган.

Таъкид жоизки, Рожий мазкур синф вакилларига яхшилиқ қилар экан, улардан мутлақо миннатдорчилик кутмаган. Балки яна уларга кўпроқ фойда етказиш чораларини кўрган.

"Рашаҳот"да келтирилишича, Шайх Рукниддин Алоуддавла Симноний куддиса сирруху Хожа Али Рометаний куддиса сирруху билан замондош эдилар. Бир куни у зотдан: "Сиз ва биз келувчи ва кетувчи (зиёратчилар)ларга хизмат қилурмиз ва сиз таомда такаллуф (зиёда қилмоқ) этмассиз ва биз такаллуф этармиз ва (ҳоланки) одамлар сиздан озодлиқ этарлар (рози бўлурлар) ва биздан гилада турурлар (норози бўлурлар). Сабаб не турур?", – деб сўрайдилар. Ҳазрат Азизон (Хожа Али Рометаний) шундай жавоб берадилар: "Хизмат қилиб миннат қўйғувчилар (қилувчилар) кўп турур ва хизмат эта туриб миннатдор бўлувчилар кам турурлар. Жаҳд (ҳаракат) қилингим, хизмат қилиб, миннатдор бўлувчилардан бўлинг, то ҳар киши сиздан гилада бўлмасун!"<sup>482</sup>

<sup>482</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 57-б.

Рожий домлани етимпаравар, камбағалпарвар экани ҳақида гап кетганда Рошидон қишлоғида яшаб ўтган уламо Мирзахотам аълам домланинг фарзанди Мироъзамнинг куйидаги ҳикояси ёдимизга келади.

Онасидан етим қолиб, ўғай она кўлида қийинчиликда катта бўлган Мирзоъзам бир гал сургун қилинган отасини излаб кўп машаққатларга дуч келган эди: “Бир қариндошимиз отамни Сўх қишлоғида кўрганини ўғай онамга айтаётганини эшитиб қолдим. Қалбимга ўт тушди. Қани энди қанотим бўлса-ю, Сўх қишлоғига учиб борсам. Ўша кунлари отамни жуда соғинган эдим. Соғинч изтироби менга тинчлик бермасди. Ҳаёлимда Сўх қишлоғи Рошидоннинг ортидаги қишлоқлардан бири эди. Сўх қишлоғининг Рошидондан 60 километр узоқда эканлигини мен билмас эдим, чунки мен 5-синф ўқувчиси эдим ўша пайтда.

1943 йилнинг куз ойлари. Ҳаволар анча салқин бўлиб қолганди, эрталаб азонда турдим-да, Сўх қишлоғига отамни излаб йўлга чиқдим. Пиёда бир ўзим чошгоҳда тоғлар этагига етиб бордим. Одамлардан Сўх йўлини сўраб-суриштирганим бўйича йўлда давом этиб, бироз тоғ этагида дам олиб яна йўлга тушдим. Йўлда баъзан адашиб қолсам, йўл кўрсатувчи инсон зотининг ўзи йўқ эди. Ёлғизнинг ёри Худо деганларидек ёлғиз йўлимда давом этдим. Йўлда ҳеч кимни учратмадим.

Тоғлар орасидаги илон изига ўхшаган йўлда бирор қишлоқ кўринмас, мени эса бродан сари дармоним сўлиб борарди. Бора-бора бир қадам кўйишга ҳам мажолим қолмади, бунинг устига қорним очлигидан кўнглим беҳузур бўларди. Ниҳоят тўхтаб бироз дам олдим. Қуёш тоғлар ортида чўкиб кетар, тоғлар ортидан мунаввар шафақ кўринарди. Менинг эса бу гўзалликка маҳлиё бўлишга алсо ҳаққим йўқ эди. Қоронғуга қолмаслик учун зўрга ўрнимдан туриб йўлимда давом этдим. Тун қоронғулашди. Тоғлар ораси зим-зиё зимистон бўлди. Юришга бошқа кучим қолмади. Йўл ёқасидаги харсанг тошнинг устига чиқиб ётдим. Тун жуда ваҳимали, ҳар замонда ёввойи ҳайвонларнинг увиллаган товуши эшитиларди. Кўрқувдан ўзимни дадил тутишга ҳаракат қилар эдим. Кўрқа-кўрқа чарчок туфайли қаттиқ уйкуга кетибман. Кўзимни очсам тонг ёришибди,

қандай гўзал мусаффо тонг. Тун зулматидан кейин қалбни сурурга тўлдириб ёришган тонг эди у. Лекин бир муаммо – харсанг тошнинг қирралари белимга ва орқаларимга ботиб кетиб, бутун вужудимда оғриқ сезардим. Ўзимни тетик тутиб, яна йўлга тушдим. Ҳануз на бир киши ва на бир қишлоқни учратгандим. Ҳаво салқин бўлганлиги туфайли совқотганимдан қалтироқ тутди. Бунинг устига қорним ниҳоятда оч, ҳеч қандай егулик ҳам йўқ эди. Қуёш тоғлар ортидан заррин кокиллари ни ёзаётган пайтда кўзимга бир қишлоқ кўринди. Хурсанд бўлганимдан ҳолдан кетаётган бўлса ҳам ўзимни тетик тутишга ҳаракат қилиб, қишлоққа етиб олдим. Ариқчада оқаётган сувдан ариқча энгашиб қониб-қониб ичдим. Аллоҳнинг манна шу биргина немати қандай ҳам қадрли. Сув ичиб бўлгач, умид билан қишлоқдаги бир эшикни тақиллатдим. Аёл киши чиқди. Ундан бир тўғрам нон сўрадим. Аёл менга бир тўғрам куйган нон олиб чиқиб берди. Сўнг мендан:

– Қаердан келяпсан, болам, – деб сўради.

– Риштондан отамни излаб келяпман – дедим.

– Отангнинг қаерда эканлигини биласанми? – деди аёл.

– Йўқ билмайман. Аммо эшитишимга қараганда, дадам Сўхда эканлар.

– Отанг Сўхнинг қайси қишлоғида эканлигини биласанми? – деб сўради аёл.

– Йўқ билмайман, аммо эшитишимга қараганда, дадам Сўхда эканлар – дедим.

– Ахир Сўхда элликдан ортиқ қишлоқ ва маҳаллалар бор. Қайси қишлоқда, қайси маҳаллада эканлигини биласанми, болам, – деди аёл.

– Йўқ, – деб жавоб бердим маъюслик билан. Хўрлигим келиб йиғлаб юбордим.

– Худо сени бир сақлабди, йўлда яхшиям оч бўрилар учрамабди. Тоғларнинг ичида ёлғиз юрма. Хоҳласанг бизникида қол, – деди аёл меҳрибонлик кўрсатиб.

Мен аёлнинг таклифига кўнмасдан йўлимда давом этдим. Бир тўғрам куйган ноннинг қуввати билан Сўхнинг Равон деган қишлоғига етиб келдим. Тўғрам ноннинг кучи кетиб қорнимда

яна очлик сездим. Афсуски ёнимда на бир егулик ва на пулим бор. Мажбур ўша ердаги бир чойхонага бордимда, чойхоначи амакига:

– Сизга хизмат қилсам майлими? Чойнак-пиёлаларни саранжом қиламан, дедим.

– Майли деди чойхоначи. Бунни эшитиб хурсандлигимдан йиғлаб юбордим.

– Йиғлама, бу ерларда нима қилиб юрибсан?

– Отамни излаб юрибман.

Қани энди шу пайтда отамни топиб олсам. Оёқларига ёпишиб, хўрлигим келиб йиғлаб-йиғлаб олар эдим. Чойхоначи сўради.

– Отангни манзилини биласанми? Йўқ дедим.

– Хом бола экансан. Ўшанча йўлни босиб келадиган одам ишни пишиқ қилиб келадида.

Мен ҳеч нима демадим. Мен ёш ва хом бўлганимни ўзим ҳам билмасдим. Сўхни қишлоқлари кўп экан. Чойхонада хизматкор бўлиб юрганимда бир бола билан учрашиб дўст бўлиб қолдик. У бола:

– Ўқийсанми? Қайси мактабда ўқийсан? деб сўради.

Мени ҳеч кимим йўқлиги ва ўқимаслигимни айтдим. У бола мени мактабга олиб борди. Директор савол-жавобдан сўнг мени ўз уйига олиб кетди. Директор ҳовлисида хизматкор бўлиб ишлаб юрдим. Ўлиб қолмаслигим учун картошканинг пўчоғини қайнатиб беришарди. Шунисига ҳам шуқр. Шунда мен тириклигимга ва соғлигимга шуқр қилардим. Аммо директорнинг на фамилияси ва на исмини биламан. Совуқ тушди. Дарёдан сув таширдим. Оёқ кийимим йўқлиги сабабли менга катталарни оёқ кийимини топиб беришди. Оёғимга мос пояфзал йўқ эди. Мен эслаб кўрсам Риштондан отамни излаб ялангоёқ борган эканман. Қиш фасли ҳам келди, назаримда қор ҳар доимгидан ҳам кўп ёғганди. Иш асносида катта оёқ кийимим ичига қор кирарди. Ҳар замон калишни ичидаги қоқиб, қорни ялангоёқ босишга мажбур эдим. Охири оёқларим совуқдан ёрилиб-ёрилиб кетди. Қорда оёғим жароҳатидан томган қон излари қолар, кечалари оёғим ҳам совқотарди ва ҳам жизилларди. Шикоят қилишга ҳаққим йўқ



эди. Хайдаб юборсалар қаерга бораман деган фикр хаёлимдан ўтарди. Борадиган жойим йўқлигини яхши билардим. Чидашга ва сабр қилишга мажбур эдим. Отамни тополмагач Риштонга қайтишга мажбур бўлдим. Сўхдан қайтганимда эса мени ўгай онам ушлаб роса калтаклади. Мени ҳимоя қиладиган отам ва акаларим йўқ. Уйни орқасига ўтиб йиғлаб-йиғлаб олганим ҳамон ёдимда. Мени айбим нима эди отамни соғинганимми ёки мусофирликда хўрланганимми ёки оёқларимдаги оғир жароҳатимми? Ёш бошимда шунча кўргиликни кўрганим кўз ўнгимдан кетмайди. Ўшанда раҳматли онамни жуда қўмсардим.

Кейинги йилларда отам озодликка чиққанда уйда суҳбатлашиб ўтирганимизда сўрасам ўша йилларда “Хушёр” қишлоғида бўлган эканлар. Нима учун “Хушёр” қишлоғига боргансиз десам,

– Хушёр орқали Қаротегинга йўл бор экан. Қаротегинга борсам у томонидан Афғонистонга у ердан Арабистонга ўтиб кетиш мумкин эди. Шундай қилиб “Ҳаж” маросимларини бажарган бўлур эдим. Насиб этмади. Аллақандай куч мени она юртимдан чиқиб кетишга қўймади, дедилар”.<sup>483</sup>

Мақсадга қайтдик. Рожий домла гарчи имкон қадар мазкур тоифа вакилларига яхшилик қилган бўлса-да, барибир уларнинг аянчли ҳолларига ачинган. 1906 йилда Марғилонда ўта камбағаллик билан вафот этган Аҳмад охунд домла ҳақида ёзар экан, камбағаллигидан мурдашуй ҳам уни жасадини ювмади, дея ачиниб гапиради:

*Мурду гане ҳужиста ворис ба худ нажиста,  
Гассоли бад нашуста ийнак вафойи дунё.*

*Пири гадо бемирад ворис аз ў чи гирад,  
Аз дасти мойи ў гайр аз асои дунё.*

**Таржимаси:** У маънавий бадавлат бой ҳолида вафот этди, аммо ўзига бирор ворис қолдирмади, ҳатто дунёнинг

---

<sup>483</sup> Мирзоаъзам Хатамов. Кўрган кечирганларим. Қўлёзма. 14-16-бетлар. Н.Абдулаҳатов кутубхонаси.

бевафолигидан мурдашуй ҳам унинг жасадини ювади. Ахир, бир қари гадо ўлса, меросхўр ундан нима олади, қўлидаги асосидан бўлак унда ҳеч вақо йўқ.

Марғилонда аъламлик билан ўтган Усмон хўжа ҳақида эса қуйидагиларни ёзади:

*Вафоси йўқ жаҳон ул шўрликка,  
Танаъум тузини тоттирмай ўтди.*

Яъни, афсуски, бу бевафо дунё у бечорага бирор марта нозу неъмат тузини тоттирмади, яъни, фароғат кўрмади. Бироқ, дейди Рожий, у ажиб мард эканки, бировлар берганини олиб, ўзини ҳар турли тубан кимсалар миннатига рўбарў ҳам қилмади:

*Ўзин ҳар сифлаларнинг миннатиға,  
Ажаб марди экан ул бостирмай ўтди.*

Рожийнинг қуйидаги сўзлари ҳам ана шундай кузатувлари асносида яратилган эди:

*Баъзисидур бойлик ила вақти чоғ,  
Баъзисидур кулфат ила бедимоғ.*

*Иззу гино бирла бировда хуруш,  
Баъзи жаҳон ҳасратидан заҳар нўш.*

Яъни, баъзилар бойлик туфайли вақти чоғ бўлиб юрса, баъзиларни бағри кулфатдан доғдир. Биров бойлик ва азизлик билан таом еса, яна бири жаҳон ҳасратларидан заҳар ичади.

*Ҳасрат ила баъзи бошин қашлаган,  
Қарзи келиб доманини ушлаган.*

*Айши эрур бирни баважҳи атамм,  
Ғам юкидан баъзисини қадди хам.*

Яъни, биров ҳасрат билан бошини қашласа, бошқаси ҳақдор қарзини талаб қилганидан ташвишда. Баъзиларни рўзгори комил бўлса, баъзиларни ғам юкидан қадди эгилган.

*Баъзи кийиб қат бақату нав банав,*

*Раҳишони бод каби тезрав.*

*Бирни тўни пирохани юз ямоқ,  
От узаси анга фалакдин йироқ.*

Яъни, баъзилар турли ранг-баранг либосларни қатма-қат кийиб, минган оти ҳам шамолдек чакқон бўлади. Бировни эса кийган эски тўнида юз ямоқ бўлиб, отга миниш унинг учун гўё осмондан ҳам йироқ.

Рожий инсонларни, хусусан камбағалларни инсон сифатида кадрламайдиган баъзи кимсаларга қарата шундай деган эди:

*Машикан зери сангин озор аст,  
Дил хазаф нест бебаҳо гуҳар аст.*<sup>484</sup>

Яъни, мискин (бева-бечоралар) кўп ҳолларда озор тошларининг остидадир, ахир дил сопол эмас, бебаҳо гавҳар-ку!

Рожий домла мазкур тоифа вакиллари билан суҳбатлашиш, баъзи қизиқ-қизиқ латифаларни айтиб кўнгилларини кўтаришни ҳам хаёлидан чиқармаган. Ўз ўрнида уларни юпатган, тасаллийлар берган, керакли насихатлар қилган. Масалан:

*Шоди-ю гам аз паи ҳам меравад,  
Аз сари мо суру мотам меравад.*

*Гар шаби меҳнат ба оҳи бугзарад,  
Субҳи роҳат ҳам ба як дам меравад.*<sup>485</sup>

### **Таржимаси:**

*Боқий эрмас шодлигу гам ўтгуси,  
Бошимиздан шўру мотам ўтгуси.*

*Оҳ билан ўтказса меҳнат тунини,  
Субҳи роҳат ҳам келур дам ўтгуси.*<sup>486</sup>

Ёки:

*Дил гунчадек тугилган бир танга тор эмасму?*

<sup>484</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 155-б.

<sup>485</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 62-б.

<sup>486</sup> М.Мадғозиев таржимаси.

*Аммо ёзилса бори файзи баҳор эмасму?*

*Ғам бирла шодмонлиғ, субҳ ила шом тавъаман,  
Гул гунчасида хору ганж ила мор эмасму?*<sup>487</sup>

Рожийга кўра, агар Аллоҳ таоло карам қилса оддий бир ғулом ҳам баланд мартабали шоҳ бўлиши мумкин:

*Қилса карам бўлғусидир ҳар ғулом,  
Шоҳи фалак қадри рафиъул мақом.*

Рожийнинг камбағалларга эҳсон ва яхшилик қилишга бўлган рағбати бу сифатга эга кишилар ҳақидаги илик сўзларидан ҳам билинади. Марғилоннинг Машҳад даҳасида ўтган улуғ аллома Бузрукхон козини таърифлар экан, шундай дейди:

*Бузрукдир улким ўтти имконни қулзумидан,  
Ғарқ ўлмади таъаллуқ гирдобини кумидан.*

*Дунёни хурофоти ўтлуғ кўрунди қуйди –  
Бошига сув қаноат сардобасин хумидан.*

Яъни, бу зот шундай улуғ киши эдики, дунё майдонидан ўзига мол-дунё фитнасини илинтирмай ўтди. Дунёнинг ишлари унга қайноқ – ўтли кўришиб, бошига қаноат кўзасидан сув қуйиб розилик билан ўтди.

Бошқа ўринда унинг қўли очиқ – саховатли экани ва у шу сифат билан туғилганига ишора қилиб дейди:

*Эрди карам-ла ҳамроҳ абнойи даҳр ичинда,  
Дасти очуқ туғулгон исмат асар умидан.*

Унинг бу қарашлари марғилонлик яна бир уламо уламо Мулла Аҳмад охунд ҳақида келтирган таърифларида ҳам кўзга ташланади:

*Марде ба номи Аҳмад аз атқийёи дунё,  
Ботин ганий зи маъни зоҳир гадойи дунё.*

---

<sup>487</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 63-б.

*Аз сарфарозийи даҳр боэътибори мансаб,  
Ҳиммат шумурд мурдан дар зери бори дунё.*

Яъни, Аҳмад исмли бу зот дунёнинг атқиёларидан бири бўлиб, ичи маънога бой, аммо зоҳири камбағал кўринишда эди. У зот мансаб шуҳратидан воз кечиб, ўлимни ўзига шуҳрат, деб дунё молидан воз кечган эди.

*Раҳмат ба кўҳи ў бод чун худ на хурд хўрдан,  
Аз фазлайи навояш ҳар бенавойи дунё.*

Яъни, унга раҳматки, ўзи ейишни истамади, аммо бошқалар унинг дастурхонидан ейишди.

Худоёрхон даврида тариқат пирларидан бўлган Миён Фазл Аҳад таърифида айтган сўзларини ҳам шу маънода:

*Фақри мафхар, жуд масдар, хайри мазҳар, сидқ асар,  
Оли атҳар аз умр бо вазъи дарвешона шуд.*

Яъни, фақирлик унга фахр, қилмиши эҳсон, кўриниши гўзал ва ишлари сидқ, шу билан бирга покиза авлод аҳлидан бўлса-да, бироқ ўзи дарвешона эди.

Айтиш жоизки, Рожий домлани мазкур тоифа кишилар кўнглини олишга бўлган рағбатига яна бир сабаб уларнинг қалби "Ҳақ мазҳари" ("Ҳақ таолонинг назари тушадиган жой") эканидан эди:

*Вайрон кўнгишлар Ҳақ мазҳаридир,  
Ганж ўлди пинҳон вайронларга.<sup>488</sup>*

Рожий Ҳақ мазҳари деганида нимани назарда тутган? Умуман, Ҳақ мазҳари деган сўз ўзи нима?

Маълумки, исломда Парвардигор розилигини топиш деган улуғ тушунча бўлиб, бу барча мусулмонлар учун олий мақсад саналади. Балки, бандаларнинг амалларидан кўзланган аосий мақсад ҳам шу аслида. У жаннат мукофотидан ҳам ортиқроқ экани айтилган. Чунки руҳоний саодат жисмоний саодатдан

<sup>488</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 50-б.

албатта, устундир.<sup>489</sup> Ибн Ҳажарнинг айтишича, кишига ўз хожасининг розилигини ҳис қилишидан ҳам кўра кўзини қувонтирадиган ва қалбига тасалли берадиган неъмат бўлмайди.<sup>490</sup>

Имом Бухорий ва бошқа муҳаддислар Абу Саид Худрий р.а.дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Жаннат аҳли жаннатга киришгач, Аллоҳ таоло дейди: "Эй жаннат аҳли, мендан рози бўлдингизми? Улар дейдилар: "Нима учун рози бўлмас эканмиз, ахир, ҳеч кимга берилмаган неъматларни бердинг-ку!". Шунда Аллоҳ таоло: "Сизларга булардан ҳам кўра афзал нарсани бераман!", – дейди. Улар сўрайдилар: " У нима? Аллоҳ таоло айтади: "У мени розилигимдир. Уни сизларга тушираман, кейин ҳаргиз сизларга ғазабим тушмайди!".<sup>491</sup>

Машҳур ҳанафий аллома Алий Қорий "Мирқот ул-мафотих" да Аллоҳ таолонинг "Мен, синиқ кўнгилларда бўламан" мазмунидаги ҳадиси қудсийсини келтириб, уларнинг дуоси тез ижобат бўлишини айтиб ўтган ва уларни зиёрат қилиш фазилатларини тилга олган.<sup>492</sup>

Маълум бўлмоқдаки, мазкур синф вакиллари доим Парвардигор зикрида ва унга илтижода бўлгани учун ҳам Аллоҳ улар билан бирга саналар экан. Ушбу маънони Имом Бухорий, Имом Муслим ва бошқа муҳаддислар Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилган қуйидаги ҳадиси шариф қувватлайди: "Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: "Қиёмат куни Аллоҳ таоло бир бандасига: "Эй бандам, бемор бўлдим, кўргани келмадинг?!", – дейди. Банда: "Ахир, Сен оламлар Парвардигори бўлсанг, сени қандай қилиб кўраман?!", – дейди. Аллоҳ таоло: "Билмадингми, фалон бандам бемор бўлган эди, кўргани бормадинг. Агар борганинда ўша

<sup>489</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн ар-Розий – Фахриддин Розий. "Мафотих ул-ғайб" 8-ж, 95-б.

<sup>490</sup> Ибн ул-Ҳажар. "Фатҳ ул-Борий шарҳу саҳихил Бухорий". 18-ж, 398-б. <http://www.al-islam.com>

<sup>491</sup> Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. "Саҳих ул-Бухорий"... 21-ж, 453-б.

<sup>492</sup> Али ибн Султон ал-Қорий. "Мирқот ул-мафотих шарҳи Мишкот ул-мафотих". Байрут – Лубнон. 1414/1994. 5-ж. 252-б.

ерда мени топар эдинг!", – дейди. Яна бир банда айтади: "Эй бандам, сендан таом сўрадим, бермадинг!". Банда: "Ахир, Сен оламлар Парвардигори бўлсанг, қандай қилиб сенга таом бераман?!", – дейди. Аллоҳ таоло айтади: "Билмадингми, фалон бандам сендан таом сўраган эди, бермадинг. Агар берганингда ўша ерда мени топар эдинг!". Яна бир бандага: "Эй бандам, сендан сув сўрадим, бермадинг?!", – дейди. Банда: "Ахир, Сен оламлар Парвардигор бўлсанг, қандай қилиб сенга сув бераман?!", – дейди. Аллоҳ таоло: "Билмадингми, фалон бандам сендан сув сўраган эди, бермадинг. Агар берганингда эди, ўша ерда мени топар эдинг!" – дейди".

Аллоҳ таоло ҳам Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга доим ана шундай кишилар билан бирга бўлишга чақирган эди. Бу ҳақда Қуроъони каримда шундай дейилади: "Сиз ўзингизни эрта-ю кеч Парвардигорларининг юзини – розилигини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг! Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга боқмасин)! Ва биз қалбини Бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг! (Каҳф сураси 28-оят).

Маълум бўлмоқдаки, бундай кимсаларнинг қалби Парвардигор тажаллийсига мазҳар экан. Буни яхши билгани учун ҳам Рожий домла уларга алоҳида эътибор қаратган. Ҳатто Ҳақ оинаси – тажаллийси шулар қалбида эканини билмаган кишилар ҳақида таажжубланган:

*Бу соддарўлар миръоти Ҳақ деб,  
Солди назарни жононаларга.<sup>493</sup>*

Мавлоно Абдурахмон Жомий айтадилар: "Гадойларнинг ва соилларнинг ҳаммаларига марҳамат ва шафқат этмак керакдур ва аларни яхши-ёмон (оз-кўп) луқмадин дариф тутмаслик керак. Эҳсон қилиш учун аларни ким эканига назар солмаслик керак. Алар Жунайд ва ё Шиблий авлодидан бўлиши шарт эмас. Ахир,

<sup>493</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 50-б.

ҳеч бир олий ҳиммат ва парҳезкор гадойлик қилиб кишининг уйига бормас. Қаердан билурсанким, ул номаълум жанда ва либос ичида бир соҳиб давлат бўлса. Аксар ҳолларда Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг дўстлари бесаруполарнинг сурати билан ҳолларини яширурлар".<sup>494</sup>

Қуйида Рожий Марғиновични ана шундай кишиларга муносабатига оид баъзи мисолларни кўриб ўтсак.

### *Узоқ кетти*

Маълумки, ҳозирда Марғилонда Гўри Аввал номи билан аталувчи маҳалла бор. Ўз даврида бу ер шаҳарнинг маданий гўшаларидан бири бўлган. Бу ерда ерда мадраса, масжид ва қорихона бўлган.<sup>495</sup> Архив маълумотларида Қўқон хонлари даврида Гўри Аввал мадрасаси учун Заркент, Рамадон қишлоқларидаги ерлар вақф қилиб берилгани айтилган.<sup>496</sup>

Бошқа бир ҳужатда кўрсатилишича, ҳижрий 1251 (милодий 1835) йили Боқи Муҳаммадбой ҳалол меҳнат билан топган пулига Марғилон шаҳрининг Гўр-Аввал маҳалласида мадраса қурдирган. Ўз номидаги мадрасага Боқи Муҳаммад 2 та ер участкаси ва девор билан ўралган боғни вақф қилиб берган. Бу вақф қилинган мулк Марғилон вилоятининг Қумлик деган жойида, Қақир ариғи атрофида жойлашган эди. Мадрасанинг вақфномаси 8 нафар қози, аълам, муфтийлар муҳри билан тасдиқланган.<sup>497</sup>

Мадраса яқинида жойлашган қадимий қабристонга эса кўплаб машҳур уламолар дафн қилинган ва табаррук жой сифатида зиёрат қилинган. Давроннинг аёвсиз зарбалари туфайли бу муборак маскан биноларидан бирортаси бизгача етиб келмаган. Зиёратгоҳ ўтган асрнинг 50-йилларига қадар сақланиб

---

<sup>494</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 199-б.

<sup>495</sup> Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпуск II. Маргеленский уездъ. Составиль С. А. Геппнеръ. Г. Новый Маргелань, 1899.

<sup>496</sup> Абдулахатов Н, Ғозиев Т. Бурҳониддин Марғинович. Тарихий ҳақиқат ва асотирлар. Т.: "Янги аср авлоди" 2010-й, 19-б.

<sup>497</sup> ЎЗР МДА, И-19-ф. Фарғона вилоят бошқармаси. 1-р, 34767-иш.



қолган. Бирок, шундан сўнг янги бино қурилиши баҳонаси билан бузиб юборилган.

Рожий яшаган даврда бу ерда Мулла Узоқ исмли бир фақир киши вафот этиб, ўндан ошиқ болалари етим бўлиб қолади. Шоир шу муносабат билан қуйидаги ихчам таърихни битади:

*Кетди адам йўлига – кўздин узоқ кетди,  
Побастаи мурғ эрди – ул узди тузоғ, кетди.  
Жаннатни равзасидин ул топди ошиён,  
Бир тўда жўжасини ташлаб Узоқ кетди.<sup>498</sup>*

Мазкур шеърда киши диққатини тортадиган нарса унинг ниҳоятда содда ва халқчил ёзилгани ва “*бир тўда жўжасини ташлаб кетган*” мархумга нисбатан самимий муҳаббат, унинг ўлимига беҳад ачиниш, етим бўлиб қолган болаларига ҳамдардликнинг ажойиб лутфу рамзлар билан гўзал ифодаланишидадир.

Одатда жонли сўзлашувда кўп болали кишиларга “жўжабирдай жон” таъбири қўлланади. Аллома Мулла Узоққа нисбатан ана шу таъбирни моҳирлик билан ишлатиб, тажнис ва сўз санъати ёрдамида қутилмаган сўз ўйинларини ҳосил қилади. Таърих санасини топиш учун шоир ишорасига амал қилиб, “*Бир тўда жўжаси*”ни қолдириб, “*Узоқ кетти*”ни таърих моддаси қилиб, уни абжад билан ҳисобласак вафот санаси чиқади. Ҳижрий 1301 милодий 1883-84 йил.

### ***Марғилонлик Шоҳ Умар қози***

Марғилонда Шоҳ Умар қози исмли қози бўлиб, ҳозиргача кўп марта тилга олиб келинаётган Муфаззал Махдумнинг отаси бўлган. Хожажон қози билан яқин алоқада бўлган. Рожий домла уни ўзига яқин олиб Тошмозор даҳасига қози қилиб қўйган. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*“Домла Рожий марғилонлик Шоҳ Умар қозини, гарчи ўзлари маснади қазода туриб, қайси бир аҳволда эканликларига*

<sup>498</sup> Ашъори Рожий Марғинойий”. Қўлёзма. Ўз ФАШИ, инв, 5868, 34-б.

қарамай ҳирсу ҳаволари йўқлиги, мўминликда кеча-кундузларда халқ билан муомала ва якка ҳолатларини бир хиллиги ва самимий хизмат тақдиридан, у билан ошноликлари бўлар экан.

*Мулла Шоҳ Умар қозини аялмандлиги учун Домла Хожажон қози ўз ҳузурларида олуб туруб баъзи фатво ва махфий ишларни топишуруб илтифот қилиб турганлар. Тошмозор даҳасига қози ҳам қилиб қўйганлар".<sup>499</sup>*

Айтилганидек, уни аялманд ва беморлигини эътиборга олиб, Рожий домла тез-тез парво қилиб турган, чунки: *"Мулло Шоҳ Умар қози кўп майда бола-чақалари бўлуб ўзи хирож ерсувга эга бўлса ҳам камбағал, ва касалликда ётуб қолган", – эди.<sup>500</sup>*

Фахрулдин Али Сафийнинг ёзишича Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳам талабалик пайтларида шу каби "Ошно ва бегонанинг шафқати ва хизматиға, дўсту душманнинг ионат (кўмак) ва риоят (ёрдам)иға ҳарис эдилар, мажлис ва анжуманларда хизмат этмоқда ҳаммага сабақат кўргузур (ҳаммадан ўзиб кетар) эрдилар". Бу ҳақда у зотнинг ўзлари шундай дейдилар:

*"Вақте Самарқандда Мавлоно Қутбиддин Ҳайдарнинг мадрасасида бўлур эрдим, икки уч касалниким, марази ҳасба (қаттиқ тутиб қолувчи беморлик)лари бор эрди, таахҳуд ва бемадорлиқ (доимо хабар олиб турар) эрдим. Алар шиддати мараз (қаттиқ беморлик) сабаб беишур (ҳеч нарсани сезмас) эрдилар, (шу боис) жома (кийим)лари ва тўшакларини ювмоқға муҳтож бўлур эрди, ман ювар эрдим ва алардин дафъу рафъи изо (озор ва азиятларни кетказар) эрдим. Ва бу воқеа тез-тез бўлур эрди. Ва манга ҳам бемадорлиқ ва алар лавозимини этган (уларга тинимсиз қараганим) жиҳатимдин ҳасба бўлди (беморлик тутиб қолди). Ҳатто бир кечаким, тобим қаттиқ эрди, (шунга қарамай,) уч-тўрт кўза сув келтирдим, беморларнинг жомаларини ва тўшакларини ювуб, покиза этдим".<sup>501</sup>*

Рожий домлани беморлар аҳволига бефарқ эмаслиги асарларидан ҳам билинади:

<sup>499</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 123-б.

<sup>500</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 123-б.

<sup>501</sup> Фахрулдин Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт... 298-299-бетлар.

*Бирни касал шиддатидан қилди шол,  
Хоби хори касратидин қадди дол.*

Яъни, баъзилар беморлик шиддатидан оёқ-қўли ишламай бели дол бўлган, деб ёзса, бошқа ўринда:

*Баъзисидир ҳалқайи боби табиб,  
Баски сихат шарбатидан бенасиб.*

дея, баъзилар доим табиблар эшигига қатнаб юрадики, у шўрлик соғлиқдан бебахрадир, деб ачинади. Шунингдек:

*Бирни хароб айлади заъфи бадан,  
Баъзисини тоқияси ним шикан.*

дея, бировни бадан заъифлиги хароб қилган бўлса, яна бировни бошдаги дўпписи яримтадир, деб бонг уради.

Рожий домлани Шоҳ Умар қозига эътибори шунчалик эдики, ҳатто уни ўзи билан ҳажга олиб кетмоқчи ҳам бўлган. Чунки у ҳажга марғилонлик Қосимжон эшон исмли қозихонада хизмат қилаётган аъламни ҳам олиб кетган эди. Шоҳ Умар қозини эса имкони бўлмагани учун, менга хизмат қилаётганлар орасида фақат мана шу киши ҳажга бора олмади, дея қаттиқ қайғурган. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*"Ҳажга домла Рожий ўзлари билан замон зубдаси қоим мақоми Нўъмон ибн Собит домла Қосимжон эшон аъламни олуб борганлар. Ўзлари: "Афсуски, мулла Шоҳ Умар камбағаллик қилди. Мани хизматимдагилардан байтуллоҳга етолмай қолди", деб (ачиниб) сўзлар эдилар".<sup>502</sup>*

Маълумки, шаръий қоида бўйича киши ҳажга бориши учун соғлиқ ва йўл хотиржамлиги билан бирга етарлича маблағ – бойлик шарт қилинган. Мазкур шартлар топилмаган тақдирда ҳаж фарз бўлмайди, бинобарин, бора олмаган кишига гуноҳкорлик йўқ. Бу ерда Рожийнинг ачиниши камбағалпарварликдан эди.

Тарихда шу каби баъзи шахсларни кексалик ё бошқа сабаблар туфайли ўзи қодир бўлмаса-да, муайян мақсадлар

<sup>502</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 108-б.

сабаб бошқалар тарафидан хаж зиёратига олиб бориш ҳолатлари кузатилган. Масалан, Хожа Муҳаммад Порсо (қуддиса сирруҳу) хаж зиёратига кетиш олдидан Хожа Алоуддин Атторни қариб тўқсон ёшга киришларига қарамай бирга олиб кетмокчи бўлган эдилар. Бу ҳақда Фахруддин Али Сафий шундай ёзади:

"Вақтиким Хожа Муҳаммад Порсо қуддиса сирруҳу муборак Ҳижозга борур бўлдилар, ҳохладиларким, Хожа Алоудинни ҳамроҳ олиб юрсалар ва аларни ул вақтда ёш босиб, қариб тўқсон ёшларига етушуб эрдилар ва қарилик заъфининг асарларини кўп топиб эрдилар. Самарқанд ақобирларидин бирлари айтибдурларким, Ҳазрат Хожа Порсодин сўрадимким, Ҳазрат Хожа Алоуддин кўп пиру заиф бўлубдурлар ва алардин ҳеч иш келмас, агар бу сафардин аларни маъзур тутсангиз муносиб турур. Ҳазрат Хожа Порсо айдиларким, бизнинг аларга ҳеч ишимиз йўқтур, мундин ўзгаким, қачонки аларни кўрсак азизларнинг нисбатини ёдимизга келур ва бу бизга мадад ва қувват бўлур".<sup>503</sup>

Мақсадга қайтдик. Рожий домла Шох Умар қозига ачиниш ҳисси ўларок вафот этганида унга атаб таърих ёзган. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай дейди:

"Мулла Шох Умар қози 1326 йилда рамазон шарифда жума куни итқун минан-нор (учинчи ўн кунлик)да вафот қилгонлар. Марсия-таърихлардан "Ҳеч" деган Абдураҳмон аълам Ваҳжийлар таърих ёзганлар, мулло Нусратуллоҳ хўжа Нусратий ҳам дафтарнавис эркан, у киши ҳам ёзган. Қози домлани(нг) ёзганлари бу турур:

*Олиму фатво навису аълами ҳукми қазо,  
Омили шаръи набий мазҳаби оли або.*

*Оҳ-воҳ этти қазо таърихи бу:  
"Поки исён Шох Умар қози фано".<sup>504</sup>*

<sup>503</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 101-102-бетлар.

<sup>504</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 123-б.

“Шоҳ Умар қози фано” сўзлари йиғиндисидан ҳисобидан “пок исён” йиғиндисини пок қилса, яъни чиқарилса, таърих санаси чиқади. 1326 ҳижрий.

Рожий домла Шоҳ Умар қозига бўлган шафқати сабаб унинг ўғли Муфаззални шогирд қилиб олади. Муфаззал ҳам Рожий домлага қаттиқ боғланади ва "отам" деб мурожаат қилади:

*Ёзгил, Муфаззал, эмди кетмай хатога асло,  
Меҳрин қўйиб отангдек эъвозлаган эдилар.*<sup>505</sup>

У бир ўринда: *"Отам Хожажон қози домла Низомиддинхожа ўғли ҳузурларида узоқ вақт хизмат қилганлари учун отамдан кейин мени йўқлаб, Абдулжалил махдум домлага тайинлаб, ҳафтада бир сўм, эллик тийин, бериб "Фароуз" ("Мерос илми)ни машқ қил, ўғлим, шеър-адабиётларни ўқи, яхши илм пайдо қил, қалам машқларни, яхши таҳрирларини бил, жон ўғлим, беҳуда ўйнама, ёмон йўлларга юрма, деб кўп илтифот қилиб, пешонамни силаганларини унута олмайман",* деб ёзади ва: *"Мен Рожийнинг кимлиги, афъол хислатлари, фазли камолларини мақтаб эплей олмайман",* – дейди.<sup>506</sup>

Рожий домланинг кўп қўлёмалари Муфаззал қўлида сақланиб қолган. Адабиётшунос олим М.Мадғозиев ўтган асримизнинг етмишинчи йилларида Рожийга алоқадор маълумот ва қўлёмаларни асосан Муфаззал Махдумдан олган эди. Рожий 1889 йилда ёзилган бир шеърда Муфаззал шаънида қуйидаги сўзларни айтган:

*Ҳар каски рафиқу муниси ҳамдам Муфаззал афтад,  
Падараш мард лутфу ато карам Муфаззал афтад.  
Ноҳияи жабҳа аз тифли камолаш маълум,  
Фикри аз ақли он сари то қадам Муфаззал афтад.*

**Таржимаси:** Ҳар ким Муфаззал Махдумга мунису ҳамроҳ бўлсин, унинг отаси мард киши бўлиб, бу унга илоҳий

<sup>505</sup> Шеър матни М.Мадғозиев кутубхонасида сақланади.

<sup>506</sup> Муфаззал Ота Шоумаров. Рожий ҳақида билганларим...4-б.

лутфу карамдир. Унинг камоли ёшлигиданоқ пешонасидан маълум, ақли эса бошидан оёғига қадар кўриниб туради.

### *Зокиржон ота*

Рожийнинг камбағалпарварлиги унинг хузурида баъзи кўнгилли кишиларни ихтиёрий равишда хизмат қилишларига олиб келган. Қозихона хизматлари, қазо мажлисларига бориш, баъзи хабарларни етказиш каби хизматлар шулар жумласидан эди. Кўпинча улар оддий кишилардан иборат бўлар эди. Рожий уларни бирга юришларидан малолланмаган, аксинча хурсанд бўлган. Чунки у уларнинг аҳволларини жуда яхши мулоҳаза қилган эди:

*Бошидадур баъзисини юз таёқ,  
Оташи ғам бирла дили доғ-доғ.*

*Баъзини йўқ тўъмасига нони жав,  
Бирни тўни ҳиндий қўлинда гаров.*

Яъни, баъзиларни бошида таёқ синиб, ғам оташидан дили куйган. Баъзиларни егани арпа нони йўқ бўлса, бировнинг тўни эса ҳиндий қўлида гаровдадир.

*Айшу тараб бирла бири ком кор,  
Мотам ила баъзи сияҳрўзгор.*

*Баъзисини халқ ичида қадри беш,  
Бирни дили зиллат ила реш-реш.*

Яъни, баъзилар фаровонликдан бахтли бўлса, баъзилар қийинчилик билан кун ўтқаради. Шунингдек, баъзиларни халқ орасида қадри олий бўлса, баъзилар хорликдан қалби илматешикдир.

Шу туфайли Рожий домла мазкур тоифа вакилларини бир оз бўлса-да кўнгиллари кўтарилишини, андак бўлса-да, рўзгор ташвишларини унутишларини истаган. Ҳар ҳолда қози қалон атрофида юрган кишиларга уйдагидан кўра бир оз яхшироқ шароит бўлишини тасаввур қилса бўлади.

Суфён Саврий шундай дейди: "Киши ақлининг комиллиги уни ёнига ночор, кўриниши аянчли киши келиб ўтирганда дили ранжимаслигидан билинади. Агар дили ранжиса, демак унинг ақли комил эмас".<sup>507</sup>

Фузайл ибн Иёз айтади: "Ўтмиш пайғамбарлардан бири Аллоҳ таолодан сўради:

– Эй Раббим, сени мендан розилигингни билсам бўладими?" Парвардигор деди:

– Ҳа, агар камбағаллар сендан рози бўлишаётган бўлса мен сендан розиман!"

Рожий домла хузурида узоқ вақт хизмат қилган кишилардан бири Зокиржон ота исмли шахс эди. 1325/1907/08 йилда у вафот этганида Рожийнинг унга таърих ёзиши ва "қадрдонимиз Зокиржон ота" деб тилга олиши унга бўлган эҳтироми эди:

*Дарёйи раҳмати ту шоядки жуста бошад,  
Зокир ота багарди исён гузапта бошад.  
Таърихи фавти у гўям агар ажаб нест,  
"Зокир ота ба садри жаннат нишаста бошад".<sup>508</sup>*

### **Таржимаси:**

*Раҳматинг сувлари гуноҳин ювсин,  
Гарчи Зокир ота исёнда ўтсун.  
Таърихи фавтига десам ажаб йўқ;  
"Зокир ота жаннат тўрида бўлсун".*

### **Абдулқодир Нозик Кубогий**

Маълумки, Марғилонга қўшни Қува қишлоғида ҳам ўз даврида кўплаб илм-маърифат аҳллари яшаб ўтишган. Ана шундай шахслардан бири бу Қува қишлоғидан келган Абдулқодир Нозик Юсуф охунд ўғли эди. Ўз даврида "Нозик"

<sup>507</sup> Абдулвахоб Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин... 275-б.

<sup>508</sup> Қаландарбек Каттабеков мажмуаси. Қўлёзма 161-б.

тахаллуси билан ижод қилган бу машҳур хаттот, фақиҳ ва таърихчи олим бўлмиш бу шахс Рожий домлага шогирд бўлиб, Рожий ўз ўрнида унга кўп яхшиликлар қилган. Уни Қува маҳкумига қози бўлиб сайланишида ҳам жонбозлик кўрсатган. Нозик ҳам Рожий домлага қаттиқ боғланган. Улар ўртасидаги алоқаларга оид ҳужжатлар ва Нозикнинг бутун бошли илмий мероси ҳозирда М.Мадғозиев кутубхонасида сақланади.

Абдулқодир Нозикнинг довуғи ўз даврида машҳур бўлган. унинг зиёратига турли жойлардан ҳам зиёратчилар келибтуришган. Ана шундай кишилардан бири Мулла Олим эди. “Туркистон вилоятининг газети” нинг 1911 йил 16 июн № 44 - сониди мухбир Мулла Олимнинг Фарғона водийсига қилган навбатдаги саёҳати тўғрисида ҳикоя қилинади. Мазкур мақолада мулла Олим Асакадан Марғилонга қайтаётиб айтигин Абдулқодир Нозикни зиёрат қилиш учун Қубога тушгани ҳақида ёзади:

*“Камина вагонга ўлтуруб Қубога келиб, Қубо қозиларига меҳмон бўлдук. Қози жанобнинг ташқари ҳавлиларида муурофаага (даъволашишига) келган одамлар ва уста мардикорлар ҳам бор экан. Бовужуд қози жаноб танҳо бир меҳмонхона кунжсида (бурчагида) Ҳазрат Мавлавий Румийни ўқуб ўлтургон эканлар. Ул қозини очиқ юзлиқ ва меҳмоннавозлиқларини ўтган йилги саёҳатимизда кўрган эдим. Анинг учун яна бирор кеча суҳбат қилмак орзусида Қубо шаҳрига тўхтаб бир кеча ҳўб суҳбатлашиб зоятда хурсанд бўлуб, эртаси Қубодин жўнаб Марғилон шаҳрига келиб Домла Хўжажсон қози ҳожи жанобга меҳмон бўлдим”.*<sup>509</sup>

Маълумотларга кўра Абдулқодир Нозик вафот этганида Рожий устозлик эҳтироми тақозосича унга бағишлаб таърих ёзади ва бу Туркистон вилояти газетининг 1915 йил 19 апрел №29 сониди босилиб чиқади:

---

<sup>509</sup> Туркистон вилояти газетаси. 1911 йил 16 июн. № 44.г 1-2-б.



*"Ал-муаррих қозиюл Рожий Хожажсон Хожса ал-Марғионий ба вафоти Домулло Мулло Абдулқодир Махдум Нозик Кубогий марҳумий.*

*Номи Абдулқодиру олий ниҳод,  
Маънию ба хирад пок эътиқод.*

*Мурд таърихаи навиштам ин дуо,  
Мустаҳиққ ё раҳматуллоҳи бод.<sup>510</sup>*

***Таржимаси: Таърихчи Хожажсон қози Рожий Марғионийнинг марҳум Абдулқодир махдум Нозик Кубогий вафотига ёзган таърихи***

Бу зотнинг номи Абдулқодир бўлиб, мақоми олий, эътиқоди пок ва ақли маъно билан тўла эди. У зот вафот этгач бу дуони ёздим: "У Аллоҳнинг раҳматига лойиқ бўлсин!". Вафот таърихи ҳижрий 1333, милодий 1915 йилга тўғри келади.

"Туркистон вилоятининг газети"нинг 1914 йил 20 апрел, № 31 сонида Абдулқодир Махдум вафотига бағишланган хабар чоп этилган. Мазкур хабарда у зотнинг вафотидан Марғилон ва Қува атрофида яшовчи маҳаллий аҳоли қанчалик қайғуга ботганликлари ҳикоя қилинади:

"Фарғона ўбластига тобеъ Искўбелев уездига қарашли Қубонинг бозорбошисидаги машхур ҳазрат Офокхўжам маҳалласида бўлмиш маълум ва машхур ҳожи ҳарамайн ва қозийи мозий ва котиб ва шоир фазоилмаоб жаноб домла Абдулқодир Махдум домла Юсуф Охунд марҳум ўғиллари ёшлари 59 га боруб ўзига таъллуқ завжани муносиб кўрмай таъбарини нозиклиги учун танҳо умр гузаронлик қилиб ўз ватани аслларида ушбу йил 1 март оийдин бул жанобга бетоблик ораз бўлуб муддат икки-уч кунгача... танҳолик мусибатини тортиб тургон ҳолларида асл Эски Марғилонлик Мулло Қодиржон Тилаболди ўғли хабардор бўлуб ул зотни кеча ва

<sup>510</sup> Туркистон вилояти газети. 1915 йил, 19 апрел №29.

кундуз хизматларига қойим бўлуб тургонда ани ҳақиға дуо қилиб дебдурким: «Қози Домлани бул жойға олиб келсангиз. Махфий васиятни изҳор қилсам» деганларида ҳодисани жаноб қози домлага изҳор қилганларида жаноб қози дафъатан мулоқотларига дохил булганларида шул тариқа сўзлабдурларки, «Мени ҳолим (шундайки) дорилбақоға рихлат қиладурғонман. Аммо нима васиятим бўлса ўз ақлим ва ҳушим бирлан қоғозга ёзиб сандук ичунга солуб қўйганман. Яна андак васиятим бор. Муни англаб субутига еткурсалар (ваъдани бажарсалар)» деб изҳор қилибдурларки, «Менум бисотимда ушбу хона жой ва китоб қоғозлар ва рўзгориядин бошқа нимарса йўқ. Хона жойини нисфини (тенг ярмини) ўз жиянларим марҳум Домла Қаландархожи ўғилларига тиламак васиқа қилсам. Китобларни толиби имларга фийсабилллоҳ вақф қилсам» деганларида бошқа ҳозирунлар ҳам васиятларни изҳор қилганлигини қабул қилушуб субутига еткурмоқлари баъзи ихлосмандлар дуо олушуб субутига еткурдилар. Яна изҳор қилдиларки, ...ўтган кетган халойиқлар дуо қилиб турсалар деб мақбара ва сағанани хоҳиш қилиб ул зот ўз планлари илан кўрсатуб амр қилганларида баъзи одам ихлосмандлар хишт пухта ва бўр инъом ва эҳсон қилушуб мақбарани итмомига етканидин сўнг ул жаноб дилидаги ҳар не васиятларни изҳор қилиб ихлосмандларга «мандин табаррукона» деб ўзлари яхши кўрган нимарсадин ёдгор инъом қилиб ани ҳақиға ҳам кўбдин куб дуо қилиб ва хона жойини қолганини ўзларини такфинларига сотуб қарз қиёматга беруб қолганини маърака ва хайротларига қўйуб умрларида авлодларига ва бошқа одамларга гина қилғон бўлсалар ҳаммаларини йўқлаб узрхоҳлик илан видолашуб 14 март ойинда жума кечасида вақти субҳда дорулфанодин дорулбақоға рихлат қилдилар.

Дафнларидан сўнг дафъатан васият қилган сандукларини очуб айтган васиятномаларини мулоҳаза қилганларида ўзларини жанозаларига теъдодлаб (тайёрлаб) ҳамма уламоларни ном баном ёзуб қўйган эканлар ва қилган гуноҳлари бўлса ва бирор одамга озор берган бўлсалар истиғфор ўқуб ёзган эканлар. Шанба куни вақти қиёмда ўзларини марқадгоҳларига дафн қилмоқ учун бир неча уламо ва фузалолар жанозаларига жамъ бўлғонда Хўжам

Подшоҳ мазори шарифда келган халойиқларга жумаъ куни имом хутбахонлик қилгандек жаноб қози домлани васиятномасини олуб минбарга чиқуб ибтидосидин интиҳосигача ўқуганларида уламои фузалолар ҳаммалари гиря ва зори қилиб гўёки қиёмат бўлдуму деб ҳамма тафаккурда қилдилар. Жанозаларига жамъ бўлғон одам бир мингдин зиёд экан”.<sup>511</sup>

Энг қизиғи, мазкур Абдулқодир Нозик каромат ўларок, ўз вафотининг хабарини айтиб турли ерлардаги кадрдонларига мактуб йўллагани эди. Ундан ҳам қизиғи, жанозаси қачон ва қаерда ўқилишини ҳам айтган. Андижонлик биродарларига йўллаган шундай таъзияномалардан бирини тадқиқотчи олим М.Мадғозиев изланишлари даврида топишга эришган эди:

### ***"Эълотномаи таъзия***

*Андижон шаҳрида .....<sup>512</sup> хизматларига яхши соатда етиб равшан ва хувайдо бўлснки, қуболик Мулло Абдулқодир махдум қози ҳожжи "иржеъий ила раббика розиятан марзия" жавобини бажо келуруб дорул фанодин дорул жазога интиқол қилди. Хизматларига маъруз шулки, бақадрил имкон жамиъ аҳли илм ва гайриҳи ёру дўстларга аниқлаб эълон қилдурсаларки, ойни шанба куни 12 соатда Қубодаги Хўжам Подшоҳ алайҳир-рахма қадамжоларига ҳозир бўлсалар. Намози жанозасин холисан ливажҳиллоҳ ўқурсизлар. Яна ихтиёр ўзларингда, деб аммо дуойи хайрда ёд қилиб турсалар, деб ушбу мактубни мазкур холи ҳаётида ўзи қўли бирла ёзгондурлар. Вассалом".<sup>513</sup>*

### ***Исминг Тўхтасун экан***

Марғилонда Мулла Тўхтасун исмли киши бўлиб, фазлу камолотга етган бўлишига қарамай, оғир ҳаёт кечирар эди. Буни

<sup>511</sup> “Туркистон вилоятининг газети”. 1914 йил 20 апрел. № 31 .1- 2-бет.

<sup>512</sup> Матнда ушбу жой очик қолдирилган.

<sup>513</sup> Матн М.Мадғозиев кутубхонасида сақланади.

кўрган Рожий домла уни ўз қозихонасига ишга жойлаштириб, моддий-маънавий ёрдам бериш билан бирга, Узунҳовуз мадрасаси<sup>514</sup>даги мударрис ўрни бўшаши билан ўша ўринга сизни тавсия этаман, деб ваъда беради. Орадан бир мунча вақт ўтгач Мулла Тўхтасунга ваъда қилинган ўринга Музаффарча охунд исмли бошқа киши мударрис этиб тайинланади. Рожий билан ўзаро суҳбатлардан бирида Мулла Тўхтасун шу воқеага ишора тарзида Бедилдан қуйидаги байтни ўқийди:

*Ту қосиди ҳавас аз адам басўйи вужуд,  
Ҳақиқати нафасат хондаи жавоб талаб.*

Яъни, сен ўз орзуларингни рўёбга чиқишини истайсан, ҳақиқатда нафасларинг унга жавоб бермоқда.

Буни эшитган Рожий шу ернинг ўзида Бедилдан ўқилган байтни давом эттириб, Мулла Тўхтасунга шундай таскин беради:

*Қазоки карда мусаммо ба Тўхтасун номаш,  
Аз он сабаб нарасид ҳануз бо матлаб.<sup>515</sup>*

Яъни, сени Яратувчининг ўзи Тўхтасин деб номлабди. Ҳануз матлабингга етолмай турганинг сабаби шундан.

Рожий домла "Сенинг исминг Тўхтасун экан", дейишлик билан уни бир оз кўнглини кўтармоқчи бўлган, мутойиба орқали унга етган машаққатни бир оз бўлса-да дилидан чиқариш ва унга шодлик етказишни назарда тутган. Тарихда бунга ўхшаш ҳолатлар кўп кузатилган.

Навоий "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" номли асарида Паҳлавон Муҳаммад билан боғлиқ хотираларини эслар экан, Абу Саид Мирзо даврида Машаҳадда бўлган қизиқарли воқеани келтиради. Мафосил (бод) билан оғриган ёш Алишер Навоийни табиб Мавлоно Абдуссалом Шерозий муолажа қилиб, уқалаш

---

<sup>514</sup> Узунҳовуз мадрасасини 1821 йилда Раҳим Кучокбой бунёд этган. Мадрасанинг 15 та ҳужраси, битта дарсхонаси бўлган. Унинг 12 нафар талабасига мударрис мулла Абдумалик таълим берган. Аввал кишлоғи ҳудудида 8 десятина вақф ер майдони бўлган. (Материалы для статистического описания Ферганской области. Результаты поземельно-податных работ. Выпуск II. Маргеленский уездъ. Составиль С. А. Геппеленъ. Г. Новый Маргеланъ, 1899.)

<sup>515</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 43-б.

лозим эканлигини айтади. Паҳлавон Муҳаммад меҳрибонлик кўрсатиб, ўзи бу ишни бажаришини айтади ва суҳбат орасида ёш шоирдан туркий шоирлардан қайси бирини кўпроқ маъқул кўришини сўрайди. Навоий аввалига ҳамма шоирларни ҳурмат қилишини айтади. Лекин Паҳлавон Муҳаммад барибир улар орасида тафовут бор, ўзингга энг маъқулини айт, деб туриб олгач, Навоий Лутфий, дея жавоб беради. Шунда Паҳлавон Муҳаммад нега Саййид Насимийни айтмадинг, дейди. Алишер Навоий Лутфий мажоз билан сўз айтади, Насимий эса ҳақиқат йўлидагилар каби Ҳақ ишқни ошқора куйлайди, сен мендан мажоз йўли билан ижод қиладиганларни сўрадинг, дейди. Паҳлавон Муҳаммад ундай эмас, Насимийда ҳам ишқни мажоз билан ифода этиш бор дейди ва шу куни Навоий тонгда ёзиб, ҳали ҳеч кимга кўрсатмаган ғазалини ўқиб беради ва унинг мақтаъсидаги Навоий сўзи ўрнига Насимийни қўяди:

*Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,  
Йўқ ажаб, невчунки, хом этган киши ранжур эрур.*

Навоий бундан ҳайратга тушади. Ғазал ёзилган қоғозини текширса, ўз жойида. Эртаси тонгда Паҳлавон Муҳаммад уч-тўрт кишини етаклаб келиб, бу ғазални ўн икки йил бурун Абулқосим Бобур мажлисида “тинглаб, ёд олганини” исботлаш учун уларни гувоҳ қилади. Улар ҳам бу ғазални ўша мажлисдан эшитганмиз, деб ғазални ёддан айтиб берадилар. Навоий эса яна ҳам ҳайрон бўлади. Кейинчалик маълум бўладики, шу куни ёш шоирнинг либосларини тикаётиб, Паҳлавон Муҳаммад янги ғазални топиб, олиб ёд олади ва жойига қўяди. Сўнг эса биз юқорида кўриб ўтган ҳолатни уюштиради. Шундан сўнг Алишер Навоий беморликдан қутулади.

Рожий домла Мулла Тўхтасунга ёзган байти орқали яна бир нарса, унинг исми англаган маънодан ўзига насиба етганига нозик ишора қилмоқда.

Ислом одобига кўра фарзандга чиройли исм қўйиш суннат саналади. Исм англаган маънодан кишига насиба етиши ҳам ҳақиқат. Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи

васаллам: "Сизлар қиёмат куни исмларингиз ва оталаринг исми билан чақириласиз, исмларингизни чиройли қилиб қўйинглар", – деганлар.<sup>516</sup>

Уламоларимиз кишига хунук ва ёқимсиз исмларни қўйишдан, шунингдек, киши нафсини улуғлайдиган исмлар билан номлашдан қайтарганлар. Пайғамбаримиз Расулulloх соллalloху алайҳи васалламнинг ўзлари чиройли маъно англатган исмларни яхши кўриш баробарида, маъно англатмаган исмларни ўзгартириб қўяр эдилар.

Саид ибн Мусаййабнинг отаси айтади: "Отам Пайғамбаримиз Расулulloх соллalloху алайҳи васалламга йўлиққанида ундан: "Исминг нима?", – деб сўраганлар. У: "Ҳузн – Қайғу", – деган. "Йўқ, сени исминг Саҳл – енгиллик бўлсин", – деганлар. У: "Отам қўйган исми ўзгартирмайман", – деган ва ўз исмида қолган. Отам ўшанда исмини ўзгартирмади, ўлгунча боши ғамдан чиқмади".<sup>517</sup>

Бир гал Умма Салама р.а.нинг кизи "Барра" нинг исмини "Зайнаб" деб ўзгартирганлар ва бунда ўзини жуда улуғлаш маъноси бор, деганлар. Чунки "Барра" сўзи ўта покиза деган маънони англатган.

Абдуллоҳ ибн Умар р.а.нинг кизи "Осия"ни эса "Жамила" деб ўзгартирганлар. Чунки у исм Худога осий бўлиш маъносини англатган.

Айни пайтда Рожий чиройли маъно англатган исм эгаларига алоҳида назар билан қараганини улар таърифида айтган сўзларидан билиб оламиз. Чунончи, у Хонақоҳ мадрасаси мударриси Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Ҳазратни машхур аллома "Абу Юсуфга номдош" дейиши, Бухоро кози калони Мир Қиёмиддинни "диннинг қивоми", унинг отаси Мир Бадриддинларни "диннинг тўлин ойи", деб сифатлаши, ёшлигида вафот Раҳматуллоҳ исмли ҳофизул каломни, исми Аллоҳнинг раҳмати эди, Аллоҳнинг раҳматига кетди, дейиши, наманганлик тасаввуф шайхи Муҳаммад Обидни, "бизнинг обидимиз", деб

<sup>516</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. "Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал"... 5-ж, 194-б.

<sup>517</sup> Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. "Саҳих ул-Бухорий"... 5-ж, 2288-б.

тилга олиши, шогирди Муфаззал Махдумни, исмига яраша фазилатлидир, деб айтган сўзлари бунга мисол бўлади.

Рожий домланинг исм билан боғлиқ мулоҳазаларини келтирар эканмиз, Фахруддин Али Сафийнинг Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг Саййид Қосим Табрзий билан бўлган мулоқотларидаги воқеалар ёдимизга келади. Зеро, мазкур воқеаларда ҳам Қосим Табрзий Хожа Аҳрорнинг исмларига ишора қилиб, латиф сўзлар айтганлари келтирилган:

"Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор айтадилар: "Мабодийи ҳол (дастлабки пайтимда) бир мартаба (Саййид Қосим Табрзий) мандин сўрдиларким: "Бобу?, одинг на турур?" Одатлари ул эрдиким, одамларға "бобу" дер эрдилар. Айдим: "Убайдуллоҳ". Айдилар: "Керакдурким, ўз исминг таҳқиқин этсанг (исминг англаган маънони ҳақиқатини рўёбга чиқарсанг)".<sup>518</sup> Мавлоно Муҳаммад Қози бу сўзнинг шарҳида шундоғ ёзгандурким: "Ўз исминг таҳқиқин этсанг, яъни камоли саъйни бажо келтуруб, Ҳақ субҳанаху ва таолонинг бандалиғини бир важҳи акмал (комил равишда) адо этгил".<sup>519</sup>

Али Сафийнинг ўзи ҳам бу сўз ҳақида фикрини билдириб, "Исмингни таҳқиқ қил", деган сўзнинг маъноси, бу исм сенга таъсир қилсинг, яъни сени фаззингни манбаи бўлсин ва ҳақиқатда сени ҳақиқатинг ўша исм мазҳаридир. У сенга шунчалик таъсир қилсинки, охир унга қайтасан. У исм билан муҳаққиқ бўлмоқ шу турурки, банда шундай бўлсинки унда ўша исм тўлиқ тажаллий этсин ва банда у тажаллийга батамом фарқ бўлсин", деган гапдир", дейди.<sup>520</sup>

Кези келганда Саййид Қосим Табрзийнинг куйидаги гапларини ҳам эсга олиб ўтсак. Хожа Аҳрорнинг айтишларича ул зот кунларнинг бирида шундай деганлар: "Бобу, ҳеч билурмусанким, ҳақоик ва маъориф бу замонда нечук кам зоҳир бўлур? Бу шунинг учунким, бу ишнинг биноси ботиннинг тасфияси (поклиги)га боғлиқ турур ва бу тасфия – покликнинг биноси эса лукмайи ҳалол турур. Қачонки, бу замонда лукмайи

<sup>518</sup> Бу исм Аллоҳнинг кичик бандаси, деган маънони англатади.

<sup>519</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 306-307-бетлар.

<sup>520</sup> Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 307-б.

ҳалол кам турур, лоҷарам, ботини соф киши ҳам қолмай турурки, (натижада) асрори илоҳий ва маъорифи илоҳий андин зоҳир бўлса".<sup>521</sup>

### ***Намозу рўзасини тарқ қилмаган ҳожи***

Ўша даврда Марғилонда Тошқорабой ҳожи исмли шахс бўлиб, Рожийнинг Авлиёхон Муҳаммадиев кўлида сақланувчи баёзида келтирган фикрларига кўра, у "пири сиёҳ жарда, кўтоҳ қад" – қора рангли, қадди қалта бўлгани учун халқ орасида "Қора зоғ" "Қора куш" деб юритилган. Ниҳоятда камбағал ва бечораҳол бўлган. Уни аҳволини кўрганларнинг қалби эзилган. Шундай бўлса-да, муборак ҳаж сафарига бориб улуғ фарзни адо этиш шарафига муваффақ бўлган. У вафот этганида Рожий унга атаб бир марсия битади. Марсия унинг халқ орасидаги машҳур бўлган номига ишора қилиниб, кўплаб қушлар, жумладан, қузғун, қулоғи, сўфитўрғай, хувқуш, товуқ, бойўғли, қарқуноқ, чумқуқ, ҳумо, мусича, сутҳақ, кабутар, зоғ кабилар тилга олинади.

Эслатиш ўринлики, марсия Тошқорабой ҳожини ҳажв қилиб ёзилмаган, балки унда унинг тақволи, покиза, ҳаромдан сақланувчи парҳезкор киши эканига урғу берилади.

### ***Тошқорабой ҳожи***

*Жаҳон даштига кўп қузғун келибдур,  
Ўлимтик топса қайси сер бўлибдур.*

*Бу дунё жийфасининг мурдахори,  
Топилган жийфага ким интилибдур.*

*Бу дунё хандақин қайси қулоғи,  
Қачон кўрдинг жиғилдони тўлубдур?*

*Қачон хирмонда ҳаққуллоҳ топилди,  
Емасдан сўфитўрғай туртулибдур?*

*Қачон ул муттақий хувқуш товуқни,*

<sup>521</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 309-б.



Тўқарга қонидан тақво қилибдур?  
 Бойўгли хувчи қушларнинг васийси,  
 Сағийра қушни ерни хўб билибдур.  
 Кўрарсан малла тўнлик қарқуноқни,  
 Тутуб чумчуқни тутларга илибдур.  
 Саодатлик ҳумодур устихонга,  
 Фалакни хонидан қонез бўлибдур.  
 Бу дунё тосқароси Тошқаробой,  
 Қаро зоғу ҳарис эркан ўлибдур.  
 Деманг мусичаларни қуйруғини,  
 Рибони чангали бирлан юлибдур.  
 Этишигач ухламай сутҳақни савтин,  
 Ғалат англабдур ул, суд – ҳақ билибдур.  
 Ва гарна ул кабутарларни зоғи,  
 Қилибдур ҳаж – ҳарамдан ўргилубдур.  
 Намозу рўзасини тарк қилмай,  
 Надомат бирла йиглаб кўп ўлубдур.  
 Дам охирда шаётин панжасидан,  
 Агар қуртулса ғамдин қуртулубдур.  
 Эди ваҳший кабутар зоғ номи,  
 Тавоф айлаб ҳарамдин ўргилибдур.  
 Гуноҳига қилиб ҳар дам тазарруъ,  
 Надомат бирла йиглаб кўп ўлубдур.  
 Қари зоғ эрди таърихи "Қори зоғ",  
 Муҳосиблар ҳисобида бўлубдур.  
 Они иккинчи таърихи вафотин.  
 Дегайсиз: "Тошқаро ҳожим ўлубдур".<sup>522</sup>

---

<sup>522</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 41-43-бетлар.

Эслатма: Таърих санаси “қоризоғ” сўзлари йиғиндисидан чиқади. Ҳижрий 1319, милодий 1902 йил.

### ***Қабрга ўз қўли билан қўйган***

Ҳозирда Марғилон шаҳрида Подшо Искандар номи билан аталувчи маҳалла бор. Рожий яшаган даврда бу ерда шу ном билан аталувчи зиёратгоҳ ва уни ёнида шу номдаги мадраса бўлган. Мадраса Марғилонда XIX асргача етиб келган энг қадимги мадраса саналади. Мадрасанинг дастлабки асл вақфномаси эскириб, йиртилиб кетгани сабабли ҳижрий 1290 (милодий 1874) йили Худоёрхон буйруғи билан эскиси асосида янги вақфнома тайёрланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган бу вақфномада кўрсатилишича, Подшо Искандар мадрасаси ва масжидини 826 ҳижрий (милодий 1422) йилда ўша даврдаги мамлакат ҳукмдори Муҳаммад шайх Али Ашир Хизр Вали ўғли қурдирган. Вақт ўтиши билан мадраса ва масжид эскириб шикастланган, вақфномалар ҳам чириб бир қисми уқаланиб йўқолган. Олимхон Норбўта ўғли (1798-1809) рухсати билан мадраса биринчи таъсисчиси вақф қилган вақф мулклари даромади ҳисобига қайта қурилган ва “Подшо Искандари нав” “Янги Подшо Искандар мадрасаси” деб номланган. 1898 йилдан шу номда фаолият олиб борган.

Мадраса 31 та ҳужра, дарсхона, ёзги ва қишки масжиддан иборат бўлган. Бу ерда мударрислар Бузрукхўжа қози, Мулла Муҳаммад Раҳим, Домулла Абдулқаюм, Мулла Муҳаммад Қобил, Домулла Раҳматулла аълам хизмат қилган. 1893 йилдаги маълумотга кўра, мадрасада 80 нафар талаба таълим олган.<sup>523</sup>

Биз ўтган асримизнинг тўқсонинчи йилларидаги изланишлар чоғи мазкур мадрасада таълим олган талабалардан Қўрғонча қишлоғилик мулла Йўлчи домла (1903-2000) билан суҳбатлашган эдик. Суҳбатдошимиз мадраса билан боғлиқ хотираларини шундай эслаган эдилар:

---

<sup>523</sup> И.А.Алимов. “Кўқон хонлиги Марғилон вилояти (шаҳри) мадрасалари тарихидан.” Илмий хабарнома. Андижон Давлат Университети. №2 2012 йил.

*"Мадраса бош мударриси Бухорий домла эдилар. Ўша даврда масжидда "Аврод"<sup>524</sup> ўқилар эди. Ҳар куни бомдоддан кейин масжид атрофи офтоба олиб келган кишиларга тўлиб кетар эди. Сабаби анҳор суви масжид олдига келиб қайрилиб оқар эди. Сувга зикрнинг файзи тушган, деб табаррук билиб олиб кетишар эди.*

*Масжид имом-хатиби мулла Орифжон охунд эдилар. Ўттизинчи йилларда вафот этганлар. Бухорий домладан кейин мадрасага кўёвлари Почча домла (мулла Эгамберди) мударрис бўлдилар. Кейин Мирза Мусо охунд бўлдилар. Учинчи мударрис Аҳмадали махдум, тўртинчилари Гармдори маҳаллалик Маҳбубхон тўрам, бешинчилари Авлиёхон тўрам, олтинчилари мулла Ҳасан Тожиқ эдилар. Кейинроқ қатагон йиллари Аҳмадали махдум, Яҳёхон махдум ва Абдуллахон махдум ва улар билан бирга яна бир уламони НКВД бир кечада олиб чиқиб кетиб қамаган эди".<sup>525</sup>*

Хожажон қози домла Рожий ҳам кўп қатори мазкур мадрасага эҳтиромли бўлган. Тез-тез бу ерга келиб турган. Шу туфайли мазкур масжидда 18 ёшидан имом бўлиб олтмиш йил имом-хатиблик қилган, бемор бўлгандагина бу вазифадан ажраган Абдурахим домлага эҳтиром ўлароқ, қабрига ўзи қўйган эди.

Рожий марғилонлик Мулла Аҳмад охунд исмли имомни таърифлар экан уни масжид унга бошқа жойлардан афзал бўлганини унинг тилидан таъкидлайди:

*Умре ба буржи масжид маъво гузиду мегуфт:  
"Ин хонайи Ҳудо беҳ аз хонажойи дунё".*

Яъни, у зотнинг бутун умри масжид кунжида ўтди ва деди: "Бу ер менга дунё хонажойидан яхши!".

Рожийнинг масжидларда хизмат қилаётган имомларга эҳтироми андижонлик Мулла Эминжон котиб вафотига ёзган

---

<sup>524</sup> Ҳафтанинг ҳар бир кунда ўқиладиган махсус дуо ва саловатлардан иборат зикрлар тўплами. (Авроди шариф. Гаржимон ва изоҳлар муаллифи Мирзо Кенжабек. Тошкент: "Шарк", 2013. 3-б.)

<sup>525</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – Қўрғонча.1996.

таърихида ҳам кўзга ташланади. Унда мархумни жамоат намозини топиш умидида бир умр имоматлик билан ўтган эди, деб айтади. Эҳтимол, Рожийнинг эҳтиромига уни ўта аялманд экани ҳам сабаб бўлган бўлса керак, чунки марсияга илова қилинган эслатмада уни айни сифатлари тилга олиб ўтилган эди:

*Агар ўт топса бу қиш сув тополмай,  
Маъоши важъидин қонлар ютибдур.*

Яъни, ул бечора ўт топса, сув тополмай рўзғор ташвишларидан қон ютган эди. Энг қизиғи, Рожий унга атаб бир эмас иккита таърих-марсия ёзгани эди:

*Айёми сафҳасига ёзилди икки таърих,  
Бу қишидаги қаро кун барфи балонамодин.*

### **Мулла Эминжон охунд Андижоний вафотида**

*Таърих вафоти Мулло Эмин охунд котиб Андижоний қаллошона (камбагаллик билан) зиндалик (тириклик) да масжидларга имом бўлиб котиб аъла-д-давом зий иёл (аялманд) исрат аҳвол (огир аҳволда) эди. Рамазони шарифда бир мунъим (эҳсон қилувчи)нинг ифторида қишида қаттиқ совуқда бир коса асал еб, касал бўлмай ўлиб экан, таърих қилинди.*

*Саодатманд мулла Эминжон котиб,  
Ҳадису фикҳдан чандон битибдур*

*Бўлуб ҳар фанни(нг) сирридан огоҳ,  
Шариъат доманин маҳкам тутибдур.*

*Бо умиди салоти божамоат,  
Имомат бирла бир умр ўтибдур.*

*Агар ўт топса бу қиш сув тополмай,  
Маъоши важъидин қонлар ютибдур.*

*Азал хаттоти ёзган фурсати умр,  
Улуғ кун ариш раҳматида етибдур.*

*Лаҳадни остида Эмин ётур деб,*

*Қазо сарҳанги илгидан тутибдур.*

*Аламлар тортиб аҳли хонадони,  
Эшиттим, жона Ҳақ таслим этибдур.*

*Деди таърихига жондин узиб дил,  
“Азоби хонадин Эмин кетибдур”.*<sup>526</sup>

Марҳум вафоти муаммо йўли билан чиқарилиб, унга кўра "Азоби хона" сўзлари – 1429 дан "Эмин" сўзи 111 – ни чиқарамиз. Ҳижрий 1318, милодий 1900 йил чиқади. Эътибор берилса, таърих моддасида жуда катта маҳорат билан баён қилинган. Чунки унда матндан ҳам, марҳумнинг исмидан ҳам, уларни сон йиғиндисини ҳисоблаш орқали ҳам маъно чиқариш мумкин. Яъни, бу азобхонадан домла Эмин кетибдур, ё бу азобхонадан марҳум эмин – хотиржам кетибдур, ёки азобхона сўзлари йиғиндисидан эмин сўзи йиғиндиси кетибдур. Бу эса Рожийнинг таърих ёзиш борасидаги маҳоратини кўрсатадики, биз бу ҳақда китобнинг кейинги бобларида тўхталамиз.

### ***Хожа Аттот – Муҳаммад Амин Хожа***

Рожий яшаган даврда Марғилонда авлиёларнинг турли вакиллари ҳам яшаб ўтган. "Аҳли суннат вал-жамоат" ақидасининг муҳим бобидан бири, бу – авлиёларнинг мавжудлиги, улардан содир бўладиган хориқи одатлар, турли мукошафалар ва баъзи таъсирларни тасдиқламоқдир. Аввалги ўтган умматларда бўлгани каби бу ҳолат ҳозир ҳам уммат орасида мавжуд ва қиёматга қадар давом этади. «Сўфий», «девона», «дарвеш», «хароботий», «қаландар», «мажзуб» каби номлар остидаги бу каби кишилар ҳар қадамда учраган. Улар ўзларига хос хусусиятлари билан бошқалардан ажралиб туришган. Турли тадбирларда бозор ва масжидларда, хонақоҳ ва зовияларда одамларга аралашиб юришган. Халқ орасида уларнинг «қилиқлари»ни тушунган ва тушунмаган кишилар ҳам

<sup>526</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 59-60-б.

бўлган. Чунки улар кўп ҳолларда ўзларини халққа танитмаслик мақсадида бирор айб-нуқсонли қилиб кўрсатишар эди.<sup>527</sup>

Ҳозиргача уларнинг кароматлари, ибратомуз ишларига доир турли хил воқеалар маҳаллий халқ орасида сақланиб қолган. Аслини олганда, халкимиз азалдан «Тангри ардоғидаги» шундай кишиларга айрича эҳтиромда бўлишган. Уларнинг назарини топиш, дуосини олиш ва қалбига йўл топишга ҳавасманд бўлишган. Ўз ўрнида уларнинг назаридан қолиш, қарғишига учрашни оғир фалокат ва хору зорликларга сабаб деб, билишган.

Аҳли суннат эътиқоидида бўлган машхур алломаларнинг китобларида қиёматга қадар ер юзида турли валийлар жамоаси вакиллари бўлиши айтилган. Бунга қатор ҳадислар ва саҳобаларнинг сўзлари ҳужжатдир.

Имом Табароний Убода ибн Сомит ривоят қилган: “Абдоллар умматим орасида ўттиз нафардир”, мазмунидаги ҳадисни келтирган ва уни исноди саҳиҳ эканини айтган. Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам Али р.а.нинг абдоллар мавжудлиги ҳақидаги сўзларини келтирган.<sup>528</sup>

Абдоллар валийлардан бир жамоа бўлиб, уларни бундай деб аталишининг сабаби ҳақида Ибн Ҳажар ал-Асқалоний: “Улардан бири вафот этса, ўрнини бошқаси тўлдиргани учун, шундай аталган”, – деган. Айни маъно “Танвир ул-ҳаволик”да Абдураҳмон ибн Абу Бакр Абул Фазл Ас-Суютий томонидан ҳам келтирилган.<sup>529</sup>

Ўша даврда Марғилонда Хожа Аттор номи билан машхур бўлган Муҳаммад Аминхожа исмли авлиё ҳам яшаб ўтган. Бу зот ҳақида манбаларда шундай дейилади:

*“Исми Муҳаммад Амин хожа, лақаби Атторхожа эди. Бу зот Марғионнинг сайргоҳи бўлиб келадургон ҳазрат Муоз ибн Жабал деб исмланмиш жойининг Шарқ тарафида ўз кучи билан*

<sup>527</sup> Абдураҳмон ибн Камол Жалолиддин Суютий. “Ад-дурр ул-мансур”. Дорул фикр. – Байрут. 1993,1-ж,76-б.

<sup>528</sup> Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Ҳажар ал-Асқалоний. “Ал-матолиб ал-олийя”. Дорул ватан. Риёз -1318 х. 9-ж, 238-б.

<sup>529</sup> Абул Қосим Сулаймон ибн Аҳмад ибн Айюб Ат-Табароний. Дор ар-рашод. Мағриб. 1400-х.

бир майдонда арчазор бино қилиб, хотин-болалари билан сукно қилиб турар эди. Зотан, ниҳоят оташинафас, қизил юзлик, тез сухан, лобар киши эди. Ҳақиқатда ҳам бу кишига ўшал даврнинг ҳамма ақобиру ашироф, ҳамма шайху шоблари ихлоси тамом бирла алоқа қилар эдилар. Доимо кўлида бир таёқ бўлиб, аёғида эски чоруги, эғнида биргина эски ёғдор шалвираган тўни бор эди.

Эшон девонани ким таниган бўлса таъриф қилинган либосидан бошқа либос кийгонини кўрган киши йўқдур. Ёши вафотигача етмиш бешдан тажовуз қилгонлиги қиёс қилинадур. Охир умрида Ёрмозор яқинида тааллуқ жойида вафот қилуб, мадфун бўлгон. Турбаси ҳовли ичида кўча бўйидадур. Эшитилишига қарагонда ёзу қиш фалос тепасида ётмай, фақат ўзини махсус ерида тахта узасида ётар экан. Муоз ибн Жабал сайргоҳида ободонлиққа доир ашжорлар аксари мушорун илайҳнинг ҳатти-ҳаракати остида бўлгон эрди.<sup>530531</sup>

Айтишларича, уни "Ажам диёрининг авлиёси" деб аташган. Девона 1333/1915 йилда вафот этган. Мазкур девона вафот этганида Рожий унга атаб бир таърих битади ва унда авлиёнинг кўплаб жиҳатларини санаб ўтади. Жумладан,

*Девонайи сабуквор, дер эрдиларки Аттор,  
Дунёни накҳатидан бўй олмаган димоғи.*

Яъни, у ҳушёр ва огоҳдил девонанинг номини Аттор дердиларки, унинг димоғи дунёнинг бўйини искамаган эди.

*Бир-бир санаб бу дунё асбоби зийнатини,  
Дер эрди: "Кетти-кетти, беҳудадир саноғи".*

У дунё зийнатларини санаб, буларни санашга хожат йўқ, барчаси кетди, дер эди.

*Ҳақдин эди ҳароси, устида жул фалоси,  
Устидаги либоси кир латталар ямоғи.*

---

<sup>530</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 102-б.

Унинг кўркинчи фақат Ҳақдангина бўлиб, устидаги кийимлари кир латталарнинг ямоғидан иборат эди.

*Асҳоб Каҳф шаклли шарри замонасидин,  
Кочди тирик ётибдур бир гўр эрур ётоғи.*

У ғор соҳиблари каби замонасининг ёмонлигидан кочиб, бир гўрни ўзига маскан қилиб, у ерда тирик ётибди.

*Шайтонни ҳамласига ҳайбатни сўтаси деб,  
Ўлгунча ташлагон йўқ илгидаги таёғи.*

У шайтонга ҳайбатли қамчи бўлади, деб бир умр кўлидаги таёғини ҳам ташламаган.

*Умрида кир соқоли бир шона кўрмай ўтти,  
Асбоби зийнати деб, аҳли риё тароғи.*

Ҳатто тароқ ҳам аҳли риёларнинг асбоби деб умрида соқолини ҳам тарамаган.

*Тасбеҳ тутмас эрди, берган атоларини,  
Аллоҳнинг дўстиман деб, кўнглимдадур саноғи.*

Аллоҳнинг дўстиман, айтган тасбеҳларимнинг саноғи, дилимда, деб кўлига тасбеҳ ҳам тутмаган.

*Бесалла ўтти боши бир неча муддаъийни,  
Дарди сари кўринди дастори бир қучоғи.*

Энг қизиғи, унинг назарида салла ҳам куруқ даъвога сабаб бўлмасин, деб салла киймаган.

Эшон девонанинг вафот таърихи қуйидаги мактаъда ифодаланган:

*Таърихига дедим мен, "Фарғонадан кесилди,*



*Бошини гўр яширгоч, девонанинг оёғи".<sup>532</sup>*

Унга кўра хижрий 1333 йил чиқади. Эслатиб ўтамиз, Рожийнинг мазкур таърих шеърига шоир Шухрат тахмис боғлаган.

***Қози домладан дуо олдим***

Рожий домла яшаган даврда Марғилонда Абдулжалил махдум исмли мулла яшаб ўтган. У асли Қирғизистоннинг Қизилқия қишлоғида туғилган. Йигитлик пайтида қишлоқдаги чойхонада хизмат қилиб юрган. Кейинчалик у ердан Ўшга бориб, у ерда ҳам шу каби хизматларни қилиб юради. Табиатан камтар ва хокисор бўлган йигитнинг хизмати барчага маъқул келган.

Бир куни Марғилоннинг Подшо Искандар зиёратгоҳи яқинида турувчи бир гуруҳ кишилар Ўшга борадилар. Улар Махдум хизмат қилаётган қарвонсаройга тушадилар. Махдум уларни кутиб олиб, меҳмонхонага жойлаштиради. Дарҳол отларини оғилга олиб кириб, аравадан ажратиб, яхшилаб парво қилади. Меҳмонлар у ерда бир ҳафта туриб қоладилар. Қайтаётганларида Махдумга хизмат ҳаққини бермоқчи бўлишади. Бироқ, Махдум, ҳеч қандай ҳақ керак эмаслиги, бу ишларни холис Аллоҳ учун қилганини айтади. Улар бундан хурсанд бўлиб қайтадилар ва Махдумни Марғилонга таклиф қиладилар.

Орадан бир муддат вақт ўтиб Махдум Марғилонга келади ва улар мезбонлигида бир ҳафта меҳмон бўлади. Бу ерда ҳам йигит ўзининг камтарлиги ва юксак одоби билан шаҳарликлар кўнгилдан жой олади. Айти пайтда шаҳарнинг кўнгилли кишилари томонидан шаҳар бозорида чой дўкони ташкил қилинган бўлиб у ерда хизмат қилиш учун шундай бир покиза йигитга эҳтиёж тушиб турган эди. Йигит қайтаётганида дўкон ҳақида гапириб, уни шу ерда ишлашга таклиф қилишади. Шаҳар аҳлининг самимийлиги, айниқса, илм аҳлининг кўплиги, хусусан бу ердаги Чуқур мадраса муҳити ўзига ром қилган йигит бундан

---

<sup>532</sup> "Баёзи Махбуб ул-махбуб"...79-81-б.

хурсанд бўлади ва қишлоққа бориб ижозат олиб келишини айтиб жўнаб кетади.

Орадан бир қанча вақт ўтиб юклари билан аравада кириб келади ва мадраса ёнидаги ҳовлига жойлашади. Бу ерда ҳам барчага манзур бўлиб хизмат қилади ва хизматдан ортиб Чуқур мадрасага кириб таълим ола бошлайди. Мадрасада ҳам зехни ва зийраклиги билан талабалардан ажралиб туради, айниқса, Жалолоддин Румийнинг маснавийларига мохир бўлади.

Шундай қилиб қишлоқлик йигит тақдирига Марғилонга келиб истиқомат қилиш ёзилган экан, бу ерга келиб қолади. Уни ахлоқини кўрган марғилонлик Усмонжон домла қизини бериб ўзига куёв қилиб олади ва шаҳарнинг Тошмозор даҳасига қарашли маҳалладан ҳовли жой қилиб беради. Махдум ёши 35 етганида ҳам фарзанд кўрмайди. Бир куни мадраса хужрасига кириб йиғлаётганини кўрган кишилар бунинг сабабини сўрашади. У шунча ёшга кирганига қарамай фарзанд кўрмаётганини айтади. Улар диққат бўлманг, Хожажон қози домла хузурига боринг, маслаҳат берадилар, дуолари ижобат зот, дейишади. Бундан кўнгли кўтарилган Махдум Қози Домла хузурига боради.

Домла у кишини тинглаб, аввалига болам бундан бу ёғига туғиладиган болалар тарбиясига жуда хушёр бўлиш керак, тарбия иши ўта муҳим, сен шу машаққатлардан кутулиб кетибсан, бунга хурсанд бўлавер, дея кўнглини кўтарган бўлади.

Кейин унга ноумид бўлмай, дуода бўлиб туриши зарурлигини айтади ва муайян вазифа бериб уни қирк кун давомида ҳар куни бомдоддан кейин ўқиб юришга тавсия қилади. Орадан қирқ кун ўтгач, Махдум фарзанд аломатлари пайдо бўлганини айтиб севинчлаб кетади.<sup>533</sup>

Рожий домла ўз асарларида баъзиларга қатор фарзандлар берилгани, бошқаларга ҳисобсиз мол-дунё берилгани ҳолда унга халаф – фарзанд берилмаганини ҳам тилга олиб ўтган эди:

*Бирга бериб аҳли иёлу касир,*

---

<sup>533</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – 2015.

*Наздидадир шакли фалак бир патир.*

*Бирни қилиб лаъл жавоҳир ба кафф,  
Умр ичинда бермади анга халаф.*

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади: "Осмонлар ва ер Аллоҳнинг мулкидир. У Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. У Ўзи хоҳлаган кишига қизларни ҳадя этур ва Ўзи хоҳлаган кишига ўғилларни ҳадя этур. Ёки уларни эгизак ўғиллар ва қизлар қилур ва Ўзи хоҳлаган кишини туғмас – бепушт қилиб қўюр. Албатта, У (барча нарсани) билувчи ва (Ўзи хоҳлаган нарсани яратишга) кодирдир (Шўро сураси 49-50 оятлар).

Рожийнинг мутойибага оид шеърларидан бири бу Мулло Исҳоқ исмли шахсга ёзган рубойси эди. Тез-тез Рожий ҳузурига келиб рўзғор учун баъзи керакли маблағларни олиб кетиб турадиган мазкур шахсга ҳар гал келганида кўнглини кўтариш учун бир оз ҳазиломуз сўзларни айтиб жўнатар эди. Бир гал унга ажратилган маблағни бера туриб, қуйидаги рубойини айтади:

*Мулло Исҳоқ тири ҳайкалдек,  
Ахтамонанд, йўрга байталдек.  
Йўргалаб келди, бердим уч танга,  
Кўрдим аҳволи пулга маъталдек.<sup>534</sup>*

### ***Меҳмонхона ва вафот таърихи***

1912 йилда Марғилонда хожалар авлодидан Нуриддин хўжа яхши ниятда ёш болаларни хатна қилиш жойи бўлсин деган умидда меҳмонхона қуради. Меҳмонхона битгач, ёшу қарини чақириб уларга катта эҳсон ва садақотлар улашади. Ана шу аснода ўзи тўсатдан вафот этиб қолади. Бу аянчли воқеа ҳаммага қаттиқ таъсир қилади. Рожий ҳам унга қуйидаги таърихни битади. Энг қизиғи, таърих моддаси учун танланган сўз айни воқеани эслатиб туриши, яъни, у меҳмонхона эмас "ҳасратхона" бўлганидир:

<sup>534</sup> Ашъори Рожий Марғиноний. ЎзФАШИ инв. №5868. 80-б.

*То чунин маъмурайи олий бино кошона шуд,  
Хайф қасри умри бони аз фано вайрона шуд.  
Қасри манқуши ба зеб маскан аҳли тараб,  
Буд таърихаши чу бонийи мурд “ҳасратхона” шуд.*<sup>535</sup>

**Насрий баёни:** Бир олий гуногун кошона қурилди-ю, аммо қурувчисининг умри бу вайронадан узилди. Шу туфайли, гарчи у қасри нақшинкор хурсандлик жойи бўлса-да, таърихи, қурувчиси ўлгани учун, “ҳасратхона” бўлди”. Хасратхона сўзини абжад билан ҳисоб қилинса меҳмонхона қурилган йил чиқади, яъни 1320/1912.

### **Уйқусида вафот этган бола**

Маълумки, фарзандлар ўлими ота-она учун оғир мусибат саналади. Ҳар қандай она-она бу мусибатни кўтариши кийин. Фарзанд ўлимига сабр қилган кишига бериладиган савоблар ҳақида кўплаб хабарлар келган, ҳам шундан. Пайғамбармиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Қайси мусулмоннинг учта фарзанди вафот этса, у буни сабр ва савоб умидида ўтказса, улар қиёмат куни унга дўзахдан тўсувчи қалқон бўлади", – деганлар. Шунда бир аёл деди:

– Иккита фарзанди вафот этсачи?

– Иккитаси вафот этса ҳам, дедилар".<sup>536</sup>

Фарзанд вафоти оғир мусибат бўлгани учун бу пайтдаги отанинг дуоси, энг умидли дуо саналади. Абу Синон фарзанди қабри тепасида шундай деган эди: "Аллоҳим, фарзандимнинг зиммасида қолган ҳақларимни ўтдим. Сен ҳам уни зиммасида қолган ҳаққингни ўт, чунки сен карамли ва меҳрибон Зотсан!"

Имом Муҳаммад Ғаззолийнинг келтиришича, бир аъробий ўғлининг қабри тепасида туриб деган: "Аллоҳим! Ўғлимнинг менга қилган хизматидаги қусурларини кечирдим. Сен ҳам уни тоатингдаги қусурларини авф эт!"

<sup>535</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 92-93-б.

<sup>536</sup> Молик ибн Анас ал-Асбахий ал-Хумайрий. “Муватто”. Дорун-нафоис. Байрут, 1978. 2-ж. 229-б.

Зарр ибн Умар вафот этганида отаси Умар ибн Зарр деган: "Аллоҳим! Бу менинг ўғлим Заррдир. У билан вақтимни хуш, димоғимни чоғ этган эдинг. Энди эса уни кунларини тамомига етказдинг, ризқини тўлиқ бердинг. Бу ишда Сен унга зулм этганинг йўқ. Аллоҳим, уни ўзингни ва мени итоатимга бўйунсундирдинг. Аллоҳим, ўзинг ваъда этганинг – фарзандим туфайли чеккан мусибатим ажрини унга ҳадыя этдим. Энди уни азобини менга ҳадыя эт, уни азобдан халос қил!".

Шундай пайтда киши бировнинг тасаллийсига муҳтож бўлади. Рожий Марғиноний жамиятда бўлиши тез-тез кузатиладиган бу каби қайғули ҳолатларга мусулмон сифатида ўз муносабатини билдирган. Унинг аҳлларига тасаллий ва таскин берган.

Айтилишича, 1913 йилда Рожийнинг яқин биродари Мулла Тошболтунинг Раҳматуллоҳ исмли ўсмир ёшидаги ўғли ухлаб ётиб уйқусида вафот этади. Буни эшитган Рожий унга куйидаги таърих-марсияни битади:

*Чархи золим бемурувват дастидандур оҳ, оҳ,  
Навниҳолин гунчасин сўлдуриб қилди адо,*

*Эътино қилмай бу дунё лаззати тазвижсини,  
Котиби қудрат азал девонидан берди қазо.*

*Раҳматуллоҳ эрди, қочди раҳмати Аллоҳ сари,  
Ҳуру гилмон, қасру айвонидин топуб жойи гало.*

*Таърих ўлди Раҳматуллоҳ раҳматийга бе галат,  
Кўрди марқуми хизом иккинчи "Ғуфрон"ул илоҳ.<sup>537</sup>*

### ***Музаффар хўжа ва унинг ўғли вафоти***

1911 йил 30 май куни Сафилтўда даҳаси қозиси Музаффархон хўжа Мансур ҳожи ўғли вафот этади. Орадан уч кун ўтиб унинг набираси Мухтарамхон вафот этади. Бундан таъсирланган Рожий куйидаги таърихни битади:

<sup>537</sup> Марғилон мажмуаси. 61-б.

Дилам имруз сўзонасту нолон,  
 Забун афтода аз ошуби ҳижрон.  
 Маро дар панж рўзи ду мусибат,  
 Ба дасти ғам сунурду сохт гирён.  
 Видои қиблагоҳи меҳрибонам,  
 Фироқи нури чашми Муҳтарамхон.  
 Ки бувад онам чу дил в-ийн жон ширин,  
 Чароғи дину дунё-у будам эшон.  
 Видои аз аввал, соний жумодий,  
 Фироқ жудоки аз панжуми он.  
 Шунидам соли фавти он зи ҳотиф,  
 Ки мегуфт у баавжи рубъи ризвон.  
 Бас ҳаштоду се буданад инак,  
 Башорат бар қабулу маҳви исён.  
 Вале он навраси боғи умидам,  
 Понздаҳ солики рав гирад пинҳон.  
 Ҳануз аз жўйибори ҳулму завқи,  
 Набурда барад шавқ ҳуру гилмон.  
 Умид аз ҳазрати Ваҳҳоби мутлақ,  
 Ки бинависад ба-фазлаш аз шаҳидон.<sup>538</sup>

**Таржимаси:** Дилим бугун жудолик аламидан маҳзун ва нолон. Беш кун ичида икки мусибат бўлиб бизни ғам саҳросига ташлаб кетди. Биринчиси қиблагоҳим Мулла Музаффархон қозининг ўлими бўлса, иккинчиси набираси Муҳтарамхон вафотидир. Уларнинг бири гўё дил бўлса, иккинчиси ширин жон каби дину дунё чироғи эдилар.

Биринчи мусибат жумадул-аввал ойининг иккинчи куни кейингиси бешинчи кунида бўлди. Қиблагоҳининг вафоти

<sup>538</sup> №2 йиғма жилд. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

ҳақида ҳотифдан шундай овоз эшитдим: "У ризвон боғига кетди". Ёши гуноҳлар кечирилиши ва қабулнинг аломати бўлмиш саксон учда эди. Умидим боғи бўлмиш набираси эса ўн беш ёшда пинҳон бўлди. Айни ёшлик айёмида ҳурлар хузурига кетди. Энди ҳазрат Ваҳҳобу Зул-Жалолдан умид шулки, уларни фазли билан шаҳидлар қаторига ёзиб қўйса.

Алишер Навоий ҳазратлари Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Музаффар Ҳусайн мирзонинг фарзанди вафот этганида унга ёзган бир таърихи ҳақида хабар бериб шундай ёзади:

"Қуррат ул-айни салтанат (салтанат кўз қувончи) Музаффар Ҳусайн мирзонинг Аҳмад Ҳусайн отлиғ фарзанди Тенгри раҳматиға борганда алар (Абдурахмон Жомий) азо сўрар дастур била (таъзия изҳор қилиш учун) «Боғи Сафед»ға келиб эрдилар. Фақир ул азиз фарзанд марсияси била ул азиз ота дуоси бобида бу байтни айтиб эрдимким:

*Гар шамъ мурд, меҳри фалакро мадор бод,  
Гар қатра рехт, оби бақоро қарор бод*<sup>18</sup>.

**Таржимаси:** Шамъ ўчса ҳам осмон қуёши айланиб турсин, Қатра тўкилса ҳам боқийлик суви барқарор бўлсин.

Ул Ҳазрат хизматларида астағина ўқудум. Султонзода мажлисларида алар давог ва қалам ва қоғоз тиладилар, дағи бу байтни битидиларким:

*Фарзанд меваест зи шохи дарахти умр,  
Гар з-он ки мева рехт, шажар пойдор бод*<sup>19</sup>.

**Таржимаси:** Фарзанд умр дарахти шохидаги бир мевадир, гарчи ундан мева тўкилса ҳам, аммо дарахт доимо бўлсин.

Ва султонзода ниёзмандлиғлар қилиб, бу байтнинг мусаввадасин (қораламасини) олиб, азим таъзимлар қилиб узоттилар".<sup>539</sup>

<sup>539</sup> Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин... 19-20-бетлар.

Рожий домла ёш болаларга шафкатли бўлганидек, кекса ёшли кишиларга ҳам алоҳида эҳтиром билан қараган. Масалан, Хожа Муҳаммад аълам Ўшийни таърифлар экан, уни тўқсон ёшга боргани учун умидки, у Аллоҳнинг озод қилган бандаларидан бўлса дейди:

*Ҳақ маъоф этгай гуноҳин ибн тисъин кўҳна сол,  
Бандайи пир атиқуллоҳи, шайхи фон<sup>540</sup> экан.*

Яъни, Аллоҳ таоло уни мағфират қилсин, чунки у шайхи фоний ва Аллоҳнинг озод қилиб юборадиган тўқсон ёшдаги бандаси экан.

Унинг бундай дейиши Имом Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абу Бакр Сиддиқ р.а.дан ривоят қилган қуйидаги ҳадиси шариф маъносига мувофиқдир. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

"Агар банда имону ислом билан қирқ ёшга етса, Аллоҳ таоло ундан уч турли балони қайтаради; жиннилик, мохов ва песлик. Агар эллик ёшга етса, ундан гуноҳларини енгиллатиб боради, олтмиш ёшга етса, унга инобат – Аллоҳга сидиқидилдан бўйсунушликни беради, етмиш ёшга етса, уни осмон аҳллари яхши кўриб қоладилар, саксон ёшга етса, қилган яхшиликларини маҳкам қилиб, гуноҳларини ўчиради ва агар тўқсонга етса аввалги ва охириги гуноҳларини кетказди ва уни ер юзидаги асири, яъни озод бандаси, деб эълон қилади".<sup>541</sup>

### ***Ҳофизул калом вафот этди***

1331 ҳижрий, 1912 милодий йилда Марғилонда Ортиқ қори исмли Қуръони каримни ёд олган ҳофизул калом вафот этади. Доимо тиловат билан машғул бўлиб, кўп ҳолларда мазорлар зиёратида юрадиган бу ажиб кайфиятли қорининг вафоти Рожийга таъсир қилади ва унга қуйидаги қисқача таърихни ёзади:

<sup>540</sup> Аслида "фоний" шаклида бўлса-да, бу ерда вазн такозосича "фон" шаклида ёзилган.

<sup>541</sup> Жалололдин Суютий. "Жомеъ ул-аҳодис". 2-ж, 4447-б.



*Ажойиб ҳофизи Қуръони Рабби киркидор эрди,  
Ибодатдин ётуб танҳо анга манзил мазор эрди.*

*Бўлди “ғуфрон”и Илоҳ фавтин ҳисоби таърихи,  
Фарқи раҳматдин нишона чунки беозор эди.<sup>542</sup>*

Таърих моддаси “ғуфрон” сўзи бўлиб, абжад бўйича ҳижрий 1331, милодийга 1913 йилга тўғри келади.

Айтиш ўринлики, мазкур таърих Рожийнинг Қуръони карим ва унинг аҳлига муносабатини ифода қилади. Чунки у ўзининг асарларида ҳам у ёки бу аллома ёки мударрис ҳақида ёзганида уларни Қуръон устози ёки Қуръон ҳофизи эканига алоҳида урғу бериб ўтган. Масалан, Марғилоннинг Машҳад даҳасида жойлашган жомеъ масжиди имом-хатиби Бузрукхон қози ҳақида ёзган таърих-марсияда шундай дейди:

*Ваҳиди аср адимун назир аз ақрон,  
Имоми аҳли тариқат ба ном Бузрукхон.*

*Ба хатми расми улуми каломи Ҳақ гардид,  
Мударрисси сабақи дин муаллими Қуръон.*

Яъни, тариқат аҳлининг пешвоси бўлмиш Бузрукхон аср ягонаси ва замондошлари орасида беназир эди. Расмий илмларни хатм қилган, ҳақ сўзни айтувчи, мударрис ва Қуръон муаллими эди. Ёки:

*Имоми жомеъ Қуръон халифат-ур-Раҳмон.*

Яъни, Қуръонни ҳифз қилган бу зот гўё Раҳмоннинг ер юзидаги халифаси эди.

### ***Саждада вафот этган Тошболту***

Рожий домла билан бирга қозихонада хаттотлик қилган Мулла Тошболту исмли истеъдодли шогирди бўлган. Ўта тақволи ва парҳезкор бўлган махзкур шахс умри охирида чиройли ўлим топади. Бомдод намози чоғи жойнамозда саждада

---

<sup>542</sup> Марғилон мажмуаси...61-б.

турган ҳолида вафот этган. Буни эшитиб қаттиқ таъсирланган Рожий унга атаб қуйидаги учта таърих битади. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай дейди:

*"Тошболту Фурқатнинг ошиноси намозда вафот қилгон саждада бомдод намозини ўқиб туриб тўсатдан. Вафотига (Рожийнинг) ёзган таърихлари будур:*

*Мурд Тошболту фазли у инаст фасоҳат дилдор,  
Зуд рафт аз ақиби Фурқат фатонати ашъор,  
Афсус кунад аҳли фазл уламо надомати ин кор,  
Тошболту ёдий қалам таърихи Рожий саодат ёр.*

**Таржимаси:** Яъни, Тошболту ўлди унинг фазилати у фасоҳатли дилдор шахс эди. Фурқатнинг орқасидан тезда у фатонат ашъор ҳам кетди. Бундан барча уламолар афсус қилди. Рожий у саодатёр таърихига: "Тошболту ёди қаламдир", деб айтди.

*Мурд Тошболту дар сажжода бо амри Худо,  
Рафт аз ин дунё ба сўйи жаннатул маъво.  
Афсус кунанд ҳама аҳли фазл уламоҳо,  
Тошболту ёдий қалам таърихи Рожий ба ёди қазо.*

**Таржимаси:** Тошболту Аллоҳнинг амри билан жойнамоз устида вафот этди. У бу дунёдан жаннатул маъво томонга кетди. Барча аҳли фазл уламолар бундан афсус қилдилар. Унинг вафотига Рожийнинг таърихи: "Тошболту ёди қалам" жумласи бўлди.

*Мурд Тошболту фазласт илму адаб ризқи аз қалам,  
Зуд рафт аз ақиби Фурқат ашъори бадастам.  
Афсус кунанд аҳли фазл уламо аз фарқати зор,  
"Тошболту ёди қалам" таърихи Рожий раҳмати Изид ёр.<sup>543</sup>*

**Таржимаси:** Илму адаб соҳиби Тошболту ўлди, унинг ризқи қаламдан, яъни котиблик билан кун кўрар эди. У тезда Фурқатнинг ортидан шеърларини кўтариб кетди. Унинг фуқатидан барча аҳли фазллар афсус қилдилар. Рожий унинг

<sup>543</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 87-б.

вафот таърихи: "Тошболту ёди қалам" деб айтдики, унга раҳмат ёр бўлсин.

Ҳар учала таъриҳда ҳам таъриҳ санаси 1335 ҳижрий, 1917 йил чиқади. Тошболту Фурқатдан бир йил кейин вафот этани учун таъриҳда шунга ишора қилинган.

Хўш, Мулла Тошболту ким эди? Биз буларга аниқлик киритиш учун бир қанча изланишлар олиб бордик. Ҳозирда Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи шоирнинг набираси саксон ёшли Юсуфжон ҳожи ота Акрам қори ўғлининг маълумот беришича, Мулла Тошболту Хожажон қози домланинг шогирди ва котиби бўлган. У зотнинг баъзи асарларини кўчириб берган. Ўзи учун тилло сувида Қуръони каримни кўчирган, авлодларга мерос бўлиб қолган мазкур мусҳаф сабабларга кўра йўқолган.

Асл исми мулла Тошболта Муҳаммад Иброҳим бўлиб 1845 йилда туғилган 1918 йилда 63 ёшда вафот этган. Хожа Эгиз қабристонига дафн қилинган. Ҳовлилари Марғилоннинг Хожа Эгиз маҳалласида бўлган. Аввалига мактабдорлик қилган кейин эса шаҳардаги Кўк мазор мадрасасида таълим олган ва шу ерда туриб қолган.

"Тазкираи Қаюмий" асарида Мулла Тошболту ҳақида шундай маълумотлар бор:

*"Бу шоир Марғилон шаҳридан бўлуб, номи мулла Тошболта Муҳаммад Иброҳим ўғлидур. Кўк мазор номли мадрасада истиқомат этиб шоир Фурқат ила дўсту ошно бўлмишдур. Баъзан Роиқ деб тахаллус ила шуҳратланса ҳам ёзган ашъорида Ибрат тахаллус ихтиёр этгани кўринадур. Анинг яқин кишиси бўлмиш Маҳмуд Муфаззалишоҳ домулланинг ёзган хатларини ҳам сўзимизнинг исботи учун кўрсатдик. Бошида мактабдор муаллим, хотунлари ҳам муаллима бўлуб танилган экан. Сўнгра қозихонада муфтий ва хат ёзадургон бўлуб, аълам деб аталган. Ўзгон, тўла гавдали бўлуб, ҳижрий ила 1336 нчи (милодий 1917-18) йилда шаъбон ойинда 63 ёшинда Марғилонда вафот этмишдур.*

Фурқатнинг бу кишига ёзган насиҳатомуз назми бордур. Кўк мазор мадрасасида Фурқат билан бир ҳужрада турган эди.

*Фурқат растада чойфуруи ҳам эди. Бу байт Фурқат газалига мухаммасдин биридур. Бунда номи Тошфўлод кўрсатиладур.*

*Кўрқаман, эй дўстлар ул кўзлари жаллодидин,  
Гарчи бўлсам ман камина Болта тош Фўлоддин*<sup>544</sup>.

Эслатиш жоизки, Хитой Халқ Республикасининг Синьцзян (Шинжон) Уйғур автоном ноҳияси Ёркент (Ёрканд) худудидаги Гулбоғ қишлоғида жойлашган Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқат макбараси деворида Фурқатни айнан Мулла Тошболтуга ёзган ғазалидан қуйидаги байт ёзиб қўйилган:

*Олиб ёдига, сўрмас кимса Зокиржон Фурқатни,  
Агарчи айтадур доим дуо боди саболардин.*<sup>545</sup>

### ***Хожа Муҳаммад аълам Ўший вафоти***

Рожий асарлари орасида Ўш шаҳрида узоқ вақт аъламлик вазифасида хизмат қилиб ўтган Хожа Муҳаммад аълам вафотига ёзилган таърих-марсия бўлиб, унинг аввалида қуйидаги сўзлар бор:

*"Таърихи вафоти Домла Ҳожи Муҳаммад аълам Ўший пири кўҳна сол, фақиҳи бемисол муддатул умр аълам намуда мутасаддийи фатво шуда. Дар охири сол қози шуда алойиқ ва мутааллиқоти қазо гарон омада нез аълам шуда дар хонаи худ мунзавий буд. Аз ақрон он намонд, пир хамида, гўшт рафта устихон буда. Боин муносиби аҳвол".*<sup>546</sup>

**Таржимаси:** Хожа Муҳаммад аълам Ўший вафот таърихи бўлиб, у зот кекса ёшли мўйсафид, тенги йўқ фақиҳ эди. Бир умр аъламлик вазифасида бўлиб фатво ишига мутасадди эди. Умри охирида қози бўлган бўлса-да, лекин қозилик юқини оғир билиб, яни ўз хонасида аъламлик билан машғул бўлди. Унинг бирор тенгдоши қолмаган эди. Бели эгик бўлиб, баданидан

<sup>544</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 465-466-б.

<sup>545</sup> Абдулахатов Н. Шоир Фурқат зиёратгоҳи // Фурқат ижоди муаммолари. Қўқон, 2010. 36-б.

<sup>546</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 33-б.

гўшти қочган экан. Қуйидаги таърих мазкур аҳволларига муносиб ёзилди.

Рожий марсияни Хожа Муҳаммадни ибрат аҳлининг аълами, эди деб бошлайди:

*Домла ҳожи Муҳаммад ибрат аҳлин аълами,  
Ўш қозихонасига неча йил дарбон экан.*

Кейин эса унинг дунёга рағбати бўлмагани уни дунё ҳовлисини фақат кирди-чиқтилар жойи, осмонни эса келди-кеттиларга айвон, яъни омонат жой эканини англаб етган оқил киши эканини айтади:

*Дори дунё кирди-чиқтиларга жойу, осмон,  
Келди-кеттиларга бўлган бир баланд айвон экан.*

Шунингдек, у дунёда ҳар қандай мансаб айвонида ўтириш фурсати ҳам бир онгина эканини билган:

*Келди-кетти, кирди-чиқти кўрди дунё дорини,  
Мансаб айвонин жулуси фурсати бир он экан.*

Рожий марсияни қуйидаги мақтаъ билан тугатади:

*Рожий авсофи бирлан таърихи фавтига деди:  
“Кўҳна мулло, зинда сурат маййити бежон экан”.*<sup>547</sup>

Яъни, Рожий у зотни вафот таърихи билан тавсифига деди: "У зот кекса ёшли мулла, вафотидан кейин ҳам ўлмагандек, аммо ўзи бежон эди".

### ***Аҳмад қори Чорчинорий***

Марғилоннинг Чорчинор маҳалласида Аҳмад қори Чаҳорчинорий исмли олими хушбаён шоир яшаб ўтган. Рожий домла у билан ижодий ҳамкорликдан ташқари камбағаллигини

<sup>547</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 125-126-б.

инобатга олиб, ҳар ҳафта маълум миқдорда нафақа билан таъминлаб турган. Бу ҳақда шоир шеърларидан тузилган қўлёзма баёзларнинг бирида шундай дейилади:

*“Марғионда Маиҳад даҳасидаги Чаҳорчинор маҳалласида бўлғувчи Домла Аҳмад қори ном олим ва шоири хушбаён камбағал киши бор эдилар. Бу зотни мунча илм ва фазллари билан ниҳоят бечоралигларига шафқат қилуб, жаноб Домло Хожажон қози Рожий ҳар ҳафта икки танга яъни, қирқ тийиндан вазифа билан таъмин қилиш одатлари бўлиб, шу вазифа муносабати билан Домло Аҳмад қори Рожий тарафларига ёзган шеърларидур.”<sup>548</sup>*

Аҳмад Қори: *“Ду танга аз каромат мерасад ба ҳар ҳафта”*, – дея, унга Рожийдан ҳар ҳафта икки танга келиб туришини миннатдорчилик билдириш билан бирга, азбаройи йўқчилигидан уни мумкин қадар эртароқ, иложи бўлса, кўпайтириброқ беришни закиёна ишора қилади:

*Ду танга аз карамат мерасад ба ҳар ҳафта,  
Лақод таҳаййа-а ёвмал хамийс ба сар ҳафта.*

*Чу жумъа бигузарад айёми ҳафта мешумрам,  
Ба ҳам расидан панжшанба дигар ҳафта.*

*Физон аз омадан ҳафтаҳойи бепоён,  
Ажабо рафтани худ умргоҳи ҳар ҳафта.*

*Дарахти умр ба ҳафтод ҳафта дандонаш,  
Кашид тийғи ба қатъи шажар мар ҳафта.*

*Тилисми ҳайратаст ин арсау жуду адам,  
Адам-адам шавад, зинда зинда дар ҳафта.*

*Макун шиқоят ин ҳафтаҳои бе парин,  
Мағуйи ҳафта “Қулиллаҳ сумма зар” ҳафта.*

**Таржимаси:** Ҳар ҳафта сени карамингдан менга икки танга етадики, уни ҳар ҳафтанинг бешинчи куни бўлмиш пайшанба кунига тайин қилинган. Агар пайшанба куни келмай жума

<sup>548</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 21-б.

қунига ўтиб кетса, янаги ҳафтанинг пайшанбаси етгунча йиғлайман. Кетма-кет келаётган ҳафталарнинг келишидан фиғондирки, бу билан умрнинг ҳар бир ҳафтаси ўтиб кетмоқда.

Умр дарахтининг тиши етмишга етди, унга тиғ уриб кесадиған ҳафта ҳам яқинлашмоқда. Бу борлиғу йўқлик майдони сеҳрли тилсимдир. Шу бир ҳафта ичида қанча йўқ-йўқ бўлади, қанча бор-бор бўлади. Бу бош-оёқсиз ҳафталардан шикоят қилма, ҳафта дема, балки "Аллоҳ!" дегину, сўнгра бошқа нарсани тарк қил!"<sup>549</sup>

Рожий домла эса ўз жавобида унинг талабини тўла қондира олмаслиғи сабабини лутфу зарофат билан йўғрилган шеър билан жавоб беради:

*Ду танга ҳафта қарорат диҳам ба ҳар ҳафта,  
Атиятан лака явмал хамиси сар ҳафта.*

*Бигир ҳафта қарору бигир ҳафта қарор,  
Қарор ба ҳар ту кардам ду танга ҳар ҳафта.*

*Ду танга хоҳ з-тангий ба ёд тангам гир,  
Ба танга вазҳи маошат намо ба сар ҳафта.*

*Расиди-ю нарасиди ду танга явмал хамис,  
Ту ҳафта фаҳми шанба раси басар ҳафта.*

*Чу диди ҳафтаи хушк ту хушк ман ҳам хушк,  
Ба хушки ҳафта маё-ю, биё, батар ҳафта.*

*Сар ҳафта то бистони ду ҳафта бинишини,  
Гужост жойи гуризам з-дарди сар ҳафта.*

*Салот медиҳам охир қазо қуни ба дуо,  
Ба рўзи жумла ақиб салоту дар ҳафта.*

*Қазо туро нарасиду қазо туро боқийст,  
Нашояд омада яксар бигуйи сар ҳафта.*

*Фариди вақти-ю андар замона сардори,  
Ду танга омада гиру, биё дигар ҳафта.*<sup>550</sup>

<sup>549</sup> Т. Рўзиев таржимаси.

<sup>550</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 21-23-б.

**Таржимаси:** Ҳар ҳафтанинг бешинчи кунида сенга, албатта икки танга тайин қилинган ва уни сенга бераман. Бу ҳафтадан у ҳафтагача тоқат қилгин. Сен учун ҳар ҳафта икки танга беришга қарор қилганман. Мени танглигимни ўйлаб туриб, икки тангани олгин-да, уни бу ҳафтадан у ҳафтага етадиган қилиб харж қил. Икки танга пайшанба куни етадим, етмайдими, сен ҳафтафаҳмлиқ қилма, ҳафтанинг боши шанбадир.

Қайси ҳафта сен қуруқ қолсанг, билгилки, ўша ҳафта мен ҳам қуруқман. Шунинг учун қуруқ ҳафтада келмай ҳўл ҳафтада кел. Сени ҳожатинг етмаса ҳам барибир турибди, шоядки, ҳафтани боши келмаганида эди. Сен ўз вақтининг яғонаси ва замоннинг сардорисан, икки тангани шу ҳафта бошида олгину, кейинги ҳафтанинг шу куни кел. Ҳафтанинг бошида сўрасанг, икки ҳафта ўтирсанг. Бу ҳафтабоши дардидан қаерга қочай. Сенга бир нарса берсам, керакмас, дема, икки тангани олгин-да, яна сўрама. Ўзим ҳам у ҳафтадан бу ҳафтагача фақирман.<sup>551</sup>

### ***Икки танга***

Аввал ҳам айтилганидек, Рожий домла "одамшунос, кадрӣ фазлӣ биладиган ва содиқул қавм" киши бўлган. Айтишларича Хўжанд шаҳрида яшовчи саййид авлодларидан Қорахон тўра билан Саййид Камолхон тўралар Рожий домла билан биродар бўлишган. Бир куни Хўжанддан бир заргар Марғилонга келади ва қайтаётганида Хожажон Хожа билан учрашиб қолади. Хожажон Хожа узоқдаги яқин биродарлари аҳволдан хабар топганидан хурсанд бўлади ва дарҳол ёнидан икки танга олиб унга беради ва қуйидаги тўртликни ёзиб, унга қўшиб у икки тўрага бериб қўйишини тайинлайди.

*Хўжанд шаҳрида бордур икки тўра,  
Саёдат маснадида жуфту жўра.  
Бор экан чўнтагимда икки танга,*

---

<sup>551</sup> Т.Рўзиев таржимаси.



*Юбордим иккитанга икки танга.*<sup>552</sup>***Мухрга ёзилган шеърлар***

Дарвоқеъ, Рожий домла ҳузурига ҳар ким ўз юмуши ва ташвиши билан келиши айтиб ўтилди. Унинг ҳузурига баъзи козилар ҳам келиб мухрлари учун ўзлари истаган мазмундаги шеърларни ёзиб беришларини ҳам илтимос қилишар эди. Рожий ҳеч иккиланмай ўша ернинг ўзида улар айтганидан зиёда қилиб турли мисраларни айтар эди. Масалан, Каримқул парвоначи Рожийнинг ҳузурига келиб, номим ва амалимни қўшиб мухр учун шеър битиб беринг, деб илтимос қилганида Рожий куйидаги шеъри айтади:

*Ба лутфи Изид шуд маржеъи кулл,  
Амалам парвоначи, номим Каримқул.*<sup>553</sup>

Яъни, Аллоҳ таолонинг инояти билан ҳамма мурожаат қиладиган кишига айландим, исмим Каримқул, вазифам эса парвоначидир.

Парвоначи унвони Бухоро амирлигида ҳам Қўқон хонлигида ҳам энг юқори унвонлардан ҳисобланган.

Хўш, Каримқул парвоначи ким эди? Бунга жавоб топиш учун Абдулғаффорбойнинг "Зафарномаи Худоёрхон" асарига мурожаат қиламиз. Унда айтилишича Қўқон шаҳрида 1853 йили ноябрь ойининг бошларида зул-ҳижжа ойининг 28-куни (милодий) сешанба куни қипчоқларнинг қирғини юз берган.

Худоёрхон Мусулмонқул ва қипчоқлар таъсиридан озод бўлиб, ўзига садоқатларини исбот қилган мингбоши ва кўшбеги мансабида бўлган Қосим мингбоши, Муҳаммадниёз кўшбеги, Муҳаммадназар, Каримқули дастурхончиларга парвоначи унвонини бериб, биринчисини Тошкентга, кейингисини

---

<sup>552</sup> Шеър 1969 йилда М.Мадғозиев тарафидан Ўш шаҳрида яшовчи Маматхон Исҳоқов Маҳжурийдан ёзиб олинган.

<sup>553</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 59-б.

Хўжандга, Каримкулини Чустга волий-хоким этиб тайинлайди.<sup>554</sup> Каримқул Парвоначи кейинчалик Мусулмонқул тарафидан ўлдирилган.<sup>555</sup>

Бошқа бир гал Ўшдан бир киши Марғилонга Хожажон қози домлани ахтариб келади. У билан кўришганида муҳри учун шеър битиб беришини, кўп жойларга бориб мурожаат қилиб иши битмагани, ҳеч ким у айтганидек уни қониқтирувчи шеър айта олмаганини айтади. Рожий ундан: "Хўш, муҳрда нималар бўлиши керак?", – деб сўрайди. У: "Исмим Оллоҳқул, ўзим Ўшданман. Муборак хўжани куёви бўламан. Қуръони каримдан "Қул увҳия" сураси билан "Таборак" ("Мулк") сураларини яхши кўраман. Шуларни барчаси муҳрга жойлашиш керак", – деб хўрсилади. Рожий домла бир оз мулоҳаза қилади-да, қуйидаги сўзларни айтади:

*Аз сураҳойи Қуръон "Қул увҳий", "Таборак",  
Оллоҳқули Ўшию домод Хўжа Муборак.*

Яъни, Қуръони карим сураларидан "Қул увҳий" билан "Таборак". Муборак хўжанинг куёви ўшлик Оллоҳқулидир.<sup>556</sup>

### ***Бўлинмас мерос***

Айтишларича, бир соддароқ йигит Хожажон қози ҳузурига келиб: “Тақсир, ҳузурингизга бир хизмат билан келдим, бизнинг бир кўшнимиз вафот этиб, қолдирган моли ворислар ўртасида кўп можаро бўлди. Ҳатто ака-укалар бир-бирлари билан бегона бўлиб кетишларига оз қолди. Шуларни кўриб, мен ҳам мабодо отам-онам вафотидан кейин уларнинг мерос тақсимооти қандай бўлар экан, деб ташвишланиб олдингизга келяпман, менга шаръий ҳукм қандай бўлса ёзиб, муҳрлаб берсангиз. Токи кейин муаммо бўлмасин”, – дейди.

<sup>554</sup> Шодмон Воҳидов. Қўқон хонлигида тарихнавислик. Тошкент Академик нашр. 2010, 232-б.

<sup>555</sup> Жангномаи Худоёрхоний. 22<sup>а</sup>; Мунтахаб ат-таворих (Таржимаси).692 – 693-бетлар.

<sup>556</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – Сафилгўда.1999.

Қози домла унинг сўзларини тинглаб, мерос илми фарз экани, буни ҳар бир киши китоб ва суннатга мувофиқ бажариши зарур эканини айтиб, миннатдорлик қилади ва ундан оилада нечта фарзанд эканини сўрайдилар. Йигит ўзи ёлғиз бир ўғил экани, ака-ука ва опа-сингиллари йўқлигини айтади. Буни эшитган Қози уни ўта содда йигит эканини англайди ва шундай бўлса-да, уни ўзига яраша муносабат қилади.

– Сиз мендан меросда кимнинг улуши қанча эканини ёзиб беришимни истаяпсизми?

– Ҳа, худди шундай!

Қози домла бир қоғозни олиб унга шундай ёзади:

*Ариқ чуқур, суви тўла бўлса хор хас илинмас,  
Фарзанд агар ёлғиз бўлса ҳақи мерос бўлинмас.*<sup>557</sup>

### ***Қозоннинг тагини ялама!***

Айтишларича, янги уйланган бир йигит келиннинг ҳар гал овқатни олиб келгач, ҳаммани мунтазир қилиб ўчоқ бошида қозонни ялаб қолиб кетишидан норози бўлади. Ҳар куни такрор бўладиган бу одат қайна-қайнотани ҳам ранжитади. Ахир, шу ишни кейинроқ ҳам қилиш мумкин-ку!

Бир куни таом пайти йигит ота-онасининг кайфиятини кўриб, аёлини бу ишдан қайтариш мақсадида: “Агар яна бир марта қозонни яласанг, талоқсан!” – деб юборади. Шундан кейин талоқ бўлишидан кўрққан аёл ўзини эҳтиётлаб юради. Орадан бир қанча вақт ўтгач, бир куни унутиб яна қозонни тагини ялаб кўяди. Эрининг гапи ёдига тушиб кўрқиб кетади ва бу ҳақда унга айтади. Йигит ҳам қаттиқ афсусланади ва нима қилишини билмай Хожажон қози ҳузурига келади ва воқеани баён қилади.

Унинг сўзларини тинглаган қози домла: “Шундайми, бўлмаса бизни уйингга олиб бор, келин ош қилсин ва қозонни яласин, кўрайлик, шунга қараб ҳукм чиқарамиз”, – дейдилар бир

<sup>557</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – 2014.

оз ҳазил оҳангда. Йигит хурсанд бўлиб келишилган фурсатда қози домлани уйига олиб боради. Таомдан кейин қози домла келинга: – "Қизим, одатингиз бўйича қозонни ялангчи?" – дейди. Келин қозонни ялай бошлайди. Уни кўриб турган қози домла:

– Шуми? – дейди.

– Ҳа, шу!

– Бу киши қозонни ялагани йўқку!

– Йўғ-е?!

– Қозонни эмас, қўлини яляптику! Ҳеч қандай талок тушгани йўқ, бемалол яшайверинглар, дейди.

Бу гапдан улар ўзларида йўқ хурсанд бўлиб кетадилар.<sup>558</sup>

Бу ерда Қози домла усулул фикҳ қоидасига мувофиқ ҳукм чиқарган ва айнан мазкур масалада Имом Аъзам р.а.ни сўзларига мувофиқ ҳал қилган эди. Чунки Усулул фикҳ қоидасида ҳақиқат ва мажоз баҳси бўлиб, унда Имом Аъзам (р.а.) ҳақиқат билан мажоз баробар келиб, ҳақиқатни қабул қилиш мумкин бўлса ҳақиқатни олиб мажозни тарк қилиб ҳукм чиқарадилар. Икки шогирдлари Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад эса мажозни қабул қилиб ҳукм қиладилар.

### ***Пристав билан мулоқот***

Тадқиқотлар шуни маълум қиладики, Рожий Марғинович халқ манфаати йўлида ҳар қандай хизмат ва вазифани бажаришдан тортинмаган. Шу мақсадда у бошқа қозилардан фарқли ўларок, маҳаллий амалдорлар ва ҳукумат идоралари ходимлари билан ҳам бемалол гаплаша олган. Ҳатто уларга баъзи фикр ва маслаҳатларини ҳам ўтказа олган. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*"...Атроф ярим подшо губернаторлар келсалар ва ёки дақиқ маслаҳатлар бўлса, ўша мажлисда Рожий бўлур ва Рожийдан ташқари бўлмас эди. Чунки у киши ҳақиқатишунос ва*

<sup>558</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – 2014.

гадон, ҳар бир илми билгон, нотиқ ва хушқалам, ҳикоятчи ва ҳар бир маросим, ҳар бир мақомни билур эдилар".<sup>559</sup>

Рожийнинг шундай мулоқотлардан бири шаҳар пиристави Солиҳ Бекчурин билан бўлган эди.

Тарихчи олим Шодмон Воҳидовнинг ёзишича, Солиҳ Бекчурин – Миюсуф Мирсолиҳович татар миллатига мансуб бўлиб Чор Россия армиясининг "Мусулмонлар батальони" (Мусульманский батальон)ининг штаб капитани бўлган. Мусулмон тили ва хатига моҳир бўлган. 1876 йилдан то 1884 йилларгача Марғилон уезд бошлиғи (Уездный начальник) вазифасини эгаллаб турган. Маҳаллий аҳоли назарида яхши хизмат қилган рус маъмурларидан саналган.<sup>560</sup>

Бир гал Рожий домла пристав билан шаҳар марказидаги Ўрдатаги мавзесида узоқ вақт суҳбат куради. Айтишларича ўшанда приставнинг аёли ҳам извошда бирга келган экан. Улар жўнаб кетганидан кейин бу ишга бошқача фикрда бўлганларга Рожий бу иш тадбир эканини айтади. Зотан у ўз асарларида кишиларнинг турли миллат ва элатларга бўлинганини айтиб, бу ҳам Парвардигор қудратидан бир намуна эканини эслатган эди:

*Бирни қилиб армани бирни жухуд,  
Жумласидир қудратидан бир намуд.*

Имоми Дайлабий Оиша р.а.дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи шундай деганлар: "Парвардигор менга унинг фарзларини бажаришимга буюрганидек, инсонлар билан муроса қилишимга буюрди".<sup>561</sup>

Муҳаммад ибн Фузайл ўзига душман бўлган кишилар билан ҳам бирга суҳбатлашар, уларга ширин сўзлар айтиб мулойимлик қилар, ҳатто дастурхонидан таом ейишга таклиф

<sup>559</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...8-б.

<sup>560</sup> (ЎЗРМДА. 4-китоб, И – 19-фонд, 1-рўйхат, 10187-йиғма жилд. 1 – 6-в; 529-йиғма жилд, 1-а,б в.)

<sup>561</sup> Жалолиддин Суютий. "Жомеъ ул-кабир" 1-ж, 836-б.  
<http://www.ahlalhdeth.com>

қилар экан. Бу ҳақда қизиқсиниб сўраганларга: "Бу ишларим улар қалбидаги душманлик ўтини ўчириш учун", – дер экан.<sup>562</sup>

Алишер Навоий "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" номли асариди Паҳлавон Муҳаммад ҳақида ёзар экан, уни ғоят хушахлоқ инсон бўлиб, уни Хиротда барча таниган-билган инсонлар яхши кўриб, ҳурмат қилишини айтади: *"Такаллуфсиз ва муболагасиз подшоҳдин гадоғача ва аҳлуллоҳдин яҳуд ва тарсоғача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди"*.<sup>563</sup>

Шунинг учун ҳам, Паҳлавон Муҳаммад султон ҳузурида юксак мавқега эга бўлиб, шохнинг ҳар бир мажлисида иштирок этган.

Рожийнинг баъзи кишилар томонидан айтилган юқоридаги каби асоссиз сўзларга парво қилмаслиги Хожагон тариқати шайхларидан Ҳазрат Исмоил ота воқеасини эслатади. Маълумки, Ҳазрат Исмоил ота Тошкент билан Сайрам оралиғидаги Хузиён ноҳиясида истиқомат қилганлар. Фахруддин Али Сафийнинг ёзишича, қишлоқ аҳллари кўпинча у зотга эътироз билдирар ва ҳақларида баъзи нолойиқ сўзларни ҳам айтиб, ҳатто ғийбат ва мазаммат ҳам қилишар экан. Аммо у зот булар ҳақида: Улар менинг собуним ва ишқоримдир, яъни улар сабабли биздаги гуноҳлар тозаланиб туради", – деб табассум қилар эканлар.<sup>564</sup>

Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида яшаган Махжурий домланинг айтишича, бир гал Рожий Фарғона шаҳрида губернатор қабулида бўлади. Шунда бир муносабат билан насронийлар ибодатхонасига киришга мажбур бўлади. улар ўз одати бўйича ибодат қилаётган чоғи Рожий бир чеккада ўтириб йиғлашга тушади. Кейинчалик бу ҳақда сўраганларга: "Ўзлари қўллари билан ясаган нарсага ўзлари сажда қилаётганини кўриб, йиғладим", – дея жавоб беради.

Мазкур ҳикояни сўзлар экан Махжурий домла шундай илова қилади: "Ҳожажон хожа давр кетувини жуда яхши билган

<sup>562</sup> Абдулваҳҳоб Шаъроний. Танбех ул-муғтаррин... 220-221-бетлар.

<sup>563</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад". Тошкент, 1999. 12-б.

<sup>564</sup> Фахруддин Али Сафий. "Рашаҳоту айнил ҳаёт"...29-б.

эди. Хожажон хожа фарахбахш, дилкаш инсон бўлган. Мен уни бир марта Андижон жомеъсида узоқдан кўрганман".<sup>565</sup>

Рожийнинг мазкур ишларини мулоҳаза қилсак, барча даврларда ҳам жамият барқарорлигида ўта муҳим бўлган миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик тамойилларига мувофиқ иш тутганини гувоҳи бўламыз.

### ***Мени ҳам қулоқ қилишмоқчи***

Хожажон қози домлани ҳукумат идоралари ходимлари, хусусан, приставлар билан яқин мулоқоти ва ҳақимона тадбирлари ҳам маҳаллий аҳолининг манфаатига хизмат қилган.

Марғилон яқинидаги Яккатут қишлоғида яшовчи Луқмонжон ота Муҳаммад бобо ўғли (1890-1984) шундай дейди: "Бир гал даладан йиғиштирилган сабзавотларни аравага юклаб Марғилон бозорига келдим. Аравани отдан бўшатиб, соясига олиб борган нарсаларимни ёздим. Кўнглимга қил сиғмас эди. Чунки айни пайтда уйимга бостириб кириб, мени бой экансан, деб қулоқ қилмоқчи бўлишган эди. Бир ҳовли жоннинг ҳаловати олинган, ҳаммамиз ташвишда эдик. Ночор бозорга келган эдим.

Баногоҳ олдимдан Хожажон қози домла ўтиб қолдилар. Кўрдиму югуриб бориб, салом бериб: "Таксир, бир пас мана шу жойга ўтиринг!", – деб илтимос қилдим. У киши қабул қилиб, арава салқинига ўтирдилар. Кейин мендан: "Нима гап?" – деб сўрадилар. Мен: "Таксир, бизни ҳам сургун қиладиганга ўхшайди", – дедим йиғламсираб. "Нима учун?" – дедилар. Мен воқеани айтиб бердим. Тинглаб туриб: "Хавотир олмай бир оз тура тур. Уезд бошлиғига айтиб кўраман, зора қабул қилса. Аммо бировга индама, уч кунда натижа бўлади", – дедилар. Кейин исмим ва отамни исмини ёзиб, олиб кетдилар.

Мен ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Кейин маълум бўлишича уезд бошлиғи Бекчуринни Қози домлага эҳтироми юқори экан. Баъзан кўлидан келадиган илтимосларини қабул қилар экан. Қози домла унинг ҳузурига Ёзёвонга борибдилар,

<sup>565</sup> Сухбат матнини М.Мадғозиев 1969 йилда Ўш шаҳрида ёзиб олган.

сухбат асносида: "Яккатут волостида Мулла Лукмонжон исмли камбағал киши бор, шуни ҳам кулоқ қилмоқчи бўлишибди, шуни оқлаб қўйилса қандай бўлар экан?!" – дебдилар. У: "Майли, ўйлаб кўрамиз, мен шу кунларга ўша томонга йўлим тушади", – дебди. Яккатутга борганда волост идорасига тушибди. Ходимига мени топиб келишни айтибди.

Уйда турсам, бир киши чақириб:

– Мулла Лукмон сиз бўласизми?, – деди.

– Ҳа, мен.

– Мен билан бирга юринг, сизни хўжайин сўраяпти, – деди. Бирга йўлга тушдик. Етиб келиб мени волост идорасига киргизиб, ўзи ташқарида қолди.

Кириб борганимда бошлиқ хонасида экан. Салом бериб ўтирдим. Ҳарбий кийинган бошлиқ қўлида куроли, ҳайбат билан хона ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Бир пайт куролини столга қаттиқ бир уриб қўйди. Кейин: "Қанча молинг бор?", – деб сўради. Мен кўлимдаги варақни кўрсатдим. Унда тўртта бўрдоқи қўй, иккита хўкиз, битта оти бор, деб ёзилган эди. Ўқиб кўриб: "Ҳақиқатда ўзи кулоқ боп одам экансан, шунча молинг бўладиган бўлса", – деди. Кейин: "Қутулиб қолмоқчимисан?", – деди. Мен: "Бола-чақам кўп, мен йўқ бўлсам, улар қийналишади", – дедим. У: "Эвазига нима берасан?", – деди. Мен: "Нима десангиз, бераман", – дедим...

Уйга келдим. Дарҳол аравани қўшиб Қувага бориб бир сават яхши анор олдим, уйга келиб патир ёптирдим. Қўйни сўйиб, ярмини ажратиб, ҳаммасини аравага юклаб Марғилонга келдим. У Марғилондаги Саййид Аҳмад хўжа эшондан тортиб олинган ховлида турар экан. Сўрасам, уйда йўқ, дейишди. Олиб борган нарсаларни аравадан тушириб, ҳовли ичкарасига олиб кирдим. Бир пайт у кириб келди. Мени кўриб уйга кириб кетди. Бир оздан кейин чиқиб: "Бор кетавер", – деб мени жўнатиб юборди. Шундай қилиб кулоқ бўлишдан қутилиб қолдим.<sup>566</sup>

---

<sup>566</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – 2015.



Бугина эмас, Хожажон қози домлани маҳаллий ҳукумат вакиллари билан алоқаси вазифасидан бўшатилишига фармон чиққан Андижон қозисини яна ўз лавозимида қолишига сабаб бўлган эди. Ўшанда ҳеч нарсадан беҳабар Фарғонага губернатор ҳузурига чиққан Рожий домла у ердан мазкур қозини ўз вазифасида қолгани ҳақидаги хурсандлик хабари билан қайтган эди.

Хожажон қози домлани ҳақиқатдан ҳам давр кетувини яхши билган шахс экани Маҳмуджон Тўлановнинг Халил қори отадан эшитган куйидаги воқеадан ҳам билинади:

"1917 йил. Куз фаслининг совуқ бир кунда иссиқ сандалда икки киши ўтирибди. Бирлари кекса Рожий Марғинович, бирлари тадбиркор ипакчи бой ўттиз ёшлардаги мураттаб қори Халилжон – Рожий домланинг рўпара қўшниси. Домланининг одатлари ҳар бир ҳижрий-қамарий йилнинг бошланиш ойи муҳаррам ва бошқа ойларида ўтмиш Пайғамбарлар ва ота-оналар ва устозларни йўқлаб уларни ҳақиқа дуойи фотиҳа ва эҳсон қилиш одатлари бўлар эди. Бунинг учун мураттаб қори Халилжонни таклиф қилганлар. Сўнгги пайтларда бу вазифани Халилжон қори бажарар эди.

Уйга изн сўраб кирган ўртаҳол барваста йигит ўтирди ва: "Таксир, Русияда инқилоб бўлибди, Николайни ҳибсга олишибди", – деди. Рожий домла ярим соатча жим қолди. Муруқабдан сўнг бошларини кўтариб йигитга: "Сиз фалончига хабар бериб қўйинг, дарҳол кўчини кўчлаб Николайга тобеъ бўлмаган хоҳлаган томонига кетсин. Ўзингиз ҳам бу ерда қолманг", – деди. Хабарчи кўчада Халилжон қорига: "Қози Николайни лаганбардори бўлгани учун ҳафа бўлди-я, қаранг, ҳеч қаёққа чиқиб кетмайман", – дейди. Тайинланган кишига омонат хабар етиб бориши билан у кўчини кўчлаб чиқиб кетади. Кўчиб кетмаган хабарчини сал кунда кўчада отиб кетишади.

Шу хабари шумни икки бой билан бирга кирган Абдураззоқ закунчи ҳам Рожийга етказди. Рожий таҳорат олаётган ерларида закунчи бориб янги чопонни қозининг елкасига ёпа туриб, муборакбод қилди. Қози чопонни улоқтирди ва сен жувонмарг бўласан, деди. Сизларга дейди, у иккисига

қараб, Қоратегиннинг бити "муборак" бўлсин, дейди. Ўша икки бой Қоратегинга кўчиб кетишди, сал кунда уларни бит босиб кетди. Абдураззоқ закунчини кўчада биров отиб кетди. Халилжон қорини икки кўшнисини ҳам отиб кетишди. Бирининг катта ўғли Усмон қори ҳовлисини Халилжон қорига сотиб ўзи Қашқарга кўчиб кетди. Халилжон қори иссиғида у ерни масжид вақфига кўшиб юборди".<sup>567</sup>

### ***Насриддинбек саройи***

Рожий домла Қўқон хонлиги даврида ҳам хонлик ҳузуридаги уламолар, ҳатто бек ва амирлар назарида алоҳида ўринга эга эди.

Маълумки, Насриддинбек Худоёрхоннинг тўрт ўғлининг каттаси бўлиб, 1850 йилда туғилган. Андижон вилоятида ҳоким бўлган. Кейинчалик Худоёрхон уни ўз ихтиёри билан ўрнига хон қилган ва у бу мансабда уч ой турган.<sup>568</sup> У Андижон ҳокими бўлиб турган пайти (1874-1876 йил боши) бу ерда Андижон бозори ёнига катта бир сарой қуради.

Рожий мазкур сарой учун таърих ёзгани ҳақида А. Муҳаммадиев шахсий кутубхонасида сақланувчи Рожий Марғионий баёзида маълумотлар бор. Мазкур воқеалар Рожийнинг Андижон ҳокимига муносабатини белгилашидан ташқари уни давлат арбоблари ҳузуридаги мавқеини ҳам кўрсатади.

### ***Таърихи саройи Насриддинбек***

*Волийи олий мулки Андижон мақбули ом,  
Мустаъидду давлат саййид Насриддинбек.*

*Ҳукми олий з-иқтизои ҳиммати олий намуд,  
Бар садоқат пеша саркораиш Мулла Ислоом ном.*

*Баҳри тазйини сар бозори мулки Андижон,  
То намояд бар биқоъи фарҳат афзо иқтимом.*

<sup>567</sup> Ҳикоя матни М.Тўланов кутубхонасида сақланади айна пайтда уни бизга лutfан тақдим қилгани учун у зотга миннатдорлик изҳор қиламиз.

<sup>568</sup> Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. - С..86.

*Гирад он фармон бар ин ҳукми уро инқиёд,  
Ба аввали жон имтисол амри ҳашият инзимом.*

*Бо дакокин мағу мағмураи зебо намуд,  
Як саройи дилкушойи олий то ҳусни тамом.*

*Аз кушоди боб аз ҳар боб бобаи маишуд,  
Афтаҳи боби давлат арбоби дунё субҳу шом.*

*Ошёнӣ тоиру наззорайи мардум шуда,  
Сақфи гардуни рифъат зиё у бар сатҳи бом.*

*Қаср бар ду жониби дарвозаи заррини у,  
Ҳамсари тоқи баланд торам ферузаи хом.*

*Қасри рангинаст гулзорест дар бозори даҳр,  
Бар тамошойи нуқушаи табъи савдо пеша ром.*

*Ғулғули бозори чандин маҳшар андар дур ӯ,  
Дорад аз нақду гино шӯридани жамъи ом.*

*Нардбон дарбозаи афлоки монанд омада,  
Пояҳойи масҷиди ақзойи ӯ бар сатҳи бом.*

*Сози қонуни баланд овозагиҳойи гиноост,  
Сурати зин хишти сийм андар дод дар зерӣ ком.*

*Ламъаи анвори чандин субҳи партав мезанад,  
Аз ҳавойи босафои ҳужраҳои ӯ мудом.*

*Назди сиккотаи ки кайхурон нақди давлатсанад,  
Сийму зар то лаъли гавҳар хор бетақдир аз рухом.*

*Баҳри таърихаи хирад гуфтоки аз рӯйи ҳисоб,  
Гӯ: "Саройи Насриддин шаҳзодаи олий мақом"*

*Шуд ба садри суффаи айвони ӯ боло нишин,  
Молики ажнос давлат ҳар як аз арбоби ном.*

*Бо ҳисоби мо аз он ду сол таърихаи шуда,  
Мажлиси ашрофи дунё маскани аҳли киром.*

*Соябони фарқи мардум шуд чу қасри осмон,*

*Тим чун кўҳи матин маҳкаму олий қавом.*

*Моядорони тижорат пешона зи зилли ў,  
Гарм бозори дунё дийда доранд издиҳом.*

*Менамояд тими ў савдохонаи асҳоби жоҳ,  
3-он сабаб таърихи ўро ақли маъно иртишом.<sup>569</sup>*

**Насрий таржимаси:** Андижон мулкининг олий волийси, мақбули ом, давлат суянчиғи бўлмиш Саййид Насриддинбек олий ҳимматининг тақозосича садоқатпеша саркори Мулла Ислом номли шахсга Андижон бозори бошига шодлик уйи бўлиши ниятида бир зийнатли сарой қуришга ҳукм қилди.

У дарҳол унинг бу амрига бўйсуниб, аввало жонини, қолаверса, қувватини унга сарф этди. Уни фақат дўконларни ўзи билан обод, деб айтма, у ҳусни малоҳати мукамал бўлган дилкушо саройдир. Ундан турли ғамларни кетказувчи эшиклар очилади, у дунё арбобларига эртаю кеч очикдир.

У гўзаллигидан ҳатто қушларнинг ошёни ва халқнинг назари тушадиган масканга айланди. Унинг баланд ва юксак томи ва шиғти гўё кўк гумбазининг томига ўхшайди.

Қасрнинг ҳар икки тарафида заррин дарвозалари бўлиб, унинг тоқлари ҳам феруза осмон кабидир. У дунё бозоридаги бир рангин гулзорли қасрдирки, уни томоша қилиш учун барча савдо аҳли моилдир. У бозорда маҳшарнинг ғавғолари йўқ, у барчани бой ва молдор қилувчидир. Унинг нарвонлари гўё фалакка қадар чўзилган, томи ҳам масжид каби шарафлидир.

Унинг баланд овозаси бойлигу ғинонинг садоси бўлиб, унга кумуш ғиштлар зийнат бўлган. Ундан субҳ каби мунаввар нурлар, хужраларидан эса мусаффо бўйлар таралади. Унга кўплаб маблағ сарф бўлиб, олтин-кумуш ва ҳар турли қимматбаҳо тошлар ишлатилди.

Унинг таъриhini ақл ҳисоблаб деди: "Бу олий мақом шаҳзода Насриддинбекнинг саройидир". Унинг баланд айвонларида номдор аҳли давлатлар ўтирадилар. Бизнинг

<sup>569</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...90-91 бетлар.

ҳисобимиз бўйича унга яна икки йил таърих бўлиб келди: "У карам аҳлларининг маскани ва шарафлилар мажлисидир".

У гўё халқнинг бошига осмон каби соябон бўлдики, унинг қуббаси тоғлар каби мустаҳкам ва қувватлидир. У тижорат аҳлининг фойда қиладиган ери бўлиб, унда одамларнинг қўплигидан доим издиҳомни кўрасиз. Томининг ости мартаба эгаларининг савдохонаси бўлганидан, унинг таърихи, маъно аҳллариغا белгилик бўлди.

## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ НАСИХАТЛАРИ

Рожий Марғиновичнинг халқ орасида тутган мавқеи ўз-ўзидан кишилар унинг сўзини ўтқир, гапини таъсирли бўлишга олиб келган. Буни яхши англаган Рожий бу имкониятдан оқилона фойдаланган. Муносиб жойларда керакли насихатларни айтиб, кишиларни яхшиликка чақириши, ноҳақликларни кўрганида дарҳол тузатишга буюриши шулар жумласидан эди. Ҳа, Рожий ўз сўзларини фақат керакли ўриндагина ишга солган эдики, унда беҳуда сўзлаш, мақсадсиз гапириш бўлмаган. У ҳақида, Рожий баъзи қизиқ-қизиқ латифаларни айтиб кишиларни кулдирад эди, дейилган хабарлар ҳақиқат бўлса-да, бироқ, улар ҳам муайян мақсадларга қаратилганини унутмаслик лозим. Чунки у асарларида шундай ёзади:

*Эй соҳиби суханвар, беҳуда тўкма гавҳар,  
Дил газнасига дўстлар дил посбон эмасму?*

Яъни, Рожийга кўра сўзлар қимматбаҳо гавҳар, уни беҳуда сарф этиб бўлмайди. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор айтганларидек: "Каломда жамол – гўзаллик бор. Уни Аллоҳ таолонинг ўзи зоҳир қилган. Яъниким, анбиё алайҳимуссаломларни жазба ва тасарруф билан юбормай, калом билан юборди".<sup>570</sup>

Рожий назарда тутган дил хазинаси, гавҳар деган тушунчалар нималардан иборат эди? Ҳамма қатори билганимиз тилдан чиқадиган чиройли сўзлар ва фойдали насихатларими, ёки бошқами?! Буни билиш учун ҳам Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор сўзларига кулоқ соламиз:

"Тил кўнгилни оинасидир ва кўнгил руҳнинг оинаси, рух эса ҳақиқати инсонийнинг ва ҳақиқати инсоний Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг ойнаси (назаргоҳи) турур. Тилга келаётган ҳақиқат сўзлар ва ғайбий лутфлар шунча масофани босиб ўтиб тилга

<sup>570</sup> Фахрулдин Али Сафий. "Рашаҳоту айнил ҳаёт"...352-б.

келур ва ул жойда сурати лафзни қабул қилиб, талабгорлар кулоқларига етишур".<sup>571</sup>

Бедилнинг бир ғазалига қилган тахмисида Рожий шундай ёзган эди:

*Пеши хазаф шуморон дурри самин маёвар,  
Арзон чи мефурушӣ, қадраш садаф баробар,  
Биниши кужо шиносад ҳар муҳраро зи гавҳар,  
“Бар халқи бевасират то чанд арзи жавҳар,  
Бояд зи шаҳри кӯрон чун нур дийда рафтан.*

**Таржимаси:** Сополтабълар ёнига қимматбаҳо дурни келтирма, улар қадрига етмайди, арзонфуруш бўлиб, дурни садаф баҳосига сотма, улар эшакмунчоқ билан гавҳарнинг фаркига бормайди. “Бу кўр одамларга қачонгача гавҳарингни кўрсатиб юрасан, яхшиси, бу сўқирлар шаҳридан кўз нури каби кет”.<sup>572</sup>

Маълум бўлмоқдаки, Рожий сўзнинг қадрини билиб, уни сополтабълар – қадрига етмайдиган кимсалар олдида тўкишдан қайтармоқда.

Ҳазрат Навоий ҳам сўзни шу даражада ҳурматлайдиларки, у зотга кўра иносиятни барча махлуқотдан азиз ва мукаррам бўлишига "шарафи нутқ ва мақол" сабаб бўлган ва бу сабали унга лутфу камол вожиб бўлган. Агар, – дейдилар Навоий, – инсон вужуди уммонида бу луълуъ – дур бўлмаганида *"Исо алайҳиссалом била маркаб (улови)и аросида не тафовут ва Солиҳ алайҳиссалом била ноқа (туя)си ўртасида не музоярат бўлгай эрди.*

*Сўздурки нишон берур ўлукка жондин,  
Сўздурки берур жонга хабар жонондин,  
Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,  
Билким, гуҳаре шарифроқ йўқ андин.*<sup>573</sup>

<sup>571</sup> Фахруддин Али Сафий. "Рашахоту айнил ҳаёт"...352-б.

<sup>572</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий таржимаси.

<sup>573</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. "Назм ул-жавохир" Тошкент, 1999. 125-б.

Сўз гавҳар бўлганидан уни қадрига етмайдиган кимсалар олдида гапириш, умуман кўп гапиришнинг номақбул экани, балки у фано аҳлларининг назарида мардуд экани ҳақида Навоий шундай ёзадилар:

*"Фано аҳлига кўп айтмоқ мардуддур ва кўп эшитмак матлуб ва маҳмуд. Эшитмак элни тўла қилур ва айтмоқ холи, эшитгувчи ва айтгувчининг будур ҳоли. Кўп деган кўп янгилиур ва кўп еган кўп йиқилур.*

*Қолаб (бадан) амрози (иллати)нинг моддаси кўп емакдур ва қалб амрозининг моддаси кўп демак. Кўп демак сўзга мағрурлуқ ва кўп емак нафсга маъмурлуқ. Одамийга бу сифатлар завоид, барчаси худпарастлиққа оид."*<sup>574</sup>

Хотамул Асом шундай деган: "Учта ҳолатни андиша қил. Агар амал қилаётган бўлсанг Аллоҳ сени кўриб турганини, гапираётган бўлсанг, У сени эшитаётганини, сукут қилиб турсанг сени билиб турганини".<sup>575</sup>

Рожийнинг насиҳатлари беғараз ва самимий бўлгани учун ҳам ҳар қандай инсон қалбига етиб борган ва унга таслим бўлган. Уни тинглаш баробарига беихтиёр амал қилишга ўтган. Унинг ибратли ва чуқур мулоҳазали насиҳатлари Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний айтганларидек:

*Насиҳат беғараз бўлса, ани монанди гавҳар бил,  
Ҳамиша эътиқодинг жониби Ҳаққа қилиб моил,  
Халойиқ ичра номинг бўлмасин фарзанди ноқобил,  
Жаҳонда ҳар киши борса ҳақиқатга келиб Қоил,  
Сабо маҳшар куни назди Худода шармисор ўлмас.*<sup>576</sup>

Рожийнинг насиҳат қилиши насиҳатнинг ўрни мусулмонлар ҳаётида ўта муҳим эканини англаганидан эди. Насиҳат қилиш пайғамбарларга хос фазилат саналиб Қуръони каримда қатор пайғамбарларни умматларига қилган панд-

<sup>574</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. 114-б.

<sup>575</sup> Ибн Мулкун "Табакот ул-авлиё". <http://www.alwarrag.com> 1-ж, 55-б.

<sup>576</sup> Раҳматуллоҳ Файзуллаев, Нодирбек Абдулаҳатов. Абдуссамад охунд Қоил Марғилоний. Тошкент, "Ношир" нашриёти, 2014, 437-б.



насихатлари келтирилган. Балки, Қуръони карим бошидан охиригача барча инсоният учун ҳидоят ва буюк насихатчи бўлиб нозил бўлганини эслатиш жоиз. Ундаги аҳкомлар, қиссалар, келтирилган тарихий воқеаларнинг ҳар бири кишилар учун ҳидоят, насихат ва яхшиликдир.<sup>577</sup>

Ибн Саъд “Ат-табақот ал-кубро”да кишилар Ҳарам ибн Ҳаййон хузурига келиб: “Бизга насихат қил”, дейишганида, “Сизларга “Наҳл” сурасининг “Парвардигоринг йўлига ҳикмат ва чиройли насихат билан даъват қил”, мазмунидаги оятдан сура охиригача бўлган оятларга амал қилишни тавсия қиламан”, – деган сўзини келтирган.<sup>578</sup> Чунки мазкур оятларда насихат қилиш ва унинг йўллари, бу йўлда эътибор бериш зарур бўлган жиҳатлар баён қилинган эди.

“Насихат” арабча сўз бўлиб, бошқаларга яхшиликни иташ, яъни хайрхоҳлик маъносини англатади. Машҳур ҳанафий аллома Али ибн Султон ал-Қорий: “Насихат – яхши сўз ва феълни иташ ва насихат қилинаётган шахсга холис дўстликни бағишлашдир”, – деганлар.<sup>579</sup>

Маълум бўлмоқдаки, насихат қилувчи бошқаларга яхшиликни раво кўрувчи, уларни яхшиликда бўлишларини истовчи саналар экан. Шуни ўзиданоқ насихат қилувчининг олижаноб киши эканини билса бўлади, чунки ўзгаларга яхшилик иташ ҳақиқий олижанобликдир. Саҳобалар: “Жоним кўлида бўлган Зотга қасамки, Парвардигор учун энг суюкли кишилар Аллоҳни бандаларига, бандаларини Аллоҳга муҳаббатли кўрсатиб, ер юзида насихат билан юрувчи инсонлардир!” – деб айтганлар.

Абу Бакр Музаний: “Абу Бакр Сиддиқ р.а. бошқа саҳобалардан намози ёки рўзаси билан эмас, балки қалбидаги нарсаси ила устун бўлган эди. Унинг қалбида Аллоҳга муҳаббат ва бандаларига хайрхоҳлик бор эди”, – деган.

<sup>577</sup> Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий “Ихёу улум ад-дин”... 1-ж, 294-б.

<sup>578</sup> Ибн Саъд. “Ат-табақот ал-кубро”. Дору Содр Байрут, 1968. 7-ж, 131-б.

<sup>579</sup> Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. “Мирқот ул-мафотиҳ шарҳу Мишқот ул-масобиҳ”. Дору ихяи турсил арабий. Байрут. 14-ж, 254-б.

Фузайл ибн Иёз айтадилар: “Бизнинг назаримизда юсак мақомга эришганлар кўп намоз ўқиш, ёхуд доим рўза тутиш билан бу даражага чиқмаганлар. Балки, улар қалблар саховати, кўнгиллар мусаффолиги ва умматга яхшилик соғиниш билан шу даражага етганлар”<sup>580</sup>

Бир киши Ҳасан Басрийга: "Менга насиҳат қилинг?", – деди. "Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳнинг амрини улуғ тут, қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳ сени улуғ тутади", – дедилар.

Бир киши Умар ибн Абдулазизга "Менга насиҳат қилинг", – деди. "Солиҳ кишиларга аралшиб юриб улар қилган ишларнинг тескарисини қиладиган, ёки гуноҳ қилаётганлари ёмон кўриб, аммо ўзи у ишдан сақланмайдиган, ё ҳаммани олдида шайтонни ёмонлаб, ёлғиз қолганда унга итоат қилувчи бўлишдан сақлан!", – дедилар.

Бир киши Фузайл ибн Иёзга, менга насиҳат қил деганида ундан, онанг борми, деб сўраган. Йўқ, деганида: "Тур, онаси ўлимидан насиҳат олмаган кишига бошқа насиҳат фойда бермайди!" – дейди.

Бошқа биров Абу Дардо р.а. га: "Менга бир насиҳат қилиб кўйинг?", – деди. "Яширин сирлар ошкоро бўладиган кундан кўрк!", – деди.

Аҳмад ибн Ҳарб: “Кишиларга яхшиликни ўргатиб, уларни тўғри йўлга чақираётган киши гўё ўзи учун кечаси-ю кундузи, ҳатто вафотидан кейин ҳам моли ва жони билан ишлаб берадиган ишчиларни ёллаган кишига ўхшайди. Яъни, бу билан унинг айтган ва кўрсатган яхши ишлари унга дунёда ва охиратда фойда қилади, демокчи бўляптилар.

Абу Бакр Сиддиқ р.а: “Аллоҳ таоло кимни дўзах ўтидан сақлаб, салқиндан жой беришини истаса, мўмин кишига чин қалбидан меҳрибон бўлсин”, – дедилар.<sup>581</sup>

Таъкид жоизки, Рожий насиҳат услубини ўзининг ўтмиш салафларидан ўрганганини айтади. Кўпинча у Ҳофиз Шерозийнинг баъзи насиҳатлари асносида айтган: "Мен бу

---

<sup>580</sup> Абдулваҳҳоб Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 74-76 бетлар.

<sup>581</sup> Абдулваҳҳоб Шаъроний. “Танбех ул-муғтаррин”... 74-76 бетлар.

сўзларни тариқат пиримдан", ёки: "Бу сўзларни илгари ўтганлардан ёд олганман", мазмунидаги сўзларини келтиради:

*"На теша шиша шикантар з-сахтийи гуфтор,  
 Зи ниши хори забонат ба захми кам аз хор,  
 Намак ба реш майафкан мабош дилозор.  
 "Насихате кунамат, ёд гиру дар амал ор,  
 Ки ин ҳадис зи пири тариқатам ёд".*

**Таржимаси:** Ёмон сўз дил шишасини шундай синдирадики, теша шундай синдира олмайди. Тил тиғининг захми тикан захмидан кам эмас. Шундай экан, сен ярага туз сепиб ҳаргиз дилозорлик қилма. "Сенга насихат қиламан, ёд олгину унга амал қил. Чунки бу насихатни мен тариқат пиримдан ёд олганман".<sup>582</sup>

У дунёнинг бевафолиги билан боғлиқ қарашларини баён қилар экан шундай насихат қилади:

*Мадори мулки Сулаймон шунидани барбод,  
 Қулоҳ бурда зи Қайсар ба бод дода Қубод,  
 Ду бод давлати гети, чи бод бад обод,  
 "Ғами жаҳон махўру панди ман мабар аз ёд,  
 Ки ин латифаи нағзам зи раҳраве ёдаст".*

**Таржимаси:** Эй инсон, эшитганмисан, Сулаймоннинг мулки ерга совурилган. Қайсардан тожни олиб Қубодни эса елга учирган. Елга ўхшаган дунё давлати бодга ўхшаб елга кетади. "Жаҳон ғамини ема-ю мени насихатимни эсдан чиқарма. Чунки бу ширин насихатни мен илгари кетганлардан ёд олганман".<sup>583</sup>

### **Ҳаётни ғанимат билиш**

Рожий Марғинович ҳаётни ғанимат эканини айтиб, унумли фойдаланиб қолишга чақирар экан, гўзал бир мисолни келтиради. Унга кўра, ҳар бир инсон охират тижоратчиси бўлиб,

<sup>582</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий насрий баёни.

<sup>583</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий насрий баёни.

дастмоёси унинг нафасларидир. Киши бу дунёда кўпроқ нарса харид қилиши учун нафасларини ғанимат билиши, уни беҳуда сарф этмаслиги керак. Акс ҳолда, охират савдогари учун бу қони зиёндир:

*Беҳуда сарф этибмиз нақди ҳаётимизни,  
Уқбони тожирига бу иш зиён эмасму?*

Аллома умримизни беҳуда сарф қилиб юборибмиз, ахир, бу иш охират савдогари учун катта зиёндир, деб қўйса ҳам бўлар эди. Аммо Рожий тингловчига савол маъносида мурожаат қиладики, бу билан ундаги маъно изчиллиги ортади. Айни маъно бошқа ўринда шундай ифодалаган:

*Тоқай талаби рўзи ҳар рўза қуни,  
Асбоби талаб зи лаъли феруза қуни,  
Дар чашмаи ҳайвон агар ояд ажалат,  
Муҳлат надихад ки об дар кўза қуни.*

Яъни, эй инсон, қачонгача рўзгор қами, деб елиб югурасан, олтин қумуш, деб ўзингни ўтга урасан. Билмайсанми, ўлим келса "ҳаёт чашмаси" бўйида турсанг-да, кўзани сувга тўлдиришга улгурмайсан.

Рожий домлани кишиларни ҳаётни ғанимат билиб, ибодатга қақриши бежиз эмас, чунки у ҳар бир дам ва ҳар бир вақт ғанимат эканини жуда яхши англаган. Унинг бу фикрлари "кетди" радифли ғазалида ҳам яққол кўзга ташланадики, унда рамазон ойининг кетиши билан дилида пайдо бўлган аламларни тилга олган эди:

*Ийди рамазон омаду моҳи рамазон рафт,  
Сад шукрки ин омаду сад ҳайф ки он рафт.*

*Омада нагаишем ба тасбеҳу таровиҳ,  
Аз дасти ман ин фурсати ризвон ба фигон рафт.*

*Хосияти се рўза фузун шуд зи ҳазорон,  
Аз баҳри сиятҳо ба канор чичи хон рафт.*

*Аз баҳри видойи ту маро тоқати он нест,  
Боз он чу аз тани ман руҳи равон рафт.*

*Аз омаданат омаду ислоҳ пазируфт,  
Ислоҳи жаҳон пешу ту аз каз кашон рафт.*

*Имрӯз маро ийду туро чист бафармойи,  
Аз баҳри Худо ҳафсала кун дил нигорон рафт.*

*Бозори ҳақиқат макун имрӯз ту қосид,  
Дар дасти мажоз ин ҳама жон доду ба жон рафт.*

*Дар зарфи ту нозил шуда Қуръон каримат,  
Бар қадри шабат қудрати ризвон шубон рафт.*

*Чу нола дилам хун шуд ва хам шуд чу бинафи,  
Сар аз паи тан ба балоҳойи ниҳон рафт.*

*Афсуски аз тоифаи шарафу надомат,  
Гул гунчаи ин боғча беному нишон рафт.*

*Рожий зи ту дар айни ризо ийд баромад,  
Ҳар чанд баъидасту қариб ҳаст чандон рафт.<sup>584</sup>*

**Таржимаси:** *Ийди рамазон келиб, моҳи рамазон кетди, юз шукрки буниси келди, аммо юз ҳайфки, униси кетди. Биз бу ойни тасбеҳу таровеҳ билан ўтказа олмадик, шу туфайли қўлимдан бу ризолик фурсати фигон билан кетди.*

*Рамазоннинг ўттиз кунлик рўзасининг савоби минглаб нафл рўзалардан ортиқдир. Сен билан видолашиши учун менда тоқат йўқ, гўёки дилимдан жон кетди.*

*Сенинг келишингдан дунё ислоҳ топди, зотан, жаҳоннинг ислоҳи сен туфайли эди, бироқ, энди у ҳам кетди. Бугун*

---

<sup>584</sup> Мазкур шеър Россия империясининг Тошкентни босиб олиншининг 50 йиллиги муносабати билан 1915 йилда босилган "Тарихи Туркистон" китобига киритилган. Бу китобнинг нусхалари Ўз ФАШИ да 247, 5351, 5752, 9551-сақланади. Ўз ўрнида шеърни мазкур китобдан кўчириб бизга тақдим қилган Маҳмуджон Муҳаммад Амин ўғлига миннатдорчилик билдирамиз.

бизларга ийд, сенга эса..., Худо учун ҳафсала қилки дил нигорон кетди. Ҳақиқат бозорини касод қилма, рамазоннинг кетиши билан гўё мажозан, жон кетгандек.

Сенинг даврингда шарафингдан Қуръони карим нозил бўлди, Қадр тунингни қадридан эса Ҳақнинг улуг қудратлари намоён бўлди. Энди кўнглим лоладек қон ва бинафша каби эгик бўлди, бошдан оёқ таним балоларга пинҳон бўлди.

Афсуслар бўлсинки, бу улуг шарафлардан бу бознинг гулгунчаси ном-нишонсиз кетди. Рожий сендан розидир, чунки мана ийд келди, рамазон ундан қанча узоқ бўлса ҳам бироқ у сенга шунча яқиндир.

Рожийнинг мазкур сўзларини ёзар эканмиз, унинг замондоши Мухлис Намангоний баёзида келтирилган куйидаги мухаммас ёдимизга келади. Зотан, ҳар икки асардаги маънолар бир-бирига ҳамоҳанг экани билан ибратлидир.

*Алвидо, эй моҳи раҳмат, шаҳри гуфрон, алвидо.  
Айладинг азми сафар бўлдик паришон, алвидо,  
Афв қил нуқсонимиз эй яхши меҳмон, алвидо.  
Боиси савму салот шаҳри гуфрон, алвидо,  
Алвидо, эй моҳи раҳмат, моҳи тобон, алвидо.*

*Бир неча кун хони эҳсонингга ҳожатманд эдик,  
Ҳам салоту хатми Қуръонинг билан хурсанд эдик,  
Банд эди иблислар меҳринг-ла шакар, қанд эдик,  
Сен ато маънидаким бизлар сенга фарзанд эдик,  
Тифл янглиз айладинг бизларни гирён, алвидо.*

*Ҳурматингдан кеча кундуз дуо эрди қабул,  
Ҳамду лиллаҳ, бизга бўлдинг хоси мероси Расул,  
Келганинда шод этиб, кетганинда қилдинг малул,  
Гар ато азми сафар қилса қолур йиглаб ўғул.  
Тез кел, қайтиб яна бизларни қил шоду хандон, алвидо.*

*...Ҳурматингдан гарқи нур эрди бу жисми жонимиз,  
Равшан эрди хатми Қуръонинг билан имонимиз,  
Хаста эрдик, сандин эрди неча кун дармонимиз,*

*Алвидо, эй раҳмати Ҳақ, кўп эрур нуқсонимиз,  
Журму нуқсонимни қил Ҳақ сўрса пинҳон, алвидо.*

*Лазв қилиб эрдим кетиб қилдинг мени ошуфта ҳол,  
Гарчи бадман яхши арз эт, сўрса гар Вожиб таъол,  
Умрга йўқ эътимодим то келгунча янги сол,  
Хизматинг эрди менга айни ризойи Зулжалол,  
Эй маҳи фарҳандаи нури шабистон, алвидо.*

*Ким сени борингда эрди беҳад эҳсону савоб,  
Эмди хуш кет, то келгунча бўлди аҳволим хароб,  
Ким сени эъзоз этар жаннат эгаси беҳисоб,  
Хатм қилдим арзимни, валлоҳу аълам, биссавоб,  
Маширабингдан рози бўл, эй яхши меҳмон алвидо.*

Мақсадга қайтдик. Рожий домла дунёдан чиройли бандалик билан ўтган кимсаларни қабрга борганида ҳам роҳатда ётишларига ишонади ва ўз асарларида бу ҳақда тўхталиб ўтади. Масалан, Муҳаммад Обид Намангоний ҳқида ёзганида шундай дейди:

*3-ин кудуратхона рафту ёфт нузҳатгоҳи ҳулд,  
Шуд басадри саффа-и дорус сафо боло нишин.*

*Пок бувад аз гарди исён орифу огоҳ дил,  
То шунид ин мужда “Тибтум фадхулуҳа холидин”.*<sup>585</sup>

Яъни, у зот исён гардидан пок, ориф ва огоҳдил зот эди, шу туфайли “Пок бўлдингиз, унга (жаннатга) абадий қолувчи бўлиб кирингиз”, мазмунидаги сўзларни эшитди. У бу кудуратхонадан кетиб, абадий роҳатхонани топди ва поклар сафида юқори ўринлардан жой олди.

Огоҳдиллик ҳақида гап кетганида Хожа Алоуддин Аттор кудиса сирруҳу таърифида айтилган қуйидаги сўз ёдимизга

<sup>585</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...138-б.

тушади. Айтишларича у зот доимо Ҳақ ёдидан огоҳ бўлиб, ҳатто мусича тумшуғида сув сақлар миқдорича ғафлат ўтмаган, экан.<sup>586</sup>

1311 хижрий йилда вафот этган қўқонлик Миён Фазл ҳақида эса қуйидагиларни ёзади:

*Бар сари мо рехт шавад ў ба гўр осуда чун,  
Марқади ў марқади жадд маҳди роҳатхона шуд.*<sup>587</sup>

Яъни, бизнинг бошимизга шўр тўкилди-ю, аммо у ўзи қабрда осуда ётибди. Унинг ўрни боболарининг ўрни каби роҳатхона бўлсин!

"Тилло халифа" номи билан машҳур бўлган Раҳматуллоҳ хожа эшон ҳақида ҳам шу каби яхши тилакларни айтади:

*Рези хокат дийдайим хоки бар сар кардаим,  
Мо базери заҳматиу ту бараҳмат бемалол.  
Ту бараҳмат хуфта боши Аллоҳ, Аллоҳ гў шудим,  
Бар саҳар қаҳвони қабр ту модари қулли ҳол.*<sup>588</sup>

Яъни, биз сени тупроғинг гардларини кўриб бошимизни урамиз. Биз заҳмат остида сен эса раҳматда ётибсан. Сен роҳатда ухлайсан, биз қабр айвонидан “Аллоҳ, Аллоҳ” дейилаётганини эшитамиз ва сен эмаётган бола каби роҳатда ётибсан. Ҳа, у зот ҳаёт заҳматларини ташлаб ҳозирда жаннат майдонида хотиржам ётибди.

Бузрукхон қози Машҳадий ҳақида сўзлари ҳам шу каби ҳавас оҳангида айтилгандир:

*Бузрук имом жомеъ йўл кўрган эрди қочди,  
Осойишини истаб дунё талотумидан.*

<sup>586</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 102-б.

<sup>587</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...141-б.

<sup>588</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...140-б.



Таъкид жоизки, Рожийнинг бу сўзлари жазман айтилган катъий ҳукм бўлмай, тилга олинган кишиларнинг дунёдан чиройли амаллар билан ўтгани сабабли айтилган умидли сўзлардир.

Рожий домла дунё лаззатларига берилиб, охиратни унутган кимсаларга ҳам хитоб қилиб, шундай дейди:

*Дунё танаъуумини занбурлик асал бил,  
Нўши лазизу аммо ниши ёмон эмасму?*

Яъни, эй инсон, дунё неъматларини ичида араси бўлган асал, деб бил. Ейиши ёқимли, аммо чақиши ёмон эмасми?

Ёки:

*Асал деб, ким қўлин солди челаққа,  
Арини найзасин сайдирмай ўтди.*

Рожий домла умрини исён билан ўтказаётган кишиларга хитоб қилиб, дунёдан тоат-ибодат қилмай, фақат гуноҳ юкини кўтариб кетиш охират йўловчисига оғирлик қилмайдими, дея аянчли савол берадики, бундан улар аҳволига бефарқ эмаслигини англаш мумкин:

*Фоний сародин олдинг ажноси маъсиятти,  
Маҳмилкаши фанога ортуқча бор эмасму?*

У шу гапларни айтар экан, айнан ушбу сифатга эга бўлиб ўтган кишиларни ҳам мисол қилиб келтиради. Улардан бири, юқорида тилга олинган Тилло халифа эди:

*Дар беҳиш аз пешрав карди чун у дарвеш рав,  
На бадўшти бори заҳмат на ба по ашқил мол.*

Яъни, у жаннатда ҳам пешқадам бўлса раводирки, дунёда дарвеш каби юриб белида заҳмат, оёғида юки бўлмаган эди.

Айни пайтда Рожий кимки бу дунёдан кўп – гуноҳ олмасдан кетган бўлса, демак ўзига шайтоннинг кўлини тегизмай ўтибди, дейди:

*Жаҳондин ўтти ҳар ким юк қўтармай,  
Шаётин қўллари туттирмай ўтди.*

Маълум бўладики, кишига ортиқча мол-дунё сабали шайтон киши қалбига йўл топар экан.

Ёки, бу узун йўлда ортиқча дунё йиғмаганлар, охиратда белини қаттиқ ҳисобдан буктирмай ўтадилар, дейди:

*Бу қаттиқ йўлда дунё тутмаганлар,  
Оғир юкдин белин буктирмай ўтди.*

Шунингдек, бу дунёдан охират озуқаси билан кетган кишилар ўз молини қароқчи – шайтонларга олдирмай ўтадилар:

*Бу йўлда катта давлатлик мусофир,  
Қўлидин нақдини олдирмай ўтди.*

Рожий Бузрукхон қози Машҳадийни таърифлаган чоғи уни ҳам дунё қулзуми – саҳросидан ўтган бўлса-да, бироқ, дунё алоқаларига боғланиб қолмади, дейди:

*Бузрукдир улким ўтти амконни қулзумидан,  
Ғарқ ўлмади таъаллуқ гирдобини кумидан.*

Энг қизиғи, унинг вафот таърихининг моддаси ҳам айни маъноларга ишора қилувчи сўзлардан таркиб топган эди:

*Деди хирад анингчун таърихи иртиҳолин,  
“Қочди имоми Бузрук Фаргона мардумидан.”*

### ***Аҳли шарафларга насиҳатлар***

Рожий Марғинович нафақат оддий кишиларга, балки ўзи қаби илм-маърифат аҳлига ҳам баъзи насиҳатларни айта олган. Унинг шундай насиҳатларидан бири Марғилондаги Хожа

Порсо номли мадраса мударриси Мирхайдар домла Толий шаънида айтилган эди. Айна пайтда тариқат шайхи бўлган бу зот билан Рожий домла яқин алоқада бўлиб зиёратларига келиб турган. Бир гал Рожий зиёратга келиб у зотни мадрасадан топа олмайди. Бундан афсусланиб, дарҳол ёнларидан қоғоз қаламини олади-да, қуйидаги байтни ёзади:

*Имоми ҳайки Ҳайдардур, ҳама ҳай бору ҳайдар бор,  
Ажал бир кун келиб ҳайдар, на ҳай бору, на Ҳайдар бор.*

Бир новдани синдириб учини йўниб, байтни ҳужра эшигига қистириб кетади. Домла келгач қоғозни кўриб дарҳол олиб ўқийдилар. Ўқийдилар-у, пешоналарига бир уриб: "Қози келдиларми, ҳақ гапни айтиб кетибдилар-ку", – дея, кўзларига ёш олган эканлар.

Байтнинг мазмуни қуйидагича эди: "Ҳозир бу ерда маҳалла ҳам, унинг имоми Мирхайдар домла ҳам бор. Аммо, бир кун ажал келиб, ҳаммани ҳайдайди. Шунда на маҳалла, на унинг масжиди ва на Мирхайдар домла қолади".

Кўриниб турибдики, домла бу сўзга таслим бўлган. Қози домла менга ўлим тиламоқда, ёки мени вафотимни истаяпти, деб ранжимаган. Чунки у зотнинг ўзи:

*Бўлма мағрури нишон охир нишонинг гўрдур,  
Кўп баланд учмоқ нечукким, ошённинг гўрдур.*

*Қабр бўлғай суйсалар ҳар манзилу гулшан саро,  
Варна жойи нолаю, оҳи фигонинг гўрдур.*

*Манзилу маъвоя кўнгил бермагил, эй беҳабар,  
Бул работ эрмас макон, аслий работинг гўрдур...*

дея, айна ҳақиқатларни қуйлаб ўтган эдилар.

Умуман, бизгача ўтган салафи солиҳларнинг ўзаро муносабатлари дўстлик ва самимийлик йўлига кўра бўлган. Шаъронийнинг келтиришича, улар бир-бирлари билан мунозарар муноқаша қилсалар: "Бу мунозаралар динимизга етиб бормади",

дейишар экан. Яъни, ҳақиқатни рўёбга чиқариш йўлидаги мунозаралари уларни ўзаро мусулмонлик ҳақларини адо қилишларига таъсир кўрсатмаган.<sup>589</sup>

Ҳатто улар баъзилар тарафидан айтилган улар ҳақидаги сўзлар ҳақида: “Уларнинг қалби бир нур, шу туфайли бизнинг озгина хатоларимиз ҳам улар назарида равшан аён бўлган”, дея, улар ҳақида яхши фикрда бўлиб, ўзларини тузатишга киришар эдилар.<sup>590</sup>

Дарвоқеъ, Толий ҳам Рожий домлага эҳтиром ҳисси ўлароқ унинг “Нечук жонман” дея бошланадиган ғазалига тахмис боғлаган эди.

Бир нарсани таъкидлаш лозимки, Рожий домлани Толийга илиқ муносабати у зот вафот этганидан кейин у дафн қилинган қабристонга келиб туришидан ҳам билинади. Маълумки, Мирҳайдар домла Толий 1911 йилда вафот этган ва Марғилондаги Хожа Порсо номи қабристонига айнан, узот нмига бино қилинган қабр ёнига дафн қилинган. Бу ердаги Хожа Муҳаммад Порсо номи билан аталадиган зиёратгоҳни маҳаллий аҳоли Хожа Муҳаммад Порсонинг қадамжолари дейдилар.

Нақл қилишларича Хожа Порсо ул зот Марғилонга тез-тез келиб турганлари сабабли ҳам Марғилон халқи у кишига атаб қадамжой сифатида мазор кўтарган. Ул зот номи билан боғлиқ зиёратгоҳни айнан Марғилонда мавжудлигининг сабаби бу ерда халифа Абу Бакр Сиддиқ (розияллоху анху)нинг авлодлари билан боғлиқ Пури Сиддиқ зиёратгоҳининг мавжудлиги эди. Зеро, Хожа Муҳаммад Порсо ва у зот авлодлари ҳам Сиддиқийлар сулоласининг вакили бўлиб, улар ҳам ота томонидан Абу Бакр Сиддиқ р.а.нинг авлодлари саналган.<sup>591</sup> Шундай экан, Хожа Муҳаммад Порсо ҳазратлари ҳам ўз авлодларига эҳтиром сифатида Марғилонга келишлари эҳтимолдан холи эмас.

Ўтган асримизнинг ўттизинчи йилларигача бу ерда катта масжид ва Хожа Порсо номидаги мадраса фаолият олиб борган.

<sup>589</sup> Абдулвахҳоб Шаъроний. "Танбех ул-муғтаррин"...294-б.

<sup>590</sup> Абдулвахҳоб Шаъроний. "Танбех ул-муғтаррин"... 293-б.

<sup>591</sup> Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. “Абдуллонома”. Тошкент, 2000. 206-б.

Мадраса дахма, хонақоҳ, айвондан иборат мажмуа мажмуа сахнида ҳовуз ҳам бўлган. Мажмуанинг ўнг томонида мактаб бўлиб, унда 50 нафар талаба ўқиган. 1929 йилда мактаб беркилган ва мадраса бузиб ташланган.

Мадрасада Тожи қори, Жамол қори домла, Мулла Музаффар охунд, Тўқсонбек хожи ва мулла Зуннун ва мулла Муҳаммад Мусо эшон каби домла ва мударрислар тариқат шайхи Мирҳайдар домла бошчилигида фаолият олиб боришган. Бу ердаги қорихонада таълим олган талабалардан Маҳмуд қори, Жамол қори кабиларнинг номини келтириш мумкин. Марғилонлик буюк аллома Холмуҳаммад қори домла ҳам талабалик пайтларида шу ерда истиқомат қилганлар.<sup>592</sup>

Мадраса ўз нуфузи билан бошқа мадрасалардан ажралиб турган. Мадраса қошидаги мактабга "илмга чанқоқ, ўзига тўқ кишилар болаларини беришлари" таъкидланган. Бу ҳақда Алишер Ибодиновнинг шундай келтиради:

*"...Домла Мирҳайдар Марғилондаги илгор усулда дарс берадиган билимдон муаллим сифатида донги кетган одам бўлган. Илмга чанқоқ, ўзига тўқ кишилар болаларини айна шу мактабга берганлар".<sup>593</sup>*

Биз 1996 йилги изланишлар чоғида биз мазкур мадраса талабаларидан марғилонлик Мадаминжон қори ота Муҳиддин хожи ўғли билан суҳбатлашган эдик. Суҳбат давомида хожи ота мадраса билан боғлиқ хотираларини қуйидагича эслаган эдилар: "Мадраса мударриси мулла Эгамберди домла эдилар. Биз шу зотда 7-8 ёшимизда таълим олганмиз. Тожи қори домла эса бу ерда Қуръондан таълим берар эдилар..."

Мозор 1936 йилда (баъзи маълумотларда 1955 йилда) бузиб юборилган ва шундан сўнг узоқ вақтгача тикланмай турган. Ҳозирда зиёратгоҳ шарқона услубда қайта тикланиб, халқимизнинг табаррук гўшаларидан бирига айланган.

Рожийнинг эса шаҳардаги бошқа зиёратгоҳлар қатори ушбу кадамжойга ҳам алоҳида эҳтироми бўлган. бу ерга келганда ўз-

---

<sup>592</sup> Абдулазиз Голиб Марғионий. "Насаб". 96-б. Қўлёзма аллома авлодлари кўлида сақланади.

<sup>593</sup> Алишер Ибодинов. Қўрбоши Мадаминбек. –Т.: "Ёзувчи", 1993.15-б.

ўзидан кадамжой ёнига дафн қилинган ўзининг яқин биродари Мирхайдар домла қабрини ҳам зиёрат қилган.

Мирхайдар домла вафотидан кейин етти йил ўтгач 1918 йилда Хожа Порсо зиёратгоҳининг пештоқи янгиланади. Шу муносабат билан Рожий унга куйидаги таърихни битади. Агар уни Рожий вафот этадиган йилда ёзилганини инобатга олсак, уни ҳақиқатдан ҳам умрининг охиригача ижоддан тўхтамаганини билиб оламиз.

### **Таърих**

*Файзи Ҳақ аз тавфи ин маъмура жўй,  
Порсойи суда бар ин хоки рўй.*

*Аз пейи таърихаш аз рўйи ҳисоб,  
Тоқи ақсо жойи файз ом гўй.<sup>594</sup>*

**Таржимаси:** Бу обод маскан, яъни улуғ Порсонинг тупроғини зиёрат қилиб Ҳақнинг файзини топ. Унинг таърих ҳисобини: "Бу омманинг файзли жойининг баланд тоқи" – деб ўқи. Яъни, 1336/1918.

Рожий домла жамият орасидаги “аҳли шараф” кишиларга насиҳат қилар экан, уларни жоҳил кимсалар тарафидан етаётган турли таъна-маломатларга сабр ва қаноат қилишга чақиради. Кўп ҳолларда аҳли шарафларга турли маломатлар етиши барча даврларда кузатилган.

*Аҳли шараф жаҳондин сахти насиб ўлубдур,  
Ҳар кун Ҳумо гизоси қоқ устихон эмасму?*

Яъни, дунёда етаётган турли азият ва дашномларга киши парво қилмаслиги керак, шундай улуғлиги билан Ҳумо қушининг озукаси ҳар куни бир парча курук суякдан иборатдир. Ёки:

*Соҳиб самар шажарлар боғ ичра сарнигундур,  
Сарви баланд ўлонлар бебаргу бор эмасму?*

---

<sup>594</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси...145-б.

Яъни, кўп ҳолларда зиёли кишиларга маломат етишини тушунса бўлади, боғдаги мевали дарахтларнинг ҳам боши эгик бўлиб, мевасизлари эса боши баланддир. Ёки:

*Дунёни гулшанида дил гунчасин кўзида,  
Ғам захмини урарга бир неча хор эмасму?*

Яъни, дунё гулистонида оддий бир гулни очилиб яшнаши учун атрофида бир нечта тиканлар захмини уриш учун кутиб турмаяптими, дея ўта кучли файласуфона мисоллар келтиради.

Айниқса, уни шу каби фикрлари "Ҳолоти Мулла Қаландар" достонида гўзал ва ҳаққоний тасвирланган:

*Мевага айланар бўлса ҳамки гул,  
Бошида тошларнинг ваҳми бор нуқул.*

*Сабо қанотини ёзганда гоҳи,  
Паришон бўлади гунча матоҳи.*

*Дуди оҳимданки, сунбул чарчадир,  
Дуди оҳдин асли сунбул парчадир.*

*Агар юз кўрсатса савсани ниҳол,  
Шапалоқ ургайдир шаббода баттол.*

*Чаманки, лоладин қилса паймона,  
Ани синдирурга жола равона.*

*Табассум айласа бир зумга шодон,  
Адаб бермоқ учун ел келар равон.*

*Ўқимоқ истаса булбулки достон,  
Бойўғлининг гами андинки чандон.*

*Чаманки, булбулга аталган маскан,  
Хароба ҳам бордир бойқушга ватан.*

Рожийнинг мазкур сўзларидан англашилмоқдаки, киши дунёда атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисларга ибрат назари билан боқиши ва улардан керакли хулосалар чиқариши зарур бўлар

экан. Суфён Саврий: "Дунёда ибрат ва фикрат назари билан амал қилган кимсадан ҳеч қачон солиҳ амаллар тўхтамайди", – деган.

Хотам Асомга: "Биз қачон ибрат аҳлидан бўламыз?" – дейилди. "Агар дунёни охири бориб-бориб хароб бўлишини, унинг эгалари тупроқ остига киришини англаган пайтида", – деди.

У зот яна шундай дейди: "Кимнинг уйидан жаноза чиққан бўлса-ю, у бундан ибрат олмаган бўлса, энди унга на илм, на ҳикмат ва на мавъиза таъсир қилмайди".

Рожий ҳаётини яхшироқ ўрганадиган бўлсак, бу соҳада ҳам алоҳида эътиборли бўлганини кўрамыз.

### ***Кафанимиз бошимизда***

Айтишларича, бир куни Хожажон қози домла ҳузурига майда миллат вакилларида бир аёл тиланиб келади. Уни бошига салла ўраб олганини кўриб, ўзинг аёл киши бўла туриб, салла ўраб олибсан, деб қизиксиниб сўрайди. У: "Ҳа домулло, мабодо ўлуб қолсак деб, кафанимизни бошимизда олиб юрамез, иби!", дейди. Унинг ҳазиломуз бу сўзи домлага қаттиқ таъсир қилиб дарҳол кўзига ёш олади. Маълум бўлмоқдаки, Рожий бундан ибратланган ва ўзига яраша хулоса олган.

Бедил ғазалига қилган бир мухаммасида шундай ёзган эди:

*Бо сарбаланди давлат пандам ҳамин иборат:  
Гарданфарози то чанд, эй соҳиби садорат,  
Паст асту хам дари зор, кў ибрату басорат,  
“Қадди дутойи пири абрўйи ин ишорат,  
К-аз танғоҳойи ҳастии бояд хамида рафтан”.*

Яъни, мол-давлатга мағрур бўлганларга насихатим шу: “Эй давлат эгалари, нима учун бунча кекқаясиз, ахир пастак ва букик қабрдан ибрат олганингиз қани? “Кексаларнинг қадди букилгани ва бу эгри қошлар инсонни дунёда эгилиб, паст бўлиб юришига ишоратдир”.



Рожий бу ерда қабрининг эгри ва букик эканидан ибрат олишга чақирмоқда. Бошқа бир ўринда киши агар ашёларга ибрат назари билан боқса, албатта, ҳар нарсада Парвардигор бирлиги ва борлигининг аломатини кўради, дейди:

*Таҳқиқ дийдасини ибрат билан очиб кўр,  
Ашё мазохиридин Зоти аён эмасму?*

Яъни, эй инсон, агар ҳақиқат кўзингни ибрат билан очиб кўр, ахир барча нарсаларда Унинг зоти аён эмасми?!

У бу соҳада намунали кишиларни ҳам мақтаб тилга олади. Масалан, ўшлик Хожи Муҳаммад Аъламни зикр қилар экан, айнан уни "ибрат аҳлининг аълами" эди, дея зикр қилади:

*Домла ҳожи Муҳаммад ибрат аҳлин аълами,  
Ўш қозихонасига неча йил дарбон экан.*

Учқўрғон қишлоғида яшаб ўтган Домла Боқийни эса Қуръони карим оятлари маъносидан ибрат олганини айтади:

*Дид чун нақши бақо дар сафҳаи забро набуд,  
Ғайри дарси ибрат аз "куллу ман алайҳа фон" бихонд.*

*Мурда зери хоки рафт маҳдийи роҳати ў,  
Зинда бо иўри қиёмат хоки бар сари монд.*

Яъни, Домла Боқий Қуръони каримдаги "Уни (ерни) устида бўлган барча (жонзот) фоний бўлур" мазмунидаги оятида айтилганидек, ибрат олишга арзигулик боқий қолувчи нақш йўқлигини кўрди. Шунинг учун роҳат ўрни бўлмиш учун ер остига кетди ва у ерда қиёматнинг ташвиши билан машғул бўлди.

Марғилоннинг Машҳад даҳасида жойлашган масжид масжиди имом домласи Бузрукхон қози ҳақида гапирар экан, Рожий, уни айнан замон талотумларидан қочиб, тинч жой дея қабристонда туришини айтади:

*Зи инқилоби замону зи шўри ҳодисаи,  
Имоми Бузруки мо шуд ба гўшае пинҳон.*

*Ба буржи қабри имоми Заҳриддин Жандий,  
Паноҳ жусти наштаст ў зи шарри аҳли замон.*

*Шуд он ҳумойи саодат ба устихон қонё,  
Зи бийми саҳми ҳаводис ба кунжи қабристон.*

*Зи жийфахонайи дунё нахост хавсалааш,  
Кушуд боли саодат ба тарфи тиби макон.*

*На бурд бўйи хабосат димоғи ҳиммати ў,  
Ҳаром мурдае жандий гузошт бо зогон.*

**Таржимаси:** Замоннинг тўполонидан бизнинг имомимиз бир чеккага яширинишга мажбур бўлди. Замон аҳлининг ёмонлигидан паноҳ истаб Имом Заҳриддин мазорининг бир чеккасида ўтирди. У саодат ҳумоси эди, шунинг учун суякка қаноат қилиб, ҳодисалар ўқидан омон қолиш учун қабристон бурчагида ўтирди. Дунё ўлаксаларидан ейишни хоҳламай саодат қанотини покиза маконга қараб қокди. Унинг ҳиммат димоғи бу мурдорлик ҳидини искашни хоҳламай, қанча ҳаром ўликни зоғларга ташлади.

Рожий домлани қабристонлар зиёрати чоғи ибрат натижасида қуйидаги сўзларни айтган эди:

*Агар бо чашмат аз ибрат бувад нур,  
Томошо кун ба ибрат хонаи гўр.*

*Ба гўраст он ки бадмасти гурур аст,  
Зи саҳбои ажал аз хуш дур аст.*

**Таржимаси:**

*Мушоҳада айла, боқсанг-чи бу ён,  
Хаёл сур, ибрат ол улардан бир он.*

*Шу ерда гурурдан этганлар ҳам нўш,  
Ажалнинг майидан бўлган ҳам бехуш.*

Унинг қабристонлар зиёратида кузатувлари нималардан иборат эди? Мана тинглаб кўринг:

*Қаро ер остида қанча устихон,  
Қазонинг қўлида бўлмиш паришон.*

*Бу қўллар шоҳ дасти эдилар мавзун,  
Узатса мақсадга етгулик узун.*

*Матоҳи дунёга эрди ҳукмрон,  
Ажалнинг дастидан топмади омон.*

*... Бу ерда ётганлар сийналари чок,  
Кўнгил ҳасратидан бўлмишлар ҳалок.*

*На сийна – ҳуққайи нақди аламдир,  
На кўнгил – ганжина ичинда гамдир.*

*Лолалар ундирса туфроқ бағри доғ,  
Қонталаш диллардан олгуси бўёқ.*

Унинг зиёрат чоғи чиқарган хулосалари ҳам айни ҳақиқат эканини кўрамиз:

*Одамзод бошини осмон ўпса ҳам,  
Келар кун эгилур туфроққа мулзам.*

*...Қазонинг ҳукмидан бўлуб ноилож,  
Ётурлар Қайсару, безару, бетож.*

*...Жоми Жамнинг боши бугун муқаррар,  
Гадонинг илкида косадур магар.*

*...Қарагил ўзига бергувчи оро,  
На бўлди Скандар, Жамшиду Доро.*

*Қазоким аларни айлаб чирпирак,  
Бу маскан сарига келтирди бешак.*

*Бу ерда ётганлар сийналари чок,  
Кўнгил ҳасратидан бўлмишлар ҳалок.*

*На сийна – хуққайи нақди аламдир,  
На кўнгил – ганжина ичинда гамдир.*

*Шу ерда гурурдан этганлар ҳам нўш,  
Ажалнинг майидан бўлган ҳам беҳуш.*

*...Пешона кўркиман деган қош бугун,  
Ётар туфроқ аро бўлиб сарнигун.*

### **Ҳолоти Мулло Қаландар**

Рожийнинг ибратга оид ишлари ҳақида гапирганда уни Мулло Қаландар билан мулоқоти ҳақида ҳам тўхталиш зарур. Рожий яшаган даврда Марғилонда мулло Қаландар номли тўқсон ёшлардаги бир кекса мўйсафид бўлиб, қабристондаги қамишдан қилинган бостирмасида истиқомат қилган. Рожий бир гал у истиқомат қиладиган қабристондан ўтади ва унинг ҳатти-ҳаракатларидан таъсирланади ва бу таассуротларини қоғозга туширади. Бу ҳақда у шундай дейди:

*"Мулло Қаландар номи пири наввад сола бар гўшае қабристон ватан намуда, аз жамиъи алойиқи дунявий мунқатеъ бувад. Мужаррад ва бетааллуқ гузаита. Ашъори орифона хонда, алалхусус, бар саре ҳар гўр рафта ин байт мехонд.*

*Баски ёрон андарин вайронаҳо гум гаштаанд,  
Мечакад ашкам ба хоку хокро бў мекунад.*

**Таржимаси:** "Тўқсон ёшлардаги Мулло Қаландар қабристоннинг бир чеккасидаги қамишли уйида истиқомат қилар эди. Уйланмай ёлғизликда ўтган, дунёнинг барча алоқаларидан қўл ювган эди. Орифона шеърлар ўқир, айниқса ҳар бир қабрнинг бошига бориб бу байтни ўқир эди:

*Изларин излар эсам вайронанинг мардумларин,  
Жавдирар кўз мардуми туфроқ уза топмоқ бўлиб.*

"Бўстон"-у "Гулистон"и ҳазрати Саъдий Шерозий дар даст дошт. Ҳикоят ва воқеа дар китоби мазкур хонда мажзубона чарх мезад. Роқими ин мусаввадаро завқу шавқ бар

зиндагонии ў ва ба маънийи байти ў золиб гардида байти дигар зам карда рубоий гардонида, ин аст:

*Гар асар жўям аз ин вайрон саро мардум кужост,  
Мардуми чашмам ба хоки тўдае рў мекунад.*

**Таржимаси:** Шайх Саъдийнинг “Бўстон”у “Гулистон”и унинг қўлида эди. Ўша китобдаги ҳикояту воқеотларни ўқиб, девонавор чарх урар эди. Унинг бу каби ҳолати мазкур сатрлар қораламасининг муаллифи (Рожий)га таъсир қилиб, у ўқиган байтга завқ-шавқи келиб, унга яна бир байт қўшиб рубоийга айлантирди:

*Изларин излар эсам вайронанинг мардумларин,  
Жавдирар кўз мардуми туффроқ уза топмоқ бўлиб.  
Баски, бу вайронада дўст ёридин топмай нишон,  
Кўз ёшим туффроққа томгай хокларин ўпмоқ бўлиб.*

Ҳаракот ва саканот ва кавойифи аҳвол ва мақулот қаландари мазкур масмуъи роқим гардида, як ба як гуфтори ў ва жараёни ўро ба тариқи маснавий ба либоси назм дар оварда шуд. Чунки тамоми мақулоти ў ва жарёни ў шавқангез буд. Ин аст маснавийи манзума дар шаъни ў:

**Таржимаси:** Мазкур қаландарнинг юриш-туриши, кайфияти, ўқиётган сўзлари бу роқим (адиб)нинг қулоғига кирди, унинг сўзларига маснавий тариқасида назм кийимига кийдирдим. Чунки унинг ўқиётган, айтаётган сўзлари кишига завқ келтирар эди. Манзума ушбудир:

*Ба гулхан хуфтае шайхи Қаландар,  
Дар оташ рафтае ҳам чун самандар.*

*Ба қабристон нишасти коза карда,  
Ба роҳи марғи худ дарвоза карда.*

*Ҳазоро рашки гулшан гулхане дошт,  
Зи дид сад чоктар пироҳане дошт.*

*Чи пироҳан саропо жайбу доман,  
Мулавван тору дуд аз дуди гулхан.*

*На пирохан ливои аз гарду хокаст,  
Ба оби дийда он ҳам чок чокаст.*

*Парешон печи, дастори сиёҳаш,  
Ба сони печу тоби дуди оҳаш.*

*Ҳама гирйад ба қадди мучамбар,  
Чу мужрим сарнигун дар рӯзи маҳшар.*

*Ба дӯши зиндаги боре надомат,  
Қиёмат рафтани ҳам карда қомат.*

*Ҳама нолида дар шабҳо на хуфти,  
Ба ҳар гӯр омада афсона гуфти.*

*На ҳар афсона аз девони ғам буд,  
Зи авроқи дили қулфат рақам буд.*

*Қадам мезад ҳаме жунбида чун мӯр,  
Нишастии ҳалқа гашти бар дари гӯр.*

*Агар дам мезад он пири ҳамида,  
Ҳамон дам аз замин мешуд шунида.*

*Зи мардум буд маҳқуру ба ғам жуфт,  
Ба қабристон ҳаме шӯрида мегуфт:*

### **Мулло Қаландарнинг ҳолати**

*Дуди гулхан аро шайхи Қаландар,  
Бамисли ўт ичра кирган самандар.*

*Гӯристон бурчида уйи бор эди,  
Бу уйдин ўлимга кўйи бор эди.*

*Унинг гулҳанидан гулшанда рашшок,  
Либоси дил каби сари чок-чок.*

*Либоси демаким бошдин оёғи,  
Оловнинг дудидан рангин сиёғи.*

*На либос, аслида туфроқдан нишон,  
Тўкиб ёш либосин этмиш паришон.*

*Оҳи тутунидек салла чувалган,  
Юзлари қон ёши бирла сувалган.*

*Бош эгик юрарди шому саҳарда,  
Гуноҳкор мисоли рўзи маҳшарда.*

*Ҳолати гаройиб – ёй каби қомат,  
Вужудини эзган каби надомат.*

*Фароғат нелигин билмайди ҳеч он,  
Қабрлар бошида айтади достон.*

*Алам девонидан олар иқтибос,  
Юраги – кулфати битилган қозоз.*

*Ғимирлаб юриши мисли чумоли,  
Ўтирган чоғида – ҳалқа мисоли.*

*Одамлардан айри, ғам бил иноқ,  
Ғам ила сўйлашдан билмайди чарчоқ...*

*Жунуни жўш уриб қилганида савт,  
Қўпарди ҳар қабр узра қиёмат.*

*Бўларди ҳамиша ғам бирла ҳамроҳ,  
Қиларди нола-ю, айтар эди гоҳ:*

*“Илоҳи оламда ҳеч бир одамзод,  
Бўлмасин менигдек ёлғизу барбод.*

*Тириклик бошимга оғир юк бироқ,  
Ўзгалар ўлими мундин оғирроқ.*

*Елкамда тириклик деган мато бор,  
Эй ўлим, истасанг бўлгил харидор.*

*Ўтаверар олам, ўтаверар ёш,  
Не чоғли юксакдир қуйи бўлар бош.*

*Шуъладек қайси бош ўрласа кўкка,  
Оёгинг остида бўлур кўланка.*

*Шиша гарчи зукко димоғи намдир,  
Боши паймонанинг устида хамдир.*

*Фурсатим ва мисли қувват белимдан,  
Йигитлик онлари кетди қўлимдан.*

*Қаридим, ерга мен ушбу замона,  
Намоз ўқигандек қўйдим пешона...<sup>595</sup>*

### ***Рожийнинг орифона насиҳатлари***

Рожий домланинг насиҳатлари орасида шундай сўзлар бордирки, улар ҳар қандай кишининг қалбига бевосита етиб боради ва беихтиёр унинг маъноларини мулоҳаза ва мушоҳада қилишга чорлайди. Рожий инсоннинг яратилиш ҳақиқати ҳақида сўз юритади. У кишиларни илоҳий оламдан келган пок хилқатлар эканини айтар экан, уларни шу покликка лойиқ ва муносиб бўлишга чакиради:

*Олуда қилма жонни аълоий иллийиндин,  
Келган яна уружи то ломакон эмасму?*

Яъни, эй инсон биласанми, руҳинг қуши аслида “аълоий иллийин” деб аталмиш арш остидаги покиза даргоҳдан келган. Бу дунёга савдо учун, яъни Аллоҳнинг маърифатини ҳосил қилиш учун келган, демак бу ерда абадий қолмайди, иши битгач, яна ўша даргоҳга қайтади. Бинобарин, сен уни гуноҳ ва исён билан қанотини қайириб, патлари юлиб қўймаки, қайтишда уча олмай ярим йўлда қолиб кетмасин!

Эътибор берилса, бунда ўта кучли фалсафий маънолар тилга олинган. Мазкур маъно қуйидаги мисраларда бошқача руҳда таъкидан келади. Унда инсон танаси жон қуши учун маълум муддат ошён экани айтилади:

*Тайрони ломакондур жон тайрин иқтизоси,  
Болу парин ёзурга тан ошён эмасму?*

Ҳофиз ғазалига қилган тахмисларининг бирида ҳам шу каби ўта мушоҳадали фикрларни ўртага қўйган эди:

---

<sup>595</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий насрий баёни асосида Ҳ.Жўраев назмга солган.



*Ба хок аз чи фитода Хумое ариши барин,  
 Зи ошиёни саодат шикастаболу ҳазин,  
 Вуболу туст тапидан ба домгоҳи замин.  
 "Ту, эй баландназар, шоҳбози сидранишин,  
 Нишемани ту на ин кунжи меҳнатобод аст".*

Сен юқори аршнинг Хумоси эдинг, нима учун бу ерга тушиб қолдинг?! Саодат ошёнидан қанотинг синиб ғамгин бўлиб бу дунёга келдинг. Ҳа, сени бу тузоққа тушиб қийналишинг ўз гуноҳингдан. "Эй баландназар, сен шоҳ қуши бўлиб Сидра устида ўтирар эдинг. Бинобарин, бу захматобод жой сен турадиган жой эмас".<sup>596</sup>

Айни пайтда Рожий дунёдан шу каби яхши амаллар билан ўтган кишиларнинг руҳи аршга етиб борган, деб ҳам умид бобида хулоса қилади. Масалан, Худоёрхон даврида хонлик ҳузурда мустаҳкам ўринга эга тариқат пирларидан бири Сафохон тўра вафоти ҳақида гапирар экан, шундай дейди:

*Ҳосили бори омонат руҳи покаш буд рафт,  
 Ҳамчунони Рухул Амин бо зирваи ариши барин.*<sup>597</sup>

Яъни, охири, бу зот ҳам омонат ҳосили – руҳи покини топшириб, Рухул Амин каби арш чўккисига қўнди.

Ёки Бузрукхон қози Машҳадий ҳақида эса шундай дейди:

*Ҳужаста мурда малоик ба гирди тобуташ,  
 Жанозавор гуруҳи ба ариши фотиҳахон.*

Яъни, унинг муборак тобути атрофида фаришталар жамланиб, жаноза ўқувчилари унга аршда фотиҳа ўқигандир.

Андижонлик Мулла Эминжон охунд ҳақида гапирганида ҳам шу каби умидли сўзларни айтган:

<sup>596</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий насрий баёни.

<sup>597</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...153-б.

*Азал хаттоти ёзган фурсати умр,  
Улуғ кун ариш раҳматиға етибдур.*<sup>598</sup>

Айтиш ўринлики, Рожий Марғинович ўз насиҳатларида Аҳли суннат вал жамоат ақидасининг ақидавий масалаларини ҳам сингдириб кетган ва бу орқали кишиларни нафақат ахлоқда, балки ақидада ҳам тўғри йўлда бўлишларини назарда тутган.

Маълумки, Аҳли суннат вал жамоат ақидаси бўйича Аллоҳ таоло дунё ва охиратда бўладиган барча нарсаларни азалдан тақдир қилиб белгилаб қўйгандир. Барча ишлар – яхшилик ва ёмонлик, соғлик ва касаллик, бойлик ва камбағаллик ҳамма-ҳаммаси тақдир қилинганига кўра, белгиланган вақти, пайти ва кайфиятида воқеъ бўлади.

Имом Муслим Амр ибн Ос р.а.дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Аллоҳ таоло бандаларнинг тақдирларини осмонлару ерларни яратишдан элик минг йил аввал белгилаб қўйган".<sup>599</sup> Банда қисмат қилинган бу ишларга розилик билан муносабатда бўлиши керак бўлади. Бу соҳада "Нега ундок?", ёки "Нега бундок?" дейиши, рози ё норози бўлиб, "Ҳа", ёки "Йўқ" дейиши мумкин эмас:

*Бирни баланд айласа гар бирни кам,  
Қайда дегай бандаси "ло" ва "наъам".*

Тақдирга имон келтирмақ имоннинг етти шартидан бири саналиб, усиз имон бут бўлмайди. Аҳли суннат вал жамоат ақидасининг билимдони сифатида Рожий домла ҳам бу борада муносиб мулоҳазаларни баён қилган. Чунончи, у ёзади:

*Нассохи қудрат ёзмиш азалда,  
Ҳар хайру шарни пешоналарга.*

<sup>598</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 60-б.

<sup>599</sup> Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсобурий. "Саҳиху Муслим"... 8-ж, 51-б.

Яъни, қудрат котиби азалда ҳар бир яхшилигу ёмонликни пешонага ёзгандир.

Хожа Ҳофизнинг бир ғазалига қилган тахмисида шундай жумлаларни кўрамиз:

*Зи машиятан рақам зад ҳама хайру шарр баду нек,  
Ба саҳойифи жабинҳо ба яди қадар баду нек,  
Чи қазо навишта бошад гузарад зи сар баду нек,  
"Сақар офариду жаннат ба жазое ҳар баду нек,  
Зи кадом қавм бошем ба чи сарнавишт моро".<sup>600</sup>*

**Таржимаси:** Унинг хоҳиши билан ҳамма яхшилигу ёмонлик пешона саҳфасига тақдир қўли билан ёзилди. Нимаики яхшилигу ёмонлик ёзилган бўлса бошдан ўтади. "Ҳар бир яхши ёмонни жазолаш учун дўзаху жаннатни яратдики, биз энди қайси қавмданбиз-у, бизга қайси хат ёзилгандир, маълум эмас".<sup>601</sup>

Бошқа бир ўринда шундай дейди:

*Тавқеи қазоки бар жабийнаст,  
Сабти ажал зи шахси инаст.  
Бинвиштаи дасти қудрати ў,  
Аз саъди шифоу куфри дийнаст.<sup>602</sup>*

**Таржимаси:** Азалий қазонинг муҳри ҳар бир пешонага босилган бўлиб, у барча кишилар устида жорийдир. Яхшилигу ёмонлик, дарду шифо, куфру имон ҳам Унинг қудрат қўлидадир.

Яна бир асарида куйидагиларни айтади:

*Бо иродат чора набувад сархати лавҳи жабин,  
Аз иродат ҳар қадар буд, ин муқаддар шуд бурун.*

Яъни, эй Аллоҳ, Сени пешона хатига ёзган ироданга чора йўқ, ҳар бир нарса сени тақдирингдир, инчунин, бу иш ҳам азалда тақдир қилинган.

<sup>600</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси...156-б.

<sup>601</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий насрий баёни.

<sup>602</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 129-б.

1891 йилда вафот этган марғилонлик мулла Саййид Аҳмадхон қозининг ўлимини мулоҳаза қилар экан Рожий шундай ёзади:

*Фавқа жамиъил қуззоти қози хуваллоҳ,  
Минҳул қазо мазин ла харжа вала радд.*

Яъни, қозилар устидан ҳақиқий қози бу Аллоҳ таолодир. Ундан келган қазони қайтариш мумкин эмас.

Рожий тақдирга битилган қисматга банданинг норози бўлишлари мумкин эмаслигини айтар экан, араб тилидаги шеърларининг бирида шундай деёди:

*Даъил эътироза ва мал амру илайк,  
Вамал ҳукму фи ҳаракотил фалак.*

*Фала тасъалиллаҳа ан фаълиҳи,  
Фа ман хоза лужжатал баҳри ҳалак.*

Яъни, эй инсон, бўлаётган ишларга эътироз билдиришдан сақлан, чунки иш сени кўлингда эмас, ҳатто фалаклар айланишида ҳам ихтиёр йўқ. Аллоҳдан қилаётган иши ҳақида сўрама, чунки ким денгизга шўнғиса, ҳалок бўлади.

Тасаввуф шайхларидан Мавлоно Ориф Деггаронийнинг бу борадаги сўзлари ибратли:

*"Ҳар ким ўз тадбирининг бандидадур (яъни, ўзи тақдирини ўзгартириши йўлидадир) дўзах анга нақд турур ва ҳар ким (яъшилиқ умидида) Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг тақдири мутоласидадур (яъни, унга таслим ва розидир) жаннат анга эшиқдур".<sup>603</sup>*

Аллоҳ таоло ҳар бир ишга қодир ва ҳар ишни ўз қудрати билан қилувчидир. Рожий ёзади:

*Ҳарна қилур қудрат ила ул Ғафур,  
Собир эрур бандаларига Шакур.*

*Аҳли жаҳон сиррига доно эрур,*

<sup>603</sup> Фаҳруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил ҳаёт... 75-б.

*Ҳар нимаким қилса тавоно эрур.*

Рожий дунёда пасту баланд, ғам-ташвиш ёнма-ён эканини тушунтиришда отган ҳар бир тонг сўнггида шом – қоронғулик келишини мисол қилади:

*Субҳи тараб дамига шоми гами қариндур,  
Гаҳ хузн, гаҳ масаррат расми жаҳон эмасму?*

Ёки:

*Мумкин эмас қазонинг дастидан эмин ўлмак,  
Бу шахнанинг асири тиру жавон эмасму?*

Яъни, қазонинг дасти – юргизаётган ҳукмларидан қутулиш мумкин эмас, ахир ёшу қари унинг қўлида асир эмасми?

Рожийнинг Ҳофиз ғазалига қилган тахмисида келтирган қуйидаги сўзлари қазога рози бўлиш, қисматга шукр қилиш борасида ибратли:

*Ба ком луқмаи захрат расад чу шаққархой,  
Нишин ба кунжи қаноат Худой додат жой,  
Зи ҳирси дасти талабқаш ба саъйи шал кун, ҳой,  
"Ризо ба дода бидеҳ аз жабин гиреҳ буқшой,  
Ки бар ману ту дари ихтиёр нақушодаст".<sup>604</sup>*

**Таржимаси:** Комингда заҳар луқмасини ҳам шаққар деб чайна. Худо берган қаноат бурчагида сабр билан ўтир. Ҳирсдан тиланчилик қўлингни торт. "Нимаики сенга берсалар, рози бўл-у қовоғингни очиб юр. Чунки сен билан менга ихтиёр эшиги очилмаган, яъни берилмаган".<sup>605</sup>

Рожийнинг оғзингда заҳарни ҳам шаққар деб чайна деган сўзлари, бизга Амир Алишер Навоийнинг қаноат ва шукр бобида қуйидаги сўзларини ёдимизга соладики, Навоий унда кишиларни бетакрор сатрлар билан қаноат ва шукрга чақирган эдилар. Чунончи, оёғингда кавушинг бўлмаса, оёғи йўқларга қараб шукр

<sup>604</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 42-б.

<sup>605</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий насрий баёни.

қил, бошингдаги салланг йиртиқ бўлса, боши ёрилганларга қараб ҳамдни ўзинга лозим тут, деб бошлайдилар. Ёки танингни ёпадиган кийиминг бўлмаса, танинг соғдир, ичгулигинг бўлмаса, ич оғригинг йўқдир, дея кишиларни бирор бир йўлдан ношукрлик бобида оғиз очишга қўймайдилар:

*"Кафшисизликдин малул бўлма (малолланма)гил, аёгсизларга боқиб шукр қил. Дастор (салла) йиртуғлуғидин гам ема, боши ёруғларга боқиб Тенгри ҳамдидин ўзга дема. Танпўш (кийим)инг дуруст бўлмаса тандурустлуғунга шокир бўл, ичинг қувватига гизо топмасанг, ич оғригин йўқ шукрига зокир бўл. Киссангда агар дирам йўқ, кўнглунгда киссабур гами ҳам йўқ. Ифлос машаққатин буржлу (мажбурлиғ)инг йўқидин унут, ҳар ҳолда шукр ва қаноат тариқин берк тут. Агар отинг йўқтур, арпа гамин емассен. Агар қулунг йўқтур, киши қули худ (бировага қул) эмассен. Зарбафт баҳоли либоси бўлмаса, фароғат бўрёси қачон андин камдур. Агар шунқордек бошингда зардўзлук тумогадин тож эмасдур, шукр қилким, кўзунг ёруқ дунёни кўрарга муҳтож эмастур. Агар шунқор эгасидек белингда баҳлийи зарнигор йўқ ҳам, шукрдурким, илгинг баҳли панжасидек нокор йўқ ва андин санга озор йўқ.*

*Ҳар шиждатеким, билурсен андин қаттиқроқ ҳол бордур ва ҳар суубат (машаққат)еки, гумон қилурсен андин саъб (қаттиқ)роқ кўб кишига гирифтордур. Ҳар машаққатким, сенда йўқтур, сенингдекда бор. Ул санга неъматедур шукр айтурга сазовор. Ҳар неъматким, санга берибтур ва сенингдекка бермайдур. Ҳамду сано айтурга кироманд ҳақдин бу беҳисоб иноятларни бил ва мунга кўра бандалиқ фикрини қил. Ҳар неча ибодат қилсанг, кўнглунгни тақсир қилгонга (дилинда қилмагандек бўлиб тур) мойил тут ва ҳар неча тоат қилсанг, тилингни узр айтурга қойил тут. Сен ва қилганинг маъдуми маҳз (йўқ бўлувчи), вужуд (борлиқ) Ҳақ вужуди, ҳар не анинг гайри нобуди мутлақ (буткул йўқ бўлувчи) ва буд (борлиқ) фақат анинг буди (борлигидир).<sup>606</sup>*

<sup>606</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб... 114-б.

Хожа Алоуддин Аттор айтадилар: "Энг афзал ва акмал ҳол шулки, банда тафвиз (ишларни Аллоҳга топширмақ)да кўшиш (ҳаракат) қилмоғидур. Анбиё ва авлиёлар то умр охиригача бу тариқада турганлар. Банда аҳволи зоҳирий ва ботинийсида ҳар лаҳза тафвизни ҳосил қилсун ва ҳар турли ихтиёрни бошидан чиқарсин. Шуни билсинки, Ҳақ субҳанаҳу ва таолонинг ихтиёри албатта, анинг ихтиёридин яхшироқ турур ўзи учун".<sup>607</sup>

Рожий кишиларни Парвардигор ҳукмига таслим бўлишга, қисматга рози бўлишга чақириши бежиз эмас. Зотан, бу Ислондаги ақидавий мавзуларнинг муҳимларидандир. Ақидага оид ҳолатларга бепарво қараб бўлмайди. Бу соҳада бирор хатолик кўринса дарҳол уни тўғрилаш зарур. Юқорида айтилганидек бу имон дурустлигига ҳам раҳна солади. Ислонда имон муҳофазаси биринчи ўринга қўйилган.

Хожажон қози домлага ўхшаган кишилар бу каби нарсалар олдида жим тура олмайдилар. Улар шариат қозиси, Аҳли суннат вал жамоат ақидасини яхши билган олим сифатида ҳам кишиларнинг ақидавий ҳолатларининг бутлигига қаттиқ эътибор қаратишган. Умуман олганда, Мовароуннаҳр мадраса ва мактабларида, шу жумладан, Марғилон мадрасаларида ақида илми пухта ўргатилган. Талабаларни ақида илмини билмаслигига мутлақо йўл қўйилмаган. Шу туфайли устоз Маҳмуджон қори – Мажруҳ Ёзёвоний айтганларидек: «Ўша давр уламолари орасида эътиқод борасида ихтилофлар бўлмаган».<sup>608</sup> Аллоҳнинг ҳукмларига рози бўлишнинг аҳамияти ҳадиси шарифлардан, салафи солиҳларнинг сўзлари ва ишларидан ҳам билинади.

### *Лаҳча чўғни босганим яхши*

Абдуллоҳ ибн Масъуд: "Лаҳча чўғни босишим, мени бир ишга "Нима учун шундай бўлди, ёки нима учун шундай бўлмади?", – деб норози бўлганимдан кўра яхшидир".

Имом Баззор ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Аллоҳнинг

<sup>607</sup> Фаҳруддин Али Сафий. "Рашаҳоту айнил ҳаёт"...119-120-б.

<sup>608</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон, 1993.

хукмларига рози бўлиш кишининг саодатидан, норозилиги эса унинг бахтсизлигидандир", – деганлар.

Абу Хурайра р.а: "Имоннинг чўққиси бу Аллоҳнинг қазойи қада­рига таслим бўлмоқдир", – деган. Умар ибн Абдулазиздан сўралди: "Нимани истайсиз?" Дедилар: "Аллоҳ (мен ҳақимда) хоҳлаган нарсани!".

Маймун ибн Меҳрон дейди: "Ким қазойи қадарга норози бўлса уни аҳмоқлигига даво йўқ". Абдулазиз ибн Абу Довуд дейди: "Ҳақиқий бандалик ночор кийимларни кийиш ва толқонга сирка қўшиб ейишда эмас, балки банданинг Раббиси хукмларига рози бўлишдадир".

Муҳаммад ибн Шакиқ дейди: "Бир гал онамга бозордан қовун олиб бордим. Лекин у онамга маъқул келмади ва бунга норози бўлдилар. Мен: "Онажон, уни сотувчисига ғазабланияпсизми, олувчисигами? Ё уни яратувчигами? Аллоҳга қасамки, уни яратувчиси яратувчиларнинг энг яхшисидир! Сотувчи билан олувчи эса фақат сизга тақсим қилинган нарсанигина келтиришган холос!", – дедим. Онам гапимдан таъсирланди ва менга раҳмат айтди.

Бир гал Муовия р.а.ни олди тишлари синиб тушди. Шунда у: "Кўзим ва қулоғимни саломат қолдирган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!", – деди.

Бишрул Ҳорис айтади: "Бир гал сафарим асносида бадани мохов ва пес касалига учраган, кўзлари аъмо ва ақли ҳам жойида бўлмаган кимсани кўрдим. Офтоб остида ётар, чивинлар уни ўраб олган эди. Раҳмим келиб бошини кўтариб кучоғимга қўйдим. Хушига келгач шундай деди: "Мен билан Раббим орасига тушмоқчи бўлган бу кимса ким? Раббим азизлиги ва улуғлигига қасамки, агар баданимни кийма-қийма қилганида ҳам унга муҳаббатим ҳаргиз камаймайди!". Унинг бу сўзини эшитиб ўз холига қўйдим".

Шаъроний "Танбеҳ ул-муғтаррин"да келтиради: "Бир гал Исо а.с. кўзлари кўр, бадан териси бузулган, оёқ қўллари ишламайдиган, баданлари титилган бир кишининг ёнидан ўтдилар. У тинмай: "Мени кўплаб кишилар мубтало бўлган иллатдан сақлаган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!", – дерди. Исо а.с:



"Кўпчилик мубтало бўлган иллат деб нимани назарда тутаяпсан?" – деб сўрадилар. У: "Аллоҳ мени ўзини танимаслик ва билмаслик иллатидан сақлади", – деди. Исо а.с: "Тўғри айтасан, кўлингни узат", – дедилар. У кўлини узатди. Кўли кўлларига тегиши биланоқ бутун бадани тузалиб, иллатлардан фориг бўлди ва Исо а.с осмонга кўтарилгунларига қадар у зот билан бирга юрди".<sup>609</sup>

Рожий кишиларни Аллоҳнинг қазосига рози бўлишга чакириш асносида ақидавий жиҳатдан ғоятда тўғри хулосаларини баён қилади. Унга кўра, банда агар кўплаб савобли ишларни қилиб, савобга эришса, ёки гуноҳ ва исён қилиб йўлдан озса ва бу туфайли қаҳр ё лутфга сазовор бўлса ҳар иккиси банданинг ўз қилмиши туфайлидирки, бунда бандага ҳеч қандай зулм йўқ, улар ўз қилмишларига яраша жавоб олмоқдалар, холос:

*Банда агар этса савобу жазил,  
Ёки қилур журм ила қатъи сабил.*

*Қаҳр анга этса ўзи шармандаси,  
Қилса мунга лутф буюк бандаси.*

Қолаверса, Парвардигори оламга бандаларнинг тоат-ибодатидан ҳеч қандай фойда, исёнларидан эса ҳеч қандай зарар етмайди:

*Ҳазратига тоат ила йўқ камол,  
Зоти гуноҳ бирла топарму завол.*

Маълумки, қазога рози бўлиш инсон қалбида қаноатни келтириб чиқаради. Қаноатсизлик кишини эл орасида беобрў қилади. Рожий бу ҳақда шундай ёзади:

*Расволигимга боис тулу амал ва гарна,  
Ҳар кундаги маошим – бир парча нон эмасму?*

Яъни, мени эл орасида беобрў бўлиб юришимга узун орзу-ҳавасларим сабабдир. Уларга эришиш кўйида эл ичида обрўсиз

<sup>609</sup> Абдулваҳҳоб Шаъроний. "Танбех ул-муғтаррин"... 176-б.

бўлиб юрибман. Чунки тиланган, ёки бировлардан бирор нарса умид қилган кишини халқ ёмон кўради. Ундай кимсани эл назарида обрў-эътибори бўлмайди. Бу эса уни расво бўлганидир. Ҳолбуки, ҳар кунда менга бир парча нон етар эди, шунга қаноат қилганимда бу каби расволик юзланмаган бўлур эди.

Рожий ушбу сўзларни ўзига мурожаат мазмунида айтаётган бўлса-да, бироқ бу билан бошқаларни нишонга олаётгани маълум.

Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Мени сизларга кўрқадиган нарсаларимнинг энг ёмони иккита: Узун орзу ва ҳавойи нафсга эргашиш. Узун орзу кишига охиратни унуттурса, ҳавойи нафсга берилиш эса ҳақдан тўсади".<sup>610</sup>

Қаноат ҳақида гапирган Рожий афсонавий ҳумо қушини қушларнинг шоҳи бўлишига айнан унинг қаноати эканини сабаб бўлган, деб кўрсатади:

*Саодатлик ҳумодур устихонга,  
Фалакни хонидан қонеъ бўлибдур.*<sup>611</sup>

Қаноат ҳақида Амир Алишер Навоий ҳазратларининг таърифлари бетакрор у зот "Махбуб ул-қулуб"да шундай деган эдилар:

"Қаноат – ибодат қуввати ҳосил бўлгонча қувват била ўткармакдур ва андин ортуғ барча ниманинг ҳавасин хаёлдин кўтармакдур.

Қаноат чашмаедурким, суви олмоқ била курумас ва махзане (ҳазина)дурким, нақди сепамоқ (тарқатмоқ) била ўксумас (камаймас) ва мазрае (деҳқончилик ери) дурким, тухми (уруғи) иззат ва шавкат бар (мевасини ) берур ва шажаредурким, шохи истиғно (беҳожатлик) ва ҳурмат самар келтурур.

Қонеъ дарвешнинг куруқ нони, томеъ шоҳнинг хитойи хонидин хўброқдур.

<sup>610</sup> Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Аби Шайба ал-Куфий. "Мусаннифу Абу Шайба". Мактабатур рошид, Риёз, 1409. 7-ж, 100-б.

<sup>611</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 42-б.

Улким қаноат мўътод (одат) бўлди – шоҳ ва гадо тараддудидин озод бўлди. (Қаноат) Ҳисоре (кўрғон)дурким, анда кирсанг, нафс шарридин кутулурсен ва кўҳсоре (тоғ)дурким, анда чиқсанг, душман ва дўстдин мустағний бўлурсен".<sup>612</sup>

### *Ҳожатингиз бўлса бажарайлик*

Ҳазрат Умар р.а.нинг набиралари Солим ибн Абдуллоҳнинг тақво ва қаноатга оид ишларидан бири ҳақида тарихчилар шундай ёзадилар: "Уммавий халифаларидан Сулаймон ибн Абдулмалик Маккага ҳажга келди. Байтуллоҳни тавоф қилиб юриб Солим ибн Абдуллоҳни бир чеккада каъбага қараб хушуъ билан ўтирганини кўриб қолди. У Қуръон тиловат қилар ва йиғлар эди. Кўз ёшлари булоқдек икки кўзидан оқар эди.

Халифа тавофдан бўшаб икки ракат намоз ўқигач, Солим ўтирган тарафга борди. Одамлар уни кўриб йўл бўшатдилар. Уни яқинига ўтирди. Солим бунга сезмади ва унга қарамади. Чунки у ўзи билан машғул, зикрга чўмган эди. Халифа Солимни тиловат ва йиғидан тўхташини кутиб, кузатиб турди.

Қачонки у тўхтагач, салом берди. Алиқдан сўнг халифа паст овозда: "Ҳазрат, мабодо бирор ҳожатингиз бўлса бажариб берайлик, айтинг?!" – деди. Солим унга жавоб қайтармади. Халифа уни эшитмади, деб ўйлаб аввалгидан кўра яқинроқ бориб: "Бирор ҳожатингиз бўлса, бажариб берсак деган эдик", – деди. Шунда Солим: "Аллоҳга қасамки, мен Унинг уйида ўтириб ундан бошқасидан ҳожат сўрашдан ҳаё қиламан!", – деди. Халифа хижолат бўлди ва жим қолди. Лекин уни узоқдан кутиб турди.

Солим намозини тугатиб ўрнидан туриб юришга бошлади. Дарҳол одамлар орқасидан эргашишди. Бири ундан ҳадисдан сўрар, яна бири масала бўйича фатво сўрар, бошқаси насихат тиласа, яна бирови дуо сўрар эди. Халифа ҳам улар ортидан тушди. Одамлар уни кўриб, дарҳол йўл бўшатдилар.

<sup>612</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб... 53-54-бетлар.

У Солим ибн Абдуллоҳнинг яқинига келгач, унга бир оз мойил бўлиб: "Мана масжиддан чикдик, энди ҳожатингиз бўлса, сўранг, бажарамиз", – деди. Шунда Солим унга қараб: "Дунё ҳожатларидан сўраяпсизми, ёки охират ҳожатиданми?!", – деди. Халифа кутилмаган саволдан довдираб қолди ва: "Албатта, дунё ҳожатларидан!", – деди.

Солим: "Мен дунё ҳожатларимни унинг ҳақиқий эгаси бўлган Зотдан ҳам сўрашга ҳаё қиламану, ҳақиқий эгаси бўлмаган кишидан қандай сўрайман!", – деди. Шундан кейин халифа қаттиқ хижолат бўлди ва унга салом айтиб йўлига кетди. У йўлда кетар экан шундай дер эди: "Эй Хаттобнинг авлодлари, тақво ва зоҳидлик сизларни мунча ҳам зийнатламаса! Аллоҳ кўнгилларингизни дунё молига намунча тўқ қилмаса! Доимо омон бўлинг!"<sup>613</sup>

### ***Шикоятингни Аллоҳга айт***

Доктор Абдуррахмон Роъфат ал-Бошо "Суварун мин ҳаётит тобеъин"да келтиришларича, кунларнинг бирида Шурайх қози йўлда бир кишини бировга баъзи ташвишлардан шикоят қилаётганини эшитиб қолади ва уни бир чеккага тортиб: "Биродар, ҳаргиз ташвишингни Аллоҳдан бошқасига айтишдан сақлан! Чунки сен шикоят қилаётган кимса дўстингдир, ёки душманинг. Дўстинг бўлса уни ҳафа қиласан, душманинг бўлса у устингдан кулади", – дейди.

Кейин унга бир кўзини кўрсатиб: "Мана шу кўзим, ўн беш йилдан бери бирор нарсани кўрмайди. Аммо буни ҳеч кимга айтганим йўқ, фақат ҳозир хабар бериш учунгина сенга айтдим. Аллоҳнинг солиҳ бандаси Яъқуб а.с.нинг сўзларини эшитмаганмисан, у деган эди: "Мен ғаму ташвишларимдан ёлғиз Аллоҳгагина шикоят қилиб йиғламоқдаман". (Юсуф сураси 86-

---

<sup>613</sup> Доктор Абдуррахмон Роъфат ал-Бошо. "Суварун мин ҳаётит тобеъин"... 379 - 381-бетлар.

оят). Сен ҳам шикоятларинг, ғамларингни фақат Аллоҳгагина айт, чунки у эшитувчи ва ижобат қилувчи Зотдир!", – дейди.<sup>614</sup>

Келтирилган воқеаларда ишора қилинганидек, Рожий домла қўл меҳнати билан кун кўрувчи, ризқини касбу кор билан топувчи кишиларни ҳам ҳавас, ҳам ибрат билан тилга олади. Шундай кишилардан бири, бу Усмон хўжа аълам бўлиб, у бир умр аъламлик вазифасида меҳнат қилиб, ризқини ҳам қаламдан топиб еган, боз устига ўзи ҳам қалам каби боши саждадан тўхтамаган:

*Қаламдин кўрди ризқини, қаламдек,  
Бошини саждадин тиндирмай ўтди.*

Кишиларни қаноатга чақирган Рожий домла бу сифатга эга бўлган кишиларни мақтаб тилга олади. Жумладан, у марғилонлик Мулла Аҳмад Охундни таърифлар экан, уни айни қаноатпеша экани, нафси учун нокаслар дастурхонига тиланиб бормаганини ҳавас билан ёзади:

*Ба гирди хони нокас нанишаст то нагардед,  
Зиллаткаши атойи ҳар бадлиқойи дунё.*

Яъни, у нокасларнинг дастурхонига бориб ўтирмади, ҳар бадлиқо бўлган аҳли дунёларнинг миннатли нонини емади.

Қаноат ҳақида Рожийнинг кичик замондоши Абдуссамад Охунд Қоил Марғиновичнинг сўзлари ҳам ибратли:

*Қаноат айлаган зоҳидни қалби беғубор ўлғай,  
Таваккул аҳлини ёри билинг Парвардигор ўлғай,  
Жаҳон ҳар кимни ҳирси қадрича бошига тор ўлғай,  
Тамаъ миқдорича инсонни қалби беқарор ўлғай,  
Юракни ҳасрати аксар кўнайган муддаодандур.<sup>615</sup>*

---

<sup>614</sup> Доктор Абдуррахмон Роъфат ал-Бошо. "Суварун мин ҳаётит тобеъин"...118-б.

<sup>615</sup> Раҳматуллоҳ Файзуллаев. Нодиржон Абдулахатов. Абдуссамад Охунд Қоил Марғинович... 308-б.

## **Банданинг тавфиқи Ҳақдандир**

Ақида бўйича бандалардан содир бўлаётган ҳар бир ишни Аллоҳ иродаси билан вужудга келади. Тавфиқ сўзи “муваффақ қилмоқ” маъносида бўлиб, яхши ишга ёрдам, иноят маъносида қўлланади. Яъни, Аллоҳ таоло бандаларнинг истаган нарсаларини хоҳ у ёмонлик, хоҳ у яхшилик бўлсин яратиб бераверади. Яхшиликни рози бўлиб бўлиб яратиб берса, ёмонликни норози бўлиб яратиб беради. Шунинг учун ҳам банда у ишни қилиши сабабли гуноҳкор бўлади. Яхшиликни рози бўлиб бўлиб яратиб бергани учун банда савобга ноил бўлади. Ақида бўйича банда бир яхши ишни қилмоғи учун, албатта унга Аллоҳнинг тавфиқи зарур бўлади. Шу билан бирга Аллоҳнинг тавфиқи банданинг тоати билан бирга. Бандага Аллоҳ таолонинг тавфиқи бўлсагина у ибодат қила топа олади. Тавфиқ берилмаса, ўз-ўзидан бирор яхши ишни қилиши мумкин эмас.

Рожий Марғиноний асарларида бу мавзу ҳам ақидага мувофиқ тарзда талқин қилинган. Чунончи, у 1907 йилда Марғилоннинг Қаландархона даҳасига қарашли Тўдоғ маҳалласининг мингбошиси Саййид Акбар хўжа қурган масжид ҳақида гапирар экан, уни айнан Ҳақнинг тавфиқи ёр бўлганини айтади:

*Хайри жўйи соф тийнат ходими аҳли аном,  
Саййид Акбархўжа бод жаннатул маъво мақом.*

*Жухдаш аз тавфиқи Ҳақ масруфи амри хайр шуд,  
То ба таъмири чунин маъмураи кард эҳтимом.*

*Фазли Ҳақ бо у зоҳир, фатҳи гайбий шуд насир,  
Варна дар ижоди ин олий бино қувват кадом?*

**Таржимаси:** Бу зот мусаффо қалбли, саховатли, омманинг ходими бўлмиш Саййид Акбархондирки, унга жаннат жой бўлсин! У Ҳақнинг тавфиқи билан молини хайр ишларга сарф этиб, бу гўзал бино қурилишига ҳаракат қилди.

Унга Ҳақнинг фазли ёрдамчи, ғайбий нусрат мададкор бўлди, акс ҳолда, бу олий бинони барпо қилишга қувват қаерда эди?!

Тавфиқ ҳақида Абдуссамад Охунд Қоил Марғинович шундай дейдилар:

*Агар тавфиқини ёр этмаса, тоат қилиб бўлмас,  
Ҳидоятсиз ибодатлар сари одат қилиб бўлмас,  
Азимат йўлида нафсингни бетоқат қилиб бўлмас,  
Риёзат чекмаса мунда бориб роҳат қилиб бўлмас,  
Топарга сармади роҳатни сабр ҳам ризо даркор.*

Тавфиқ кимга муяссар бўлса, у охиратни ўйловчи олижаноб инсонга айланади:

*Тавфиқ илан муяссар ўлуру кимга туруши,  
Андишайи хижолат явмул жазо қилтуру.*

Бугина эмас, тавфиқ насиб этган кимса тўғри йўлда бўлиб, ҳаргиз адашмайди:

*Ҳидоят қилмасанг илму амал билан тополмас йўл,  
Адашмас ҳар кишига бўлса тавфиқинг ҳидо, ё раб.*

Демак, банда доимо ўзига тавфиқ тилаб юриши зарурлиги англашилмоқда, шундагина унинг барча ишлари осонлашади:

*Тилаб Ҳақдин тавфиқ истиқомат шаръийда қилгил,  
Муяссар айласа, шояд тамоми кори осондур.*

### **Қабрда бўладиган савол-жавоб**

Ақидавий масалалардан бири бу киши вафот этганча қабрда бўладиган савол-жавоб ва азо ва роҳатнинг бўлишдир. Ақида уламолари ўз асарларида бу билан боғлиқ фикрларни баён

қилганлар. Улар бунга Қуръони карим оятлари ва Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг муборак сўзларидан етарлича ҳужжат ва далилларни келтирган.

Рожий Марғионий ҳам ушбу мавзуга алоқадор фикрларни келтириб ўтган. Рожий домла шариат олими сифатида қабрга қўйилган ҳар бир кимса, қаридир ёшдир, албатта сўроққа тутилишини жуда яхши билган. Ҳатто қабрсиз кўмилган, денгизда чўкиб йўқолган, ваҳшийларга ем бўлган, ё умуман қабрга қўйилмаган кимсаларга ҳам савол-жавоб бўлишини билган. Лекин шундай бўлса-да, Хожа Муҳаммад Аълам Ўший кексалик ёшига етгани учун беллари букилиб, баданидан гўшти қочиб, кексаликнинг энг ночор пайтига келиб қолгани туфайли у ҳақида чиройли хулосалар чиқаришга ҳаракат қилади. Хулосаларидан бири, қабрда савол этувчи фаришталар марҳумнинг "гўштсиз, қоқ устихон, бедумба, бесон" танасини кўриб, бу аввал сўралган киши экан, деб савол сўроққа тутмасалар ҳам ажаб эмас, дейди:

*Йўқ ажаб Мункар Накир кўрганда бу пажмурдасин,*

*Деса: "Аввалги сўралгон мурдаи инсон экан".*

*Мурдашўйдин жисмини кайфиятин сўрдим, деди:*

*"Гўштсиз, қоқ устихон бедумбаи бесон экан".*

Унинг бу сўзлари, марҳумга нисбатан, камоли шафқат, унинг шу ёшга етганида ҳам ибодатдан, амалдан қолмагани учун, дунёдалик чоғидаёқ қабр саволларидан ўтиб бўлган, деган умидли хулосаларидир. Шунинг учун ҳам уни саволлардан кутулиб қола олмаса-да, бироқ, ўта энгил бўлишини умид қилади.

Рожийнинг марҳумга нисбатан умиди бу билан чекланиб қолмайди. Энди у бундан ҳам кўра умидлироқ хулосаларни тилга олади. Бу марҳумнинг тобутини кўтариб кетаётган кишининг истехсон – яхшилик умидида, марҳумга раҳматки, уни кўтариш жуда энгил ва осон экан, деб айтган гапидир:

*Тахтаи тобутини ҳаммоли истехсон илан,*



*Деди: “Раҳмат мурдасига, ҳамли кўп осон экан”.*

Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Мўминлар ҳақида чиройли гумонда бўлинглар", деб марҳамат қилганлари учун ҳам Рожий ўтган мўминлар ҳақида чиройли гумонда бўлмоқда.

Ривоят қилишларича саҳобалардан Саъд ибн Муоз р.а. вафот этганида унинг тобутини кўтарган кишилар енгиллигидан ажабланишади. Ҳолбуки, Саъд жуссаси катта киши бўлган эди. Буни эшитган Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Аллоҳга қасамки, Саъднинг тобутини фаришталар кўтаришди", – дейдилар.<sup>616</sup>

Рожийнинг мўминларга, яхши амал қилиб ўтган кишиларга қабрда роҳат бўлишига оид фикри Усмон Хўжа аълам ҳақидаги сўзларида ҳам кўринади. Рожий, уни бирор кимсани қалами билан «урмагани» учун қабрда ҳам Мункар Накир гурзисини емайди, дейди:

*Емас Мункар Накирни гурзисини,  
Қаламдон бирла бирни урмай ўтди.*

Қабр азобига оид фикрлари эса унинг "Ҳайрат ул-инсон" номли катта маснавийсида тилга олинган. У Аллоҳ таолонинг қудратларини санар экан, баъзиларга кўплаб экин майдонларни бериб, манзилини гўёки жаннат қилган бўлса, баъзиларни турадиган ери эски ғорлар бўлиб, у ер дўзахий кимсанинг жойи каби танг ва тордир, дейдики, бу билан дўзахий кишиларга қабрнинг танг ва тор бўлишига урғу беради:

*Баъзисига берди ақори замин,  
Манзилини қилди чу хулди барин.*

*Баъзисининг буқъасидир эски ғор,  
Дўзахининг гўри каби тангу тор.*

---

<sup>616</sup> Абдурахмон ибн Али ибн Муҳаммад Абул Фараж. "Сифатус софва" ...1-ж, 81-б.

Рожий қабр азоби ва роҳати ҳақидаги фикрларини ўзининг мисолида ҳам айтиб ўтган. Бундан унинг ўзи ҳам қабрда бу икки ишнинг биридан холи эмслигини эътироф этади:

*Нетарман гўр азобига, малойикнинг жавобига,  
Қиёматни ҳисобига, ёмон олуда домонман.*

Гарчи Рожий Марғиновичнинг асарларида ақидавий масалаларнинг ҳар бири тартибли равишда келтирилмаган бўлса-да, бироқ, асарларининг барчаси ушбу улуғ таълимот асосида қурилган покиза эътиқод натижаси экани маълум. Шуларни эътиборга олиб, Рожий Марғиновични аҳли суннат вал жамоат олими, деб айтиш муносиб бўлади.

Рожий Марғиновичнинг насихатлари бобида унинг орифона қарашлари, мушоҳадали фикрларини келтирар эканмиз унинг фоний дунё ва ўлим билан боғлиқ фикрларини ҳам келтиришни муносиб кўрдик.

## РОЖИЙ АСАРЛАРИДА ФОНИЙ ДУНЁ ТУШУНЧАСИ

Инсоният яратилганидан бери маълум бўлиб келаётган бир ҳақиқат борки, у ҳам бўлса дунёнинг фонийлиги ва йўқ бўлувчи эканидир. Бу аччиқ ҳақиқат инсон яратилган дастлабки даврдан бошлаб унга билдирилган. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни жаннатдан ер юзига туширганида уларга дунёни маълум муддат қароргоҳ ва вақтинча фойдаланиш ери эканини уқтирган. Бу борада Қуръони каримда шундай дейилади: "Жаннатдан ер юзига тушинг, у ерда сиз учун қароргоҳ ва маълум муддатгача (яъни ажалларингиз келгунича) фойдаланиш бор" (Бақара сураси 36-оят). Одам алайҳиссалом мазкур ҳақиқатга кўра ўз фарзандларига дунёнинг фоний ва ўткинчи экани, абадий саодат ва фароғат охиратда бўлишини уқтириб келдилар. Бу нарса юборилган барча самовий динларда асосий ўринга кўйилди ва барча пайғамбарлар ҳам ўз умматларига бу ҳақиқатни сингдириб келдилар.

Бу улкан ҳикмат кишиларни дунёда фақат эзгулик қилиб яшашлари, турли зулму зўравонликлардан сақланишлари учун зарур бўлган энг катта тарбия воситаси эди. Чунки дунёнинг фонийлиги баробарида охиратнинг боқийлиги, дуё лаззатларининг ўткинчилиги муқобилида охират лаззатларининг абадийлиги тушунчаси кишиларни доим яхшиликка ундаб келиши маълум.

Дунёнинг фонийлик тушунчасини мусулмон бўлмаган халқлар ҳам тан олади. Бироқ мўмин-мусулмон кишиларнинг бу борадаги тушунчалари энг тўғри ва соғлом тушунча бўлиб, бу имон ва ишонч асосига қурилгандир. Бошқа халқларнинг тушунчалари ожизлик ва чорасизлик натижасида келиб чиқса, ислом кишиларининг тушунчалари мустаҳкам ишонч ва шу билан бирга чиройли умид асосида пайдо бўлгандир. Номусулмон кишиларнинг тушунчалари ундан ажраб қолиш сабабли буткул "йўқлик"ка қараб кетиш ташвишини келтириб чиқаргани ҳолда, мўмин кишилар дунёни фоний эканини афсус ва армон билан эмас, балки абадий ва саодатли ҳаётга

етишишларига, тугунмас нозу-неъматларга сазовор бўлишлари учун босиб ўтиладиган бир марҳала – масофа деб биладилар. Бу эса ўз-ўзидан охиратга ишончи бўлмаган кишиларда дунёдан кўпроқ фойдаланиб қолиш пайида нафсоний лаззатлар гирдобига шўнғишга олиб келса, охиратга ишонган мўмин-мусулмон кишиларда кўпроқ эзгу ишларни қилиб қолишга ундайди. Мана шу маъноларнинг ўзиёқ исломда фоний дунё тушунчасининг кишилик жамиятига ижобий таъсирини кўриш мумкин.

Лекин илоҳий ҳикмат – сабабли дунё ҳаёти инсонлар кўзига ўта чиройли ва гўзал қилиб яратилган. Айни пайтда инсон табиати ва нафси унинг лаззатларини мойил қилинган. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилади: "Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар, (қиммат) баҳоли отлар, чорва ва экин-тикинлар каби истак-хоҳишларга кўнгил қўйиш чиройли қилинди. Ҳолбуки. Бу нарсалар ҳаёти дунёнинг (ўткинчи) нарсалидир). Аллонинг хузурида энг гўзал қайтадиган жой – жаннат бордир. (Оли Имрон сураси 14-оят).

Бу эса энг нозик жиҳат бўлиб, умумий ҳолда барча унга мубтало бўлиб камдан-кам одамларгина ундан сақланиб қоладилар. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, дунёга бўлган салбий таърифлар Исломда кишиларни тарки дунё қилиш, дунё ишларига мутлақо бепарво бўлиш хиссини келтириб чиқармаслиги керак. Зотан бу иш Исломда танқид остига олинган. Фақатгина бу ерда кишиларни ўткинчи дунё лаззатларига боғланиб қолиб, абадий саодат маскани бўлмиш охиратдан ажраб қолиш, ёки унга ҳозирлик кўрмай ғофилликда қолишдан қайтарилади, холос.

Шу нарса маълумки, тасаввуф арбоблари назарида дунёга бўлган муносабат ўта жиддий бўлиб, улар дунёдан зарурат мидоридагина фойдаланиш ва асосий эътиборни охиратда асқатгудек ишларга машғул бўлишга қаратадилар. Қолаверса, тасаввуф ўзининг вужудга келиш, шаклланиш жараёнида айнан шу воқеълик сабаб, яъни кишиларни дунёга муккасидан кетиб, тоат ва ибодатга бепарво қолишини олдини олиш натижасида пайдо бўлгани ҳам шуни таъкидлайди.

Хожажон қози домла Рожий ҳам тасаввуф шайхи, тариқат йўлига кирган муҳаббатли пир сифатида ўз асарларида фоний дунё тушунчасига алоҳида эътибор қаратган ва бу борада ўзининг энг тўғри ва ҳаққоний хулосаларини баён этган. Унинг мазкур қарашлари, деярли барча асарларида сезилиб турса-да, бироқ, "эмасму?" радифли ғазалида тўла-тўқис баён этилган. Унда ўта чуқур фалсафий маънолар тилга олинганки, ҳар қандай кишини беихтиёр мулоҳазага чорлайди:

*Баҳри фано ҳубоби тухмат нишон эмасму?  
Бир дам билан вужудинг кўздин ниҳон эмасму?*

Аллома ғазални дунёнинг фоний экани билан боғлиқ мисралар билан бошлаб, дунё ҳаёти сув устида турган ҳубоб – кўпик кабидир, дейди. Сув устидаги кўпикнинг бир лаҳзада йўқ бўлиши ҳаммага бирдек маълум. Шу билан бирга дунё ҳаётига энг муносиб ва киши онгига яқин бўлган тамсилдир. Аммо Рожийнинг мақсади бу эмас. Унинг мақсади шу оддий мисол орақали улкан ҳақиқат – киши ҳаётининг ҳам шу каби бир лаҳзалик эканини эслатишдир: Эй инсон, сени вужудинг – борлигинг ҳам бир нафасда кўздан ғойиб бўлувчи эмасми?

Мазкур байтнинг ўзи онгли кишилар учун етарли. Бироқ, Рожий бу билан кифояланмай, дунёнинг фонийлигини ундан ҳам кўра яқинроқ бошқа бир мисол билан тасвирлайдики, унда дунё ҳаёти сув пуфаги деб эмас, балки ўтнинг учқуни каби дейилади:

*Кўрдинг шарар намудин кўз очгунча адамдур,  
Фурсат ҳаётимизга андак замон эмасму?*

Аммо бу байт аввалгиси каби дунё ҳаётининг шунчаки ўткинчи эканининг мисолигини бўлиб қолмай, кишини беихтиёр огоҳликка чақириши билан ҳам аҳамиятлидир:

*Фурсат ҳаётимизга андак замон эмасму?*

Яъни, модомики, бизга берилган фурсат андаккина замон экан. Демак, уни ғанимат билиш ва ундан фойдаланиб қолиш

зарур! Нега? Чунки инсон бу дунёда абадий қола олмайди, навбати келганда карвон янглиғ охират сафарини қилади:

*Навбат билан адамга бир-бир сафар қилурмиз,  
Дунё саройи фоний эл коривон эмасму?*

Бу Рожийнинг юқоридаги мисраларда ишора қилинган фалсафий маъноларни унча яхши англамаган кишиларга хитоби. Ёки, юқоридаги фикрларининг аниқ мисоли. Аммо кўринишидан оддийга ўхшабкўринган мазкур мисол ҳам юқоридаги каби дунё фонийлиги муносиб ташбеҳдир. Чунки йлга чиқан карвон мусофирхонда фақат бир кеча тунаш учунгини тушади ва сахар яна йўлга тушади. Чунки у бу ерда қолса мақсаддан қолиши мумкин.

Ҳамма навбати билан охиратга сафар қиладиган бўлса, демек, ҳеч кимга қазонинг дастидан қутулиш мумкин эмас. Ҳа, ҳар бир ёшу қари – “пиру жавон” унинг асиридир:

*Мумкин эмас қазонинг дастидин эмин ўлмак,  
Бу шахнанинг асири тиру жавон эмасму?*

Бу ерда алломанинг қазонинг дасти деб келтириши ҳам ўзгача маъно касб қилади. Форсча қўл маъносини англаган ушбу ибора ўзбек тилида қандайдир салбий маъно ифода қилади. Маҳаллий аҳоли орасидаги "Сени дастингдан дод", "Дастингдан ҳаргиз қутулмади" каби иборалардан бу нарса сезилиб туради. Бунда Рожий ҳеч қандай ихтиёри бўлмаган қазо дастига салбий маъно бериш билан кишилар онгига ўлимнинг шафқатсиз эканини ҳам билдирмоқда.

Мазкур фикрларни тинглаган киши қалбида хорғинлик ва умидсизликка оид ҳолат пайдо бўлиши ва бунинг натижасида ўзига берилган умрни ўта қисқа эканидан албатта, маълум маънода афсусланади. Буни сезган Рожий унга бир оз тасаллий берган бўлиб, дунёнинг бу бевафолиги фақат инсон учунгина бўлмай барча нарсалар, жумладан чаманзордаги гуллар ҳам бу дарддан бағри қон эканини эслатади. Дунёнинг "андак замон" эканининг ташвиши лола бағрида ҳам ўз аксини берган:

*Бу гулистон ичинда боди хазон ғамидин,  
Гул гунчасин дилида бир парча қон эмасму?*

Яъни, лола бағридаги доғ ҳам тобора яқинлашаётган хазон фаслининг ғамидан пайдо бўлгандир.

Зийрак китобхон мазкур мисралардаги лоланинг мисолидан дунё гулистонидаги огоҳ бандалар дили назарда тутилаётганини англаб олиши қийин эмас. Қалби очиқ кишилар дилида доим охират ғамидан қонли ташвиш бўлади, дея ишора қилмоқда.

Аллома гул ва гулистонга мисолини келтирар экан, бу борадаги фикрларини янада чуқурлаштириб, аслида гулистон деб аталаётган бу чаман гулистон дейишга аризимаслигини, ҳақиқий гулистон чексиз сир-синаотларга тўла дил эканини айтади. Яъни, инсон бақоси йўқ дунё чаманлари ва гулларига алданмасин, чунки унинг “*рангу бақоси йўқ*”, балки, ҳеч қачон хазон таъсир қила олмайдиган гулистон – кўнгил сайрига машғул бўлсин:

*Зоҳир чаман гулининг рангу бақоси йўқдур,  
Ботин кўзин очиб кўр, дил гулистон эмасму?*

Хўш, киши нима учун кўнгил гулистонига сайр қилиши керак? Чунки унда жуда кўп гавҳарлар бор. Аммо хушёр бўлиш керакки, ушбу ҳақиқат денгизини англашда донишмандлар ақли ҳам ожизлик қилади. Зотан, у чўктирувчи уммондир:

*Маллоҳи ақли дониш баҳри ҳақиқатида,  
Фарқ ўлғуси бу дарё кўп бегарон эмасму?*

Айтиш ўринлики, Рожийнинг дунёга муносабати ўта жиддий. Удунё гулистонидан ҳаргиз бўй топмаган, унга фақат ҳирмон – маҳрумлик бўйигина келган. Шунинг учун у қўрқмасдан бемалол дунё гулистони билан мунозара қила олади. Унинг айбларини юзига сола олади. Унинг кишилар кўзини қувонтириб турган зийнатлари вақтинчалик эканини айтиб, бошқаларни ҳам бундан огоҳлантиради. Айниқса, унинг бу фикрлари Алишер Навоийнинг "иси" радифли ғазалидан илҳомланиб ёзган тазминли мухаммасида аниқ-тиниқ баён

қилинган. Келинг, Рожийнинг ўша дардга тўла аламли сўзларини тинглаб кўрайлик.

### *Тазминли мухаммас*

*Элга барги айш экан ҳар бир гулу бўстон иси,  
Искадим мен ғам самуми бирла гўё қон иси,  
Топмадим гулшан насимидин магар ҳирмон иси,  
Гар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси,  
Келур ул райҳон ила гулдин менга ҳижрон иси.*

Яъни, гарчи эл кўнглига бу дунё чаманзорининг ҳар бир гул ва барглардан айш – ҳаёт нафаси келса-да, лекин нимадирки, мен бу гулистондан фақат ғам шамоли билан қон исини искадим. Бу билан Рожий дунё чаманзорининг бевафолигини айтмоқчи бўлса-да, бироқ зукко ўқувчи Рожий бу сўзлари билан ўзининг маънавий камолотига ҳам ишора қилиб ўтаётганини сезиб олади. Яъни, у ўзи эришган камолот сабабли бошқалар англамайдиган ҳақиқатларни ҳам англамоқдаки, у зоҳир чаманзорининг ҳақиқий манзарасини кўришидир.

Мен – дейди, Рожий, бу гулшан насим – шабодасидан фақат маҳрумлик исини искамоқдаман. Гарчи ҳар йили баҳор мавсумида эл ундан гул ва райҳон бўйини искамасин, барибир, менга ул гулдан ҳижрон – айрилиқ иси келади.

Мулоҳаза қилинса, ҳақиқатда ҳам келтирилган фикрлар кучли мушоҳада соҳибларидангина содир бўладиган бўлиқ фикрлардир. Мазкур банднинг охирги байти Амир Навоийнинг ғазали матлаъи экани ҳам бунга далолат қилади. Дарвоқеъ, асар устоз Навоий асаридан илҳомланиш натижасида дунёга келгани ҳам Рожийни навоиёна фикрлар даражасида мулоҳаза қилувчи мутафаккир эканини ифода қилади.

*Сабзаю райҳондин ўттим хатти анбарборсиз,  
Ташладим нарғисни кўздин дийдаи беморсиз,  
Баски ўт қўймиш гулистонга гули рухсорсиз,*



*Сунбули гул накҳатидин боғ аро дилдорсиз,  
Қон иси бирлан келур оҳи дили сўзон иси.*

Ушбу бандда Рожий ўзини юқорида келтирган фикрларини янада кучайтиради ва бу дунё гулистонидан бўй топчаганининг сабабини кўрсатади. У унга бир вафодор дилдорнинг бўлмастлигидир. Шунинг учун ҳам у, мен дилдорим бўлмагани учун сабзаю райҳонни олдидан ёрнинг зулфи – сунбулининг хушбўйисиз ўтдим. Наргисга дардсиз кўз билан қарашни ҳам тарк қилдим. Чунки гулистонда бир гўзал рухсорсиз юриш унга ўт қўйиш билан баробар. Негаки, гулистонда дилдорсиз юришдан димоққа фақат қон билан ўтнинг исигина келади, холос.

Рожий мазкур мисраларда киши дунёда ўзига ёри ҳақиқий исташи ва унинг ёди ва зикри билан юриши. Шундагина дунё чаманзорининг гулларида унга роҳат ва хушбўйлик етишини айтмоқда. Акс ҳолда боғда дилдорсиз юришдан қон ва ўтдан бошқа нарсанинг бўйи келмайди.

Рожий энди дунё гулистонининг ҳақиқий манзарасини тасвирлаб беради:

*Ҳосил ўлмиш бори ғамлар бу жаҳонни боғидин,  
Гул юзин кўрдум тилинган хорлар тирноғидин,  
Лола бош чекти жигарлар қони, диллар доғидин,  
Искадим айши тараб бўйин чаман япроғидин,  
Келмади жонни машомига магар аҳзон иси.*

Яъни, барча ғамлар аслида жаҳон боғининг бевафолигидан ҳосил бўлган. Шунинг учун ҳам гулнинг юзини тиканлар тирноғидан тилинган ҳолда кўрдим. Лоласи эса жигар қонию, диллар доғидан боши эгилиб қолган. ҳа, жаҳон япроғидан айшу тараб – хурсандлик бўйини искадим, лекин жоним димоғига фақат ғам ва қайғу бўйи келди.

Эътибор берилса, бу ерда Рожий димоғимга деб эмас, жоннинг димоғига дейиш билан мазмунни янада кучайтирмоқда. Демак, бу ердаги ғам таннинг эмас, жоннинг дарди экан.

Келгуси бандни Рожийга эътироз билдирмоқчи бўлган, ёки савол бермоқчи бўлган кимсаларга жавоб беришдан бошлайди ва ўзи келтирган фикрларни қувватлаш учун уларга савол билан мурожаат қилади:

*Қайси гулбун барги борким тўкулмас анқариб,  
Қайси гулдурким, хазон боди анга бўлмас рақиб,  
Борму бу гулзор аро шират насимидин насиб,  
Менга бу гулшан ўтини дудидур, эй андалиб,  
Санга аҳбоби тараб бўлгон гули хандон иси.*

Яъни, бу дунё чаманзорида тезда тўкилиб кетмайдиган қайси гул шохининг барги бор? Ёки қайси яшнаган гулга хазон боди душман эмас? Ахир, бу гулзорда роҳат шабодасидан насиба олиш борми? Йўқ! Эй булбул, сен учун шодлик ва хурсандлик боиси бўлган бу кулган гулларнинг иси, мен учун гулшан ўтининг куйган дуди кабидир.

Савол туғилади. Нима учун шундай? Нима учун булбулга харсандлик боиси бўлган чаманзор ва гуллар Рожий учун тутун каби бўлмоқда?! Нима учун ҳамма баҳра олган гуллардан у баҳра ололмайди? Унинг жавоби куйидаги бандда баён қилинади. У ҳам бўлса унинг дарди оддий дард эмас, балки ишқ дардидир:

*Йўқ иложим, эй табиб, илгингни чек бемордин,  
Бу маризи ишқ эмасдур ҳар нечук бемордин,  
Топмогунг дору менга не дашту, не кўҳсордин,  
Не бу гуллардин келур, не ўзга гулрухсордин,  
Даҳрнинг гулзорида дардимга бир дармон иси.*

Яъни, эй табиб мени даволайман деб, уриниб юрма, қўлингни торт! Чунки бу ишқ дарди сен ўйлаганингдек тузаладиган дард эмас! Сен мени дардимга на дашту саҳродан, на тоғу тошдан, на бу гуллару ва на бир ўзга гулрухсордан даво топмайсан. Балки бу даҳр гулзоридан мени дардимга бирор дармон иси келмайди...

Шу гапларни айтар экан, Рожий ўзининг аламларини яшира олмай, гулистонга қараб хитоб қилади ва унга энг тўғри хулосаларини баён қилади:

*Эй гулистон, ажрагойсан дастгоҳинг боридин,  
Ел адам сорига тортар сунбулингни торидин,  
Гул хазон япроғларидин айрилур – дасторидин,  
Ҳосилинг барбод экан, билдим, жаҳон гулзоридин,  
Ким келур ҳар дам фано боди билан тўфон иси.*

Яъни, эй гулистон, яқинда бор-будингу, тамом анжомингдан ажрайсан. Ел келиб сунбулингни торидан ушлаб адам – йўқлик сари тортади. Гуллар ҳам япроқлари-ю, дастори – ғунчасидан ажрайди. Бас шундай экан, аниқ билдимки, бу жаҳон гулзоридан фақат фано боди билан тўфон – ҳалокат исигина келар экан.

Эътибор берилса, Рожий охирги мисрадаги фано боди дейишлик билан ҳам оддий фано – йўқ бўлишни ва айни пайтда тасаввуфдаги фано – солиқнинг Ҳақ зотида йўқ бўлиши маъноларини ўта нозиклик билан ифодалаб кетмоқда.

Энди Рожий ўзининг ички армонларини тилга олади ва шундай дейди:

*Ҳосилимдур бу жаҳон боғида шаҳд ўрнида ғам.  
Бўлди нахлим шохсори ҳар бири хору алам,  
Топмади баргим ҳаловат шабнамидин қатра нам,  
Гулбунимни ғунчасига ғам самуми урди дам,  
Ташналарга борму роҳат абридин бўрон иси?*

Яъни, жаҳон боғида мени ҳосилим асал ўрнига ғам бўлди. Дарахтим шохларида мева ўрнига тикан бўлди. Баргим ҳаловат шабнамидан бир қатра ҳам кўрмади. Гулларим ғунчаларига эса ғам шамоли нафас урдик, ўзи бу чаманзорда ташналарга роҳат булутидан бирор бўй борми?!

Рожий энди бу дунё чаманзоридан бўй топпагани сабабларини ўзи баён қилиб беради. Унга сабаб у бу дунё чаманзоридан гулларни эмас, дилдорни ахтарган:

*Оташин рухсоралар маҳжуриман зору низор,  
Бу чамандин баски бир-бир ёшурубдур рўзгор,  
Сунбули оҳим билан тутти димогидин ғубор,  
Бу гулиситон накҳатиму менга билдир, эй баҳор,  
Ё суманбўларни бу туфроқ аро пинҳон иси?*

Мен дунёда гулларга эмас, дилдор – оташин юзларга муҳтожман. Бироқ, уларга ета олмай ҳижрон – айрилиқдаман. Гўёки тақдир уларни бу чаманзордан бир-бир яшириб қўйгандек. Боз устига ғубор келиб сунбули оҳимни бўйнидан тутди. Эй баҳор, менга айтчи, эсаётган бу бўй гулистоннинг бўйими, ёки суманбў – бунга яширилган гўзал юзли рухсорларанинг бўйими?!

У савол беришда яна давом этади:

*Гулишани асбоб сурури гулни ўтлуғ бўйиму?  
Булбул ул ўтнинг кули, ғам қиссасин хушгўйиму?  
Сунбул онинг дуди ё мотамда ёзгон мўйиму?  
Ғунчасига ўт туташгон сийнасини бўйиму?  
Ё ғам оташхонасининг шуъла урғон жон иси?*

Жаҳон гулзоридаги хурсандлик асли гулнинг ўтли бўйими? Ёки булбул ўша ўтнинг кули ва уни ғамли қиссасини куйлайдиган қиссахоними? Ё эса сунбул унинг тутуни-ю ё мотамдан ёзган мўйими, ё куйган ғунчаси – дилининг бўйими? Айт, ёки бу ғам оташхонасида шуъла урган жоннинг исими?!

Рожий шу зайлда дунё чаманзорига хитоб қилиб, унинг нуқсонларини юзига солар экан, бир оз ховуридан тушади. Яна ўз ҳолига қайтиб, ана шу эҳтиросларига сабаб бўлган ўзининг аҳволини мулоҳаза қила бошлайди ва ундан кўнгли тўлмай, шундай дейди:

*То жаҳонни бўстони ичра бўлдим сабзу тар,*

*Сарбаланд ўлди вужудим сарви, аммо бесамар,  
Не ниҳолим соясидин эл бўлубдур баҳравар,  
Нетгум охир бори нахлим бўлса пайдо хайру шарр,  
Ким келибдур барги гулдин меваи исён иси.*

Яъни, мен бу жаҳон бўстонида пайдо бўлиб, вужудим дарахти қоим бўлди-ю, бироқ ундан бирор мева унмади. Ҳатто мева тугул ниҳолим соясидан ҳам бировга фойда етмади. Шу хилда кетсам, хайру шарр ошкор бўлган кунда ҳолим қандай бўлади-ю, нима қиламанки, менинг гулу баргимдан фақат исён – гуноҳ иси келган бўлса!

У ўзининг бу аҳволини тилга олар экан, ўзининг охириги хулосаларини баён қилади. Аслида унинг истаги бу дунё чаманзоридан бир дард аҳлини ахтарган эди. Лекин у бутун саҳроларни кезиб ҳам уни топа олмади:

*Беасар кўрдим чаманбўлар лаҳад маъвосидин,  
Ажраган ер остида гул баргидек ажзосидин,  
Билмадим бўйи бақо гулшан гули раъносидин,  
Топмадим Рожий, яна искаб жаҳон саҳросидин,  
Доғ илан бўлган фано бир лоларў жонон иси.<sup>617</sup>*

Дунёда барча чаманбўйиларни бор-будидан ажраб лаҳадда беасар ётганини кўрдим. Улар гул барги каби барча ажзоларидан ажрагандир. Ҳа, мен умуман бу гулшан гулларидан бақо – абадийлик бўйини топмадим. Бугина эмас, мен бу жаҳон саҳросини кезиб Илоҳ ишқи билан кўнгли доғ бўлган бирон жонон исини ҳам топмадим!

Булар Рожийнинг чуқур файласуфона маъноларга йўғрилган пурмаъно сўзлари эди. Ҳа, булар Рожийнинг дунёга берган хулосалари эди.

Рожий дунё ҳаёти ҳақида муносиб мулоҳазаларини келтирар экан, энди унинг қилмиши ҳақида ҳам хабар беради. Хўш, унинг қилмиши нималардан иборат? Албатта, дунёнинг

---

<sup>617</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...71-73-б.

қилмиши ўз эгасига вафо қилмасликдир. Рожийга кўра, у дунё тескари айланувчи. Шунинг учун ҳам у жоҳил, нодон кишиларни азиз қилиб, маърифатли кишиларни хор қилган ва бу гўё ерни осмон, осмонни ер қилган билан баробардир:

*Дунни азиз этибдур давроннинг инқилоби,  
Вазъи замонани кўр, ер осмон эмасму?*

Рожийнинг дарди ҳам аслида замон кулфатидан, чунки унда ошнолар жоҳил бўлиб доноларга душмандир:

*Доғам аз жаври замону кулфати абнои у,  
Ошнои жоҳилонанду ба доноёни адув,*

Яъни, мени дардим замон ва унинг аҳлининг кулфатидандирки, ошнолар жоҳилона бўлиб доноларга душман, гўёки бу бозорда жавҳар – яхшиларни танимайдиган кабидир.

Рожий ҳатто баъзи зиёли кишиларнинг вафот этиб, дунёни тарк қилиб кетишига ҳам дунёнинг ана шу тескарилиги сабаб бўлган дейди. Чунончи у Хожа Муҳаммад Аълам Ўшийни дунёдан кетишига ҳам ана шу нарса сабаб бўлган деб хулоса қилади:

*Пасту боло бўлди даҳру кўрди бу аҳволини,  
Вазъи олам вожгуни мунқалиб даврон экан.*

Яъни, у зот бу дунё аҳволини пасту баланд эканини, унинг биноси – вожгун – носоз, вайрон, хароб ва тескари айланувчи эканини кўриб билдида, секин этагини йиғиштириб, дунёдан кетди.

Рожий Бедил ғазалига қилган бир тахмисида ҳам дунёнинг фонийлиги ҳақидаги файласуфона қарашларини баён қилади. Ундаги фикрларда қандайдир ички бир армон ва хорғинлик сезилиб турадики, бу унинг узоқ йиллик кузатувлар натижасидаги ҳаққоний хулосалари эди:

*Чобукравон гузаштанд, вомондагон зи пас низ,*

*3-ин корвон асар не, 3-овокаи жарас низ,  
Ҳосил зи сар кашида гул рафтан аст хас низ,  
“Ҳамдӯши орзуҳо дил меравад, нафас низ,  
Дар ранг реша дорад тухм аз дамида рафтан”.*

Тез юрувчилар юриб кетишди, қолганлар ҳам улар ортидан йўлга тушди, улар ортидан на бир асар ва на кўнғироқ овози ҳам эшитилмайди. Хулоса шулки, гул ҳам кетади, ҳас ҳам. “Ўз орзу армонлари билан дил ҳам нафас ҳам кетади, зеро, уруғ экилганидан кейин, у бошқа ҳолатга айланади”.

## РОЖИЙ АСАРЛАРИДА ЎЛИМНИНГ ЗИКРИ

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Рожий асарларида энг кўп сўз юритилган мавзу, бу – ўлим мавзусидир. Бу бежиз эмас. Имом Аҳмад Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: "Лаззатларни кесиб кўйувчи ўлимни кўпроқ эсланглар", деб марҳамат қилганлар.<sup>618</sup>

"Бариқайи Маҳмудия"да келтиришларича Лаффоф шундай деган: "Ким ўлимни эсаласа, унга учта нарса берилади: тавбага шошилмоқ, қалбнинг қаноатли бўлмоғи ва ибодатга ҳарислик. Уни унутишда ҳам учта нарса ҳосил бўлади: тавбани кечиктириш, борига қаноат қилмаслик, ибодатга бепарволик".<sup>619</sup> Ўлимнинг ўзи қалбга кўрқув туширишга, кўзларни ёшлатишга, жамоатларни ажратиб юборишга, лаззатларни қирқишга ва орзуларни пучга чиқаришга етади.

Рожий ўлим борасидаги фикрларини келтирар экан, энг аввалида Куръони каримда бу билан боғлиқ оятлардан бирини хужжат қилишдан бошлайди. "Раҳмон" сурасида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: "Ер юзидаги барча жонзот фоний (йўқ бўлувчи)дир". (Раҳмон сураси 26-оят).

*То абад бу арсайи ғаброда қайси жон экан,  
Зиндаи жовид "куллу ман алайҳа фон" экан.*

Яъни, ким бу арсайи ғабро – ер юзида абадий яшаб қолади? Ҳеч ким! Чунки: "Ер юзидаги барча жонзот фоний (йўқ бўлувчи)дир".

Мазкур байтни Рожийнинг ўлим ҳақидаги фикрларининг энг қисқа, айна пайтда энг тўғри ва ҳаққоний хулосаси деса бўлади. Бирок, шундай бўлса-да, у мазкур маъноларни янада

<sup>618</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. "Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал"... 2-ж, 292-б.

<sup>619</sup> Абу Саъид Ходимий. "Бариқайи Маҳмудия шарҳу Тариқайи Муҳаммадия"... 3-ж, 2-б.



кучайтириш, тингловчи онгида кенгроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида бир-биридан гўзал мисраларни билан келтиради. Бу кўпроқ унинг турли шахслар вафотига ёзган марсияларида яққол кўзга ташланади.

Агар уни у ёки бу шахс вафотига бағишлаб ёзган таърих-марсияларидан кўзланган мақсади фақат марҳумнинг шахси ва ўлим санаси бўлганида эди, у бу қадар узундан узоқ сатрларни ёзмаган бўлар эди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир марсияда келтирилган маънолар бетакрор бўлиб, фақат бир-бирини таъкидлаб, қувватлаб келади.

Рожий ҳар бир инсон пешонасига ўлим ҳукми ёзилганини қуйидагича ифода қилади:

*Қазо девонига ёзган сижилни,  
Кими ҳукмин бажо келтурмай ўтди?*

Яъни, ҳар бир инсоннинг пешонасига ўлим ҳукми ёзилган. Бу дунёда ўша ҳукми бажо келтирмай ўтган одам борми? Аллоҳ таолоа Куръони каримда шундай хабар беради: "Ҳар бир жон (шубҳасиз) ўлимни тотиб кўрувчидир". (Оли Имрон сураси 185-оят). Демак, ажал соқийси ўлим шарбатини ҳамманинг оғзига қуяди:

*Бу маҳфалдин ажал соқийси кимга,  
Ўлумни шарбатин сундирмай ўтди.*

Инсонларнинг вафот этиши ўлим шарбатидан нўш этиш эканини айтган аллома энди бу ҳақиқатни ундан ҳам кўра кучли мисоллар билан таърифлашга ўтади:

*Лаҳад дарвозасидин қайси сардор,  
Белин букмай бошин индурмай ўтди.*

Яъни, ман-ман қайси бир инсон лаҳад дарвозасидан бошини эгиб, белини букмай ўтган? Ёки:

*Бошини косасини қайси сарвар,  
Лаҳад туфроғига тўлдирмай ўтди.*

Яъни, қайси ман-ман деган кимса бошининг косасига лаҳад туфроғини тўлдирмаган дейсиз? Албатта, тўлдирган! Ёки:

*Ажал кимни ёғочлик маркабига,  
Оёқдин қолдириб миндирмай ўтди?*

Яъни, ажал кимни ўзининг ёғоч отига оёғидан қолдириб, миндирмай ўтган?

*Қани бир дасти болоким бошига,  
Ажални муштини туйдирмай ўтди?*

Яъни, қайси бир қўли узун кимса ажалнинг муштини бошига урдирмай ўтган?

Йўқ, асло? Ҳамма ўлим ҳамманинг бошини тупроққа тўлдирган, ҳаммани оёғидан қолдириб ёғоч отига миндирган, ҳамма ноилож бошини лаҳад дарвозасидан букиб ўтишга мажбур бўлган ва ўлимнинг муштини ҳамма бошига урдирган. Чунки бу тақдир қилинган ажалнинг йўлини тўсишга Яъжуж Маъжуждек ёвуз қавми мустаҳкам девор билан тўсган Искандар каби паҳлавонлар ҳам, ўз қавмини даҳшатли тўфондан сақлаган Нуҳ а.с.дек зотлар ҳам сақлашга қодир бўлолмайдилар:

*Қайси Искандар ажални Яъжужини тўсди йўлин,  
Марғи тўфонига қайси Нуҳ киштибон экан?*

Чунки ажалнинг бўриси бирор жониворни қўймай еб тугатадики, у жониворларга Айман водийсида Мусо алайҳиссалом чўпон бўлса ҳам:

*Ҳеч жонлиғни емасдин қўймади гурғи ажал,  
Водийи Аймандаги Мусо агар чўпон экан.*

Демак, ўлим барчага баробар, унинг йўлини тўсишга ҳеч кимни қуввати ва кудрати етмайди. Демак инсон ким бўлса ҳам барибир дунёдан ўтиши муқаррар. Чунки у:

*На мурда кист на танҳо имом Маишҳад мурд,  
Зи анбиёи кирому машойихи булдон.*

*На дафъи сеҳри ажал шуд асоийи дасти Калим,*

*Набуда роҳи саломат ба Нуҳ зин тўфон.*

*Фурухт шамъи вужуди Муҳаммад мурсал,  
Кубайли субҳи қиёмат ба маҳфили имкон.*

Яъни, Ахир бу дунёда ким ҳам ўлмаиди, дейсиз... Анбиё киромлар ва шайхи замонлар ҳам ўлади. Ахир ажалнинг сеҳрини Мусойи Калимуллоҳ илгидаги асо қайтара олган йўқ, Нуҳ ҳам бу ажалнинг тўфонидан саломат қолгани йўқ. Муҳаммад алайҳиссаломнинг вужудларини шамъи ҳам қиёмат тонггигача бир муддат имкон манзилида ётади. У зот вужудининг нури оламларга етган ва тажаллий офтоби доим порлаб турган эди. Худди шунингдек:

*Жунайд жунди ажалро ба сайҳа дар Бағдод,  
Наронд ғавси замон ҳам базарби аз Жийлон.*

Яъни, ажалнинг аскари Бағдодда сайҳа тортган пайтида ғавси замон бўлмиш Абдулқодир Жийлоний ҳам унинг зарбидан Жийлондан кетган. Ёки:

*Ясав гирифта зи бандаш на Хожа Аҳмад монд,  
Бимонд зикри надомат ба аҳли Туркистон.*

Яъни, ажал Ясси шаҳрига етиб Аллоҳнинг бандаси Хожа Аҳмадни ушлаганида бутун Туркистон аҳлида қаттиқ надоматлар қолган. Ёки:

*Намуд радди балою бар ин балойи ажал,  
На Нақшбанди Бухоро шуд аз балогардон.*

Яъни, Баҳоуддин Нақшбандий Бухорий гарчи балогардон бўлсалар-да, аммо ажалнинг балосини қайтара олмадилар. Ёки:

*Жарида Булҳасан охир намонд зинда намонд,  
Бағўри хирқаи жисмаш дарида дар Харақон.*

Яъни, зухду таквода ягона бўлган Абул Ҳасан Харақонийнинг дафтари охири дунёда боқий қолмади, ночор у зот ҳам ўз жисми хирқасини Харақондан гўр томонга судраб кетди. Ёки:

*Ба ҳукми чун сижилли Ҳақ расид бо тавқеъ,  
Накард радди қазояш имоми дини Нўъмон.*

Яъни, Ҳақнинг номаси каби етиб келган ажал хабарини дин имоми Абу Ҳанифа Нўъмон ибн Собит ҳам қайтара олмаган.

Мазкур маъноларни ёзар экан Рожий яна ўзининг теран мулоҳазаларини баён қилади. Бу Қўқон хони Амир Умархоннинг (1822 йили 29 декабр, жума куни вафот этган) Зафаркук исмли оти ўлимига ёзган таъриҳида тилга олинган эди:

*...Қайси гулбин гулини гунчалари тўқилмас,  
Қайси гул барги ким ул боди хазондин сўлмас.*

*Қайси ҳукмдирки, қазо тоши ани сундурмас,  
Қайси жомики қадар шарбати анга тўлмас.*

*Раҳиш Рустам қани-ю, куррайи Сухроб қани,  
Бевафодур бу жаҳон асли вафоси бўлмас.*

*На келурдур қазодин бошингга рози бўл,  
Ҳеч жондор йўқки, ажал Алидан қутилмас...<sup>620</sup>*

Рожий ўлим ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини айтишдан чарчамайди. Энг қизиғи, мазкур саволларнинг ҳар бири аччиқ ҳақиқат эканидир. У бу фоний дунё майдонини босиб ўтмаган ва қазо-ўлим қаҳрамони суриб-йикитмаган бирон одам борми, дейди:

*Фано майдонидан ким юрмай ўтди,*

---

<sup>620</sup> Марғилонлик Абдуллоҳон, Алихонов қўлида сақланувчи мажмуадан олинди. Мажмуа М.Мадғозиев ўз ишида фойдаланган манбалардан бири саналиб, унда Рожийнинг турли мавзулардаги 40 та шеъри бўлиб, жами 1556 мисрадан иборатдир.

*Қазони(нг) қаҳрамони сурмай ўтди.*

Рожий бу шундай дунёки, қанча-қанча мансабга интилган шахслар мансаб келганида ўтириш тугул ўринларидан турмай, ўтиб кетдилар, дейди:

*Ўрин ахтаргучи кўп аҳли мансаб,  
Қазо етди ўридан турмай ўтди.*

Ёки, дунёда гунгирали уйини илоҳий қазонинг селига буздирмай саломат ўтган бирор мансабдор борми, дея савол билан мурожаат қиладики, бунга асло "йўқ", дея жавоб бермасликдан чора йўқ:

*Бинойи давлатини қайси содот,  
Ҳаводис сайлига буздурмай ўтди?*

Ёки:

*Бу майдонни самарлик қайси нахлин,  
Ҳазонни сарсари еткурмай ўтди?*

яъни, хазон шамоли дунёда бирор мевалик боғни тўктирмай ўтганми, деб савол берса, бошқа гал:

*Бу мазраъдин ҳаётин ҳирманини,  
Фано барқи қачон ёндурмай ўтди?*

яъни, дунё экинзорида ҳосилига ўлим чакмоғини урдирмай ўтган борми, деб сўрайдики, буларнинг барчасига таслим ва тасдиқдан ўзга жавоб йўқдир. У бу каби инкор қилиб бўлмайдиган саволларни келтиришда давом этади:

*Асолат гулишанини қайси баргин,  
Тегиб гам жоласи сўлдурмай ўтди?*

Яъни, қайси аслзода кишининг умр боғига қарилик гамининг ёмғири келиб сўлдирмаган?

*Ким онлардин ҳаётин заврақини,  
Жаҳон гирдобидин сурдирмай ўтди?*

Яъни, бунда ҳаёт саҳифасини жаҳон гирдобига сурдирмай ўтган бирор киши борми?

*Бу дунё кўчасидин қайси отлиқ,  
Адам сари инонин бурмай ўтди?*

Яъни, дунёнинг кўчасидан қайси отлиқ охират томонга отнинг жуганини бурмай ўтган?

*Бу саҳрони ҳавоси ҳар қуюнни,  
Бошин айлантириб тиндирмай ўтди.*

Яъни, бу дунё саҳросининг ҳавоси кимларни бошини айлантирмаган дейсиз.

Бундан ташқари, у баъзи асарларида ўтмиш салафи солиҳларнинг ўлим олдида айтган ибратли сўзларини ҳам келтириб ўтган ва улардан ибрат олишга ҳаракат қилган. Чунончи, у баёзларининг бирида шундай келтиради: "Оиша онамиз р.а. оталари Абу Бакр Сиддиқ р.а.га ўлим яқинлашганда куйидаги шеърни ўқиган:

*Ва абязу юстасқол ғомаму би важҳиҳи,  
Сималул ятама исматун лил аромил.*

Ибн Ҳишомнинг айтишича, бу шеър аслида Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шаънларида айтилган бўлиб, уни Оиша онамиз ўз оталарига ҳам ўқиганлар.<sup>621</sup>

Шеърнинг мазмуни: У зот шундай мақталган зотдирки, мунаввар чехралари сабабли булутлар ёмғир ёғдиради, у зот етимларнинг паноҳи ва бевалар нажоткоридир.

"Руҳ ул-маъоний" тафсирида келтирилишича Фотима онамиз р.а. жаноб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида шундай деб йиғлаган:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак тупроқларини бир марта искаган кимсага умр бўйи бошқа бирор ҳушбўйликни искамаслик лозим! Устимга шундай мусибат

<sup>621</sup> Ибн Ҳишом. Таржимаси, 1-ж, 274-б.

ёғилдики, агар у кундузнинг устига ёғилганида албатта, у тунга айланган бўлур эди".<sup>622</sup>

Рожийга кўра инсоннинг охиратдаги мақоми қандай бўлиши кўп ҳолларда уни охирги ҳолатига қараб белгиланади. Шунинг учун кўп ҳолларда ўзи марсия ёзган кишиларнинг охирги ҳолатларига алоҳида эътибор қаратади. Ҳақиқат ҳам шундай. Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Амаллар охирига қараб эътиборга олинади".<sup>623</sup>

### ***Муовия ўлими олдида***

Муовия ибн Абу Суфён вафоти арафасида: "Мени суяб ўтирғизинг", дейди. Айтгани бажарилади. Кейин у Аллоҳ таолога тасбеҳ айта бошлайди, уни зикр қилади, кўзларига ёш келади ва: "Эй Муовия! Қариб, аҳволинг пастлаганидан сўнг Раббингни эсаяпсанми?, гуллаб-яшнаган, тўлиб-тошган йигитлик пайтингда қаерда эдинг?" – дея хўнграб йиғлаб юборди. Сўнгра илтижо эта бошлайди: "Эй Раббим! Қалби тошдек қотган бу осий чолга Ўзинг раҳм эт! Аллоҳим! Сўнгги нафасларида қоқилиш ва тойилишдан асра. Ўзингдан ўзгага умиди, ишончи йўқ кимсани ҳалимлигинг билан ёрлақа!".

### ***Умар ибн Абдулазиз ўлими олдида***

Умар ибн Абдулазизнинг аҳволи оғирлашгач, табиб қакирилди. Табиб унга қараб: "Бемор заҳарланган, омон қолишини айтолмайман. – деди. Шунда Умар ибн Абдулазиз кўзини очиб табибга қараб: "Заҳар ичмаган кишиларнинг ҳам омон қолишини айтолмайсан, – дейди.

– "Заҳарни сездингизми, эй амирал мўъминин?, – деди табиб.

– "Ҳа, заҳар қорнимга тушаётган пайтимдаёқ сезган эдим".

<sup>622</sup> Махмуд Абул Фазл Олусий. "Рухул маъоний фий тафсирил куръонил аъзим ва сабъил масоний". Дору ихёу турсил арабий. 19-ж, 149-б.

<sup>623</sup> Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. "Саҳиҳ ул-Бухорий"... 5-ж, 2381-б.

– "У ҳолда, нечун давога рағбат этмайсиз, ахир аҳволингиз оғир-ку?!"

– "Ҳузурига бориладиганларнинг энг яхшиси Раббимдир. Аллоҳга қасамки, агар дардимнинг давоси кулоғим юмшоғи қадар яқинлигини билсам ҳам унга қўл чўзмаган бўлар эдим. Аллоҳим дийдорингни Умарга хайрли қил!" – деди.

У ўлими яқинлашганда деди: "Мени ўтирғизинглар!" Уни ўтқазишди. У: "Буюрганингни нуқсонли қилган, қайтарганингдан қайтмаган осий банда менман", – деб уч марта такрорлади.

Кейин: "Ла илаҳа иллаллоҳ", – деди ва бошини кўтариб бир нарсага тикилиб қолди ва: "Бир нарса кўряпман, улар на инс ва на жин..."<sup>624</sup>

### *Халифа Маъмун ўлими олдида*

Халифа Маъмун ўлими яқинлашганда ерга кул тўшатиб устига ётди ва шундай деди: "Эй мулки абадий барқарор зот! Мулки созурилиб битган зотга Ўзинг раҳм қил!"<sup>625</sup>

Ҳасан Басрийга ўлим яқинлашганда асҳоблари кўргани келди ва ундан насиҳат сўрашди. У деди: "Сизларга учта насиҳат қиламан: Нимадан қайтарилган бўлсангиз ундан тийилинг; нимага буюрилган бўлсангиз уни бажаринг; билингки қадамларингиз сизни зарарингиз, ё фойдангизга бўлади. Босаётган қадамингиз сизни қаерга олиб бораётганига огоҳ бўлинг!"<sup>626</sup>

Кунларнинг бирида Ало ибн Зиёдга бир киши: "Мен сизни жаннатий одам деб биламан", деди. Шунда у деди: "Ҳолингга вой, шайтон масҳара қилгани сен билан мендан бошқа кишини топа олмабди-да?!"<sup>627</sup>

Омир ибн Зозон айтади: "Молик ибн Динор ўлими яқинлашганида шундай деди: "Агар мени олдингилар қилмаган ишни қилганимга маломат қилишларидан қўрқмаганимда эди,

<sup>624</sup> Имом Муҳаммад Ғаззолий. "Ўлимни эслаш китоби" Тошкент, 2004. 95-б.

<sup>625</sup> Имом Муҳаммад Ғаззолий. "Ўлимни эслаш китоби" Тошкент, 2004. 93-96-бетлар.

<sup>626</sup> Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний. "Ҳилят ул-авлиё". 1-ж, 275-б.

<sup>627</sup> Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний. "Ҳилят ул-авлиё". 1-ж, 319-б.



аҳлимга, мен вафот этгач, оёқ-қўлимни маҳкам боғлаб, хожасидан қочган куллар каби дафн қилишларини айтган бўлар эдим".<sup>628</sup>

Абу Бакр Сидиқ р.а. ўлими яқинлашганда ўрнига Умар р.а.ни халифа қилиб қолдиргач, унга қуйидаги васиятни қилган эди: "Агар амал қилсанг мен сенга бир қанча насихат қиламан. Билиб қўй, Аллоҳнинг кундузги ҳақлари бўлади уни кечаси қабул қилмайди, кечасидаги ҳақлари бўлади уни кундузи қабул қилмайди. Фарзлар адо этилмагунича нафлларни қабул қилмайди. Қиёмат куни баъзи одамларнинг тарозулари оғир бўлади ва унинг бу уларни дунёда ҳаққа эргашганлари ва ҳаққа эргашиш оғир бўлгани учундир.

Қиёмат куни баъзиларнинг тарозулари енгил бўлади бу уларнинг дунёда ботилга эргашганлари ва бу эргашиш уларга енгил бўлгани учундир. Агар ушбу васиятимга амал қилсанг ғойиб нарсалар ичида сенга ўлимдан кўра маҳбуброқ нарса бўлмайди. Ўлмаслигини эса иложи йўқ. Борди-ю уларни зойеъ қилсанг ғайб нарсалар орасида ўлимдан кўра бирор нарса сенга қўрқинчлироқ бўлмайди ва сен ундан асло қутулмайсан".<sup>629</sup>

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Рожий Марғионийнинг ўлим билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалари ҳар қандай кишини огоҳликка чорлаши ва беихтиёр охират ҳозирлигини кўришга мажбур қилиши табиий. Бу эса жамиятда маънавий соғлом ва баркамол кишиларни тарбияланишига катта хизмат қилиши муқаррар. Негаки, кишида ўлим ҳисси, охиратга бориш, ҳисоб китоб беришга ишонч мустаҳкам шакллангандагина ундан фақат эзгулик ва яхшилик келиши мумкин. Акс ҳолда, ўлимдан, охират ҳисоб кунидан қўрқмаган кишилардан ҳохлаган ёмонликлар ва қабоҳатларни содир бўлишини кутиш мумкин.

---

<sup>628</sup>Абдурахмон ибн Али ибн Муҳаммад Абул Фараж. "Сифатус софва"... 1-ж, 372-б.

<sup>629</sup>Мусаннифу Абуш Шайба. 8-ж, 575-б.

## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ МУТАСАВВИФ

Маълумки, тасаввуф нафсни тарбия қилиб инсон руҳини камолга етказишга хизмат қилувчи улуғ таълимотдир. Шунга кўра у исломнинг асл моҳият ва мазмунидир. Чунки, Исломнинг ер юзида жорий қилинишидан кўзланган асосий мақсад инсон маънавий камолотидир. Унинг натижаси барча розолатлардан холи бўлмоқ ва барча фазилатларни касб қилмоқ ва Аллоҳ ва унинг расули йўлига эргашмоқ, нафси билан курашмоқ ва ботинини покламоқдан ва ўзгаларни ўзидан ортиқ кўрмоқдан иборатдир. Демак, у исломга амалий татбиқдир. Бошқача айтганда, мутасаввиф деганда китоб ва суннатни маҳкам ушлаган шахс тушунилади.<sup>630</sup>

Шайх Ашраф Али Таҳонавий дейди: *“Тасаввуф бу шариатнинг айна таъбиридир, шунинг учун ҳар бир кишига фикҳ китобларини ўргангани каби тасаввуф адабиётларини ўрганиши зарур бўлади. Киши тасаввуфсиз ўзини тузатиши қийин, ахир аввали тавозуни ўргатувчи, охири эса фано – ўзини йўқ қилиши бўлган илмдир бу. Тасаввуф ботин амалларини ислоҳ қилувчи ва уларни муолажа қилувчи ҳукмлар номидир, қайсики, фикҳ зоҳир ҳаётимизни тузатгани каби ботинимизни тасаввуф тузатади, унинг манбаси ҳам фикҳ каби Қуръон ва ҳадисдир”*.<sup>631</sup>

Маълум бўлмоқдаки, тасаввуф асосан, қалбга эътибор қаратади ва айна пайтда баданий, молиявий ибодатлар дурустлигини ҳам эътиборга олади. Муҳйиддин Арабий айтганидек: *“Тасаввуф бандани зоҳирий ва ботиний одобларга риоя қилишидир.”*<sup>632</sup>

Ислорий илмларнинг барча соҳаларида бўлгани каби Мовароуннаҳр алломалари бу улкан таълимотга ижобий ёндошиб, уни инсон маънавий ҳаётининг асоси, уни нафсини ислоҳ этувчи таълимот эканини асарлари ва амалий фаолиятлари орқали исбот қилдилар. Бизгача ўтган алломаларнинг ҳар бири

<sup>630</sup> Шайх Юсуф Хаттор. “Ал-мавсуъату-л-Юсуфийя фи баъни адиллати-с-суфиях”.” 17-б.

<sup>631</sup> Шайх Юсуф Хаттор. “Ал-мавсуъату-л-Юсуфийя...”. 68-б.

<sup>632</sup> Шайх Юсуф Хаттор. “Ал-мавсуъату-л-Юсуфийя...” 26-б.

мавжуд тариқатларнинг у ёки бунисига зарурий эҳтиёж сифатида алоқадор кишилар бўлишган. Ижод аҳли бўлмиш шоир ва адиблар бу таълимотни тарғиб қилувчисига айланган эдилар. Бинобарин, мумтоз адабиёт тарихига назар солсак, ўз ижодида илоҳий ишқни тараннум этувчи, сўфиёна қарашларни олға сурувчи ирфоний мазмундаги асар яратмаган бирор бир шоир ёки адибни топиш мушқил.

Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Лутфий, Бедил каби даҳо зотлар бу соҳада пешқадам кишилар бўлибгина қолмай кейинги давр ижод аҳлига маънавий устоз бўлган эдилар. Уларнинг асарларида олға сурилган ғоялар кейинги давр кишилари учун илҳом манбаига айланган.

Маълумки, қадимдан водий шаҳарлари, жумладан Марғилонда тасаввуф арбобларининг фаолияти қизгин кечган. Шаҳарнинг турли жойларида "Қодирия" "Нақшбандия" тариқатининг йирик намоёндалари фаолият олиб борганлар. Улар истиқомат қилган хонақоҳлар доим мурид-мухлислар билан обод бўлган.

Манбаларда XVIII асрга келиб Қўқон хонлиги Бухородан мустақил давлат сифатида яшай бошлаган даврда водий шаҳарларида жумладан, Марғилонда Қодирия ва Нақшбандия тариқатлари ривожланиш палласига киргани таъкидланган. Жумладан, Мирзаолим Мушрифнинг "Ансоб ас-салотин ва таворих ал-хавоқин" ("Султонлар насаблари ва хоқонлар тарихлари") номли асарида бу ҳақда маълумотлар бор.<sup>633</sup> Ҳатто бу ерда Кубравия тариқати вакиллари ҳам истиқомат қилиб, фаолият олиб боргани айтилган. Уларга маҳаллий аҳоли орасидан кўплаб кўнгили кишилар. Шу жумладан зиёлилар, уламолар ҳам байъат<sup>634</sup> қилганлар. Чунки инсон маънавий

<sup>633</sup> Остонақулов И. Фарғоналик валийлар. "Мовароуннахр", Т.: 2001.8-б.

<sup>634</sup> "Байъат" сўзи арабча олди-сотди маъносини англатиб, шариатда кишиларнинг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат ҳақида берган ваъдаларига айтилади. Бу ваъдада аҳд берувчи шахс ўз итоати эвазига савобни сотиб олиш маъноси борлигидан "байъат" дейилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин халифалар, давлат бошлиқларига байъат қилиш одати бўлган. Байъат вақтида қўл ушлашиб туриб аҳд берилганидан тасаввуфда муриднинг шайхга

камолоти йўлида тасаввуф таълимотини ўрни бекиёс. Бобур айтганидек:

*Йўлини топгайму киши то раҳнамо кўрсатмагай.*

Навоий ҳазратлари эса шундай дейдилар: "Ҳар ким адам ниҳонхонаси (йўқлик)дин вужуд анжумани (бу дунё)га қадам урубтур ва бу бақосиз оромгоҳда бир нафас ўлтурубтур, яна қайтиб асли ватанга азм этмак керак ва қайдин келибдур яна ул ён кетмак керак. Беш кун бу дори фано тириклигига масрур ва давлатига мағрур бўлмоқ керакдур. Ўлумдин гузир (чора) йўқтур ва ҳеч кишига ул муҳлик (ҳалок қилувчи)да дастгир (қўллагувчи) йўқ. Ул сафар асбоби солиҳ аъмол (яҳши амал)дур ва ҳамида ҳисол (гўзал хулқ). Аммо мусофирга йўл суубати (қаттиқлиги)нинг сухунат (енгил бўлмоғ)и учун ва водий йироқлигининг дафъи шиддат (машаққатини қайтармоғ)и учун ёмон уқба (довон)ларким, олдига келур ва азим мухотара (кучли хатар)ларки, воқеъ (пайдо) бўлур, раҳнамо (йўл бошловчи)лиги учун ва мушкулкушойлиги учун бир нимаким, ногозир (чорасиз, даркор)дур комил раҳнамоийи (йўл кўрсатувчи) пирдурким, анинг иршоди бўлмайн бу йўлга азм (қасд) қилмоқни акобири авлиё (улуғ авлиёлар) жойиз тутмайдур, балки солик атвори ва сулуки (соликлар йўли ва равиши)га ёвут (яқинлаштир)майдурлар.

Ҳар ойина (қачон)ким, мусофир кўрмаган йўлга қадам урса ва етмаган водийга юурса, йўл йитур (йўқот)мак эҳтимоли бор ва йўлдин озмоқ имкони бор. Ул уқубат (азоб)дин ва анда юзланган хатарот (хатарлар)дин мусофирни ҳодий (раҳбар) ўткарур ва комил муришдининг иршод (йўл кўрсатмоғ)и мақсадқа еткурур. Ва яна аҳдуллоҳки, ҳақ йўлига қадам қўюбтурлар ва талаб маркабин шавқ водийсига сурубтур (мақсадларини Ҳаққа етишига бургандир)лар, комил пир иршодидин айру (ташқари) азм қилмайдур ва бу йўлда ҳодийсиз мақсад манзилига етмайдурлар.

...Мақсудким, бу йўлда нафс душмандур ва шаётини раҳзан (йўлдан урувчи, қароқчи) ва ҳар қайси азим махофат (қатта

---

қилган байъатини "қўл бериш" дейилади. Шайхга муриднинг байъат қилиши ҳижрий бешинчи асрларда бошланган.

хвфу хатар) ва улуг офатдур, то ҳодий бошқармагай ва муришид муҳлик (ҳалокат)дин ўтқармагай (етиб бўлмас). Бу йўл қатъи (босиб ўтиши) мутаассир (қийин)дур ва мақсадга етмак мутааззир (мушиқилдир). Ва ўзлук (ёлғиз ўзи)и била бу водийга етган ва манозил (манзиллар)ин қатъ этган аноният (манманлик) гирифтوريدур ва нафсга тобеъ ва шайтоннинг масхара ва махзали (алдангани)дур ва ранже (меҳнатлари) зоеъ. Бу мақсудга бир восита бўлмай етмак мумкин эмас ва муришид раҳнамой бўлмай, бир унинг етганин киши демас. Муридни мақсудга еткурғувчи ҳақдур воситаи пир ва солиқни матлубқа қўшулдуғувчи ҳам ҳақдур ва василаи ҳам пир.<sup>635</sup>

Рожий Марғинович ҳам тасаввуф адабиёти ва тарихида XIX аср охири XX аср бошларида фаолият олиб борган соҳа вакилларида бири сифатида муҳим ўрин тутди. Зотан, Рожий ўз даврида нафақат қози калон ва шоир, балки тасаввуфдан баҳра олган мутасаввиф ҳам эди. Зокиржон Фурқат Рожий ҳақида “Тариқат йўлига кирган муҳаббатлик киши экандур”, – деб баҳо берар экан, унинг тасаввуф пирларидан бўлиб, муҳаббатлик валий эканига урғу берган.<sup>636</sup>

Амир Алишер Навоий Ҳазратлари ҳам Абдурахмон Жомий ҳақида ёзганида кишилар у зотни зоҳирий илмлар, шеър ва иншодан шарафлироқ бўлган махфий иш – тариқат вазифаларига машғулликларини сезмадилар ва фахламадилар, чунки у зот бу ишни кишиларга ошқоро қилмаган эдилар, деб ёзади. Шоирлик ва толиби илмлик бу ишга сатр ва парда вазифасини ўтаган, дейди. Айни пайтда у зотни қатор тариқат шайхлари ҳузурларига бориб улар суҳбати ва мулозаматларини лозим тутганларини келтирадилар:

*"Яна бири, (у зот) тариқат одоби сулукида андоқ дақиқ равиш била тариқларини туздиларким, ҳеч киши аларнинг зоҳир улуми ва шеър ва муаммо ва иншо ва бу навъ нималардин шарифроқ ниҳоний амрга машғул эрконларин билмадилар ва*

<sup>635</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб... 116-118-бетлар.

<sup>636</sup> Бу ҳақда қаралсин: Авлиёлар султони. Туронлик валийлар. Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Икромиддин Остонақулов. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2004, 99-102-бетлар.

фаҳм ҳам қилмадилар ва бу ишта чун ҳеч мутанаффисқа муришиди комил мулозамати ва иродатидин гузир йўқдур, ҳазрати қутби тариқат ва гавси ҳақиқат мавлоно Саъдуддин Кошғарийким, "Нақшбандия" хожалари силсиласининг ул замонда комил ва мукамил муришид ва халифаси эрди – суҳбатин ва мулозаматин ихтиёр қилиб, замонининг сойир муришдилари ва комиллари хизматларнга – шайх Баховуддин Умардек ва мавлоно Боязид Пуроний ва мавлоно Муҳаммад Асаддек бузурғлар суҳбати шарафига доғи мушарраф бўлур эрдилар.

Аммо толиби илмлиқ ва шоирлиқ суратидаким, бу шариф илм сатр ва китмониға бу икки ишдек парда мумкин эрмас топилмоқ, невчунким дарвешлиқ фано касбидур, балки фанойи маҳздур ва бу икки иш маҳз даъвою жадал ва анонияту худписандлиқдур".<sup>637</sup>

Хўш, шундай бўлса, Рожийнинг пири муришиди ким бўлган? Биз бунга аниқлик киритиш учун унинг манбаларга муурожаат қилдик.

Маълум бўлишича, Рожий Андижонда "Эшони Рожий" номи билан машҳур, асли исми Сирожиддин бўлган тариқат шайхи ва наманганлик Муҳаммад Обид исмли яна бир тариқат устозидан таълим олган. М.Мадғозиевнинг айтишича унга ўтган асримизнинг олтмишинчи йиллари охирида Рожийнинг шогирди Муфаззал Махдум: "Рожий Домулло андижонлик устози Эшони Рожий ҳақида жуда кўп марта сўзлар эди. Домла у зот кўлида таълим олган эканлар", деб айтган:

*"(Рожий) Андижонда Рожий эшон деган мударрис билан кўп йил истиқомат қилиб, баҳри таъвил, шеър ва адабиёт ва бошқа ҳар хил илмларни ўрганганлар ва ўзларининг ҳамда (маргилонлик) мударррис Мулла Муҳиддин охун Усмон ўглининг айтиувларича (Рожий домланинг камолотида) андижонлик Рожий эшоннинг хизмати катта бўлганидан уни кўп хурматлаб тилга олар эканлар.*

<sup>637</sup> Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин... 12-б.

*Мен Рожий эшонни кимлигини ҳақида Андижонга бориб суруштириб кўрганимда, у киши Андижонда машҳур; ҳам эшон, ҳам мударрис, ҳам олим, ҳам шоир деярлик даражадаги бир киши эканлар. Бу Эшонни мақташ(да гап) чўзилади".*<sup>638</sup>

Демак, Рожий домла мазкур Эшон ҳузирида бўлиб, ундан тарикат таълимини олган. Эшони Сирожиддин 1910 йилда Хонақоҳ қуради. Рожий унинг пештоқига қуйидаги таърихни ёзадики, бу ҳам устозга бўлган эҳтиром натижаси эди:

*Хонақоҳ бар мозори тири дил огоҳ шуд,  
Истифодат жой аҳли дин ибодатгоҳ шуд.  
То бо анжومي омад ин хайрул бино таърихи ў:  
"Мажмаъи асҳоби диний жойи зикруллоҳ" шуд.*<sup>639</sup>

**Таржимаси:** Дили огоҳ пир мозори ёнига Хонақоҳ қурилди ва у дин аҳллари фойдаланадиган ибодатгоҳ бўлди. Бу хайрли бинонинг таърихига қуйидаги ибора келди: "Бу дин соҳиблари тўпланадиган ва зикруллоҳ бўладиган жойдир". Таърих моддасидан хижрий 1328 йил чиқади.

Рожийнинг яна бир муршиди бу наманганлик Муҳаммад Обид (қуддиса сирруху) эди. Бу зоти шариф наманганлик бўлиб шайхи комили мукамал, халифа Абдулкарим (қуддиса сирруху)нинг халифаси бўладилар. У зот эса шайхи комили мукамал, халифа Мир Ҳомид (қуддиса сирруху)нинг халифаси бўлган.

Муҳаммад Обид (қуддиса сирруху) етук пири комил, юксак маърифат соҳиби сифатида машҳур бўлганлар. Айниқса, ҳанафий мазҳаби, аҳли сунна вал жамоат ақидасининг мотуридийя таълимотини кенг ёйишга хизматлари катта бўлган. Бу борада "Миръот ул-мўътақиддин" номли асарлари машҳур. Мазкур асар ҳанафий алломалардан Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Ўший Фарғонийнинг 569 хижрий йилда ёзган "Қасидаи амолӣ" китобига шарҳдир. Сунний ақиданинг барча муҳим масалалари назмий тарзда баён

<sup>638</sup> Муфаззал Махдум. Рожий ҳақида билганларим...2-3-б.

<sup>639</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 96-б.

қилинган ушбу асар қадимдан Мовароуннахр мадрасаларида ақида китоблари қаторида ўқитилган. Асарга аллома Али ибн Султон Муҳаммад-Алий ал-Қорий "Зовъ ул-маолий" номли шарҳ ёзганлар. Муҳаммад Обиднинг шарҳи туркий тилда ёзилган мукамал шарҳ саналади. Мазкур шарҳ ўша даврда Тошкентда тош босма усулида чоп қилинган.

Муҳаммад Обид (қуддиса сирруху) Марғилонда "Хонақоҳий Ҳазрат домланинг пири" номи билан машхур бўлган эдилар. Чунки у зотга марғилонлик бошқа кўплаб кишиларнинг бориб қўл беришига айнан Хонақоҳий Ҳазрат сабаб бўлгани учун ҳам шундай бўлган. Рожий эса Хонақоҳий Ҳазрат домла билан биродар ва бирга таълим олган эди. айна пайтда унинг Калон Ҳазрат муҳаббати борлиги асарларидан маълум. Шундай бўлгач, ёшлиқларидан бирга катта бўлган икки шахсни бир пирга инобат қилиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Муфаззал Махдумнинг андижонлик Эшони Сирожиддин Рожийнинг пири эди, деб берган хабари Рожийни Муҳаммад Обидга байъат қилганини инкор қилмайди. Зеро, тасаввуфда бир пайтнинг ўзида кишининг бир нечта тариқат устозлари бўлиши мумкин.

Рожий ўзининг пири Муҳаммад Обид ҳазратлари вафот этганларида куйидаги таърих-марсиясини ёзган эди:

***Таърихи вафоти Домло Муҳаммад Обид Намангоний валади аслаху аршад Домла Абдулкарим халифа Намангоний мағфур***

*(Домла Абдулкарим халифа марҳумнинг солиҳ, рашид фарзанди халифа Муҳаммад Обид Намангоний вафотига таърих)*

*Рафт аз ин хокдон то нуҳ фалак боло тарин,  
Руҳи поки обиди мо шуд ба равҳиллоҳи қарин.*

Бизнинг ибодатгўйимиз бўлмиш (Муҳаммад Обид ҳазратлари)нинг покиза руҳи бу тупроқ уйдан то осмон қадар кўтарилиб Аллоҳнинг раҳматиға яқин бўлди.



*Аз ҳужуми ашки мардум даҳр тўфонгоҳ шуд,  
То ба гардун оҳ рафту нола ба ариши барин.*

Халқнинг кўз ёшидан ҳаммаёқ тўфонга тўлди ва осмондан аршга қадар нолаю фиғонлар чиқди.

*Шўри мотам бар сар омад навҳа бар афлок зад,  
Ин қиёмат бинки Обид хуфта беғам дар замин.*

Аламдан навҳалар осмонга етиб, шундай қиёмат бўлдию, бироқ Обид ҳазратлари хотиржам ер бағрида ётибди.

*Зери хокат дийдааму хок бар сар кардаам,  
Субҳи маҳшар бар сар омад вақти хуфтан баст ин.*

Мен сени тупроғингни кўрдиму, бошимни тупроққа урдим, гўёки хуфтон пайтида машҳар тонги отгандек.

*Зинда дар чоҳим мо дар тажаллийгоҳи нур,  
Бо ту зиндони лаҳад шуд гўё айнул яқин.*

У бизнинг ичимизда бир тажаллий қилган нур эди. Энди лаҳад ҳам сен сабабли айнул яқин – имон нуридан нурафшон бўлади.

*Пок бувад аз гарди исён орифу огоҳ дил,  
То шунид ин мужда “Тибтум фадхулӯҳо холидин”*

У зот исён гардидан пок ва қалби ориф зот эди, шу туфайли “Пок бўлдингиз, унга (жаннатга) абадий қолувчи бўлиб кирингиз”, мазмунидаги сўзларни эшитди.

*3-ин кудуратхона рафту ёфт нузҳатгоҳи хулд,  
Шуд басадри саффа-и дорус сафо боло нишин.*

У бу кудуратхонадан кетиб, абадий роҳатхонани топди ва поклар сафида юқори ўринлардан жой олди.

*Дид то қандили дунё нест жойи сўхтан,*

*Шамъи моро гурад бод марғ зад бо остин.*

Кўрдик, дунё қандили равшанлик ери эмас, гўё ўлим бизни шамъимизни олиб уни этагидан тутди.

*Аз саводи Мирси ҳасти шони ҳижрон дийдаем,  
Сад шабистони мотамаст нест ин бар сари қутби  
дин.*

Мисрнинг ғами ва Шомнинг ҳижронини кўрдим, бу дин қутби мотамининг зулматидандир.

*Аз мусибат номаи у то қазо бинавешта буд.  
Хондайим ин нухаи ғам сар хатти лавҳи жабин.*

Қазо бу мусибатни унинг номасига ёзган эди, уни пешона лавҳига ёзилгани ғам нухаси эканини ўқидик.

*Мо бизарди қабри у бедори шаб Аллоҳ гўй,  
У бимаҳди истироҳат зиндадил ороми бин.*

Биз унинг қабри атрофида айланиб Аллоҳ деяпмизу, уни кўринки, у истироҳат маконида ором олиб ётади.

*У з-дил жамъи баҳоб гунчаи бар болини ноз,  
Мо зи ғам бедору нолон булбули андуҳгин.*

У мулойим гунчалар ўртасида уйкуда ётибди, биз эса булбул каби бедору нолон бўлмоқдамиз.

*Мо зи ҳижрони доғ дар дил лолаи саҳройи ғам,  
У баризвони сад чаман бишқуфта тар аз ёсамин.*

Бизда ҳар бир дил ғам саҳросидаги лола каби бўлса, у эса юзлаб ёсуманлар очилган жаннат чаманидандир.

*Гурад нафйи мо сиваллоҳ дар шаҳодатгоҳи дил,  
Зад баду сар нузҳаи лола бар сар дев лаин.*

У дилида калимайи шаҳодатни айтиб Аллоҳдан бошқасини нафий қилар ва бу билан ҳар бир дев-шайтон бағрини доғлар эди.

*Тўшайи раҳ ажз бувад каъбаи мақсуд дур,  
Босафойи дил бирафту дид сар манзил яқин.*

Йўл озукаси ожизликдан иборатдир, манзил эса узоқ. У ўзининг мусаффо қалби билан яқин манзилини кўриб, кетди.

*Мурғи руҳаш ломакон тайрон шуд зад ин сафир,  
Саъва огоҳ шавки инжо сифла табъон дори чин.*

Рухининг қуши ломаконга сайр қилди ва қуйидагича нидо қилди: “Эй саъва, огоҳ бўл ва пасткашлар олдидан бу ерга кел”.

*Хондаам “икро бисми раббик” гуфт қори аз сувар,  
“Худ” хондаам бар равони шайхи атқал обидин.*

Қуръони каримдан “Икро бисми раббика”ни ўқи десам, бир қори: “Мен атқиёлар шайхи руҳига “Худ” сурасидан ўқийман”, – деди.

*Гуфтамаи таърихи фаваиш ист аз анбо-и ғайб,  
Дид: “Мусҳаф гуфт “Иннал њоқибата лил муттақин”<sup>640</sup>.*

Унга дедик: “Бўлмаса, ғайб хабарларидан сўрачи, унинг вафот таърихи нима экан?” Дедик: “Мусҳафга қара ва: “Иннал оқибата лил муттақийн”, – “Эзгу оқибат тақводорлар учундир” (Худ сураси, 49 оят), деб ўқи”.

Маълум бўлмоқдаки, “Худ” сурасида келган “Эзгу оқибат тақводорлар учундир” мазмунидаги жумланинг сонлар йиғиндисидан шайх ҳазратларининг вафот таърихи чиқади. 1292 ҳижрий, милодий 1875 йил.

<sup>640</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...137-139-б.

Бу ерда яна бир нозик нарса бор, у ҳам бўлса унга, ғайб хабарларида нима дейилган экан, деб сўралган саволнинг “абнои ғайб” жумласи ҳам айнан мазкур суранинг таърих бўлиб тушган ушбу ояти каримаси ичида келган. Бу Рожийни таърих илмидаги маҳоратининг намойишидир.

Қуръони каримнинг баъзи оятлари йиғиндисини таърих сифатида келтириш янгилик бўлмай, Рожийгача ҳам кўплаб уламолар қўллаганлар. Масалан, Мавлоно Абдурахмон Жомий ҳазратларининг вафотига ёзилган таърихларнинг бирида худди шундай бўлган эди. Бу ҳақда "Рашаҳот" муаллифи Фахруддин Али Сафий шундай ёзади: "Билгилким, аларнинг (Жомий) касалларининг ибтидоси муҳаррамул ҳаром ойининг ўн учинчисиди якшанба куни сана аккиз юз тўқсон саккизда (1492 м) эрди. Ва муҳаррамнинг олтинчиси жума куни сабоҳидаким, бемор ориз бўлуб эрди, набзлари соқит бўлди. Вақтиким намози жуманинг суннатиға азон айтилди, нафаси муборақлари мунқатиъ бўлуб (узилиб), дори фанодин дори бақоға рихлат этдилар. Вақтнинг фузалолари ва замоннинг шуъаролари марсияларида вафотлари таърихида қасойид ва муқаттаъот ва рубоийётлар айтдилар. Ва бу жумладан бу турур:

*Жомийким, буд булбули жаннат қарор ёфт,  
 Фи равзатин мухалладин арзуҳо ас-сама-ъ.  
 Килки қазо навешт равон бар дари бихишт,  
 Таърихуҳу: "Ва ман дахолаху кана амина".*

**Таржимаси:** Жаннат булбули бўлган Жомий ери осмон каби кенг бўлган боқий жаннатда қарор топди. Тақдир қалами вафотининг таъриhini жаннат эшигига шундай ёзди: "Ва ман дахолаху кана амина" (Кимки унга кирди, бас омон бўлди)". Ўътибор берилса, бунда Оли Имрон сурасининг 97-оятининг охириги жумласи таърих бўлиб тушган.

### ***Рожий сўфийлар тарафида***

Рожий Марғионийнинг сўфийлик фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг бошланиш, ривожланиш босқичи ва камолот нуқтаси борлиги кузатилади. Рожий бирданига мутасаввиф бўлиб қолмаган. Аввалига у талабалик даврида тасаввуф билимдонлари бўлмиш улуғ устозлар, тариқат шайхларининг суҳбатларидан истифода қилиб юрган. Бу унинг қалбида бу таълимотга нисбатан илк ижобий хулосаларни пайдо қилган.

Бухоро мадрасасида таълим олиш жараёнида ҳам бу таълимотдан узоқлашиб кетмаган. Чунки ўша давр мударрислар ҳам деярли ҳаммалри тасаввуфдан атрофлича хабардор кишилар бўлишган. Дарс жарёнида улар тарафидан айтилган тасаввуфга оид ҳикматлар, мустақил мутоала чоғи соҳага доир адабиётлар унинг қалбидаги муҳаббатини кучайтириб борган. Марғилонга қайтганидан кейин бу ердаги мирзолик, кейин эса қозилик фаолияти даврида ҳам у тариқат шайхлари билан алоқада бўлиб борган. Бунга унинг яқин сафдошлари орасида бу соҳанинг йирик вакиллари ҳам мавжудлиги замин яратган. Ўрталаридаги дўстона алоқалар чоғи албатта мавзу бу соҳадан бормаслиги мумкин эмас. Рожий Марғионийда кузатилган мазкур ҳолатлар “Айтинг сўзимни фарзоналарга” матлаъли ғазалида яққол кўринади. Эслатиб ўтамиз, ғазал тасаввуф аҳли бўлмиш сўфийларнинг баъзи феъл ва ҳаракатларини тушунмай уларга носазо айтган кишиларга нисбатан ёзилган. Бу унинг бошланиш оҳанги огоҳлантириш мазмунида бошланишидан билинади.

Бошқача айтганда, ғазал икки ўзаро бир-бирига қарама-қарши томон вакиллари – зоҳирпарастлар ва ошиқлар ўртасида туриб, уларни ислоҳга чақираётган хайрхоҳ кишининг тавсияларига ўхшаб кетади, бироқ ислоҳга чақираётган киши улар – ошиқлар томонида эканини ўйласак, унда олға сурилган мазмунларни осон тушунамиз. Бунинг учун кўз олдимизга бир томонда маломатга учраб Рожийга шикоят қилган ошиқлар, бир томонда ўзларининг таъналарини тўғри, деб билган аҳли зоҳирлар, ўртада улардан ҳар бирини аҳволини яхши тушунган, лекин бу ишдан анчагина ранжиган шоир аҳволини кўз олдимизга келтириш керак.

*Айтинг сўзимни фарзоналарга,  
Таън этмасунлар девоналарга.*

Яъни, менинг сўзимни ҳақиқий фарзандларга айтиб қўйингки, улар ҳаргиз Ҳақ ишқидан маст, унинг зикри-ёди билан машғул бўлиб, бошқа нарсаларни унутган девоналарга таъна-маломат қилмасинлар. Чунки уларнинг ҳолатларини ҳар ким ҳам тушуна олмайди. Шу туфайли беодоблик қилиб, улар дилини ранжитиб қўймасинлар, акс ҳолда, ўзларига бирор маънавий зарар етиши мумкин.

Шоир ошиқлар ишини тўғри эканини билдириш учун, Илоҳ ошиқларига ишқ шаробини улашувчи соқийга хитоб қилиб, менга ҳам бир пиёла шароб бер, мен ҳам унга хумор бўлдим, яъни, унга қози бўлганим ҳолда мен ҳам ташнаман, дейди:

*Ошди хуморим майхона пири,  
Муҳтож ўлубман паймоналарга.*

Шоир юкоридаги уч байтда уларга ўз муносабатини билдириб, бир оз ҳовридан тушгандек бўлди. Энди эса ҳақиқат қайси эканини айтади:

*Шоҳларни қасри вайрона бўлган,  
Қилманг таманно қошоналарга.*

Яъни, дунёда шоҳларни қасри вайронага айланган, демак баланд қошоналарни орзу қилманг. Аллома бу билан кишиларни илоҳий ишқдан беҳабар юриб, ўтқинчи дунё ва унинг лаззатларига, тез фурсатда вайрон бўлиб кетадиган қасру айвонларига алданмасликка чақирмоқда.

*Дилларда догинг зебо эмасму,  
Гўё нуқатлар домоналарга.*

Сўнгра дилидан ўтган мушоҳадасини тилга олиб, эй Раббим, ошиқлар дилидаги ишқинг доғи улар учун зийнат эмасми, дейди. Яъни, у гарчи доғ бўлиб кўринса-да, бу дард гўё зийнат ва чиройдир.

Шоир ўзи тарафини олаётган ошиқларга қарата айтади: Сизлар ишқдан беҳабар бегоналар сўзига кулоқ солмангки, у киши қалбида ғафлатни пайдо қилади:

*Дунё сўзига солма қулогинг,  
Ғафлат етурган афсоналарга.*

Балки уларга чалғиш ўрнига сиз Унинг ишқидан йиғлайверинг, чунки кўздан тўкилган ёш – дурлар эвазига охират матосини арзон сотиб оласизлар:

*Уқбо матоин арзон олурсан,  
Кўздин тўкилган дурдоналарга.*

Уларга шундай дегач, яна Парвардигорга илтижо қилиб айтади: “Эй Раббим, майли ишқинг ўтида парвонадек куйиб кул бўлишсин, ошиқларингга ўз шамъингни бир оз кўрсат.”

*Ишқинг ўтида куйсин кул ўлсин,  
Шамъингни кўрсат парвоналарга.*

Шоир шуларни айтар экан, уларни маломат қилаётган киши ўзи билмаган нарсасига муносабат билдираётганидан ачиниб, эй ғофил, сен май нашаъсидан беҳабарсан, шунинг учун ишқдан маст бўлганларга кўп таъна этаверма, дейди:

*Кўп беҳабарсан май нашаъсидин,  
Таън этма, зоҳид мастоналарга.*

Сўнгра бу ишларнинг ҳикмати – сири нимада эканини айтади. Азалда қудрат қалами ҳар кимнинг пешонасига яхшилик ва ёмонликни ёзиб қўйган. Сенга ишқдан беҳабарликни унга эса ишқдан куйишни, демак, уларга ҳадеб носазо айтма:

*Нуссохи қудрат ёзмиш азалда,  
Ҳар хайру шарни пешоналарга.*

Айни маъно унинг бошқа асарларида ҳам тилга олинади:

*Эй шайх аз худ беҳабар осий манам таънам мабар,*

*Мо лил башар илмул қадар фиман тасар ав ихтазал.*

*Дорий зи асбоби риё дастор чил панж ридо,  
Аллақта мин ҳаблил ҳаво каварта мин тулил амал.<sup>641</sup>*

Яъни, эй шайх, сен ўзингдан беҳабар бўлиб туриб, яна мен осийга ҳадеб таъна этаверма. Ҳолбуки, ўзинг кибр ва узун орзулар арқонидан катта саллани ўраб олибсан.

Шоир яна Ҳақ ошиқларни ёнини олишга ўтади. Гарчи уларнинг кўнгиллари ишқдан вайрон бўлса-да, уларни хароб деб ўйлама, у кўнгилларда илоҳий хазина бор. Кўрмайсанми, хазина вайронлар остида бўлади:

*...Вайрон кўнгиллар Ҳақ мазҳаридур,  
Ганж ўлди пинҳон вайронларга.*

Шоирнинг ошиқларга ҳам айтадиган гапи бор, сиз ишқдан беҳабар кимсалар маломатидан сақланиш учун имкон қадар ҳолингизни улардан пинҳон тутинг, ахир сирни бегонага айтиб бўладими?!

*..Асрори ишқинг элдин ниҳон тут,  
Айтиб бўлурму бегоналарга.*

Сўнгида шоир ўзига қарата, эй Рожий, кўлингдаги тасбеҳ риё доналаридир, сен бировларга насиҳат қилдим, улар орасини ислоҳ қилдим, деб ўзингдан кетма, бу фахр этадиган иш эмас, балки сен ҳам улар каби ишқ йўлини тут:

*Тухми риёдур илгинда тасбеҳ,  
Фахр этма Рожий бу доналарга.*

Таъкид жоизки, Рожий мазкур насиҳатларни фақат назмдагина эмас, турли мажлис ва анжуманларда ҳам ошқоро айта олган. Энг қизиғи, унинг бу насиҳатлари кишиларга таъсир қилган, улар бу сўзларнинг ҳақиқатини мулоҳаза қилганлар.

---

<sup>641</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси...27-б.



Тасаввуф шайхларидан Шайх Абу Саъид Бухорийдан сўрадилар: *"Тариқатдин сўз айтмоқ, кимларга лойиқ? Дедилар: "Шундай бир кимсага муносибдирки, агар анинг зоҳирини ҳамма аҳли заминга арз этсалар, зоҳирида шаръан ҳеч айб топмасалар ва агар ботинини ҳамма аҳли осмонга арз этсалар, ботинида ҳеч нуқсон топмасалар"*.<sup>642</sup>

### ***Мажнун услубини қургим келди***

Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат Рожийни таърифлаганида уни "тариқат йўлига кирган муҳаббатли киши экандир", дея таърифлаган эди. Ибн Ҳазмнинг айтишича тасаввуф шайхларининг назарида муҳаббат дейилганда Ҳаққа нисбатан бўлган муҳаббат тушунилади.<sup>643</sup> Инсон қалбида муҳаббат пайдо бўлиши учун аввало маърифат бўлиши керак, зотан танимасдан ҳеч ким бирор нарсага муҳаббат қилмайди. Демак, Рожийда нафақат муҳаббат, балки маърифат ҳам кучли бўлган. У ўзининг муҳаббати ҳақида очик хабар беради:

*Муҳаббат танобин солиб бўйнимга,  
Олиб кўйида сангсор этдилар.*

Яъни, бўйнимга муҳаббат арқонини боғлаб, унинг ишқида мени тошбўрон қилдилар.

Шунинг учун ҳам Рожий уни даволамоқчи бўлган табибга, кўлингни торт, мени дардим сен даволай оладиган дард эмас, унга дашту саҳролардан ҳам, на бир гулу ё гулзорлардан ҳам даво топа олмайсан, деган қатъий хитоб қилади:

*Йўқ иложим, эй табиб, илгингни чек бемордин,  
Бу маризи шиқ эмасдур ҳар нечук бемордин,  
Топмоғунг дору менга не дашту, не кўҳсордин,  
Не бу гуллардин келур, не ўзга гулрухсордин,  
Даҳрнинг гулзорида дардимга бир дармон иси.*

<sup>642</sup> Фахрулдин Али Сафий. Рашахоту айнил ҳаёт...37-б.

<sup>643</sup> Ибн Ҳазм "Ал-ахлоқ вас-сияр". 10-ж, 12-б. <http://www.alwarraq.com>

Рожийнинг ишқ ўти шунчалар кучлики, ҳатто ундан бутун оламга ўтлар туташиб еру осмонлар йиғлаб нола қилади:

*Рожий ўтли оҳидан ўт туташди олама,  
Тоғлар қилиб нола йиғлар еру осмонлар.*

Рожийнинг юқорида тилга олинган камолот йўлининг кейинги босқичи шундан иборат эдики, энди у ўзи тарафини олаётган ишилардан бирига айланди. Эҳтимол, мазкур тоифага бўлган самимий муҳаббат унинг қалбида шундай ўтни пайдо қилгандир. Энди унга ориф-ошиқларнинг иши ёқимлироқ бўлиб кўринади. У илоҳий ишқ томон юришни истади ва шундай дейди:

*Манам Мажнунлик услубини бунёд айлайин дерман,  
Кечиб ўздин фано мулкени обод айлайин дерман,  
Тааллуқ қайдидин жисмимни озод айлайин дерман,  
Ғуборимни қуюндек жумла барбод айлайин дерман,  
Таним саргаиталиг васфига мўътод айлайин дерман.*

Яъни, мен ҳам энди Мажнун каби ишқ услубини қўллаб, ўзлик биносидан воз кечиб, жисмимни озод қилиб, фано мулкени обод этишни истаيمان. Вужудимга ўрнашган дунё тааллуқларини буткул сочиб, танамни Унинг ишқида юришга одатлантирай дейман. Нега?

*Жаҳон боғига булбулман, адамдин ошён кўрдим,  
Баҳор айёмини ўткардим фасли хазон кўрдим,  
На гулшандин асар кўрдим, на гуллардин нишон кўрдим,  
Чаман авроқини боди фано бирла ниҳон кўрдим,  
Бақосиз рангу бўдин лаҳзае дод айлайин дерман.*

Чунки, жаҳон боғига булбулман, аммо йўқликдан нишона кўрдим, баҳор айёмини ўтказиб фасли хазон кўрдим, бу дунёда на гулшандан асар ва на гуллардан нишон кўрдим, жаҳон гулзорининг япроқлари охири фано бўлишини кўрдим, шу туфайли бу қуруқ ва сохта суратлардан бир йўла дод, деб нола қилай дейман.

Гарчи у бизга маълум бўлганидек, умрини эзгулик йўлида ўтказган бўлса-да, барибир бундан кўнгли тўлмайди:

*Жаҳон бўстониани нахлиману баргу барим йўқтур,  
Адамнинг субҳига шабнамман чаими тарим йўқтур,  
Ҳақиқат баҳрини мавжиман аммо гавҳарим йўқтур,  
Учургон ломакондин боз эдим болу парим йўқтур,  
Вужудимга адам ҳукмини иснод айлайин дерман.*

Яъни, жаҳон бўстонианинг дарахтиман, лекин баргу мевам йўқ, адам тонгидаги шабнам бўлсам-да, кўзимда ёш йўқ, ҳақиқат денгизидек мавж урсам-да, аммо бирор гавҳарим йўқ, азалда ломакондан учирилган қуш бўлсам-да, бироқ пару қанотим йўқ, шу туфайли бу дунёда яшагандан кўра вужудимга адам – йўқлик ҳукмини бериб бира тўла йўқ бўлай дейман.

У фардларининг бирида шундай ёзган эди:

*Чунон аз сангу оҳан оташи сўзон пайдо,  
Ду оламро дигар барҳам зани жоно шавад пайдо.*

Махмуни: Тошу темирнит бир-бирига уриштиришдан куйдирувчи ўт чикади. Худди шунингдек, икки оламини бирбирига уриштиради жонона пайдо бўлади. Бу билан дунё-эмас охиратга ҳам чалғимасанг, ҳақиқий ёрга восил бўласан, демоқчи.

Унингча, умрини "боби қазо" –"қозилик" билан ўтказгани ҳам унга рози қилмайди:

*Тугатдим дарсими боби қазоу фасли фатводин,  
Очарман ҳусну ишқ абвобини Юсуф Зулайҳодин,  
Кўруб нозу ниёз услубини Мажнуну Лайлодин,  
Ёзай дил сафҳасига ишқ имлоси-ла шайдодин,  
Муҳаббат дафтарин бир-бир ўқиб ёд айлайин дерман.*

Яъни, афсуски, ҳаётим дарсини қозилигу фатво иши билан тугатдим, энди фақат Юсуф ва Зулайҳолар каби ишқ бобидан сўз очиб, Лайли-Мажнун каби нозу ниёз услубини кўллаб,

дилим саҳифасига шайдолик имлосини ёзиб, муҳаббат дафтарини ёдлай дейман.

Куйидаги мисраларда у ўзининг ўтказган ҳаётини янада чуқурроқ мулоҳаза қила бошлайди:

*Қолубман бир қуёш меҳри билан юз минг тазаллумга,  
Кўзимни нури кетти кўз тутиб андек тараҳҳумга,  
Дер эрдим сиримни тун хилватида чархи анжумга,  
Сиришим ёш экан рози дилим фош этти мардумга,  
Кўзимдин ўтган ишни энди ишҳод айлайин дерман.*

Афсуски, дунёда бир қуёшни деб минг зулматга қолдим, арзимас меҳр деб кўзимнинг нури кетди, кечалари дил сирларимни осмон юлдузларига айтар эдим, лекин кўз ёшларим ёш эканки, розимни яшира олмай кишиларга маълум қилди, энди кўзимдан ўтган ишларни халққа ўзим бир-бир эълон қилай дейман.

Шоир ўзи истаган йўлга юрар экан, унинг қарори қатъий. Бу йўлда унга етадиган турли маломатлар ва дашномларга чидай олади. Унингча, бу гарчи маломат йўли бўлсада, асли саломатлик йўлидир. Бу йўлда у соҳилга етиб олиши учун кишт – қайиқ ясаб олган. Шунинг учун у бемалол зоҳидларга ҳам хитоб қила олади:

*Сен, эй зоҳид, адашмай ҳаққа ет роҳи саломатдин,  
Мен ахтардим нажотимни тариқини маломатдин,  
Маъосий баҳрини гарқобиман йиглаб надоматдин,  
Сиришимни ҳубоби бирла тўфони қиёматдин,  
Саломат соҳилига кишти ижод айлайин дерман.*

Куйидаги мисраларда эса у ўзининг назарида аянчли деб билган тасаввурларини янада кенгроқ баён қилади:

*Адам раҳравлари суд ила мен хусрон илан кеттим,  
Ҳаётим моясин барҳам бериб нуқсон илан кеттим,  
Убудият матоин олмадим, исён илан кеттим,  
Надомат борини ҳаммолиман, армон билан кеттим,  
Бу йўлда эмди ажзим нақдини зод айлайин дерман.*

Яъни, мен дунёдан ҳаётим сармоясини беҳуда сарф этиб, катта зиён била кетётганим, бандалик матоси ўрнига исён-гуноҳни сотиб олганимга армон билан кетаётганим учун менга охират сафарига кетган азизлар бирор фойда бера олмайдилар, шу туфайли, бу йўлда ўз ожизлигим нақдини охиратга озуқа қилай, дегим келади. Унинг бу билан боғлиқ фикрлари янада кучлироқ оҳангда баён қилинади:

*Чаман ўз мотамига шабнамидин дийда тар қилсун,  
Дегил, булбулга бошига сочиб гул нола сар қилсун,  
Қаро кийгизни илган бўйнига қумрини пар қилсун,  
Хазондин дод этиб вақти саҳар улкарни кар қилсун,  
Ридо бўйнимда ман ҳам якка фарёд айлайин дерман.*

Яъни, дунё чаманлари ўз мотамида шабнамдан кўзларини нам қилиб йиғласин, булбулга ҳам айтки, бошига гуллар сочиб нола қилсин ва хазон ғами тўйдиргани учун саҳар вақти сайраб хулкар юлдузни қулоғини кар қилсин, мен ҳам унга қўшилиб, ридони бўйнимга ташлаб якка фарёд – баланд овозда нидо қилай дейман.

Хўш, шундай дард-аламга тўла нола қилган шоир мақсадига етдими? Қилмоқчи бўлган ишларини қила олдимми? Ҳа! Бу бежиз эмас, чунки у шунга лойиқ шахс эди. Бутун умр илм ва маърифат, Ҳақ ризоси, эзгулик ва адолат учун ўзини бағишлаган шоирни бу мақомга етиши унчалик қийин эмас. Унинг бир умрлик ҳаракати, фаолияти ўша буюк Зот муҳаббатига олиб борувчи амалларга сарф бўлган эди. Аввалига, у:

*Ишқ ўтининг гудози дилдан асар берибдур,  
Қунобайи жигардин ашким равон эмасму?*

Яъни, дилимдаги ишқ ўтининг қозони – ўти ўзининг асарини кўрсатди, яъни бу жигаримнинг қонидан оқаётган ёшдан, дея айтган бўлса, кейин:

*Унвони гам ёзурда сийнамни сафҳасига,  
Оҳиста чек рақамни дил нотавон эмасму?*

Эй азал котиби, қалбим саҳифасига "Бу дардли кўнгил" деб ном қўйишда қаламни оҳиста юргизилки, дилим анчадан бери заиф ва ожиз эмасми, дея қалби ишқ хароратидан озурда ва ўта заиф ҳолга келганини айтади.

### *Мансурнинг дори қаерда?!*

У шундай қилиб, турли манзилларни босиб ўтиб ўзи орзу қилган бу улуғ йўлга етади, етганда ҳам бира-тўла етади. Бу улуғ даргоҳга бошқалар оёғи билан келса, у боши билан кириб келади. У бу йўлда ўзини ишқ аҳлига зарбулмасал бўлган Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнунларга баробар кўриш, балки улардан ҳам ўзини устун қўйиш мақомига етади:

*Дедим ушиоқ элига йўқ мани бошимни даркори,  
Осинг то сарбаланд ўлғум, қани Мансурни дори,  
Биёбон қатъи бирлан бўлмагай ишқ аҳлини кори,  
Кесулмас теша-пеша айламакдин ғамни кўҳсори,  
На деб ойини Мажнун, расми Фарҳод айлайин дерман.*

Яъни, ишқ аҳлига: "Эй ошиқлар, менинг бошимни кераги йўқ, Мансурни дори қаерда, унга осингларки, то у баланд кўтарилсин", дедим. Ахир, биёбонларни кесиб ўтиш билан ишқ аҳлининг иши битармиди?! У шундай ғам тоғики, парча-парча қилганда ҳам тугамайди. Шунинг учун Мажнуннинг одати-ю, Фарҳодни расмини қўллашимдан нима фойда?! Биратўла осилганим яхшироқ, дейман.

Шундай қилиб, у ўзи орзу қилган кишилар қаторидан жой олди. Энди унинг жойи қозихона эмас, балки майхона – ошиқларга илоҳий ишқ улашиладиган даргоҳ. У дардлардан қутилди, уни бундан кейинги дарди фано мақомига бошини олиб кетиш. У бунгача босиб ўтилиши зарур йўлларни тез ва осон босиб ўтди:

*Вафо хумхонасин саржўшини соқийси дилдорим,  
Мухаббат бодасин дурдин бериб соф айлади корим,  
Матои нахватимни таиладим то жубба, дасторим,  
Кетубман ўзлигимдин эмди аҳбоби худройим,*

*Фано сарманзилига сарни иршод айлайин дерман.*

Яъни, вафо хумхонасида шароб улашувчи соқий менинг дўстимдирки, у менга шароб қуйқасини бериб яъни, қалбимга муҳаббат оловини ташлаб ишларимни ўнглаб қўйди, шу сабаб бор матоим, чакмону салламгача бошимдан ташладим. Энди буёғига бошимни фано сарманзили томон бошламоқчиман. Унинг ҳимматини баландлигини мулоҳаза қилиш керак!

Хўш, бу манзилга етдимиз, ёки ярим йўлда қолиб кетдимиз? Йўқ, у бу манзилга ҳам етди. Бунинг хушхабарини харобот аҳлига унинг ўзи етказди:

*Кеча пири муғон бир кимсани девона қилмишдур,  
Кириб майхонани кунжизга Рожий ҳам сиқилмишдур,  
Ичибдур бодани икки аёғила йиқилмишдур,  
Биҳамдиллоҳ, келуб боши билан хумга тиқилмишдур,  
Харобот аҳлини бу муждадин шод айлайин дермай.*

Эшитдингизми, кеча бир пири муғон – ошиқларга ишқ шаробини улашувчи тариқат пири майхонада бир одамга майни кўпроқ бериб уни маст – девона қилганмиш. Рожий ҳам ўша майхонанинг бир бурчагига суқилиб кириб ишқ майидан қониб ичиб, ўзини тутолмай оёғи билан йиқилганмиш, ҳатто шукрки, боши билан келиб хумга йиқилганмиш. Шу туфайли тезроқ, бу хабарни харобот аҳлига уларни бу ишдан хурсанд ва шод қилай дейман.

Бу Рожий маънавий камолотининг энг сўнгги босқичи эди. Маълум бўлмоқдаки, Рожий мазкур мухаммасда ўзининг ҳақиқий ошиқ экани, у ичган ишқ шароби унча-мунча кишилар ичгани каби шунчаки бўлмай бутун вужуди билан қониб-қониб ичилган шароб эканини айтмоқда. Демак, Рожийнинг ишқи дилидан, у бошқа ошиқлар каби ошиқ эмас. У онгли, чуқур тафаккурли ошиқ, ишқ ва унинг ҳақиқатини англаган ошиқ, шунчаки ишқнинг дастлабки ҳарорати етиши биланоқ ўзини унутган мажзуб ошиқ эмас, у ишқ ва ошиқлик ҳақиқатини чуқур англаб етган ва буни англаш учун узоқ йиллар ҳаёт тажрибаларини бошидан ўтказган, ўзи айтмоқчи, ҳаётини

қозилик ва фатво иши билан тугатиб, булардан қалби баҳра олмай жуда муштоқ ва ташна бўлганида май ичган ошиқ. Унинг ишқининг қиймати ҳам шунда.

Рожийнинг илоҳий ишқ йўлидаги зору нолалари, интизорлигу ҳижрони ҳақида сўз кетганда уни Жомий ғазалига қилган бир тахмисини келтирмаслик мумкин эмас. Рожий унда ўзининг ёр висоли йўлидаги изтироб ва кечинмаларини Жомий сатрларига ҳамоҳанг ҳолда моҳирона баён қилган эди:

### ***Мухаммас Рожий бар ғазали мавлавий Жомий***

*Чи таъна дори, хабар надори з-ҳоли зорам ту зоҳид асло,  
Жудо фитода зи васли ёрам ба кунжи гурбат нашаста аз  
по,*

*Ба нола жўшам, ба ғам хурушам, чунончи Мажнун зи  
ҳажри Лайло,*

*“Ахунну шавқан ила диёрин лақийту фийҳа жамола Салмо,  
Ки мерасонад аз он навоҳи, навид лутфе бажониби мо”.*

*Маризи ҳажрам туро бижўям, ҳарим кўйи туам ирода,  
Тариқи васли туро бинўям фитодам, аммо ба раҳ пиёда,  
Шикаста ҳолам, ҳамиша нолам, ба хоки меҳнат сарам  
ниҳода,*

*“Ба водии ғам манам фитода зимоми фикрат з-дасти дода,  
На бахт ёвар,на ақл раҳбар, на тан тавоно, на дил  
шикебо”.*

*Агар бувад жон, муфтем индар ва гар ба ту дил сўйи ту  
моил,*

*Вазоъту роъсий ҳарима бобик, ва дамъу айни алайҳи соил,  
Ҳия л лаъолий ила жанобик ва кана ҳаза лиял масолик,  
“Зиҳи жамоли ту қиблаи жон ҳарим кўйи ту каъбаи дил,  
Ва ин сажадна алайка насжуд ва ин саъайна илайка насъо”.*

*Манам нашаста ба кунжи меҳнат, на дил саломат зи  
таъни тоъин,*

*Кашида танҳо ғами фароқат, надида қатъан касе муъовин,*



*Нихуфта будам, на гуфта будам, ба гайри маҳрам з-рози ботин,*

*“Зи сирри ишқи ту бувад сокин, забон арбоби шавқ, лекин,  
Зи безабони гами ниҳоний, чунонки дони шуд ошкоро”.*

*Зи заҳми тийғат на дил саломат, зи тийғи ишқат на сийна холий,*

*Ман охир ийнам бағам қаринам, чи гўям аз ин шикаста холий,*

*Ала-а ҳабибий илайя унзур маризту ҳамман аълат таволий,*

*“Бақат уйуний, аъла шуйуний, фа са-ъа ҳолий вало уболий,  
Ки донам охир табиби васлат маризи худро кунад мудово”.*

*Раҳи висолат аз ин жудойи, ҳамиша жустам зи бенавойи,*

*Дили ҳазинам дар ин гадоийи надийда аз ғам даме раҳойи,*

*Биҳамдиллоҳи расидам охир, ба хоки кўят ба жабҳа сойи,*

*“Ба нози гуфтий фулон кужойи чи буд ҳолат дарин жудойи,*

*Маризту шавқан ва мутту ҳажран, фа кайфа ашқу илайка шакво”.*

*Тариқи кўят бажон бурида, надийда рўят давида ҳар су,*

*Умиди вуслат намуда Рожий, расида бошам баҳоки он кў,*

*Кифоятаст ин, чи давлатаст ин, дигар багўям баъидам аз*

*ту,*

*“Бар остонат камина Жомий мажзоли дийдан надийда аз он рав,*

*Бакунжи фурқат нашиста маҳзун, ба кўйи меҳнат гирифта маъво”.*

**Таржимаси:** "Эй зоҳид, сен мени ҳолимдан хабарсиз бўлиб, нима учун менга таъна қиласан! Ахир мен ёрим висолидан жудо бўлиб, ғурбат кунжида оёқдан қолиб ўтирибман. Гўёки, Лайлидан ажраган Мажнун каби нола қилиб, ғамдан куйяпман. “Шавқим Салмо жамолига йўлиққаним

ўша водий томонга тортади, чунки ўша томонлардан бизга лутф хабарини етказганлар”.

Ҳижрон дардида сени ахтараман, сенга маҳрам бўлиш мақсадимдир. Васлинг йўлига юраман, аммо ноилож пиёда кетаяпман. Бошимни меҳнат туфроғига қўйиб, узлуксиз нолаю фиғондаман, ҳолим беҳад ёмондир. “Сенинг фикринг жиловни қўлдан кетган, ғам водийсида йиқилиб қолганман, дилим сабрсиз, жисмим кучсиз, на бахт ёрдамчи-ю ва на ақл раҳбар менга!”.

Агар жоним бўлса уни сенга бердим, дилим бўлса у ҳам сенга моилдир. Бошимни сени остонганга қўйдим, кўз ёшларим эса оққан. Улар қимматбаҳо дур каби сенга совғадир ва бу бизнинг мақсадимиздир. “Сени жамолинг қандай ҳам яхшики, у менинг қиблам, кўйинг эса дилим каъбаси. Зотан, агар сажда қилсак сенгагина сажда қиламиз ва юрсак ҳам сен томонга юрамиз”.

Қийинчилик – меҳнат кунжида ўтирибман, аммо кўнгил таъначилар маломатидан фориғ эмас, фиरोқинг ғамини бир ўзим тортяпман, ҳеч ким ҳамдам эмас. Шу билан бирга пинҳонда бўлиб, бу ҳақда бирор кишига оғиз очмадим ва маҳрамдан бошқа бирор кишига кўнгил сирини айтмадим. “Шавқ арбобларининг тили ишқинг сиридан сокин эди, бироқ безабонларни пинҳон ғамини сен ошкоро каби бил”.

Тиғинг захмидан дил саломат эмас, ишқинг тийғидан эса кўнгил хотиржам эмас. Мен шундайки, ғам билан биргаман, бу абгор ҳолимдан яна нима дейин?! Эй менинг дўстим, мен томонга бир қара, ахир мен доимий дардга мубталоман. “Кўзларим шавқингда йиғлайди, бас аҳволим ёмон бўлди, лекин бунга парво қилмайман. Фақат айтаманки, сени висолингина мени дардимга даво бўлади”.

Бу жудоликдан васлинг йўлини бенаволик билан ахтараман, ғамнок дилим бу хил гадолик боис бир нафас ҳам ғамдан холи эмас. Шукрки, охир етиб, кўйинг туфроғига юзимни суришга муваффақ бўлдим. “Энди меҳрибонлик билан, “Фалончи қаерда, бу жудоликдан холи нима кечди?” деб ўзинг сўра. Чунки, мен

шавқингдан бемор бўлиб, ҳижрондан ўлдим, қандай қилиб сенга айтай?!”

Васлинг йўлида жоним билан кездим, жамолингни кўра олмай кўзларим ҳар ён термулади. Агар васлинг умидида Рожий сени туфроғингга етишган бўлса, унга кифоя, бу қандай давлат. Бундан бошқа нима дейки, ахир узоқда бўлсам?! “Охир Жомий бечораҳоллик билан остонангда турибди-ю, лекин жамолингни кўришга мажоли етмади. Ночор, у туфайли фироқ кунжида маҳзун ўтириб, ғам кўчасини ўзига маъво қилган”.<sup>644</sup>

---

<sup>644</sup> Таржима Р.Файзуллаевники.

## РОЖИЙ АСАРЛАРИДА ПАРВАРДИГОР ЗИКРИ

Маълумки, Исломда мўмин-мусулмонлар амалиёт ва ақидада адашмай амал қилиб боришлари учун Аллоҳ ва унинг расули тарафидан энг тўғри йўл кўрсатиб берилган. Мужтаҳид уламоларимиз тарафидан оят-ҳадислар асосида баён этилган ушбу йўлнинг амалиётга оид бўлгани фикҳий мазҳаблар деб айтилса, эътиқод борасидагиси ақидавий мазҳаблар деб аталади. Ушбу ақидавий мазҳабга "Аҳли суннат вал жамоат ақидаси" деб айтилади ва бу энг тўғри ақидавий мактаб экани эътироф этилган.

Бу улуғ мактабда икки йўналиш Абу Мансур Мотуридий Самарқандийга нисбатланган "Мотуридия" ва Абулҳасан Ашъарийга нисбатланган "Ашъария" эътиқод мактаби мавжуд. Баъзи жузъий фарқларни эътиборга олмаганда ҳар икки мактаб эътиқоди Китоб ва Суннат асосида баён этилган. Дунёдаги сунний эътиқодидаги барча мусулмонлар ушбу икки ақида мактаби – ягона суннийлик эътиқодига амал қилиб келадилар. Рожий Марғинович ҳам ҳанафий мазҳабига амал қилувчи мўмин сифатида Аҳли суннат вал жамоат ақидасининг Мотуридия йўналишига мансуб бўлган ва барча ақидавий қарашларини ушбу таълимот асосида баён қилган.

Маълумки, ақида инсоннинг қалбига алоқадор мавзу бўлгани учун уларда асосан, имон ва ислом, Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари, Пайғамбарлар, фаришталар, китобларга имон, умуман имон мавзуси, қиёмат куни ва унда бўладиган ишлар, тақдир ва қазо, қабр азоби ва роҳати, жаннат ва дўзах, бандаларнинг феъллари ва амаллари каби юзга яқин ақидавий мавзулар ўрганилади. Булар ушбу мавзуга оид китобларда батафсил баён қилинган.

Рожий Марғинович асарларида ҳам унинг ёрқин мисолларини кўрамиз. Улардан баъзилари устида тўхталиб ўтсак.

Рожий 1320 йилда ҳаж ибодатини адо этиш учун Макка Мукаррамага боради. Қайтаётиб Мадинаи Мунавварада Саййид Абдуллоҳ Маданийнинг ҳовлисида меҳмон бўладилар.

Ўша ерда ёзилган араб тилидаги маснавийсининг асосий қисми ақидавий мавзуларнинг энг асосийси Аллоҳ таолонинг улуғлиги ва гўзал сифатларига бағишланган.

Маълумки, Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққиз сифати борлиги айтилган. Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Аллоҳ толонинг тўқсон тўққиз исми-сифатлари бордир, ким уларни ўқиса (бошқа ривоятда ёд олса) жаннатга киради".<sup>645</sup>

Аллоҳ таолонинг сифатларини барчаси гўзал ва баркамол сифатлар бўлиб, нуқсондан ва заволдан буткул пок ва холидир. Ҳеч бир жиҳатдан яратган нарсаларининг сифатларига асло ўхшамайди, сифатлари Ўз зоти билан қоимдир. Йўқ бўлмоқ ва бор бўлмоқ каби нарсалардан муназзаҳдир. Исм ва сифатлари ҳам Зоти каби азалийдир, аввали йўқ, абадийдир, охири йўқ. Бандалар Парвардигори оламни Ўзи баён қилиб берган ана шу сифатлари орқалигина биладилар, танийдилар. Аммо унинг зотини билишга эса ақлларининг қуввати етмайди. Сўфи Оллоҳёр айтганидек:

*Кўнгилда кечса, кўзга тушса ҳар шайъ,  
Эрур андин муназзаҳ Холиқу Ҳай.*

*Фаришталар, набийлар етмадилар,  
Бўйин сундилару фикр этмадилар.*

*Вале фикр эт Худонинг қудратига,  
Ажойиб ишларига, санъатига.*

Шу билан бирга Парвардигорнинг ҳар бир сифатидан уни зикр қилувчи бандага насиба ва ахлоқига маълум даражада таъсирлар бўлади. Баъзи тасаввуф машойихлари айтишларича, "Ҳар бир инсонда тўқсон тўққиз қоронғулик бор, булардан тўқсон тўққиз ёмонлик келиб чиқади. Аллоҳ таолонинг тўқсон

---

<sup>645</sup> Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. "Саҳиҳ ул-Бухорий"... 10-ж, 85-б; Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсобурий. "Саҳиҳу Муслим"... 17-ж, 259-б.

тўққиз исми-сифатини зикр қилинса, шу исмларнинг нури инсон замиридаги қоронғуликни ёритади. Натижада, ёмон хислатлар йўқолади ва инсон қалби ёруғлик нури билан тўлиб, унинг манглайида нуруният пайдо бўлади".<sup>646</sup>

"Ҳилият ул-авлиё" айтишларича қалблар Парвардигор Зоти покини кўришга мушток бўлади. Шунинг учун ҳам уларга ўз исм-сифатларини билдирдики, ошиқлар Унга йўлиққинларига қадар улар билан овуниб турадилар. Парвардигор ўз исмларини уларга таскин бериш ва орифлар қалбларини улфат қилиш учун бандаларга маълум қилди".<sup>647</sup> Демак, бандалар ушбу шарафларга эга бўлишлари учун ҳам Парвардигор сифатларини билишлари керак.

Ана шуларни инобатга олиб ҳам Рожий ўзининг мазкур маснавийсида Аллоҳнинг гўзал исм ва сифатларидан бир нечасини зикр қилиб ўтган. Қуйида уларни Рожийнинг кичик замондоши Абдулазиз Ғолиб Марғилонийнинг "Шарҳу асмауллоҳ" китоби асосида келтирамиз.

*Ҳуваллоҳу боқин адимун сивоҳ,  
Фала шайъа наъбудуҳ иллаллоҳ.*

**Таржимаси:** У Аллоҳ доим боқий қолувчи бошқа нарсалар эса йўқ бўлувчидир. Ундан ўзга бирор нарсага ибодат қилмаймиз, бинобарин, Аллоҳдан ўзга ибодат қилишга лойиқ зот йўқдир.

Аллоҳ таолонинг "Ал-Боқий" сифати Унинг доимий борлиги ва абадийлигидир. Бутун махлуқот йўқ бўлиб кетганида ҳам У боқий қолур. Шунингдек, Ундаги барча сифатлар ҳам доимийдир.

*Ҳуваллоҳу ҳодин сабила-р-рашод,  
Ҳуваллоҳу далилун тариқа-с-суъод.*

---

<sup>646</sup> Абдулазиз Ғолиб Марғилоний. Шарҳу Асмауллоҳ. Қўлёзма, 9-б. Р. Файзуллаев кутубхонаси.

<sup>647</sup> Абу Нуъайм ал-Асбаҳоний. "Ҳилият ул-авлиё". 3-ж, 432-б.

**Таржимаси:** У Аллоҳ бандаларни тўғри йўл ҳидоят қилур ва уларни саодат йўлига йўллар.

Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири "Ал-Ҳодий" – мўминлар қалбига ҳидоятни илҳом этувчидир. Ақида бўйича ҳидоят ва залолат фақат Аллоҳдандир. У ўзи хоҳлаган кишиларни тўғри йўлга йўллар, У ҳидоят этган кишиларга бирор адаштирувчи, У адаштирган кишиларга бирор ҳидоят кўрсатувчи йўқдир. У бандаларга меҳрибонлигидан уларга саодат йўлини кўрсатгандир.

*Ҳуваллоҳу раббун алал ʼаламин,  
Ҳуваллоҳу кофин лиман ястаъин.*

**Таржимаси:** Аллоҳ барча оламларни тарбия қилувчидир ва ким ундан ёрдам сўраса у унга кифоя қилувчидир.

Аллоҳ таоло мураббий, тарбиячи, барча махлуқотини йўқдан яратиб. Уларни доимий равишда тарбия қилиб борувчи ҳақиқий мураббий бўлган Зотдир. Барча махлуқотлари унинг тарбиясига муҳтож, Ундан ўзга бирор тарбиячи, Робб бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, Парвардигор бандаларининг барча ишлари, ҳожатларига кифоя қилувчи, уларни гўзал тарзда битказиб берувчи Зотдир. Шундай экан, ким Унга суйанса, сабабларига киришган ҳолда барча ишларини Унга топширса, албатта, унга кифоя қилувчидир.

*Ҳуваллоҳу ҳасбий ва неъмал вакил,  
Ҳуваллоҳу рофиъун лиқулли залил.*

**Таржимаси:** Менга ёлғиз Унинг ўзи кифоя, зотан, У барча хор-залилларни ҳам юқори кўтарувчидир.

Ушбу байт юқорида келтирилган маънолар тақозоси бўлиб, аввлги байтда Парвардигори оламни ёрдам сўраган бандасига кифоя қилувчи экани айтилиб. Бу ерда Рожий ўзига У зотни кифоя қилишини фахр билан айтмоқдаки, бу Қуръони каримда келтирилган оятлар маъносига мувофиқдир.

Аллоҳ таоло "Ар-Рофъ" – мўмин бандаларини ўзига яқин қилиб, юқори мартабаларга кўтарувчидир. Ғолиб Марғилоний ёзади: "Бандаларни ҳидоят этиб Ўзини танитиши уларни кўтарганидир. Банда мазкур мартабани бир умр сақлаб бориши, унга нолойиқ бўлган сифатлардан зинҳор сақланиб юриши зарур бўлади. Бу эса Унга итоат этиш ва қайтарганларидан сақланиш билан бўлади. Шу билан бирга банда ўзини Ундан бошқа ҳеч ким юқорига кўтара олмаслигини ҳам билиши керак".

*Ҳуваллоҳу хобирун бимо фис-с-судур,  
Ҳуваллоҳу муфавваз илайҳил умур.*

**Таржимаси:** У Аллоҳ диллардаги яширин нарсаларни ҳам билувчидир, барча дунё-охират ишларида фақат унгагина суянилади.

Аллоҳ таоло "Ал-Хобир" – огоҳ ва хабардор Зотдир. Ер ва осмондаги ҳамма нарсалар хоҳ ҳаракатда, хоҳ сокинликда бўлсин, ҳаммасидан Аллоҳ таоло хабардордир. Банданинг қандай ва нима фикрда турганидан Парвардигор огоҳ ва хабардор бўлиб туради.

Унинг хабардорлиги даража бадаража эмас. Ҳамма вақт узлуксиз хабардордир. Имом Ғаззолий: "Хабар – илм маъносидадир. Қачонки, имлнинг ботин махфий нарсаларга таъсири бўлса, шуни хабар дейилади", деб айтганлар. Хабар яна мухбир маъносида ҳам келади. Бу маънода Аллоҳ таоло ўз илмидан ўзи хабар берувчидир. Ўз каломида пайғамбарлар орқали ўтмишдаги ва келгусидаги ишлардан, яъни қиёматдан ва бошқа жаннат-дўзах, фаришталар, жин ва шайтонлар воқеаларидан хабар берувчидир.

*Ҳуваллоҳу муътин касир ул-эхсон,  
Ҳуваллоҳу муъинун лиман истаъон.*

**Таржимаси:** У Аллоҳ яхшиликлари бисёр бўлган, ёрдам сўраганларга ёрдам берувчи зотдир.



Аллоҳ таоло эҳсон ва карам соҳиби бўлган зотдир. У ўз карамини барча махлуқотига баробар очган. Аммо улар орасидан кўпроқ бандаларига қаратган. Бандалари орасидан эса имон аҳлини ўзининг махсус карамига хослагандир:

*Бани Одамга чун таширфи каррамно карам қилди,  
Алардин аҳли имонни азизу муҳтарам қилди,  
Сиротул мустақимда юргали собит қадам қилди,  
Тавалло бирла юрмак асли имондур аҳам қилди,  
Адоват бирла юрмак халқ аро ҳам шарри шайтондин.*<sup>648</sup>

Бандаларга берилган имон ҳам аслида унинг фазли карамидандир. Агар унинг фазли бўлмаганида бирор бир кимса ўзича имон давлатига мушарраф бўла олмас эди:

*Адамдин йўқ эдик келтурмоги аввалги инъоми,  
Кафи хокига каррамно либосини бериб соний,  
Ҳидоят этгали ирсол этиб бизга набийнони,  
Ҳақиқатга келиб Қоил карам айлаб мусулмоний,  
Умид улдурки, ислом аҳли боимон кетар бир кун.*<sup>649</sup>

*Ҳуваллоҳу бизикри-л-жамили жадин,  
Ҳуваллоҳу аъла кулли шайъин қодир.*

**Таржимаси:** Аллоҳ гўзал сифатлар билан мақталишга лойиқ ва барча ишларга қодирдир.

Аллоҳ таоло барча гўзал сифатлар билан мақталувчи ва олқишланувчи Зотдир. Барча мақтовлар ва ҳамдлар унгагина хосдир. Улуҳият. Рубибият, Жамолият, Жалолият, Моликият ва барча ўзига хос бўлган сифатларда Ундан бошқа мақталадиган ва улуғланадиган Зот йўқ. Шунинг учун ҳам У ўзига ҳамд айтган. Ҳеч ким уни улуғлиги қадар мақташга қодир бўла

<sup>648</sup> Раҳматуллоҳ Файзуллаев. Нодиржон Абдулаҳатов. Абдуссамад Охунд Қоил Марғионий... 301-б.

<sup>649</sup> Раҳматуллоҳ Файзуллаев. Нодиржон Абдулаҳатов. Абдуссамад Охунд Қоил Марғионий... 415-б.

олмайди Ҳатто пайғамбарлар ҳам бу борада ўз ожизликларини эътироф этишган. Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Парвардигоро, мени сенга зоти покингга лойиқ ҳамд айта олмаймай, сен ўзинг ўзингга ҳамд айтганинг кабисан", деб айтганлар.<sup>650</sup>

Бошқа бир ўринда эса: "Аллоҳим, сенга ҳамд айтганимиз ва айтадиганимиздан кўра яхшироқ ҳамдлар бўлсин!", дея олқишлаганлар.<sup>651</sup>

*Аллоҳ барча ишларга қодирдир.*

Ҳа, Аллоҳнинг қудрати етмайдиган бирор иш йўқ, У Ўзи хоҳлаган ва ирода қилган ҳар ишга қудрати етувчидир. Мутлақ қудрат ва қувват соҳиби Унинг Ўзидир. Ундан бошқа бирор бир қудрат ва қувват соҳиби йўқ. Барча қувват эгалари ҳам Унинг қудрати ва ёрдамига муҳтождир. Унинг ёрдамисиз ҳеч ким, ҳеч қачон бирор ишга қодир бўла олмайди.

*Ҳуваллоҳу латифун гаффору-з-зунуб,  
Ҳуваллоҳу басирун шаҳидул гууб.*

**Таржимаси:** У Аллоҳ латиф ва гуноҳларни мағфират қилувчидир. У барча нарсани кўриб турувчи ва ғайбларни ҳам билувчи Зотдир.

"Ал-Латиф" – Худойи таоло бандага лутф ва меҳрибонлик қилувчидир. Бандаларнинг кундалиқ ризқлари ва насибаларини сабабли ва сабабсиз ҳам етказиб берувчидир. Унинг инояти бандаларини тоқатларидан ортиқ нарсаларга таклиф қилмаслигидир. Бандалари ҳар қанча нофармонлик қилсалар ҳам дарҳол азоб бермаслигидир. Балки уларни ризқини кам қилмай, тавба қилишлари учун етарли муҳлат ва имконият беради. Аллоҳ таолонинг "Ал-Латиф" сифати оламдаги барча нарсаларда кўринади.

Борлик – табиатдаги ҳар бир жонлик ва жонсиз мавжудотга ўзига мувофиқ назокат ва латофат берган. Оламдаги

---

<sup>650</sup> Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсобурий. "Саҳиху Муслим"... 2-ж, 51-б.

<sup>651</sup> Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. "Сунани Термизий"... 5-ж, 537-б.

денгизлар ва тоғлар, осмондаги жисмларнинг ҳаммаси бошланиши ва таркиби кўзга кўринмас латиф ва нозик нарсалардан таркиб топгандир. Аллоҳ таолонинг латофати ва назокати шунчаларки, осмондан ерга тушгунича ва тушиб бир лаҳзада эриб кетадиган қорни ҳам ажойиб шакл билан яратган. Бир кунлик умр кўрадиган капалакларни ҳам шундай чиройли безайдики, бундай либосни ҳеч бир подшоҳ ва малика киймагандир. Булар моддий оламдагилар. Руҳоният оламидаги маънавий латофат ва назокатни эса ҳеч бир тил билан таъриф қилиш мумкин эмас. Чунки уларни бу дунёда ўхшаши йўқ. У олами руҳониятни ҳеч кўз бу дунёда кўрмаган ва эшитмаган. Инсондаги бирор назокат ва латофат, завқ-шавқ бошқа ҳеч нимада топилмайди. Бу улуғ неъмат ҳеч кимга муяссар бўлмайди. Худойи таоло ўз лутфи карами билан бандага маънавий ва моддий неъмат бериб турувчидир.

Аллоҳ таоло гуноҳларни кечириви Зотдир. Агар банда астойдил надомат чекиб, қилган гуноҳига яна қайта қилмаслик шарти билан тавба қилса Парвардигор албатта, уни кечади. Банданинг тавбага муваффақ бўлиш ҳам Ундандир. У Ўзи хоҳлаган бандасига тавба насиб этади. Демак, банда тавбани ҳам Ундан сўраши керак.

Тавба гуноҳлар юкидан озурда бўлган бандаларга умид эшигини очадиган энг катта йўлдир. Тавба сабабли душманлар дўстга, бегоналар ошнога айланади. Бандалар учун тавба қилиш уларнинг оталари Одам алайҳиссаломдан қолган. Оталарининг тавбасини қабул қилиб, жаннатга лойиқ кўрган Зот уларнинг фарзандларини ҳам тавбага буюрган:

*Гуноҳингга туриб йиғлаб саҳарларда надомат қил,  
“Золамно роббано” бизларга мероси падар охир.<sup>652</sup>*

---

<sup>652</sup> Раҳматуллоҳ Файзуллаев. Нодиржон Абдулахатов. Абдуссамад Охунд Қоил Марғионий... 289-б.

Аллоҳ таоло "Ал-Басир" – барча нарсаларни кўриб турувчидир. У ўз улуғ зотига хос бир сифат билан кўради, бирор нимани кўриниши яна бошқа нимарсани кўришига тўсик ва монъелик қилмайди. Ер ва осмондаги катта-кичик нарсаларни ҳамма вақт баробар кўриб туради. Шунингдек, бандалар қандай аҳволда ва қандай феълларда турганини баайни кўриб туради.

*Ҳуваллоҳу ябқо сиваллоҳу язул,  
Алайно дуоун ва минҳул қабул.*

**Таржимаси:** Аллоҳ ёлғиз ўзи боқий қолур, Ундан ўзгаси, албатта завол топувчидир. Биздан дуо қилиб сўраш, Ундан эса беришдир.

Ягона боқий ва абадий қолувчи Зот Аллоҳ таолонинг Ўзигинадир. Ундан бошқа ҳамма нарса фоний ва йўқ бўлувчидир. Кейин эса Аллоҳ ўзи қолишини ҳохлаган нарсалар боқий қолади.

Аллоҳ бандалар қилган дуо-илтижоларни албатта, қабул қилади. Имом Табарий ўз тафсирида келтириган ҳадисда айтилишича бир аъробий Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: "Эй Аллоҳнинг элчиси, Аллоҳ таоло биздан узоқми унга нидо қилсак, ё яқинмики, унга муножат қилсак?", – деди. Шунда қуйидаги: "Эй Муҳаммад бандаларим сиздан мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилаётган пайтларида дуо қилувчиларининг дуоларини ижобат қиламан." мазмунидаги оят нозил бўлган. (Бақара сураси 186-оят).<sup>653</sup>

Имом Бухорий ва Муслим ўз саҳиҳларида Абу Мусо Ашъарий р.а.дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам овозларини баланд кўтариб дуо қилаётган кишиларга: "Овозларингизни кўтариб ўзларингизни қийнаманглар, сизлар узоқда бўлган

<sup>653</sup> Муҳаммад ибн Жарир ибн Язид ибн Ғолиб Абу Жаъфар Ат-Табарий. "Тафсиру Табарий". "Муассасатур-рисола. 1410/2000. 3-ж, 480-б. www.qurancomplex.com

эшитмайдиган Зотга эмас, сизларга яқин ва дуоларингизни эшитувчи Зотга дуо қияпсизлар", – деганлар.<sup>654</sup>

*Хуваллоҳу тамилу илайҳил жинон,  
Хуваллоҳу мақулун бикулли лисон.*

**Таржимаси:** У Аллоҳ шундай зотки, диллар доим Унга интилиб яшайди ва Унинг исми зоти барча тилларда зикр қилинади.

Ҳа, ориф ва ошиқ бандаларнинг диллари доим Аллоҳ таолога интилади, Унга лойиқ банда бўлишга уринади. Бу уларни Парвардигори оламни танигани ва унинг маърифатини ҳосил қилганидандир. Чунки киши бировга муҳаббат қилиши ва унга интилиши учун, албатта уни таниши ва билиши керак. Орифлар ва ошиқлар эса У зотни таниганлари учун ҳам доим диллари У томонга моил. Аслида бу ҳолат ҳар бир мўмин қалбида бўлиш лозим бўлган ишдир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло барча тилларда зикр қилинадиган ва тилга олинадиган буюк Зотдир. Дунёда уни мақтамаган ва унга тасбеҳ айтмаган бирор бир жонзот, балки жамоdot йўқдир. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилган: "Етти осмон, ер ва ундаги бор барча жонзот Аллоҳга тасбеҳ айтар (уни поклаб ёд этар). Мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан У Зотни поклар. Лекин сизлар (эй инсонлар), уларнинг тасбеҳ айтишларини англамасизлар". (Исро сураси 44-оят).

Табарий ўз тафсирида Жобир ибн Абдуллоҳ р.а.дан келтирган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: "Мен сизларга Нуҳ алайҳиссалом ўғлига буюрган гапини айтиб берайми? У ўғлига деди: "Эй ўғлим, мен сенга "Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи" деб

---

<sup>654</sup> Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. "Саҳиҳ ул-Бухорий"... 21-ж, 210-б; Муслим ибн Ҳажжож ан-Найсобурий. "Саҳиҳу Муслим"... 8-ж, 73-б.

тасбеҳ айтишингга буюраман. Чунки бу барча махлуқотнинг айтадиган тасбеҳидир".<sup>655</sup>

*Ҳуваллоҳуллазий ҳаййун ло ямут,  
Ҳуваллоҳу ядуму сиваллоҳу яфут.*

**Таржимаси:** Аллоҳ доим барҳаёт, ҳеч қачон ўлмайдди, Унинг ўзи боқий қолиб, бошқа барча нарсалар йўқ бўлади.

Аллоҳ таоло "Ал-Ҳайй" тирикдир, бироқ унинг тириклиги бизга ўхшаш жон ва жасад билан эмас. Ўзига хос бир сифатдирки, бу сифатни банда билиш мумкин эмас. Унинг бу сифати ҳамма мавжудот, хоҳ жисмоний, хоҳ руҳоний бўлсин, ҳаммасини ихота қилувчидир. Унинг бу сифати ўз зотида бўлиб, давомати ўзи биландир. Ҳаргиз заволи ва охири йўқдир. Мўмин банданинг дилини ҳаётлиги зикру тасбеҳ ва тоат-ибодат биландир.

*Ҳуваллоҳу якфий лиман эътамад,  
Ҳуваллоҳу холиқун бигайрил мадад.*

**Таржимаси:** Аллоҳ унга суянган кимсага кифоя қилувчи, ўзи эса ҳеч қандай кўмакка муҳтож бўлмаган Холиқ – буюк яратувчи Зотдир.

*Ҳуваллоҳу гайрун лаҳул интиқом,  
Ҳуваллоҳу кабирун лаҳул эҳтиром.*

**Таржимаси:** Аллоҳ ғайратли ва золимлардан ўч олувчидир. Аллоҳ буюк ва эҳтиром қилинувчидир.

*Ҳуваллоҳу азимун лаҳул ихтиёр,  
Ҳуваллоҳу муяссирун ликуллил асор.*

---

<sup>655</sup> Муҳаммад ибн Жарир Табарий. "Тафсиру Табарий"... 17-ж, 454-б.

**Таржимаси:** Аллоҳ шунчалар буюкки, ихтиёр унинг қўлида ва У Аллоҳ ҳар бир қийинчиликни осон қилувчидир.

Аллоҳ таоло "Ал-Азим" – жуда улуғ ва буюқдирки, унинг қатта ва улуғлигига ақл етмайди, ақл ва тасаввурдан, идрокдан ташқаридир. Унинг буюқлигини ҳеч бир мисли йўқдир. Яъни, Унинг буюқлигини ҳар қанча таъриф-тавсиф қилган билан охирига етказиш мумкин эмас.

*Ҳуваллоҳу лиман шо-а яътин наъим,  
Ҳуваллоҳу юаззиб бинорил жаҳим.*

**Таржимаси:** Аллоҳ хоҳлаган кимсага неъмат берувчи ва шунингдек, Унинг Ўзи жаҳаннам ўти билан азоблагувчидир.

Аллоҳ таоло ўзига имон келтирган ва солиҳ амаллар қилган бандаларини жаннат неъматлари билан сийлайди, айна пайтда имон келтирмаган, умри куфрда ўтган кимсаларга эса аламли азобларни ваъда қилади.

*Ҳуваллоҳу вадудун мужибуд дуо,  
Ҳуваллоҳу ала-а лаҳул кибриё.*

**Таржимаси:** Аллоҳ мўминларнинг дўсти, дуоларни ижобат қилувчи зот, шундай экан, унга дуо илтижо қил, зеро ҳар қандай қийинчилик унинг ҳузурида осондир.

Аллоҳ таоло "Ал-Вадуд" – мўминларни дўст тутувчидир. Улар ҳам Аллоҳ таолони дўст тутадилар. Чунончи оятда келади: "Аллоҳ уларни яхши кўрур ва улар ҳам Аллоҳни яхши кўрурлар" (Моида сураси 54-оят).

Аллоҳ таоло "Ал-Мужиб" – бандаларининг дуосини ижобат қилувчидир. Дуоларга ижобат билан жавоб берувчидир. Балки бандалари дуо қилмасларидан илгари аларнинг ҳожатларини раво қилиб, сўнгра дилларига дуони келтирувчидир. Дуонинг ижобат бўлиш шартларидан – банда Аллоҳ таолонинг тақлиф-буйруқларини қабул қилиб, сўнг амалда

бажаришидир ва дуо қилаётган вақтда таъзим-тавозе ва одоб билан Аллоҳ таолога ўз ҳожатларини тилаб ёлворишидир.

*Ҳуваллоҳу насирун ва табаттал илайҳ,  
Вакуллу асирун ва ясирун ладайҳ.*

**Таржимаси:** У Аллоҳ бандаларга ёрдам берувчи Носирдирки, унга илтижо қил. Зотан, ҳар бир қийинчилик Унинг ҳузрида осондир.

Аллоҳнинг нусрати келса банданинг барча ишлари битади, агар У нусрат бермас экан, банданинг иши битиши душвор. Парвардигор оламнинг ёрдами ёрдам сўраганга ва сўрамаганга баробар етади. Аммо талаб қилганга берилган нусрат алоҳида бўлади.

*Ҳуваллоҳу юмийту ҳуваллоҳу юъид,  
Ҳуваллоҳу қодирун ала мо юрид.*

**Таржимаси:** У Аллоҳ ўлдиргувчи ва қайта тиргизгувчидир, У хоҳлаган ишига қодир зотдир.

Дунёдаги барча жонли махлуқотларни ўлдириш ва ва яна уларга қайта жон бериш фақат Парвардигорнинг Ўзига хосдир. Ундан бошқа жон берувчи ва ўлдирувчи бирор зот йўқ. Буларни англаган банда ўзига Аллоҳдан фойдали ва баракали умр ва гўзал хотима сўраб дуо қилиши керак.

*Ҳуваллоҳу қадимун илайҳил масир,  
Ҳуваллоҳу ганийун сиваҳу фақир.*

**Таржимаси:** Аллоҳ қадимдур, қайтиш ҳам унинг ўзигадир, У бой-беҳожат, ҳамма унга муҳтождир.

"Қадим" – борлигининг аввали йўқ маъносидадир. Ҳеч нарса бўлмағида ҳам Унинг ўзи бор эди. Ҳамма нарса йўқ бўлганида Унинг ўзи қолади.

Аллоҳ таоло "Ал-Ғаний" – бениёздир. У ўз зотида ва сифатида ҳеч кимга муҳтож эмас. Балки ҳамма Унга муҳтож. Ер



ва осмонлар хазиначарининг калити Ўзидадир. Барчасини ўз кудрати билан яратгандир, ҳаммасига Ўзи қадр-қиймат қўйган. Бинобарин, хоҳлаган бандасини оламдан бениёз қилади.

*Хуваллоҳу арсала-л-ҳудо лил-аном,  
Набийян Муҳаммад алайҳиссалом.*

**Таржимаси:** У Аллоҳ халқларга ином қилиб ҳидоят – Исломни, пайғамбар қилиб Муҳаммад алайҳиссаломни юборди.

Аллоҳ таолонинг Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни халқларга элчи этиб юбориши уларга бўлган энг катта инояти ва марҳаматидир. Зеро, айнан шу туфайлигина бандалар ҳақиқий саодат йўлини билиб, абадий роҳатга эришишлари таъминланади.

*Юножийка Рожий сабо-а масо,  
Тараҳҳам биҳи йа самиъад-дуо.*

**Таржимаси:** Эй Аллоҳ, Рожий сенга эртаю кеч дуо қилади: "Эй дуоларни эшитувчи зот. Унга ўзинг раҳм қил!

Аллоҳ таолонинг сифатларидан бири "Ас-Самиъ" – эшитувчи. Аллоҳ таолонинг эшитмоғи бизлар каби эмас. Унинг кайфиятини билиш мумкин эмас, балки Аллоҳ таолонинг ўзига хос сифатдир. Худойи таоло талаб қилувчиларнинг тилақларини эшитади ва сўраганлари иродасига мувофиқ бўлса, албатта беради.

Рожий шу тариқа Аллоҳ таолонинг қатор сифатларини санаш сўнгида Унга дуо ва илтижо этмоқда. Бу ҳам унинг Қуръони карим оятларида келган амрга мувофиқ иш тутганини кўрсатади. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади: "Аллоҳ учун гўзал исмлар бордир, бас сизлар Унга ўша исмлар билан дуо-илтижо этингиз". (Аъроф сураси 181-оят).

Буюк муфассир Фахриддин Розий "Мафотиҳ ул-ғойб" номли тафсирида ушбу оят тафсирида шундай дейдилар: "Оятдан чиқадиган фойдалардан бири, Парвардигори оламнинг гўзал исмлари бор экан, банд Унга айни исмлар билан дуо

қилсин. Бу эса ушбу улуғ исмлар маъносини билиш туфайли ҳосил бўлади. Яъни, у дуо қилаётганида уни шундай улуғ исм ва сифатлар соҳиби бўлган Рабби ва Холиқи борлигини ҳис этиб турсин. Ана шу пайтда у дуони астойдил ва гўзал тарзда қила олади. Албатта, бу дуолар учун бир қатор шартлар бордир.

Абу Абдуллоҳ Ал-Ҳалимий "Китоб ул-минҳож"да айтганидек, уларнинг энг афзали иккита бўлиб, дуо пайтида Парвардигорнинг улуғлиги-ю, ўзининг ожизлигини ҳис қилиб туришидир. Шундагина дуо ва зикр ҳаққини гўзал ва чиройли ҳолда адо этади. Акс ҳолда, дуонинг фойдаси камроқ бўлади.<sup>656</sup>

Бундан тшақари, Рожий Аллоҳ таолонинг ҳамдини туркий асарларида ҳам келтирган:

*Лойиқи ҳамду мутаолий сифот,  
Қудратининг андагидур коинот.*

Яъни, сифатлари олий бўлган У зот барча ҳамдларнинг ҳақиқий эгаси бўлиб, бутун коинот Унинг қудратининг кичик бир кўринишидир.

*Розиқу қулл, Холиқи арзу само,  
Васфи демак бирла бўлурму адо.*

Яъни, У барча махлуқотнинг ризқ берувчиси, осмонлару ерни яратувчисидирки, унинг васфини айтиб адо қилиб бўлмайди!

*Қодиру Ҳай, Зул минани баркамол,  
Подшоҳи мустамирри безавол.*

Яъни, У ҳар ишга қодир, гўзал неъматлар берувчи безавол подшоҳдир.

*Ажз ани шаънидадир нораво,  
Ҳаргиз анинг ҳукмига йўқ можаро.*

Яъни, ожизлик унга ҳаргиз йўл топмайди, ҳукмига эса норози бўлиш ва уни қайтариш мутлақо мумкин эмас.

---

<sup>656</sup> Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳасан ибн Ҳусайн ар-Розий – Фахриддин Розий. "Мафотиҳ ул-ғайб" 7-ж, 313-б.

*Ҳазрати Қаййуму, Нозиру Қадим,  
Макрумати шомилу лутфи амим.*

Яъни, У ҳозиру нозир ва қадим – борлигининг аввали йўқ буюк зотдир. Унинг карами барчага баробар ва лутфи ҳаммага шомилдир.

*Ҳукмидир анинг замину замин,  
Қудратидан доир эрур осмон.*

Яъни, заминлару ер унинг ҳукмида, осмон ҳам қудратидан доимо айланиб туради.

*Амридадур ер юзида ҳарна бор,  
Хок ани бир ҳалқи эрур хокисор.*

Яъни, ер юзидаги барча нарса унинг ҳукмида, бинобарин, ер ҳам унинг бир кичик махлуқидир.

*Қудратининг саҳфасидин қилди Ҳақ,  
Жаннатининг бир жузъи саккиз варақ.*

Яъни, У ўз қудрат саҳифасидан жаннатни саккиз адад қилиб яратди.

*Меҳри билан зийнат олибдир само,  
Наздида бир шам қўлида гадо.*

Яъни, унинг меҳр қуёши билан осмон зийнатли бўлди, лекин у осмон шунча катта бўлишига қарамай, унинг назарида гадони қўлида турган жом каби ҳам эмас.

*Амри билан чарх югурган ғулом,  
Хизматида арз давомул қиём.*

Яъни, осмон унинг амри туфайли югуриб кетаётган ғулом кабидир, ер эса мудом унинг хизматида.

*Бу фалаки қат-бақату пурғудоз,  
Наздидадур ба қадри мисоли пиёз.*

Яъни, ситамлари кўп, қават-қават бўлган бу фалак гўё унинг наздида мисоли бир пиёз кабидир.

Кўриниб турибдики, Рожий қисқа сатрларда Парвардигори оламнинг улуғ сифатлари, буюк қудратларини гўзал тарзда баён қила олган. Умуман, унинг барча асарларида Парвардигор қудратининг, улуғ санъатининг бир кўриниши тилга олиб ўтилади. Рожийнинг бу улуғ қудратга далолат қилувчи аломатларни кўриб, кузатиб бориши қалбида Унга бўлган ишк-муҳаббатнинг асаридир.

Рожийнинг Парвардигорга бўлган муҳаббати уни раҳматига бўлган умидини жунбушга келтирган. Китоб аввалида таъкидланганидек, Рожий ўзига тахаллус сифатида танлаган исм англаган маънога бир умр содиқ бўлиб яшади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Унинг раҳматидан ноумид бўлмади. Гарчи ўзини инсонларнинг энг ёмони, деб билса-да, бироқ Парвардигор раҳматига бўлган умиди ундан-да катта ва қаттиқ бўлди. Ундаги бу ҳолат барча асарларида кўриниб турса-да, Бедилнинг "раҳматаст" – "раҳматдир" радифли ғазалига қилган тахмисида ажиб оҳангда жаранглайди. Шуларни эътиборга олиб қуйида мазкур тахмисни келтирамиз:

*Ашки шабнам ин ду аз як чаимасори раҳматаст,  
Гул агар хандида кор қатрадори раҳматаст,  
Гиря хунини дилон ҳам об ёри раҳматаст.  
"Аз чаман то он чаман жўши баҳори раҳматсат,  
Дийда ҳар жо боз мегардard дучори раҳматаст".*

Кўз ёши билан шабнам ҳар иккиси раҳмат булоғининг мевасидир, гулнинг табассуми ҳам раҳмат ёмғиридан баҳраварлигандир. Бағри қонларнинг йиғиси ҳам раҳмат булоғининг сувидан. "Бу чамандан у чамангача раҳмат баҳори жўш уриб турувчидир. Хуллас, қаерга кўз тушса, албатта раҳматга дучор бўлади".

*Зухди хушкам сўхт бода аз соғар диҳад,  
Мужда бо арбоби тақво токи аз кавсар диҳад,  
Ваъда аз баҳри жудаши ҳам ба аҳли шар диҳад,  
"Ваҳший дашти маъосийро ду рўзи сар диҳад,  
То бакай хоҳад рамид охир шикори раҳмати".*

Курук зухднинг ўзи мени куйдирдики, менга соғардан май беринг, ахир тақво аҳлига қачонгача кавсар сувидан ваъда берасан, унинг саховат – раҳмат денгизидан ёмонлар – гуноҳкорларга ҳам хабар бер. "Маъсият саҳросининг гуноҳкорини бир-икки кун ўз ҳолига қўйиб бер, қаерга қочса-да, барибир, раҳмат сайдига ўлжа бўлади.

*Мағфират танҳо баҳар мустағфари асҳори нест,  
Бар сабаб вобаста журм амр зи Гаффори нест,  
Раҳматаш мавқуф бар тасбиҳ бар азкори нест,  
"Субҳаи дикар ба зикри мағфират дар кори нест,  
То нафас боқист ҳасти дар шумори раҳмати".*

Мағфират фақат саҳарда истиғфор айтувчилар учун эмас, гуноҳга олуда бўлиш Гаффорнинг амри эмас, шунингдек, унинг раҳмати тасбеҳ ва зикрларга боғлиқ эмас. "Мағфират учун бошқа-бошқа зикрлар даркор эмас. Бандада токи нафас бор экан, унинг марҳамати остидадир".

*Аз дили сангини худ, эй бешуър огоҳ бош,  
Ҳамчу Мусо нур агар хоҳи зи Тури огоҳ бош,  
Дар тажаллий хонаи дил аз зухур огоҳ бош,  
"Хоҳ зулмат кун тасаввур, хоҳ нур огоҳ бош,  
Ҳар чи андеши ниҳонаш ошкоро раҳматас".*

Эй ғофил кимса, ўз қалбингни тошлигидан огоҳ бўл, агар Мусо каби нур истасанг Тур тоғидан огоҳ бўл ва дил уйидаги илоҳий тажаллийдан ҳам огоҳ бўл. "Ҳоҳи зулмат, хоҳи нурни тасаввур қил, барибир огоҳ бўлки, ошкор-у пинҳон ҳаммаси раҳматнинг нишонасидир".

*Заврақи умид агар тарфи ями заҳмат кашем,  
Чун ба тўфон жўшийи исён наме хижлат кашим,  
Кай зи лангар дорийи ҳар сифлае зиллат кашим,  
"Гар димоғи онки мо аз но Худо миннат кашим,  
Кишти-йи бедасту пойеро канори раҳматасат".*

Агар умид кемасини меҳнат денгизига ҳайдасанг ҳам барибир бизда исённинг тўфонларидан хавф йўқдир, зотан, гуноҳкор-тубан кишига кемани сақлайдиган лангар ҳам керак эмас. "Биз исён денгизининг тўлқинидан ҳам кўркмаймиз, чунки кўл-оёғсиз кема ҳам барибир раҳмат соҳилга келади".

*Гарчи бад мастони зи сар гарм на хушк тар зананд,  
Шуълайи баланд аз шароратгоҳи исён сар зананд,  
Жаҳди парвози рамиданҳо ба болу нар зананд,  
"Зарраҳо дар оташи ваҳми уқубат нур зананд,  
Ёди авф ин қадар тақсири ори раҳматаст.*

Агар бадмастлар мастликдан бошларини хўлу курукқа ура берсалар ҳам, шуъла бўлиб ёниб исён шароратгоҳидан бош чиқарсалар ҳам, учиш учун ҳаракат қилиб, қанот қоқсалар ҳам, "ваҳму уқубат оташида зарралар ҳам шарар бўлиб кўринади. Бу қадар кичик гуноҳларни кечирмаслик раҳматга ордир".

*Зад чу "Ар-Раҳмон аъла аришис тава" дар гўши ари,  
Ҳомили бори ҳазорон сирри ҳақ шуд дўши ари,  
Маънийи раҳмат таровид аз лаби хомуши ари,  
"Нух фалак то хоки осудааст дар оғуши ари,  
Сураи Раҳмон ҳамон беихтиёри раҳматаст".*

"Раҳмон аршга юзланди", деган мазмундаги оят арш қулоғига етишди. Ҳақ сирларининг минглаб юклари арш елкасига юкланди. Аршнинг хомуш лабидан раҳмат маънолари оламга таралди. "Тўққиз осмондан тортиб ергача барчаси аршнинг оғушида бўлди. Раҳмон сураси ҳам табиийки, раҳматнинг ихтиёрида".

*Гар сари андиша Рожий лаҳза дар жайби туст,  
Сад чаман бахшойиши Ҳақ гил фуруши туст,  
Рўзи шаб то нури зулмат раҳмати ла райба туст,  
"Шом агар гил гардид Бедил пардадори гайби туст,  
Субҳ агар хандида дар таждид кори раҳматаст".<sup>657</sup>*

<sup>657</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 18-19-бетлар.

Агар Рожийнинг бир лаҳзалик фикри сени раҳмат назарингга тушиши, сени ғайбингдан нишона бўлмиш юзлаб чаманларни пайдо бўлиши, шаксизлигинг белгиси бўлган кеча-кундуз пайдо бўлаётган нур ва зулмат ҳам, "Сени пардадорлигингдан гилга айланаётган шом ва тонгни янгиланиб кулиши ҳам раҳматингдир".<sup>658</sup>

Эслатиш ўринлики, Бедилнинг мазкур ғазали кейинги даврда ўтган кўплаб шоирлар учун илҳом манбаи бўлган. Жумладан, Рожийнинг асрдошларидан Курбон Муҳаммад аълам ва кичик замондоши Абдулазиз Ғолиб Марғилонийларни келтириш мумкин. Айниқса, Ғолиб Марғилоний мазкур ғазалга туркий тилда аслий жозоба ва оҳангини сақлаган ҳолда жуда гўзал тахмис боғлаганки, раҳмат ва умидворлик баҳсида сўз кетаётган ушбу мақомда мазкур ғазални келтирмаслик унчалик инсофдан саналмайди.

### **Муҳаммас**

*Бу чаман то ул чамандур жўйибори раҳмати,  
Шодликдур ёки ғамдур эътибори раҳмати,  
Ҳафт осмон, нуҳ фалак, ер ҳам ғубори раҳмати,  
Ҳар ғиёҳ баргидадур шабнам ғубори раҳмати,  
Ҳар қаён қилсанг назар, бўлғай дучори раҳмати.*

*Чанг чиқар ердан самога раҳматидан об этар,  
Осмонда абри раҳмат барчани сероб этар,  
Чашмаи раҳмат кўзингдан оқса дурри ноб этар,  
Жаннат ичра ҳурлара гавҳари ноёб этар,  
Уч юз олтмиш бора ҳар кунда нисори раҳмати.*

*“Ҳикмати Парвардигоринг кўр”, дебон келмиш нидо,  
Отани айлар ўгилдан, онани қиздан жудо,  
Кулни айлар шоҳ гоҳи, шоҳни айлар бир гадо,  
Демагил, берди мунга ёким ани урди Худо,*

---

<sup>658</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий ва Т. Рўзиев таржимаси.

*Иккисига ҳам шу йўлдан бўлди жорий раҳмати.*

*Ҳеч доно билмағай мустақбалинда на кечар,  
Ул бирини қаҳр қилса моли бирлан ер ютар,  
“Роббано золамно”, деб бири йиғлаб ўтар,  
Ҳар кишига қилса раҳмат, лутф илан илгин тутар,  
Қайга қочса бўлгуси охир дучори раҳмати.*

*Бил Худодан ҳарна келса яхшиликдур, шукр қил,  
Ҳарнаким “қил”, деб буюрмиши қилгуликдур, шукр қил,  
Ҳукмида йўқ камчилик, бори тўлиқдур, шукр қил,  
Бандаликнинг таърифи кўкси синуқдур, шукр қил,  
Сабрдур Айюбда, Мансурни дори раҳмати.*

*То ҳаводин томғуси ёмғур раҳматдан асар,  
Ҳар самар бордур пишиқдур, зўр раҳматдан асар,  
Барча махлуқ фил, ёким мўр раҳматдан асар,  
Ҳар кўринган кўзга нору нур раҳматдан асар,  
Ҳар оқар дарё, булоқ, чашми фигори раҳмати.*

*Дам ганиматдур, бу дамни бил ганиматдур бу дам,  
Қил таваккал Ҳаққа қўйгил орқага боқмай қадам,  
Ҳар нафас исёну нисёнингга айлаб минг надам,  
Баҳри раҳматга кириб, Голиб вужудинг қил адам,  
Ояти “Ла тақнату” Раббинг шиори раҳмати.*



## РОЖИЙ АСАРЛАРИДА ПАЙҒАМБАР С.А.В ЗИКРЛАРИ

Айтиб ўтилганидек, Рожийнинг Пайғамбаримиз алайҳиссаломга бўлган муҳаббати ёшлик пайтиданок шаклланган. Дастлаб у ёшлигидан Пайғамбар алайҳиссалом суннатларига муҳаббатли, уларни бажаришга ўта ҳарис бўлиб вояга етди. Кейин бу суннатга маҳкам боғланган кишиларга муҳаббат қилди. Сўнгра у зотнинг авлодлари бўлмиш саййид авлодларига муҳаббат қилди. Кейин эса бу муҳаббат Пайғамбаримиз яшайдиган муборак шаҳар – Мадинайи мунавварага нисбатан пайдо бўлди. Кейин эса ундан Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қадар етиб борди.

Рожий ўз асарларида Пайғамбаримиз Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга наът ва олқиш бобига алоҳида эътибор қаратиб, бу мавзуда гўзал сатрлар битгани ҳам шу муҳаббатдан эди. У форсий тилдаги бир наътида Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан боғлиқ кўплаб фазилатларни саволлар тарзида келтирган. Чунончи, унда ошиқ инсонларнинг дил ва кўзлари у зотни кўришга муҳтож экани, улуғлик байроғи у зот томонидан юқори бўлгани, Одам атонинг фаришталардан улуғ бўлишининг асл сабаби ҳам шу зот экани, меърож кечаси Жаброил алайҳиссаломни у зотга хизмат қилгани ва аршга муборак қадамлари етгани, барча пайғамбарларга хотам эканлари каби фазилатлари тилга олинади. Ҳатто унда "*У зотнинг маскани ер, остонаси осмондир*", дея ўта гўзал таърифларни келтиради. Қуйида унинг насрий таржимаси билан келтирамиз:

*Наът Рожий*

*Дилу дийдаҳо фарши даргоҳи кист,  
Жабинҳо заминсойи даргоҳи кист?*

*Баланд аз ки шуд рояти сарвари,*

*Ки баҳишид иззат ба пайғамбарӣ?*

*Фуру зандаи бадри ирфон ки шуд?  
Фарозандаи қадри инсон ки шуд?*

*Ба навъи башар сарафрози ки, дод?  
Кафи хокиро бениёзи ки дод?*

*Зи файзи ки мушти гил жон,  
Фуруғастки рухсори имон гирифт?*

*Малак чоқари ломакон поя-и кист?  
Қадам бар фалак бесоя-и кист?*

*Ки по бар сари моҳу хуршед зад,  
Ки бар сийму зар сикка жовид зад?*

*Давон дар риқобики Жибрил рафт,  
Ки ҳукмаш ба Тавроту Инжил рафт?*

*Майи маърифат дурди аз жоми кист?  
Дили орифон зинда аз номи кист?*

*Замину маскану осмон остон,  
Фуруғи замин қиблайи ростон.*

*Худоро бувад дар наёбад амин,  
Кафо ҳужжатул ислоҳ фил оламин.*

*Муҳаммад сарафрози хайли русул,  
Аминул бароё далилус субул.<sup>659</sup>*

**Тарҷимаси:** Дилу кўзлар кимнинг даргоҳининг  
поёндозию, кимни тупроғининг муштоқи?! Улуғлик байроғи

<sup>659</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 86-87-бетлар.

ким томонидан юкори бўлди-ю, буюкликни пайғамбарга ким эҳсон қилди?

Маърифат ойини ёритувчи хусусият кимда пайдо бўлди-ю, инсон қадрининг зиёдалиги ким учун бўлди? Одам фарзандларига улуғликни ким берди-ю, бир ҳовуч тупроққа бениёзликни ким берди?

Кимнинг лутфи-марҳамати билан бир ҳовуч тупроқ ўзига жон олиб, имон нурига эришди?! Фаришта ким учун ломакон остонасида ходим бўлди ва кимнинг сояси ерга тушмай фалакка етди?!

Тунда осмонни сайр қилдириб, ойу куёш юзига кимнинг қадами етди? Кимнинг минган уловини Жаброил фаришта етаклаган? Тавроту Инжил ҳукмини кимнинг ҳукми бекор қилган? Маърифат майининг жомидан ишқ шароби ориф-ошиқлар дилига кимнинг номидан берилган?

Буларнинг барчаси шундай бир зот сабабиданки, у зотнинг маскани ер, остонаси осмондир ва куррайи замин ёруғлиги ҳам у зот қалбининг нуридандир.

Ҳа, Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам барча пайғамбарларнинг улуғи, инсоният омонлигининг боиси ва ҳидоят йўлининг етакчисидирлар.<sup>660</sup>

Рожийнинг Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламга бўлган муҳаббати XV яшаб ўтган буюк аллома шоир Мавлоно Муъиннинг ғазалига қилган тахмисидан ҳам маълум бўлади. Унда ҳам юкорида келтирилган фикрларга ҳамоҳанг қатор гўзал таърифларни кўрамыз.

### ***Муҳаммас Рожий бар ғазали Мавлоно Муъин***

*Он хайри башар хайли малак аз худдами ў-ст,  
Жаброил Амин зоири гирди ҳарами ў-ст,  
Мантуқаи шаққул қамар иъжози ками ў-ст,  
“Олам ҳаме аз раишҳаи баҳри карами ў-ст,  
Одам кафи хоки зи зубори қадами ў-ст”.*

<sup>660</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 86-87-бетлар.

### ***Мавлоно Муъин газалига Рожий мухаммаси***

У зот (Пайғамбар алайҳиссалом) башарият афзали бўлиб, барча малаклар у зот ходимидир. Жаброил Амин эса у зот остонаси гардини зиёрат қилувчидир. Ойнинг иккига бўлиниши у зот мўъжизаларининг энг кичигидир. “Барча борлиқ у зот карам дарёсининг бир қатрасидирки, Одам а.с. ҳам у зот қадами губоридан бир сиқим тупроқдир”.

*На халқу жаҳону на ин хоку на ин об,  
На дорам асар бувад на аз олами асбоб,  
Дод Изид халойиқ банури қадамаи тоб,  
“Одам шуда бедору ҳануз башуқри хоб,  
Шоҳ бои вужудики туфайли адами ў-ст”.*

На бу жаҳон халқию, на бу тупроғу сув бор эди, на бу олами асбобдан асар бор эди. Тангри таоло у зот қадами нурина пайдо қилгандагина "Одам а.с. тупроқ остидан бедор бўлди. Ҳа, у зот вужуди барча нарсаларга боисдир”.

*Он пеирав аҳли русул соҳиби лавлок,  
Андар дами бархост таъжил аз ин хок,  
Шуд муртақий зирваи афлоки бачолок,  
“Исоки чу хуришид зинда хаймаи бар афлок,  
Дар орзуйи сояйи олий алами ў-ст”.*

У зот пайғамбарлар афзали ва “лавлок” тожининг соҳибидир. У зот нафасидангина тупроққа жон кирди ва осмон ҳам ўзининг юқори чўкқисига кўтарилди. “Исо алайҳиссаломнинг офтоб каби фалак чодирода ҳаёт топиши, аслида, бу зотнинг (меърож кечаси) байроқлари соясини кўриш учун эди”.

*Аз байни русул мунтахаб зубдаи набий ў,  
Равшан гуҳар мабдаи анвори жалий ў,  
Яқдонаи дурри голй аз канзи хафий ў,  
“Дурри шиками баҳр ниҳон бувад вале ў,  
Дуррест ки сад баҳр ниҳон дар шиками ў-ст”.*

У зот пайғамбарлар орасидан танлаб олинган гавҳар бўлиб, унинг тажаллийси бениҳоят ёрқин ва нурли. Зотан, бу Парвардигор яширин хазинасидан чиққан қимматбаҳо дурдир. Ҳа, “у зот яширин хазиналар денгизидан бир гавҳар бўлсалар-да, юзлаб дурларни бағрига олган дурри бебаҳодирлар”.

*Шуд мункири ў боиси ободийи дўзах,  
Шайтони лаин гашта бо у ҳодийи дўзах,  
Фармонбари ў эмин ношодийи дўзах,  
“Ҳар бандаки дорад хати озодийи дўзах,  
Он бандаи гулом вай он хатти рақами ў-ст”*

У зотга мункир бўлганлар дўзахни обод қилувчи кишилардир, шайтон уларга ҳамроҳ бўлиб дўзах йўлини кўрсатади. У зотга итоат қилганлар эса дўзах аламларидан омонда бўлувчилардир. “Ҳа, ҳар ким дўзахдан озодлик хатини олишни истаса, у зотга ғулом бўлсин, зеро у зот ўша хатни ёзиб берувчидир”.

*Мо жумла усотем надорем надомат,  
Бар он фаза-ил акбар ҳангоми қиёмат,  
Баҳар умами ў бин чи гамки диду чи шиддат,  
“Шодийи жаҳон гирад фидойи гами уммат,  
Донастки шодийи жаҳони бағами ў-ст”.*

Биз жумла осийлар қиёмат кунининг даҳшатидан надомат чекмаймиз, зотан у зотнинг умматига нима ғам, нима шиддат бўлсинки, “У зот умматнинг шодлиги учун жаҳон ғамини ўзига олгандир. Бугунги жаҳон шодликлари асли у зотнинг ўша ғами туфайлидир”.

*Мо уммати ў йем надорем ба жуз шарр,  
Аз бори гуноҳ мунфаъилонем нигунсар,  
Рожий зикр аз карамаш жумла баробар,  
“Дорем умидики на нурсид ба маҳшар,  
Тақсири Муъиники, бинобари карами ў-ст”.*

Биз у зотга уммат бўлсак-да, яхши-ёмонни ажратмадик, гуноҳларимиз ёмонлигидан бошимиз эгик, лекин эй Рожий, у зотнинг карами ҳаммага баробар. “Умидки, маҳшар куни карамининг кенглигидан Муъиннинг гуноҳидан сўрамайди”.

Рожий ўзининг бир асарида Мадина шахри у орқали Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатини жўшқин сатрларда ифодалайди.

### ***Таърифи Мадина***

*То гулрухи мо шуд чаман оройи Мадина,  
Шуд Рухул Амин булбули шайдойи Мадина.*

Бизнинг гўзал юзли маҳбубимиз Мадинанинг чаманларига оро бер бошлаган, яъни у ерга кўчиб ўтганидан бошлаб фаришта Рухул Амин – Жаброил алайҳиссалом ҳам у ернинг шайдо булбулига айланиб қолди.

*Навост ҳама хоки тарабзойи Мадина,  
Жо дорадки, дийда кунам хойи Мадина.*

Ҳамма тупроқлар Мадина тупроғи билан фахрланади десам, раводир, шунингдек, мен ҳам Мадинанинг ишқида йиғлайман десам, жоиздир.

*Жаннат асар лутфи дил оройи Мадина,  
Дўзах шарар қаҳри зи Мавлойи Мадина.*

Жаннат асли Мадина сохиби дилининг лутфидан асар, дўзах ҳам унинг қаҳрининг учқунидир.

*Берангу баранг омада итлоқ батақийд,  
Аз хубби жамол маҳи зебойи Мадина.*

Шундайки, Мадина тўлин оий жамолининг муҳаббатидан беранглар ранг олиб, қийматга эга бўлмаганлар қийматга эга бўлади.

*Мақсуди зи жўшидаги дарёи вужудаст,  
Зоҳир шудан гавҳари яктойи Мадина.*

Барча мақсадлар Мадинанинг ягона гавҳари сабабли каффи таманнога келади, яъни рўёбга чиқади.

*Он ҳусни муназзаҳ зи кам кайфа нишонҳо,  
Шуда жилваи намоз ойна сиймои Мадина.*

Унинг ҳусну жамоли қандай ва қанақа дейишдан мутлақо муназзахдир, Мадина намоз жилваси каби беғубор сиймодир.

*Матлуби зери чаманистони жаҳон,  
Булбул сифатонро гули раънои Мадина.*

Жаҳон гулистонларининг матлубу максуди асли Мадина раъносининг булбули, яъни ошиғидир.

*Жоруби бамужгон кун аз дидаи об,  
Дар боргоҳи ақдас аълои Мадина.*

Киприкларимни супурги қилиб, кўз ёшларимни сепиб, ўшал олий муқаддас даргоҳ остонасини супурсам, дейман.

*Мусо шуда беҳуд магар афрухта ба Тур,  
Нур аз жиҳати Тур бажилойи Мадина.*

Тури Сийнода хушидан кетган Мусо алайҳиссалом ҳам аслида Мадинанинг жилосидан ўзидан кетган эди.

*Исоки дамаш муҳийи амвоти жаҳон шуд,  
Бувад ин ҳама иъжози Масиҳойи Мадина.*

Жаҳон ўликларини тирилтирган Исо алайҳиссаломнинг мўъжизси ҳам аслида Мадинанинг масиҳий мўъжизаси эди.

*Бар арши агар фарши кунад ноз ажаб нест,  
Дорад шараф аз мазжаъи мавлоийи Мадина.*

Фаразан, аршга Мадина мавлосининг шарафига ноз тўшагини ёзилса, ажаб эмасдирки, бу раводир.

*Бо чашмаи ҳайвони Хизр кор надорем,  
Мо ташнаи аз каффи сақойи Мадина.*

Хизрнинг ҳаёт сувига бизнинг ҳожатимиз йўқ. Биз фақат Мадина соқийси кафтидан сув ичишга ташнадирмиз.

*Дар даҳр киро нест таманнойи Мадина,  
Мўмин бадалу жон ҳама жўйои Мадина.*

Дунёда бирор киши йўқки, Мадинани орзу қилмаса, мўмин банда жонини ҳам Мадинага бадал қила олади.

*Лекин накунад гўшаи кас кор дар инжо,  
Бояд кашаи аз жониби мавлоийи Мадина.*

Лекин ҳеч ким у ердан бир нарса ахтармайди, фақат у ерга уни Мадина мавлосининг муҳаббати тортиб борган.

*Дар роҳи нури вай накунад фарқи саро зи мо,  
Муштоқ томошойи саропойи Мадина.*

У нурнинг йўлида бизга бош-оёқнинг фарқи йўқ, биз фақат Мадинанинг бош-оёғига муштоқмиз.

*Аз баҳри жилойи ба сарам қаҳли жавоҳир,  
Гардест бас аз соҳати саҳрои Мадина.*

Кўзим нурининг равшани учун сурма керак эмас, менга Мадина саҳроси гарди етарлидир.

*Ораста чун сунъи азал хилқати динро,  
Зебо шудатар қомати зебойи Мадина.*

Қачонки, сунъи азал динни пайдо қилган экан, бу сабабли Мадина янада зебо бўлди.

*Жаннат ба макориҳи шуда махфуфи аз онжо,  
Озор кашад бодияи ҳумойи Мадина.*

Жаннат у жойнинг олдида енгил кўринади, шунингдек Мадина саҳросининг ҳумоси унга ета олмаганидан озор чекади.

*Ҳуббул ватан аст ояти имони мўмин,  
Ҳар жо бадали ўст таманнойи Мадина.*

Ватанни севмоқ мўмин имонининг аломати, бироқ ҳар қандай жой Мадина орзуси йўлида фидо бўлсин.

*Дар машриқи мағриб бувад аз мўмини содиқ,*



*Дорад ба жигари доғ зи савдойи Мадина.*

Содик мўмин мағриб ё машриқда бўладими, унинг жигарида Мадина дардидан доғ бордир.

*Занжири ман аз гесуйи Лайлест сазовор,  
3-он рўки манам волаёи саҳроёи Мадина.*

Мени бўйнимда Лайлининг зулфидан бўлган занжир бор десам, сазодирки, Мадинанинг саҳроларида унинг юзи ишқида фарёд чекиб юрибман.

*Дар ҳашири занжир кашидан сўйи ризвон,  
Онроки ба дунё шуда шайдойи Мадина.*

Кимлар бу дунёда Мадинага шайдо бўлса, маҳшар куни унинг занжири уларни ризвон тарафига тортади.

*Аз хулди жинон бо ман девонаи нағўяд,  
Мастам ба ҳавойи тараб афзойи Мадина.*

Жаннат боғлари мени маст қила олмайди, чунки мен Мадинанинг хуш файз ҳавосидан мастдирман.<sup>661</sup>

---

<sup>661</sup> Таржима Т.Рўзиевники.

## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ ВА ЗАМОНДОШЛАРИ

### *Рожий ва Миён Фазл Аҳад*

Маълумки Қўқон хонлигида диний уламолар, тасаввуф шайхларининг мавқеъ юқори бўлган. Бу ҳақда Шодмон Воҳидов "Қўқон хонлигида тарихнавислик" асарида қуйидагича маълумот беради:

"Қўқон хонлигида XIX асрнинг 60 – 70 йилларидан бошлаб дин уламолари, руҳонийлар таъсири ҳал қилувчи ўринга эга бўлади. Қўшинларда қози аскар, муфти аскар, имоми жилов, сўфийи жилов вазибалари яна ҳам обрў қозонди. Шайхул ислом давлатда энг мартабали киши бўлди. Худоёрхон даврида Имом Соҳибзода (Имом Ҳазрат)нинг таъсири саройда катта эди. У хонликда энг катта бойликлар, еру вақфларга эга бўлган.

Хонликда турли тариқат пирлари ва муршидларидан Халифа Азизи Намангоний, Шайх Эшон Меҳмонхонтўра, Эшон Миён Фазл Аҳад, Эшон Абдурахим, Мулла Бобо Маҳмуд, Эшон Халифа Сафо, Халифа Олтмиш ва бошқа уламоларнинг таъсири катта эди. Худоёрхон кўп уламо ва руҳонийларга мол-мулк бериб, уларнинг ҳомийликларини олиб, хонлик тахтини сақларди. Хонликда ҳукмрон ғоя ва дунёқараш бу ислом дини, ҳуқуқ эса шариат эди. Хон ҳам бу ғоялар ва шариат талабларига итоат қилар эди.<sup>662</sup>

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Рожий Марғинович юқорида тилга олинган зотлар билан алоқада бўлган ва улар олдида хурматга сазовор бўлган. Қуйида улардан Миён Фазл Аҳад ва Эшон халифа Сафо билан муносабатларига оид маълумотларни келтириб ўтсак.

Хўш, Миён Фазл ким эди? Бу зот Худоёрхоннинг ҳинд мусулмонлари истикомат қиладиган Калкутта шаҳридан Қўқонга келиб ўрнашиб қолган пири муршиди Имом Раббоний Соҳибзоданинг ўғилларидан бири бўлиб, ўз даврида машхур тариқат шайхи эди. Уларнинг ота авлодлари асли мадиналик

---

<sup>662</sup> Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства - С.103; БейсембиевТ.К. Кўрсатилган асар. - Б.84 - 85.

бўлишган, кейин эса Ҳиндистонга келиб, аввал Дехли яқинидаги Сирҳинд, кейинроқ Калькутта – ҳинд муслмонлари юртида истикомат қилишган ва ундан дунёнинг кўпгина мамлакатларига тарқаб кетадилар. XVIII асрда эса Қўқон хонлигига келиб ўрнашиб қолишади. Бунинг тафсилоти Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулланнинг ҳужжатлар, ҳаққоний лавҳаларга асосланган «Мавлоно Муқимий» асарида «Худоёрхоннинг пири комили» бобида кўрсатиб ўтилган.<sup>663</sup>

Улар ҳақида «Туркистон вилояти газети»нинг 1912 йил 31 май № 41 сонида мақола эълон қилинган.<sup>664</sup>

Миён Фазл Аҳад 1378/1861 йилда Қўқонда Ҳазрат Сохибзода номида бир мадраса ҳам бино қилган. Миён Фазл 1311 ҳижрий йилда вафот этганида Рожий унга қуйидаги таърихни битади. Унда марҳумнинг кўплаб фазилатларива эзгу-хайрли ишлари санаб ўтилади:

### **Таърих**

*Шаҳри Хўқанд ин муҳаррам нав мусибат хона шуд,  
Ғам саро аз мотами як марди Ҳақ пур хона шуд.*

Хўқанд шаҳри бу янги мусибат сабаб яна мусибатхонага айланди. Ҳақнинг мард қулларидан бўлган зот ўлими туфайли хоналар ғамга тўлди.

*Буд марди хайри жў бахшанда хў з-ин фазли ў,  
Номи аз фазлил ғаний дар хиттаи Фарғона шуд.*

У Фарғона сарманзилида бир марди Ҳақ бўлиб хайрли ишларни қилар эди, зотан, унинг исми ҳам Ғаний бўлган Зотнинг фазлидан эди.

*Фақри мафхар, жуд масдар, хайри мазҳар, сидқ асар,  
Оли атҳар аз умр бо вазъи дарвешона шуд.*

<sup>663</sup> Собир Абдулла. Мавлоно Муқимий. Т.: 1953. 269-270 -б.

<sup>664</sup> Туркистон вилоятининг газети. 1912 йил, 31 май № 41.

Фақирлик унга фахр, қилмиши эҳсон, кўриниши гўзал ва ишлари сидқ, шу билан бирга, покиза авлод аҳлидан бўлса-да, бироқ ўзи дарвешона эди.

*Қутби раббоний саййид ҳақ нусха аз фазли Аҳад,  
Нақшбандий мустаманд бо хилқати шайхона шуд.*

У қутби раббоний танҳо Зотнинг бандаси, нақшбандия тариқатига мансуб бўлиб, ахлоқи буюкларча эди.

*То шуд аз ин ғам саро он марди Ҳақ фарзона дур,  
Ҳуш аз сар рафта гўё як жаҳон девона шуд.*

Қачонки бу ғам саройи дунёдан Ҳақнинг у мард бандаси кетгач, бошлардан ҳуш кетиб гўёки девона бўлди.

*Нури Ҳақ бо ҳуш бурд-у дил зи дунё сард мард,  
Гўри нур аз нури Ҳақ зин ҳиммати мардона шуд.*

Ҳақнинг нури унинг авлодларида бўлиб, дили бу дунёдан узилган эди, ҳимматидан қабри ҳам Ҳақ нурларига тўлсин!

*Гўри у қандили нуру дур аз парвози мо,  
Монда дар зулмат саро ўро чаро парвона шуд.*

Қабрининг қандили бизнинг парвонамиздан узоқдир, уни зулматга ташлаб кетдики, қандай қилиб унга парвона бўлсин?

*Бар сари мо рехт шавад ў ба гўр осуда чун,  
Марқади ў марқади жадд маҳди роҳатхона шуд.*

Бизнинг бошимизга шўр тўкилди-ю, аммо у ўзи қабрда осуда ётибди. Унинг ўрни боболарининг ўрни каби роҳатхона бўлсин!

*Навҳа бар авжи само зад даҳри тўфонгоҳ шуд,  
Аз хужуми ашки мардум олам вайрона шуд.*

Мардумнинг кўз ёшлари ҳужумидан навҳалар осмонга кўтарилиб, замон тўфонгоҳга, олам эса вайронага айланди.

*Шамъи равшан рафт гўё ба хилватгоҳи гўр,  
Нури ў но мурда аз ин хона то онхона шуд.*

Равшан шам ўчиб гўё гўр хилватхонасига кетди. Аммо унинг нури бу дунёдан кўчилгунича ўчмайди.

*Ин каромат бинки Юнус роҳи гум девона буд,  
Охир аз иршоди ў Ҳақ роҳи бин фарзона шуд.*

Бу кароматни кўрки, гўё Юнус а.с. йўлни йўқотган эди, охири у ҳақ йўлни топди. Рожий бу ерда марҳумни дунёдан гўрга кетишини Юнус а.с. балиқ қорнига кириб ҳақиқатни англаганларига ўхшатмоқда.

*Аз маъосий тавба жў то шуд барун аз батни ҳут,  
Каит бо Ҳақ ошно аз мо сиво бегона шуд.*

Гуноҳлардан тавба қил, токи Ҳут – балиқ қорнидан чиқасан, Ҳақ билан ошно бўлиб бошқа барча нарсадан бегона бўласан.

*То шуд он солиҳ халаф бинишиста дар жой салаф,  
Нақди тавфиқаш бакаф бо нисбати парвона шуд.*

Қачонки у солиҳ ўринбосар салафларининг ўрнига ўтирганда тавфиқ нақдинасини қўлига олиб, уларга муносиб бўлиш шарафига эга бўлди.

*Баҳри таърихи вафоти ў чунин овоза шуд,  
"Раҳномойи дин" берун аз арсаи Фарғона шуд".<sup>665</sup>*

Унинг вафот таърихи куйидагича бўлди: "Дин раҳнамози Фарғона заминидан узоқ бўлди".

<sup>665</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...140-141-б.

**Эслатма:** Таърих моддаси муаммо йўли, яъни "рахномойи дин" иборасининг сон йиғиндисини "Арсаи Фарғона" сўзлари йиғиндисидан чиқариш орқали ҳосил қилинади. Бу ҳижрий 1311/1893 йилга тўғри келади.

### ***Рожий ва Сафоҳон тўра***

Худоёрхон даврида хонлик ҳузурида мустаҳкам ўринга эга тариқат пирларидан бири бу Сафоҳон тўра эди. Қўқонлик бошқа уламолар қатори Рожий билан яқин алоқада бўлган бу зот вафот этганида Рожий унга бағишлаб таърих-марсия битади.

### ***Таърих***

*...Чанди аз ақтоби Ҳақ шайхул исломи аҳаққ,  
Рафт аз жойи сабақ шуд бо живориллоҳи қарин.*

*Қидваи асҳоби аҳли дин Сафоҳони валий,  
Бо шараф жойи салаф неку халаф шуд жонишин.*

*Буд чун жойи муқаддас он Сулаймони макон,  
Мажлиси дору-с-сафо шуд ашки фирдавси барин.*

*У нишаст он жо-у гўё зи осмон омад фуруд,  
Мустафиддини аз малоик дарс гў Рухул Амин.*

*Буд у садри ажал сардафтари аҳли амал,  
Фаҳми мушқил карда ҳалл бо диққати табъи матин.*

*Буд волиди айни нур нури айни у сафо,  
Ин сафойи буд асар аз сафвати дурри самин.*

*Богдори арзи жаннат буд жадди Қутби у,  
Дар тариқи Кубравест мунтасаб бо Нажмиддин.*

*Ҳосили бори омонат руҳи покаш буд рафт,  
Ҳамчунони Рухул Амин бо зарваи арши барин.*

*Кў пейи таърихи фавташ аз сафо холий шуда,*

*"Жойи қутбий Шайхул ислом мақоми аҳли дин".<sup>666</sup>*

**Насрий таржимаси:** Афсуски, бир нечта Ҳақ қутблари орасидан бир зот вафот этиб Аллоҳга яқин бўлди. У зот дин аҳллариининг йўлбошчиси, мусаффо қалбли валийси, шарафли салафларга муносиб халаф – ўринбосар эди. Унинг жойи гўё Сулаймон алайҳмсаломнинг муқаддас жойи каби бўлиб, мажлислари сафо кони ва фирдавс янглиғ диллар яйрайдиган жой эди. У бу ерда ўтирар экан гўё осмон пасайиб, Рухул Амин каби фаришталар ҳам ундан фойдалангандек бўлар эди.

У зот амал аҳллариининг энг аввалида турар эдики, унинг кучли илмидан мушқил масалалар ҳам ечилар эди. У зот нур бўлган отадан туғилган мусаффо зот эди ва бу азалий покликдан асар эди.

У зотнинг қутб бўлмиш боболари Нажмиддин Куброга нисбатланган Кубравия тариқатига мансуб бўлиб, гўё жаннат ерининг боғбони эди. Охири, бу зот ҳам омонат ҳосили – руҳи покини топшириб, Рухул Амин каби арш чўққисига қўнди. Унинг таърих вафоти учун сен: "У зотнинг мақоми дин аҳллари ўртасидаги Қутби дин эди", – деб айт.

### ***Рожий Марғинович ва Раҳматуллоҳ хожа***

Рожий сўфий сифатида тасаввуфнинг турли йўналишига мансуб шайхларга эҳтиром билан қараган. Улардан бири "Тилло халифа" номи билан машҳур бўлган Кубравия тариқати шайхларидан Раҳматуллоҳ хожа эди. Марғилонда яшаб фаолият олиб борган, кўплаб муридлар тарбиялаган бу зотни Рожий "муқтадои аҳли ҳақ", – "аҳли ирфонларнинг муқтадоси", "сарҳалқаи арбоби ҳол" – "ҳол арбобларининг сарҳалқаси" дея таърифлаган. Тилло халифа ҳақида марғилонлик Муҳаммад Сиддиқ охунд мероси орасида сақланувчи бир қўлёзмада Абдуллоҳ Марғинович тарафидан қуйидаги сўзлар кайд қилинган:

---

<sup>666</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...152-153-б.

"Камина фақирул ҳақир гуноҳкор кўзларим билан кўрган ва ҳозирда олами фонийдан олами боқийга риҳлат қилиб кетган уламоий изомлардан Марғилонда устозларимдан, марҳум ва устози кулл, домла Аҳмад бобо қози калон домла ва зоҳир ва ботин илмлар билимдони домла Муҳаммад Аминхон аълам домла, соҳиби мунозара Шамол маҳдум домла ва муришдлардан жанозаларига икки минг киши ҳозир бўлган Валихон тўрам, Қози эшон, Тош халифа, Тилло халифалар бор эдилар.<sup>667</sup>

1910 йилда вафот этган Тилло халифа вафотига Рожий куйидаги марсияни ёзади.

### **Таърихи вафоти Раҳматуллоҳ хонжа эшон**

*Будам аз ҳолам ба дард аз гардиши аёми сол,  
То зи мустақбал чи ҳол ояд агар ин аст ҳол,*

*Ҳолам аз ғам рафту ҳоли дигар истиқбол кард,  
Аз замон бад ҳоламу ҳоло манам ғам поймол,*

*Ғуссаам афзун шуду алҳол ғам дигар фузун,  
Аз жаҳон то Раҳматуллоҳхонжа бинмуд интиқол.*

*Кору ҳоле аз халқии зикри ту мидидим низ,  
Дар расид аз мотами ту навъи дигар кору ҳол.*

*Ин чи ҳоласт ин чи фурқат ин чи ғам дар мотам аст,  
Ҳашир гаши ал-ҳолу аммо дийдани рўят маҳол,*

*Аз замони ғам дид к-онро ҳол шарҳи ҳол нест,  
Анта мозин мин замонин қул ғалайно "кайфа ҳол?"*

*Рези хокат дийдаем хоки бар сар кардаем,  
Мо базери заҳмату ту ба раҳмат бемалол.*

*Ту ба раҳмат хуфта боши "Аллоҳ, Аллоҳ" гў шудем,  
Бар сари каҳвони қабр ту мо дари кулли ҳол.*

*Заҳмати бори ҳаёт аз дўши эшон афканда,  
Бар фазои равза акнун бол фориғ болу бол.*

<sup>667</sup> №12 қўлёзма.166-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.



*Дар беҳиш аз нешрав карди чун ў дарвеш рав,  
На ба дўшат бори заҳмат на ба по ашқили мол.*

*Чун жаноб аз нанги ҳасти об бибояд шўем,  
Қатраи бунёдем агар болидем аз ин фиёол.*

*Охир аз дасти қазо рав бар ҳаво хобидаст,  
Мард арзан бе мажол Рустам оғизтар зи Зол.*

*Мо зи гафлат пунба дар гўш то нашнудаем,  
Корвони охиратро бонги кўси иртиҳол.*

*Килки ҳасрат силки Рожий инчунин иншо намуд,  
Баҳри таърихи вафоти Хожаси Соҳиб Камол.*

*Дил зи жони хештан барканад аз шуди жудо,  
“Муқтадои аҳли ҳақ сарҳалқаи арбоби ҳол.”<sup>668</sup>*

### ***Раҳматуллоҳ хожаси эшон – Тилло халифа вафоти***

Мен йил кунларининг айланишини кўриб, ўз ҳолимдан дардга тушмоқдаманки, агар ҳолат шундай бўлса, келажак қандай бўлар экан?! Ҳолим ғамдан жуда ёмон бўлган эди, яна бошқа бир ҳол келди, ҳолим ҳозир ундан ёмон ҳолда бўлиб, ғам билан поймолдир. Ғуссам ўзи етарли эди, ҳозир эса жаҳондан Раҳматуллоҳ хожаси кетиши сабаб яна ғамлар зиёда бўлди.

Унинг қилмиши фақат зикр халқасида эканини кўрар эдик, энди сени мотамингдан ҳолатлар бошқа бўлди. Бу қандай ҳол, бу қандай жудолик, қандай ғамки, сени мотамингдан гўё ҳашрғоҳ бўлди, аммо сени юзингни кўриш эса маҳолдир. Ғам сабабли уларнинг ҳолини кўрки, шарҳи холи йўқдир, сен бу замондан кетдинг, энди биздан “Ҳолларинг қандай?”, деб сўра!

Биз сени тупроғинг гардларини кўриб бошимизни урамиз. Биз заҳмат остида сен эса раҳматда ётибсан. Сен роҳатда ухлайсан, биз қабр айвонидан “Аллоҳ, Аллоҳ” дейилаётганини эшитамиз ва сен эмаётган бола каби роҳатда ётибсан. Ҳа,

<sup>668</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...139-140-б.

у зот ҳаёт заҳматларини ташлаб ҳозирда жаннат майдонида хотиржам ётибди. У жаннатда ҳам пешқадам бўлса раводирки, дунёда дарвеш каби юриб белида заҳмат, оёғида юки бўлмаган эди.

У шундай зотки, агар унинг обрўсини бир қатраси билан ювсам ҳам барча ёмонликларимни кетказади. Охири у зот ҳам қазонинг дастидан осмонга кўтарилди, чунки Рустам бўлсин Зол<sup>669</sup> бўлсин ожизликда ажалнинг қўлида бир арзимас донадир.

Биз ғафлатдан қулоғимизга охират бонгини эшитмаслик учун пахта тиқиб олгандирмиз. Рожийнинг ҳасрат қалами Соҳиб Камол хожанинг вафот таърихи учун ёзди: "Дил ўз жонидан жудо бўлиб биздан ажради ва деди: "У зот аҳли ирфонларнинг муқтадоси, ҳол арбобларининг сарҳалқаси" эди.

Эслатма: "Муқтадои аҳли ҳақ сарҳалқаи арбоби ҳол", яъни, "У зот аҳли ирфонларнинг муқтадоси, ҳол арбобларининг сарҳалқаси" эди, мазмунидаги жумлалар йиғиндисидан марҳумнинг вафот этган йили чиқади. 1327/1910 йил.

### *Домла Абдуррауф Рошидоний*

Изланишлар шуни маълум қилмоқдаки, Рожий яшаган даврда Риштон қилоғида тариқат аҳлларида Абдуррауф домла исмли шахс яшаб ўтган. У зот 1908 йилда вафот этганида Рожий унга бағишлаб куйидаги марсияни ёзади:

*Рафт аз ин ғамхонаи дунёву дин Абдуррауф,  
Шуд ба меҳмонхонаи хулди барин садри зуйуф.*

*Дар хилофат вориси Искандари мулки фано,  
Дар валоятро шуд онро жонаш фавқас суфуф.*

*Дид гўрро шуд онро жой файзи обод жой,  
Муътакиф шуд мустажирон Раббуналлоҳул ғатуф.*

*Зоири дил бувад аз ин жо тавфи байтуллоҳ намуд,  
3-ин зиёратхонаки ҳар беҳабар дорад вақуф.*

*Аз саводи Мисри ҳасти то ба Шоми марг рафт,*

<sup>669</sup> Рустам ва Зол Эроннинг қадимий подшоҳларидан.

*Саъди кавкаб зери обрў бадри толеъ дар хусуф.*

*Килки Рожий мекунад ҳар сафҳаи девони ғам,  
Нусхаи таърихи ғавти рақам бо ин ҳуруф.*

*Аз сари дунё гузаит садри жаннатро гирифт,  
"Акмали аҳли тариқат Домла Абдурауф".<sup>670</sup>*

**Насрий таржимаси:** Бу дунё ғамхонасидан Домла Абдурауф жаннат тўрига олий меҳмон бўлиб кетди. Дунё мулкида гўё Искандарга ворис бўлиб бир муддат яшаб, валийликда олдинги сафларда турар эди.

У гўрни файзли жой эканини кўрди ва у ерда меҳрибон Аллоҳга якин бўлиб гўё ибодатда ўтирди. У ерда байтуллоҳни тавоф қилгандек дилларни тавоф қилди. Бу шундай зиёратхонадирки, ҳар беҳабар киши ундан огоҳ бўлиши керак. Ўлим мисрликка ҳам шомликка ҳам етди, саодат юлдузи булут остига яшириниб, бахт куёши тутилди.

Рожийнинг қалами унинг таърихи учун ғам девони саҳифасига қуйидаги ҳарфларни чекди. Бу дунёдан жаннат томонга "Тариқат аҳлининг акмали бўлган Домло Абдурауф" кетди.

**Эслатма:** Таърих моддаси охириги мисрадаги "Акмали аҳли тариқат Домла Абдурауф" сўзлар йиғиндисидан чиқади, яъни 1326/1909.

### ***Хожа Эгиз зиёратгоҳи***

Марғилонда Рожий домла бошчилигида ўтказиладиган шеърхонлик анжуманлари баъзан, шаҳарнинг Хожа Эгиз маҳалласидаги Мулла Тошболту Муҳаммад Раҳим ўғлининг хонадониди ҳам бўлиб ўтар эди, деб ёзган эдик. Ўша даврда бу ерда катта жомеъ масжид ва мадраса бўлган.

Маълумотларга кўра мадраса Мадалихон (1822-1842) даврида Муҳаммад Шарифбой томонидан қурилган. Мадрасанинг 7 та ҳужраси ва битта дарсхонаси бўлиб, 12 нафар

<sup>670</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...53-б.

талабага мударрис Мулла Юсуфалихўжа таълим-тарбия берган. Масжиднинг ҳозирги биноси 1876 йилда қурилган. Бу ҳақда Марғилоннинг Ёвқочар маҳалласида истиқомат қилуви 101 ёшли Имомназар ҳожи ота Қурбонбой ўғли шундай дейди: *"Ҳовлимиздаги иморатни отам қирқ ёшларида бино қилган эканлар. Ўшанда Шоҳимардондан усталар келиб ишлашган экан. Иморат битгач, усталар Ҳожа Эгиз масжиди қурилишига киришадилар. Отам 1920 йилда 84 ёшда вафот этганлар"*.<sup>671</sup>

Мазкур шеърхонлик анжуманларни Тошболту хонадонида бўлишига бу ерда Хожа Эгиз номли зиёратгоҳнинг жойлашгани ҳам сабаб бўлган. Минг йилдан ортиқ тарихга эга мазкур зиёратгоҳ шаҳарнинг энг қадимий мазорларидан саналади. Ҳар бир даврда бу ерда зиёратчиларнинг қадами узилмаган. Айниқса, бунда халқ орасида авлиёлар деб аталадиган жамоа вакиллари етакчилик қилганлар.

Маълумотларга кўра, бу ерга Мовароуннаҳрга исломни олиб келган фотиҳлардан, халқ орасида "Хожа Эгиз" деб аталадиган саркарда дафн қилинган.<sup>672</sup> Марғилонда яшаб 1994 йилда 100 ёшда вафот этган Абдуллажон махдум Аҳмад қори ўғлининг берган маълумотига кўра, у зот бу ерда шаҳид бўлган ва ўша ерга дафн қилинган.

Мулла Тошболтунинг мазкур қабристонда узоқ вақт хизмат қилган фарзанди Акрам қори отанинг (1897-1994) айтишича мазор соҳибининг кароматлари тез-тез маълум бўлиб турган. Шу маҳаллада яшаб 1933 йилда 86 ёшда вафот этган уламо Мулла Аҳмад қори Мулла Дарвеш ўғли эса ўз даврида мазор соҳибидан баъзи иршодларни ҳам олиб турган. Масалан, у вафот этадиган йили хизматида турган Акрам қори отага: "Мозорга кириб атрофларни тозалаб кўй, вафотим яқин, чиқишинда у зот (мазор соҳиби)дан мени жойимни билиб чиқ", – деб жўнатади. У бундан ҳайрон бўлса ҳам қабристонга кириб у ёқ-бу ёқларни тозалаган бўлади, чарчаб бошини кўйиб кўзи уйкуга кетади. Тушида катта айвонда ўтирган мазор соҳиби

<sup>671</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – 2008.

<sup>672</sup> Н.Абдулаҳтов, Ў.Эшонбобоев. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. "Фарғона" нашриёти. 2007, 142-б.

Аҳмад қори домла дафн қилинадиган ерни кўрсатиб беришига уйғониб кетади...<sup>673</sup>

### **Ўзини осиб қўйди**

Мазкур Аҳмад қорининг фарзандларидан Абдуллажон маҳдум домла ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида мазор ҳақидаги хотираларини айтар эканлар, қуйидаги воқеани баён қилган эдилар:

"Хожа Эгиз мозори ёнидаги масжидда мактаб бор эди. Биз ўша ерда ўқир эдик. Абдужалил қорипочча деган зот мактабдор эдилар. Мулла Каримжон ҳожи исмли қори бўлиб тез-тез бу ерга келиб турар, девонасифат бўлишларига қарамай, Қуръон ўқисалар кўнгиллар эриб кетар эди. Бир куни шундай бўлди.

Биз ўқиётган эдик. Бу ерда бир беҳи бор эди, келиб уни тагини кавлай бошладилар. Домла кўриб, беҳини тагини кавлаб нима қилар экан, дедилар. У киши кавланган ерга бир нарсани қоғозга ўраб кўмиб қўйдилар-да, кетдилар. Бу ерда озон айтиб турадиган Райим сўфи ва Юнус қассоб исмли кишилар у кишини беҳи остига иккита тилла кўмиб қўйганларини билиб қолиб, у ерни очиб, тиллани биттадан олишиб кетибди. Уч-турт кундан кейин Каримжон қори келиб, беҳининг тангини кавлаб тиллаларни топа олмагач, ўринларидан турдилар-да, аччиқлари келиб, мазорга қараб: "Осиб юбор!", – дедилар. Биз бу пайтда мактабда эдик, ҳамма гапни эшитиб турибмиз. Яна қайтариб: "Освор деяпман, осворгин", – дедилар-да, чикиб кетдилар.

Ўша куни Райим сўфи пешинга озон айтмоқчи бўлиб чиқиб ўзини рўмол билан беҳига осиб қўйди. Юнус қассоб "Теракдор" деган маҳаллада Тошматбой деган одамнинг терагини кесиб берадиган бўлган экан, оёғи сирғалиб кетиб, теракка осилиб ўлиб қолди. Уларни ҳаммаларини Худо раҳмат қилсин.

Ушбу мазорнинг шундай "тезлик"лари бор. Бу ердан жуда эҳтиётлик ва одоб билан юриш керак. Умуман, Марғилоннинг ҳар бир қарич ери шундай зотлардан холи эмас".<sup>674</sup>

---

<sup>673</sup> Р.Файзуллаев. Дала тадқиқотлари. Марғилон – 2014.

Маълум бўладики, тилга олинган анжуман иштирокчилари мазор файзидан баҳра олиш умидида ҳам айнан шу ерга тўпланишган. Чунки уларнинг ҳар бири қалб кўзи очиқ, маърифатли кишилар бўлишган.

Бундан ташқари, Рожий домланинг Хожа Муоз, Кўк мазор, Имом Захириддин зиёратгоҳларида бўлганини тасдиқловчи маълумотлар бор. Унинг бу зиёрати қозилик вазифасини топширганидан кейин кўпроқ кузатилиши руҳиятида пайдо бўлган ўзгаришлар билан изоҳланади.

### ***Рожий ва Домла Боқий Учқўрғоний***

Маълумки, Рожий Марғионий тез-тез Учқўрғон қишлоғига бориб турган ва у ерлик кишилар билан яқиндан мулоқот қилган. Рожийнинг зиёратгоҳларга илиқ муносабати ушбу қишлоқда яшаб ўтган Домла Боқий вафотига ёзган икки нусхадаги таърих-марсияда ҳам ифодасини топган. Унда Учқўрғон қишлоғини улуғлар яшаган ва қадамжой қилган маскан, деб таърифлаган.

### ***Домла Боқий Учқўрғоний вафоти***

*Модари гетий валий зод Боқий ном монд,  
Қутби модар зод фоний буд Боқий ном монд.*

Жаҳоннинг улуғ оналаридан бир фарзанд туғилди ва унга Боқий, деб ном қўйилди. Аммо улуғ бўлган мана шу онанинг Қутб бўлган боласи фано бўлди, бироқ унинг номи боқий қолди.

*Жамъи аз аҳли яқин мегуфт: "Боқий қутби дин,  
Солики шаръи мубин дигар валийюллоҳ хонд".*

Буни эшитган барча аҳли яқинлар дедилар: "Домла Боқий диннинг қутби, шариат солики ва валийюллоҳ эди".

---

<sup>674</sup> Тожимуҳаммад Усмонов. "Дарёдан томчилар". "Фарғона" нашриёти – 1996, 26-б.

*Дид чун нақши бақо дар сафҳаи забро набуд,  
Гайри дарси ибрат аз "куллу ман алайҳа фон" бихонд*

У бу дунёда "Уни устида бўлган барча (жонли нарса) фоний бўлур" мазмунидаги оятдан бошқа бирор ибрат олишга арзигулик нақш йўқлигини кўрди.

*Мурда зери хоки рафт маҳдийи роҳати ў,  
Зинда бо шўри қиёмат хоки бар сари монд.*

Шунинг учун роҳат ўрни бўлмиш учун ер остига кетди ва у ерда ҳам қиёматни ташвиши билан машғул бўлди.

*Дар қадам жойи азизон гирад боқиймонда буд,  
Сарсар танад фано аз домани дунё фишонд.*

У яшаган қишлоқ улуғларнинг қадамжойи бўлиб, ўзи уларга гўё фарзанд қатори эди.

*З-ин кудуратхона дунё ба нузҳатгоҳи хулд,  
Бурад то дасти қазо бар равзаи ризвон нишонд.*

Шамол кўтарилиб, гўё дунёнинг этаги унинг қўлидан чиқиб кетди.

*Аз ҳужуми гиря з-ин ғам даҳр нур тўфонгоҳ шуд,  
Нола ин овозаи мотам ба илийин расонд.*

Бу ғамнинг ҳужумидан дунё тўфонга тўлди ва нолалар иллийинга қадар кўтарилди.

*Дил аз ин мотам ба гўши хушам аз таърихи ғам ў,  
Гуфт: "Аз аҳли фазол Домло Боқий монд".<sup>675</sup>*

Дил унинг ғам мотамидан қулоққа шундай деди: "Аҳли фазллар қаторидан Домло Боқий йўқолди".

Таърих моддаси ҳижрий 1317, милодий 1899 йилга тўғри келади.

---

<sup>675</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...41-42-б.





## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ ВА САЙИД АВЛОДЛАРИ

Маълумки, қадимдан дунёнинг турли мамлакатларида бўлгани каби Марғилонда ҳам Пайғамбаримиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодлари истиқомат қилиб келишган. Уларнинг бизнинг юртларда сайидлар, эшонлар, хўжалар, тўралар каби турли номлар билан аташади.<sup>676</sup> Қадимдан маҳаллий аҳолининг уларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиромлари бўлган.

Зайд ибн Арқам р.а.дан Имом Термизий ҳасан ҳадис деб ривоят қилган ҳадиси шарифда Ҳабиби мухтарам (с.а.в.) бундай марҳамат қилган эдилар: “Мен сизларга иккита нарсани қолдириб кетаяпман. Мадомики уларни маҳкам ушлар экансиз, ҳаргиз залолатга кетмайсиз. Икковидан биринчиси кейингисидан улуғроқдир: Аллоҳнинг китоби – осмондан ергача чўзилган арқондир ва (кейингиси) аҳли байтим – менинг авлодимдир”.<sup>677</sup> Имом Дайлабий эса Абдурраҳмон ибн Авф р.а.дан ривоят қилган Имом Ҳоким саҳиҳ деган ҳадисда айтилишича, Расули ақрам (с.а.в.): “Сизларга авлодимга яхшилик қилишни васият қиламан!” – деганлар.

Ибн Ҳажар ал-Ҳайтамий Ҳасан р.а.дан ривоят қилишича, ул зот ўз хутбаларида бундай деган эканлар: “Мен Аллоҳ таоло уларнинг муҳаббатини ҳар бир мусулмонга фарз қилган аҳли байтдан бўламан!”.

Ҳасан р.а.нинг ушбу сўзларига далил қилиб уламоларимиз Қуръони каримнинг Шўро сурасининг 23-оятини кўрсатганлар: “Айтинг, мен сизлардан бу даъватим учун ҳақ сўрамайман, фақат қариндошликдаги дўстлик-яқинликнигина сўрайман!”. Расулуллоҳ алайҳиссалом Қурайш қабиласидан бўлганлари учун, шу қабила мушрикларидан озор бермасликни сўраганлар, даъватлари эвазига ҳақ сўрамасалар-да, ўзларининг авлод ва

---

<sup>676</sup> Абдулаҳатов Н., Эшонбобоев Ў. Кўҳна Марғилон зиёратгоҳлари. – Ф. «Фарғона», 2007.84-б.

<sup>677</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал”... 1978. 3-ж, 24-б; Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий. “Саҳиху сунан ан-Насоий”...5-ж, 45-б.

зуриётига силаи раҳмда бўлишга чақирганлар. Имом Табарий ҳам мана шу таъвилни ихтиёр қилганлар.

Абу Бакр Сиддиқ р.а: “Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байти борасидаги аҳди ва муҳаббатини муҳофаза қилинг, сақлаб-асранг!”, – деб васият қилган эдилар.

Мана шу сабабларга кўра бутун уммати исломия саййид ва саййидзодаларни ҳурмат ва иззат қилиб келган. Қадрларини юксак билиб, бениҳоя улуғлаган. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг чеваралари Зайн ул-обидийн буюк саҳобий Ибн Аббос р.а. нинг олдиларига кирсалар, ул зот: “Марҳабо, эй ҳабиб ибн ал-ҳабиб!” (“Эй ҳабибнинг суюкли ўғли, хуш келдингиз!”) – деб кутиб олишлари нақл қилинган.

Бир куни саҳобаларнинг улуғ олимларидан бири Зайд ибн Собит р.а. қайсидир жаноза намозида қатнашиб, яқинида турган хачирга чикмоқчи бўлганларида Ибн Аббос р.а. ҳазратлари узангисини тутдилар. Зайд ибн Собит р.а: “Эй, Расулulloҳнинг амакиваччаси, кўйинг, кўйинг...” – дедилар. Шунда Ибн Аббос р.а: “Уламо ва кубароларга шундай муносабатда бўлишга буюрилганмиз”, – дедилар. Зайд ибн Собит р.а. бўлса, Ибн Аббос р.а.нинг кўлларида ўпдилар ва юзларига суртдилар-да, “Биз Пайғамбаримиз алайҳиссалом аҳли байтига мана шундай муомалада бўлишга буюрилганмиз”, – дедилар.

Соҳибқирон Амир Темур даврида Самарқандда икки аллома – Саъдуддин Тафтазоний ва Саййид Шариф Журжоний илмий фаолият олиб боргани маълум. Бу икки аллома ўртасида бўлиб ўтган баҳс-мунозаралар жуда машҳур бўлиб, тарихий манбаларда батафсил ўз аксини топган. Ана шундай баҳслар Амир Темур саройида ўтказиб турилган. Саъдуддин Тафтазоний ва Саййид Шариф Журжоний мунозарада тенг бўлиб қолганида, соҳибқирон Амир Темур: “Саййид Шариф Журжонийнинг саййидлиги туфайли баҳсда ғолиб бўлди, деб эълон қилиниши мақсадга мувофиқ” дегани тарих китобларида келган. Бу нарса Марказий Осиё халқлари ва султону хонлари ҳам саййидларни ниҳоятда ҳурмат қилиши, қадрлашини кўрсатувчи далилдир. Лекин шундай бўлса ҳам, баъзи бировлар уларни ҳурмат қилишда, уларни севиб-ардоқлашда ҳаддан ошадилар, исломий

доира чизигидан чиқадилар. Буларга шиа ва рофизий тоифаларини киритиш мумкин.

Шунинг учун асрлар давомида Пайғамбар алайҳиссалом авлодларини мадҳ қилинган асарлар, қасидалар битилган. Уларни улуғлаб ёзилган ашъорлар халқ орасида машҳур бўлган. Абдурахмон Жомий Имом Зайнул Обидийн ҳақида “Силсилат уз-заҳаб” асарида 32 байтлик маснавий ёзиб қолдирган. Баҳоуддин Нақшбанднинг бош халифаси Хожа Муҳаммад Порсо эса ўзининг “Фасл ул-хитоб” асарини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг авлодларидан бўлмиш 12 имом ҳақидаги тазкиралар, мадҳлар билан зийнатлаган. Агар мазкур асарда 12 имомни кўқларга кўтарадиган шиалар ёмонланмаганда эди, бу китоб шиалар орасида энг мўътабар ва машҳур асар бўлиб қоларди. Шунингдек, муҳаддис Абдулҳақ Дехлавий ҳам 12 имом ҳақида рисола битган.

Ёзма манбаларда келтирилишича, Марғилонда истикомат қилган ушбу авлод вакиллариға хурмат эхтиромнинг рамзи сифатида ўз даврида ҳукмдорлар томонидан махсус васиқалар берилган. Масалан, аштархонийлар ҳукмронлиги даврида марғилонлик саййидлар авлодига мансуб Саййид Шоҳ Қосим тўра 1681 йилдан 1688 йилга қадар Бухоро хонлари томонидан пайғамбар авлоди сифатида турли иноятнома ва ёрликлар билан тақдирланган бўлса, унинг ўғли Шоҳ Абу Бакрдан тортиб, Шоҳ Али Аскар, Охунд Шоҳ сингари авлодлари Қўқон ҳукмдорлари томонидан турли ёрликлар олиб келганлар.<sup>678</sup>

Тарихчи Т. К. Бейсимбиевнинг таъкидлашича, Марғилон саййидларининг Қўқон хонлигида мавқеи баланд бўлган. Шу сабабдан ҳар бир Қўқон хони ўзининг давлат бошқарувида уларнинг кўмагига таянишга интилиб келган.<sup>679</sup> Жумладан, Бухоро Амири Насруллоҳоннинг ҳужумини қайтариш мақсадида

---

<sup>678</sup> Валидов З. А. Некоторые данные по истории Ферганы XVIII- столетия // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского куржка любителей археологии. Вып 2. Т. 1916. С. 69-72.

<sup>679</sup> Бейсембиев Т. К. Духовенство в политической жизни Кокандского ханства в XVIII-XIX веках (по некоторым сочинениям кокандской историографии) // Духовенство и политическая жизнь на Ближнем и Среднем Востоке в период феодализма. – М., 1982, С. 37.

ўз даврининг машхур хожаларидан бири Азимхожа эшон Марғионий Қўқон хони Шералихонни (1842-1845) қўллаб-қуватлаб Қўқон шаҳрини ҳимоясида катта жонбозлик кўрсатган. Бу ҳақда Мирзаолим Мушриф шундай ҳикоя қилади:

*"Яна Азимхожа эшони Марғионийким машхурлар то Ўш ва Андижонга хат ёзиб, уламо ва фузало ва марди кироийларни азбаройи мадад учун талаб айлаб юбордилар эрса, уларга кўп маъқул тушуб, амин ва оқсоқоллар тараддуд қилиб, неча марди коройиларни жам айлаб Марғионон келдилар. Мунда буларким, ҳазрати эшон ва тўралар бир неча миқдор мерганларни жам этиб, тайёр бўлуб туруб эрдилар. Йўлга равона бўлдилар эрса, суръат билан юруб кечалаб, вақти азон Мазанглик тарафдин хужумни лашкар бирла оқ аламлик туг бирла кириб келдилар. Хонга хабар бердиларким: "Ҳазрат эшон икки минг мерган билан бирла Андижон ва Марғионон уламолар азбаройи мадад келибдурлар" – деб. Даъфатан, истиқболга амин, оголиқларни буюрдилар. Бориб дастбўслик қилиб, бошлаб Шералихон хизматларига олиб келдилар. Хон бечора неча қадам истиқбол бориб, зиёрат ва мулоқот этти. Юқори ўлтурсузуб, дастурхони олий, таомҳойи гуногун тортиб, бадъаз фароғ сарупойи олий бериб сарафроз қилдилар".<sup>680</sup>*

Саййид авлодларини Қўқон хонлари қошида обрўлари баланд эканини улар тарафидан турли йилларда мазкур авлод вакилларини саййид авлоди эканини тасдиқлаш маъносида берилган ёрликлардан ҳам билиш мумкин. Бу ҳақда Закий Валидий Марғилон шаҳридаги олиб борган тадқиқотлари чоғи ўзи гувоҳ бўлган катор хужжат-ёрликларни санаб ўтар экан, шундай дейди:

"Скобелев уездининг Марғилон шаҳрига тобеъ Киргил кишлоғида яшовчи Муҳаммадхўжа (ёки Алақ-Шалакхўжа) Эшон Ҳидоятхўжа қўлида қуйидаги ёрликлар мавжуд:

---

<sup>680</sup> Мирзаолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин / Нашрга тайёрловчи: А.Матғозиев., М.Усмонова. –Т.: "Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти", 1995. 25-26 б.

1) Рустам Баҳодирдан томонидан 1092/1681 йилда берилган Шоҳ Қосимни пайғамбар авлоди эканлигини тасдиқловчи ёрлик.

2) Шоҳ Қосимга ҳурмат кўрсатиб, шунингдек Марғилон аҳли доим ундан оқ фотиҳа олмақликлари мақсадида 1100/1688 йилда Саман Муҳаммад Баҳодир Султон томонидан насаб ва тархонини тасдиқлаш тўғрисида берилган ёрлик.

3) Яна ўша оталиқ томонидан 1107/1795-6 йилда Шоҳ Қосимни Марғилон шаҳрига шайх-ул ислом этиб тайинлаш тўғрисида берилган ёрлик.

4) Ҳукмдор амрига халқни итоат қилиши учун Раҳимбий Шоҳрух ўғли томонидан (Хон номидан) 1135/1723 Шоҳ Абу Бакр Шоҳ Қосим ўғлини насаб ва тархонини тасдиқлаш мақсадида берилган ёрлик.

5) Низомиддин Муҳаммад Бобобий томонидан (Хон номидан) 1162/ 1749 йилда Мир Низомиддинхўжани тархонини тасдиқлаш мақсадида берилган ёрлик.

6) 1168/1753 йилда Низомиддин Муҳаммад Абдурахмонбий томонидан (Хон номидан) Охун Шоҳ ( Шоҳ Али Асқар Шоҳ Абу Бакр ўғли)ни саййидлигини тасдиқлаш тўғрисида берилган ёрлик.

7) Муҳаммад Каримкулбий (Мухрда Идрискулибий ўғли) томонидан (Хон номидан) Азиз Алихожани тархонини тасдиқлаш тўғрисида берилган ёрлик. Санаси кўрсатилмаган.

8) Яна Муҳаммад Каримбий томонидан (Хон номидан) 1188/1774 йилда Шоҳ Қосим ўғилларини мамлакатнинг барча дунёвий мажбурият ва солиқларидан озод қилинганини тасдиқлаш тўғрисида берилган ёрлик.

9) Хон номидан 1198/1784 йилда Низомиддин Муҳаммадаминбий томонидан Қосим Шоҳ Эшон авлодларига, айнан Охун Шоҳхўжа Асадуллахўжа номига тархон берилганлиги тўғрисида берилган ёрлик.

10) Оталиқларнинг бири томонидан (Хон номидан) 1102/1789-91 йилда Шоҳ Қосимни саййидзода эканлигини тасдиқлаш тўғрисида берилган ёрлик.

11) Муҳаммад Абдул Каримбий томонидан Шох Жалолиддинни саййидзода эканлигини тасдиқлаш тўғрисида берилган. Санаси кўрсатилмаган".<sup>681</sup>

Рожий Марғинонийни саййид авлодларига самимий муносабати мазкур сулола вакилларида кўплари вафотига бағишлаб ёзган марсияларидан, улар тарафидан қурилган маданий иншоотларга айтган таърихларидан билинади. Закий Валидийнинг айтишича, Рожийнинг кўлида Кўқон хони Норбўтабий томонидан 1188/1774 йилда пайғамбар авлоди Саййидхўжани Марғилон шаҳрига қози этиб тайинлаш тўғрисида берилган ёрлик сақланган.<sup>682</sup>

е

### *Эшон Пошшоҳон тўра гумбазига*

1899 йилда Эшон Пошшоҳон қабри устидаги эскириб қолган гумбаз янгиланади. Шу муносабат билан Рожий қуйидаги икки таърихни битади:

*Бар матофи оли Тоҳо сақфи нав пайдо шуда,  
Осмон гўё парвоз аз оламу боло шуда.  
Ҳотифи гайби ба ин овоза дар таърихи ў,  
Гуфт: "Ба таждиди олий гунбази зебо" шуда.*<sup>683</sup>

**Таржимаси:** Пайғамбар авлодининг қабри устига янги том бино қилинди. Бундан осмон гўё юқорига парвоз қилди. Ҳотифдан унинг таърихига қуйидаги овоз келиб, деди: "Янгиланиши туфайли гумбаз зебо" бўлди. Таърих моддасидан ҳижрий 1317 йил чиқади.

*Сақфи гардун нусха дийдам бар сари қабри мажид,  
Гуфтам оё, осмони Изид аз нав офарид?  
Бо хирад гуфтам ба таърихаш ту чун гўе бигу,  
Гуфт: "Боло гунбази зебо фалак шакли жаид".*<sup>684</sup>

<sup>681</sup> Аҳмад Закий Валидий. Бўлингани бўри ер: Туркистон халқларининг миллий мустақиллик учун кураши тарихидан: Хотиралар . – Т.: "Адолат", 1997. 33-б.

<sup>682</sup> Аҳмад Закий Валидий. Бўлингани бўри ер... 33-б.

<sup>683</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...136-б.

<sup>684</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...136-б.

**Таржимаси:** Улуғ бузруквор қабри устига янги гумбаз қилинганини кўрдим. Дедимки, оё, бу улуғ зотнинг осмони янги бўлдимми?! Ақлга: "Уни таърихига бир нарса айт", – дедим. У: "Бу баланд гумбаз осмон шаклида бўлди", – деди. Бунда ҳам таърих моддасидан юқоридаги сана чиқади.

### *Собирхон тўра меҳмонхонаси*

1895 йилда Марғилоннинг Юқори ёв номли маҳалласида яшаб ўтган Саййид Собирхон тўра яхши ниятда меҳмонхона куради. Рожий унга қуйидаги таърихни ёзади:

*Номи Собирхон ҳожи ҳиммат параст,  
Сохт меҳмонхонаи олий чун қасри беҳишт.  
Хома дар таърих ин маъмураи зебо бино,  
"Маскани аширофи мардум буқъаи олий наweist".<sup>685</sup>*

**Таржимаси:** Номи Собирхон тўра бўлмиш ҳиммати баланд бу зот жаннат қасри каби бир олий меҳмонхона курди. Таърих қалами бу зебо бино учун шундай деди: "Бу маскан шарафли кишилар жойидир". Таърих моддасидан ҳижрий 1315 йил чиқади.

### *Саййид Музаффархон тўра вафоти*

1915 йилда йилда Марғилонда саййид Музаффархон тўра вафот этади. Рожий у зот вафотига қуйидаги таърихни битади.

*Хостам аз хобу дийдам шўру маҳшар шуд бурун,  
Гуфтам: "Оё аз балойи хуфта дигар шуд бурун".*

*Нола аз дилҳо чаро бо чархи ахзар шуд бурун,  
Навҳа бо шўри қиёмат сад баробар шуд бурун.*

*Токи аз ҳар сўз чунин овоза бар гўшам расид,  
Ҳайф, сад ҳайф аз жаҳон Саййид Музаффар шуд  
бурун.*

*Навниҳоли тозаю тар рафта буд аз боғи даҳр,*

<sup>685</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 92-б.

*Сарсари тунди фано зад ҳайф бевар шуд бурун.*

*Аз адам то бар дари майхонайи дунё расид,  
Сад дари ғам бод дийду боз аз ин дар шуд бурун.*

*Бувад фарзанду вале насли Али олий набий,  
Нур аз рӯ мунжалии чун меҳри анвар шуд бурун.*

*Бо иродат чора набувад сархати лавҳи жабин,  
Аз иродат ҳар қадар буд, ин муқаддар шуд бурун.*

*Сахт мотам шуд аз ин ғам оламе девона шуд,  
Ҳол аз дилхо бирафту хуш аз сар шуд бурун*

*Рожий таърихаи ба тахти нақши у аз байти ғам,  
Ин ду мисра хонд ин дам чун қаландар шуд бурун.*

*Навҳа зад гуфтоки дил аз ҳолу хуш аз сар бирафт,  
Жон чу аз олий наби Саййид Музаффар шуд бурун.<sup>686</sup>*

**Насрий таржимаси:** Бўлиб ўтган бу воқеаларга ақлим етмай, унинг ҳақиқатини тушимдан сўрадим ва уни гўё қиёмат бўлганидек кўрдим. Дедимки, бу пинҳон – яшириб қўйилган бир бало эдими?

Ахир диллардан нолалар мовий осмонга кўтарилиб, қиёматнинг шўрига ҳам юз баробар йиғилар пайдо бўлмоқда-ку?! Ҳар бир сўздан “Минг ҳайф, юз минг ҳайф, бу жаҳондан Саййид Музаффархон тўра кетдилар”, деган нолиш эшитилмоқда-ку?!

У зот бир покиза навнихол янглиғ бу жаҳон боғидан кетди, афсуски, фано бодининг шамоли унинг ниҳолини вайрон қилди. Ҳар ким адамдан бу дунёга ғам даричасидан келиб, ғамни кўради, яна шу ғам даричасидан кетади.

У зот фарзанд эди, аммо Пайғамбар алайҳиссалом аҳлидан бўлган Алининг покиза авлодларидан эди. Шу туфайли нур у зотнинг манглайида офтобдек порлаб турар эди.

Эй Аллоҳ, Сени пешона хатига ёзилган иродангга чора йўк, ҳар бир иш сени тақдирингдир, инчунин, бу иш ҳам азалда

<sup>686</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...136-б.



тақдир қилинган. Шундай бўлса ҳам, қаттиқ мотам тушганидан бу олам ҳам гўё девона бўлди, ҳатто диллардан ҳоллар, бошдан эса хуш кетди.

Рожий унинг нақш каби ёзилган ғамли таърихидан икки мисрани ўқиди-ю, ўзи ҳам девона бўлди. “Дил навҳа уриб ақли хушидан бегона бўлиб, деди: “Пайғамбар аҳлидан бўлган Саййид Музаффар тўрадан жон кетди”.

Муаммоли таърихга кўра саййид Музаффархон тўранинг вафот санасини билиш учун “Оли набий Саййид Музаффар”, яъни 1387 дан, жон, яъни 54 ни чиқарамиз, натижа 1333 ҳижрий йил чиқади. Бу милодий санага 1915 йилга тўғри келади.

### ***Асакахон тўрам***

1909 йилда Андижон вилоятига қарашли Асака шаҳрида яшаган Асакахон тўра исмли зот вафот этади.

Кўринишидан хароботийларга ўхшаб юрадиган бу зот 1327 /1909 йилда вафот этган. Унинг вафотига Рожий ва унинг замондоши Муҳаммад Зокирлар марсия ёзганлар. Аммо унинг матни йўқолган. Бу ҳақда Муфаззал Махдум шундай ёзади:

*"Марғионон атрофи бўлгон Асака мавзеъсини аширофларидан Асакахон тўра деган зот Андижон атрофларида ўтган харобот каби киши учун жаноб Рожийни марсиялари ва Муҳаммад Зокирнинг марсиялари бўлиб йўқотилган. Локин таърих вафотлари учун ёзилган "ёнган чироғи олам ўчуб" экан. Яна латифалари ҳам бор эди".*<sup>687</sup>

### ***Маҳмудхон қози Андижоний***

1907 йилда Андижонда саййид авлодларидан Маҳмудхон қози домла вафот этади. Шу муносабат билан Рожий "ҳасрат ва надомат билан" қуйидаги таърихни битади. Унда марҳумни саййид авлоди эканига урғу берилади.

---

<sup>687</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси...60-б.

*Дар дил чи бало азоб гардид,  
Бо оташи азоб об гардид.*

*Чун мавжу карам вужуди Маҳмуд,  
Дар баҳри фано хубоб гардид.*

*Дарё дили мо ки обрӯ дошт,  
Мамдуҳ башайху шобб гардид.*

*Як дийда кушуду рафт аз мо,  
Тӯфони бало бо об гардид.*

*Бар таншалаби висоли ўро,  
Заҳробайи гам шароб гардид.*

*Ин ҳодиса дид ба сари мо,  
Ҳам гирия зи гам саҳоб гардид.*

*У ҳуфта бамаҳди гўр осуд,  
Кай дийдаи мо баҳоб гардид.*

*Аз манқабаташки мухтасар шуд,  
Бо ин рақам интиҳоб гардид.*

*Модари улвий падар Ҳусайний,  
Олий насаб аз ду боб гардид.*

*Умре бақазойи аҳли ҳожат,  
Музди амалаш савоб гардид.*

*Аз садри қазо фитод, аммо,  
Бар боби жинон баввоб гардид.*

*У рафту гамаш дилу жигар сўхт,  
Таърихи азин ду боб гардид.*

*Аз мотами у жигар сўхт,  
Дил ҳам зи гамаш кабоб гардид.*

*Исқоти жигар кабоб мубаддал,  
Бо ёди гамаш ҳисоб гардид.<sup>688</sup>*

---

<sup>688</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...50-52-б.

Мазкур таърих-марсияни устоз М.Мадғозиев асл тароватини сақлаган ҳолда қуйидагича назмий таржима қилган эди:

***Маҳмудхон қози Андижоний вафотига таърих***

*Дилга не бало – азоб бўлди,  
Ҳижрон ўтидан чу об бўлди.*

*Маҳмуд вужуди карам мавжи,  
Фано баҳрида ҳубубо бўлди.*

*Дилимиз дарёси ёш тўкар чунон,  
Ки мамдуҳи қари-ю ёш бўлди.*

*Нигоҳ ташила-ю кетгач у биздан,  
Бало тўфонидан хароб бўлди.*

*Бу ҳодисадин чу бошимизда,  
Марҳум гамидан саҳоб бўлди.*

*Осуда ётар у гўр бешигида,  
Бизга на ётиш, на хоб бўлди.*

*Хислатларики, инжа-ю нажиб,  
Саноққа келмаю интиҳоб бўлди.*

*Падар Ҳусайни-ю модар улугвор,  
Насабда мухтасар ду боб бўлди.*

*Умгузаронлик – қазо маснади,  
Элга не хушки, савоб бўлди.*

*Садри қазодан йиқилди-ю лек,  
Жаннат бобига баввоб бўлди.*

*Куйди ғамидан дилу жигарлар,  
Таърихларига ду боб бўлди.*

*Мотам ғамидан жигарлар куйиб,  
Ғамзадасидан кабоб бўлди.*

*Исқоти жигар кабоб олинса,  
Ёди ғамига ҳисоб бўлди.*

Эслатиб ўтамиз, марҳумнинг вафоти таърихнинг зоидул аъдод йўли билан ечилади:

*Аз мотами у жигар сўхт,  
Дил ҳам зи ғамаш кабоб гардид.*

Таржимаси:

*Мотам ғамидан жигарлар куйиб,  
Ғамзадасидан кабоб бўлди.*

Таърих моддаси "сўхт" бўлиб, у жумал ҳисоби билан 1547 га тенгдир. Ишорага кўра ундан "жигар" нинг қиймати 223 ни исқот қиламиз:  $1547-223=1324$ . Демак, Маҳмудхон қози ҳижрий 1324, милодий 1906-07 йилда вафот этган.

*Исқоти жигар кабоб мубаддал,  
Бо ёди "ғамаш" ҳисоб гардид.*

Таржимаси:

*Жигар олиниб кабоб қўйилса,  
Ёди ғамига ҳисоб бўлди.*

Бу ерда энди марҳум вафот этган йилни топиш учун интиқод ва табдил усуллари қўлланади. Чунончм, байтда таърих

моддаси "ғамаш" бўлиб унинг рақам қиммаати 1340 дир. Ишорага кўра "ғамаш"нинг дили, яъни "мим" – 40 ни чиқариб юборсак, 1300 қолади. Энди унинг ўрнига "кабоб"нинг қиймати 25 ни кўшсак, 1325 хижрий йили келиб чиқади. Агар бу милодийга айлантирилса, 1907-08 йил экани маълум бўлади.

Бугина эмас, Рожий марҳумнинг қабртоши учун қуйидаги учта таърихни ҳам битган эди:

*Хожаи бо жуд Маҳмуд живори Ҳақ қариб,  
Аз зиёфатхонаи жаннат ба ў бод насиб,  
Хоки муҳтожси дуо шуд з-ин сабаб таърихи ў,  
Хоки муҳтожси дуо Маҳмуди жаводи нажиб.*<sup>689</sup>

**Таржимаси:** Саховатли Хожа Маҳмуд Ҳақ живорига кўшни бўлиб, жаннат зиёфатхонаси унга насиб бўлсин. Унинг тупроғи дуога муҳтож бўлгани учун таърихи: “Олижаноб Маҳмуднинг тупроғи дуога муҳтождир” мазмунидаги жумла бўлди. 1320/1903 йил.

*Он саёдат манқабат мамдуҳи ом аз шобб шайб,  
Буд Маҳмуди халойиқ бовужуди худ зеб,  
Гаит хоки тўда з-онрў шуд пайи таърихи ў:  
Хоки муҳтожси дуо Маҳмуди жаводи нажиб.*<sup>690</sup>

**Таржимаси:** Олижаноб Маҳмуд қози одамларнинг саййиди эди, унинг яхшиликлари ҳар тарафга етган эди. Қазодан унинг вужуди тупроққа айланди ва таърихи: “Олижаноб Маҳмуднинг тупроғи дуога муҳтож бўлди” мазмунидаги сўзлар бўлди. 1320/1903 йил.

*Қози Маҳмуд ба жуд саййидун-носи нажиб,  
Бурда аз хони наволаш ҳар навохоҳи насиб,  
Аз қазо афтод хоки тўда шуд таърихи ўст:  
Хоки муҳтожси дуо Маҳмуди жаводи нажиб.*<sup>691</sup>

<sup>689</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 52-б.

<sup>690</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 52-б.

<sup>691</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 52-б.

**Таржимаси:** У ёшу қари олқишига сазовор бўлган зот, ўзининг фазилати билан халқнинг маҳмуди – мақталган кишиси эди. У ўлим туфайли бир сиқим тупроққа айланди. Шунинг учун унинг таърихи: “Олижаноб Маҳмуднинг тупроғи дуога муҳтож бўлди” мазмунидаги сўзлар бўлди. 1320/1903 йил.

### ***Мулла Саййид Аҳмадхон қози Марғионий***

1309/1891 йилда марғилонлик саййид авлодларидан мулла Саййид Аҳмадхон қози Юсуфали хожа ўғли ҳажга бориб Макка шаҳрида вафот этади ва Жаннатул муъалло қабристонига дафн қилинади. Рожий унинг вафоти учун араб тилида қуйидаги таърихни битади:

*Фавқа жамиъил қузот қози ҳуваллоҳ,  
Минҳул қазо мозин ла харжа вала радд.*

*Ас-саййид Аҳмад ибн Юсуф Али –Хусайний,  
Тавқул қазо аллақа кал аби ирсан ан жадр.*

*Фоқаш шуйуха саабан, илман ва интисобан,  
Ихтора игтиробан ан аҳлиҳи ябтаъид.*

*Важжаҳа бил эътиқоди Батҳоа Умму Суод,  
Фи ашрафил билоди бил ижтиҳоди вал кадд.*

*Фий мажмаъил кироми қад мота бис сиқом,  
Ал-она байнал ѓизоми фи қуббатиҳи йулҳад.*

*Фи муқтазал иродати қад кона бис саодаҳ,  
Лил мавти кашшаҳодати жаррал қазо минал яд.*

*Тубо лил мавти Ал-Аҳмад бир ризоил муаббад,  
Фи жаннатил муалло байтун лаҳу муҳаддад.*

*Йа зoirал қубури таъриҳу оми мавтиҳи,  
Қул: "Жаннатул муалло масвока Саййид Аҳмад".*

**Таржимаси:** Қозилар устидан ҳақиқий қози бу Аллоҳ таолодир. Ундан келган қазони қайтариш мумкин эмас. Саййид Аҳмад Юсуф Али ал-Хусайний қозиликни отаси ва бобосидан мерос қилиб олган, яъни унинг аждодлари ҳам қози бўлиб

ўтишган эди. У илмда ва насабда кўпчиликдан устун эди, бироқ, энди у ўз аҳлидан узок бўлишни хоҳлади.

Чин эътиқод ва жидду жаҳд билан шаҳарларнинг шарафлиси ва саодат уйи бўлмиш Батҳо – Маккага ҳаж қилмоқ учун юзланди. Бироқ у ерда улуғлар даврасида беморликдан вафот этди. Энди у бузруклар орасида лаҳадда ётибди.

Аллоҳнинг иродаси тақозосича ўлим унга саодат бўлди, яъни у гўёки шаҳодат топгандек бўлди. Саййид Аҳмаднинг ўлимига хушлик бўлсин ва унга абадий роҳат бўлсинки, у Жаннатул муъалло қабристонида жой олди. Эй уни қабрини зиёрат қилувчи, унинг вафот таъриhini билмоқчи бўлсанг, "Эй Саййид Аҳмад, сенинг жойинг Жаннатул муъаллодир", – деб айт.

Таърих моддаси охириги мисрадаги "Эй Саййид Аҳмад, сени жойинг жаннатул муъаллодир" мазмунидаги сўзларнинг арабча матни йиғиндисидан чиқади, яъни, 1327/1909.

### ***Рожий ва Камолиддинхожа Косоний***

Айтиш ўринлики, Рожийнинг илмий-амалий алоқаларининг жуғрофий ҳудудига Наманган шаҳри ҳам киради. Рожий яшаган даврда бу ерда кўплаб илм-маърифат аҳли – уламолар, мударрислар, мутасаввифилар истиқомат қилганлар. Улар бевосита Марғилон зиёлилари билан алоқалари бўлган.

Бу вақтда Наманганда устоз мураббийлар Иноятхон махдум Лангарий (ваф. 1316/1899), Сулаймонхўжа Улуғхўжа ўғли Нодим Намангоний (1844-1910) каби зотлар истиқомат қилишган.<sup>692</sup> Айниқса, Марғилон ва Наманган мударрисларининг ўзаро фаолиятлари салмоқли бўлган. Намангандаги Ҳазрати мавлавий Муллахўжа эшон номи билан аталувчи мадраса мударриси саййид Камолиддинхожа Косоний вафотига Рожийнинг марсияси бунга мисол бўлади.

<sup>692</sup> Хилватий Девон. Тўплаб нашрга тайёрловчи Исмаиulloҳ Абдуллоҳ ва Абдуллоҳ Йўлдош. Ўзбекистон Республикаси. "ФАН" нашриёти.Т.: 2001,27-б.

## Таърих

*Аз ин кўҳна айвони ғамхона рафт,  
Чи соҳибдилони фарзона рафт.*

*Басе панж рўзе зи дори сипанж,  
Жудо ғашт аз хешу бегона рафт.*

*Агар шуд дили ман мариши ғамаш,  
Ҳакими тасаллий масиҳона рафт.*

*Вагар дил шикастам табиби шикеш,  
Зи баҳри шикастам ҳакимона рафт.*

*Мусибат гузашту ҳадиси ғамаш,  
Агар зад бағўшам чу афсона рафт.*

*Чи тўфон шуд аз марғи Саййид Камол,  
Ба сар бувад агар хуш девона рафт.*

*Дар он рўзи жонҳо ба тобути ў,  
Зи арбоби маъни радифона рафт.*

*Маро аз дари дил на донам чаро,  
Ғами у на дар шаб, на рўзона рафт.*

*Чу худ масти Ҳақ рафту жойи нашоат,  
Зи заҳроба пур карда паймона рафт.*

*Шароби ҳақиқат з-ҳақ маширабон,  
Аз ин дурд нўшиду мастона рафт.*

*Дилам зин мусибат ба сўзу гудоз,  
Азин мажмари ғам сипандона рафт.*

*Чаро дил на сўзад ба Саййид Камол,  
Камоли аҳоли зи Фарғона рафт.*

*Ба ботин зи ганжи қаноат гани,  
Зи зоҳирпарасон фақирона рафт.*

*Жабини ниёзаш ба хоки фано,  
Бисоти адаб шуд ҳасирона рафт.*



*Аз ин раҳ зи бори тааллуқ ба гўш,  
Сабукрав сабукбор мардона рафт.*

*Халаф аз шарафи хонадони салаф,  
Саодатнасаб буд покона рафт.*

*Ниҳон буд афсус канзи улум,  
Ба вайрона умре зи вайрона рафт.*

*Чунин ёфт Рожий ба таърихи у:  
Ба жайби тафаккур чу пийрона рафт.*

*Вале бо одобе илму камол,  
Зи асҳоби маънийи Фарғона рафт.*<sup>693</sup>

**Таржимаси:** Бу кўҳна айвони ғамхонадан қандай яхши кўнгили эгалари – донолар кетди. Бу беш кунлик дунёда хешу акраболардан бегона кетди. Юрагим унинг ғамидан ҳаста бўлса сазоки, ўша ғамдан дилларга тасалли берувчи ҳаким Масиходек кетди. Мусибат ўтди-ю, лекин унинг ғам-андухига кулоқ солсам, ҳануз у – афсона каби кетди.

Саййид Камол вафотидан қандай тўфон юз берди, дейсизми, агар уни билмоқчи бўлсангиз, у бошида хуши бор кимсани ҳам хушсиз қилиб қўйди. Жонлар унинг тобути устида, маънолар арбоби бўлмиш унинг видолашувига кетма-кет бўлиб кетди. Лекин билмадим, нимадирки, унинг ғами бизнинг дилимиз эшигидан на кечаси ва на кундузи кетди.

У ўзи Ҳақ нашъасидан маст бўлиб шодлик ерига кетди, аммо бу туфайли бизнинг паймонамизни заҳарга тўлдириб кетди. Ҳақиқат шаробини Ҳақ йўлида ичувчилардан, шароб дурдини ичди-ю, мастона кетди. Дилим бу мусибатдан куйиб-ёнишда, бу ғам мажмаридан (исириқдон) исириқдек кетди. Саййид Камол учун юрак нима учун ўртанмасинки, гўё, Фарғона аҳолисидан камол кетди.

Ботинда қаноат хазинаси билан бой бўлган у зот, зоҳирпарастлар учун фақирона кетди. Пешонаси доим ажзу-ниёз

<sup>693</sup> А.Мухаммадиев мажмуаси... 130-131-бетлар.

тупроғида ва ўзи эса одоб бисоти бўлиб, бўриёдек кетди. Бу йўлда тааллуқ юки унинг кифтида эди, шу туфайли (дунё молидан) энгил юриб, энгил бўлиб мардона кетди.

У шарафли саййидларнинг ўринбосари бўлиб, ўзи ҳам саййид насаблик эди, пок кетди. Афсус, унга илм хазинаси яширинган эди. Бу вайронадан бир умр обод бўлмайдиган вайронага кетди. Маъно қушлари ундан хуркимас эди, фикрининг панжаси гўё шер эди, лекин ўзи ажал шерига ўлжа бўлди.

Рожий унинг ўлими таъриhini шундай топди: "Тафаккур ёқасидан қарилардек пийрона кетди". Аммо илму камолда одоб соҳиби бўлмиш у зот Фарғонанинг маъно аҳлларида эди-ю, кетди.<sup>694</sup>

### ***Саййид Жалолхон тўра***

Марғилонда Саййид Жалолхон тўра номли диёнатли ва такводор шахс яшаб ўтган. У ўз маҳалласига каттагина бир жомеъ масжиди бино қилади. Рожий унга қуйидаги таърихни ёзади:

*Зифт содоту хилофат бо Жамолиддин саййид,  
Шуд басаъйи ва жуҳди у ин масжид олий паидид.*

**Таржимаси:** Бу зот Саййид Жамолиддинга муносиб ворис эди, унинг саъй ҳаракати билан мазкур бино барпо бўлди.

### ***Рожий Марғионий ва Бузрукхон эшон Машҳадий***

Маълумки, Марғилоннинг Машҳад даҳасида Ислом дунёсининг машҳур фақиҳларларидан Абдулазиз Марғионий, яна бири Имом Захириддин Марғионийнинг марқадлари жойлашган. Қадимдан кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, талабаларнинг хатмона – битирув маросимлари шу ерда ўтказилган. XIX аср Марғилон адабий муҳитининг кўзга

---

<sup>694</sup> Муҳаммаджон Мадрғозиев таржимаси.

кўринган вакилларидан бири Абдурахмон Фаҳмий “Таърифи Марғион” номли маснавийда шундай деган эди:

*Жавониб қиблада кўп мужтахидлар,  
Саҳоба неча минг олий шаҳидлар.*

*Заҳириддин имоми пешводир,  
Кўзи кўрмаслара гўё асодир.*

*“Заҳирия” фатово мунда эрмиш,  
Масоил ҳал учун олам қидирмиш.*

*Имом ҳал айлаб очмишлар масоил,  
“Заҳирия” бўлиб қуллуққа моил.*

*Йилу ой шугл этиб қилди фатово,  
Бил охир ушбу туфроқ бўлди маъво.*

*Саҳобалар азизлар бўлди марқад,  
Бу боис бирла бўлди номи “Машҳад”.*<sup>695</sup>

Рожий домла яшаган даврда бу ерда жойлашган масжидда саййид авлодларидан Бузрукхон эшон Машҳадий номли тариқат шайхи истиқомат қилган. Рожий домланинг у зотга алоҳида эҳтироми бўлган. Буни унинг асарлари орасида аллома вафотига бағишлаб ёзилган бир эмас иккита марсиядан билиб оламиз. Аллома илму билимда ўз даврининг яғонаси эди. Умрининг сўнггида муборак ҳаж сафарига борган ва Мадина шаҳрида вафот этади.

Аллома у ерга соғ-омон етиб олгани ҳақида ҳамшаҳарларига мактуб йўллайди. Бироқ у ердаги зиёрат ва ибодатларни адо этиш баробарида вафот топади. Унинг вафот хабари ҳам Марғилонга етиб келади. Жума куни имом ваъз қилаётган чоғи етиб келган бу шум хабар бутун масжид қавмини ларзага солади. Зеро, шаҳар ўзининг буюк бир алломасидан ажраган эди.

---

<sup>695</sup> Девони Фаҳмий. Қўлёзма. 529-б. Қўлёзма муаллиф авлодлари кўлида сақланади.

Барча қатори бу хабар Рожийнинг ҳам қулоғига етиб келади, у бундан қаттиқ изтиробга тушади ва аллома вафотига бағишлаб бир эмас, иккита таърих-марсия ёзади. Марсияда Рожийнинг буюк замондоши ўлимидан қанчалик изтиробга тушгани, алломанинг илмий-маърифий салоҳияти, ўзига хос хусусиятлари ва шаҳар зиёлилари ўртасида тутган ўрни ва бошқа бир қанча жиҳатлари кучли эҳтирос ва ҳаяжон билан тилга олиб ўтилади:

### ***Таърихи вафоти Бузрукхон эшон Маишҳадий***

*Ваҳиди аср адимун назир аз ақрон,  
Имоми аҳли тариқат ба ном Бузрукхон...*

Тариқат аҳлининг пешвоси бўлмиш Бузрукхон аср яғонаси ва замондошлари орасида беназир эди.

*Ба хатми расми улуми каломи Ҳақ гардид,  
Мударрисси сабақи дин муаллими Қуръон.*

Расмий илмларни хатм қилган, ҳақ сўзни айтувчи, мударрис ва Қуръон муаллими эди.

*Ғаний ба қанзи қаноат фақири султонзод,  
Фарида аҳли каромат саромади аён.*

Қаноат хазинаси билан бой, кўриниши фақир, олий насаб, каромат аҳлининг яғонаси, аёнлар бошлиғи эди.

*Саёдат аз надар ирсу валоят аз жаддаи,  
Амири обиди гози шаҳиди захми синон.*

Сайидлик унга обидлар ғозисининг амири, қилич захмидан шаҳид бўлган отасидан, каромат эгаси бобосидан мерос эди.

*Гирифта силсилаи Ҳақ ба баст то гардид,*

*Далил қофилайи дин ба маслаки ирфон.*

У ҳақ занжирини кўлига олиб, ирфон маслаги йўловчиларининг раҳбари бўлди.

*Расид сияти камолаш ба арсаи олам,  
Ба фатҳи мамлакати дил чу дошт лутфи инон.*

Камолининг овози бутун ер юзига ёйилган эди, чунки у дил мамлакатини олиш учун меҳр-шафқат жиловини ўша томонга бурган эди.

*Зи инқилоби замону зи шўри ҳодисаш,  
Имоми Бузруки мо шуд ба гўшае пинҳон.*

Замоннинг тўполонидан бизнинг имомимиз бир чеккага яширинишга мажбур бўлди.

*...Надида маъмани роҳат гирехт аз ин гўр,  
Бурида риштаи улфат зи гўша арвоҳон.*

Лекин нимадирки, у бу ерда ҳам роҳат жойини тополмай, энди қабристон арвоҳларидан ҳам улфатликни узди.

*Зи домгоҳи тааллуқ парид фориғ шуд,  
Ҳавойи Ясрибу Батҳо гирифт зуд тайрон.*

Яъни, энди у бу тааллуқ тузоғидан учдию озод бўлиб, Маккаю Мадина осмонига қараб учди.

*Ба сурмасойи гардаш парид чашими умид,  
Нигоҳ ба шавқи висолаш чу буд бол оташон.*

У умид кўзини муқаддас тупроққа суриш, унинг юзини кўриш учун шавқ билан қанот қоқарди.

*Саломнома расиду саломат ў ба расид,  
Ду бора аз сафари худ бошгаит бо ёрон.*

Унинг саломномаси етиб келди, шукрки, ўзи ҳам саломат бориб етибди.

*Чи нома сатри саводаш навиштае гам буд,  
Чи сафҳаи нақши нуқотаи зи доғи сийна нишон.*

Унинг ёзган сатрлари ғамдан ёзилган бўлиб, ундаги нақшу нукталар юрак доғидан эди.

*Саҳифа аз Арабистон паёми ў овард,  
Ба хиттаи Ажам унвони зи “ман алайҳа фон”,*

Арабистондан келган ўша саҳифа бизга Ажам туфроғидан ташқарида “Ман алайҳа фон” бўлди, деган хабарни келтирди.

*Хабар расиду хабар зи мусибати нозил,  
Зи осмони балият ба фарқи мотамиён.*

Хат воқеъ бўлган мусибатдан хабар бердию, мотамзадалар бошига гўё осмондан бало ёғдирди.

*Мусибат ин балият чунинки мегўяд,  
Бимурд оли паямбар Бузурги олий нишон.*

Мусибат шу қадар қаттиқ, азобу меҳнат шунчалик бўлдики, ҳатто улар: “Афсус, Пайғамбар авлодларидан бири ўлди” – деб айтишди.

*...На раҳти хона бадўш на нақди жон бар кафф,  
Фиканда мурдае худро баҳимматат товон.*

Энди на уй, на жон матоси унинг қўлида, балки у ўзининг жисмини сенинг ҳимматинг қўлига топширди.

*Намуд хилъати раҳмат умед аз карамат,  
Дарид қисвати умраи зи фарқ то домон.*

Энди сени карамингдан умид шулки, унга раҳмат либосини кийдирасан, зеро у бутун умрини бошдан оёқ пора-пора қилган.

*На бурда рахти шафоат бахонае гўраш,  
Ғариби бекафанасти ин намеравад урён.*

Шафоат рахтини унинг қабрига киргизилса, қандай бўлади, зеро у бу ерда бир бекафан ўликдир.

*Вале бахира гадое муқими гўяд шуд,  
Наволахори жавори ту гаши ин меҳмон.*

Қолаверса, у сени йўлингдаги бир гадои муқимдирки, бу меҳмон сени эҳсонингга кўз тугандир.

*Ҳужаста мурда малоик ба гирди тобуташ,  
Жанозавор гуруҳи ба ариши фотиҳахон.*

Унинг муборак тобути атрофида фаришталар жамланиб, жаноза ўқувчилари унга аршда фотиҳа ўқигандир.

*Чу буд буми мазор бимурд саъдаш бин,  
Ба шохе сидраст нашасту шуд андалиби жинон.*

Мозорларда бўладиган попушак ҳам ўлди, чунки у жаннат булбули каби сидрага кўнгандир.

*Ба файзи раҳмати Ҳақ шуд ғариқ тоб шароҳ,  
Ба лутфи Ҳақ ба жавори расули оламиён.*

Қабри нурга тўлсин, у Ҳақ раҳматиға ғарқ бўлди ва Ҳақ лутфи сабаб оламлар Расулиға кўшни бўлди.

*Харид ахтари саъд бинои зиннурайн,  
Ба зери турбати Ясриб хазиду шуд тобон.*

Саодатли юлдуз икки нур эгаси бўлмиш бинога учди ва  
Ясриб заминига борди-ю, шодон бўлди.

*Чу буд қутби замону бигаит қутби замин,  
Гирифт кавкаби толеъ ба маҳ жуфти қирон.*

У замон қутби эди замин қутбига кетди, толеъ юлдузи  
ойни тутиб ғойиб бўлди.

*Чу маҳ зи меҳри нубуват гирифта ранги фурухт,  
Имоми жомеъ Қуръон халифат-ур-Раҳмон.*

Ой нима экан, балки нубувват муҳридан улкан насиба  
олгандирки, у Имом, Қуръонни ҳифз қилган ва Раҳмоннинг ер  
юзидаги ходими эди.

*Ба чаими мунтазиронаш ба ҳашир метобад,  
Зи осмони саодат ба ламъаи имон.*

Мунтазирларнинг кўзига равшан офтоб бўлиб, саодат  
осмонида имоннинг ёрқин нури эди.

*Чу бувад пири тариқат мурид ҳажж кардид,  
Имом муқтадойи охир баҳазрати Усмон.*

У тариқат пири бўлиб ҳажни ирода қилган эди, у ҳазрат  
Усмон р.а. каби Қуръон таълимида муқтадо имом эди.

*Чи муштарю саъиду зи насхихона баъид,  
Харид дори саодат ба нақди жон арзон.*

У саодатни сотиб олувчи ва бахтсизликдан узоқ бўлувчи  
эди, шу туфайли саодат ҳовлисини жон нақдига арзон сотиб  
олди.

*Хабар расиду шарар зад бамазраи уммед,  
Дамед барқи балойи ба тўда ҳирмани жон.*



Хабар келди-ю, ўтлар умид экинзорига ёғилди, балолар чакмоғи жонлар ҳирманига етди.

*Чу ин саҳифаи мотам ба рўзи жумъа расид,  
На рўзи жумъа қиёмат шуд аз хуруши фиғон.*

Унинг мотам саҳифаси жума куни етиб келган эди, у кун нафақат жума, балки фиғонлардан қиёмат бўлиб кетди.

*Хатиби жумъа тамом ин наём хонду расонд,  
Бадин мақол тасаллий ба қалби мустамийшон.*

Масжид имом-хатиби бу хабарни бошдан оёқ йиғилганларга ўқиб берди ва кишилар қалбига бу сўзлар билан тасаллий берди:

*На мурда кист на танҳо имом Машҳад мурд,  
Зи анбиёи кирому машойихи булдон.*

“Ахир бу дунёда ким ҳам ўлмайди, дейсиз, фақат Машҳад жомеъсининг имоми ўлгани йўқ. Балки анбиёу киромлар ва шайхи замонлар ҳам ўлади...”<sup>696</sup>

*...Имоми қорийи Қуръон бимурд чун ҳофиз,  
Намонд марсиягўйе ба ҳофизи Қуръон.*

Қуръон ҳофизи бўлмиш қори жаноблари вафот этдики, энди марсия айтадиганларга қўшилиб тиловат қиладиган ҳофизи Қуръон қолмади.

*Камол рафт зи мардум на фикри Соиб монд,  
Бажусту омад Саъдий гузаит аз даврон.*

---

<sup>696</sup> Марсиянинг шу еридан бошлаб 9 байтининг таржимаси китобнинг аввалги бобларида ўтгани учун тарқор келтирилмади.

Бу билан халқлар орасидан камол кетди ва гўёки Саъдий давранан кетганидек шоир Соиб фикри каби тўғри фикр ҳам қолмади.

*Агарчи Рожий Низомий баназди фирдавсат,  
Шенос чун бастур он бамадҳати шоён.*

Фаразан, Рожий Фирдавсий назарида Низомий бўлганида ҳам Бузрукхоннинг мактовини беҳад мактаган бўлар эди.

*Жавобе масъалагўе хулосае таърих,  
Ба соли ҳодиса ақли хатиби мадҳатхон.*

*Нашаста минбари дилро бигуфт басонест,  
“Жаноби қутби муалло мақом Бузрукхон”.*

Хуллас, уни мактаётган кишидан мазкур ҳодисанинг санаси ҳақида сўралса у дил минбарига ўтириб, деди: “Бузрукхоннинг мақоми қутби муъаллодир”.<sup>697</sup>

*Ба амали таъмия бо қондаи интиқод соний нуни  
жанобаст аз вай соқит гардид ба соли ҳодиса мебошад.  
1319/1901.*

Эслатиб ўтамыз, Рожий Бузрукхон қози вафотига туркийда яна бир таърих ёзган бўлиб, унинг баъзи байтларини китоб давомида баъзи муносабатлар билан келтирдик.

---

<sup>697</sup> Устоз Жомеъ Самарқандий насрий баёни.

## РОЖИЙ МАРҒИНОВИЙНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

Китоб Рожий Марғиновий фаолиятининг ахлоқий-маънавий жиҳатларига бағишланган бўлса-да, аммо бу улуғ истеъдодли шоирнинг илмий-ижодий фаолияти, унинг баъзи жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталмай ўтиш инсофсизлик бўлур эди. Айни пайтда ҳозиргача келтирилган қатор маълумотларнинг кўп қисми унинг айни соҳасига дахлдор эканини ҳам эслатишга ҳожат йўқ.

Рожий Марғиновийнинг иждодий фаолияти ҳақида улуғ шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фуркат берган баҳо етарли:

*"Марғилон шахрининг қозийи калони Хожасон қози бирлан маърифат пайдо айладим. Аруз фанида кўп моҳир киши экандур. Туркий газал машқида таъби кўп латиф ва равон эрмиш. Амир Алишер Навоийнинг бир газалига қилган мухаммаси кўп мустаҳсан кўринди. Писандида атвор ва ҳамида афъол киши экандур. Тариқат йўлига киргон, муҳаббатлик киши экандур".*<sup>698</sup>

Алишер Навоий номли кўлёмалар инситути собиқ илмий ходими марҳум Абдувоҳид Шокиров шахсий кутубхонасида сақланувчи "Девони Ҳилолий" китобининг ички муқовасида номаълум котиб тарафидан битилган қуйидаги қайдлар ҳам Рожийнинг бу соҳадаги истеъдоди ҳақида:

*"Тарихи санайи ҳижрийя як ҳазору се саду сию ду буд ки дар шахри Марғинов дар маҳаллаи Ковак қайрағоч як олими нек фаҳом дар овони худ муқтадои хосу омм дар Марғинов қози буда умр гузаронида буданд. Номии нек Домла Хожасон қозии Марғиновий мулаққаб ба Рожий будаанд. Чунки жомеъи тамоми улум буданд. Хусусан, дар бобати ашъор фариди замон будаанд. Дарвоқеъ, хўб таъби равон буд".*<sup>699</sup>

---

<sup>698</sup> Икромиддин Останакул. Фарғоналик валийлар. – Тошкент. "Мовароуннахр", 2001. 89-б.

<sup>699</sup> "Девони Ҳилолий" Абдувоҳид Шокиров шахсий кутубхонаси.

**Таржимаси:** Тарих минг уч юз ўттиз иккинчи (1332) санада Марғионон шахрининг Ковак қайрағоч маҳалласида юксак фаҳмли бир олим яшаб, ўз даврида хосу омнинг муқтадоси бўлган, Марғионда қозилик билан умр ўтказган. Номи шарифи Хожажон қози Марғионий бўлиб, тахаллуси Рожий эди. Зеро у зот барча илмлар эгаси бўлиб, хусусан, шеърят бобида замон яғонаси эди. Дарвоқеъ, таъби хўб равон эди.

Рожийнинг шогирди Муфаззал Махдум эса устозининг илмий маҳорати ҳақида шундай ёзган эди:

*Форсий, араб сўзида туркийда кўп латифа,  
Олий илм, ҳавосиз шеъри маъон эдилар.*<sup>700</sup>

Булар замондошларининг Рожий ижодига берган таъриф ва баҳолари бўлса, ажабланарли ери шундаки, Рожийнинг ўзи ҳам ўз ижоди ҳақида хабар беради. Унга кўра унинг сўзлари жигарининг қонидан томган томчилардир:

*Қатраи ашки хомайи Рожий,  
Раиҳае жўши хун дар жигараст.*

Яъни:

*Рожий қаламидан томган томчилар,  
Жигаридан сизган қондан томчилар.*<sup>701</sup>

Ҳақиқий шеър чинакам санъат асари бўлганлигидан у шоирнинг юрагидан сизиб чиққан қондан яратилади. Назаримизда Рожий мазкур сатрлари билан ўз ижодий маҳорати сирларини, балки умуман, улкан истеъдод эгалари асарларининг жозиба сирларидан энг муҳимларидан бирини кўрсатиб бергандай туюлади. Унинг ижодхонасига кириб борсак, юқоридаги сўзлар шунчаки қуруқ гап бўлмай, балки ўзига хос дастуруламал эканлигини, бошқача айтганда, шоир ижодий жараёнининг инъикоси эканига тўла ишонч ҳосил қиламиз.

<sup>700</sup> Шеър матни М.Мадғозиев кутубхонасида сақланади.

<sup>701</sup> Таржима М.Мадғозиевники.

Амир Алишер Навоий "назм гулистонининг хушнағма булбуллари" бўлмиш шуаролар ҳақида ёзар эканлар, уларни илоҳий маърифатдан сероб бўлган, халқ таърифидан беҳожат кишилар, деб айтадилар. Уларнинг ишлари, дейди Навоий, – маънолар хазинасидан маърифат жавҳарини термоқ ва эл файзи учун вазн силки – ипида битмоқдир. Назм бағоят шарафли ва дилписанд бўлгани учун назмий жумлалар ояти каримада ҳам келган ва ҳадиси шарифларда ҳам бор, излаган топар.<sup>702</sup>

Айни пайтда Навоий бу "азиз қавм"нинг пешво ва муқтадоларини ҳам номма-ном санаб ўтадики, бу билан уларга бўлган самимий эҳтиромини изҳор қилади. Биз ҳам табаррукан Ҳазратнинг мазкур сўзларини келтириб ўтсак:

"Аммо бу азиз қавмнинг пешво ва муқтадоси ва бу шариф хайл (жамоа)нинг сардафтери ва сархайли, валоят баҳри (денгизи)нинг гавҳари ва каромат авжи мунир ахтари (нурли юлдузи) Амир ул-мўминин Али р.а.дурким, назм девонлари мавжуддир ва анда асрор ва нукат (нозик нукталар) номаъдуд (ададсиздир).

Бу мазҳари ажойибға (ажиб илтифотга) бир гуруҳлар тобеъдур, баъзисини келтирайликки, кимлардир; форсий иборатда ул жумладин, нозими жавоҳири асрор (сирлар жавҳарини назмга солувчи) Шайх Фаридуддин Аттор<sup>703</sup> дур. Яна "Маснавийи маънави" ғаввоси баҳри яқин (яқин денгизининг ғаввоси) Мавлоно Жалолиддин Румийдурки, мақсадлари назмдан асрори илоҳий адоси (илоҳий сирларни адо қилмоқ) ва маърифати номутаноҳий имлоси (туганмас маърифатларни ёзиш) дин ўзга йўқтур.

Яна авлиёи огоҳ ва машойих ва аҳлуллоҳ борким, буларга татаббуъ қилибдур (изларидан эргашибдур)лар ва булар каломи адосин ва ҳақойиқи маъносин мустаҳсан (ғоят гўзал) билибдурлар. Бу хайл (жамоа) ҳақиқат тариқининг суханвари (сўзловчиси), балки кимёғари ва кибрити аҳмари (қизил олтини).

<sup>702</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қуллуб. 24-б.

<sup>703</sup> Фаридиддин Аттор Муҳаммад ибн Абу Бакр бинни Иброҳим (1148/51–1219/21) тасаввуф олими. Атторнинг "Мантик ут-тайр"ига Навоий, ўз эътирофича таржима йўсини ила "Лисон ут-тайр"ни ёзган.

Яна бир жамоатдурларким, ҳақиқат асрори (сирлари)ға мажоз тариқин (услубин) маҳсул (ҳосил) қилибдурлар ва каломлари бу услубда марбут этибдур (ёзибдур)лар андоқки, маъноий аҳлининг нуктапардозии Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий<sup>704</sup> ва ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави Амир Хусрав Дехлавий<sup>705</sup> ва тасаввуф ва диққат мушқилотининг гириҳкушоии (мушқилларни ечувчи) Шайх Заҳируддин Санойи<sup>706</sup> ва фарида аҳли яқин ( аҳли яқинлар яғонаси), Шайх Авҳадуддин<sup>707</sup> ва маоний адосига Ҳофиз Шамсуддин Муҳаммад ул-Ҳофиз.<sup>708</sup>

Яна жамоа бордурларки, мажоз тариқи адоси алар назмиға ғолиб ва алар бу шевага кўпроқ роғиб (қизикқан)дурлар. Андоқким, Камол Исфаҳоний<sup>709</sup> ва Ҳоконий Шервоний<sup>710</sup> ва Хожуйи Кирмоний<sup>711</sup> ва Мавлоно Жалолуддин<sup>712</sup> ва Хожа

<sup>704</sup> Саъдий Шерозий – Муслиҳиддин Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибни Мушрифиддин (1203– 1292) шоир, носир ва мутафаккир. Навоий Саъдийни "Маъно аҳлининг гўзал сўзлар айтувчиси" деб таърифлайди.

<sup>705</sup> Амир Хусрав Дехлавий – Яминиддин Абулҳасан Амир (1253–1325). Шоир ва мутафаккир. Унинг ғиноний-лирик шеърлар девони 5 та бўлиб умумий ҳажми 32645 байт, уларни алоҳида номлаб чиққан ва бу анъанага асос солган. Навоий Хусрав Дехлавийга катта муҳаббат ва юксак эҳтиром билан қараган.

<sup>706</sup> Заҳириддин Санойи – Абдулмажид Маждуд ибни Одам (1079-80 – 1140). Санойининг катта шеърлар девони, айниқса "Ҳадиқат ул-ҳақиқат" ("Ҳақиқатлар гулзори") номли достони ғоят машҳурдир. 12 минг байтдан иборат бу достонни адабиётда тасаввуф қомуси деб атайдилар. Бу ерда Навоий Санойини "тасаввуф мушқилотлари тугунини ечувчиси", деб ёдлайди.

<sup>707</sup> Шайх Авҳадиддин – Авҳадиддин Али ибни Муҳаммад ибни Исҳоқ Анварий (1105–1187) шоир ва мутафаккир. Девони қарийб 15 минг байтдан иборат. Навоий бу шоирни "аҳли яқин ("Аллоҳни таниганларнинг") яғонаси", деб таърифлайди.

<sup>708</sup> Хожа Ҳофиз Шамсуддин Муҳаммад (1321 – 1389). Машҳур шоир тожир оиласида туғилиб, ёш етим қолади. Қуръони қаримни ёд олган ҳофиз бўлган, таҳаллуси шу фазилатидан олинган. Навоий шеърятда Ҳофизни ўз устозларидан бири сифатида эътироф этади.

<sup>709</sup> Камол Исфаҳоний – Камолуддин Исмоил Исфаҳоний (1170 – 1237). 10 минг байтдан зиёд шеърлар қирган девонга эга шоир.

<sup>710</sup> Хоконий Шервоний – Афзалиддин Бадил ибни Али (1120–1198). Девони 17 минг байтдан таркиб топган.

<sup>711</sup> Хожуйи Кирмоний – Абулато Камолуддин Маҳмуд ибни Али (1290 – 1354). Хусрав Дехлавийдан кейин Низомий Ганжавий анъаналарини давом эттирган иккинчи шоирдир. Ҳофиз уни ўз устозларидан деб билган

<sup>712</sup> Мавлоно Жалолиддин – Ибни Жаъфар Фароҳоний (ваф. 1336) соҳиби девон шоир. Низомий Ганжавийнинг "Махзан ул-асрор"ига 3 минг байтли жавоб ёзган.

Камол<sup>713</sup> ва Анварий ва Захир<sup>714</sup> ва Абдулвосеъ<sup>715</sup> ва Асир<sup>716</sup> ва Салмон Соважий<sup>717</sup> ва Носир Бухорий<sup>718</sup> ва Котибий Нишопурий<sup>719</sup> ва Шоҳий Сабзаворий.<sup>720</sup>

Яна ҳақиқат ва мажоз тарийқида комил ва илми иккаласи тариқида вофий ва шомил (тўлиқ ва қамровли), назм аҳлининг муқтадо ва имоми ҳазрати шайх ул-ислом Мавлоно нур ул-миллати ва-дин Абдурахмон ал-Жомийдурким, аввалғи табақа равиши ва каломида ҳам шарифмақол ва сўнгғи табақанинг ҳам адоси латойифи (нозик адоси)да соҳибкамолдурким, оламда завку ҳол аҳли булар латойифи била масрур (хурсанд)дурлар ва булар маорифи била хузур (роҳат) қилурлар".<sup>721</sup>

Рожийнинг адабий мероси асосан, ўзбек, форс-тожик тилида яратилган бўлиб, М.Мадғозиевнинг эътирофича уни ўзбек мумтоз адабиётининг сўнгғи зуллисонайн шоири, деб айтиш мумкин.<sup>722</sup> Гарчи Рожий араб тилида ҳам ижод қилган бўлса-да, бизга улардан 200 мисрага яқини етиб келган холос.

Рожий мумтоз адабиётнинг ғазал, мухаммас, маснавий, таърих, рубоий, туюқ, фард, китъа, муаммо жанрларида баракали ижод қилиб, ўзининг ажоиб санъаткор эканини тўла намойиш этган.

<sup>713</sup> Хожа Камол – Камолуддин Амид XII асрда яшаб, ижод қилган шоир. Девони етиб келмаган. Улардан баъзи намуналар тазкираларда берилган.

<sup>714</sup> Захир – Захируддин Нишопурий XII асрда яшаган шоир ва тарихчи.

<sup>715</sup> Абдулвосеъ – Бадеуззамон Фаридуддин ибни Умар ибни Рабеъи Гуржистоний. Абдулвосеъ Жаболий номи билан танилган шоир.(ваф. 1160).

<sup>716</sup> Асир – Асируддин Абдуллоҳ Авмоний (ваф. 1236) араб ва форс тилларида ижод қилган. Девони яқин 5000 байтни ташкил қилади.

<sup>717</sup> Салмон Соважий – Жамолуддин Хожа Салмон ибни Хожа. Алоуддин Муҳаммад (1310 — 1376). 16 минг байтни ўз ичига олган "Куллиёт"и бор.

<sup>718</sup> Носири Бухорий – Шоҳдарвеш ҳамда Дарвеш Носир номларида ҳам таникли (ваф. 1371–72) шоир. Девонида 4000 байт шеърлар мавжуд.

<sup>719</sup> Котибий Нишопурий – Шамсуддин Муҳаммад ибни Абдуллоҳ (ваф. 1435). Хушхат котиб бўлиб етишгани учун Котибий тахаллусни олган. Бир неча девонлари ва маснавийлари бор.

<sup>720</sup> Шоҳий Сабзаворий – Амир Оқмалик ибни Малик Жамолуддин Ферузқўхий, тахаллуси Амир Шоҳий (1385 – 1453).

<sup>721</sup> Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб... 24-25-б.

<sup>722</sup> М.Мадғозиев. Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати...57-б.

Рожий ижод қилган адабий йўналишлар ҳақида сўз юритиш вазифамиз бўлмаса-да, аммо улардан баъзилари ҳақида тўхталиб ўтмай ҳам иложимиз йўқ.

**Мухаммас.** Мухаммас арабча бешлик сўздан олинган бўлиб, жанр – услуб эътиборига кўра, ҳар банди беш мисрадан ташкил топган шеърга айтилади. Бу ҳақда "Фарҳанги истилоҳоти адабиётшиноси"да шундай дейилади: "Мухаммас банди ду хел аст. Яке намуди муқаррарӣ, яъне навиштани шеъре, ки ҳар бандаш панч мисра дорад. Намуди дигар чунин аст, ки шоир як ғазали шоири дигареро гирифта, ба ҳар байтии он ғазал се мисра худ илоава мекунад. Дар натижа байти он ғазал як банди мухаммас ба вужуд меояд".<sup>723</sup>

**Мазмуни:** Мухаммас икки хилдир, бири ҳар банди беш мисралик қилиб ёзилган шеърдир, иккинчиси, бирор шоирнинг ғазалини олиб, ғазалнинг ҳар байтига ўздан уч мисра қўшиш билан яратилади. "Адабиётшунослик терминлари луғати"да мухаммаснинг уч хили қайд этилади: бир шоир мустақил мухаммас ёзади; бир шоир ўзига ёққан бирор ғазалга мухаммас боғлайди ва бу тахмис деб аталади; шоир ўз ғазалига мухаммас қилади".

Рожий Марғинович ижодида мухаммаснинг жуда кўп турларини қўллаган бўлса-да, бу ерда биз унинг ўзга санъаткорлар ғазалига қилган тахмислари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Албатта, тахмис боғлаш шоирдан жуда катта масъулият талаб қилади. Зероки, ўзи тахмис боғлаётган ғазалнинг байтига шундай уч мисра қўшиб бориши лозимки, бунда, биринчидан, ғазал муаллифининг услуби тўла сақланиши; иккинчидан, қўшилаётган мисралар билан байтлар ўртасида назмий уйғунлик юзага келиши; учинчидан, ғазал ғоясини янада кенгайтириши, чуқурлаштириши; тўртинчидан, ғазал руҳи берган даражада ўзи яшаётган замон руҳини бериши; бешинчидан, ғазалда қўлланган бадиий воситаларни такрорламаган ҳолда янги, мустақил лафзий

---

<sup>723</sup> Ҳ.Хомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова. Адабиётшунослик терминлари луғати. Иккинчи нашри, "Ўқитувчи" нашриёти. Тошкент, 1970. 220-221-бетлар.



ва маънавий санъатлар ишлатиши; олтинчидан, ўз тахаллусини сўнги банднинг дастлабки уч мисрасидан бирида келтириши лозим бўлади. Мазкурларни Рожий асарлари мисолида кўриб ўтсак.

Ҳофиз Шерозий ёзади:

*Ғами жаҳон махўру панди ман мабар аз ёд,  
Ки ин латифаи нағзам зи раҳраве ёд аст.*

Таржимаси:

*Жаҳон ғамини ема-ю насиҳатимни унутма,  
Бу яхши латифани мен илгари ўтганлардан ёд олганман.*

Бу мазмун ва услубнинг тўла мутаносиблиги равшан кўриниб турган ҳофизона байт бўлиб, ундаги бирор сўзни олиш, алмаштириш мумкин бўлмагани сингари, гўё унга ҳеч нарса қўшиб бўлмайдигандек туюлади.

Бу байтни Рожий тахмисида ўқиймиз:

*Мадори мулки Сулаймон шунидани барбод,  
Кулоҳ барда зи Қайсар ба бод дода Қубод,  
Ду бод давлати гети чи бод бодобод,  
"Ғами жаҳон махўру панди ман мабар аз ёд,  
Ки ин латифаи нағзам зи раҳраве ёд аст."<sup>724</sup>*

Рожий қўшган мисралар мазмуни:

*Суламон мулкининг асоси елга созурилганини  
эшитганмисан?*

*Қайсар кулоҳи (тожи)ни олди, Қубодни бодга учирди,  
Елга ўхшаган дунё давлати бодга ўхшаб елга кетади,  
"Жаҳон ғамини ема-ю насиҳатимни унутма,  
Бу яхши латифани мен илгари ўтганлардан ёд олганман".<sup>725</sup>*

<sup>724</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 41-42-бетлар.

<sup>725</sup> М.Мадғозиев таржимаси.

Кўринадики, Рожий буюк Ҳофиз байтидаги "ғами жаҳон махўр ("жаҳон ғамини ема") деган асосий жавҳарни жуда тўғри илғаб, ана шундан келиб чиқиб фикрлайди ва энди шундай ҳол юз берадики, Ҳофиз байтининг хулосаси бўлган бу пандномага Рожий ўз мисраларини ҳакмонга пайванд этгач, энди у банднинг умумий хулосасига айланади. Бандни ўқиб чиқиб, чуқур мулоҳаза қилинса, шундай тушунча ҳосил бўлади: Ҳофиз ҳам юқоридаги Рожий замлаган мисраларни ёзиши мумкин эди-ю, аммо ғазал имконияти уни чеклаган; Ҳофиз ҳам Рожий томонидан пайванд этилган фикр – хужжатларни келтириши мумкин эди, бироқ, икки мисрага уларнинг ҳаммасини сиғдиришнинг иложи бўлмаганидан гўё уни баланд савия, юксак истеъдод эгаси бўлган тахмисчига ҳавола қилган.

Энди банддан Ҳофиз байтини ажратиб олиб ўқиймиз:

*Ғами жаҳон махўру панди ман мабар аз ёд,  
Ки ин латифае нағзам зи раҳраве ёд аст.*

Таржимаси:

*Жаҳон ғамини ема-ю насиҳатимни унутма,  
Бу яхши латифани мен илгари ўтганлардан ёд олганман.*

Илгари байтни ўқиганимизда биз сезмаган бир ҳолат сезилмоқда: гўё банддан байтни ажратиб адолатсизликка йўл қўйдик. Улуғ Ҳофиз Шерозийнинг "ғами жаҳон махўр"и энди "нега?" деган савол туғдирмоқдаки, Рожий Марғиновичнинг Ҳофиз пандномасига талмеҳ санъати билан қўшган ибратномаси юқорида туғилган "нега?" сўроғининг жавоби экан:

Ҳофиз: – Жаҳон ғамини ема.

Ўқувчи: – Нега?

Рожий: – Сулаймон мулкининг асоси ҳам елга совурилган.

Ҳофиз – Жаҳон ғамини ема.

Ўқувчи: – Нега?

Рожий: – Қайсарнинг тожини олиб, Кубодни елга учирган.

Ҳофиз: – Жаҳон ғамини ема.

Ўқувчи: – Нега?

Рожий: – Елга ўхшаган дунё давлати бодга ўхшаб елга кетади.

Худди мана шу нарсанинг ўзи марғилонлик шоирнинг буюк Ҳофиз Шерозий байти даражасида ўзидан уч мисра кўшиб, мухаммас банди ҳосил қилгани, Ҳофиз шеъри илгари ғазал йўналишида умрбоқийлик олган бўлса, энди шоир Рожий тахмиси таркибида янгича маъновий таъсир билан яшашини очик кўрсатади.

Ёки Ҳофиз ғазалига қилинган тахмислардан яна бир мисолни кўриб ўтайлик:

*Ҳасад чи мебари, эй сустназм, бар Ҳофиз,  
Қабулу хотири лутфи сухан Худо додаст.*

**Таржимаси:** Эй бўш назм эгаси, Ҳофизга нима учун ҳасад қиласан? (Ҳофизнинг) кишилар хотирига мақбул тушадиган сўзлари Худонинг лутфидандир.

Бу байтни улуғ Ҳофизнинг ўзига хос фахрияси дейиш мумкин. Ҳофиз ҳақли равишда ўзига берилган туғма истейдоди билан фахрланмоқда. Байт Рожий ижодхонасидан ўтиб куйидагича кўринишга эга бўлади:

*Кашид силки суханро чунин гуҳар Ҳофиз,  
Расид бар сари Рожий ҳамин саҳар Ҳофиз,  
Бигуфт: зода зи модар ба ин ҳунар Ҳофиз,  
"Ҳасад чи мебари, эй сустназм, бар Ҳофиз,  
Қабулу хотири лутфи сухан Худо додаст."<sup>726</sup>*

**Таржимаси:**

Риштага назм гавҳарларини шундай терди Ҳофиз,

Бу гавҳар шодаси билан саҳарлаб Рожий бошига келди Ҳофиз,

Айтдики: онадан шу ҳунар билан туғилган Ҳофиз,

<sup>726</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси...42-б.

Эй бўш назм эгаси, Ҳофизга нима учун ҳасад қиласан? (Ҳофизнинг) кишилар хотирига мақбул тушадиган сўзлари Худонинг лутфидандир.<sup>727</sup>

Ҳофиз байтида сустанама мурожаат қилинган бўлса ҳам унинг кимлиги, унвони номаълум эди. Рожий шоир қоралаётган сустанама эгасини ўқувчига исми, тахаллуси билан аниқ кўрсатиб, фикрнинг хужжат орқали салмоғини оширган. Сустанама эгасини ахтариб юришнинг ҳожати йўқ. Гўё у (эътибор берилсин) Рожийнинг ўзи!

Бунда ҳам аввал айтиб ўтганимиздек, Рожиёна фахрияга дуч келади. Риштага назм гавҳарларини тараётган Ҳофизнинг ана шу гавҳар шодаси билан шоир Рожий Марғинович бошига келишини кўз олдимишга келтириб кўрайлик-чи: шоир учун бундан улуғ, шарафли мукофот бўлмайди, албатта. Бу лавҳа Рожийнинг тушида рўй беради. Бироқ, Бедилга тож илтимос қилиб, бу рўё фикрини улуғ шоирнинг ўзига рад қилдириб, ўзини "жазолатиб" олган Рожий, бу ерда ҳам бошқача йўл тутмайди: иқтидорсиз ва истеъдодсиз сустанама мени ўзим, дея Ҳофизнинг умумийроқ кўринишдаги мурожаатини аниқлаштиради.

Банддан Ҳофиз байти ажратиб ўқилса, энди қандайдир ёқимли рух, ажойиб кайфият етишмаётгандек туюлади. Демак, бунда шоир Рожийни тахмисчилик йўли билан буюк Ҳофиз Шерозий равишини тўла эгаллабгина қолмай, балки унга ана шундай рух, кайфият бера олганлигида кўриш мумкин.<sup>728</sup>

Шунингдек, Рожийда кўриб ўтганимиз фахриянинг гўзал намуналари Ҳазрат Навоийда ҳам кузатилади:

*Шояд, эй Фоний, ба қабри Ҳофизаш созанд сабт,  
Гар ба хоки Форс афтад нусхаи таҳрири мо.*

### ***Таржимаси:***

*Шояд, эй Фоний, ёзилса эрди Ҳофиз қабрига,*

<sup>727</sup> М.Мадғозиев таржимаси.

<sup>728</sup> М.Мадғозиев. Рожий Марғинович ва унинг поэтик маҳорати... 230-233-бетлар.

*Етса гар Форс юртига бу нусхаи таҳриримиз.<sup>729</sup>*

Ёки:

*Забонам гар кунӣ гӯё ба дostonҳои ҳамди худ,  
Чӣ Хусрав, балки бо Жомий қунам ҳамдostonиҳо.*

**Таржимаси:** Агар сен ҳамдинг дostonини айтишга тилимни бурро қилсанг, Хисрав нима экан, балки Жомий билан ҳамдostonлик қиламан.

Мақсадга қайтдик. Рожийнинг фард йўналишидаги маҳоратини ҳам кўриб ўтсак.

"Фард" арабча сўз бўлиб, якка, ёлғиз деган маънони англатса, адабиётшунослик терминида икки мисралик мустақил бир шеърга айтилади. Илмий адабиётларда "фард" ўзаро қофияланмайди, деган фикр ҳам йўқ эмас.<sup>730</sup> Рожийнинг фардлари унинг бошқа асарлари каби баркамол санъат асарлари даражасида ёзилган. Бу нарса унинг адабиётда кичик, енгил жанр бўлмаслигини чуқур англаганидан, кичик жанр - услубларда ҳам катта фикр ва аксинча, катта йўналишда ҳам ижтимоий салмоғи йўқ ғояни илгари суриш санъаткорнинг ўзига боғлиқ эканини ҳис қилгани натижасидир.

Рожий Марғинович фардга алоҳида меҳр билан қараб, бутун умри давомида у билан шуғулланади. У Бурҳониддин хожа исмли фозил мударрис вафотига бағишланган бир марсиясида унинг йўқликка кетишини:

*...Гум шуда аз девони дониш фардбайти мунтахаб.<sup>731</sup>*

Яъни, билим девонидан саралаб олинган фардбайт йўқолишига ташбеҳ қилади. Ажойиб ташбеҳ! Ўз даврининг етуқ олими, фозили, кўп кишиларга маърифат берган инсоннинг

<sup>729</sup> Мир Алишер Навоий. Фоний гулшани... 109-б.

<sup>730</sup> Р.Ҳодизода, М.Шукуров, Т.Абдуҷабборов. Фарҳанги истилоҳоти адабиётшиноси. Нашриёти "Ирфон", Душанбе, соли 1966, саҳифаи 130.

<sup>731</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 129-б.

вафот этиши билим девонидан саралаб олинган фардбайт йўқолиши билан тенг, ёки аксинча, баркамол фардбайт йўқолса, бу ҳам шоир учун Бурҳониддин сингари инсон йўқолишидек оғир! Мана шу ташбеҳнинг ўзидан Рожийнинг фардга берган аҳамияти ва уни ёзишдаги масъулиятини тушунса бўлади. У фардларининг бирида шундай ёзади:

*Чун субҳ дар жавони агар пир мешудам,  
Монанди офтоб жаҳонгир мешудам.*<sup>732</sup>

**Таржимаси:**

*Агар тонгга ўхшаб ёшлигимда қариганимда эди,  
Офтоб сингари ер юзига жаҳонгир бўлар эдим.*

Булар Рожийнинг ҳақиқий шоирлик кашфиёти бўлиб, бу шеърни ўқиб юракда пайдо бўлган қувват ва нозик эҳтиросни сўз билан тўла ифодалаш жуда мушкул ишдир. Тўғри, "икки сатр шеърда берилган фикрни минг хил қилиб айтса бўлади, лекин бу минг хил қисмнинг ҳеч қайсиси шу икки сатрдай ... ҳам содда, ҳам қисқа, ҳам кучли, ҳам таъсирли бўлмайди".<sup>733</sup>

Фард ҳақида "Фарҳанги забони тожики" луғатида берилган Савдонинг қуйидаги байти энг ўзал таърифдир:

*Фард байте зи дабирони салаф дорам ёд,  
Худ ду мисраъ, вале мазмуни фаровон дорад.*<sup>734</sup>

**Мазмуни:** Фардбайт, ўзи кки мисраъ бўлади-ю, аммо мазмуни жуда кенг бўлади, бу гапни мен ўтган устозлардан эшитганман.

Мақсадга қайтдик. Рожий домла ўзининг асарларига бу қадар фахр қилиши бежиз эмас. Унингча, ҳар ким ҳам шоир бўлавермайди. Бунинг учун катта маҳорат ва истеъдод керак. Шу

<sup>732</sup> А.Мухаммадиев мажмуаси... 129-б.

<sup>733</sup> Абдулла Қаҳҳор. Асарлар. Олти томлик. Олтинчи том. Ғ.Ғуллом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1971, 238-б.

<sup>734</sup> "Фарҳанги забони тожики". Нашриёти "Советская энциклопедия". Москва – 1969. 412-б

маънода у баъзи вазни кўтоҳ – вазни қисқа шоирларга муносабат билдириб шундай дейди:

*Вазн кўтоҳу низ газал шоир,  
Хонақоҳ танг, шайх беҳунар аст.*<sup>735</sup>

**Таржимаси:** Вазни қисқа ноқис шеър ёзувчи шоир тор Хонақоҳга кириб олган илмсиз шайхга ўхшайди.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳам шоирларнинг энг қуйи табақаси ҳақида гапирар эканлар, улардаги иллатларни ачиниш билан тилга олиб шундай деган эдилар:

*"Яна адно табақаси жамоатедурларким, назм фақат  
била кўнгуллар хушнуд ва хурсанд ва розию баҳрамандурлар. Ва  
юз машаққат била бир байтким боғлаштургайлар, даъво  
овозасин етти фалакдин ошургайлар. Сўзларида не ҳақойиқ ва  
маориф нўшидин ҳаловат ва назмларида не шавқ ва ишқ ўтидин  
ҳарорат. Не шоирона таркиблари аҳсан ва не ошиқона сўзу  
дардлари шуъла афган. Баъзидин агар гоҳи бирар яхши байт  
воқеъ бўлур, аммо ўн онча ямон даъво зоҳир бўлурки, у ҳам зоеъ  
бўлур.*

*Агар бири бир нозук маънида писандида печ қилур, аммо  
ўн онча нописанд даъво била ани ҳам ҳеч қилур. Гўё ўзларига  
ақидада мувофиқдурлар ва сўзларига эътиқодда муттафиқ.  
Турфароқ буқим, ҳар бирининг сўзида маъно озроқ ва ўзида даъво  
кўпроқ".*<sup>736</sup>

## Рожий ва Навоий

<sup>735</sup> Ашъори Рожий Марғиноний. Қўлёзма. ЎзФАШИ инв. №5868, 48-б. Ушбу қўлёзмага мазкур интситут илмий ходими Абдулла Носиров томонидан 1942 йилда шундай илова қайд этилган: "Ашъори мутафаррика... Котиб Аҳмаджон Мадбобо ўғли Марғиноний. 1941 йилда кўчирган. Аҳмаджон ака Рожий домуллонинг мутафаррика шеърлари тўплами ичидан сайлаб олиб кўчириб кутубхонага (Тошкентдаги Алишер Навоий номли давлат кутубхонаси) тақдим этган. Қўлёзма қоғози оддий йўл-йўл, 41 варақ, 82 саҳифалик дафтар. Ўлчами 16,6 X 20,5. мажмуада шеърлар пўлат перо қалам билан сафсар рангда настаълиқда ёзилган. Унда Рожий Марғиноний шеърларининг умумий сони 34 та бўлиб, 973 мисрани ташкил этади. Эслатма: Аҳмаджон Мадбобоев марғилонлик бўлиб, 1895 йилда туғилган. 1969 йил 28 май куни 74 ёшида вафот этган.

<sup>736</sup> Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қуллуб... 26-б.

Рожий Марғиновичнинг ижодий фаолияти устида сўз юритар эканмиз, уни Амир Алишер Навоийга бўлган самимий муҳаббати ҳақида ҳам тўхталмай иложимиз йўқ. Рожий Ҳазрат Навоийни ўзига маънавий устоз ва пир деб билган. Китоб аввалида айтилганидек, ўша даврда Марғилоннинг турли жойларида бўлиб ўтадиган фирдавсийхонлик, бедилхонлик, навоийхонлик анжуманларининг бошида албатта, Хожажон қози Рожий Марғинович турган. Улар орасида навоийхонлик анжумани алоҳида аҳамият касб этган. Маълумки, Алишер Навоийдан сўнг унинг ғазалларига тахмис боғламаган шоирни топиш амри маҳол бўлса-да, аммо бунда катта шухрат қозонган, бошқача қилиб айтганда, Навоий байтларига навоийёна мисралар пайванд этган шоирлар бармоқ билан санарлидир. Хожажон Рожий улуғ устознинг:

*Гар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси,  
Келур ул райҳон ила гулдин менга ҳижрон иси.*<sup>737</sup>

деб бошланувчи ғазалига шундай бир тахмис боғлайдики, шоирнинг бу асари ўз замондошларининг олқишига сазовор бўлади. Ўз вақтида Фурқат Рожийнинг бу тахмисига "Навоийнинг бир ғазалига қилган мухаммаси кўб мустаҳсан курунди", – деб ёзган эди.<sup>738</sup> Қуйида Фурқат таҳсинига сазовор бўлган ўша мухаммасни келтирамыз:

### ***Навоий ғазалига мухаммас***

*Боғ аро еткур сабо, ул барги гул домон иси,  
То димогимдин йўқ ўлғайму экин ҳирмон иси,  
Ҳажр дафъига гуледин топмадим дармон иси,  
“Гар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси,  
Келур ул райҳон ила гулдин менга ҳижрон иси”.*

<sup>737</sup> Алишер Навоий. Ҳазоин ул-маъоний. 3 –том. Т.1965, 335-бет.

<sup>738</sup> Туркистон вилояти газети. 20 апрел, 1891, №16.



Бу чаман нахлида хуррамликдин бир мўе топмадим,  
 Булбули савтида хушлуқ гуфтугўе топмадим,  
 Шабнамидин ҳам бақолик обрўе топмадим,  
 "Менки бир гулдин жаҳон богида бўе топмадим,  
 Найлайин қилса муаттар даҳрни бўстон иси".

Тушдим айру лаълидин юз минг туман душвор аро,  
 Ёшуруб қонлиқ ёшимни дийдаи хунбор аро,  
 Сирри ишиқим асрамайму халқи ноҳамвор аро,  
 "Лаъли ҳажридин ниҳон ашиқим сўзин азёр аро,  
 Деса бўлмаским келур бу навъи сўздин қон иси".

Улки майгун лаблари юз мурдани жонига ком,  
 Сўрди аҳволимни – топдим ман ҳаёти мустадом,  
 Чунки ул Исодамим анфосидур йўҳйил изом,  
 "Қайдаким жонбахш лаълидин Масихосо калом,  
 Сурди ул ердин келур юз қарн сўнгидин жон иси".

Ҳар кими эҳсон гули бўйидан огоҳ демаким,  
 Бу гулстон боғбонини мосиваллоҳ демаким,  
 Ўзадин қатъи умид эт, мунҳиму шоҳ демаким,  
 "Эй гадо, олам элига шайъаниллоҳ демаким,  
 Бу чамандин келмади ҳаргиз гули эҳсон иси".

Урди то машиотани зийнат учун гесуйига,  
 Баски юз жон банд эди гесуи анбарбўйига,  
 Ваҳ, ки жонлар чирмашибдур они ҳар бир мўйига,  
 "Жон иси тутти жаҳонни мен борурмен кўйига,  
 Ким тилар эл жон иси, ман истарам жонон иси".

Боғ аро ҳар гунча диллар қонидин бир-бир намуд,  
 Ҳажридин гамлар сўзидур булбуле қилгон суруд,  
 Сунбули ҳам куйган аммо дийдаи Рожийда дуд,  
 "Чун Навоийга келур ҳижрон иси ҳар дам, не суд –

*Гар баҳор эл топса бўстондин гулу райҳон иси.*<sup>739</sup>

Дикқатга сазовор ери шундаки, Рожий юқоридаги тахмис билан кифояланиб қолмай яна алоҳида тазминли мухаммас ҳам ёзади. Биз уни кейроқ келтирамиз.

Юқорида тилга олинган навоийхонликлардан бири ҳақида Муфаззал Махдум шундай ҳикоя қилади: “Кунларнинг бирида Рожий домланинг ховлисида Зокиржон Фурқат иштирокида бўлган навоийхонликда суҳбат асносида навбат марғилонлик шоир Муҳаммад Умар қори Умидийга келиб, у ҳазрат Навоийнинг:

*Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чокрок,  
Кўкрагим шабнам тўкилган сабзадин намнокрок.*

матлаъи билан бошланувчи ғазални завқ-шавқ билан ўқийди. Лекин нимадирки, ғазал муҳокамаси пайти, кутилмаганда густохлик:

– Тавба, субҳнинг пирохани қаерда-ю Навоийнинг кўкраги қаерда, бу иккиси бир-бирига тенг бўлармиди?, деб юборади. Умидийдан содир бўлган бу "беадаблик" мажлис аҳлига ноқулайлик туширади. Шунда Рожий Умидийга қараб:

– Ҳай, ҳай, қори, улуғларга бу хилда шошқалоқлик билан сўз айтилмайди. Ахир Амир Навоийнинг бу ғазали ўз даврида ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам барча зарофат эгалари таҳсинига сазовор бўлган. Уни билиш ва тушуниш учун Навоий дардини билиш керак, у зот нималарни назарда тутганини англаш керак. Зотан, ишқ шеърятти ҳудудсиз, уни англаш учун улар дардига шерик бўлиш керак", – дея қаттиқ танбеҳ беради.

Умидий ҳам айтган гапларига хижолат бўлади. Мажлис аҳли тез тарқаб кетади... Буни қарангки, ўша куни айтган гапига минг-минг пушаймон бўлган Умидий кўнгли ғам бўлиб ётиб туш кўради: Гўзал боғ ичидан чиқиб келаётган тўрт нуроний зотнинг бири Умидийга қараб: “Амир ҳазратларидан узр сўра”, – дейди.

<sup>739</sup> А. Муҳаммадиев мажмуаси... 70-71-б.

Шошиб қолиб терга пишиб кетган Умидий йиғлаган кўйи ўзини устоз оёқларига ташлаб, ундан узр сўрайди. Шунда Алишер Навоий меҳрибонларча табассум қилиб, Умидийни қўлтиғидан кўтариб ўрnidан турғизиб кўяди-да, унинг елкасига енгил қоқиб, ҳамроҳлари ортидан аста-аста юриб кетади. Шунда қандайдир товушдан уйғониб кетган Умидий шоша-пиша Навоий куллийтларини олиб “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” деб очса, юқоридаги ғазал чиқади, бундан ниҳоятда мутаассир бўлган Умидий илоҳий илҳом ёрдамида ҳеч қандай тайёргарликсиз умрида биринчи марта қуйидаги тахмисни боғлайди:

*Телба Умидий қулинг бефаҳму беидроқроқ,  
Нўш этиб ҳамри жаҳолатдин тили нопоқроқ,  
Сўзани Марям билан қилгил руфуъ чолоқроқ,  
“Кўкрагимдур субҳнинг пироханидин чоқроқ,  
Кипригим шабнам тўкулган сабзадин намноқроқ”.*

*Ташладим бошим оёгингга ҳамон кўрдум сени,  
Жазмлик, яхши карамлик, меҳрибон кўрдум сени,  
Гавҳари меҳрингни жисмим ичра жон кўрдум сени,  
“Бу кўнгил гамнокидин то шодмон кўрдум Сени,  
Истарам ҳар дамки, бўлгай хотирим намноқроқ”.*

*Шўх-шанг атфоллардин текса кўб бағримга тош,  
Ўз жазоси, қилди иш бесабрлиқдин бекенгош,  
Тўкмака уишоқ қонин қотили айлар талош,  
“Ўйла мужгон ҳанжарига ёпишубдур дурри ёш,  
Ким магар андин ятиме йўқтурур бебоқроқ”.*

*Кўйгуча ёлгуз мени жонимни ол, эй дилрабо,  
Сенсизин бир лаҳза лаззат йўқ тирикликдин манго,  
Кўйма бепарво қадам, ҳар ёна майл айлаб яно,  
“Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санго,  
Жон берурда бир қулинг йўқ бандадин чолоқроқ”.*

*Кўйса гар гарди мазаллатни ризо аҳлига чарх,*

*Бошини фармондин индурмас адо элига чарх,  
Кимий билгай баногоҳ чаими во элига чарх,  
“Одамийлик туфрогин берса фано элига чарх,  
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок”.*

*Эй қачон бошим менинг овези ул фитрок ўлур,  
Қоши ёсидин тегиб ўқ, сийнаси дарднок ўлур,  
Қон тарошишух айлабон олуда жисмим пок ўлур,  
“Неча ўқлосанг Навоий, кўнгли захминрок ўлур,  
Кўрмагай, захмини тиккан сори бўлгай чокрок”.*<sup>740</sup>

Айтишларича Умидий бир-икки ҳафта ўтгач, Рожий воситасида бир анжуман ташкил қилиб, бунгача у ҳақида турли хулосалар чиқариб бўлган ўша мажлис аҳллари таклиф этиб, уларга кўрган туши, чеккан изтироблари, тавба-тазарру сифатида Ҳазрат Навоийга фавран боғлаган юкоридаги тахмисни йиғлаб туриб ўкиб беради. Рожийнинг аралашуви ва бевосита таклифи билан Умидийнинг айби кечирилибгина қолмай, унинг фавран бағишлаган мазкур тахмиси таҳлил қилиниб, узоқ музокара ва мулоҳазалардан сўнг унга юксак баҳо берилади.

Дарвоқеъ, Навоийнинг мазкур ғазалга ўз даврида кўплаб шоирлар мухаммас боғлаганлар, улар орасида марғилонлик шоир Муҳаммадҷон охунд Насимий Марғинович ўта гўзал равишда тахмис боғлаган бўлиб, унинг матни М.Мадғозиев кутубхонасида сақланади.<sup>741</sup>

### ***Рожий ва Нодира***

Маълумки, Кўкон адабий муҳитида ижод қилган шоир ва шоиралар орасида Нодиранинг ўрни катта. Унинг илоҳий ишқ

<sup>740</sup> Умидий тахмисининг тўлиқ матни академик А.М.Муҳаммадиев томонидан марғилонлик Аҳмадҷон Мадбобоевдан ёзиб олинган ва доцент Акрамҷон Иброҳимов томонидан айрим таҳлиллар билан эълон қилинган. (Қаралсин: Фарғона вилояти “Коммуна” газетаси, 13 апрел, 1968 йил, №14.)

<sup>741</sup> Мулла Тошболту мажмуаси, 10-б. М.Мадғозиев кутубхонаси.

билан йўғрилган ғазаллари ҳозирги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган. Изланишлар жараёнида биз марғилонлик кўплаб алломаларнинг Нодира ғазалларига мухаммас боғлаганларига гувоҳ бўлдик. Айниқса унинг “этиб кет” радифли ғазали ўша даврда қалам тебратган бирорта шоир назаридан четда қолмаган. Улар қаторида Муҳаммад Юсуф Ҳазин Хонакохий, Мир Ҳайдар домла Толий, Муҳаммад Мусо Бекий, Мулла Зокиржон охунд Моний, Мулла Умаржон охунд Ғурбатий, Мулла Нуруддин қори, Абдулазиз Ғолиб Марғионий, Охунжон қори Водилийлар, Муфаззал Махдум, Ходимий Марғионийлар номини келтириш мумкин.

Бу нарса ғазалнинг юқори савияда битилгани, ундаги мазмунлар ўта изчиллигидан бўлса, иккинчи томондан улар назарида Нодира шахсиятининг юқори эканидан эди. Шуниси қизиқки, Рожий бошқалардан фарқли ўлароқ, бу ажойиб шоиранинг юксак шеърини истеъдоди, бадиий маҳорати олдидаги ҳайратини ўша ғазалга боғлаган тахмисининг якуний бандида очиқ-равшан ифодалаб қўйган эди. Дарвоқеъ, тахмис жуда гўзал чиққанидан М.Мадғозиев "Андижон мажмуаси" дея қайд этган мажмуада<sup>742</sup> куйидаги сўзлар илова қилинган:

*“Мухаммас бар ғазали ин мусаммо ба Нодира ки дарвоқеъ нодира буда”.*<sup>743</sup>

Яъни, бу Нодира исмли ушбу шоиранинг ғазалига қилинган мухаммаски, дарҳақиқат жуда нодир чиққан.

### ***Нодира ғазалига Рожий мухаммаси***

*Гулшанга даме макон этиб кет,*

*Кўздин асаринг ниҳон этиб кет,*

*Шабнам эканинг аён этиб кет,*

---

<sup>742</sup> Андижонлик Эшон ака Шоҳобиддинов мажмуаси. 21x26,5 форматли бу кўлёзмада Рожийнинг шеърлари 4-саҳифадан бошлаб ёзилган. Рожий ҳаётлигида ёзила бошланиб, шоир вафотидан кейин тамомланган бу мажмуада марғилонлик бу улкан санъаткор шоирнинг турли мавзулардаги 60 та шеъри ўрин олган бўлиб, жами 1906 мисрани ташкил этади. Агар бунда такрор ёзилган 80 мисралик уч шеърни чиқариб ташланса, унда жами 1826 мисра шеър йиғилгани маълум бўлади.

<sup>743</sup> Кўрсатилган манба. 62-б.

"Кел даҳрни имтиҳон этиб кет,  
Сайри чамани жаҳон этиб кет".

Дунёга келиб зиёна келдинг,  
Кулфат уяси макона келдинг,  
Заҳмат ўқиға нишона келдинг,  
"Мақсад на эди жаҳона келдинг,  
Кайфийятини баён этиб кет".

Гул пироханидаги яқодур,  
Ел илгидаги чоки чун қабодур,  
Гулишанида не наиғу не намодур,  
"Дунё чаманики бевафодур,  
Бир оҳ ила хазон этиб кет".

Қоч зоҳидни асоси бир йилондур,  
Воизни насиҳати ёмондур,  
Дард аҳлиға ет безиёндур,  
"Ушиоқ мақоми бўстондур,  
Азми раҳи бўстон этиб кет".

Ҳижрон йиғисини гулгулисен,  
Ғам гулишанини ошиқ қулисен,  
Ўт гунчаларини сен кулисен,  
"Дунё чаманин булбулисен,  
Гулишан шоҳиға ошён этиб кет".

Туш ерга ҳавас маркабидин,  
Шарҳ айла кўнгилни матлабидин,  
Ёз нусхани ишқ мазҳабидин,  
"Эй ашқ, кўзимни мактабидин,  
Ҳайрат сабагин равон этиб кет".

Дунёни қаттиқ балоларидин,  
Дили сардларнинг риёларидин,  
Номардларнинг атоларидин,  
"Бедардларнинг жафоларидин,  
Фарёд этиб, фигон этиб кет".

Рожийки эшитти сўзларингни,

*Шўри газалингда тузларингни,  
Муштоқ кўрарга кўзларингни,  
"Сен ишқ йўлида кўзларингни,  
Эй Нодира, дурафшон этиб кет".<sup>744</sup>*

---

<sup>744</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 75-б.





## РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙНИНГ ВАФОТИ

### *Ўлим олдидан*

Маълумки, ҳар бир мусулмон киши ҳаётлик чоғида ўлим учун ҳозирлик кўриб боради. Имом Аҳмад Абу Ҳурайра р.а.дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: "Лаззатларни кесиб қўйувчи ўлимни кўпроқ эсланглар", деб марҳамат қилганлар.<sup>745</sup> Агар мулоҳаза қилинса, Рожийни бутун умр ўлимни ёдидан чиқармаган, доим уни кўз олдидан тутган шахс, деб иш мумкин. Зеро, ўз асарларида Рожийчалик ўлим ва у билан боғлиқ мавзуларда кўп сўз юриган шоир ё адиб кам топилади.

Тўғри, ҳар бир адиб ва шоир бу мавзуда қалам тебратган. Бироқ, уларнинг бу муносабати бир зарурат тақозосича бўлса, Рожийнинг муносабати унга самимий ва ҳаққонийдир.

Эҳтимол, уни ўлим билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларга кўп марта мурожаат қилгани уни ўлим ҳақида ҳаққоний хулосаларни чиқаришига олиб келгандир, қайсики, уни доимо халқ билан бирга бўлиши, оддий меҳнаткаш кишилар билан бирга бўлиши улар ҳақида энг тўғри хулосалар чиқаришига олиб келганидек.

Айни пайтда у ўлимнинг ҳақ эканига ишонибгина қолмай унга бутун вужуди билан ҳозирлик кўрган. Унинг бу ҳозирлиги нималардан иборат эканини китобхонга эслатиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Уни бутун ҳаётида давомида қилган эзгу ва хайрли ишларининг барча-барчаси охиратни, ҳисоб-китобни ўйлаб қилинган ишлардирки, уларни манбаи ўлимга бўлган ишончдир.

Унинг ўз фаолияти давомида бирор марта харом-ҳариш йўлларга кирмагани, порахўрлик, судхўрлик, ёлғон, ғийбат, кибр, ужд, риё, сумъа, тамаъ, худбинлик, кўролмаслик, бахиллик ва чақимчилик каби маънавий иллатлардан узоқ бўлгани, балки уларни қоралаб, бошқаларни ҳам улардан узоқ бўлишга чақиргани ҳам шундан эди.

---

<sup>745</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. "Муснадул имами Аҳмад ибн Ҳанбал"... 2-ж, 292-б.

Маълумки, ҳаёти давомида ўлим зикрини хаёлидан кочирмаган, доимо уни ёдида сақлаб юрган кишиларнинг ўлими ибратли бўлиши кузатилган. Биз ҳам имкон қадар Рожийнинг ўлим олди ҳолатларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Айтишларича, Хожажон қози домла Рожий ўлими олдидан бир оз бемор бўлади. Зиёратчилар келганида уларга: "Агар соғайиб кетсам, сидқидилдан бир марта "Аллоҳ-ҳ" дейман", – дейди. Унинг бу сўзига ҳайрон бўлган зиёратчиларга: "Кишининг соғлиқ пайтида, қуввати жойида эканида ихлос билан айтган бир марталик зикри беморлик пайтидагидан афзалдир. Чунки беморликда ўз-ўзидан "Аллоҳ" дейдиган бўлиб қолади", – дейди.

Умрини Парвардигор зикрида ўтказган, ҳаётини у рози бўладиган амаллар билан зийнатлай олган Рожийнинг бундан дейиши камоли тавозе ва камтарлиги, қолаверса, келган зиёратчиларга танбеҳ бўлиши билан бирга, уни беморлик пайтида ҳам мулоҳаза ва мушоҳадани тарк этмаганидан эди.

Хожажон Хожа Рожий Марғионийнинг вафот этган санаси, куни ва ойи ҳақида хилма-хилликлар мавжуд. Унинг ўғли Абдулазизхоннинг маълумотига кўра Рожий 1918 йил 29 март куни 84 ёшда вафот этган:

*“Ҳазрат қиблагоҳимизни вафотлари 1918 йил 29 март душанба куни эди номлари Хожажон Хожа Низомиддиндурлар”.*<sup>746</sup>

Мазкур ёзув остида Шоҳ Умар қозининг қуйидаги сўзлари ёзилган: *"Юқоридаги ёзилган сўзлар жаноб Рожий домлани(нг) ўғиллари ўз ўринларида инқилоб ичра қози бўлиб турган вақтларида жаноб Хожажон Хожа вафот қилганлар шунда ўз қаламлари билан дадаларини вафотларини ёзиб қўйганлар, ҳақиқат билан ҳам Шўройи ислом даврларида ҳам бор эдилар, деб тасдиқлаб Шоҳ умар қози. 05.06.68."*

Бирок, бу ерда бир оз ноаниқлик бор. Унга кўра 1918 йилнинг 29 марти душанба эмас жума кунига тўғри келади. Агар

---

<sup>746</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 86-б.  
594

улар ой кунлари кун эътибори билан айтишган бўлишса, у ҳолда 29 эмас 24 мартга тўғри келиши керак. Агар ҳафта кунларини эътиборга олиб айтишган бўлсалар унда душанба эмас жума кунига тўғри келади. Аммо худди шу қўлёзмасининг 109 в бетида эса Рожий вафоти ҳақида бошқа сана кўрсатилган:

*"Жаноб қози домла Рожийни вафоти 1335 ҳижрий 17 шаъбонда, 1918 йилда".<sup>747</sup>*

Агар бу санани милодийга ўгирилса 1917 йил 7 июл пайшанба кунига тўғри келади.

Рожий вафоти ҳақида Пўлотжон Домла Қайюмийнинг маълумоти эса қуйидагича:

*"...Инқилоб даврида "Шўрои ислом" вақтида касал бўлуб 1918 йилнинг 9 нчи апрел панжшанба куни ўз ватанларида 80 ё 81 ёшларида вафот этдилар. Жанозага Марғилон тўлди. 40 йил қози бўлуб турдилар. Ҳавою ҳавасга, кибру сазо, мулку ашё этмай нописандликда ўтдилар. Домулла Ҳазин жанозаларига имом бўлдилар".<sup>748</sup>*

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик инситути қўлёзмалар хазинасида сақланувчи "Девони Муқимий" деб номланган қўлёзманинг сўнгги бетларидан бирида (саҳифалар рақамланмаган) номаълум котиб томонидан қалам билан қуйидаги сўзлар битилган бўлиб, у юқоридаги маълумотлар мутлақо зиддир:

*"Шоир Рожийнинг исми Хожажон қозидур. Марғилонда 1341/1922 ҳижрийда ўлган. Марсия:*

*Аҳли авлоду мулку молидин,  
Ажратиб деди Хожажон қози".<sup>749</sup>*

Рожийнинг кичик замондоши Абдулазиз Ғолиб Марғилонийнинг берган маълумот яна бошқа:

---

<sup>747</sup> Муфаззал Махдум мажмуаси... 109-б.

<sup>748</sup> Қайюмий П. Тазкираи Қайюмий... 321-324-б.

<sup>749</sup> Ўз ФАШИ инв.№7521.

*"Хўжажон қози домланинг вафоти 1335 ҳижрий, 17 шаввол, якшанба куни бўлиб, дафнлари эртаси душанба куни бўлган".<sup>750</sup>*

Милодий бўйича бу 1917 йил 5 августга тўғри келади. Бизнингча, мана шу Ғолиб Марғилоний берган қайд ҳақиқатга яқин бўлиб, кунлари ҳам санаси ҳам бир-бирига мувофиқ келмоқда. Қолаверса, Ғолиб Марғилоний тарихчи олим эди.

Хожажон қози домланинг ўлими нафақат Марғилон, балки бутун Фарғона водийси аҳолиси томонидан катта мусибат деб қарши олинади ва халқ ўзининг мутасаввиф шоири билан мунгли равишда хайрлашади.

Қози домланинг жанозаси замон алломаси Муҳаммад Юсуф Хонақоҳий Ҳазрат бошчилигида адо этилади. Уни ўзи яшаган маҳалла қабристонига дафн қиладилар. 1946 йилда йўл ўтиши муносабати билан қабри кўчирилиб шу маҳаллага яқин Хожа Порсо қабристонига кўчирилади. Рожий вафотига замондошлари тарафидан таърих-марсиялар битилган. Қўлимизда шоирнинг набираси Алмаъий ва Асий Водилий томонидан ёзилган икки марсия мавжуд.

### *Алмаъий ёзган таърих*

*Гуфто эй пири хирад баҳри тасаллий бино,  
Чист таърихи барин ҳодисайи беҳангом.  
Сар фуру бурда багуфто зи сари жон бигузашт,  
Восили ҳақ шуда аз авжи жинон ёфт мақом.<sup>751</sup> 1335 ҳ.*

**Таржимаси:** Ақлдан, бизларга тасаллий бериши учун содир бўлган бу воқеа, (қозининг ўлими) ҳақида хабар бер, дейилганида у бошини қуйи қилди ва: "Бош танадан кетди, у Ҳаққа восил бўлди ва жаннатдан жойини топди", –деди.

### *Асий Водилий ёзган таърих*

<sup>750</sup> "Баёзи Ғолиб Марғилоний"... 79-б.

<sup>751</sup> №6 қўлёзма. 60-б. Р.Файзуллаев кутубхонаси.

*Рўзики бувад чун шаби торекасту боло,  
Аз хоне шунидамки, мурбаси шўраш алоло.*

*Тореки замонро таъриху важҳе мегуфт,  
Ҳибреки рав нуҳ ҳафтанд эшонии қозии домло.<sup>752</sup> 1335 ҳ.*

**Таржимаси:** Ўша куни кундузлар кечалар каби зулматли бўлди. Бир хонадан эшитдимки, шўру-шарлар кўтарилди, деди. Замоннинг қоронғулиги бу мусибатга таърих айтди ва "Етмиш тўққиз ёшда у буюк олим дунёдан кетди", – деди.

### ***Иккинчи таърих***

*Шунидамки, он ҳибру фарзона рафт,  
Хиромид сўйи тараб хона рафт.*

*Чу фардохт дил баҳри таърихи у,  
Ду мисра аз байти сегона рафт.*

*Мағў мард у каш аз ҳажери шуд,  
Бадаргоҳи Ҳақ ҳамчу парвона рафт.*

*Кашид аз ҳаво рўй во аз мулки но,  
Бадид аз жонони ҳарифона рафт.*

*Вале монд мотам ба Фарғониён,  
Сари аҳли ирфон зи Фарғона рафт.<sup>753</sup>*

**Таржимаси:** Эшитдимки, у буюк олим бу дунёдан шодлик хонасига шитоб юриб кетди. Унинг вафоти таърихи учун дил икки мисра шеър айтди. У мард киши Ҳақ даргоҳига гўё парвонадек учиб кетди. Бу ердан юзи ва қадамини жонон ҳузурига олиб кетди. Афсуски, у Фарғона аҳли раҳнамосининг ўлими Фарғона халқига катта мотамни келтирди.

**Эслатма:** Шоир вафоти "Фарғона" сўзларининг йиғиндисидан чиқади, яъни, 1335 ҳижрий.

<sup>752</sup> Асий Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси.№2 йиғма жилд.

<sup>753</sup> Асий Водилий. Р.Файзуллаев кутубхонаси.№14 қўлёзма. 186-б.

Маълумки, Аҳли суннат вал жамоат ақидаси бўйича банда вафоти олдида Шайтон уни васваса қилиши ва имонига дахл қилиши мумкин. Рожий бир рубойида шундай ёзган эди:

*Кирдикоро, манда тоат оздур,  
Зикри фикри жумла ҳирсу оздур,  
Тўғри йўлдин оздурур Иблис мени,  
Бир иноят бирла мендин оздур.*<sup>754</sup>

Шунинг учун ҳам мўмин-мусулмон кишилар учун энг таҳликали дам – бу жон бериш соати саналади. Улар унинг ачиғи ва аламидан кўра имон гавҳарини саломат олиб кетишнинг қайғусини қиладилар. Сўфи Оллоҳёр айтганидек:

*...Кўнгил сандуқина бир бебаҳо дур,  
Ўзинг рост айлагил ё Кошифаз зурр.*

*Ўшал дур қасдина шайтони бадбахт,  
Тушубдур кўп хавохоҳи билан сахт.*

*Агар сан сақласанг раҳмат йўлидан,  
Адув қул келса на келгай қўлидан.*

*Агар бўлсанг мени ҳолимга ҳомий,  
Тўзар кулдек адувларнинг тамоми.*

Ҳазрат Навоий ёзадилар:

*Ё Раб, ўлгон чоғда жоним жисми вайрондин жудо,  
Ул бўлиб мундин жудо, сен бўлмагил андин жудо.*

*Чун жудо бўлсам мане гамноку йўқу боридин,  
Не гамимким бўлмасанг мен зору ҳайрондин жудо.*

*Нақди жон чиққанда имон гавҳарим қалбимга сол,  
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо...*

---

<sup>754</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси... 95-б.

Рожий ҳам имон билан кетишни нафақат ўзига, балки барча инсонларга истаб дуо қилган:

*Ёрдин айрилмагим истар рақиб, айрулмасун –  
Макри шайтон бирла ё Раб, ҳеч киши имонидин.*<sup>755</sup>

Аллоҳ таоло Хожажон қози домла Рожий Марғинойийни ўз раҳматига олсин! Зотан, у бир умр шундай илтижо қилиб ўтган эди:

*Юножийка Рожий сабо-а масо,  
Тараҳхам биҳи йа самиъад-дуо.*

Яъни, Эй Аллоҳ, Рожий сенга умид билан эртаю кеч дуо қилади: "Эй дуоларни эшитувчи зот, унга ўзинг раҳм қил!"

/

---

<sup>755</sup> А.Муҳаммадиев мажмуаси...26-б.

## ХОТИМА

Юртимизнинг қадимдан илм-маърифат шаҳарларидан бири бўлиб келаётган Марғилон шаҳрида XIX аср иккинчи ярми XX аср бошларида мамлакатимизда ҳукм сурган мураккаб ижтимоий-сиёсий жараёнлар даврида яшаб, ўзининг ўрни ва мавқеи билан мустақкам муҳим ўрин тутган алломалардан бири Хожажон Хожа қози Рожий Марғинович ҳақидаги мухтасар сўзимиз ниҳоясига етди.

Ўзбек давлатчилиги тарихида Қўқон хонлари даври муҳим ўрин тутиши маълум. Хонликнинг маданий-маънавий ҳаёти эса алоҳида бир тарих. Бу даврда яшаб ижод этган, турли соҳаларга оид асарлари билан айна давр маданий ва маънавий ҳаётида мустақкам ўрин тутган алломалар силсиласида Рожий Марғиновичнинг ҳам мустақкам ўрни бор. Зотан, у ўзининг бетакрор истеъдоди, илмий салоҳияти билан айна давр ижтимоий ҳаёти мўътадиллигига ижобий таъсир ўтказа олган шахс эди. Зеро, бу давр шоир ва адиблари, тарихчи ва файласуфлари, адабиётшунос ва тасаввуф шайхлари, фикҳ билимдонлари ва шариат қозилари ўртасида албатта, Рожий Марғиновичнинг иштироки борлиги ва бу соҳаларга оид унинг қатор асарлари ва мулоҳазали фикрга эга экани шундай хулоса чиқаришга сабаб бўлади.

Агар таъбир жоиз бўлса, мазкур давр зиёлилари бир шода бўлса, улар орасида Рожий Марғинович алоҳида бир дур деб айтилса, муболаға бўлмаса керак.

Рожий Марғинович тимсолида узоқ минг йиллик тарихга эга халқимиз маданияти ва маънавиятининг илдизлари не чоғлик мустақкам экани, аждодларимиз тарихнинг ҳар бир даврида илмий салоҳияти ва маънавий жасорати билан қўл етмас юксакликларга эриша олганлари яна бир исбот этилди.

Бутун жаҳон ҳамжамияти томонидан аждодларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган алломалар экани, уларнинг нафақат диний илмлар, балки дунёвий фанлар бўйича ҳам дунё халқларига устоз бўлиб



келаётгани тилга олинган давр мисолида ҳам ўз аксини топгани ҳақиқат.

Китобдан олинадиган маънавий фойдалар ҳам бир олам. Китоб бизга аждодларимиз қўллаган ва тарғиб қилган кўпдан-кўп ахлоқий қадриятларни кашф қилибгина қолмай, уларнинг ўз эгаси ва жамият кишилари ҳаётига маънавий таъсирларини ҳам кўрсатиб бериши ушбу ахлоқ меъёрларига иккиланмай, тезда амал қилишга, ҳаётга татбиқ этишга етарлидир. Айниқса, китоб ёшларимизга илм-маърифатга интилиш ва унинг хулосалари ҳақида аниқ-тиниқ тасаввурлар бериши энг катта ютуғидир.

Сўнгсўз ниҳоясида ушбу рукн остида бошланган бу хайрли иш яна давом этишини, Рожий Марғинович каби юртимизнинг ҳар бир гўшасидан чиққан халқимиз маънавиятининг узок йиллик тадрижий ривожини ва тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган аждодларимиз номи халқимизга олижаноб мақсадлар йўлида, маънавий камолот йўлида ҳамиша руҳий қувват ва кўмак бўлишини Яратган буюк Зотдан сўраб қоламиз.

## МУНДАРИЖА

## СЎЗБОШИ

РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ МЕРОСИ ИЗИДАН

РОЖИЙ ТАХАЛЛУСЛИ ШОИРЛАР

РОЖИЙ ТАХАЛЛУСИНИНГ МАЪНОСИ

РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ ЯШАГАН ДАВР

ХОЖАЖОН ХОЖА РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ

*Рожийнинг ота-оналари*

*Ҳажларим савобини сенга берсам*

*Онасини ташлаб ҳажга кетди*

*Жойнамоз устида вафот этган отин ойи*

*Бошлангич таълим*

*Рожий устоз Абдулкаримбек ҳузурда*

*Рожийнинг қироят устози*

*Рожий Марғинойий Бухорода*

*Талабалик машаққатлари*

*Машаққат ҳаммага баробар*

*Аллоҳ ризқинга кафил*

*Дарслик сомон уюми остида*

*Домланинг эшаги ўлиб қолмасин*

*Рожий қозихонада котиб*

*Мирзоликдан қозиликка*

*Аллоҳдан бошқа суянчиги йўқ*

РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ҲАЁТ

*Номий ҳазратнинг эътирофи*

*Бартольд ва Валидийнинг эътирофи*

*Бедилдан дарс олар эди*

*Сарахсда бўлган воқеа*

*Андижонда бўлган воқеа*

*Мадинада бўлган воқеа*

*Рожий ва Хонақоҳ мадрасаси*

*Маргилонда қурғоқчилик*

*Шоҳимардон зиёратгоҳи*

*Ҳазрат Али мазорининг янги биносига таърих*

*Масжид-мадрасалар қурилшида*

*Қосимхон қози қурган масжид*

*Таърих бинойи масжиди Мулла Қосимхон қози*

*Мулла Қосимхон қози қурган масжид таърихи*

*Мирсалимбой қурган масжид*

*Маҳмуд Али солган масжид*

*Саййид Акбархўжа қурган масжид*

*Таърихи меҳмонхона*

*Файзобод қишлоғидаги меҳмонхона*

*Ҳожи Қобул солган кўприк*

*Муҳаммадишоҳ хўжа қурган ҳаммом*

*Андижон zilzilаси*

*Маргилон бозорида бўлган ёнгин*

Дўкон ёнмай қолди  
 Кекирдакдан ўтганига рози бўлинг  
 Ҳамён ариққа тушган  
 Марғинов жомеъ масжиди таърихи  
**РОЖИЙ МАРҒИНОВИЧНИНГ ТАВОЗЕ ВА КАМТАРЛИГИ**  
 Нима, жаннат ҳиди келсинми?  
 Оши ҳалол қаерда?!  
 Молимиз ҳам моли мардумхўр!  
 Хोजи Муҳаммад Аълам Ўший  
 Будут бошқа одам билан кетди  
 Сизни Расулulloҳенига дафн этсак  
 Рожийнинг йиғиси  
 Рожийнинг шоҳ асари  
 Нечук жонман  
**РОЖИЙ МАРҒИНОВИЧНИНГ УСТОЗЛАРИ**  
 Домла Абдулкаримбек ким эди?  
 Рожийнинг иккинчи устози  
 Таърих вафоти Ориф марҳум  
 Рожийнинг андижонлик устози  
 Таърихи Бурҳониддинхожа Андижоний  
 Рожийнинг бухоролик устози  
**РОЖИЙ ВА УСТОЗЛАР ЭҲТИРОМИ**  
 Эшикни тирноги билан қоқсин  
 Ўтган устозларга ҳам эҳтиром  
 Устозлар зиёратгоҳида  
**РОЖИЙ МАРҒИНОВИЧ ШАРИАТ ҚОЗИСИ**  
 Ислолда қозилик одоблари  
 Тошхўжа ва Туробхўжа қозилар  
 Исҳоқ қози Исмаилulloҳ ўғли  
 Мулла Мирзо Ҳаким Шаҳрихоний  
 Бузрукхожа Хўжандий  
 Агар Фотима ўғрилиқ қилса ҳам  
 Алининг йўқолган совути  
 Кел, қасосингни ол  
 Аллоҳ сендан кўра азизроқ  
 Пойдевор талашиши  
 Отдан тушсам, талоқсан  
 Отанг бекорларни айтибди  
 Ҳукмнома 20 рақамда  
 Ҳукмнома 31 нчи рақамда  
 Ҳукмнома 8 нчи рақамда  
**РОЖИЙ МАРҒИНОВИЧ ҲАНАФИЙ МАЗҲАБ ФАҚИҲИ**  
**РОЖИЙ МАРҒИНОВИЧ ВА ХАЛҚ ДАРДИ**  
 Рожий атрофидаги кишилар  
 Узоқ кетти  
 Марғиновлик Шоҳ Умар қози  
 Зокиржон ота  
 Абдулқодир Нозик Қубогий

Исминг Тўхтасун экан  
 Намозу рўзасини тарк этмаган ҳожи  
 Тошқорабой ҳожи  
 Қабрга ўз қўли билан қўйган  
 Мулла Эминжон охунд Андижоний вафотига  
 Хожя Аттор – Муҳаммад Амин Хожя  
 Қози домладан дуо олдим  
 Меҳмонхона ва вафот таърихи  
 Уйқусида вафот этган бола  
 Музаффархўжа ва унинг ўгли вафоти  
 Сажадада вафот этган Тошболту  
 Аҳмад қори Чорчинорий  
 Икки танга  
 Муҳрга ёзилган шеърлар  
 Бўлинмас мерос  
 Қозоннинг тагини ялама!  
 Пристав билан мулоқот  
 Мени ҳам қулоқ қилшимоқчи  
**РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ НАСИХАТЛАРИ**  
 Ҳаётни ганимат билиши  
 Аҳли шарафларга насиҳат  
 Кафанимиз бошимизда  
 Ҳолоти Мулло Қаландар  
 Мулло Қаландарнинг ҳолати  
 Рожийнинг орифона насиҳатлари  
 Лаҳча чўғни босганим яши  
 Ҳожатингиз бўлса бажарайлик  
 Шикоятингни Аллоҳга айт  
 Банданинг тавфиқи Ҳақдандир  
 Қабрда бўладиган савол-жавоб  
**РОЖИЙ АСАРЛАРИДАФОНИЙ ДУНЁ ТУШУНЧАСИ**  
 Тазминли мухаммас  
**РОЖИЙ АСАРЛАРИДА ЎЛИМНИНГ ЗИКРИ**  
 Муовия ўлими олдида  
 Абдулмалик ибн Марвон ўлими олдида  
 Умар ибн Абдулазиз ўлими олдида  
 Халифа Маъмун ўлими олдида  
**РОЖИЙ МАРҒИНОНИЙ МУТАСАВВИФ**  
 Халифа Муҳаммад Обид қуддиси сирруҳу вафоти  
 Рожий сўфийлар тарафида  
 Мажнун услубини қургим келди  
 Мансурнинг дори қаерда?  
**РОЖИЙ АСАРЛАРИДА ПАРВАРДИГОР ЗИКРИ**  
**РОЖИЙ АСАРЛАРИДА ПАЙҒАМБАРИМИЗ С.А.В. ЗИКРЛАРИ**  
 Таърифи Мадина  
 Наъти Рожий  
 Мавлоно Муъин газалига тахмис  
 Рожий асарида Қуръони карим зикри

## РОЖИЙ МАРГИНОНИЙ ВА ЗАМОНДОШЛАРИ

*Рожий ва Миён Фазл Аҳад**Рожий ва Сафохон тўра**Насриддинбек саройи**Рожий Маргиноний ва Раҳматуллоҳ Хожжа**Рожий Маргиноний ва Абдуррауф Рошидоний**Хожжа Эгиз зиёратгоҳи**Ўзини осиб қўйди**Рожий ва Домла Боқий Учқўрғоний*

## РОЖИЙ МАРГИНОНИЙ ВА САЙИИД АВЛОДЛАРИ

*Эшон Пошихоҳон тўра гўмбазига**Собирхон тўра меҳмонхонаси**Сайиид Музаффархон тўра вафоти**Асакахон тўра**Маҳмудхон қози Андижоний**Мулла Сайиид Аҳмадхон қози Маргиноний**Рожий ва Камолиддинхожа Косоний**Сайиид Жалолхон тўра*

## РОЖИЙ МАРГИНОНИЙНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ

## РОЖИЙ МАРГИНОНИЙ МОҲИР БЕДИЛХОН

*Ҳиндистонлик бедилхонлар эътирофи**Рожий ва Навоий**Рожий ва Нодира*

## РОЖИЙ МАРГИНОНИЙНИНГ ВАФОТИ

*Ўлим олдидан**Алмағий ёзган таърих**Асий ёзган таърих*

ХОТИМА